

# Садоқат лаззати

Шри Шримад  
А.Ч Бхактиведанта Свами Прабхупада ба-  
ён этган Шрила Рупа Госвамининг  
“Бхакти-расамрита-синдху”  
асари

## Нектар преданности

Москва - 1991. Бхактиведанта Бук Траст  
ISBN 5-86175-007-6

Перевод на узбекский  
На правах рукописи

Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг  
ўзбек тилида нашр этилган асарлари

Шри ишопанишад  
Ўзликни англаш таолимоти  
Насихатлар лаззати  
У дунёдаги ҳаёт  
Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади  
Бошқа сайёраларга енгил саёҳат  
Йога камолоти

Нашрга тайёрланаётган асарлари:  
Асл ҳолидаги "Бхагавад-гита"  
Садоқат лаззати(Нектар преданности)  
Худонинг хоҳиши(**Послание бога**)  
Бхакти-йога (Высшая система йоги)  
Камолот йўли (Путь к совершенству)  
Бебаҳо неъмат (Бесценный дар)  
Кришнани англаш- энг буюк йога.(Сознание Криш-  
ны- высшая йога )  
Қалбингга назар сол (Путешествие вглубь себя)  
Раджа-видья - илмлар шоҳи (Раджа-видья царь зна-  
ний)  
Илм ўргатиш - бизнинг бурчимиз (Проповедь - на-  
ша миссия)

Вриндаванда яшаган  
олти Госвамига мурожаат

*нана-шастра-вичаранаика-нипунау сад-  
дхарма-самстхапакау  
локанам хита-каринуау трибхуване манйау ша-  
ранйакарау  
радха-кришна-падаравинда-бхаджананандена  
матталикау  
ванде рупа-санатану рагху-йугау шри-джива  
гопалакау*

“Инсоният бахт-саодатини ўйлаб, ҳақиқий мангу дин қонунларини аниқлаб, тасдиқлаш учун барча муқаддас китобларни чуқур ўрганиб чиққан олти Госвами (Шри Санатана Госвами, Шри Рупа Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами) олдида мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Шу меҳнатлари шарофати билан уларнинг шуҳрати бутун уч оламга таралди. Биз улардан паноҳ излашимиз лозим, чунки улар ҳаминша Вриндавандаги гопиларнинг илоҳий кайфиятига ғарқ бўлиб Радха ва Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда банд бўлиб яшайдилар”.

## Сўз боши

"Садоқат лаззати" Шрила Рупа Госвамининг санскрит тилида ёзган "Бхакти-расамрита-синдху" асарининг қисқача баёнидир. Шрила Рупа Госвами Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг бевосита шогирдлари бўлган олти Госвами ичида каттаси эди. Шрила Рупа Госвами Прабхупада Парвардигор Чайтанья билан биринчи бор учрашган вақтда Бенгалиядаги мусулмон ҳукуматида вазир лавозимида ишларди. Шу пайтлар уни Дабир Кхас, унинг укасини эса - Сакар Маллик деб атардилар; улар иккови ҳам Набоб Ҳусайн Шох ҳукуматида вазир бўлиб хизмат қилардилар. Ўша пайтларда, бундан беш юз йил аввал, индуслар диний қонун-қоидаларга қатъий амал қилардилар, агар браҳманлар тоифасига мансуб бўлган бирор одам мусулмон ҳукуматида ишга кирса, дарров у браҳманлик мартабасидан маҳрум қилинарди. Ака-ука браҳманлар - Дабир Кхас ва Сакар Маллик ҳам ана шундай аҳволга тушиб қолган браҳманлар эди. Улар аввал жуда обрўли сарасвата-браҳманлар табақасига мансуб одамлар эди, аммо Ҳусайн Шохнинг ҳукуматида ишга кирганлари сабабли ўз мартабасидан айрилдилар. Фақат Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан бу олижаноб инсонлар Унга шогирд бўлиб, браҳманлар маданиятида одам эгаллай олиши мумкин бўлган энг юксак мартаба - “Госвами” да-

ражасига кўтарилдилар. Парвардигор Чайтанья мусулмон оиласида туғилган Харидас Тхакурни ҳам Ўзига шогирдликка қабул қилди. Кейинчалик Парвардигор уни Худонинг муқаддас номлари - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - маха-мантрани зикр қилиш устози қилиб етиштирди.

Парвардигор Чайтанья амал қилган қонун ҳаммабоп қонундир. Бу қонунга кўра Кришна ҳақидаги илми биладиган ҳар қандай одам ҳам брахман оиласида турган одамдан юқорироқ мартабага эга бўлади. Бу - ведалар фалсафасининг барча ведавий битикларда, айниқса, "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам"да баён қилинган азалий қонунидир. Парвардигор Чайтанья ҳаракати ҳар бир одамни руҳий илм ўргатиш жараёнида Госвами даражасига кўтариш қонунига асосланган ва "Садоқат лаззати" асари ҳам бизни шунга ўргатади.

Парвардигор Чайтанья икки ака-ука Дабир Кхас ва Сакар Малликни Малдах вилоятининг Рамакели қишлоғида учратди, шу учрашувдан кейин ака-укалар ҳукуматдаги лавозимидан воз кечиб, Парвардигор Чайтаньяга ҳамроҳ бўлишга қарор қилдилар. Кейинчалик Шрила Рупа Госвами бўлган Дабир Кхас ҳукуматдаги хизмати давомида тўплаган барча бойликларини олиб, лавозимини тарк кетди. "Чайтанья Чаритамрита"да баён қилинганга қараганда унинг жамғармаси жуда катта бўлиб, катта қайиқ тўла олтин тангани ташкил этган. У ўзининг бутун бойлигини бошқалар ўрناق олса арзийдиган қилиб тақсимлаган - даромадини сарфлашда ундан ҳамма, айниқса, Худонинг содиқлари албатта ўрناق олишлари керак. Бутун бойлигининг ярмисини у Кришна онгида бўлган одамларга - брахманларга ва вайшнавларга, тўртдан бирини - қариндошларига, қолган чорак қисмини эса, кутилмаган ҳолларда, жуда зарур бўлган пайтда шахсий эҳтиёжи учун ишлатиш ниятида ўзига қолдирди. Кейинроқ, Сакар Маллик ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзганида Хусайн Шох ғазабланиб, уни қамоққа ташлади. Лекин, кейинчалик Шрила Санатана Госвами бўлган Сакар Маллик, акаси ўзининг шахсий эҳтиёжи учун асраб, қишлоқдаги судхўрга бериб қўйган пулларидан фойдаланиб, Хусайн Шохнинг қамоқхонасидан қочиб кетди. Шу тариқа икки ака-ука Парвардигор Чайтанья Махапрабхуга ҳамроҳ бўлдилар.

Шрила Рупа Госвами Парвардигор Чайтаньяни Прайаг(ҳозирги Оллоҳобод)да учратди. Мана шу муқаддас шаҳарда, Дашашвамедха гхатаси ёнида Парвардигор ўн кун давомида унга насихатлар берди. Парвардигорнинг насихатлари асосан Кришнани англаш таълимоти ҳақида эди. Парвардигор Чайтаньянинг Шрила Рупа Госвамига шу ерда берган насихатлари бизнинг "Шри Чайтанья таълимоти" номли асаримизда баён этилган.

Кейинроқ Шрила Рупа Госвами Прабхупада муқаддас китоблардан олган чуқур билимига асосланиб, ҳар хил ведавий асарлардан келтирилган далиллар билан Парвардигорнинг таълимотини кенгайтди. Шрила Шриниваса Ачарья олти госвамига қилган илтижоларида айтганки, уларнинг ҳаммаси жуда қобилятли, билимдон, олим одамлар бўлган, муқаммал равишда санскрит тилини, форс ва араб тилларини билганлар. Улар ишонарли ведавий илм асосида Парвардигор Чайтанья Махапрабхуга сиғинишни тасдиқлаш учун барча ведавий битикларни чуқур ўрганиб чиққанлар. Биз ташкил этган "Кришнани англаш Халқаро жамияти" Шрила Рупа Госвами Прабхупаданинг обрўсига, у қолдирган ишончли таълимотга асосланган, шунинг учун одатда бизларни "рупанугалар", яъни, "Шрила Рупа Госвамининг издошлари" деб атайдилар. Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" (бизнинг тилимизда "Садоқат лаззати") асарини бизларга амалий қўлланма сифатида ёзиб қолдирган. Кришнани англаш Халқаро ҳаракатида қатнашаётган одамлар Кришна онгида мустаҳкам туриш учун мана шу буюк асардан фойдаланишлари мумкин.

*Бхакти* ибораси "садоқат билан хизмат қилиш" деган маънони билдиради. Ҳар қандай хизмат қилиш ҳам, одамни шу ишни давом эттиришга ундайдиган ўзининг қандайдир ёқимли хусусиятларига эга бўлади. Бу дунёда бизларнинг ҳар биримиз ҳаммиша кимгадир ёки нимагадир хизмат қиламиз, хизмат қилишдан олаётган лаззатимиз эса, бизни хизмат қилишда давом этишга ундайди. Оилали одам хотини ва болаларига боғланиб қолгани сабабли кеча-кундуз тиним билмай меҳнат қилади. Ватанпарвар одам эса, катта оиласи(ватани)га бўлган муҳаббатини изҳор этиш учун, миллатпарвар одам эса, ўзининг миллатига хизмат қилиш учун меҳнат қилади. Оилали одамни, ватанпарварни, миллатчи одамни хизмат қилишга ундаб, илҳомлантириб турган куч - *раса* деб аталади. *Раса* деганда жуда ширин бўлган қандайдир муносабатларни тушуниш керак. Бхакти-раса, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган дунёвий одамлар ҳис қилиб, лаззатланадиган расадан фарқ қилади. Дунёвий одамлар "ҳиссий лаззатлар" деб аталадиган қайсидир раса тури билан лаззатланиш ниятида кечаю-кундуз меҳнат қиладилар.

Моддий раса билан лаззатланиш ўткинчи, вақтинчалик жараён, шунинг учун дунёвий одамлар ҳаммиша лаззат турларини ўзгартиришга, хилма-хил расалар билан лаззатланишга интиладилар. Ҳафта давомида ишлаб, бизнесмен ўз меҳнатидан қаноатланмайди, шунинг учун иш ҳақида бутунлай унутиш ниятида фаолиятини ўзгартириб, икки кунга дам олишга чиқади. Ҳеч нарсани ўйламай, бемаъни ўтган дам олиш кунлари тугаганидан кейин, у яна расани ўзгартириб, аввалги ишларига қайтади. Дунёвий фаолият шундан иборатки, одам биров вақт давомида қандайдир ҳолатда юради,

кейин уни бошқа ҳолатга ўзгартиради. Тез-тез ўзгариб турадиган ана шундай ҳолатлар учун санскрит тилида *бхога-тйага* деган махсус ибора ишлатилади, унинг маъноси “ҳиссий лаззатланиш ва ундан юз ўгиришнинг алмашиб туриши” деганни англатади. Ҳиссий лаззатланиш ҳолати ҳам, ундан воз кечиш ҳолати ҳам тирик мавжудотнинг мангу ҳолати бўла олмайди. Ҳиссий лаззатлар дарров тамом бўлади, шунинг учун улар *чапала-сукха*, “ишониб бўлмайдиган бахт” деб аталади. Масалан, агар кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаб юрган оилали одам оиласи аъзолари яшаши учун кулай шароит яратишга муваффақ бўлди, дейлик. У ўзининг эришган ҳолатидан қаноатланиб, албатта, қандайдир лаззат олади, лекин танаси ҳалок бўлган заҳоти у эришган мана шу дунёвий бахти бир зумда йўққа чиқади. Шунинг учун ажал, ўлимни - Парвардигорнинг бу дунёдаги Худосиз атеистлар билан иш кўрадиган ишончли вакили деб атайдилар. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг мавжудлигини Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида кўрадилар, худосиз атеист одам эса, Парвардигорни умрининг охирида Ажал киёфасида кўради. Ажал етиши билан бу дунёда эришилган ҳамма моддий нарсалар ғойиб бўлади, тирик мавжудот янги, ўзининг мангу ҳаётининг янги бобини ҳозиргисидан яхши ёки ёмон шароитда бошлашга мажбур бўлади. Бу дунёда ҳар қандай - сиёсий, ижтимоий, миллий ёки халқаро соҳада эришган ютуқларимизнинг барчасини Ажал бир зумда йўққа чиқаради. Бу ҳеч ким инкор этолмайдиган ҳақиқатдир.

Аммо, бхакти-раса, Худога садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан олинадиган лаззат ажал келиши билан тўхтаб қолмайди. Бундай лаззат мангу давом этаверади ва шунинг учун *амрита*, яъни “адо бўлмас, туганмас, мангу” деб аталади. Буни барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. “Бхагавад-гита”да айтилганки, бхакти-расада эришилган озгина ютуқ ҳам содиқ хизматкорни энг катта хавф-хатардан, яъни яна бир марта инсон бўлиб туғилиш имкониятини йўқотиб қўйиш хавфидан халос этади. Биз ижтимоий, оилавий ҳаётда, яъни алртруизм, филантропия, миллатпарварлик, социализм, коммунизм ва бошқа дунёвий соҳаларда фаолият кўрсатишдан олаётган раса(лаззат) бизга кейинги ҳаётда яна одам бўлиб туғилишга қафолот бера олмайди. Биз кейинги ҳаётимизда ким бўлиб туғилишни ҳозирги ҳаётимиздаги ишларимиз билан ўзимиз белгилаймиз. Тирик мавжудотнинг кейинги ҳаётидаги танасининг тури ҳозирги танасида кўрсатаётган фаолиятига боғлиқ бўлади. Тирик мавжудотнинг қилаётган барча амалларини *даива*, яъни “Худонинг ҳукми” деб аталадиган олий куч ҳисобга олиб боради. “Бхагавад-гита”да бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси *даива* деб аталган, “Шримад Бхагаватам”да *даива-нетрена* ҳақида, яъни инсон кейинги ҳаётида қандай тана олишини белгиладиган Худонинг амри ҳақида ёзилган. Даиванинг

амри билан биз 8.400.000 турли таналар ичидан танлаб олинган бирор танага эга бўламиз; биз танани ўз истагимиз билан танлаб олмаймиз - у бизнинг қилган ишларимизга қараб тақдиримизга белгилаб қўйилган бўлади. Агар ҳозирги ҳаётимизда бизнинг танамиз Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлса, бизга кейинги ҳаётимизда ҳеч бўлмаса инсон танасида туғилиш қафолоти берилади. Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган киши, - ҳатто у бхакти-йоганинг юқори поғонасига кўтарила олмаса ҳам, кейинги ҳаётида инсонлар жамиятининг юқори табақасига мансуб хонадонда туғилади, шу билан у бхакти-йогада камолотга эришиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ишонарли манбаларда тасдиқланган Худонинг хоҳишига мос ҳолда, яъни Кришна онгида кўрсатилаётган фаолият *амрита*, мангу ҳисобланади. “Садоқат лаззати” асарининг асосий мавзуси шундан иборат.

“Садоқат лаззати” илмини ўрганган жиддий, заковатли ўқувчи бхакти-раса доирасидаги мангу фаолият қандай бўлишини тушуниб олади. Бхакти-расани, яъни Кришна онги билан яшашни қабул қилган одамнинг ҳаёти шу заҳотиёқ қувончга, бахтга тўлади, у ҳаётда учрайдиган барча ташвишлардан халос бўлади, Кришна онги унга илоҳий ҳаёт ато этади, унга ҳатто руҳий озодликка чиқиш ҳам арзимас нарса бўлиб қолади. Бхакти-раса ўз-ўзидан одамга руҳан озодлик туйғусини бағишлайди, чунки бхакти-раса Парвардигорнинг, Парвардигор Кришнанинг диққатини ўзига жалб этади. Тажрибасиз содиқлар одатда Парвардигорни, Кришнани кўришни жуда истайдилар, аммо, Уни ҳозирги кўпол моддий сезгилар ёрдамида кўришнинг иложи йўқ. “Садоқат лаззати”да таърифланган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, инсон аста-секин моддий тасаввурлар асосида ҳаёт кечиришдан юқори кўтарилади ва руҳий ҳолатга эришади, шунда барча ташқи, сохта қиёслашлардан халос бўлади. Шунда, унинг ҳамиша бхакти-раса билан боғланиб юрган сезгилари моддий иллатлардан покланади. Покланган ҳиссиёти Худога садоқат билан хизмат қилишда банд бўлиб яшаётган содиқнинг ҳаёти бхакти-раса ҳолатида бўлади. Ана шундай илоҳий ҳолатда Кришнани мамнун қилиш мақсадида қилинган ҳар қандай ҳаракат содиққа чексиз лаззат бағишлайди. Одам Худога ана шундай садоқат билан хизмат қилиб юрганида ҳар хил расаларнинг барчаси мангу табиатга эга бўлади. Аввалига содиқ ачарйа, руҳий устоз раҳбарлиги остида, маълум қонун-қоидаларга амал қилиб, Худога хизмат қилишни ўрганади, кейин аста-секин у шундай ҳолатга эришадики, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш унинг учун табиий, ўз-ўзидан бўладиган эҳтиёжга айланиб қолади. Мазкур асарда таърифланишича, бхакти-расанинг ўн икки тури мавжуд. Бошланғич беш раса доирасида Кришна билан ўзаро муносабатларимизни қайта тиклаб,

биз илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эриша оламиз.

Севишга эҳтиёж ҳар биримизнинг табиатимизда бор. Бу - ҳаётнинг асосий қонунидир. Ҳеч кимни севмасдан яшашнинг иложи йўқ. Муҳаббат туйғусига эҳтиёж ҳар бир тирик мавжудотнинг табиатида бор. Севишга эҳтиёж фақат одамларда эмас, мудроқ ҳолда бўлса-да, бу эҳтиёж ҳатто йўлбарсда ҳам бор. Ҳамма ҳаётда бахтиёр яшаши учун биз севишга бўлган ана шу эҳтиёжимизни кимга йўналтириш лозимлигини билмаймиз. Ҳозирги даврда жамият одамга ватанни, оилани, ёки ўзини севишни ўргатади, лекин, ҳаётда ҳамма бахтиёр яшаши учун севишга бўлган эҳтиёжимизни қаерга йўналтириш лозимлиги ҳақида бизга ҳеч ким ҳеч нарса ўргата олмайди. Бизнинг севиш туйғумизга етишмайдиган, биз билмайдиган мана шу зот - Кришна. "Садоқат лаззати" бизга қалбимизда мудраб ётган, Кришнага бўлган муҳаббат туйғусини қандай уйғотишни ўргатади, шунда ҳаётда ҳақиқатан ҳам лаззатланиб яшаш мумкин бўлади.

Ҳаётининг аввалида ёш бола ўзининг отонасини севади, кейин ака-укаларини, орасингилларини, ўсиб-улғайганидан кейин ўзининг оиласини, жамиятини, ватанини, миллатини ёки бутун инсониятни сева бошлайди. Лекин, ҳатто бутун инсониятга бўлган муҳаббат ҳам бизнинг севишга бўлган эҳтиёжимизни қаноатлантира олмайди. Токи биз севишимиз лозим бўлган Олий Зот ким эканини билиб олмагунимизча севишга бўлган эҳтиёжимизни тўла қондира олмаймиз. Биз муҳаббатимизни Кришнага йўналтирганимиздагина севишга бўлган эҳтиёжимизни тўла қаноатлантиришимиз мумкин. Мана шу "Садоқат лаззати" асарининг асосий мавзусидир. Бу китоб инсонга қандай қилиб Кришнага беш хил илоҳий расада муҳаббат уйғотишни ўргатади.

Бизнинг севишга бўлган эҳтиёжимиз товуш ёки нурнинг фазода таралишига ўхшаб, ҳамиша кенгайиб боради, аммо биз бу муҳаббат аслида кимга аталган эканини билмаймиз. "Садоқат лаззати" бизни оддий усул - Кришнани севиш ёрдамида қандай қилиб қалбимизда барча тирик мавжудотларга нисбатан мукамал муҳаббат туйғусини уйғотиш мумкинлигини ўргатади. Инсонлар жамиятида тинчлик ва осойишталик ўрнатиш ниятида қилинган шунча катта иш - Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш ҳам кутилган натижани бермади, чунки одамлар бунга қандай эришишининг йўлини билмайдилар. Бунинг йўли жуда осон, аммо уни фақат соғлом фикрлай оладиган одамгина тушуна олади. "Садоқат лаззати" ҳаммани Кришнани, Худонинг Олий Шахсини севиш билан мана шу оддий ва табиий йўлдан қандай боришга ўргатади. Агар биз Кришнани севишни ўргансак, бир вақтнинг ўзиде бутун инсониятни, барча тирик мавжудотларни севишни ўрганиш қийин бўлмайди. Бу худди дарахтнинг илдизига сув қуйиш ёки ошқозонни овқат билан

тўйдиришга ўхшайди. Биз ўз тажрибамиздан биллашимизки, бу усул - дарахтнинг илдизини суғориш ёки ошқозонни тўйдириш - илмий, амалий ва ҳаммага тушунарли қонун. Ҳамма биладикимиз, биз овқатланганимизда ундан оладиган қувватимиз бутун танага тарқалади. Худди шундай, агар биз дарахтнинг томирини суғорсак, бундан дарахтнинг, у қанчалик катта бўлмасин - дарахтнинг бутун танаси озикланади. Дарахтнинг айрим қисмларини суғориш - худди тананинг айрим қисмларини озиклантиришга уриниш сингари бемаъни иш. "Садоқат лаззати" бизга бир пасда ҳамма жойни нурафшон қиладиган ёруғликни ёқишнинг тугмачасини қандай топишни ўргатади. Ана шу усулни билмаган одам ҳаётида энг асосий нарсани эсидан чиқарган бўлади.

Ҳозирги замонда инсоният тараққиёти одамларнинг моддий

эҳтиёжларини қондиришда ва тана учун ҳар хил қулайликлар яратишда анча муваффақиятларга эришди, аммо одамлар ҳаётда барибир бахтсиз яшаштилар, чунки асосий нарсани эсдан чиқарганлар. Танамиз учун яратилган қулайликлар ўз-ўзидан бизни бахтиёр қила олмайди. Бунга Америка ёрқин мисол бўла олади: жаҳондаги энг бой мамлакат, ҳаёт кечириш учун барча моддий нарсалар яратилган бўлишига қарамай, бу жамият яшашдан ҳафсаласи пир бўлган, адашган бахтиқаро одамлар, яшаш жонига теккан одамлар билан тўла. Мен ҳаётда адашиб, умридан қаноат топмай юрган барча одамларга мурожаат қилиб, уларни "Садоқат лаззати"да таърифланган Худога садоқат билан хизмат қилиш санъатини ўрганишга чақираман, ишончим комилки, уларнинг қалбида ловуллаб турган дунёвий ҳаёт кечириш олови шу захотиёқ сўниб, азоб беришдан тўхтайдиган. Ҳаётдан ҳеч қаноат топа олмаётганимизнинг асосий сабаби шундаки, биз моддий жиҳатдан шунча тараққиётга эришсак ҳам, қалбимизда мудраб ётган муҳаббат туйғуси уйғонмаган, кимнидир севишга бўлган эҳтиёжи қонмай қолган. "Садоқат лаззати" бизга бу дунёда яшаб туриб, қандай қилиб бутун ҳаётимизни Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашни, шу билан бирга ҳозирги ҳаётимизда ҳам, кейинги ҳаётимизда ҳам қалбимиздаги барча орзу-умидларимизни қандай амалга ошириш мумкинлигини ўргатади. "Садоқат лаззати"нинг мақсади бировларнинг дунёвий ҳаёт билан қандай яшаб юрганини қоралаш эмас, аксинча оддий одамларга, файласуфларга, дин арбобларига қандай қилиб қалбида Парвардигорга, Парвардигор Кришнага муҳаббат туйғусини уйғотишни ўргатишдан иборат. Инсон ҳаётда моддий қулайликлардан воз кечмай яшайвериши мумкин, лекин айна пайтда у Кришнани, Худони севиш санъатини ўрганиши лозим. Биз ҳозирги даврда севишга бўлган эҳтиёжимизни қондириш учун шунча нарсалар ихтиро қилганмиз, аммо севиш лозим бўлган асосий Зот - Кришнани эсдан чиқариб қўйганмиз. Биз дарахтнинг ҳамма жойига

сув куйиб юрибмиз, фақат илдизига сув куймаяпмиз. Бор кучимиз билан танамизни парваршлагга ҳаракат қиламиз, аммо ошқозонга овқат беришни билмаймиз. Кришнани эсдан чиқариш билан биз ўзимизнинг ҳақиқий ўзлгимизни, яъни “мен”ни унутиб қўямиз. Инсоннинг ҳақиқий ўзлиги - “мен”ни англаши Кришнани англаш билан баробар, бир хилда боради. Одамнинг эрталаб ўзини кўриши - ёруғликни, қуёшни кўриши билан бир вақтда рўй беради. Қуёшнинг чиққанини, яъни ёруғликни кўрмай туриб, одам ўзини кўра олмайди. Худди шундай, токи биз Кришнани англамас эканмиз, ўзимизни англаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

"Садоқат лаззати" асари асосан Кришнани англаш Халқаро ҳаракатига қўшилган одамлар учун мўлжалланган асардир. Мен Кришнани англаш ҳаракатини ғарбий давлатларда кенг ёйишда ёрдам бераётган дўстларимга ва шогирдларимга чексиз миннатдорчилик изҳор этаман, айниқса, сеvimли шогирдим Шриман Джайананда брахмачарига бу ишга қўшган ҳиссаси учун алоҳида миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, бу буюк асарнинг чоп этилишига шунчалик ҳаракат қилган ИСК-КОН-пресс нашриёти раҳбарларидан жуда миннатдорман.

Харе Кришна.

А. Ч. Бхактиведанта  
Свами.

13 апрел 1970 йил.  
ИСККОНнинг асосий эҳроми.  
Вотиска Авеню 3764, Лос-Анжелес, Калифорния.

## Кириш

### Бошлаган ишни муваффақият билан ниҳоясига етказиш ҳақида илтижо.

Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабаблар сабабчиси, барча раса(муносабат)лар макони, хусусан: нейтрал(сушт сиғиниш), хизмат қилиш, дўстлик, ота-оналардай севиш, ошиқлардай севиш, шодлик, ҳамдардлик, кўркув, олижаноблик, даҳшатга тушиш, ҳайратланиш ва тушкунликка тушиш. Унинг қиёфаси - энг олий даражада маҳлиё этиш тимсоли. Ўзининг мафтункор фазовий ва илоҳий қиёфаси билан У Тарака, Палика, Шйама, Лалита ва ниҳоят Шримати Радхарани бошлиқ барча гопиларни Ўзига мафтун қилган. Илоҳий Ҳазрат Шри Шримад Бхактисидханта Сарасвати Госвами Прабхупаданинг бизга берган кўрсатмаси билан "Садоқат лаззати" асарини ёзиб, ўз бурчимизни бажариш йўлида учрайдиган барча тўсиқларни енгишда биздан ана шу Парвардигор Ўз марҳаматини аямасин!

Мен чуқур эҳтиром билан Шрила Рупа Госвами Прабхупаданинг ва Шрила Бхактисидханта Сарасвати Госвами Прабхупаданинг нилуфар қадамлари пойига сажда қиламан; айнан улар мени "Бхакти-расамрита-синдху" асарини баён этишдек катта ишга қўл уришга илҳомлантирдилар. Бу асарда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғвор таълимоти, бутун жаҳонга Кришнани англаш ҳаракатини тарқатиш учун Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия вилоятида беш юз йил олдин ерга тушган Шри Чайтанья Махапрабху уни қандай тарғибот қилган бўлса, ҳеч ўзгаришларсиз шундай ҳолда баён этилган.

Шрила Рупа Госвами ўзининг буюк асарини акаси ва руҳий устози Шрила Санатана Госвамига чуқур эҳтиром билан сажда қилиб, бу "Бхакти-расамрита-синдху" асари унга лаззат келтиришини илтижо қилишдан бошлайди. Кейин у мана шу шарбат оқимиға ғарқ бўлиб, Шри Санатана Госвами Радха ва Кришнага хизмат қилишнинг илоҳий лаззатини ҳамиша ҳис қилиб юришини тилайди.

Мен чуқур эҳтиром билан барча буюк содиқлар ва ачарйалар олдида сажда қиламан - уларни ҳар хил озодлик дарёларига эътибор бермайдиган, илоҳий шарбат уммонидаги катта акулаларга ўхшатадилар. Парвардигорга қўшилиб кетиш ғоясига боғланиб қолган имперсоналистлар океанга қараб оқадиган ва унга бориб қуйиладиган дарёларга ўхшайди. Океанни озодликка чиқишга, дарёларни эса - озодликка олиб чиқувчи ҳар хил йўлларга ўхшатиш мумкин. Имперсоналистлар охир-оқибатда, барибир, океанга бориб қуйиладиган дарёларда яшайдилар, аммо, океан ҳам худди дарёлар сингари сон-саноксиз ҳар хил тирик мавжудотларга тўла эканидан улар мутлақо беҳабар. Океанда яшайдиган акулаларни океанга қуйиладиган дарёлар умуман қизиқтирмайди. Содиқлар ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш уммонида яшайдилар ва озодликка чиқиш дарёлари билан қизиқмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг соф содиқ хизматкори бўлган одам ҳамиша Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш океанида яшайди ва уни Худога эришишнинг, барибир, океанга бориб қуйиладиган дарёларга ўхшатадиган бошқа йўллари қизиқтирмайди.

Шрила Рупа Госвами руҳий устози Шрила Санатана Госвамидан илтижо қилиб, "Бхакти-расамрита-синдху" - "Худога садоқат билан хизмат қилишнинг соф шарбати уммони"ни Худога хизмат қилиш илмига ювилмаган қошиқдай берухсат кириб келаверадиган, баҳсга чанқоқ, чиллаки файласуфлардан ҳимоя қилишни сўрайди. Уларнинг мантиқий далилларини у океан ўртасида баъзан отилиб турадиган вулканга ўхшатади. Бундай вулкан океандаги ҳеч кимга сезиларли зарар етказа олмайди. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилишга қарши чиқиб, ўзликни англаш, илоҳий даражага кўтарилиш ҳақида ҳар хил фалсафий ғояларни ўйлаб топадиган одамлар ҳам

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг буюк уммонининг осойишталигини буза олмайди.

"Бхакти-расамрита-синдху"нинг муаллифи Шрила Рупа Госвами, бундай ишлар билан шуғулланишга мутлақо муносиб эмаслигини камтарин ҳолда тан олиб, фақат Кришнани англаш таълимотини бутун жаҳонга ёйишга уриниб кўрмоқчи эканини айтади. Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг Шрила Рупа Госвами изидан бораётган барча тарғиботчилари ҳам, ўзлари ҳақида ҳамиша ана шундай фикрда бўлишлари лозим. Содиқ ҳеч қачон ўзини "буюк тарғиботчи" деб ҳисобламаслиги керак, у ҳамиша ўзини "аввалги ачарйаларнинг қўлидаги бир қурол" деб билиши керак. Фақат уларнинг изидан борсақкина биз бу дунёда мусибат чекаётган инсониятнинг бахт-саодати учун бирор эзгу иш қилиш имкониятига эга бўламиз.

Баъзида Тинч океанини тўрт қисмга бўлганлари сингари, "Бхакти-расамрита-синдху" асари ҳам тўрт қисмдан иборат, бу қисмлар ҳам ўз навбатида алоҳида бўлимларга бўлинган. "Бхакти-расамрита-синдху" океанида ҳам, сув океанидаги сингари, шарқий, ғарбий, шимолий ва жанубий қисмлар бор, унинг бўлимлари эса, тўлқинлар деб аталади. Худди океаннинг қайси қисмини олманг - шарқий, жанубий, ғарбий ёки шимолий - ҳамиша, албатта, тўлқинлар мавжуд бўлгани сингари, "Бхакти-расамрита-синдху" уммонида ҳам ҳар хил тўлқинлар бор. Биринчи қисм тўрт тўлқиндан иборат:

1. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг таърифи,

2. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тартибга солувчи қонун-қоидалари,

3. Жазава ҳолатида Худога садоқат билан хизмат қилиш,

4. Якуний мақсад - Худога муҳаббат ҳақида.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мана шу турлари, улар намоён бўладиган ҳар хил кўринишларда "Садоқат лаззати" асарида батафсил таърифланган.

*Бхакти*(Худога садоқат билан хизмат қилиш)нинг аввалги устозлар насихатларига мос келадиган таърифи Шрила Рупа Госвамининг кўйидаги сўзлари билан ифодаланиши мумкин: "Худога садоқат билан қомил хизмат қилиш инсоннинг Худога ихлос билан хизмат қилган ҳолда Кришна онгига бутунлай ғарқ бўлишга интилишида намоён бўлади". Бу ерда шу назарда тутилганки, Кришнага нисбатан салбий муносабатда бўлиб ҳам Кришна онгида бўлиш мумкин, лекин ундай ҳолат Кришнага соф садоқат билан хизмат қилиш бўлмайди. Соф садоқат билан хизмат қилиш моддий манфаат кўриш ёки ҳиссий лаззат олиш истайдиган мутлақо пок бўлиши лозим, чунки бу истаклар кармали фаолият ва ақлий фикрлашлар жараёнида юзага келади. Одамлар асосан моддий манфаат кўриш ниятида ҳар хил фаолият билан машғул бўладилар, файласуфларнинг аксарият

кўпчилиги эса ўзларининг тахминлари ва чигал иборалари билан тўлган асарлар ёзиб, илоҳий табиат ҳақида фикр юритадилар. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш кармали фаолият ва фалсафий фикрлашлар иллатидан мутлақо пок бўлиши лозим. Кришна онги билан яшашни, яъни Худога соф садоқат билан хизмат қилишни Худога муҳаббат билан хизмат қилиш жараёнида ишонарли руҳий устозлардан ўрганиш лозим.

Худога садоқат билан хизмат қилиш - ўзига хос амалий жараёндир. Бу - фақат иш қилиш ёқмайдиган дангасалар ёки тинчгина муруқабда ўтиришни ёқтирадиган бекорчи одамлар фойдаланиши мумкин бўлган, ҳар қандай фаолиятдан воз кечиш усули эмас. Ундай одамлар учун бошқа ҳар хил усуллар мавжуд, аммо Кришнани англаш жараёни улардан бутунлай фарқ қилади. Шу аснода Шрила Рупа Госвами ишлатган ибора - *анушилана* - "аввалги устозлар изидан боришга асосланган амалий жараён" деб аталади. "Амалий жараён" фаолият демакдир. Фаолиятсиз шунчаки англаб етишнинг ўзи бизга ёрдам беролмайди. Фаолиятнинг икки тури мавжуд: 1. Қандайдир мақсадга эришиш учун қилинадиган фаолият; 2. Қандайдир ноқулай вазиятлардан қутулиш, уларнинг олдини олиш учун қилинадиган фаолият. Санскрит тилида фаолиятнинг бу икки тури *правритти*(ижобий) ва *нивритти*(салбий) деб аталади. Салбий фаолият тушунчасини кўп мисолларда тушунтириш мумкин. Масалан, касал одам яна касалланиб қолмаслиги учун ўзини эҳтиёт қилиб, дори ичиб юриши лозим.

Рухий юксалиш йўлида турган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ҳамиша бирор фаолият билан банд бўлади. Бу - жисмоний ёки ақлий фаолият бўлиши мумкин. Фикр юриши, туйғулар ва орзу-истаклар - ақлнинг фаолияти, истакларни амалга ошириш учун эса, тана аъзоларининг жисмоний фаолияти зарур бўлади. Ақлимизнинг фаолияти Кришна ҳақида, руҳий устознинг, аввалги ачарйаларнинг изидан бориб, қандай қилиб Кришнани мамнун қилиш ҳақида ўйлашдан иборат бўлиши керак. Тана ва ақлнинг фаолиятдан ташқари нутқнинг фаолияти ҳам бор. Кришнани англаб етган одам Худо бериб қўйган нутқдан, гапира олиш қобилиятидан Худонинг улуғворлигини бошқаларга гапириб бериш учун фойдаланади. Кришнани англаб етган одамнинг ақли ҳамиша Парвардигорнинг кароматлари, Унинг Курукшетрада айтган гаплари, ёки Унинг Вриндаванда ўзининг содиқлари билан ўтказадиган эрмаклари ҳақидаги ўйлар билан банд бўлади. Шу тариқа ҳамиша Парвардигорнинг кароматлари ва эрмаклари ҳақида ўйлаб юриш мумкин. Кришна онгида фикр юриши маданиятининг моҳияти шундан иборат.

Танани ҳам хизмат қилишнинг ҳар хил турларида ишлатиш мумкин, лекин унинг ҳар қандай фаолияти Кришна билан боғлиқ бўлиши лозим. Биз Кришнанинг ҳақиқий, бевосита вакили

бўлган ва шогирдлар силсиласида турган рухий устоз қабул қилганимизда ана шундай боғланиш юзага келади. Шунинг учун Кришна онгидаги жисмоний фаолият рухий устоз раҳбарлиги остида бажарилиши лозим, унинг барча кўрсатмалари чуқур ишонч ва иймон билан бажарилиши керак. Рухий устоз билан боғланиш - фотиҳа олиш, инициация деб аталади. Рухий устоздан фотиҳа олган вақтдан бошлаб, Кришна онги билан яшаётган содиқ хизматкор билан Кришна ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади. Ҳақиқий рухий устоздан фотиҳа олмай туриб Кришна онги билан ҳақиқий алоқа ўрнатишнинг иложи йўқ.

Кришна онги билан яшаш дунёвий, моддий фаолият эмас. Парвардигорнинг уч асосий қуввати мавжуд: ташқи, ички ва оралиқ. Тирик мавжудотлар оралиқ қувватга мансуб, моддий олам эса ташқи, моддий қувватнинг намоён бўлишидир. Бундан ташқари Парвардигорнинг ички қуввати намоён этган рухий олам ҳам бор. Оралиқ қувват деб аталадиган тирик мавжудотлар куйи, ташқи қувват таъсири остида бўлганида улар моддий фаолият билан машғул бўладилар. Тирик мавжудотларнинг фаолиятини Парвардигорнинг ички, рухий қуввати бошқариб турганда, бундай фаолият “Кришна онгидаги фаолият” деб аталади. Яъни, буюк руҳлар, буюк содиқлар моддий қувват таъсирига берилмайдилар, улар рухий қувват ҳимояси остида ҳаракат қиладилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган, яъни Кришна онгида қилинган ҳар қандай фаолият бевосита рухий қувват назорати остида бўлади. Бошқача қилиб айтганда, қувват - кучнинг бир туридир, ҳақиқий рухий устознинг ва Кришнанинг марҳамати билан бу куч рухий табиатга эга бўла олади. Кришнада Кавираж Госвами ёзган “Чайтанья Чаритамрита” асарида Парвардигор Чайтанья айтадики, фақат энг омадли одам бу дунёда ўзининг ҳаёт йўлида, Кришнанинг марҳамати билан ҳақиқий рухий устозни учратиши мумкин. Рухий ҳаётга жиддий эътибор берган одамга Кришна ақл, заковат беради, шу ақл-заковати Ҳақиқатни излаш йўлида уни рухий устоз олдига олиб келади, рухий устознинг марҳамати билан эса, шундай содиқ Кришнани англаб етишда муваффақият қозонади. Шундай қилиб, Кришна онги билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса Парвардигорнинг рухий қувватининг - Кришнанинг ва рухий устознинг бевосита назорати остида бўлади. Кришна онгидаги фаолиятнинг бу моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кришна деганда биз Ўзининг сон-саноксиз экспансиялари билан бирга Худонинг Олий Шахсини, ягона Парвардигорни назарда тутамиз. Худонинг Олий Шахси Ўзини - Ўзининг ажралмас тўла қисмлари кўринишида, ажралган, бўлинмас қисмлари кўринишида ва турли-туман қувватлари кўринишида намоён этади. Бошқача қилиб айтганда, “Кришна” - ҳамма нарсани Ўз ичига оладиган тўла бутун Зотдир. Лекин одатда, “Кришна” ибораси фақат Кришнанинг

Ўзига ва Унинг шахсий экспансиясига тааллуқли деб қаралади. Кришна Ўзини кенгайтириб, Баладева, Санкаршана, Васудева, Анируддха, Прадйумна, Рама, Нрисимха ва Вараха қиёфаларида, шунингдек, Вишнунинг бошқа кўплаган қиёфалари ва сон-саноксиз экспансияларида намоён этади. “Шримад Бхагаватам”да “улар худди океандаги тўлқинлар сингари сон-саноксиздир” деб айтилган. Шундай қилиб, Кришна Ўз ичига мана шу экспансияларнинг барчасини ва Ўзининг соф содиқларини олади. “Брахма-самхита”да айтилганки, Кришнанинг барча экспансиялари мангу, илм ва лаззатга тўла.

Худога садоқат билан хизмат қилиш деганда фақат Кришна онгидаги, Парвардигор Кришнанинг илоҳий лаззат олишига ёрдам берадиган фаолият назарда тутилади. Парвардигорнинг илоҳий лаззатланишига ёрдам бермайдиган бошқа ҳар қандай фаолиятни

Худога садоқат билан хизмат қилиш деб бўлмайди. Масалан, буюк иблислар Равана, Камса ва Хиранякашипулар ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаганлар, аммо улар Кришнани ўзининг душмани сифатида ўйлаганлар. Бунда ўйларни бхакти, Кришна онги деб бўлмайди.

Баъзан имперсоналистлар, Худога садоқат билан хизмат қилишни нотўғри тушуниб, Кришнани Унинг ўйинлари ва анжомларидан бир биридан ажратиб қарайдилар. “Бхагавад-гита” Курукшетра жанг майдонида баён этилган, имперсоналистларнинг фикрига кўра Кришнанинг Ўзи эътиборга лойиқ, Курукшетра эса эътиборга лойиқ эмас. Кришнанинг содиқлари ҳам Курукшетра жанг майдонининг уларнинг фаолиятига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини яхши биладилар, лекин улар “Кришна” деганда фақат Кришнанинг Ўзини тушунмаслик кераклигини ҳам биладилар. Кришна ҳеч қачон Ўзининг йўлдошларидан ва анжомларидан ажралмайди, улардан фарқ қилмайди. Масалан, агар бирор одам: “Мана бу курулланган одамга овқат беринг!” - деганида, овқатни курул аслаҳа эмас, шу одам ейиши назарда тутилади. Худди шундай, Кришнани англаш жараёнида содиқни Кришна билан боғлиқ бўлган нарсалар ва жойлар қизиқтириши мумкин, лекин бу уни ҳар қандай жанг майдони қизиқтиради дегани эмас. Уни Кришна, Унинг сўзлари, Унинг насихатлари ва У билан бевосита боғлиқ бошқа нарсалар қизиқтиради. Бу жанг майдони фақат Кришна билан боғлиқ бўлгани учун шундай аҳамиятга эга.

Кришнани англаш жараёнининг, Кришна онгининг моҳияти қисқача шундай таърифланади. Шуни яхши тушунмай туриб, нимага Кришнанинг содиқларини Курукшетра жанг майдони шунчалик қизиқтиришини тушуниб бўлмайди. Кришна билан қизика бошлаган одам Унинг ҳар хил эрмаклари ва кароматлари билан ҳам қизика бошлайди.

Қисқача қилиб айтганда, “Бхакти-расамритасиндху”да Шрила Рупа Госвами соф содиқни шундай таърифлайди: унинг қилаётган хизмати

ижобий ва ҳамиша Кришна билан боғлиқ. Кришна онгида қилинадиган фаолиятнинг поклигини сақлаш учун ҳар қандай моддий истаклардан ва фалсафий, ақлий фикрлашлардан бутунлай озод бўлиш керак. Худога хизмат қилишдан бошқа ҳар қандай истак моддий ҳисобланади. “Фалсафий, ақлий фикрлашлар” деганда эса, охир - оқибатда бўшлиқ фалсафасига ёки имперсоналистик хулосаларга олиб келадиган фикрлашларни тушуниш керак. Кришнани англаб етган одам учун бундай хулосалар мутлақо бемаъни кўринади. Фалсафий фикрлашлар жуда кам ҳолларда Васудевага, Кришнага сиғиниш лозим деган хулосага олиб келади. Бу “Бхагавад-гита”нинг ўзида ҳам таъкидланади. Шундай қилиб, фалсафий фикрлашлар охир-оқибатда одамни Кришнага, бутун борлиқнинг ўзи ҳам, барча сабабларнинг сабабчиси ҳам Кришна эканини, шунинг учун одам ўз ихтиёрини Унга топшириши лозимлигини англашга олиб келиши керак. Агар фалсафий фикр юритишларнинг хулосаси мана шу олий мақсадга олиб келса, ундай фикрларни Кришнани англаш учун фойдали деб ҳисоблаш мумкин, аммо фалсафий фикрлашлар натижасида одам бўшлиқ фалсафасига ёки имперсонализмга берилиб кетса, бундай фикрлашларнинг бхактига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Карма, яъни натижаларидан лаззатланиш ниятида амалга ошириладиган фаолият деганда баъзан ҳар хил урф-одат ва маросимларни тушунадилар. Аксарият одамларни ведаларда таърифланган маросимлар кизиқтиради. Лекин, одам Кришнани англаб етмай туриб, шунчаки урф-одатларга, маросимларга боғланиб қолган бўлса, ундай одамнинг фаолияти Кришнани англаш учун ҳеч қандай фойда бермайди. Аслини олганда Кришнани англаш шунчаки тинглаш, такрорлаш, эслаш ва ҳоказоларга асосланган бўлиши мумкин. “Шримад Бхагаватам”да Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури таърифланган - бошқа ҳар қандай фаолият Кришнани англаб етишга ёрдам бермайди. Шуни эсда тутган ҳолда, ҳамиша эҳтиёт бўлиш ва тўғри йўлдан адашмасликка ҳаракат қилиш керак.

Шрила Рупа Госвами бхактини таърифлар экан *джнана-кармади* иборасини ишлатади. *Кармади* (кармали фаолият) деганда Худога соф садоқат билан хизмат қилишга ёрдам бермайдиган фаолият назарда тутилади. Таркидунёликнинг ҳар хил кўринишлари ҳам Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ёрдам бермайди.

Шрила Рупа Госвами “Нарада-панчаратра”дан куйидаги сўзларни келтирган: “Инсон барча моддий киёслашлардан озод бўлиши ва Кришнани англаш ёрдамида барча моддий иллатлардан покланиши лозим. У барча ҳиссиёти ҳиссиётлар хўжайинига хизмат қиладиган ўзининг азалий, бошланғич пок ҳолатига қайтиши лозим”. Шундай қилиб, агар одамнинг ҳиссиёти ҳиссиётларнинг ҳақиқий Хўжайинига хизмат қилиш билан банд бўлса, унинг фаолияти Худога садоқат билан хиз-

мат қилиш деб аталади. Шартланган ҳолатда бизнинг ҳиссиётимиз тананинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладди, лекин шу ҳиссиётларни Кришнанинг кўрсатмаларини бажариш билан машғул қилсак, бизнинг фаолиятимиз *бхакти* деб аталади.

Агар одам ўзини бирор оиланинг, бирор жамиятнинг аъзоси деб ҳисобласа ёки бирор одамга боғланиб қолган бўлса, ундай одамни ташқи моддий киёслашлар чангалида юрган одам деб айтдилар. Лекин, ўзининг на оиласига, на ватанига ҳеч қандай алоқаси йўқ эканини, у аслида фақат Кришна билан мангу боғланган эканини англаб етгандан кейин, инсон тушунадикки, у ўзининг кучидан, қувватидан оиласи, ватани, ёки жамият учун эмас, Кришнага хизмат қилиш учун фойдаланиши лозим. Парвардигорга Кришна онгида садоқат билан хизмат қилиш ва бундан кўзланадиган пок мақсад ана шундан иборат.

## Биринчи қисм

Биринчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг алоҳида белгилари.

“Шримад Бхагаватам”нинг учинчи кўшиғида (29.12-13) Шрила Капиладева онасига насиҳат қилар экан, Худога соф садоқат билан хизмат қилишни шундай таърифлайди: “Эй онажон, Менинг моддий бойликларга ва фалсафий фикрлашларга интилиш истагидан озод бўлган соф содиқларимнинг ақли Менга хизмат қилиш билан шунчалик бандки, Менга хизмат қилиш имкониятидан бошқа нарсани сўраш ҳеч қачон уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Улар ҳатто Менинг даргоҳимда Мен билан бирга яшашни ҳам илтимос қилмайдилар”.

Озодликка чиқишнинг беш тури мавжуд: 1. Худо билан бирлашиб кетиш, 2. Парвардигор билан бир сайёрада яшаш, 3. Парвардигор билан бир хил кўринишга эга бўлиш, 4. Парвардигор билан бир хил лаззатлардан лаззатланиш, 5. Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари даврасига кириш. Содик хизматкор дунёвий ҳиссий лаззатлар у ёқда турсин, ҳатто озодликка чиқишнинг мана шу беш туридан бирортасини ҳам истамайди. Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишнинг ўзи унга чексиз лаззат бағишлаб, уни тўла қаноатлантиради. Соф садоқатнинг алоҳида белгиси шундан иборат.

“Шримад Бхагаватам”да келтирилган Капиладеванинг бу сўзларида соф содиқ хизматкорнинг кайфияти, нуқтаи-назари келтирилган бўлиб, унда Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида бошланғич маълумотлар берилган. Шрила Рупа Госвами Худога садоқат билан хизмат қилишни батафсилроқ таърифлаб беради, уни ҳар хил муқаддас китоблардан келтирилган далиллар билан тўлдирди. У айтадики, Худога соф садоқат



билан хизмат қилишнинг алоҳида олти белгиси бор:

1. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш одамни шу заҳотиёқ моддий қийинчиликларнинг ҳаммасидан халос этади;

2. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ҳаммага бирдай фойда келтиради;

3. Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи инсонга илоҳий лаззат бағишлайди;

4. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш имкониятига жуда кам ҳолларда эришиш мумкин.

5. Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ҳатто руҳий озодликка чиқишни ҳам назарга илмайди;

6. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш - Кришнани жалб қилишнинг ягона усули ҳисобланади.

Кришна ҳаммани Ўзига жалб этади, аммо Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ҳатто Унинг Ўзини ҳам жалб этади. Демак, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш Кришнанинг ички қуввати бўлган ҳолда, Унинг Ўзидан ҳам кучлироқ илоҳий қудратга эга.

### **Моддий қийинчиликлардан, азоб-уқубатлардан халос бўлиш.**

"Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, одам бошқа барча ишларни тарк этиб, ўз ихтиёрини Унга топшириши лозим. У яна ваъда берадики, ўз ихтиёрини Унга топширган руҳларни барча гуноҳлари оқибатидан ҳимоя қилади. Шрила Рупа Госвами айтадики, бизнинг бу дунёда дучор бўлаётган муаммоларимизнинг ҳаммаси ўзимизнинг ҳозирги ва аввалги ҳаётимиз давомида қилган гуноҳларимизнинг оқибатидир. Одатда одамлар ўзларининг ғофиллиги сабабли гуноҳ ишларга қўл урадилар. Лекин ғофиллик одамни оқлашга асос бўлмайди ва қилган гуноҳ ишларининг оқибатидан қийналишдан уни озод қилолмайди. Гуноҳ ишларнинг оқибати икки хил бўлади: пишган ва пишмаган. Биз ҳозир натижасидан қийналаётган гуноҳларнинг оқибати "пишган оқибатлар" деб аталади. Шунча йиллардан бери тўпланиб ётган, ҳали оқибатидан қийналмаган гуноҳларимизнинг оқибати "пишмаган" деб аталади. Масалан, одам бирор жиноят қилган, лекин бу иши учун ҳали камокхонага ўтирмаган. Лекин, унинг жинояти фош бўлган заҳоти, у муқаррар жазодан қочиб қутула олмайди. Худди шундай, бизларнинг баъзи гуноҳларимиз учун келажакда бизни муқаррар азоб-уқубатлар кутиб турибди, баъзи гуноҳларимиз учун эса, ҳозир қийналяпмиз.

Гуноҳ ишларнинг ва улар олиб келадиган азоб-уқубатларнинг занжири шу тариқа юзага келади ва шартланган руҳларни умрлар оша ўзининг гуноҳлари оқибатидан мусибат чекишга мажбур қилади. Ҳозир шартланган руҳ аввалги ҳаётида қилган гуноҳлари учун мусибат чекапти, айна

пайтда у ўзи содир қилаётган гуноҳ ишлари билан келажакдаги ҳаёти учун янги азоб-уқубатлар тайёрлаб қўяди. Гуноҳларнинг пишган оқибатлари сурункали касалликлар ёки ҳукуматнинг таъқиб қилишлари, паст табақага оид хонадонда туғилиш, илм ўрганишга имконияти бўлмай, саводсиз ғофил бўлиб қолиш ёки ногирон бўлиб туғилиш сингари кўринишларда намоён бўлади.

Ҳозир биз ўтган ҳаётимизда қилган гуноҳларимиз оқибатида қийналиб юрибмиз, келажакда эса, ҳозир содир қилаётган гуноҳларимиз оқибатида қийналамиз. Аммо, биз Кришна онгини қабул қилган заҳоти бизнинг барча гуноҳларимизнинг оқибатлари бир пасда яқсон бўлиб кетади. Бунинг исботи сифатида Шрила Рупа Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи қўшиғидан(14.19) бир шеър келтиради. Унда Парвардигор Кришнанинг Уддхавага берган насихати ёзилган: "Азизим Уддхава, Мега садоқат билан хизмат қилиш ҳар қанча ўтинни ҳам ютиб борадиган катта оловга ўхшайди". Бу ерда Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш, худди ҳар қанча ўтинни ҳам ёндириб юборишга қодир бўлган катта олов сингари, бизларнинг ҳар қанча гуноҳларимиз оқибатини ҳам ёқиб юборишга қодир. Масалан, "Бхагавад-гита"да Аржун "жанг қилиш - гуноҳ" деб ҳисоблади, лекин, Кришнанинг амрини бажариб, барибир жангда иштирок этди. Шу тариқа жанг қилиш унинг учун Кришнага садоқат билан хизмат қилишга айланди, шунинг учун у ўзига ҳеч қандай оқибат орттирмади.

Шрила Рупа Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи қўшиғидан яна бир шеър келтиради(33.6), унда Девахути ўғли Капиладевага муурожаат қилади: "Эй азиз Худойим, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тинглаш ва такрорлашдан бошланадиган тўққиз тури бор. Сенинг эрмакларинг ҳақида тинглаган, Сенинг шуҳратинг ҳақида гапирган, Сенга сажда қилган, Сени эсланган, шу тарзда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз туридан бирини бажарган одам - ҳатто у чандал(ит гўшти ейдиган, энг пасткаш одам) оиласида туғилган бўлса ҳам - шу заҳотиёқ қурбонлик маросими ўтказишга муносиб одам даражасига кўтарилади". Шундай экан, Кришнани тўлиқ англаб, ҳақиқатан ҳам Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган одам нопок бўлиб қолиши мумкинми? Бунинг умуман иложи йўқ. Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам, албатта, ўзининг гуноҳларининг барча оқибатларидан покланади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш гуноҳ ишларнинг ҳар қандай оқибатларини ҳам яқсон қилишга қодир. Лекин шунга қарамай, содиқ хизматкор ҳамиша гуноҳ ишлар қилмасликка ҳаракат қилиб яшайди - Худонинг содиқларининг бошқалардан ажралиб турадиган алоҳида фазилати шундай. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" тасдиқлайдики, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул

бўлиб, ҳатто ҳароми чандал оиласида туғилган одам ҳам Ведаларда кўрсатилган маросимларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ерда шу назарда тутилганки, одатда чандаллар оиласида туғилган одамларнинг *йаджна*, қурбонлик маросими ўтказишга ҳаққи йўқ. Ведаларда кўрсатилган сифиниш маросимларини фақат брахманлар хонадонига мансуб бўлган одамлар ўтказиши лозим. Брахманлар хонадонига мансуб бўлмаган одамларнинг бу маросимларни ўтказишга ҳаққи йўқ.

Инсон ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари оқибатида брахман ёки чандал хонадонига туғилади. Агар у чандал хонадонига туғилган бўлса, демак у аввалги ҳаётида жуда кўп гуноҳ қилган. Аммо, агар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириб, Худонинг муқаддас номларини зикр қила бошласа, - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - ҳатто шундай пасткаш одам ҳам ведавий маросимларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, унинг аввал қилган гуноҳларининг барча оқибатлари шу заҳотиёқ яксон бўлиб кетади.

"Падма пурана"да айтилганки, гуноҳ ишларнинг оқибати тўрт хил бўлади: 1. Ҳали ҳосил бермаган, 2. Уруғлик кўринишида, 3. Пишган, 4. Пишиб яқинлашган. Шу ерда яна айтилганки, Худонинг Олий Шахси, Вишнуга ўз ихтиёрини топшириб, Кришнани тўла англаб, Унга садоқат билан хизмат қилишга киришган кишининг аввалги гуноҳларининг шундай оқибатларининг барчаси бир зумда яксон бўлади.

"Пишиб яқинлашган" оқибатлар деганда, биз ҳозир қийналаётган оқибатлар, "уруғлик кўринишида"ги оқибатлар эса, - қалбимиз тўридаги уруғликка ўхшаган, гуноҳ иш қилиш истаклари назарда тутилади. Санскритча *кутам* ибораси "уруғлик ёки мева беришга деярли тайёр" деган маънони англатади. "Пишмаган" оқибатлар - гуноҳларнинг ҳали униб чиқа бошламаган оқибатларидир. "Падма пурана"дан келтирилган бу маълумотлардан аён бўладики, моддий иллатларга булғаниш жуда нозик кўринишда намоён бўлиши мумкин. Унинг бошланиши, мевалари ва натижалари ва ҳар бир одамнинг мана шу меваларни мусибатлар кўринишида териб олиши - буларнинг ҳаммаси катта бир бутун занжирнинг халқаларидир. Одам бирор касалликка дучор бўлганда одатда унинг сабабини, манбаини топиш жуда қийин бўлади ва унинг қандай ўтишини, бу касаллик берадиган азобларни бирданига аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун вақт керак. Амалий тиббиётда юқумли касалликларнинг олдини олиш учун врачлар одатда организмга вакцина киритадилар. Кришна онгидаги фаолият ҳам қалбимиздаги яшириниб ётган гуноҳ ишларга бўлган истаклар уруғи униб чиқмаслиги учун қилинадиган ўзига хос вакцина ҳисобланади.

Бу борада Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида(2.17) Аждамила

тарихини келтиради. У аввало умрини тақводор, художўй брахман сифатида яшай бошлайди, аммо ёшлигида бир фоҳишага боши айланиб, йўлдан адашади. Гуноҳга тўла ўтган ҳаётининг охирида у "Нарайана"(Кришна) деб, Худонинг муқаддас номини тилга олади, ўзи содир қилган шунча гуноҳларга қарамай, мана шунинг ўзи унинг дўзахдан қутулиб қолиши учун кифоя бўлади. Шукадева Госвами таъкидлайдики, риёзат, эзгу фаолият ва диний маросимларни ўтказиш гуноҳ ишларнинг оқибати йўқолишига ёрдам беради, лекин буларнинг ҳаммаси одамнинг қалбидан гуноҳ ишларга бўлган интилишни, гуноҳ иш қилиш истагини кетказа олмайди, буни Аждамила тарихи ҳам тасдиқлайди. Одамнинг қалбида ётган гуноҳ иш қилиш истаклари фақат у Кришна онгига эга бўлгандагина яксон бўлиши мумкин. Бунга эса, Шри Чайтанья Махапрабхунинг насиҳатларига амал қилиб, Ҳаре Кришна махамантрасини зикр қилишни бошлаб, осонгина эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, токи одам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмас экан, у ўзининг аввалги қилган гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлолмайди.

Ведавий маросимларни ўтказиш, молдунёсини эзгу ишларга сарфлаш ёки риёзат чекиш ёрдамида одам ўзининг аввалги қилган гуноҳлари оқибатидан биров вақтга озод бўлиши мумкин, лекин, кейин барибир яна гуноҳ иш қилишга мажбур бўлади. Масалан, нотўғри жинсий ҳаёт кечириб юргани сабабли юқумли касалликка чалинган одамни олайлик. Жуда оғриқли ўтадиган даволаниш жараёнидан ўтгандан кейин у биров вақт мобайнида соғлом юради. Лекин, ҳали қалбида жинсий алоқага бўлган интилиш сақланиб қолгани сабабли у яна аввалги гуноҳқор ҳаётини бошлайди ва яна шу касалга чалинади. Шундай экан, даволаниш касалликдан келадиган азобни биров вақт тўхтатиб туриши мумкин, лекин, токи бу одамнинг ўзи жинсий алоқанинг жирканч, зарарли эканини англаб етмагунча, кетма-кет келаверадиган азоб-укубатлардан қутула олмайди. Худди шундай, ведаларда тавсия этиладиган риёзат, ҳар хил маросимлар, савоб ишлар ҳам биров вақт мобайнида одамни гуноҳ ишлар қилишдан тўхтатиб туриши мумкин, лекин, токи унинг қалби нопок бўлиб қолар экан, у такрор ва такрор гуноҳ ишларга қўл уришга мажбур бўлаверади.

Бу борада "Шримад Бхагаватам"да яна бир мисол келтирилган: фил кўлга тушиб яхшилаб ювинади, лекин у қирғоққа чиқиши билан хартумини қумга тўлдириб, бутун танасига соча бошлайди. Шунга ўхшаб, Кришнани англаш жараёнида маҳсус таёргарликдан ўтмаган одам ҳам гуноҳ ишлар қилиш истагидан биратўла халос бўлишга қодир эмас. На йога билан шуғулланиш, на фалсафий фикрлашлар, на кармали фаолият билан машғул бўлиш, одамни гуноҳ иш қилиш истагидан халос эта олмайди. Инсонни гуноҳ иш қилиш истагидан

фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш, Кришна онгидаги фаолият халос эта олади.

Буни "Шримад Бхагаватам"нинг тўртинчи кўшиғида(22.39) келтирилган бошқа шеър ҳам тасдиқлайди. Санат-кумара шундай дейди: - "Эй азиз шох, одамнинг сохта ўзлиги шу қадар кучлики, худди мустаҳкам арқон билан маҳкам боғлангандай, уни ачинарли аҳволда моддий ҳаёт кечиришга мажбур қилади. Фақат Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган Худонинг содиқларигина ҳеч қийналмадан бу арқонларни узиб ташлашга қодир. Бу иш буюк сеҳргар бўлишга интилаётганларнинг ҳам, диний маросимлар ўтказиб, муваффақият қозонишга уринаётганларнинг ҳам қўлидан келмайди. Демак, сохта ўзликнинг мустаҳкам чангалидан халос бўлиш ва ачинарли аҳволда дунёвий ҳаёт кечиришдан халос бўлиш учун ҳамма Кришна онгидаги фаолият, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиши лозим".

Сохта ўзликнинг мустаҳкам чангали - ғофиллик оқибатидир. Токи одам ўзининг ҳақиқий "Мен"ини билмас экан, у моддий иллатларга тобора ботиб, нотўғри, гуноҳ ишлар қилиб юраверишга мажбур бўлади. Кришнани англаш жараёни инсонга ҳақиқий илм ўргатиб, унинг ана шу ғофиллигини тарқатиб юборишга қодир. Бу "Падма пурана"да ҳам тасдиқланган: "Кришна онгида Худога соф садоқат билан хизмат қилиш одамга бошқа барча усуллардан кучлироқ илм ўргатади. Бу фаолият худди барча зарарли истаклар илонларини ёндириб юборадиган ўрмон ёнғинига ўхшайди". Бу ерда ўрмонга кетган ёнғин ҳақида гапириляпти, унда ўрмонда яшайдиган барча илонлар ёниб кетади. Ўрмонда жуда кўп илонлар яшайди, ёнғин кетганда биринчи навбатда ерда ётган қуруқ барглари ва шох-шаббалар ёна бошлайди, шу боис биринчи навбатда ёнғиндан илонлар ҳалокатга учрайдилар. Тўрт оёқли ҳайвонлар ёнғиндан қочиб қутулиши, ҳеч бўлмаса қочишга ҳаракат қилишлари мумкин, лекин илонлар шу заҳотиёқ ҳалок бўладилар. Худди шундай, Кришна онги оловининг тафти шу қадар қудратлики, ғофиллик илонларининг барчасини бир зумда яқсон қилади.

## **Кришнани англаш ҳаммага бахт-саодат келтиради.**

Шрила Рупа Госвами ҳақиқий эзгу фаолият, бахт-саодат нимада эканини таърифлаб берган. У айтадики, фақат бутун жаҳондаги ҳамма одамларга бирдай бахт-саодат келтирадиган фаолиятгина ҳақиқий эзгу фаолият ҳисобланади. Ҳозирги даврда жаҳондаги ҳар хил инсонпарварлик ташкилотлари жамиятнинг, жамиятдаги айрим одамларнинг ёки айрим миллатларнинг бахт-саодатини кўзлаб фаолият кўрсатяптилар. Ҳатто, бутун жаҳон халқларининг бахт-саодатини ўйлаб фаолият кўрсатадиган ташкилот (Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти) тузишга ҳам ҳаракат қилинган. Аммо миллатлар манфаати билан чекланган бундай фаолиятлар барибир мукамал бўлолмагани сабабли уларнинг барча тадбирлари, дастурлари қутулган натижаларни бермайди. Лекин, Кришнани англаш ҳаракати шу қадар мукамалки, унинг фаолияти бутун инсониятга энг олий, мустаҳкам бахт-саодат келтиришга қодир. Бу ҳаракатда ҳар бир одам иштирок этиши ва ҳар бир одам ундаги фаолиятнинг ўзига ҳақиқий бахт келтираётганини яққол ҳис қилиши мумкин. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами ва бошқа мўтабар билимдон донишмандлар таъкидлаб айтадиларки, Кришнани англаш ҳаракатини халқлар орасида кенг тарғибот қилиш, Худога садоқат билан хизмат қилиш - бутун инсониятга чексиз бахт-саодат келтирадиган ҳақиқий эзгу фаолият ҳисобланади.

Қандай қилиб Кришнани англаш ҳаракати бутун жаҳон халқларининг эътиборини ўзига жалб этиши ва қандай қилиб ҳар бир одам Кришна онгини қабул қилиш шарофати билан чуқур илоҳий лаззат ҳис қилиши "Падма пурана"да таърифланган: "Кришнани тўла англаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам умуман бутун инсониятга, айни пайтда ҳар бир одамга алоҳида бахт-саодат келтираётганини тушуниш керак. У ўзининг илоҳий фаолияти билан фақат одамларга эмас, дарахтларга ва ҳайвонларга ҳам бахт-саодат келтиради, чунки бу фаолият уларни ҳам ўзига жалб этади". Парвардигор Чайтанья санкиртана ҳаракатини тарғибот қилиб, марказий Ҳиндистоннинг Жарикханда ўрмонларидан ўтганида буни амалда исботлаб берган. Йўлбарслар, филлар, кийиклар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар ўзларига хос равишда рақсга тушиб, Ҳаре Кришна мантрасини куйлаб, Унга жўр бўлдилар.

Бунинг устига Худога садоқат билан хизмат қилиб, Кришна онги билан яшаётган одам ўзида фаришталарга хос бўлган барча эзгу илоҳий фазилатларни ривожлантириши мумкин. "Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиғида(18.12) Шуканова Госвами шундай дейди: "Эй шох, Парвардигор Кришнага чуқур иймон келтирган самимий одамлар қалбида фаришталарга хос бўлган барча эзгу фазилатларни ривожлантирадилар. Содиқнинг Кришнани юқори даражада англаб егани хатто фаришталарнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этади. Фаришталар ҳам ана шундай содиқлар билан яшашни ёқтиради. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, унинг танасида фаришталарга хос бўлган фазилатлар ривожланган".

Айни пайтда Кришна онгида бўлмаган киши ҳеч қачон яхши сифатларга эга бўлолмайди. У ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга одамларнинг кўзига билимдон, олим одам бўлиб кўриниши мумкин, аммо аслида, ўзининг ҳаёт тарзи, амалий ишлари билан у ҳайвондан фарқ қилмайди. Одам қанчалик билимдон бўлмасин, агар ақлий фаолият чегарасидан юқори кўтарила олмаса, у ҳаётда

фақат дунёвий, моддий фаолият кўрсатишга кодир бўлади ва шунинг учун ҳамиша нопоклигича қолиб кетаверади. Ҳозирги замонда ҳар хил университетларда ўқиб, олий маълумотга эга бўлган билимдон одамлар жуда кўп, лекин тажриба шуни кўрсатадики, улар Кришнани англаш ҳаракатида иштирок этиб, Парвардигорни англаб етишга, ўзида фаришталарга хос бўлган улуғвор фазилатларини ривожлантиришга кодир эмаслар.

Масалан, Кришнани англаб етган ёш йигит, ҳатто олий маълумотга эга бўлмаса ҳам, ноқонуний жинсий алоқалардан, қимор ўйини ва одамларни алдаш иллатидан, гўшт ва маст қиладиган нарсалар истеъмол қилишдан осонлик билан воз кеча олади. Кришнани англаб етмаган, Кришна онгида бўлмаган кишилар эса, олий маълумотли бўлишларига қарамай, аксарият ҳолларда ароқхўр, беозор хайвонларни ўлдириб гўштини ейдиган золим, алдоқчи-қиморбоз ва бузуқи одамлар бўлиб чиқадилар. Бу ҳолат амалда шуни исботлайдики, Кришнани англаб етган, Кришна онги билан яшаётган одам барча эзгу фазилатларга эга бўлади, аксинча, Кришна онгида бўлмаган одамлар эса, бунга кодир эмаслар. Ҳаёт тажрибамиздан биламизки, Худони англаб етган, Худонинг хоҳиши, Кришна онги билан яшаётган ёш йигит кино, тунги клублар, стриптиз, ресторан, бар ва бошқа шу каби нарсалар билан қизиқмайди. У бундай бемаъни нарсаларга боғланишдан бутунлай халос бўлади. У сигарета чекиш, ароқ ичиш, театр, дискотека сингари нарсаларга вақт кетказиш билан ўзининг нодир умрини хазон қилмайди.

Кришнани англаб етмаган киши одатда ярим соат ҳам жим ўтира олмайди. Ўйга тизимларининг ўргатиши бўйича, жим ўтириш билан одам ўзининг Худо эканини англаб етади. Мана шундай тасаввурлар ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга одамларни бутунлай қаноатлантиради, лекин улар қанча вақт жим ўтира оладилар? Улар ўзларини бир неча соат йога ҳолатида муруқабани қилиб ўтиришга мажбур қиладилар, лекин йога машқлари тугаган заҳоти улар яна ўзларининг аввалги, жинсий алоқа қилиш, қимор ўйнаш, гўшт ейиш каби бошқа бемаъни ишларига қайтадилар. Лекин, Кришнани англаб етган одам, ҳаётда жим ўтириб муруқабани қилиш усулидан фойдаланмай, Кришна онги, Худонинг хоҳиши билан яшаб, аста-секин руҳий жиҳатдан юксала боради. Ҳар қандай бемаъни одатларни тарк этиб, ўзида фаришталарга хос бўлган илоҳий фазилатларни ривожлантира бориши учун унинг Кришна онгида Худонинг хоҳиши билан яшаб юришининг ўзи кифоя. Кришнанинг соф содиғи бўлиб, инсон ўзида энг яхши сифатларни ривожлантиради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Худони англаб, қалбида Кришна онгини ривожлантирмаган одамлар ҳақиқатан ҳам яхши фазилатларга эга бўлолмайдилар.

## Кришна онгида яшаб бахтга эришиш.

Шрила Рупа Госвами бахтнинг турли манбаларини чуқур ўрганиб чиқиб, уларни уч турга ажратган: 1. Моддий лаззатлар келтирадиган бахт, 2. Ўзини Олий Брахман деб ҳисоблаш келтирадиган бахт. 3. Кришна онги билан яшаш келтирадиган бахт.

“Тантра-шастра”да Тангри Шива рафиқаси Сатига шундай дейди: “Азизим, Говиндининг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топшириб, қалбида соф Кришна онгини ривожлантирган киши имперсоналистлар шунча қийналиб эришадиган ҳамма нарсага осонлик билан эришади, бунинг устига фақат соф содиқларгина эриша оладиган илоҳий бахтдан лаззатланиб яшайди”.

Худога соф садоқат билан хизмат қилиш келтирадиган бахт - энг олий бахт, чунки у мангу. Дунёвий, моддий ютуқлар ёки ўзини Олий Брахманга қиёслаш келтирадиган бахтлар эса паст даражали бахтлардир, чунки улар ўткинчи, вақтинчалик. Одам дунёвий бахтдан ҳам, ўзини Олий Брахманга қиёслаш натижасида келадиган руҳий бахтдан ҳам қутилмаганда, бирданига маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Ҳатто буюк саннийаси-майявадилар - чуқур руҳий илмга эга бўлган, деярли руҳий ўзлигини англаб етган имперсоналистлар - бирданига сиёсат ва дунёвий эзгу ишлар билан шуғулланишга ўтиб кетадилар. Бунинг сабаби шундан иборатки, шахсиятсиз Брахманни англаб етсалар ҳам, улар олий илоҳий бахтга эриша олмаганлар, шунинг учун яна дунёвий фаолият билан шуғулланишга мажбур бўлганлар. Айниқса Ҳиндистонда саннийаси-майявадиларнинг моддий даражага қайтиб, яна дунёвий фаолиятга берилиб кетганига жуда кўп мисоллар бор. Аммо, бутунлай Кришна онги билан яшаётган киши ҳеч қачон дунёвий ишларга қайтиб кетмайди. У биладики, дунёвий эзгу фаолият бу ҳаётда қанчалик шарафли ва фойдали бўлмасин, Кришна онгида қилинадиган руҳий фаолият билан ҳеч қачон тенглаша олмайди.

Йогада камолотга эришган одамлар эга бўладиган сеҳр қудратлари саккиз турли бўлади. *Анима-сиддхи* - ҳатто тошнинг ҳам ичига кира оладиган даражада кичрая билиш қобилияти. Замонавий илм-фан тараққиёти ҳам метро, туннеллар кўринишида инсонга тошнинг ичига кира олиш имкониятини беради. Шундай қилиб, *анима-сиддхи*, тошнинг ичига кира олиш қудрати - дунёвий илм-фан ҳам эриша оладиган ютуқ. Йога-сиддхининг бошқа сеҳрли қудратлари ҳам моддий қобилиятлардан иборат. Масалан, йога-сиддхилардан яна бири, энгилдан энгил бўлиб, ҳавода, сув юзида тура билиш қобилияти. Замонавий моддий илм-фан бу ютуққа ҳам эришган - улар ҳам ҳаво кемаларида осмонда учадилар, сув устида сузадилар, сув тагида юра оладилар.

Йога-сиддхининг барча қудратларини дунёвий илм ютуқлари билан таққослаб, шундай хулоса

килиш мумкинки, дунёвий олимлар ҳам ўз олдига айнан шундай мақсадларни кўйганлар. Шундай қилиб, йоглар эришадиган сеҳр қудратлари билан дунёвий илм-фан ютуқлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бир немис олими: “Йоглар эришишга тиришиб юрган сеҳр қудратларига дунёвий илм-фан аллақачон эришиб бўлган, шунинг учун уларнинг инсон учун қизиғи қолмаган” - деган эди. У бхакти-йогога усули ёрдамида одам қандай қилиб Парвардигор билан ўзаро муносабатларини қайта тиклаши мумкинлигини ўрганиш учун Ҳиндистонга йўл олиб жуда тўғри иш қилди.

Албатта, дунёвий илм-фан ҳали йоганинг барча сеҳрли қудратларига эриша олмаган. Масалан, сеҳргар йог қуёш нури орқали Қуёшга кўтарилла олади. Бундай қудрат *лагхима* деб аталади. Шунингдек йог қўлини узатиб, бармоғини ойга теккиза олади. Астронавтлар Ойга космик кемада учиб боришлари эҳтимол, лекин бунинг учун қанча маблағ, вақт, куч сарфланади, сеҳр қудратига эга бўлган одам эса, ўтирган жойида қўлини узатиб, ойни ушлай олади. Сиддхнинг бу қудрати *пранти* (эга бўлиш) деб аталади. *Пранти-сиддхи* қудрати камолотга эришган йогга нафақат Ойни ушлаш имконини, ҳатто истаган жойига қўлини узатиб, у ердан истаган нарчасини олиш имконини беради. Шундай қудратга эришган йог ўзидан бир неча минг чақирим узоқда жойлашган боғдан мева олиб ейиши мумкин. Пранти-сиддхнинг қудрати шундай.

Замонавий олимлар ядро қуролини яратдилар, бу қурол билан сайёранинг бир қисмини яқсон қилиш мумкин, аммо його-сиддхнинг *ишита* даражасига кўтарилган йог ўз хоҳиши билан янги сайёра яратиши ёки бутун бир сайёрани йўқотиб юбориши мумкин. Сеҳр қудратининг яна бир тури *ваишита* деб аталади. Уни эгаллаган йог истаган одамни ўзига бўйсундириши мумкин. Бу ўзига хос гипноз бўлиб, унга ҳеч ким қарши туролмайди. Баъзан бир йогнинг одамларни гипноз билан алдаб, пулларини олиб, ўзи кўздан ғойиб бўлгани ҳақида эшитиб қолиш мумкин.

Яна бир сеҳр қудрати *пракамйя* (магия) деб аталади. Пракамйя ёрдамида ҳар хил мўъжизалар кўрсатиш мумкин, масалан, сувни аввал ўзининг кўзига киритиб, кейин яна ундан чиқара олади. Бу мўъжизаларнинг барчаси йогнинг истаги билан амалга ошади.

Сеҳрли його камолотининг энг олий қудрати *камавасайита* деб аталади. Бу ҳам магия, аммо *пракамйя* ёрдамида кўрсатилган мўъжизалар табиат қонунлари чегарасидан чиқмаган ҳолда рўй берса, *камавасайита* қудратига эга йог табиат қонунларига зид бўлган, ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар кўрсатиши мумкин. Албатта, бундай сеҳрли мўъжизалар одамга қандайдир ўткинчи лаззат, ўткинчи бахт келтириши мумкин.

"Хари-бхакти-судходайа"да Худонинг буюк содиғи Прахлад Махаражнинг Парвардигор Нрисимсадевага мурожаат қилган илтижоси келтирил-

ган: “Эй азиз Худойим, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош қўйиб, Сендан такрор ва такрор илтижо қиламан - мени Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам қил! Мен Сендан фақат Кришнани англашим тобора чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишини илтижо қиламан, чунки Кришнани англаш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш бахти инсонга ўз ўзидан диндорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва ҳатто озодликка чиқиш келтирадиган барча саодатларни ато этади”.

Аслида соф содик бу саодатларнинг бирортасига интилмади, чунки Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик илоҳий ва чексизки, у билан бошқа ҳеч қандай бахтни тенглаштириб бўлмайди. Кришна онгидаги бир томчи бахт бошқа ҳар қандай фаолият келтирадиган бахт уммонидан бир неча бор устун туради. Шунинг учун қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг озгина таъмини тотиб кўрган одам диндорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва ҳатто озодликка чиқиш келтирадиган барча саодатлардан осонлик билан юз ўгиради.

Навадвипада Парвардигор Чайтаньянинг Кхोलавеча Шридхара деган буюк содиғи яшаган бўлиб, у жуда қашшоқ яшар эди. У банан япроғидан қилинган идишлар сотиб кун кўрарди. Бу иш унга деярли ҳеч қандай даромад келтирмас, шунда ҳам у даромадининг ярмисини Гангага сифинишга сарфлар, қолган даромади билан зўрға тирикчилик қиларди. Бир куни Парвардигор Чайтанья содик хизматкорига Ўзининг асл қиёфасини ошкор этиб, унга истаган нарса сўраши мумкинлигини айтди. Аммо, Шридхара Парвардигорга жавоб бериб, унга ҳеч қандай моддий бойликнинг кераги йўқ, у ўзининг ҳозирги ҳолатидан тўла мамнун эканини айтди. Унинг ягона истаги - Парвардигор Чайтаньяга нисбатан чуқур иймонга ва Унинг нилуфар қадамлари пойига сўнмас садоқатга эга бўлиш эди. Соф содикларнинг мақсади шундай бўлади. Агар содик кеча-ю кундуз Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиш имкониятига эга бўлса, унга ҳаётда бошқа ҳеч нарсанинг, ҳатто руҳий озодликка чиқишнинг ёки шахсиятсиз Браҳманга қўшилиб кетишнинг ҳам мутлақо кераги йўқ.

"Нарада-панчаратра"да ҳам айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилишда атиги озгина бўлса ҳам юксалган киши диндорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва ҳатто озодликка чиқишнинг беш тури келтирадиган барча саодатлар билан умуман қизиқмай кўяди. Диндорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва ҳатто озодликка чиқиш келтирадиган барча саодатлар ҳеч қандай кўринишда соф содикнинг юрагига киришга ҳатто журъат этолмайди. Худди маликанинг ортидан ҳар хил канизақлар эргашиб юргани сингари, диндорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва ҳатто озодликка чиқиш келтирадиган барча саодатлар ҳам Худога садоқат билан хизмат

килиш атрофида қўл қовуштириб юрадилар. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содиқ хизматкори қандай манбадан келишидан қатъий назар ҳар қандай бахтга эриша олади, лекин, у Кришнага садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса ни истамайди. Агар, мабодо унинг қалбида бирор истақ пайдо бўлиб қолгудай бўлса, унинг илтижо қилишини кутиб ўтирмай, Парвардигор дарров унинг истагини амалга оширади.

## **Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жуда қам учрайди.**

Рухий ҳаётнинг бошланғич даврларида одамлар руҳий ўзликни англаб етиш учун одатда ҳар хил риёзатларга, тавба-газарруларга ва шу каби бошқа усулларга қўл урадилар. Аммо бу усуллар, ҳатто қалби ҳар қандай моддий истақлардан бутунлай пок бўлса ҳам, ўз-ўзидан одамни Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтара олмайди. Фақат ўзининг кучига ишониб Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига етишга интилиб юрган одам ҳам бу мақсадга етиши амри маҳол, чунки Кришна Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятини дуч келган одамга беравермайди. Одамга моддий фаровонлик ёки озодлик ато этиш Кришна учун ҳеч гап эмас, аммо Ундан муқофот сифатида Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятини олиш жуда қийин. Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига фақат Кришнанинг соф содиғининг марҳамати билан эришиш мумкин. "Чайтанья Чаритамрита"да(19.115) шундай дейилган: "Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига фақат Худонинг соф содиғи - руҳий устознинг ва Кришнанинг марҳамати билан эришиш мумкин. Бунинг бошқа йўли йўқ".

Худога садоқат билан хизмат қилиш қанчалик нодир, танқис экани, бу дунёда жуда қамдан-қам учраши тантра-шастрада ҳам тасдиқланган. Унда Тангри Шива Сатига шундай дейди: "Азизим, яхши файласуф илм олишнинг ҳар хил йўллари таҳлил қилиб, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши мумкин. Ведаларда кўрсатилган маросимларни ўтказиб, уларнинг шарофати билан ҳар хил моддий лаззатлардан роҳатланиб яшаш мумкин. Аммо бу ишларнинг бирортаси, ёки ҳаммаси биргалликда, ҳатто улар билан минглаб умрлар давомида шуғулланса ҳам, одамни Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтара олмайди".

"Шримад Бхагаватам"да Прахлад Махараж ҳам тасдиқлайдики, одамнинг интилишлари ёки ишонарли манбалардан олинган кўрсатмалар унинг Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиши учун қамлик қилади. Бундай даражага кўтарилиш учун аввал қалби моддий истақлар иллатидан бутунлай пок бўлган соф содиқнинг нилуфар қадамлари гарди пойининг марҳаматига эришиш керак".

"Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиғида(6.18) Нарада Муни шоҳ Юдхитхирага шундай дейди: "Эй шоҳ, Пандузодалар ва Йадавалар ҳаммаша одамлар Муқунда деб атайдиган Парвардигор Кришнанинг ҳимояси остида яшайдилар. Бунинг устига, У - сенинг руҳий устозинг ва барча ишларда маслаҳатчинг. У - сен сиғинадиган ягона Парвардигор. У сени севади, сен ҳам Уни севасан, У сенинг барча - ҳам шахсий, ҳам оилавий ишларингга раҳнамолик қилади. Бундан ташқари, баъзан У сенинг вакилинг сифатида сенинг кўрсатмаларингни бажаради. Эй шоҳ, сен қанчалик омадлисан! Ахир Парвардигорнинг сенга кўрсатаётган марҳаматлари ҳақида бошқа одамлар ҳатто орзу ҳам қила олмайдилар!" Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, Парвардигор осонлик билан одамга руҳий озодлик ато этиши мумкин, аммо У қамдан-қам ҳолда бирор руҳга Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятини беради. Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик бебаҳо неъматки, унга Парвардигорнинг Ўзини сотиб олиш мумкин.

## **Парвардигор билан қўшилиб кетиш бахти.**

Шрила Рупа Госвами айтадики, брахмананда, яъни Парвардигор билан қўшилиб кетиш бахти ҳатто триллион марта кучайтирилса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш лаззати уммонининг бир томчисига ҳам тенглаша олмайди.

"Хари-бхакти-судходайа"да Парвардигор Нрисимхага мурожаат қилган илтижоларининг бирида Прахлад Махараж шундай дейди: "Эй бутун борлиқ Парвардигори, Сенинг ёнингда мен илоҳий лаззат ҳис қилиб, бахт уммонига фарқ бўламан. Энди тушуниб етдимки, мана шу бахт уммонининг олдида *брахмананда* бахти сигирнинг оёғи изида тўпланиб қолган сувчалик арзимас экан". Шунга ўхшаш гаплар Шридхара Свамининг "Шримад Бхагаватам"га ёзган изоҳлари, "Бхавартха-дипика"да ҳам келтирилган: "Эй азиз Худойим, Сенга садоқат шарбати уммонида фарқ бўлиб, Сенинг эрмакларинг ҳақидаги ҳикоялар шарбатидан лаззатланиб юрган бахтиёр содиқлар, албатта, диндорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва ҳатто озодликка чиқиш келтирадиган барча саодатларни арзимас нарсага чиқарувчи илоҳий жазавадан хабардорлар. Ана шундай илоҳий содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилиш бахтидан бошқа ҳар қандай бахтга кўчада ётган чўпдай эътибор бермайдилар".

## **Худога соф садоқат билан хизмат қилиш Кришнани мафтун этади.**

Шрила Рупа Госвами айтадики, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ҳатто Кришнани ҳам ўзига мафтун этади. Кришна ҳаммани Ўзига мафтун этади, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳатто Унинг Ўзини ҳам мафтун этади. Ху-

дога энг мукамал, соф садоқат билан хизмат қилишнинг тимсоли Шримати Радхарани. Кришнани Мадана-мохана деб атайдилар. Бу шуни англатадики, У ўзининг мафтункорлиги билан минглаб Купидонларни ортда қолдиради. Аммо, Радхарани ҳатто Ундан ҳам мафтункорроқ, чунки У ҳатто Кришнани ҳам Ўзига мафтун эта олади. Шунинг учун содиқлар Уни Мадана-мохана-мохани - “севги фариштасини мафтун қиладиган Зотни мафтун қилувчи” - деб атайдилар.

Худога садоқат билан хизмат қилиш - Радхаранининг изидан бориш демакдир, Вриндавандаги содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришиш учун ўзларини Радхаранига топширадилар. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиш моддий фаолият ҳисобланмайди, бу фаолият бевосита Радхаранининг назорати остида амалга ошади. “Бхагавад-гита”да тасдиқланадики, махатмалар, яъни буюк руҳлар ҳамиша *даиви пракрити*, Парвардигорнинг ички қуввати - Шримати Радхаранининг ҳимояси остида бўладилар. Шундай қилиб, бевосита Кришнанинг ички қуввати ҳимояси остида бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳатто Кришнанинг Ўзини ҳам мафтун этади.

“Шримад Бхагаватам”нинг ўн биринчи кўшиғида Кришнанинг Ўзи ҳам буни тасдиқлайди(14.20): “Азизим Уддхава, билиб қўйки, Менинг содиқларимнинг Менга соф садоқат билан хизмат қилишлари Мени ўзига шунчалик мафтун этадики, на сеҳрли йога билан шуғулланиш, на фалсафий фикрлашларга берилиш, на диний маросимлар, на “Веданта” илмини ўрганиш, на қаттиқ риёзатлар, на саховат билан хайр-садақа қилишлар у билан тенглаша олмайди. Албатта, руҳий фаолиятнинг бу турлари ҳам мактовга лойиқ амаллар ҳисобланади, лекин уларнинг бирортаси Мени содиқларимнинг Менга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишларидай ўзига мафтун эта олмайди”.

Худога садоқат билан хизмат қилиш қандай қилиб Кришнани ўзига жалб этишини Нарада Муни “Шримад Бхагаватам”нинг еттинчи кўшиғида таърифлаб беради(10.48-49). Бу шеърларда Нарада Муни Прахлад Махаражнинг улуғвор фазилатларидан хайратга тушган Юдхистхирага мурожаат қилади. Содиқ хизматкорни бошқа содиқларнинг қилган ишлари ҳамиша хайратга солади. Махараж Юдхистхира Прахлад Махаражнинг илоҳий сифатларидан хайратга тушяпти, бу соф содиқнинг алоҳида белгиларидан бири ҳисобланади. Соф содиқ ҳеч қачон ўзини буюк деб ҳисобламайди. У ҳамиша бошқаларни ўзидан устун қўяди. Шоҳ Юдхистхира: “Прахлад Махараж - Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори, мен эса - ҳеч ким эмасман” - деб ўйларди, лекин унинг фикрини Нарада Муни бўлиб юборди: “Эй шоҳ Юдхистхира, бутун оламда сизлардан омадлироқ зот йўқ. Парвардигорнинг Ўзи бу сайёрада намоён бўлиб, сизлар билан худди оддий одамдай бирга юрибди. У

сизлардан ажралмайди. У бошқа одамлар кўзидан Ўзини яшириб, сизлар билан бирга яшайди. Бошқалар ҳатто Унинг Парвардигор эканини тушуна олмайдилар, У эса - сизларнинг жиянингиз, дўстингиз, ҳатто элчингиз бўлиб, сизлар билан бирга яшайди. Шунинг учун билгинки, бутун оламда сизлардан бахтли одам йўқ”.

“Бхагавад-гита”да, Кришна Ўзининг фазовий киёфасини намоён этганида Аржун Унга шундай илтижо қилган эди: “О Кришна, мен Сени амаким деб юрган эдим, шунинг учун Сени баъзан Кришна, баъзан дўстим деб, муносиб ҳурмат қилмай юрган эдим. Аслида эса, Сен шу қадар буюксанки, мен ҳатто Сенинг улуғворлигингни англай олмайман”. Пандузодаларнинг бахтли тақдири шундай эди: Кришна, Худонинг Олий Шахси, барча буюк зотларнинг энг буюги, уларнинг Ўзига нисбатан бўлган дўстлиги ва муҳаббатига мафтун бўлиб, Ўзининг ҳамма вақтини ака-ука шаҳзодалар билан бирга ўтказарди. Мана шу Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғворлигини кўрсатади. У ҳатто Худонинг Олий Шахсини ҳам мафтун эта олади.

Парвардигор буюк, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш буюкликда, улуғворликда ҳатто Парвардигордан ҳам устун туради, чунки Унинг Ўзини ҳам мафтун этади. Худога садоқат билан хизмат қилиш нималигини билмай юрган одамлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғворлигини англаб етишдан ва уни муносиб кадрлашдан маҳрумдирлар.

### Иккинчи боб. Садоқатнинг бошланғич босқичлари.

“Бхакти-расамрита-синдху” асарида Шрила Рупа Госвами Худога садоқат билан хизмат қилишнинг уч босқичини таърифлаб берган: 1. Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш; 2. Худога жазавали лаззат ҳолатида садоқат билан хизмат қилиш; 3. Худога соф муҳаббат билан хизмат қилиш. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бу уч турининг ҳар қайсиси хилма-хил кўринишда намоён бўлади. Одатда қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишни икки турга, Худога жазавали лаззат ҳолатида садоқат билан хизмат қилишни тўрт турга, Худога соф муҳаббат билан хизмат қилишни эса олти турга бўладилар. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мана шу турларининг барчасини Шрила Рупа Госвами батафсил таърифлаб берган.

Шу мақсадда Шрила Рупа Госвами Кришна онгини қабул қилишга қодир бўлган одамларни ҳам, яъни фазилат, сифатларига, қобилиятларига қараб ҳам одамларни ҳар хил тоифаларга бўлиб

чиқишни таклиф этади. У айтадики, ҳозирги ҳаётида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ўзининг аввалги ҳаётларидан бирида бошланган садоқатли хизматини давом эттираётган бўлади. Аввалги ҳаётида Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган одам бу йўлга қира олмайди. Масалан, мен ҳозир Худога садоқат билан хизмат қилиб юриб, бу йўлда қандайдир даражага кўтариламан. Ҳатто мен Худога садоқат билан хизмат қилишда тўла камолотга эришмасам ҳам, бу йўлда эришган ҳар қандай натижам, ютуғим барибир ўзим билан бирга қолади. Кейинги ҳаётимда мен Худога садоқат билан хизмат қилишни ҳозир келиб қолган поғонамдан давом эттираман.

Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - узилмас, мангу давом этадиган фаолият. Ҳатто одам аввал Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бўлса ҳам, агар у мутлақо тасодифан соф содиқнинг насиҳатлари билан қизиқиб, уларга амал қила бошласа, у ҳам бу йўлга кириб, Худога садоқат билан хизмат қилишда ривожлана боради. Лекин барибир, ақлий фикрлашларга ва мантиқий мулоҳаза юритишга ўрганиб қолган одамларга қараганда туғилганиданок "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" сингари муқаддас китобларни ўрганишга қизиқиши бор кишиларнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида юксалиши осонроқ бўлади.

Бу хулосани аввал ўтган жуда кўп ишонарли, мўътабар олим донишмандларнинг айтганлари билан тасдиқлаш мумкин. Уларнинг ҳаммасининг фикри бир хил: инсон ҳаётида ўзининг ақли, тафаккури ёрдамида қилган хулосалари, қарорлари асосида яшаб юрган бўлиши мумкин, аммо ундан чуқурроқ мантиқий фикрлай оладиган одам унинг барча хулоса ва қарорларини нотўғри деб, ўзининг хулоса ва қарорлари тўғри эканини исботлаб беради. Шундай қилиб, мантиқий фикр юритишлар ёрдами билан ҳеч қачон яқуний хулосага, Мутлақ Ҳақиқатга эришиб бўлмайди, шунинг учун буюк ачарйалар "Шримад Бхагаватам"да ишонарли мўътабар манбаларнинг кўрсатмаларини қабул қилиб, руҳий устозлар изидан боришни маслаҳат беради.

Кейин Шрила Рупа Госвамиининг "Бхакти-расамрита-синдху"да берган Худога садоқат билан хизмат қилишнинг умумий таърифи келтирилади. Аввал айтган эдикки, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини уч қисмга бўлиш мумкин: қонун-қоидаларга амал қилиш билан тартибга солинадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш, жазавали лаззат ҳолатида Худога садоқат билан хизмат қилиш, Худога соф муҳаббат билан хизмат қилиш. Шу ердан бошлаб Шрила Рупа Госвами қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишни таърифлашга киришади.

"Жараён" "тажриба" деганда одамнинг сезги ва ҳаракат аъзолари қандайдир фаолият билан машғул эканини билдиради. Демак, қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш - сезги аъзоларимиздан Кришнага садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш. Сезги аъзоларининг баъзилари сиртдан илм, ахборот олиш учун, баъзилари - фикрлаш, ички туйғу ва истакларимиз асосида келган қарорларимизни амалга ошириш учун мўлжалланган. Шундай қилиб, "жараён" деганда бир вақтнинг ўзида ақлимиз ва ҳиссиётимизнинг Худога садоқат билан хизмат қилишда иштирок этиши назарда тутилади. Лекин бу жараёндан мақсад бизнинг асл табиатимизга хос бўлмаган, бегона бир нарсага ўрганиш эмас. Масалан, юришни ўрганаётган ёш болани олайлик. Бу ҳам жараён, тажриба. Лекин бунда ёш бола учун юриш ғайритабиий ҳол деб ўйламаслик керак. Юриш қобиляти аввалдан боланинг табиатида бор, у яхши юриб кетиши учун озгина ҳаракат қилиб тажриба орттирса кифоя. Худди шунга ўхшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - ҳар бир тирик мавжудотнинг туғма, табиий эҳтиёжидир. Ҳатто энг қоқоқ, маданиятсиз ёввойи одамлар ҳам табиатнинг улар учун мўъжиза бўлган кучлари, қудратлари намоён бўлганини кўрганида ерга йиқилиб сажда қиладилар, табиий равишда сиғина бошлайдилар. Улар бу ҳодиса, мўъжизани кўрсатиб турган қандайдир куч, қудрат борлигини тушунадилар. Шундай қилиб, қандайдир бир олий куч мавжудлигини англаш, ҳис қилиш ҳар бир тирик мавжудотда бор, лекин моддий иллатларга ботган тирик мавжудотларда у мудроқ ҳолатда бўлади. Ана шу онгнинг пок ҳолати Кришна онги деб аталади.

Ведавий муқаддас китобларда қалбимизда мудроқ ҳолда ётган ана шу онгни, Кришнага муҳаббат онгини уйғотишга ёрдам берадиган махсус усуллар таърифланган. Ақлимиз ва ҳиссиётимиздан шу усуллар ёрдамида фойдаланиб, биз Кришна онгига эга бўлишимиз мумкин. Бу худди, ёш боланинг озгина ҳаракат, тажриба қилишдан сўнг, табиий равишда бемалол юриб кетишига ўхшайди. Табиий равишда юриш қобиляти бўлмаган тирик мавжудотга ҳеч қандай тажриба, жараён юришни ўргата олмайди. Худди шундай Кришнани англаш, Кришна онгига эга бўлиш, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳам фақат тажриба натижаси эмас. Ўз-ўзидан бундай тажриба бўлиши мумкин эмас. Лекин, табиий равишда қалбида мавжуд бўлган қобилятни, Кришна онгини уйғотишни истаётган одам учун ҳар хил усуллар тавсия этилади, уларни тан олиб, қабул қилиб, уларга риоя қила бошласа, улар албатта инсоннинг қалбида мудраб ётган Кришна онгини уйғотади. Ана шундай тажриба, жараён *садхана-бхакти* деб аталади.

Парвардигорнинг моддий қуввати таъсирига тушиб, алданиб қолган ҳар бир тирик мавжудот ҳозир ўзи учун ғайритабиий бўлган, ақлдан озган



ҳолатда юрибди. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: "Аксарият шартланган руҳлар ақлдан озган, чунки улар ҳамиша ўзларига мусибат келтирадиган ва моддий оламда туткун қилиб қўядиган фаолият билан шуғулланиб юрибдилар". Ўзининг азалий, табиий ҳолатида тирик мавжудот, рухий жон, руҳ - ҳамиша қувончли ҳолатда, лаззат ва илмга тўла, мангу. У фақат моддий фаолият билан шуғулланиб юргани сабабли мусибатларга, ғафлатга тўла ва ўлимга маҳкум ҳаёт кечириб юрибди. Буларнинг барчаси *викарма* оқибатидир. *Викарма* ибораси "қилиш керак бўлмаган, таъқиқланган ишни қилиш" деганни билдиради. Шунинг учун одам садхана-бхактига амал қилиш керак. Садхана-бхакти - *мангала-арати*(эрталаб Илоҳга сиғиниш), таъқиқланган моддий фаолиятларни тарк этиш, рухий устозга сажда қилиш ва шу асарда кейинроқ келтириладиган кўплаган қонун ва қоидаларга риоя қилиб яшашни назарда тутлади. Ана шундай жараён, тажриба тирик мавжудотга ақлдан озганлик касалидан қутулиш имконини беради. Худди табибнинг насиҳатларига амал қилиб, касалдан қутулиш мумкин бўлгани сингари, садхана-бхактига амал қилиб яшаш жараёни ҳам тирик мавжудотни моддий табиат, майя мубтало қилган ақлдан озиш касалидан халос этади.

Садхана-бхакти ҳақида Нарада Муни "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи қўшиғида эслатиб ўтади(1.32). Унда Нарада Муни шоҳ Юдхиштирага шундай дейди: "Эй шоҳ, инсон қандай қилиб бўлса ҳам ақлини ҳамиша Кришнада мужассам қилиб юриши лозим". Мана шу "Кришна онги билан яшаш" деб аталади. Ачарйанинг, рухий устознинг вазифаси - шогирди қайси усул, қайси йўллар билан ҳамиша ақлини Кришнада мужассам қилиб юра олиши мумкинлигини аниқлаб, белгилаб беришдан иборат. Садхана-бхакти ана шундан бошланади.

Ана шу мақсадга эришиш учун Шри Чайтанья Махапрабху бизга ишончли дастур бериб кетган, унинг асосини Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ташкил этади. Маха-мантрани зикр қилиш шундай қудратли кучга эгаки, одамнинг қалбида бир зумда Кришнага боғланиш туйғусини уйғотади. Садхана-бхакти мана шундан бошланади. Одам қандай қилиб бўлса ҳам ақлини Кришнада мужассам қилиб юриши керак. Буюк авлиё Амбариша Махаражга ҳамиша ақлини Кришнада мужассам қилиб юришга ҳатто шоҳлик вазифалари ҳам халакит бера олмаган. Худди шундай, садхана-бхакти усули ёрдамида ақлини ҳамиша Кришнада мужассам қилишга интилаётган одам ҳам жуда тез вақт ичида қалбида мудраб ётган азалий, табиий онг - Кришна онгини уйғота олади.

Бхакти яъни, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини икки поғонага ажратиш мумкин. Биринчи поғона қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш деб аталади; бунда содиқ рухий устознинг ёки

муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилган ҳолда, барча қонун-қоидаларга амал қилиб юради. Бу *ваидхи*, яъни "тартибга солинган" жараён деб аталади. Бунда содиқ барча қонун-қоидаларга, кўрсатмаларга сўзсиз риоя қилиб юриши лозим. Садхана-бхактининг иккинчи поғонаси *рагануга* деб аталади. Садхана-бхактининг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб юрган одам қалбида Кришнага нисбатан қандайдир боғланишни ривожлантириб, Кришнага бўлган муҳаббати юзасидан Унга садоқат билан хизмат қила бошлаганида *рагануга* поғонаси бошланади. Масалан, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам эрта туриб *арати* ўтказиши лозим, бу эҳромда Илоҳга сиғинишнинг бир тури ҳисобланади. Аввалига содиқ рухий устозининг кўрсатмасини бажариш учунгина эрта туриб, *арати* ўтказиб юради, лекин вақт ўтиши билан унинг қалбида бу машғулотга самимий боғланиш пайдо бўлади. Шунда унинг ўзи Илоҳни чиройли кийинтириш, қандай қилиб Унга яхшироқ хизмат қилиш ҳақида ўйлай бошлайди. Бу поғонада хизмат қилиш ҳали садхана-бхактининг тартибга солинган поғонаси ҳисобланади, лекин содиқнинг бу хизматлари унинг қалбидан, ўз-ўзидан чиқяпти. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни икки поғонага, *ваидхи* ва *рагануга*, яъни тартибга солинган ва ўз-ўзидан бўладиган поғонага бўлинади.

Садхана-бхактининг биринчи, *ваидхи* поғонасини Шрила Рупа Госвами шундай таърифлайди: "Ваидхи-бхакти - содиқнинг бурч юзасидан Худога сиғинишидир. Бунда у Худога рухий устозининг амри билан ёки муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосан хизмат қилади, қалбида Худога нисбатан боғланиш ёки Унга муҳаббат билан хизмат қилиш истаги йўқ".

Ваидхи-бхактининг қонун-қоидалари ҳам "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи қўшиғида таърифланган(1.5), унда Шукадева Госвами ажал ёқасида турган Махараж Парикшитга насиҳатлар беради. Махараж Парикшит ажалига етти кун қолганида Шукадева Госвамини учратади. У нима қилишини ва ажали келгунча қолган вақтини қандай ўтказишни билмас эди. Унинг атрофига жуда кўп билимдон донишмандлар тўпланган эди, лекин уларнинг бирортаси шоҳга тўғри йўл кўрсата олмади. Фақат Шукадева Госвами унга тўғри маслаҳат бера олди: "Эй шоҳ, агар сен атиги етти кун қолган ўз ажалингни кўркмасдан кутиб олишни истасанг, ҳозирок Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглай бошлашинг, Унинг муқаддас номларини шарафлаб-қуйлаб, ҳамиша Уни эслаб юришинг керак". Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб ва тинглаб, ҳамиша Парвардигор Кришнани эслаб юра оладиган киши шубҳасиз, истаган пайтда, тўсатдан келиб қолиши мумкин бўлган ажалидан мутлақо қўрқмайдиган бўлади.

Бу шеърларда Шукадева Госвами Кришна - Худонинг Олий Шаҳси эканини тасдиқлайди, шу-

нинг учун у ҳаммага ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юришни насихат қилади. У фаришталарни шарафлаб куйлашни, уларнинг кароматлари ҳақида тинглашни айтмайди. Майвадилар, имперсоналистлар кимнинг номини зикр қилсангиз ҳам - фаришталарнинг номиними, Кришнанинг номиними барибир, - натижа бир хил бўлади, деб айтадилар. Лекин бу нотўғри. Ишонарли руҳий устоз Шукадева Госвамининг "Шримад Бхагаватам"да айтишига кўра, фақат Парвардигор Вишну, Кришна ҳақида тинглаш ва фақат Унинг муқаддас номларини зикр қилиш керак.

Шундай қилиб, Шукадева Госвами Махараж Парикшитга ажал даҳшатидан, ўлимдан кўрқидан халос бўлиш учун одам нима қилиб бўлса ҳам, Худонинг Олий Шахси - Парвардигор Кришна ҳақида тинглаши, Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиб, Уни эслаб юриши лозим. У яна Худо Шахси *сарватма* эканини ҳам тасдиқлади. *Сарватма* дегани "ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Руҳи" дегани билдиради. Бундан ташқари, мазкур шеърда Кришна *ишвара* - барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Олий Хукмдор деб аталган. Шунинг учун, қандайдир йўллар билан бизнинг қалбимизда Кришнага боғланиш пайдо бўлса, У бизни барча хавф-хатардан ҳимоя қилади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Худонинг содиқ хизматкори бўлган одам мағлубият, йўқотиш нималигини билмайди. Бошқа одамларнинг ҳаммаси бу дунёда ҳар қадамда мағлубиятга учраб, ҳафсаласи пир бўлиб яшайди. Мағлубият деганда инсон киёфасидаги танага эга бўлиб ҳам, тирик мавжудотнинг туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқиб кетиш учун шундай бахтли имкониятдан фойдаланмаслигини тушуниш керак. Шундай одам кейинги ҳаётида моддий табиат қонунлари уни яна қаерларга ташлашини билмайди.

Фараз қилайлик, инсон танасига эга бўла туриб, тирик мавжудот қалбида мудраб ётган Кришна онгини уйғотмайди. Унда тирик мавжудот яна 8.400.000 турли тана кўринишидаги туғилиш ва ўлишлар чархпалагида қолиб кетаверади ва унинг руҳий табиати намоён бўлмай қолади. Ундай тирик мавжудот кейинги ҳаётида қандай тана олишини ҳам билмайди: ўсимликми, ҳайвонми, паррандами ёки бошқа бир тирик мавжудотми, чунки тирик мавжудотларнинг тури кўп. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами бизга маслаҳат берадики, қалбимиздаги азалий Кришна онгини уйғотиш учун ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, ақлимизни Кришнада мужассам қилишимиз лозим, шунда ажалдан, ўлимдан ҳам кўрқмайдиган бўламиз. Ўлгандан кейин қаерга боришимизни биз билмаймиз, чунки бутунлай моддий табиат қонунлари ҳукми остидамиз. Бу қонунлардан фақат Кришна, Худонинг Олий Шахси устун туради. Демак, ҳеч иккиланмасдан Кришнанинг ҳимояси, паноҳи ос-

тига кирсак, биз туғилиш ва ўлишлар чархпалагида яна тушиб қолиш хавфидан бутунлай халос бўламиз. Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган самимий содиқнинг албатта Кришнанинг даргоҳига бориши кафолатланган, буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди.

"Падма пурана"да ҳам бизга шундай маслаҳат берилган. Унда айтилишича биз ҳамиша Парвардигор Вишнуни эслаб юришимиз лозим. Ҳамиша Парвардигор Вишнуни эслаб юриш *дхйана*, муроқабача деб аталади. Унда айтилганки, муроқабача жараёнида одамнинг ақли Парвардигор Вишнуда мужассам бўлиши керак. "Падма пурана"да дхйана-йогларга муроқабача жараёнида ақлини ҳамиша Парвардигор Вишнунинг киёфасида мужассам қилиб, бир лаҳза ҳам Уни эсдан чиқармаслик тавсия этилган. Оннинг ана шундай ҳолати транс, *самадхи* деб аталади.

Бизнинг кундалик фаолиятимиз шундай ташкил этилган бўлиши керакки, биз Парвардигор Вишну, Кришнани ҳамиша эслаб юра оладиган бўлайлик. Бунда ақлини Кришнанинг икки қўллик киёфасида ёки Парвардигор Вишнунинг тўрт қўллик киёфасида мужассам қилишнинг фарқи йўқ. "Падма пурана" ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳеч қачон, бир лаҳза ҳам эсдан чиқармасдан, ҳамиша Парвардигор Вишнуни эслаб юришни тавсия қилади. Аслини олганда мана шу - бхакти-йоганинг асосий қонунидир. Бирор иш қилишни буюрадиган кўрсатма айни пайтда албатта бирор фаолиятни таъқиқлашни ҳам билдиради. Ҳамиша Парвардигор Кришнани эслаб юриш - ҳеч қачон Уни эсдан чиқармасликни билдиради. Худога садоқат билан хизмат қилишдаги барча қонун-қоидалар мана шу оддий буйруқ ва таъқиқлашдан иборат.

Мана шу қонун-қоида барча варна ва ашрамларга - жамиятдаги барча табақа ва турмуш тарзининг барча турларига тааллуқли. Инсонлар жамияти тўрт варна(табақа)га бўлинган: брахманлар(диндорлар ва донишмандлар); кшатрийлар(ҳарбийлар ва сиёсатчилар); вайшйалар(савдогарлар ва ер эгалари); шудралар(ишчи ва хизматчилар). Маданятли жамиятда тўрт турли ҳаёт тарзи - тўрт ашрамда яшайдиган одамлар яшайди; брахмачарйа(шогирдлик даври); грихастха(оилавий ҳаёт); ванапрастха(оила ташвишларидан четлашиш); саннийаси (таркидунёлик даври). Инсон ҳаётини тартибга соладиган қонун-қоидаларга фақат брахмачарйалар эмас, балки барча ашрамдагилар: руҳий ҳаёт бошида турган брахмачарйалар ҳам, камолотга эришган саннийасилар ҳам қатъий амал қилишлари лозим. Ҳамиша Худонинг Олий Шахсини эслаб юриш ва бир лаҳза ҳам Уни эсдан чиқармаслик - жамиятдаги ҳар бир одам амал қилиши лозим бўлган ягона қонундир.

Агар мана шу кўрсатмага риоя қилинса, бошқа барча қонун-қоидаларнинг ҳаммасини бажаришдан кўзда тутилган мақсадга эришилган

ҳисобланади. Бошқа барча қонун-қоида ва кўрсатмаларни, чеклаш ва буйруқларни мана шу асосий қонуннинг ёрдамчилари ва хизматкорлари деб қараш мумкин. Барча қонун-қоидалар, таъқиқлашлар, уларнинг оқибатлари "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида тушунтирилган(5.2.3). Шоҳ Нимиға насиҳат бериш учун келган донишмандлардан бири унга мурожаат қилиб шундай дейди: "Инсонлар жамиятидаги тўрт табақа - брахманлар, кшатрийлар, вайшйалар ва шудралар - Парвардигорнинг фазовий кифасининг ҳар хил қисмларидан юзага келган: брахманлар - Унинг бошидан, кшатрийлар - кўлидан, вайшйалар - белидан, шудралар - оёғидан. Худди шундай, саннийасилар Парвардигорнинг калласидан, ванапрастхалар - кўлларидан, грихастхалар - белидан, брахмачарйалар - оёғидан пайдо бўлганлар".

Одамнинг бирор табақа ёки турмуш тарзиға мансублиги унинг шахсий сифатлари билан аниқланади. "Бхагавад-гита"нинг тасдиқлашича, тўрт табақа ва тўрт турли турмуш тарзидан иборат тизимни Парвардигорнинг Ўзи, одамларнинг шахсий сифатларига қараб яратган. Худди тананинг ҳар хил қисмлари турли вазифаларни бажаргани сингари, ўзининг руҳий онги ва шахсий сифатларига қараб, ҳар бир одам жамиятда қайсидир табақаға мансуб бўлади ва маълум турмуш тарзи билан яшайди. Лекин инсон қайси варна, қайси ашрамда бўлишидан қатъий назар, унинг ҳаётдаги ҳар қандай фаолиятининг мақсади битта - Худонинг Олий Шахси. Буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди: "У - Олий лаззаталнувчи". Шунинг учун инсон ким бўлишидан қатъий назар - брахманми, кшатрийми ва ҳоказо - ўзининг фаолияти билан Парвардигорни мамнун қилиши лозим. "Шримад Бхагаватам"нинг навбатдаги шеърида ҳам айнан шу тасдиқланган: "Жамиятдаги ҳар бир одам ҳаётда ўзига белгиланган вазифаларни бажариб яшаши лозим, лекин, одамнинг ҳаётдаги ўз бурчини қандай бажараётгани ҳамиша бир ўлчов, бир мезон: ўзининг фаолияти билан у Парвардигорни қанчалик мамнун қилаётгани билан ўлчанади". Бу ерда шу нарса назарда тутилганки, ҳар бир одам ўзининг жамиятдаги ўрни ва мартабасига қараб, ўзига белгиланган бурчини ихлос билан, холис бажариши лозим, шунда унинг фаолиятидан Парвардигор мамнун бўлади, акс холда у ўзининг мартабасидан маҳрум бўлади.

Масалан, брахман Парвардигорнинг калласидан пайдо бўлган, унинг бурчи - одамларға Ведаларнинг илоҳий илмини, шабда-брахмани ўргатиш. Брахман жамиятнинг калласи вазифасини бажараётгани учун у одамларни Илоҳий товушлар, Худонинг муқаддас номлари билан таништириб, Парвардигор учун овқат ейиши керак. Ведаларда айтилганки, брахман овқат еганида Парвардигорнинг Ўзи брахман орқали овқатланади. Лекин бу - брахман одамларға "Бхагавад-гита" таълимотини ўргатмасдан, фақат Пар-

вардигор учун овқат ейиш билан шуғулланиши керак, дегани эмас. "Бхагавад-гита"да айтилишича, Кришнани англаш таълимотини одамларға ўргатиб юрган одам Кришна учун жуда азиз. Ана шундай одам - ҳақиқий брахман, шундай одамға овқат таклиф қилсак, Парвардигорнинг Ўзини овқатлантирган бўламыз.

Ўз навбатида кшатрий одамларни майа хужумидан ҳимоя қилиши керак. Бу унинг муқаддас бурчи. Бунга Махараж Парикшит ёрқин мисол бўла олади. Сигирни ўлдирмоқчи бўлиб турган қора одамни кўрган захоти, ўша қора танли Кали деган одамни ўлдирмоқчи бўлиб, у дарров кўлиға қиличини олди. Мана шу кшатрийнинг бурчи ҳисобланади. Одамларни ҳимоя қилишда зўравонлик, зулм ишлатмасликнинг иложи йўқ. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришнанинг Ўзи Курукшетра жанг майдонида оддий одамларни ҳимоя қилиш учун Аржунға зулм ишлатишға буйруқ беради.

Вайшйаларнинг бурчи - жамиятдаги одамларға кишлоқ-хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, уларни тақсимлаш, савдо-сотик қилиш. Брахман, кшатрий, вайшйаларнинг вазифасини бажаришға кодир бўлган ақлга эга бўлмаган одамлар - шудралар деб аталади ва уларнинг бурчи ўзларининг жисмоний кучи билан юқори табақа одамларига ёрдам беришдан иборат. Шу тариқа жамиятдаги табақалар руҳий юксалиш йўлида ҳамкорлик қилиб, бир-бири билан ўзаро яқин муносабатда бўладилар. Жамиятда одамлар, табақалар орасида ана шундай ҳамкорлик бўлмаса, одамлар адашиб, жаҳолатға ботиб, тубанликка юз тутадилар. Ҳозир биз яшаётган уруш-жанжаллар даври бўлган Калиюғада аҳвол мана шундай. Ҳеч ким ўзининг бурчини бажармайди, ҳар ким ўзини ё брахман деб, ё кшатрий деб, бир-бирининг олдида манманлик билан гердаишдан бошқа иш қилмайди. Аслида эса, ундай одамларнинг жамиятда ҳеч қандай ҳақиқий ижтимоий ўрни, мартабаси йўқ. Улар Худонинг Олий Шахси билан ҳеч қандай йўл билан боғланмаган, чунки Кришна онгида эмаслар, Парвардигорни тан олмайдилар. Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг мақсади - инсониятнинг, жамиятнинг азалий, табиий ҳолатини қайта тиклашдан иборат, шунда ўзининг қалбида Кришна онгини уйғотиб, жамиятдаги ҳар бир одам ҳақиқий бахт-саодатға эриша олади.

Парвардигор Кришна Уддхаваға берган насиҳатларида айтадики, инсон ўзининг варна ва ашрами қонун-қоидаларига амал қилиб яшаш билан Парвардигорни мамнун қилади, бунинг натижасида эса, жамиятда ҳар томонлама фаровонлик юзага келади. Охир-оқибатда Худонинг Олий Шахси бошқа барча тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлайди. Агар жамиятнинг ҳар бир аъзоси Парвардигорни таниб, Кришна онгида ўзининг бурчини ҳалол ва холис бажариб юрса, шубҳасиз жамиятда барқарор тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб,

одамлар бахтиёр яшайдилар. Одамларда ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса етарли бўлганида - Ер сайёраси Вайкунтхага - руҳий оламга айланади. Агар одамлар "Шримад Бхагаватам" кўрсатмаларига амал қилиб, жамиятдаги ўз бурчини бажариб, Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрсалар, Худонинг даргоҳига боришни кутиб юрмасдан, ҳозирнинг ўзида, мана шу Ер сайёрасидаёқ бахтли ҳаёт кечира бошлайдилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида (27.49) Шри Кришнанинг Уддхавага айтган яна бир гаплари бор: "Азизим Уддхава, ҳамма одамлар қандайдир фаолият билан - ё муқаддас китобларда кўрсатилган руҳий фаолият билан, ёки оддий моддий фаолият билан машғул бўлиб юрибдилар. Агар улар Кришна онгида бўлиб, ҳар қандай фаолиятнинг натижалари билан Менга сиғиниб юрсалар, ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам бахтиёр яшайдилар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ". Парвардигор Кришнанинг бу гапларидан шундай хулоса чиқадики, Кришна онгида фаолият кўрсатиш билан одамнинг барча истақлари амалга ошади.

Шундай қилиб, одам ҳаётда ҳақиқатан ҳам бахтли яшаши учун жамиятнинг қандайдир табақасига ёки турмуш тарзига - брахманлар ёки кшатрийларга, брахмачарья ёки саннийасиларга - мансуб бўлиши ҳам шарт эмас - Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг бошқа ҳар қандай усуллардан афзаллиги ҳам мана шунда. Ҳар бир одам жамиятда, ҳаётда аввалгидай яшашда давом этавериши мумкин. Фақат, Кришнани англаб, Кришна онги билан яшаб, ўз фаолиятининг натижаларини Кришнага таклиф қилса бас. Шунда бутун жаҳондаги вазият бутунлай ўзгариб кетади, ҳамма бахтиёр ва осойишта ҳаёт кечира бошлайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилишни тартибга солувчи қонун-қоидалар "Нарада-панчаратра"да шундай таърифланади: "Мақсади Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш бўлган, муқаддас китоблар қўллаб-қувватлайдиган ҳар қандай фаолиятни мўътабар устозлар Худога садоқат билан хизмат қилиш деб ҳисоблайдилар". Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳаммаша шундай фаолият билан машғул бўлиб юрган одам вақти келиб албатта Худога соф садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига эришади.

## Учинчи боб.

### **Кимлар Худога садоқат билан хизмат қила оладилар?**

Махатмалар, Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш одамга маълум даражада Шри Кришнанинг мафтункорлигини ҳис қилишга ёрдам беради. Бунда у кармали фаолиятга ва дунёвий ҳисий лаззатларга қаттиқ боғланган бўлиши, тар-

кидунёликка, дунёвий нарсаларга боғланмасликка ҳали умуман тайёр бўлмаслиги мумкин. Лекин, агар шундай одам барибир Кришнага қаттиқ боғланиб қолган бўлса, у Худога садоқат билан хизмат қилишга муносиб номзод бўла олади.

Соф содиқлар билан бўлган суҳбат давомида одамнинг қалбида Кришнага, Кришнани англашга боғланиш туйғуси пайдо бўлиши - энг нодир омад белгиси. Парвардигор Чайтанья ҳам тасдиқлаб айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғи руҳий устоз ва Кришнанинг марҳамати билан фақат энг омадли одамларга берилади. Бу борада "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғидан Парвардигор Кришнанинг сўзларини келтириш мумкин:(20.8) "Азизим Уддхава, фақат энг нодир омадга дуч келган одамгина Менга боғлана олади. Ҳатто у кармали фаолиятга бўлган боғланишдан бутунлай кутулмаган бўлса ва ҳали Худога садоқат билан хизмат қилишга унчалик боғланмаган бўлса ҳам, унинг Менга қилаётган хизматлари дарров натижа бера бошлайди".

Худонинг содиқларини уч синфга бўлиш мумкин. Биринчи, олий синфга мансуб содиқларнинг фазилатлари қуйидагича: у барча асосий муқаддас китобларни мукамал билади ва уларга асослашиб далиллар келтира олади. У шароитга, вазиятга мос равишда муқаддас китобларнинг хулосасини одамларга моҳирлик билан тақдим эта олади ва ҳар қандай шароитда ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш усулларини ишонарли равишда асослаб бера олади. У инсон ҳаётининг асосий мақсади - Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш эканига чуқур иймон билан ишонади ва Парвардигор Кришна - севиш ва сиғиниш лозим бўлган ягона Парвардигор, Парвардигор эканини аниқ билади. Барча қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида таёргарликдан ўтган, муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида унга ўз ихтиёрини самимий топширган содиқ биринчи тоифа содиқлар тоифасига киради. Шундай одам бошқаларга Парвардигор ҳақида гапириш ва ўзи руҳий устоз бўлиш учун ҳамма сифатларга эга ва уни олий даражадаги, биринчи синфга мансуб содиқ деб атайдилар. Ана шундай содиқ мўътабар устозлар ўрнатган қоидалардан ҳеч қачон четга чиқмайди, муқаддас китобларнинг мазмунини мантиқ ва далиллар асосида мукамал тушуниб, уларга чуқур ишонадилар. Биринчи синфга мансуб содиқ аклий, фалсафий фикрлашларни шунчаки бекорга вақт кетказиш деб ҳисоблайди. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг аниқ ҳақиқат йўли эканига чуқур ишонадиган одамни биринчи даражали содиқ деб аташ мумкин.

Иккинчи даражали содиқнинг сифатлари қуйидагилар. У ўзининг мақсадига аниқ ишонади, лекин, баъзан бошқалар олдида ўзининг ишончини, фикрини муқаддас китоблардан далиллар келтириб исботлай олмайди. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи тоифа содиқ Худога садоқат билан хиз-

мат қилиш йўлига аниқ ишонади, лекин бошқалар билан бўладиган бахсларда муқаддас китоблардан зарур далиллар келтириб, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли ҳақиқий йўл эканини исботлаб беролмайди. Аммо, барибир унинг ишончи комил, далиллар келтиролмадлиги унинг иймонига путур етказмайди. Кришна - сиғиниш лозим бўлган ягона Парвардигор эканига бўлган иймонидан уни ҳеч ким қайтара олмайди.

Ҳали тажрибасиз, яъни учинчи синфга мансуб содиқ - ҳали иймони етарлича кучли бўлмаган, ҳали муқаддас китобларнинг хулосаларини тўла тан олмайдиган одамлардир. Ундай содиқларнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига бўлган ишончи бирор одамнинг кучли далиллари ёки ишончли гаплари таъсирида ўзгариб кетиши мумкин. Учинчи синфга мансуб содиқникидай қатъий ишонч, чуқур иймон шаклланган эмас. Шунинг учун уни тажрибасиз-содиқ деб атайдилар.

Тажрибасиз содиқларнинг турлари "Бхагавад-гита"да батафсилроқ келтирилган. Унда Худога садоқат билан хизмат қилишга мурожаат қилиши мумкин бўлган одамларнинг тўрт тоифаси келтирилган: мусибатга тушганлар, пулга муҳтож бўлганлар, қизиқувчанлар ва донишмандлар. Бундай одамлар ҳаётда ўзларига етишмаётган нарсаларни Худодан сўраш учун Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар. Улар содиқлар Худога сиғинаётган эҳромларга, масжид, черковларга келиб, Худодан ўзларининг мусибатларини камайтиришни, иқтисодий муаммоларини ҳал қилишни ёки қизиқишларини қаноатлантиришни илтижо қиладилар. Парвардигорнинг улуғворлигини энди англаб етган донишмандни ҳам тажрибасиз-содиқлар тоифасига киритадилар. Ана шундай тажрибасиз-содиқлар агар соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиб, самимий ҳаракат қилишда давом этсалар, иккинчи ёки ҳатто биринчи даражали содиқлар поғонасига кўтариладилар.

Тажрибасиз-содиққа Дхрува Махараж мисол бўла олади. У отасининг тахтига эга бўлиш учун Худога садоқат билан хизмат қила бошлаган эди, лекин, охир-окибатда моддий иллатлардан бутунлай покланиб, Парвардигордан бирор моддий мол-дунё қабул қилишдан бош тортди. Худди шундай, Гажендра ҳам мусибатга тушиб қолиб, ҳимоя қилишини илтижо қилиб Парвардигор Кришнага мурожаат қилди ва Худонинг соф содиғи бўлди. Санака, Санатана, Сананда ва Санат-кумарлар донишманд, авлиё одамлар эдилар, уларни Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни ўзига жалб этди. Наимишаранья ўрмонида тўпланган Шаунака муни бошлиқ донишмандлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш билан қизиқа бошладилар. Ўзларининг қизиқувчан табиатига кўра улар, Сута Госвамига Кришна ҳақида жуда кўп саволлар бера бошладилар. Шу тариқа улар Кришнанинг соф содиғи билан ҳамсухбат бўлиб,

ўзлари ҳам соф содиқлар даражасига кўтарилдилар. Рухий юксалиш йўли шундай: одам қандай шароитда яшашидан қатъий назар, агар омади келиб, ҳаётида Худонинг соф содиғи билан ҳамсухбат бўлиш бахтига дуч келса, жуда тез вақт ичида иккинчи ёки ҳатто биринчи даражали Худонинг содиғига айланади.

Мана шу тўрт тоифага мансуб одамлар "Бхагавад-гита"нинг еттинчи бобида таърифланган, уларнинг ҳаммасини такводор, ҳалол одамлар деб атайдилар. Токи одам такводор, ҳалол яшаш даражасига кўтарилмас экан, у ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эриша олмайди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, фақат узоқ вақт давомида савоб, эзгу ишлар қилиб юрган, ҳозирги ҳаётига аввалги гуноҳ ишларининг оқибатлари таъсир қилмайдиган одамгина Кришнани, Парвардигорни англаб, Кришна онгини қабул қила олади. Бошқа ҳеч қандай одам бунга қодир эмас. Тажрибасиз содиқларни тўрт тоифага бўлиш - мусибат чекаётганлар, пулга муҳтожлар, қизиқувчанлар ва донишмандлар - уларнинг савоб ишларининг миқдори асосида келтирилган. Савоб ишлар қилмаган одам бошига мусибат тушганида *агностиқ*(оламни мукамал ўрганиш мумкин эмас дейдиган), коммунист ёки яна кимдир бўлиши мумкин. Худога иймони бутун бўлмаган шундай одамлар, агар Худонинг борлигини бутунлай инкор этсам, ўзимнинг аҳволимни яхшилаб оламан деб қатъий ишонадилар.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна айтдики, барча тажрибасиз-содиқлар ичида Унга донишмандлар жуда қадри, чунки донишманд одам, агар у Кришнага боғланиб қолган бўлса, бунинг эвазига Кришнадан ҳеч нарса - аҳволини яхшилашни ҳам, пул, мол-дунё ҳам сўрамайди. Яъни, унинг Кришнага боғланиши Худога садоқат билан хизмат қилишнинг аввал бошидан оқ қандайдир даражада соф муҳаббатга асосланган бўлади. Бунинг устига ўзининг донишмандлиги ва шастраларни, муқаддас китобларни яхши билгани учун у Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англаб олишга қодир бўлади.

"Бхагавад-гита"да айтилганки, ҳақиқий донишмандликка эришган одам, жуда кўп туғилишлардан кейин, Кришна(Васудева) - бутун борлиқнинг манбаи ва барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси эканини тушуниб, ўз ихтиёрини Васудевага топширади. Шунинг англаб етгандан кейин у Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига бош қўяди ва аста-секин унинг қалбида Кришнага илоҳий муҳаббат уйғона боради. Гарчи шундай одам Кришнага ҳаммадан азизроқ бўлса ҳам, Кришна бошқа тажрибасиз-содиқларни ҳам буюк руҳлар деб ҳисоблайди, чунки, мусибатга тушганда ёки бирор нарсага муҳтож бўлганда бўлса ҳам улар ёрдам сўраб Кришнага мурожаат қилдилар. Шунинг учун уларни ҳам махатмалар, яъни эркин, чуқур фикрлай оладиган одамлар деб атайдилар.

Токи одам *джнани* - донишманд даражасига кўтарилмас экан, у Худонинг Олий Шахсига сизиниш қонунига содиқ бўлиб, яъни чуқур иймонга эга бўлиб қололмайди. Фаросатсизроқ, майя таъсирига берилиб, чуқур фикрлаш қобилятини йўқотган одамлар моддий табиат гуналари таъсири остида ҳар хил фаришталарга боғланиб қоладилар. Донишманд - ўзининг моддий тана эмас, руҳий табиатга эга бўлган жон, руҳ эканини аниқ тушуниб етган одамдир. Ўзининг руҳ эканини англаб етиб, Кришна - Олий Руҳ эканини тушуниб, донишманд одам моддий танаси билан эмас, балки Кришна билан яқин муносабатда бўлиши лозимлигини билади. Мусибатга тушган ва пулга муҳтож одамлар ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга, чунки бахтсизлик, мусибат ҳам, муҳтожлик ҳам моддий танага тааллуқли эҳтиёжлардир. Қизиқувчан одам руҳий юксалишда мусибат чекаётган ёки пулга муҳтож одамдан устунроқ туради, лекин у ҳам ҳали моддий поғонада юрган ҳисобланади. Кришнани излаётган донишманд одам эса, ўзининг руҳ, Брахман эканини, Кришна эса - руҳий табиатга эга Олий Руҳ, Парабрахман эканини мукамал билади. У алоҳида руҳ бўйсунган, чекланган бўлгани сабабли, чексиз Олий Руҳ - Кришна билан ҳамшиша алоқада бўлиши лозимлигини яхши билади. Донишманд одамнинг Кришна билан ўзаро муносабатлари шундай.

Шундай қилиб, фақат ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридаги моддий тасаввурлардан бутунлай халос бўлган одамгина Худога соф садоқат билан хизмат қила бошлайди. "Бхагавад-гита"да ҳам таъкидлаб айтилганки, одам Брахманни англаб етиб, ҳаётда барча моддий ташвишлардан халос бўлганида ва барча тирик мавжудотларнинг ягона табиатини кўриш қобилятига эга бўлганида унга Худога садоқат билан хизмат қилиш имконияти берилади.

Юқорида айтилганидай, бахтнинг уч тури бор: моддий бахт, руҳий бахт ва Худога садоқат билан хизмат қилиш бахти. Моддий табиат таъсири остида юрган одам Худога садоқат билан хизмат қилиш ва бундай фаолият келтирадиган бахтга эриша олмайди. Одамнинг қалбида ҳиссий лаззатланиш ва Парвардигор билан қўшилиб кетиш истаги ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар асосида юзага келади. Имперсоналистлар Парвардигор билан қўшилиб кетишга интиладилар, чунки улар Худонинг Олий Шахси билан ҳамсухбат бўлиш ва У билан ўзаро муносабатда бўлиш берадиган илоҳий бахтнинг кадрига ега олмайдилар. Уларнинг мақсади ва барча интилишлари шунчаки ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларнинг мантиқий давоми, холос. Моддий оламда ҳар бир одам атрофидагилардан, қўшиларида ва дўстларидан устунроқ бўлишга интилиб яшайди. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга одам ҳамшиша оиласида, табақасида ва жамиятда устивор бўлишга интилади. Мана шу устиворликка, устунликка,

улуғворликка интилиш тобора кучая, ривожлана бориб, охирида ҳамма буюкларнинг энг буюги, улуғларнинг энг улуғвори - Парвардигор билан бир бўлиш истагига айланади. Аслини олганда, гарчи улуғворроқ бўлса ҳам, барибир бу ғоя ҳам ҳаёт ҳақидаги моддий тушунча, моддий тасаввурга асосланган ғоя. Ҳаёт ҳақида мукамал руҳий тасаввур инсонга Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш имконини берадиган, ўзининг азалий ҳолати ҳақидаги мукамал илмга эга бўлишни назарда тутаяди. Инсон тушуниб олиши керакки, у - чекланган, Парвардигор эса - чексиз, шунинг учун ҳар қанча интилсак ҳам Парвардигор билан бир бўлишнинг мутлақо имкони йўқ. Шунинг учун, қалбида озгина бўлса ҳам, яхшироқ, устиворроқ ҳолатга эришиб, (моддий ёки руҳий жиҳатдан) бошқалардан устунроқ бўлиш ёрдамида ўзининг шахсий ҳиссиётини қондириш истаги(ғурур) қолган одам Худога садоқат билан хизмат қилишдан ҳақиқий лаззат ололмайди. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами айтадики, *бхукти*(моддий лаззат)га ёки *мукти*(руҳий озодлик)га интилиш - жодугар аёлнинг чангалида бўлиш демакдир: унда ҳам, бунда ҳам одам барибир ачинарли ҳолатда қолаверади. *Бхукти* моддий лаззатларни билдиради, *мукти* эса - моддий, дунёвий ташвишлардан халос бўлиб, руҳий озодликка чиқиш ва Парвардигор билан қўшилиб кетишдир. Бундай истакларга эга бўлиш - ақлдан озиш ёки жодугарнинг қўлига тушиш билан баробар, чунки одамнинг қалбида моддий лаззатларга интилиш ва Парвардигор билан бир бўлиб кетишга озгина бўлса ҳам истак қолса, у Худога садоқат билан хизмат қилишнинг асл илоҳий лаззатининг мазасини ҳис қила олмайди.

Соф содиқ ҳеч қачон озодликка чиқиш ҳақида ўйламайди. Парвардигор Чайтанья Кришнага шундай деб илтижо қилган: “Эй Нанданинг ўғли, Кришна, Менга моддий бахтнинг ҳеч қандай тури керак эмас: Мен кўплаган издошларим бўлишини ҳам, чексиз мол-дунёга эга бўлишни ҳам, чиройли хотиним бўлишини ҳам истамайман. Мен ҳатто дунёвий ҳаётдан озодликка чиқишни ҳам истамайман - Мен бу дунёда такрор ва такрор туғилаверишга ҳам тайёрман. Менинг Сендан ягона илтимосим - қалбимдаги Сенга бўлган садоқатим ҳамшиша ўзгармас, мустаҳкам бўлиб қолсин!”

Соф содиқнинг диққат-эътибори Парвардигорнинг эрмақларини, номларини, сифатларини, қиёфаларини ва У билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани шарафлаш билан шу қадар банд бўлиб қолганки, у *мукти* ҳақида ҳатто қизикмайди ҳам. Шри Билвамангала Тхакур шундай дейди: “Эй азиз Худойим, мен Сенга Худога садоқат билан хизмат қилаётган пайтимда Сенинг ҳамма ерда мавжуд эканингни ҳис қилиб туришим қийин эмас. Озодликка чиқиш эса, эшигим олдида қўлларини қовуштириб, менинг амримни кутиб туради”. Шундай қилиб, соф содиқлар озодликка

чиқишга ва руҳий эркинликка эришишга унча катта аҳамият бермайдилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(25.36) Капиладева онаси Девахутига шундай дейди: "Онажон, Менинг соф содиқларим Мен намоён этган киёфа ва кўринишларимга мафтун бўлиб қолганлар: Менинг алп қоматим ва юзимнинг жамоли бениҳоя гўзал. Менинг кулишларим, эрмакларим ва дунёкарашларим уларни ўзига шунчалик махлиё қиладики, уларнинг ақлухаёли ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйлар билан банд бўлиб, улар бутун ҳаетини Менга бағишлайдилар. Гарчи улар дунёвий бахтнинг ҳар қандай кўринишларига, озодликка чиқишга илтилмасалар ҳам, Мен Ўзимнинг олий даргоҳимда улар учун энг яқин ҳамроҳларим орасидан жой тайёрлаб қўяман".

"Шримад Бхагаватам"дан келтирилган бу шеърда Парвардигор соф содиғига Ўзи билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятини ваъда берган. Шу муносабат билан Шрила Рупа Госвами таъкидлаб айтадики, Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойининг гўзаллиги ва Унга хизмат қилиш жараёни мафтун этган, ҳамда мана шу боғланиш қалбини ҳамиша илоҳий лаззат билан тўлдириб юрадиган одамнинг хаёлини имперсоналистлар шунча кадрлайдиган руҳий озодликка чиқиш ҳақидаги ўйлар ҳеч қачон безовта қилолмайди.

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(4.15) Уддхава Парвардигор Кришнага шундай сўзлар билан мурожаат қилади: "Эй азиз Худойим, на диндорлик, на моддий фаровонлик, на бу дунёдаги ҳиссий лаззатланишлар, на озодликка эришиш Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқларга бирор саодат келтиролмайди, аммо бундай фаолиятлар келтирадиган бахтга улар бемалол эриша оладилар. Бундай саодатлардан истаган бирига эришиш мен учун қийин эмас, лекин шундай имкониятим бўлишига карамай, эй азиз Худойим, мени уларнинг бирортаси қизиқтирмайди. Мен Сендан фақат бир нарсани илтижо қиламан - менга Сенинг Ўзингга ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойига чуқур ишонч, ўзгармас иймон ва садоқат ато эт!"

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида яна шунга ўхшаш гаплар бор(25.34). Унда онасига мурожаат этиб, Капила дева шундай дейди: "Онажон, қалби ҳамиша Менинг нилуфар қадамларим пойига хизмат қилиш истаги билан тўлган, Мени мамнун қилиш учун ҳар нарсага тайёр бўлган, айниқса уларнинг орасидан Менинг сифатларим, эрмакларим ва киёфаларим ҳақидаги ҳикояларни тинглаш учун бир жойга тўпланадиган ва чуқур илоҳий лаззат олиб Мени шарафлайдиган энг омаддилари ҳеч қачон Мен билан қўшилиб кетишни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Менга қўшилиш у ёқда турсин, улар ҳатто Мен билан тенг мартабага эришишдан, Меникига тенг бойликка эга бўлишдан ёки Меникига ўхшаган танада

Мен билан шахсан ҳамсуҳбат бўлишдан ҳам бош тортадилар, чунки Менга садоқат билан хизмат қилишнинг ўзидан улар тўла мамнуният ҳосил қиладилар".

"Шримад Бхагаватам"нинг тўртинчи кўшиғида(9.10) шох Дхрува шундай дейди: "Эй азиз Худойим, руҳий ўзлигини англаш жараёнида эришиладиган илоҳий лаззатни соф содиқларнинг Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнида оладиган илоҳий лаззатига мутлақо тенглаштириб бўлмайди. Шундай экан, энг донолари олий, жаннатий сайёраларга эришишни истайдиган, ўзларининг дунёвий фаолиятига қаттиқ боғланиб қолган оддий одамлар Сени қандай тушуна олсинлар? Уларнинг бу дунёдаги бахтини соф содиқларнинг бахти билан асло тенглаб бўладими?"

### Тўртинчи боб.

#### Худого садоқат билан хизмат қилишнинг озодликка чиқишнинг барча турларидан устунлиги.

Содиқнинг Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишга қанчалик қаттиқ боғланиб қолганлиги "Шримад Бхагаватам"нинг тўртинчи боби(20.24)да Махараж Притху(Ади-раджа)нинг гапларида таърифланган. У Худонинг Олий Шахсига илтижо қилиб шундай дейди: "Эй азиз Худойим, агар мен озодликка чиққандан кейин Сенинг соф содиқларингнинг нилуфар қадамларинг пойини чин қалбидан шарафлаб гапираётган гапларини тинглай олмайдиган бўлсам, агар мен илоҳий лаззатнинг мана шу ширин асалидан маҳрум бўладиган бўлсам, мен ҳеч қачон Сендан озодликка чиқишни ёки руҳий озодликни тиламайман. Эй азиз Худойим, мен ҳамиша Сенинг шуҳратингни қуйлаш ва бошқаларнинг қанчалик Сени улуғлаётганларини тинмай тинглаш имкониятига эга бўлиш учун Сендан менга миллион тиллар ва миллион кулоқлар ато этишингни илтижо қиламан".

Имперсоналистлар Парвардигор билан қўшилиб кетишни истайдилар, аммо улар ўзларининг алоҳида руҳ бўлган ҳолати билан бирга содиқларнинг Парвардигорнинг шуҳратини шарафлаётганларини тинглаш, Ўзлари ҳам Парвардигорни шарафлаб қуйлаш имкониятидан маҳрум бўладилар. Парвардигорнинг илоҳий киёфаси ҳақида ҳеч нарса билмагани сабабли улар Унинг илоҳий кароматларини шарафлаб қуйлаш ва улар ҳақида тинглаш имкониятидан маҳрум. Бошқача қилиб айтганда, одам руҳий юксалиш йўлида озодликка эришиш поғонасидан юқори кўтарилгандан кейингина Парвардигорнинг илоҳий шон-шуҳратидан лаззатланишга ёки Унинг илоҳий киёфасини англаб етишга қодир бўлади.

Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиғида ҳам айтилган(14.44). Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай гаплар билан му-

рожаат қилади: “Буюк руҳ шоҳ Бхарата Кришна-нинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишга шу қадар боғланиб қолган эдики, у ҳеч қийналмасдан бутун жаҳонга ҳукмронлик қилаётган салтанат тахтини тарк этиб, болаларига, дўстларига, жамиятга, шоҳона ҳаётга, гўзал хотинига боғланишлардан воз кечиб кетди. У шундай омадли инсон эдики, равнақ фариштаси унга ҳар хил моддий бойликлар ато этишни ўзи учун катта обрў деб ҳисобларди. Аммо шоҳ бу моддий бойликларнинг бирортасидан ҳам фойдаланмади”. Шукрадева Госвами шоҳ Бхаратанинг бу ишидан ҳайратга тушяпти. У айтадики: “Худонинг Олий Шаҳси, Мадхусудананинг илоҳий сифатлари қалбини титратиб, ўзига махлиё этган одам моддий бойликлар у ёқда турсин, ҳатто жуда кўп до-нишмандлар излаб юрган озодликка чиқишга ҳам интилмайдилар”.

Шунга ўхшаш гаплар "Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида ҳам бор(11.25). Вритрасура Парвардигорга шундай дейди: “Эй азиз Худойим, Сенга илоҳий садоқат билан хизмат қилишни тарк этиб, мен балки Дхрувалока деб аталадиган сайёрага эриша оларман ёки коинотнинг бирор сайёралар тизимига ҳукмрон бўлишга ҳам эришарман. Лекин мен ундай саодатларга интилмаман. Менга йога билан шуғулланиш жараёнида эришиладиган сеҳр қудрати ҳам, руҳий озодликка чиқиш имконияти ҳам керак эмас. Эй азиз Худойим, мен истаётган ягона нарса - Сен билан ҳамсухбат бўлиб, ҳамиша Сенга садоқат билан хизмат қилиб юриш”.

Буни "Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида(17.28) Тангри Шива ҳам тасдиқлайди. У Сатига мурожаат қилар экан шундай дейди: “Азизим Сати, ўз ихтиёрини Нарайана(Кришна)га топширган одам ҳаётда қўрқув нималигини билмайди. Олий сайёралар тизимига эришадиларми, моддий иллатлардан озодликка чиқадиларми ёки тирикликнинг дўзахий шароитларига тушиб қоладиларми - қаерда бўлсалар ҳам - улар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар. Нараянанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, улар ўзларининг моддий оламдаги ҳолатига мутлақо бефарқ бўлиб қоладилар”.

"Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида(18.74) шундай гапларни Индра ҳам айтган. У онаси Дитига мурожаат қилиб шундай дейди: “Эй азиз онажон, фақат барча истаклардан халос бўлган ва ҳаётини Худого садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида этган одамларгина ўзлари учун ҳақиқий бахт нима эканини биладилар. Шундай одамлар ҳамиша ўзларига бахт-саодат келтирадиган ишлар билан машғул бўлаиб яшайдилар, ҳаётда қандай қилиб камолотга эришиш мумкин эканини ҳеч ким улардан яхши билмайди”.

"Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(6.25). Прахлад Махараж шундай дейди: “Эй иймонсиз-иблислар хонадонида туғилган

дўстларим, бу дунёда энг кам топиладиган ютук - Худонинг Олий Шаҳсини мамнун қилиш. Бошқача қилиб айтганда, агар Парвардигор Шри Кришна сиздан миннатдор бўлса, қалбингизнинг тўрида сақланиб қолган ҳар қандай орзу-истак албатта амалга ошмай қолмайди. Шундай экан, моддий табиат гуналарининг ўзаро муносабатлари натижасидан иборат бўлган ва шунинг учун бизларнинг истагимизга қарши равишда, ўзидан ўзи келаверадиган кармали фаолият натижаларига интилиб юришнинг қандай маъноси бор? Руҳий озодликдан, моддий олам тутқунлигидан озод бўлишдан нима фойда? Агар сиз ҳамиша Парвардигорнинг шуҳратини шарафлаб куйлаб юрсангиз, Унинг нилуфар қадамлари пойи шарбатидан лаззатланиб юрган бўлсангиз, буларнинг бирортасига ҳеч қандай ҳожат қолмайди”. Прахлад Махаражнинг бу сўзларидан аён бўладики, Парвардигорнинг илоҳий шуҳрати ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан ва Уни шарафлаб куйлашдан лаззат оладиган одам, ҳатто савоб ишлар қилиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, моддий тутқунликдан озодликка чиқиш натижасида эришиладиган бахт-саодат билан ҳам мутлақо тенглаб бўлмайдиган бебаҳо бойликка эга бўлган ҳисобланади.

Бунга ўхшаш гаплар "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғининг яна бир жойида ҳам бор(8.42). Парвардигор Нрисимхага фаришталар илтижо қила бошлаганида, осмон шоҳи Индра шундай дейди: “Эй олий ҳукмдор, бу иблислар бизлар қурбонлик маросимидан оладиган улушларимизга кўз олайтирдилар, аммо Сен ўзинг бу ерда пайдо бўлиб бизларни барча қўрқувлардан халос этдинг. Аслини олганда бизлар фақат Сенинг марҳаматинг билан қурбонлик маросимларидан ўз улушимизга эгамиз, чунки Сен - барча қурбонлик маросимлари натижасидан ягона лаззатланувчисан. Сен - барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳисан, шунинг учун аслида ҳамма нарса Сеникидир. Узоқ вақтлардан бери қалбимизни Иблис Хираньякашипудан қўрқув туйғуси эгаллаб келаётган эди. Лекин Сен бизларга нисбатан шунчалик меҳрибонсанки, уни ўлдириб, бизларнинг қалбимизни шу қўрқув азобидан халос этдинг ва қалбимизга яна Сенинг ўзингни жойлаш имкони яратиб бердинг. Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган одамлар учун иблислар бизлардан тортиб олган бойликларнинг бирортаси ҳеч қандай кадр-қимматга эга эмас. Моддий бойликлар нари турсин, Худонинг содиқлари ҳатто озодликка чиқишни ҳам истамайдилар. Аслида қурбонлик маросимларининг барча натижалари бизлар лаззатланишимиз учун мўлжалланган эмас. Бизнинг ҳаётдаги ягона вазифамиз - ҳамиша Сенга хизмат қилиш билан банд бўлишдир, чунки Сен - ҳамма нарса билан ҳақиқий лаззатланувчи ягона Зотсан”.

Индранинг бу гапларининг мазмуни шундан иборатки, Тангри Браҳмадан то арзимас чумолигача бирор тирик мавжудот моддий бойликлардан



лаззатланиш учун яратилмаган. Тирик мавжудотларнинг вазифаси - ҳамма нарсани олий ҳукмдор, Худо Шахсига қурбон қилишдан иборат. Улар шундай қилсалар барча бахт-саодатлар уларга ўз-ўзидан келаверади. Бу ерда яна танани мисол қилиб келтириш мумкин: унинг ҳар хил аъзолари овқат топишда, уни тайёрлашда, овқатнинг ошқозонга бориб тушиши учун иштирок этадилар. Овқат ошқозонга тушганида, тананинг овқатдан оладиган қувватидан тананинг барча аъзолари ўз-ўзидан қувват оладилар. Худди шундай, ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи - Парвардигорни мамнун қилиш, шунда ҳамма ўз-ўзидан ҳаёт кечириш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлади.

"Шримад Бхагаватам"нинг саккизинчи кўшиғида яна бир шеър бор(3.20). Унда Гажендра шундай дейди: эй азиз Худойим, авваллари ҳеч қачон Сенга садоқат билан хизмат қилишдан илоҳий лаззат олиб кўрмаган эдим, шунинг учун Сенга бир илтимос билан мурожаат қилияман. Лекин мен биламанки, Сенинг буюк руҳларнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиб, барча моддий истаклардан халос бўлган соф содиқларнинг илоҳий лаззат уммонига ҳамиша ғарқ бўлиб юрадилар ва шунинг учун ҳамиша Сенинг эзгу сифатларингни шарафлаб қуйлашдан чуқур мамнуният ҳосил қилиб яшайдилар. Уларнинг Сендан бирор нарса сўраб илтижо қилишларига ҳам ёки бирор нарсага интилишларига ҳам ҳеч қандай зарурат йўқ".

"Шримад Бхагаватам"нинг тўққизинчи кўшиғида(4.67) Вайкунтҳа Ҳукмдори Дурваса Мунига шундай деб жавоб беради: "Менинг соф содиқларимга Менга садоқат билан хизмат қилиш шунчалик шодлик, бахт ва мамнуният келтирадики, улар озодликка чиқишнинг мана шу беш туридан бирортасига интилмайдилар: 1. Менга кўшилиб кетиш, 2. Менинг сайёрамда яшаш, 3. Менинг бойликларимга эга бўлиш, 4. Меники сингари танага эга бўлиш, 5. Мен билан бевосита мулоқот қилиш. Ҳатто озодликка чиқишнинг мана шу турлари ҳам уларни мутлақо қизиқтирмайди, бундан моддий бойликлар ва моддий тутқунликдан озод бўлиш улар учун қанчалик арзимайдиган нарсалар эканини билиб олса бўлади".

Бу гаплар "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида ҳам тасдиқланади(16.37). *Нагпатни*(Илон Калиянинг хотинлари) Парвардигорга илтижо қилиб шундай дейдилар: "Эй Парвардигор, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан олинган гарднинг ажойиб хусусияти бор. Унга тегиш бахтига муяссар бўлган одам жаннатий сайёраларга эришиш, барча сайёралар тизимига ҳукмронлик қилиш, йогада сеҳр қудратига эришиш ва ҳатто моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш истакларидан бутунлай халос бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Сенинг нилуфар қадамларинг гарди пойига сиғиниб юрган одамни бошқа ҳар

қандай ютуқлар мутлақо қизиқтирмайдиган бўлиб қолади".

Шу маънодаги гаплар "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(87.21), Ведалар тимсоли Шрутининг Парвардигорга қилган илтижосида ҳам бор: "Эй азиз Худойим, руҳий илмни ўрганиш жуда мушкул. Атайлаб, бизларга мана шу жуда қийин илм - руҳ ҳақидаги илмни тушунтириб бериш учун Сен Ўзингнинг асл қиёфанга бу ерда намоён бўлдинг. Шунинг учун озодликка чиққан *ачарйалар*(руҳий устозлар) билан ҳамсуҳбат бўлиш учун уларини тарқ этган Сенинг содиқларинг энди озодликка чиқишга бўлган интилишларидан бутунлай воз кечиб, бутунлай Сенга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрибдилар".

Бу шеърнинг мазмунини очаётиб, шуни айтиш керакки, руҳ ҳақидаги илм деганда руҳий ўзликни, алоҳида руҳ - "мен"ни ва Олий Руҳни, яъни "Олий-Мен"ни англаб етиш тушунилади. Алоҳида руҳ ва Олий руҳ сифат жаҳтидан бир хил, шунинг учун уларнинг иккисини ҳам Брахман, "руҳ" деб атайдилар. Аммо Брахман ҳақидаги илмни англаб етиш жуда мушкул. Бунга жуда кўп файласуфлар интиладилар, аммо уларнинг бирортаси бу йўлда ҳатто бир қадам ҳам силжий олмайдилар. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, миллионлаган одамлар орасидан руҳий илмни тушунишга интилаётган биргина одам топиш мумкин. Ана шундай интилаётган жуда кўп одамлар орасидан бир-икки одамгина Худонинг Олий Шахсини ҳақиқатан ҳам тушуниб ета олади. Мазкур шеърда айрилганки, руҳий илмни англаб етиш жуда қийин, уни одамларга тушунарли қилиб айтиб бериш учун, Парвардигор Ўзининг азалий Парвардигор Кришна қиёфасида бу оламга келади ва Ўзининг яқин ҳамроҳларидан бири - Аржунга руҳ ҳақидаги илмни ўргатади ҳамда бутун инсониятга руҳий илмни эгаллаш имконини бериб кетади. Мазкур шеърда айрилганки, озодлик деганда ҳаёт кечириш учун ҳар қандай моддий қулайликлардан воз кечишни тушуниш керак. Имперсоналистлар моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишдан тўла мамнуният ҳосил қиладилар, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар дунёвий ҳаётдан ҳеч қийналмай юз ўгирадилар, лекин, шу билан бирга улар Парвардигор Кришнанинг ғаройиб қароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва уларни шарафлашдан илоҳий лаззат олиб яшайдилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(20.34) Парвардигор Кришна Уддхавага шундай дейди: "Азизим Уддхава, Менга садоқат билан хизмат қилишга ҳаётини бутунлай бағишлаган содиқлар садоқат билан хизмат қилишга шунчалик берилиб кетганларки, ҳаётда уларнинг бошқа ҳеч қандай истаги қолмаган. Агар уларга моддий оламнинг ҳар қандай бойлиги нари турсин, ҳатто тўрт турли руҳий бойликнинг ҳаммасини таклиф қилсалар ҳам, улар рад этади-

лар”. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа бир жойида Парвардигор Кришна ҳам буни тасдиқлайди(11.14.14). “Азизим Уддхава, онги ҳамиша Менинг амру-иродамда ва Менинг кароматларимда мужассам бўлган одам ҳатто Брахманинг ёки коинотнинг барча сайёралари ҳукмдори бўлган Индранинг лавозимини эгаллашга ҳам интилмайди, уни саккиз турли сеҳр кудратига эга бўлиш, ҳатто озодликка чиқиш ҳам кизиқтирмайди”. "Шримад Бхагаватам"нинг ўн иккинчи кўшиғида(10.6) Тангри Шива Девига мурожаат қилиб шундай дейди: “Азизим Деви, мана бу буюк донишманд Худонинг Олий Шахсига чуқур иймон келтирган: у ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган ва шунинг учун Ундан ўз меҳнати эвазига ҳеч қандай мукофот истамайди - ҳатто моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиб олишга интилмайди”.

Бу "Падма пурана"да ҳам тасдиқланган, унда Карттика ойида ўтказиладиган маросимлар таърифланган. Бу ой давомида Вриндавандагиларнинг ҳаммасига ҳар куни Парвардигор Кришнага Дамодара қиёфасида илтижо қилиш тавсия этилади. Дамодара - Йашода она арқон билан боғлаб қўймоқчи бўлган ёш бола қиёфасидаги Кришна. *Дама* ибораси - “арқон” деганни, *удара* эса - “қорин” деганни билдиради. Кришнанинг шўхликларидан жаҳли чикқан Йашода арқон билан Унинг қорнидан боғлаб қўйди, шундан бери Кришнани *Дамодара* деб атайдилар. Карттика ойи давомида Дамодарага содиқлар шундай илтижо қиладилар: “Эй Парвардигор, Сен барчага бахт-саодат келтирувчиларнинг, бутун борлиқнинг ҳукмдорисан”. Жуда кўп фаришталар Тангри Брахма, Тангри Шива ва бошқалар ҳам баъзан ўзининг содиқларига бахт-саодат берадилар. Масалан, Тангри Шива ўзининг содиғи Раванага бахт-саодат тилаб дуои-фотиҳа берган эди, Тангри Брахма эса Хираниякашипуга. Аммо, Тангри Брахма ва Тангри Шиванинг ўзлари Парвардигор Кришнанинг дуои-фотиҳасига, марҳаматига муҳтож, шунинг учун Парвардигор Кришнани барчага бахт-саодат келтирувчиларнинг Ҳукмдори деб атайдилар. Шундай қилиб, Парвардигор Кришна ўзининг содиқларига улар истаган ҳамма нарсани ато эта олади, шунга қарамай, илтижонинг сўзлари қуйидагича давом этади: “Мен Сендан моддий бахт-саодат ҳам, мени озодликка чиқаришни ҳам тиламайман. Мен Сендан тилайдиган ягона илтимосим - ҳамиша ҳозир кўз олдимда турган мана шу Сенинг Дамодара қиёфангни эслаб юриш имкониятини бер! Сен шу қадар ёқимтой ва чиройлисанки, менинг қалбимда ҳамиша Сени мана шу гўзал қиёфада кўриб юришдан бошқа ҳеч қандай истак қолмади”. Ана шу илтижода яна қуйидаги сўзлар ҳам бор: “Эй азиз Худойим Дамодара, бир куни Сен шўх ўйинқароқ болакай бўлиб, Нанда Махаражнинг уйида ўйнаб юриб, қатик солинган кўзани синдириб қўйдинг. Мана шу шўхлигинг учун Йашода

она Сени жазолаб, арқон билан тахта ҳовончага боғлаб қўймоқчи бўлди. Шунда Сен икки Аржун дарахти қиёфасида Нанда Махаражнинг ҳовлисида турган Куваранинг ўғиллари Налакувара ва Манигривани озодликка чиқардинг. Менинг Сендан ягона истагим - уларни озодликка чиқаргандай, марҳамат тўла ўйинларинг баҳонаси билан мени ҳам озодликка чиқар!”

Бу воқеанинг тарихи қуйидагича: Кувара(фаришталарнинг хазинабони)нинг икки ўғли отасининг бойликларидан жуда, мағрурланиб, гердайиб кетган эдилар. Бир куни улар жаннатий сайёралардан биридаги кўлда гўзал парилар билан ҳордик чиқарар эдилар. Шу пайт кўл бўйидан буюк авлиё Нарада Муни ўтиб қолди. Куваранинг ўғилларининг ўзини бундай номуносиб тутиши унинг жаҳлини чиқарди, чунки буюк авлиё Нарада Мунини кўрган заҳоти самовий парилар яланғоч таналарини бекитиб олдилар, май таъсиридан маст бўлган ака-укалар эса, Нарада Мунининг ҳурмати учун ҳатто шу ишни ҳам қилмадилар. Шунда ғазаби келган Нарада Муни уларни дуои-бад қилди: “Сизлар бутунлай ақлдан озган экансизлар, шунинг учун сизларга Куваранинг ўғиллари бўлиб юриш эмас, яланғоч дарахт қиёфасида бўлиш кўпроқ ярашади”. Бундай дуои бадни эшитган заҳоти улар ҳушига келиб, Нарада Мунидан кечирим сўраб ялина бошладилар. Шунда Нарада Муни шундай деди: “Сизлар дарахтга айланиб, Нанда Махаражнинг ҳовлисида ўсиб турасизлар. Аммо, вақти келиб Кришнанинг ўзи Нанданинг тутинган ўғли бўлиб сизларни озодликка чиқаради”. Бошқача қилиб айтганда, Нарада Мунининг қарғиши Куваранинг ўғиллари учун ҳақиқий бахтга айланди, чунки айни пайтда Нарада Муни улар Парвардигор Кришнанинг марҳаматига эришишини башорат қилган эди. Ўша пайтдан бери Куваранинг ўғиллари Нанда Махаражнинг ҳовлисида икки катта аржун дарахти бўлиб турардилар. Нарада Мунининг башорати амалга ошиши учун Парвардигор Дамодара ўзи боғланиб турган ҳовончани судраб ҳовлига чиқди ва ҳовонча шу дарахтлар орасига қисилиб қолганида уни зарб билан тортиб юбориб, дарахтларни кулатиб юборди. Йиқилган дарахтлар танасидан Налакувара ва Манигрива чиқдилар ва шу пайтдан бошлаб, Кришнанинг буюк содиқларига айландилар.

"Хайаширша-панчаратра"да шундай сўзлар бор: “Эй азиз Худойим, эй Худонинг Олий Шахси, мен ўзимнинг тақводорлигим, художўйлигим эвазига Сендан ҳеч нарса сўрамайман, менга моддий фаровонлик ҳам, ҳиссий лаззатлар ҳам, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш ҳам керак эмас. Мен Сендан фақат бир нарсани - ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилишга имкон беришингни сўрайман. Мендан ўз марҳаматингни аямай, менга шундай дуои-фотиҳа бер!”

Ўша "Хайаширша-панчаратра"да яна, Парвардигор Нрисимхадева Прахлад Махаражни бирор

нарса билан мукофотламоқчи бўлганида, Прахлад Махараж Ундан ҳеч қандай моддий мукофот қабул қилмаганини, Парвардигордан фақат ҳамиша Унинг содиқ хизматкори бўлиб қолишни илтимос қилгани ҳақида гапиради. Прахлад Махараж шунда Парвардигор Рамачандранинг содиқ хизматкори Хануманни мисол келтирган эди. У ҳамма содиқларга ўрнак кўрсатиб, ҳеч қачон Парвардигордан моддий бойлик тиламайди. Хануман ҳамиша Парвардигор Рамачандрага хизмат қилиш билан машғул эди. Хануманнинг Парвардигорга бўлган буюк садоқати, фидойилиги шундай, шу боис уни ҳалигача барча содиқлар олқишлайдилар. Содиқлар орасида яхши таниш бўлган куйидаги машҳур гапларни ҳам Хануман айтган: "Эй азиз Худойим, агар истасанг мени моддий олам тутқунлигидан халос этишинг мумкин, истасанг Ўзинга қўшилиб кетиш имконини беришинг мумкин, лекин менга буларнинг бирортаси ҳам керак эмас. Ҳатто озодликка чиққандан кейин ҳам мен мангу хўжайиним сифатида Сенга хизмат қилишга халақит берадиган бирор нарсага эришишни истамайман".

"Нарада-панчаратра"да ҳам шунга ўхшаш гаплар ёзилган: "Эй азиз Худойим, мен диндорлик, иқтисодий равақ топиш, ҳиссий лаззатлар ёки озодликка чиқиш натижасида эришиладиган нарсалардан бирортасини истамайман. Мен Сендан биргина нарсани - Ўз марҳаматинг билан мени нилуфар қадамларинг пойида мангу қолдиришингни илтимос қиламан. Мен озодликка чиқишнинг бирор турини истамайман - на *салокйя*(Сенинг сайёрангга яшаш), на *сарупйя*(Сеникига ўхшаган танага эга бўлиш), - менга фақат Сенга ҳамиша илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш имконини берсанг бас".

"Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида(14.5) Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан шундай деб сўрайди: "Эй брахман, иблис Вритрасура буюк иблис бўлган, унинг ақли ҳамиша эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида бўлган. Қандай қилиб у Нарайанага садоқат билан хизмат қилишда бундай камолотга эришган? Менинг эшитишим бўйича, ҳатто қаттиқ риёзатлар орқали ўтиб, мукамал илм эгаллаб озодликка эришган буюк шахслар ҳам Худонинг содиқ хизматкори бўлиш учун анча куч сарфлашлари лозим. Албатта ундай буюк зотлар жуда кам учрайди, шунинг учун мен Вритрасуранинг шундай содиқ эканини эшитиб ҳайрон бўляпман!"

Бу гаплардан шунисига алоҳида эътибор бериш лозимки, Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетган, озодликка эришган шахслар кўп, аммо, Худонинг Олий Шахси, Нарайананинг содиқ хизматкори жуда камдан-кам учрайди. Озодликка эришган миллионлаган одамлар орасидан биргина одам Худонинг содиқ хизматкори бўлиш бахтига муяссар бўлиши мумкин.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(8.20) малика Кунти Дваракага жўнаб кетаётган Парвардигор Кришнага шундай илтижо билан мурожаат қилади: "Азизим Кришна, Сен шунчалик буюксанки, ҳатто буюк ва муқаддас қасамларига қатъий амал қиладиган парамаҳамсалар ҳам Сени англай олмайдилар. Ҳатто моддий ҳаёт иллатлари таъсиридан озод бўлган шундай буюк донишмандлар Сени англаб етолмаса, ақли, заковати улардан анча паст бўлган биз-аёллар нима қилишимиз мумкин? Бизлар Сенинг улуғворлигингни англай оламизми? Бизлар қандай қилиб Сени англашимиз, Сенга эришимиз мумкин?" Бу ерда шунга эътибор бериш лозимки, Худонинг Олий Шахсини озодликка эришган буюк донишмандлар эмас, балки малика Кунтига ўхшаган Худонинг камтарин содиқ хизматкорлари англай оладилар. Одатда ақл-заковати эркакларникига нисбатан кам деб ҳисобланадиган аёл бўлишига қарамай, малика Кунти Парвардигор Кришнанинг улуғворлигини англаб етган эди.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғидан яна бир муҳим шеър(7.10) *атмарамашлока* деб аталади. Атарамашлокада айтилганки, Парвардигор Кришнанинг илоҳий сифатлари ҳатто моддий иллатлардан бутунлай халос бўлган зотларни ҳам ўзига жалб этади. Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, озодликка чиққан руҳда ҳиссий лаззатларга интилиш истаги мутлақо қолмайди; унинг ҳеч қандай дунёвий орзу-истаги йўқ, лекин шунга қарамай, улар ҳам барибир Парвардигорнинг улуғворлиги ва Унинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга интилмасдан турсолмайди. Бундан чиқадики, Парвардигорнинг эрмаклари ва улуғворлигининг табиати моддий эмас. Акс ҳолда, улар қандай қилиб *атмарамашлока* деб аталадиган озодликка чиққан зотларни ўзига мафтун қила оларди? Бу шеърдан тушуниб олиш лозим бўлган энг муҳим нарса мана шу.

Бу айтилганларнинг барчасида шу нарса аён бўладики, Худонинг содиқлари озодликка чиқишнинг бирор турига интилмайдилар. Аввал эслатиб ўтилганидай, озодликнинг беш тури мавжуд: 1. Парвардигор билан бир бўлиш. 2. Парвардигор билан бир сайёрада яшаш, 3. Парвардигорнинг танасига ўхшаган танага эга бўлиш, 4. Парвардигорники сингари бойликка эга бўлиш, 5. Ҳамиша Парвардигор билан бирга бўлиш имкониятига эга бўлиш. Бу беш хил озодликнинг *сайуджйя*(Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетиш) тури Худонинг содиқ хизматкорини бутунлай қизиқтирмайди. Озодликнинг бошқа тўрт тури ҳам содиқни қизиқтирмасда, содиқ хизматкорнинг табиатига унчалик зид келмайди. Озодликнинг мана шу тўрт турига эришган зотларнинг баъзилари ҳам қалбида Парвардигор Кришнага илоҳий боғланиш туйғусини ривожлантириб, руҳий осмондаги Голока Вриндаванага эришиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Вайкунтха сайёраларига эришган ва озодликнинг мана шу тўрт

туридан бирига эришган зотлар ҳам баъзи ҳолларда қалбида Кришнага каттиқ боғланганлик туйғусини ривожлантириб, Кришналокага эришишлари мумкин.

Шундай қилиб, озодликнинг тўрт туридан би-рортасига эришган рухлар руҳий юксалишда да-вом этишлари мумкин. Аввалига улар Кришнани-ки сингари бойликка эга бўлишга интиладилар, лекин юксалишнинг юқори поғонасида уларнинг қалбида Ўзини Вриндаванда намоён этадиган Кришнага нисбатан мудраб ётган илоҳий муҳаббат туйғуси уйғонади. Шунинг учун Кришнанинг соф содиқларини ҳеч қачон озодликнинг *сайоджйя*, Кришна билан бир бўлиб кетиш тури ўзига жалб этолмайди, лекин қолган тўрт турини содиқлар фойдали ҳисоблаб, баъзан қабул қилишлари мум-кин.

Худонинг Олий Шахсининг жуда кўп тоифада-ги содиқлари орасида Парвардигорнинг азалий, бошланғич қиёфаси бўлган Вриндавандаги Криш-на Ўзига жалб этган содиқлар энг комил зотлар ҳисобланади. Шундай содиқни ҳеч қачон Вайкунтханинг, ёки ҳатто Кришна салтанатининг пойтахти Двараканинг бойликлари ўзига мафтун этолмайди. Бундан Шрила Рупа Госвами шундай хулоса чиқаради: Гокула(Вриндаван)даги Криш-нанинг эрмакларига боғланиб қолган содиқлар энг улуғвор, буюк содиқлардир.

Парвардигорнинг бирор қиёфасига боғланиб қолган содиқнинг қалбида Унинг бошқа қиёфаларига боғланиш туйғуси пайдо бўлмайди. Масалан, Парвардигор Рамачандранинг содиқ хизматкори Хануман Парвардигор Рамачандра билан Парвардигор Нарайана бир-биридан фарқ қилмаслигини яхши биларди, шунга қарамай у фақат Парвардигор Рамачандрага садоқат билан хизмат қилишни истарди, чунки ҳар бир содиқ хизматкор Парвардигорга ўзига яраша боғланган бўлади. Парвардигорнинг қиёфа ва шакллари тур-ли-туман, лекин барибир Кришна Унинг азалий, бошланғич қиёфасидир. Гарчи Парвардигорнинг ҳар хил қиёфаларига сиғиниб юрган содиқларнинг барчаси бир поғонада турсалар ҳам, барибир Вриндавандаги Кришнага сиғинадиган содиқлар уларнинг сардори ҳисобланади.

## Бешинчи боб.

### Худога садоқат билан хизмат қилишнинг поклиги.

Шрила Рупа Госвами мукамал тушунтириб берган аввалги насиҳатларнинг барчасини қисқача шундай таърифлаш мумкин: токи одамда моддий лаззатланишга ёки Парвардигорнинг руҳий ёғдусига қўшилиб кетиш истаги қолар экан, у Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилмади. Шрила Рупа Госвами давом этиб айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилиш барча моддий тасаввурларга нисбатан

илоҳий ва бирор мамлакатнинг, ижтимоий гуруҳнинг ёки бошқа қандайдир моддий шарт-шароитлар чегараси билан чекланиб қолмайди. "Шримад Бхагаватам"да айтилганидай, Худога садоқат билан хизмат қилиш илоҳий табиатга эга ва ҳеч қандай сабабсиз юзага келади. Худога садоқат билан хизмат қилиш қандайдир моддий манфаат кўзлаш сабабли юзага келмайди ва ҳеч қандай моддий шарт-шароитлар Худога садоқат билан хизмат қилишга халақит беришга қодир эмас. У ҳамма учун бирдай, унга ҳамма эриша олади. Худога садоқат билан хизмат қилиш тирик мавжудотларнинг азалий, табиий фаолиятидир.

Ўрта асрларда, Парвардигор Чайтаньянинг буюк йўлдоши Парвардигор Нитьянанда кетган-дан кейин руҳоний-браҳманлар ўзларини госвами-лар табақаси деб атаб, Нитьянанданинг издошла-римиз деб даъво қила бошладилар. Бунинг устига улар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиш ва уни тарғибот қилиш фақат улар-нинг, *нитьянанда-вамша* деб ном олган табаканинг вазифаси деб даъво қила бошладилар. Анча вақт давомида улар жамиятда сунъий йўл билан ўз обрўларини саклаб юришга эришдилар. Кейин, Гаудийа-вайшнавлар сампрадаёсидаги қудратли ачарйа Шрила Бхактисиддханта Сарас-вати Тхакур уларнинг бу даъволарини бутунлай яқсон қилди. Бу борада кураш жуда каттиқ давом этди ва Шрила Бхактисиддхантанинг тўла муваффақиятли ғалабаси билан тугаб, ҳозир ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан исботланган ва бу-тунлай тасдиқланганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш қандайдир бир гуруҳ танлаб олин-ган одамларнинг иши эмас. Бунинг устига Худога садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўлган ҳар қандай одам ўзини жамиятда олий браҳманлик даражасига кўтарилган буюк одам деб ҳисоблаши мумкин. Шундай қилиб, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакурнинг Кришнани англаш ҳаракати учун олиб борган кураши унинг тўла ғалабаси билан ниҳоясига етди.

Унинг шарофати билан энди ҳар қандай одам дунёнинг ёки коинотнинг қайси бурчагида туғилганидан қатъий назар *Гаудийа-вайшнав* деб ҳисоблай олади. Соф вайшнавлар илоҳий табиатга эга, яъни бу моддий оламда энг юксак мартабага эга бўлган руҳий одамлардир, яъни улар ҳатто эз-гулик гунасида ҳам юқори кўтарилган одамлар ҳисобланади. Биз ғарбий давлатларда асос солган Кришнани англаш Халқаро жамияти бизнинг руҳий устозимиз, Шрила Бхактисиддханта Сарас-вати Тхакурнинг ана шу қондаси асосида ташкил этилган. Унинг таълимотига, обрўсига таянган ҳолда биз Кришнани англаш Халқаро ҳаракатига ғарбий давлатлардан чиққан ҳар хил табақа вакил-ларини қабул қиляпмиз. Ўзини браҳман деб атай-диган Ҳиндистонлик браҳманлар, агар одам браҳман оиласида туғилмаган бўлса, муқаддас зуннор(чилвир) олиб, ҳақиқий вайшнав бўлолмайди, деб ҳисоблайдилар. Лекин биз улар-

нинг бундай нотўғри қонунларини тан олмаймиз, чунки уларнинг бундай даъволарини Шрила Рупа Госвами ҳам, муқаддас китоблар ҳам тасдиқламайди.

Шрила Рупа Госвами алоҳида таъкидлаб айтганки, ҳар қандай одам ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш ва Кришнани англаш ҳуқуқига эга. У ўзининг бу гапини тасдиқлаш учун муқаддас китоблардан жуда кўп далиллар келтирган. "Падма пурана"дан олинган мана бу шеърни алоҳида кўрсатиб ўтган. Унда донишманд Васиштха Муни шоҳ Дилипага шундай дейди: "Эй азиз шоҳ, худди Магха(декабр) ойида ҳар куни эрталаб ювинишга ҳар кимнинг ҳаққи бўлганидай, ҳар бир одамнинг Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳаққи бор". "Сканда-пурана"нинг "Каши-Кханда" бўлимида ҳам буни тасдиқлайдиган шеър бор: "Майурад-хваджа салтанатида шудралардан ҳам паст саналадиган куйи табақага мансуб одамларни ҳам вайшнавлар маданияти бўйича Худога садоқат билан хизмат қилишга ўргатадилар. Улар танасига тилака белгиларини қўйиб, бўйнига кханти-мала осиб, қўлларида тасбеҳ халтасини ушлаб, вайшнавларнинг либосини кийиб турганларида худди Вайкунтҳадан тушгандай бўлиб кўринадилар. Ҳақиқатан ҳам улар шундай чиройли бўлиб кўринадиларки, ҳатто оддий брахманларни уларга тенглаб ҳам бўлмайди".

Шундай қилиб, вайшнав бўлган одам ўз-ўзидан брахман бўлган ҳисобланади. Бу фикрни вайшнавлар учун асосий кўрсатмалар ҳисобланадиган ўзининг "Хари-бхакти-виласа" асарида Санатана Госвами ҳам тасдиқлайди. Бу асарда у айтадики, барча қонун-қоидаларга амал қилинган ҳолда вайшнавлар маданиятига қабул қилинган одам ҳеч шубҳасиз брахман ҳисобланади. Бу худди *камса*(катта қўнғирок яса-ладиган) деган металл симоб билан аралашганида олтинга айланганидай шубҳа қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ишонарли ачарйаларнинг кўрсатмасини бажариб юрган ҳақиқий рухий устоз ҳар қандай одамни вайшнавлар маданиятига кири-тиши мумкин, натижада ундай одам табиий ра-вишда инсонлар жамиятидаги энг юқори мартаба-га - брахман даражасига кўтарилади.

Лекин, Шрила Рупа Госвами огоҳлантириб айтадики, гарчи одам барча қонун-қоидалар асосида ҳақиқий рухий устоздан фотиҳа олган бўлса ҳам, шу билан ўзининг ҳаётдаги вазифам охирига етди, мақсадга эришдим, деб ҳисобламаслиги керак. Фотиҳа олгандан кейин ҳам у барча қонун-қоидаларга, ҳар хил белгиланган чеклашларга қатъий риоя қилиб яшаши лозим. Агар рухий ус-тоз қабул қилиб, ундан фотиҳа олгандан кейин одам Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига амал қилмай қўйса, у барибир адашиб, яна аввалги ҳолатига қайтади. Ҳамиша эҳтиёт бўлиб, ҳамма вақт биз аслида илоҳий таби-атли Кришнанинг рухий танасининг ажралмас зарраси эканимизни, бутун(Кришна)нинг бир

бўлаги сифатида бизнинг мангу вазифамиз бутун-га, Кришнага хизмат қилиш эканини ўйлаб юри-шимиз керак. Кришнага хизмат қилмай қўйган заҳоти биз ҳақиқат йўлидан яна адашиб кетамиз. Бошқача қилиб айтганда, шунчаки рухий устоздан фотиҳа олиш билан ҳақиқий брахман даражасига кўтарилиб бўлмайди. Бунинг учун одам брахман сифатида ўз бурчини бажариши ва барча қонун-қоидаларга сўзсиз амал қилиб яшаши лозим.

Шрила Рупа Госвами айтадики, ҳаммиша Худога садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўлиб юрган одам ҳеч қачон йўлдан адашмайди. Лекин, мабодо вайшнав бирор сабабларга кўра йўлдан адашиб, гуноҳ иш қилиб қўйса ҳам, унинг *прайашчитта*, яъни гуноҳдан покланиш мароси-ми ўтказиб, тавба-тазарру қилиб ўтиришининг ҳожати йўқ. Ўзининг аввалги ҳолатига кўтарилиш учун у шунчаки қонун-қоидаларга амал қилишда давом этаверса бас. Вайшнавларнинг, бхактилар маданиятида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг сирли томони шундан иборат.

Аслини олганда рухий, илоҳий онгга эришиш-нинг уч йўли бор. Улар *карма*, *жнана* ва *бхакти* деб аталади. Ҳар хил маросимлар карманинг тар-кибий қисмларидир. Ҳар хил фикрлашлар *жнана* таркибига киради. *Бхакти*, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган одамнинг *карма* ёки *жнана* билан шуғулланиб ўтиришининг ҳожати йўқ. Аввал тушунтирдикки, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш карма ёки жнана билан мутлақо аралашмайди. Бхакти ақлий фикрлашлар-дан ва маросимлар ўтказишдан, яъни кармадан бутунлай покдир. Бхакти ҳар хил фикрлаш ва ма-росимлардан бутунлай пок бўлиши лозим.

Буни тасдиқлаш учун Шрила Рупа Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғидан бир шеър келтиради(21.2), унда Парвардигор Кришна Уддхавага шундай дейди: "Эзгулик ва ожизликнинг орасидаги фарқни шундай таъриф-лаш мумкин: Худога садоқат билан хизмат қилишда юқори поғонага кўтарилган киши ҳеч қачон яна кармали фаолият кўрсатиш ёки фалса-фий фикрлашлар йўлига қайтиб кетмайди. Агар одам ҳаммиша Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, мўътабар устозлар ўрнатиб кетган қонун-қоидаларга амал қилиб юрса - мана шу энг буюк эзгуликдир".

Бу "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғидан ҳам тасдиқланади(5.17), унда Нарада Муни Вйасадевага маслаҳат бериб шундай дейди: "Агар одам бирданига Хари(Кришна)нинг нилу-фар қадамлари пойидан паноҳ топган бўлса, ҳатто у белгиланган қонун-қоидаларга амал қилмаса ҳам гуноҳ ҳисобланмайди - барибир у ҳар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам ҳимоя остида бўлади. Агар Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳолда, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини охирига етказмай туриб, номаъқул, ёмон одамлар орасига тушиб қолса, йўлдан адашса ёки ҳалок бўлса ҳам у ҳеч нарсга ютқазмайди. Айни пайтда

фақат ўзининг табақаси учун белгиланган барча вазифаларини бажариб, маросимларни ўтказиб юрган, аммо Кришнани ўйламай юрган одам эса, фақат инсон танасидагина эриша олиш мумкин бўлган энг юксак бахт-саодатдан махрум бўлиб қолади”. Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, бу ишлар ҳеч қачон уларга моддий иллатлардан покланишга ёрдам бермаслигини тушунмасдан, ақлдан озган одамлардай, ўз ҳиссиётининг талабларини қондириш ниятида фаолият кўрсатиб юрган шартланган руҳлар охир-оқибатда барча меҳнатлари учун мукофот тарзида фақат такрор ва такрор туғилиш ва ўлишларга эришадилар, холос.

"Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиғида Ришабхадева ўзининг ўғилларига шундай дейди: “Кармали фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар, такрор ва такрор туғилиб-ўлиб юраврадидилар, токи улар қалбида Васудевага нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотмас эканлар, моддий табиатнинг қатъий амал қиладиган қонунилари таъсиридан қутулиб кетиши амри маҳол”. Шундай қилиб, ўзининг варна ва ашрамининг барча кўрсатмаларига қатъий амал қилиб юрган, лекин қалбида Худонинг Олий Шахсига муҳаббат уйғотиб, уни ривожлантирмай юрган одамни ўзининг инсоний ҳаётини хазон қилиб юрган одам деб ҳисоблаш керак.

Бу ҳақиқат "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида ҳам тасдиқланади(11.32), унда Парвардигор Уддхавага шундай дейди: “Азизим Уддхава, барча бурч ва вазифаларини унутиб, Менинг кўрсатмаларимга қатъий амал қилиб юрган, ўз ихтиёрини бутунлай Менга топшириб, Мендан паноҳ топган кишини “инсонларнинг энг аълоси” деб ҳисоблаш керак”. Парвардигорнинг бу гапларидан шуни тушуниб олиш мумкинки, хайр-саховат, эзгу, инсонпарварлик туйғуси билан одамларга фидойи хизмат қилиб юрган инсонлар фақат дунёвий, моддий жиҳатдан яхши одамлар бўлиб кўриниши мумкин. Бунинг устига "Шримад Бхагаватам" ва бошқа ҳақиқий ведавий асарларда тасдиқланганки, ҳаётда Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам бошқа ҳар қандай эзгу, хайрли савоб ишлар қилиб юрган одамдан анча юқори турган бўлади.

Бу ҳақиқат "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(5.41) ҳам аниқроқ ифодаланган. Унда Карабхаджана Муни Махараж Нимиға муурожаат қилиб шундай дейди: ”Эй шоҳ, ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириб, жамиятнинг ҳар хил варна ва ашрамлари учун белгиланган вазифаларни бажармай кўйган одам ўзининг барча бурчларидан озод бўлган ҳисобланади. Унинг буюк донишмандлар олдида ҳам, ажодлари олдида ҳам, бошқа тирик мавжудотлар олдида ҳам, ўз оила аъзолари олдида ҳам, жамият олдида ҳам ҳеч қандай қарзи қолмайди. Ўзининг гуноҳларидан покланиш учун у беш турли покланиш маросими орқали ўтиб юришининг ҳам ҳожати йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиш уни барча бурч ва

вазифалардан озод қилади”. Бу ерда шу нарса назарда тутилганки, одам дунёга келган вақтидан бошлаб, жуда кўп тирик мавжудотлар олдида қарздор бўлиб қолади. У ҳақиқат илми ҳақидаги муқаддас китоблар ва ишонарли асарларни ўқиш имкониятига эга бўлгани учун буюк донишмандлар олдида қарздор бўлади. Масалан, биз Вйасадева ёзиб қолдирган муқаддас китоблардан фойдаланамиз. Барча ведалар адабиётини бизларга Вйасадева ёзиб қолдирган. У ёзиб қолдиргунга қадар ведалар илмини одамлар фақат тинглаш орқали ўрганганлар, шогирдлар мантраларни руҳий устоздан тинглаш орқали ёд олганлар. Кейинроқ Вйасадева “Ведаларни ёзиб қолдириш лозим” деган қарорга келди, чунки ҳозирги замонда одамларнинг хотираси паст бўлгани сабабли улар руҳий устознинг барча кўрсатмаларини эсида сақлаб қолишга қодир эмас. Шунинг учун у бизларга Ведаларнинг донишмандлик илмини Пураналар, “Веданта”, “Маҳобҳорат” ва "Шримад Бхагаватам" кўринишида ёзиб қолдирган.

Ёзиб қолдирган билимларидан фойдаланаётганимиз учун биз Шанкарачарйа, Гаутама Муни, Нарада Муни ва бошқа кўплаб донишмандлар олдида ҳам қарздормиз. Қайсидир оилада туғилиб, ҳозиргидай яшаш имкониятига, мол-мулкга меросхўр бўлганимиз учун ажодларимиз, ота-онамиз олдида қарздормиз. Ажодларимиз олдидаги қарзни узишимиз учун биз улар ўлгандан кейин уларга *прасад(пиду)* таклиф қилишимиз лозим. Бундан ташқари бизлар бошқа одамлар, қариндошларимиз, дўстларимиз ва ҳатто ҳайвонлар, айниқса сигирлар олдида, ҳатто бизга садоқат билан хизмат қиладиган итлар олдида қарздормиз.

Шундай қилиб, бизлар фаришталар, ажодлар, донишмандлар, ҳайвонлар ва бутун жамият олдида қарздормиз, ўзимизнинг хизматимиз билан улар олдидаги қарзимизни узиш - бизнинг бурчимиздир. Аммо, одам ўзининг барча бурч-вазифаларини тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг Олий Шахсига топширса ва Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирса, ҳаётда яшаётгани учун қарздор бўлган тирик мавжудотлар олдидаги ҳамма бурчини бажарган, ҳеч кимнинг олдида қарзи қолмаган бўлади.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна шундай дейди: “Ҳар қандай бурч, вазифаларингни бутунлай тарк эт ва ўз ихтиёрингни бутунлай менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этишга ваъда бераман”. Кимдир, Худонинг Олий Шахсига “ўз ихтиёримни топширсам, ўзимнинг ҳаётдаги бошқа вазифаларимни бажариш имкониятидан махрум бўлиб қоламан” деб ўйлаши мумкин. Аммо Парвардигор такрор ва такрор айтяпти: “Барча гумон ва шубҳаларни тарк эт! Бошқа ишларни бажармасам бирор нарсага эришолмай қоламан ёки бирор нарсага муҳтож бўлиб қоламан, деб ўйлама! Ҳеч нарсадан ташвишланма! Мен сени барча хавф-хатарлардан

химоя қиламан”. Парвардигор Кришнанинг Ўзи "Бхагавад-гита"да шундай деб ишонтириб айтган.

“Агастья-самхита”да ҳам буни тасдиқлайдиган бир шеър бор: “Озодликка эришган зотнинг муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиши шарт бўлмагани сингари, Парвардигор Рамачандрага садоқат билан хизмат қилиб юрган одамнинг ҳам, Ведаларга қўшимча қилиб кўрсатилган ҳар хил маросимларни ўтказишига ҳожат йўқ”. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Рамачандранинг яъни Парвардигор Кришнанинг содиқлари аллақачон руҳий озодликка эришган одамлар ҳисобланади, шу боис улар Ведаларнинг маросимлар бўлимида кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилишлари шарт эмас.

Бу гаплар "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи қўшиғида ҳам тасдиқланади(5.42), унда Карабхаджана муни шоҳ Нимиға мурожаат қилиб шундай дейди: “Эй шоҳ, фаришталарга сиғинишни тарк этиб, бутун куч-қувватини Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши Парвардигор учун жуда жуда азиздир. Шунинг учун, мабодо билмасдан ёки адашганидан у бирор гуноҳ иш қилиб қўйса, у гуноҳидан покланиш учун ҳеч қандай маросим ўтказиб юриши шарт эмас. Унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор билмасдан хато қилиб қўйган содиғига нисбатан ҳамдардлик билдириб, уни қалбидан туриб тўғрилаб қўяди”. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да ҳам бир неча бор тасдиқланади. Унда айтилганки, Худонинг Олий Шахси, Кришна Ўзининг содиқларига алоҳида ғамхўрлик қилади. У “Менинг содиқларим ҳеч қачон ҳалок бўлмайдилар!” - деб такрор ва такрор айтади. У хаамиша содиқларини химоя қилади.

## Олтинчи боб.

### Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш қандай бўлиши керак.

Шрила Рупа Госвами айтадики, унинг акаси(Санатана Госвами) вайшнавлар руҳий ҳаёт кечиришда амал қилишлари учун "Хари-бхактивиласа" асарини ёзган ва унда вайшнавлар амал қилиши лозим бўлган жуда кўп қоида ва чеклашлар кўрсатилган. Бу кўрсатмалардан баъзилари жуда муҳим, шунинг учун Шрила Рупа Госвами бизларнинг руҳий манфаатимизни ўйлаб, уларнинг энг муҳимларини бу ерда санаб ўтган. Бунда Шрила Рупа Госвами батафсил тўхтаб ўтирмасдан, фақат асосий қоидаларни кўрсатиб ўтган. Масалан, асосий қоидалардан бирида айтилганки, одам руҳий устоз қабул қилиши лозим. Руҳий устознинг кўрсатмаларига қандай амал қилиш эса - шу асосий қоиданинг ичидаги қоидалар ҳисобланади. Масалан, содиқ руҳий устознинг қандайдир кўрсатмасини бажариб юрса, лекин мазкур

кўрсатма бошқа руҳий устознинг кўрсатмасига зид бўлса, бу унча асосий, жиддий бўлмаган гаплар. Гарчи бундай майда гаплар бир-биридан фарқ қилса ҳам, албатта руҳий устоз қабул қилиш - ҳамма учун зарур бўлган асосий қоида ҳисобланади. Шрила Рупа Госвамининг мақсади бу ерда ҳамма нарсани батафсил таърифлашга тўхталиб ўтирмасдан, бизларга асосий, муҳим қоидаларни тақдим этишдан иборат.

У қуйидаги асосий қоидаларни санаб ўтган:

1. Ҳақиқий руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиш;
2. Руҳий устоздан фотиҳа олиш ва ундан қандай қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида илм ўрганиш;
3. Чуқур иймон, ишонч ва садоқат билан руҳий устознинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш;
4. Руҳий устоз раҳбарлиги остида буюк ачарйаларнинг изидан бориш;
5. Руҳий устозга Кришнани англаб етишда қандай юксалиш мумкинлиги ҳақида саволлар бериш;
6. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнани мамнун қилиш учун ҳар қандай моддий боғланишлардан воз кечишга тайёр бўлиш(Албатта, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирар эканмиз, биз айрилишни истамаган нарсалардан айрилишга, ўзимиз истамаган нарсаларни қабул қилишга тайёр бўлишимиз лозим);
7. Муқаддас зиёратгоҳлардан бирида, масалан Дварака ёки Вриндаванда яшаш;

8. Фақат ҳаёт учун энг зарур бўлган нарсаларни қабул қилиш ва моддий олам, дунёвий ҳаёт билан бўлган алоқаларни, муносабатларни иложи борица камайтириш;
9. Экадаши кунлари рўза тутиш;
10. Муқаддас дарахтларга, масалан банйан дарахтига сажда қилиш.

Мана шу ўн қоидага амал қилиш - қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қила бошлашга киришиш учун қўйиладиган талаблар ҳисобланади. Агар тажрибасиз-содиқ мана шу ўн қоидага қатъий амал қилиб юрса, унинг Кришнани англаш илмида муваффақият билан тез юксалиши кафолатланган.

Кришнани англаш жараёнида риоя қилиш лозим бўлган навбатдаги қонун-қоидалар қуйидагилар ҳисобланади: 1. Худосизлар билан ҳамсухбат бўлишни тарк этиш; 2. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киришни истамаган одамга руҳий мавзуда насиҳат бермаслик; 3. Кўп маблағ ва куч сарфланадиган эҳром ва хонақоҳлар куришга интилмаслик; 4. Жуда кўп китоб ўқишга интилмаслик. Шунингдек "Шримад Бхагаватам" ёки "Бхагавад-гита" бўйича маърузалар қилиш ёрдамида тирикчилик қилишни режалаштирмаслик; 5. Ҳаётда ўзининг дунёвий вазифаларига бефарқ қарамаслик. 6. Бирор нарса йўқотганда қаттиқ қайғурмаслик ва бирор нарсага эга бўлганда қаттиқ яйраб кетмаслик; 7. Фаришталарга хурматсизлик қилмаслик; 8. Заруратсиз бирор тирик мавжудотга озор бермаслик; 9. Худонинг муқаддас номларини зикр қилаётганда ёки эҳромда Илоҳларга сиғинаётганда содир қилиш

мумкин бўлган ҳақоратлардан эҳтиёт бўлиш; 10. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ёки Унинг содиқларини ҳақорат қилмаслик, бошқаларнинг уларни ҳақорат қилишларига йўл қўймаслик.

Мана шу қоидаларга амал қилмасдан ҳақиқий *садхана-бхакти* даражасига, яъни қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилишнинг иложи йўқ. Шрила Рупа Госвами бу ерда йигирмата қоидани келтирган, уларнинг ҳаммаси жуда муҳим қоидалардир. Аммо, уларнинг ичида энг муҳими биринчи учтаси ҳисобланади: 1. Рухий устоз қабул қилиш; 2. Ундан фотиҳа олиш; 3. Унга чуқур садоқат билан хизмат қилиш.

Булардан ташқари яна қирқ тўрт қоида бор: 1. Танани тилакалар - вайшнавларнинг белгилари билан безаш(бу одатнинг мазмуни шундан иборатки, вайшнав одамларга Кришнани эслатиб юриши лозим. Вайшнавнинг танасидаги бу белгиларни кўрган одам дарҳол Кришнани эслайди. Парвардигор Чайтанья “одамлар уни кўрганида Кришнани эслайдиган одам - вайшнавдир” деган эди. Шунинг учун вайшнавнинг танасида одамларга Кришнани эслатиб турадиган тилака, белгилар бўлиши жуда муҳим қоида). 2. Тилака қўйиб, вайшнав ўзининг танасига “Харе Кришна” деб ёзиши мумкин. 3. Эҳромда Илоҳларга ва рухий устозга тақдим этилган гулчамбар осиб ёки гул олиб юриш; 4. Илоҳлар олдида рақсга тушишни ўрганиш; 5. Эҳромда Илоҳларга ва рухий устозга сажда қилишни ўрганиш; 6. Парвардигор Кришнанинг эҳромига борганда Илоҳлар олдида туриш; 7. Илоҳларни эҳромдан чиқариб сайр қилгани олиб чиққанида содиқ дарҳол уларга қўшилиб, ҳамроҳ бўлиши лозим(Ҳиндистонда, айниқса катта эҳромларда катта илоҳлар билан бирга кичкина муртилар бўлади, шу муртиларни кечкурун сайр қилгани олиб чиқадилар. Баъзи эҳромларда илоҳларни катта оркестрлар ҳамроҳлигида, устига чиройли соябонлар қўйиб, катта тантана билан сайрга олиб чиқадилар. Илоҳлар катта аравада ёки паланкинда ўрнатилган чиройли тахтиравонда ўтирадилар, паланкинни содиқлар кўтариб борадилар. Илоҳларни яқин кўчалар бўйлаб олиб ўтадилар. Шу пайтда эҳром билан қўшни хонадонларда яшайдиган одамлар ҳам уларга ҳамроҳ бўладилар. Одамлар уйларида чикиб, одамларга прасад улашадилар. Илоҳлар олдида эҳромда ишлайдиган содиқ хизматкорлар Уларга шу кунги харажат ҳақида ҳисобот берадилар: қанча пул тўпланди, қанча пул нимага сарфланди. Бунинг маъноси шуки, эҳром Илоҳларнинг, Парвардигорнинг мулки, унда ишлайдиган содиқлар эса - Унинг хизматкорларидир. Бу жуда қадимдан келатган одат бўлиб, унга ҳозиргача амал қиладилар. Шунинг учун бу ерда Илоҳлар сайрга чиққанида содиқлар уларга ҳамроҳ бўлишлари лозим деб айтилган); 8. Вишнунинг эҳромига ҳар куни камида бир-икки марта, эрталаб ва кечкурун бо-

риш(Вриндаван аҳолиси бу қоидага қатъий амал қиладилар. Ҳар куни эрталаб ва кечкурун содиқлар ҳар хил эҳромларга борадилар. Шу пайтларда кўчалар жуда гавжум бўлиб кетади. Вриндаванда беш мингга яқин эҳром бор. Албатта, уларнинг ҳаммасига бориб чиқишнинг иложи йўқ, лекин Госвадилар қуриб кетган энг катта ўн икки эҳром бор, ҳеч бўлмаса шуларга бориб чиқиш керак); 9. Эҳром атрофини камида уч марта айланиш(Эҳромлар шундай қурилиши лозимки, уларнинг атрофини айланиш имкони бўлсин. Баъзи содиқлар ўзларининг берган муқаддас қасамларига қараб, эҳром атрофини ўн, ўн беш, йигирма марта айланадилар. Госвадилар одатда Говардхана атрофини айланганлар.) шунингдек, Вриндаван атрофини айланиш ҳам тавасия этилади; 10. Эҳромда маълум қоидалар асосида мунтазам равишда Илоҳларга сиғиниш маросими ўтказиш(*арати* ва *прасад* таклиф этиш, Илоҳларни безаш ва ҳоказо); 11. Илоҳларга шахсан хизмат қилиш; 12. Илоҳларни шарафлаб, қўшиқлар куйлаш; 13. Санкиртанада иштирок этиш; 14. Мантра зикр қилиш; 15. Илтижо қилиш; 16. Машҳур илтижоларни такрорлаш; 17. Махапрасаддан тоттиш(Илоҳнинг олдида турган идишдан бериладиган прасад); 18. *Чаранамрита* ичиш(Меҳмонлар учун қўйилган, Илоҳларни ювинтирган сувдан ичиш); 19. Илоҳларга тақдим этилган мушк-анбар ва гулларни хидлаш; 20. Илоҳларнинг нилуфар қадамлари пойига қўл теккизиш; 21. Чуқур садоқат билан Илоҳларга қараб, Уларнинг жамолини томоша қилиш; 22. Куннинг ҳар хил вақтларида аратилар(*аратрика*) ўтказиш; 23. "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад-гита" ва бошқа муқаддас китоблардан Парвардигорнинг шухрати, Унинг кароматлари ҳақида ҳикоялар тинглаш; 24. Илоҳлардан марҳамат кўрсатишини сўраб илтижо қилиш; 25. Илоҳларни эслаб юриш; 26. Илоҳларга муроқабат қилиш; 27. Ўз хоҳиши билан Илоҳларга қандайдир хизмат қилиш билан машғул бўлиш. 28. Парвардигор ҳақида ўзининг энг яқин дўсти сифатида ўйлаш; 29. Парвардигор учун ҳамма нарсани қурбон қилиш; 30. Парвардигорга ўзининг севимли нарсаларини таклиф этиш(кийим, овқат); 31. Парвардигор Кришна учун ҳар қандай хавф-хатарга тик бориш ва бор кучини Унга хизмат қилишга сарфлаш; 32. Ҳар турли вазият ва ҳар қандай шароитда ҳам ўз ихтиёрини Кришнага топширган ҳолда қолиш; 33. Туласи дарахтига сув қуйиш; 34. Мунтазам равишда "Шримад Бхагаватам" ва шунга ўхшаган муқаддас китобларни ўқиш, тинглаш; 35. Муқаддас жойлардан бирида - Матхура, Вриндаван ёки Дваракада яшаш; 36. Вайшнавларга, Кришнанинг содиқларига хизмат қилиш; 37. Ўз имкониятига қараб Худога садоқат билан хизмат қилишни ташкил этиш; 38. Карттика ойида алоҳида хизмат қилиш билан шуғулланиш; 39. Джанмаштами кунида алоҳида хизмат қилиш билан шуғулланиш; 40. Кришнанинг содиқлари



қандай иш билан машғул бўлса ҳам, уни Илоҳларга чуқур садоқат билан пухта бажариши лозим; 41. Кришнанинг содиқлари даврасида "Шримад Бхагаватам" ўқиб ўрганишдан лаззатланиш; 42. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксак даражага эришган содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш; 43. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш; 44. Матхура атрофида яшаш.

Умуман олганда олтмиш тўрт қоида мавжуд. Аввал айтганимиздай, улардан аввалги ўнтаси энг асосий ҳисобланади. Ундан кейин иккинчи даражали муҳим бўлган яна ўн қоида, кейин яна Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қирқ тўрт тури бор. Шундай қилиб, қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш олтмиш тўрт қоидани ўз ичига олади. Мана шу олтмиш тўрт қоидадан энг асосийси бешта:

1. Илоҳларга сажда қилиш;
2. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш;
3. Содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш;
4. Санкиртанада иштирок этиш;
5. Матхура(муқаддас жой)да яшаш.

Бизнинг ҳаётда танамиз ёки ақлимиз билан қилаётган ҳар бир ишимиз, гапираётган ҳар бир гапимиз қандай қилиб бўлса ҳам мана шу олтмиш тўрт қоиданинг бирортасига мос келиши лозим. Аввал айтилганидай, қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида инсоннинг барча сезги аъзолари Худога садоқат билан хизмат қилишда банд бўлиши лозим. Уларни бу ишлар билан қандай машғул қилиш юқорида келтирилган олтмиш тўрт қоидада кўрсатилган. Энди Шрила Рупа Госвами мана шу қоидаларнинг баъзиларини ҳар хил муқаддас китоблардан келтирилган далиллар билан асослаб беради.

## **Еттинчи боб.**

### **Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларининг муқаддас китобларда асосланиши**

#### **Ҳақиқий руҳий устоз қабул қилиш.**

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(3.21) Прабуддха Махараж шоҳ Нимиға шундай дейди: "Эй шоҳ, сенга аниқ равшан бўлсинки, бу моддий оламда ҳеч ким бахтга эриша олмайди. Моддий оламда бахтли бўлиш мумкин деб ўйлаш - тузатиб бўлмайдиган энг катта хатога йўл қўйиш демакдир, чунки бу дунёда мусибатдан бошқа нарса мавжуд эмас. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда бахтли бўлишга интилаётган одам ҳақиқий руҳий устоз топиши ва ундан фотиҳа олиб, унинг паноҳи остига кириши лозим. Муқаддас китобларни ўрганиб, уларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг мазмунини тўғри тушуниб етган, уларни қандай асослаб беришни биладиган, муқаддас китоблар-

нинг тўғри хулосаларига бошқаларни ишонтира оладиган одам руҳий устоз деб ҳисобланиши мумкин. Ҳаёт ҳақидаги барча моддий тасаввурларни тарк этиб, Парвардигорнинг паноҳи остига кирган буюк шахслар ҳақиқий руҳий устозлар ҳисобланадилар. Ўзи учун ҳаётда белгиланган вазифани бажариш - руҳий оламга, илоҳий лаззатга тўла мангу ҳаёт маконига кўтарилиш учун ҳар бир инсон ҳаётда ана шундай руҳий устоз топишга интилиши лозим".

Бу гапларнинг мазмуни шундан иборатки, фаросатли одам муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилмайдиган, бемаъни сифатларга эга бўлган, шубҳали, Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига амал қилмайдиган ёки олти хил ҳиссий лаззатланиш воситаларининг ҳукми остида, яъни ҳиссиётининг қули бўлиб юрган ғофил, нодон одамни ўзига руҳий устоз қилиб олмаслиги керак. Ҳиссий лаззатланишнинг олти воситаси - тил, жинсий аъзолар, қорин, ғазаб, ақл ва нутқ. Ана шу ҳиссиётларини жиловлай оладиган одамгина бутун жаҳон бўйлаб ўзига шогирдлар қабул қилиши мумкин. Ана шундай руҳий устозни қабул қилиш - руҳий ҳаётда юксалиш учун қўйиладиган асосий шарт ҳисобланади. Ҳаётда ҳақиқатан ҳам омади келиб, ҳақиқий руҳий устоз паноҳи остига кира олган одам албатта моддий олам тутқунлигидан озод бўлиб, руҳий нажот йўлининг охиригача бора олади - бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

#### **Руҳий устоздан фотиҳа олиш ва унинг насихатларини тинглаш.**

Авлиё донишманд Прабуддха шундай дейди: "Эй шоҳ, шогирд руҳий устозини шунчаки ўзининг маслаҳатчиси деб эмас, балки уни Худонинг Олий Шахсининг, Олий Руҳнинг ҳақиқий вакили деб билиши керак. Бошқача қилиб айтганда, шогирд руҳий устозини Парвардигор ўрнида кўриши керак, чунки у Кришнанинг бизга ташқаридан намоён бўлган қиёфасидир. Бу барча муқаддас китобларда тасдиқланган, шундай экан, шогирд руҳий устозига ана шундай муносабатда бўлиши лозим. У руҳий устозига чуқур эҳтиром кўрсатиб, ундан "Шримад Бхагаватам"ни жиддий ўрганиши лозим. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш ва уни бошқаларга гапириб бериш - инсонни Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарадиган ва унинг қалбида Худога нисбатан илоҳий муҳаббат уйғотадиган илоҳий, руҳий машғулотиридир".

Шогирд руҳий устозини мамнун қилишга ҳаракат қилиши лозим. Шунда у руҳий илмни қийналмасдан ўргана олади. Бу ҳақиқат ведаларда тасдиқланган. Шрила Рупа Госвами тушунтириб берадики, Парвардигорга ва руҳий устозига чуқур иймон келтирган уларга аниқ ишонадиган одамга барча руҳий, илоҳий ҳақиқатлар осонлик билан очилади.

## **Рухий устозга чуқур иймон ва садоқат билан хизмат қилиш.**

Рухий устоздан фотиҳа олиш ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи(17.27) кўшиғида айтилган. Парвардигор Кришна шундай дейди: "Азизим Уддхава, шогирд руҳий устози қиёфасида Менинг вақилимни эмас, Менинг Ўзимни кўриши лозим. Ҳеч қачон руҳий устозни оддий одам деб ҳисобламаслик керак. Рухий устозга нисбатан шогирднинг қалбида оддий одамларга нисбатан бўладиган ҳасад, душманлик туйғуларидан асар ҳам бўлмаслиги керак. Рухий устозни ҳамшиша Парвардигорнинг вақили деб билиш керак, унга хизмат қилиш фаришталарга хизмат қилиш билан тенг ҳисобланади".

## **Авлиё одамларнинг изидан бориш.**

"Сканда-пурана"да содиқ аввалги устоз ачарйаларнинг ва табаррук авлиёларнинг изидан бориши лозим деб кўрсатилган, чунки уларнинг изидан бориш шарофати билан одам руҳий юксалиш йўлида қийинчиликларга учрамасдан ёки пушаймон бўлмасдан истаган натижага эришиши мумкин.

"Брахма-йамала" деб аталадиган муқаддас китобда шундай дейилган: "Агар одам ўзини буюк содиқ деб ҳисобласа, лекин муқаддас китобларни тан олмаса, уларга ишонмаса, у қандай иш қилишидан қатъий назар, ҳеч нарса унга Худога садоқат билан хизмат қилишда ёрдам бера олмайди. У фақат ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган одамлар учун ташвишлар манбаи бўлиб қолаверади". Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилмайдиган одамларни одатда саҳаджийлар деб атайдилар. Фақат ўзлари ўйлаб чиқарган қоидаларига амал қиладиган, Худога эришишни осон иш деб ўйлайдиган, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини тан олмайдиган одамларни шундай деб атайдилар. Ундай одамлар бошқаларнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ҳар хил ташвиш, тўсиқларни юзага келтирадилар, ҳолос.

Бу гаплар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмай, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини писанд қилмай юрган одамларга ёқмаслиги мумкин. Бунга буддизм фалсафасини мисол қилиш мумкин. Парвардигор Будда шохшатрийлар хонадонига мансуб оилада дунёга келган эди, лекин Унинг таълимоти ведалар таълимотига зид, шунинг учун содиқлар уни қабул қилиши мумкин эмас. Индуслар шоҳи Махараж Ашоканинг ёрдами, қўллаб-қувватлаши натижасида буддизм таълимоти бутун Ҳиндистонга ва унинг атрофидаги халқларга кенг ёйилган, аммо буюк устоз ва маҳшур тарғиботчи Шанкарачарйа

дунёга келгандан кейин бу таълимот амалда Ҳиндистон заминидан четга сурилган эди.

Буддизм тарафдорлари ҳамда муқаддас китобларни тан олмайдиган бошқа таълимот издошлари ҳам баъзан "Парвардигор Будданинг издошлари ҳам Будданинг Ўзига сиғиниб юргани сабабли Худога садоқат билан хизмат қилиб юрибдилар, уларни ҳам Худонинг содиқлари деб тан олиш лозим", деб даъво қилмоқчи бўладилар. Аммо Шрила Рупа Госвами Будданинг издошларини Худонинг содиқлари деб ҳисобламайди. Гарчи Будда Парвардигор Кришнанинг бу дунёда намоён этган қиёфаларидан бири бўлса ҳам, Унинг издошлари ведалар илмидан беҳабар. Ведаларни ўрганишдан мақсад - Парвардигорнинг шахс кўриниши Унинг бошқа кўринишларидан устун эканини тушуниб етишдан, шу ҳақиқатни англаб олишдан иборат. Демак, Худонинг содиқлари Парвардигор - Худонинг Олий Шаҳси эканини инкор этадиган, Худонинг Олий Шаҳси Парвардигорнинг бошқа барча кўринишларидан устун эканини тан олмайдиган ҳар қандай таълимотни қабул қилиши мумкин эмас. Ундай таълимотларнинг барчаси атеизм деб аталади. Атеизм деганда Ведаларни инкор этишни ва бутун инсониятнинг бахт-саодати учун ведалар илмини кенг тарғибот қилиб кетган буюк ачарйаларни очиқдан-очиқ қоралайдиган таълимотни тушуниш лозим.

"Шримад Бхагаватам"да Будда Парвардигор Кришнанинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси деб кўрсатилган, лекин, шу "Шримад Бхагаватам"нинг ўзида Парвардигор Будда атеизмга берилиб кетган одамларни қалғитиш учун келган, деб кўрсатилган. Унинг фалсафаси, таълимоти атеистларни қалғитиш, уларни адаштириш учун мўлжалланган, шунинг учун биз уни қабул қилмаслигимиз лозим. "Нимага Кришнанинг Ўзи одамларга атеизм таълимотини ўргатган?" деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: Парвардигорнинг вазифаси - ўша пайтда ведаларни рўқач қилиб, авжига чиқиб кетган зўравонликни, ҳайвонларга нисбатан зулмни тўхтатиш эди. Рухонийлар нафсининг қули бўлиб, ўлган ҳайвонларнинг гўштини ейиш учун интилишларини ведалар таълимотини нотўғри талқин қилиш билан оқлаб юрардилар. Парвардигор Будда ана шундай адашган одамларни ведаларни нотўғри талқин қилишдан тўхтатиш учун келган. Бундан ташқари, Парвардигор Будда ҳатто атеистлар ҳам Унинг изидан боришлари учун одамларга атеизм таълимотини тарғибот қилди, шу билан у ҳатто атеистларни ҳам Ўзига, яъни Кришнага хизмат қилишга жалб этди.

## **Рухий устозга мангу дин қонунлари ҳақида саволлар бериш.**

"Нарадия-пурана"да шундай дейилган: "Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳақиқатан ҳам

жиддий ёндошган одам ҳаётдаги ҳамма мақсадларига бир зумда эришади”.

## **Кришнани мамнун қилиш учун ҳар қандай моддий нарсалардан воз кечишга тайёр бўлиш.**

"Падма пурана"да шундай дейилган: "Ҳаётда дунёвий ҳиссий лаззатлардан воз кечиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига амал қилиб юрган одам учун Вишнулока(Худонинг даргоҳи)даги бойликлар тайёрлаб қўйилган”.

## **Муқаддас жойда яшаш.**

"Сканда-пурана"да айтилганки, Дваракада олти ой, бир ой ёки атиги икки ҳафта яшаган одамга Ваикунтхалокага кўтарилиш ва *сарунья-мукти*(Нарайананинг танаси сингари тўрт қўллик илоҳий танага эга бўлиш)нинг барча афзалликлари тайёрлаб қўйилган.

"Брахма-пурана"да шундай дейилган: "Пурушоттама-кшетранинг, Парвардигор Жаганнатханинг саксон квадрат километр майдонининг илоҳий аҳамиятини сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ. Ҳатто олий сайёралар тизимидаги фаришталар ҳам Жаганнатха-пуридаги одамларнинг танасини Ваикунтха аҳолисининг таналарига ўхшатадилар, яъни улар Жаганнатха-пуридаги одамларни тўрт қўллик қиёфада кўрадилар”.

"Шримад Бхагаватам"ни Наимишаранья ўрмонида тўпланган буюк донишмандларга ҳақиқат илмини гапириб берар экан, Сута Госвами Ганганинг улуғворлигини шундай таърифлайди: "Ганга сувлари Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этилган туласи барглари-нинг анвойи хидларига тўйинган, шунинг учун Парвардигор Кришнанинг шухратини оламга ёйиб, унинг сувлари мангу оқиб тураверади. Ганга ўзи оқиб ўтаётган ҳамма ерларни ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан поклаб, табаррук, муқаддас жойларга айлантиради”.

## **Ҳаётда фақат энг зарур бўлган нарсаларни қабул қилиш.**

"Нарадия-пурана"да шундай дейилган: "Агар одам Худога садоқат билан хизмат қилишга жиддий киришган бўлса, у ҳаёт учун энг зарур нарсалардан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмаслиги керак”. Бунинг мазмуни шундан иборатки, одам бир томондан Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига эътиборсизлик билан қарамаслиги керак, иккинчи томондан Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бажариш қийин бўлган, ўзининг қўлидан келмайдиган қоидаларини бажаришга интилмаслиги керак. Ма-

салан, баъзи жойларда Ҳаре Кришна мантрасини ҳар куни тасбеҳда камида юз минг марта зикр қилиш тавсия этилган. Лекин, агар бунинг иложи бўлмаса, мантрани зикр қилиш сонини ўзининг имкониятига қараб камайтириш керак. Одатда биз ўз шогирдларимизга ҳар куни камида тасбеҳда ўн олти доира Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни буюрганмиз, ҳар бир содиқ кунига ўн олти доира мантра айтишга албатта улгуриши лозим. Лекин, кимдир бирор куни ўн олти доира айтмай қолса, эртасига албатта уни тўлдириши лозим.

Шогирд ўзи қабул қилган муқаддас қасамга қатъий риоя қилиши лозим. Агар содиқ бу қасамга амал қилмаётган бўлса, демак у Худога садоқат билан хизмат қилишга эътиборсизлик билан қараётган бўлади, бу эса - Парвардигорга хизмат қилишга нисбатан ҳақорат(*сева-анарадха*) ҳисобланади. Агар бундай ҳақоратларга эътиборсизлик билан, бармоқ орасидан қарайдиган бўлсак, биз Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришолмаймиз. Шунинг учун содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишда ўзининг имкониятига қараб муқаддас қасам ичиши ва шунга қатъий амал қилиши лозим. Шунда бизнинг руҳий юксалишимиз осонроқ бўлади.

## **Экадаши кунларида рўза тутиш.**

"Брахма-ваиварта-пурана"да айтилганки, *экадаши* кунларида рўза тутиб юрган одам барча гуноҳ ишлари оқибатидан озод бўлади ва унинг тақводорлиги ўсиб боради. Лекин, муҳими шунчаки оч юриш эмас, балки Говиндага, Кришнага бўлган ишончни, иймонни мустаҳкамлаш, Унга нисбатан муҳаббатни ривожлантириш лозим. Экадаши кунлари рўза тутишнинг мазмуни - тананинг эҳтиёжларини иложи борица камайтириб, шу эҳтиёжларга кетадиган вақтни ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишга сарфлашдан иборат. Шунинг учун экадаши кунлари Ҳаре Кришна мантрасини кўпроқ зикр қилиш ёки бошқа хизматларни кўпроқ қилиш лозим. Рўза куни қилиш лозим бўлган ишларнинг энг яхшиси - Парвардигор Говинданинг эрмакларини эслаб юриш ва ҳамшиша Унинг муқаддас номини тинглаб юриш.

## **Банйан дарахтига ҳурмат билдириш.**

"Сканда-пурана"да айтилганки, Худонинг содиқлари *туласи* ва *амалака* дарахтларига сув тақлиф қилишлари лозим. Содиқ хизматкор сиргирларга, брахманларга ҳурмат кўрсатиши, вайшнавларга сажда қилиб, уларни эслаб юриши, хизмат қилиши лозим. Бундай амалларнинг барчаси одамнинг аввал қилган гуноҳ ишлари оқибатини камайтиради.

## Худосизлар билан ҳамсухбат бўлишни тарк этиш.

Парвардигор Чайтаньянинг содиқ хизматкори бўлган бир оилали одам Ундан “вайшнава ўзини қандай тутиши лозим?” деб сўраганида, Парвардигор Чайтанья шундай деб жавоб берган: “Вайшнава худосизлар билан ҳамсухбат бўлишни бутунлай тарк этиши лозим!” Кейин У тушунтириб бердики, худосизларнинг икки тоифаси бўлади: 1. Кришнанинг Олий Ҳукмдор эканини тан олмайдиган одамлар, 2. Ҳаётнинг моддий томонига қаттиқ боғланиб қолган одамлар. Бошқача қилиб айтганда, моддий лаззатлар кетидан қувиб юрганлар ва Парвардигорнинг олий ҳукмдор эканини тан олмайдиган одамлар авайшнавалар деб аталдилар ва Худонинг содиқлари улардан иложи борича узоқроқ юришлари лозим.

"Катйайани-самхита"да айтилганки, Худонинг ҳукмронлигига бутун вужуди билан қаршилик қиладиган иймонсиз, худосиз одамлар билан бирга яшагандан кўра ёниб турган оловнинг ичида ёки темир қафас ичида яшашни афзал билиш керак. Худди шу маънодаги гаплар “Вишну-рахасья” асарида ҳам бор. Унда айтилганки, ҳар хил фаришталарга сиғиниб юрган ёки моддий орзу-истаклари исканжасига тушиб қолган одамлар билан ҳамсухбат бўлгандан кўра бўғма илоннинг кучоғида, йўлбарс ёки тимсоҳнинг оғзида бўлган яхшироқ.

Муқаддас китобларда қандайдир дунёвий, моддий мақсадга эришиш учун маълум бир фариштага сиғиниш мумкинлиги кўрсатилган. Масалан, касалдан шифо топишни истаган кишиларга Қуёш фариштасига сиғиниш тавсия этилади, чиройли хотинга уйланиш учун Тангри Шиванинг хотини Умага, яхши таълим, тарбия олиш учун эса - фаришта Сарасватига сиғиниш керак. "Шримад Бхагаватам"да ҳам ҳар хил фаришталарнинг рўйхати берилиб, қайси моддий истакни амалга ошириш учун қайси фариштага сиғиниш лозимлиги кўрсатилган. Аммо, фаришталарга сиғиниб юрганларнинг ҳаммаси, уларга қанчалик иштиёқ, ихлос ва иймон билан сиғинмасинлар, барибир Парвардигорга содиқ эмас одамлар тоифасига кирадилар. Уларни ҳаргиз Худонинг содиқлари деб атамаслик керак.

Майвадилар(имперсоналистлар)нинг фикрига кўра, Парвардигорнинг қандай кўринишига сиғинишнинг фарқи йўқ, чунки натижа бир хил бўлиб, барибир ҳамма бир хил мақсадга эришади. Аммо, "Бхагавад-гита"да аниқ айтилганки, фаришталарга сиғиниб юрган одам оқибатда шу фариштанing сайёрасига эришади, Парвардигорнинг содиқлари эса Худонинг даргоҳига, Кришнанинг салтанатига эришадилар. "Бхагавад-гита"да фаришталарга сиғиниб юрган одамлар қораланади. Унда айтилганки, эҳтирос домига тушгани сабабли улар ақлини йўқотган одамлардир, шунинг

учун улар ҳаётда фаришталарга сиғиниб юрибдилар. Шундай қилиб, "Вишну-рахасья"да фаришталарга сиғиниб юрганлар қаттиқ қораланиб, ундай одамлар билан ҳамсухбат бўлгандан кўра йиртқич ҳайвонлар билан яшаган афзал деб кўрсатилган.

## Ноқобил шогирдларни қабул қилмаслик, кўп эҳромлар қурмаслик ва кўп китоб ўқимаслик.

Яна бир қоидада шундай дейилганки, руҳий устоз кўп шогирдлар қабул қилиши мумкин, лекин у шундай ҳаракат қилиши керакки, уларнинг кўрсатган бирор хизмати ёки қилган иши сабабли шогирдларининг бирортасидан қарздор бўлиб, ёки уларга боғлиқ бўлиб қолмасин. Шунингдек янги эҳромлар қуришга ёки ҳар хил китобларни ўқиб-ўрганишга зўр бериб уринмаслик керак. Фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалиш учун зарур бўлган асарларнигина ўқиш билан чекланиш лозим. Аслини олганда Кришнани англаш таълимотини тўла англаш учун зарур бўлган маълумотларнинг барчасига эга бўлиш учун диққат билан "Бхагавад-гита", "Шримад Бхагаватам", "Шри Чайтанья таълимоти" ва мана шу "Садоқат лаззати" асарини ўрганишнинг ўзи кифоя. Бошқа асарларни ўқиб юришнинг ҳожати йўқ.

"Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи қўшиғида(13.8) Нарада Муни Махараж Юдхиштира билан жамиятдаги варна ва ашрамлар учун белгиланган қонун-қоидаларни муҳокама қилар экан, таркидунё қилган одамлар - саннийасиларга белгиланган қоидаларга алоҳида тўхтаб ўтадилар. *Саннийаси* турмуш тарзини қабул қилган одамнинг ноқобил, нолайиқ шогирдлар қабул қилиши ман этилади. Саннийаси аввало шогирдининг ҳақиқатан ҳам Кришнани англашга самимий интилаётганини пухта текшириб кўриши лозим, агар шунга ўзи аниқ ишонч ҳосил қилмаса, у шогирдига фотиҳа бермаслиги керак. Лекин, Парвардигор Чайтанья ўзининг бесабаб марҳамати билан барча ҳақиқий руҳий устозларга Кришнани англаш таълимоти ҳақида ҳаммага, ҳамма жойда айтишни буюрган. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья ҳаракатида ҳатто саннийаси ҳам ҳамма жойда Кришнани англаш таълимоти ҳақида гапириб, шогирд бўлишга жиддий интилаётганларни шогирдликка қабул қилиши мумкин.

Яна бир мулоҳаза юзага келади: шогирдлар сонини кўпайтирмасдан Кришнани англаш ҳаракатини бутун жаҳонга ёйишнинг иложи йўқ. Шунинг учун баъзида Чайтанья Махапрабху мактабига мансуб саннийасилар ўзининг ҳолатини хавф остига қўйиб бўлса ҳам, ҳали шогирд бўлишга тайёр бўлмаган одамларни ҳам шогирдликка қабул қилиши мумкин. Ҳақиқий руҳий устознинг марҳамати билан шундай шогирд аста-секин руҳий жиҳатдан юксала боради. Лекин, агар руҳий устоз, саннийаси фақат каттароқ обрў ортти-

риш ёки сохта хурмат-этибор қозониш ниятида ўзининг шогирдлари сонини кўпайтираётган бўлса, у албатта ҳаётда Кришна онги билан яшаш йўлидан адашади.

Худди шундай, ҳақиқий руҳий устоз ҳар хил жойларда турли мавзуларда маърузалар ўқиб, обрў орттириш ёки ўзининг билимдонлигини кўрсатиш учун кўп китоб ўқиб-ўрганишга вақт сарфлаб ўтирмайди. Буларнинг ҳаммасидан узоқроқ юриш лозим. Бундан ташқари саннийаси эҳромлар қуришга берилиб кетмаслиги керак. Шри Чайтанья Махапрабхудан бошланадиган шогирдлар силсиласида турган ачарйалар ҳаётидан биламизки, улар эҳромлар қуриш билан шуғулланмаганлар. Лекин, кимдир ўз хоҳиши билан уларга хизмат қилмоқчи бўлса, ўша ачарйалар уни қимматбаҳо чиройли эҳром қуришга илҳомлантирган. Масалан, Акбар шоҳнинг кўмондони Махараж Мансингх Шрила Рупа Госвамига хизмат қилиш истагини билдирганида, у унга Говиндага атаб катта, қимматбаҳо эҳром қуришни буюрган.

Шундай қилиб, ҳақиқий руҳий устоз шахсан ўзи эҳром қуришни ўз зиммасига олмаслиги керак, аммо, агар кимдир ўз хоҳиши билан катта жамғармасини, тўплаган бойлигини Кришнага садоқат билан хизмат қилишга ишлатиш ниятини билдирса, Шрила Рупа Госвами сингари, ачарйа бу пулларни одамлар Кришнага сиғинадиган катта эҳром қуришга ишлатиши мумкин. Афсуски, баъзида ўзлари руҳий устоз бўлишга муносиб бўлмаган одамлар эҳром қуриш учун бадавлат одамлардан садақа сўрайдилар. Агар ана шундай нолойиқ “руҳий устозлар” одамлардан олган пулларига катта эҳромлар қуриб, унда ўзлари роҳатланиб яшасалар-у, одамларга Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилмасалар - бу нотўғри бўлади. Бошқача қилиб айтганда, руҳий устоз ўзининг ҳаётида руҳий юксалиш ниқоби остида эҳромлар қуриш билан овора бўлиб қолмаслиги керак. Руҳий устознинг биринчи ва асосий вазифаси - одамларга Худонинг илмини тарғибот қилиш бўлиши керак. Бу борада Шрила Бхактисиддхантасарасвати Госвами Махаража ўзининг шогирдларига китоблар нашр қилишни буюрган. Агар кимнинг пули бўлса, қимматбаҳо эҳромлар қуриш ўрнига, шу пулларини барча халқларга Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш учун жаҳоннинг турли тилларида ишонарли муқаддас китобларни нашр қилишга сарфлаши лозим.

**Кундалик турмушда ростгўй бўлиш, бирор нарса йўқотганда ёки бирор нарсага эга бўлганда хотиржам, осойишта қолиш.**

"Падма пурана"да қуйидаги гаплар келтирилган: "На моддий бойликларга эга бўлиш, на моддий бойликдан айрилиб қолиш Кришнани англаш жараёнидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган

одамнинг хотиржам, осойишта ҳолатини ўзгартирмаслиги керак. Содик бирор моддий нарсасидан айрилиб қолганида, йўқотган нарсасига ачиниб, изтироб чекканидан кўра ҳамиша Кришнани ўйлаб юриши лозим". Бу ерда шу нарса назарда тутилганки, бу дунёда ҳар бир шартланган руҳнинг ақли моддий фаолият билан банд; содик ундай ўйлардан халос бўлиши ва бутунлай Кришна онгига ғарқ бўлиши керак. Аввал тушунтирганимиздай, Кришна онгида яшашнинг асосий қонидаси - ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юришдан иборат. Ҳар хил моддий нарсалардан маҳрум бўлгандан қийналиб юргандан кўра, одам ўзининг бутун ақлу-тафакқурини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиши лозим.

Содик хизматкор ҳеч қачон алданишга ёки мусибатга берилмаслиги керак. "Падма пурана"да шундай сўзлар бор: "Қалбини мусибат ёки ғазаб эгаллаган одамнинг қалбида Кришна Ўзини намоён этмайди".

### Фаришталар.

Фаришталарга хурмат-эҳтиром кўрсатишга этиборсиз бўлмаслик керак. Уларга сажда қилиш шарт эмас, лекин бу, уларга бутунлай этибор бермаслик керак дегани эмас. Тангри Шива ва Тангри Брахмага сажда қилиб сиғинмасдан Худонинг содиқлари, вайшнавлар бу дунёда шундай катта лавозим эгаллаб турган фаришталарга хурмат-эҳтиром билдиришлари лозим. Вайшнавлар фалсафасига кўра, Кришнанинг содиқлари Тангри Шива ва Тангри Брахма сингари буюк зотларга эмас, ҳатто чумолига ҳам хурмат-этибор кўрсатиш лозим.

### Бирор тирик мавжудотга озор бермаслик.

"Маҳобҳорат"да айтилганки: "Бирор тирик мавжудотга ташвиш келтирмайдиган ёки зулм қилиб озор бермайдиган, ҳар бир тирик мавжудотга худди меҳрибон отасидай муносабатда бўладиган, қалби шунчалик беғубор пок бўлган одам, шубҳасиз, тез орада Худонинг Олий Шахсининг марҳаматига эришади".

Ҳозирги маданиятли жамиятда баъзан ҳайвонларга нисбатан жуда қаттиқ зулм ўтказилаётганига қарши оммавий қаршиликлар бўлиб туради, лекин айни пайтда, шунча чорва ҳайвонлари одамларнинг зулми остида, ёвузлик билан ҳалок бўлаётган қассобхоналарни, гўшт комбинатларини ёпиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Вайшнавлар ундай эмас. Вайшнав қассобхоналарда беозор чорва ҳайвонларини оммавий равишда ёвузларча ўлдиришни қаттиқ қоралайди, ўзи эса бирор тирик мавжудотга зулм қилмай, ҳаётда беозор яшайди.

## Саккизинчи боб.

### Қандай ҳақоратлардан эҳтиёт бўлиш керак?

Ведавий муқаддас китобларга илова қилинган китобларда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида содиқ содир қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши лозим бўлган ҳар хил ҳақоратларнинг ўттиз икки тури кўрсатилган. Улар қуйида кўрсатилган: 1. Эҳромга машинада ёки паланкин-да, оёқ кийимида кириш мумкин эмас. 2. Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш учун ўтказиладиган байрамларни ўтказиб юбормаслик керак (Жанмаштами, Ратха-ятра ва ҳоказо). 3. Илоҳларга сажда қилишни унутмаслик керак. 4. Овқатлангандан кейин қўл ва оёқларни ювмай туриб эҳромга кириш мумкин эмас. 5. Эҳромга ҳаром ҳолда кириш мумкин эмас (Ведавий муқаддас китобларга кўра оилада бирор одам танасини тарк этса, оила аъзолари маълум муддатгача ҳаром ҳисобланади. Масалан, брахманлар ўн икки кун, кшатрий ва вайшьялар ўн беш кун, шудралар - ўттиз кун). 6. Бир қўл билан сажда қилиш мумкин эмас. 7. Эҳромни Кришнанинг олдидан айланиб ўтмаслик керак (Эҳромни айланишни сотат стрелкаси бўйича Илоҳларнинг ўнг томонидан бошлаш керак. Бундай айланишни ҳар куни камида уч марта қилиш лозим). 8. Илоҳлар олдида оёқ узатиб ўтириш мумкин эмас. 9. Илоҳлар олдида товонларни, тиззаларни ёки тирсақларни қўллари билан кучоклаб ўтириш мумкин эмас. 10. Кришнанинг муртиси олдида ётиш мумкин эмас. 11. Илоҳлар олдида прасад ейиш мумкин эмас. 12. Илоҳлар олдида ёлғон гапириш мумкин эмас. 13. Илоҳлар олдида баланд овозда гапириш мумкин эмас. 14. Илоҳлар олдида бировлар билан суҳбатлашиш мумкин эмас. 15. Илоҳлар олдида йиғлаш ёки увлаш мумкин эмас. 16. Илоҳлар олдида жанжаллашиш ёки уришиш мумкин эмас. 17. Илоҳлар олдида бировни сўроқ қилиб, танбеҳ бериб, койимаслик керак. 18. Илоҳлар олдида гадоиларга хайр-эҳсон бермаслик керак. 19. Илоҳлар олдида биров билан қўпол муомалада бўлмаслик керак. 20. Илоҳлар олдида устига тери ёпиниб кирмаслик керак. 21. Илоҳлар олдида ҳеч кимни макташ ёки улуғлаш мумкин эмас. 22. Илоҳлар олдида сўкиниш, ҳақорат гаплар айтиш мумкин эмас. 23. Илоҳлар олдида ёқимсиз ис чиқариш мумкин эмас. 24. Содиқ Илоҳларга сиғиниш қоидаларини имкониятидан паст даражада ўрнатмаслиги керак ("Бхагавад-гита"да айтилганки, агар содиқ сув, барг, гул, бироз мева таклиф қилса ҳам Парвардигор ундан мамнун бўлади. Парвардигорнинг бу кўрсатмаси ҳаммага баробар бўлиб уни ҳар қандай одам, ҳатто энг қашшоқ одам ҳам бажара олади. Лекин бу - етарли бойликка эга одам ҳам Парвардигорга фақат барг билан сув тақдим қилса бас, дегани эмас. Имконияти бор содиқ Парвардигорга қимматбаҳо тақинчоқлар таклиф қилиши, яхши гуллар, ширин-ширин таом-

лар таклиф қилиши лозим. Парвардигорга фақат барг ва сув бўлса бас, қолган пулларимни ўзим ҳар хил ҳиссий лаззатларга сарфлайман деб ўйламаслик керак). 25. Аввал Кришнага тақдим этилмаган бирор нарсани емаслик керак. 26. Парвардигор Кришнага йилнинг ҳар хил фаслларида пишган мева ва сабзавотларни таклиф қилишни унутмаслик керак. 27. Пишган овқатни Илоҳларга тақдим этмай туриб бировга бериш мумкин эмас. 28. Илоҳларга орқа ўгириб ўтириш мумкин эмас. 29. Руҳий устозга жим ҳолда сажда қилиш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, руҳий устозга сажда қилаётиб, илтижоларни овоз чиқариб ўқиш керак. 30. Руҳий устоз бор вақтда уни олқишлаш имкониятини бой бермаслик керак. 31. Руҳий устознинг олдида мактанмаслик керак, яъни шогирд ўзини мактамаслиги керак. 32. Илоҳлар олдида фааришталарни масҳара қилмаслик керак. Ҳақоратлашларнинг ўттиз икки тури шулардан иборат.

"Вараха-пурана"да булардан ташқари яна бошқа ҳақорат турлари ҳам кўрсатилган. 1. Илоҳларга қоронғи хонада қўл текказиш мумкин эмас. 2. Илоҳларга сиғинишнинг қонунқоидаларини бузмаслик керак. 3. Парвардигорнинг эҳромига индамасдан, овоз чиқармасдан кирмаслик керак (махсус осиб қўйилган қўнғироқчани чалиш, ёки, агар қўнғироқча йўқ бўлса, эҳромга "Жая Шри Шри Гаура-Нитай", Жая Шри Шри Радха-Кришна", "Жая Жаганнатх" деб Илоҳларнинг номларини айтиб, ёки "Харе Кришна" деб кириш лозим). 4. Илоҳларга ит ёки бошқа ҳаром, пасткаш ҳайвон қараган таомни таклиф қилиш мумкин эмас. 5. Илоҳларга сиғинаётганда жимликни бузмаслик керак. 6. Сиғиниш жараёнида ҳожатхонага бориш мумкин эмас. 7. Илоҳларга гул тақдим қилмай туриб, мушк-анбар таклиф қилмаслик керак. 8. Илоҳларга ҳиди йўқ гул таклиф қилмаслик керак. 9. Содиқ хизматкор ҳар куни тишларини бир неча марта яхшилаб ювишни унутмаслиги керак. 10. Жинсий алоқа қилгандан кейин дарров эҳромга кириш мумкин эмас. 11. Ҳайз кўриш пайтида аёлга қўл теккизмаслик керак. 12. Мурдага қўл теккизгандан кейин эҳромга кириш мумкин эмас. 13. Эҳромга қизил ёки кўк кийимда ёки ювилмаган, кир кийимда кириш мумкин эмас. 14. Мурдани кўргандан кейин эҳромга кириш мумкин эмас. 15. Эҳромда ис, газ чиқариш мумкин эмас. 16. Эҳромда газабланиш мумкин эмас. 17. қабристонда, дафн маросимида бўлгандан кейин эҳромга кириш мумкин эмас. 18. Илоҳлар олдида кекириш мумкин эмас, яъни ошқозонидаги овқат тўла ҳазм бўлмагунча эҳромга кириш мумкин эмас. 19. Ганж, тамаки чекиш мумкин эмас. 20. Маст қиладиган нарсалар истеъмол қилиш мумкин эмас. 21. Танасига атир сурилган одам Илоҳлар олдида кириши ёки Илоҳларга қўл теккизиши мумкин эмас. 22. Худой Таоло ҳақида маълумотла ёзилган китобга ҳурматсизлик қилмаслик керак. 23. Бундай ишлар-

га рухсат берадиган, ишонарли бўлмаган муқаддас китобларни ўрганишга одатланмаслик керак. 24. Илоҳлар олдида бетелр чайнаш мумкин эмас. 25. Ҳаром тувакда ўсган ёки сўлган гулларни Илоҳларга таклиф этиш мумкин эмас. 26. Тақир полда ўтириб Илоҳларга қўл теккизиш мумкин эмас. Сиғинганда ўтириш учун бирор махсус тўшакча ишлатиш лозим. 27. Тўла ювиниб бўлмай туриб, Илоҳларга қўл теккизмаслик керак. 28. Кришнанинг содиқлари пешонасини уч чизиқли кеса тилака билан безамаслиги керак. 29. Қўл ва оёқларни ювмай эҳромга кириш мумкин эмас.

Булардан бошқа қоидалар куйидагилар: Парвардигорга вайшнав бўлмаган одам пиширган таомни таклиф қилмаслик керак, Илоҳларга иймонсиз, худосиз одамлар олдида сажда қилмаслик, иймонсиз одамга қараб туриб, Илоҳга сажда қилмаслик керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида йўл қўйиладиган барча хатоликларни бартараф этадиган фаришта Ганапатига сиғиниш керак. "Брахма-самхита"да айтилганки, Ганапати Парвардигор Нрисимхадеванинг нилуфар қадамлари пойига сиғинади, шунинг учун у содиқларга Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнидаги барча тўсиқларни енгишда ёрдам бера олади. Шунинг учун Кришнанинг содиқлари Ганапатига сиғинишлари керак. Илоҳларни бармоқ ёки тирноқ теккан сувда чўмилтириш мумкин эмас. Агар содиқ терлаб кетган бўлса Илоҳларга сажда қилмаслиги керак. Булардан ташқари жуда кўп таъқиқланган амаллар бор. Масалан, Парвардигорга таклиф этилган гуллар устидан ҳатлаб ўтиш ёки уларни босиш мумкин эмас. Худонинг номи билан онт ичмаслик керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида содиқ йўл қўйиши мумкин бўлган мана шу ҳақоратлардан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

"Падма пурана"да айтилганки, агар ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширса, Парвардигор ҳатто энг ашаддий гуноҳкорни ҳам ҳимоя қилади. Шундай қилиб, бу аниқ тасдиқланган ҳақиқат - Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топширган одам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Ҳатто Парвардигорнинг Ўзини ҳақорат қилиб қўйган одам ҳам Худонинг муқаддас номлари паноҳи остига кириб озодликка чиқиши мумкин: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Бошқача қилиб айтганда, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш инсонни барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. Аммо, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда ҳақорат содир этган одам гуноҳлардан халос бўлишнинг энг охириги имкониятидан ҳам маҳрум бўлади.

Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда содир қилиш мумкин бўлган ҳақоратлар ўнта. 1. Бутун умрини Худонинг муқаддас номларини одамларга ўргатишга сарфлаган содиқларни ҳақоратлаш. 2. Тангри Шива ва Тангри Браҳма

сингари фаришталарнинг номларини Парвардигор Вишнунинг номи билан тенг ёки ундан бутунлай мустақил деб ҳисоблаш(Баъзан ғофил одамлар ҳар қандай фаришта ҳам Худонинг Олий Шахси, Вишнуга тенг деб даъво қиладилар. Аммо Худонинг содиқлари биладиларки, қанчалик буюк бўлмасин ҳеч қандай фаришта Худонинг Олий Шахсига тенг ёки Ундан мустақил бўла олмайди. Шунинг учун "Кали, Кали" ёки "Дурга, Дурга" деб, бирор фариштанинг номини зикр қилиш ҳам Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш сингари бир хил натижа беради деб ўйлаш - энг катта ҳақорат ҳисобланади). 3. Рухий устознинг кўрсатмаларига амал қилмаслик. 4. Ведалар адабиётини ёки уларга мос келадиган муқаддас китобларни ҳақоратлаш. 5. Ҳаре Кришна мантрасининг шуҳратини хом ҳаёл, ўйлаб чиқарилган деб ҳисоблаш. 6. Худонинг муқаддас номларига ўз билганича изоҳ бериш. 7. Худонинг муқаддас номларининг поклаш қудратига ишониб, гуноҳ ишлар қилишда давом этиш(Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш одамни барча гуноҳлари оқибатидан халос этади, лекин: гуноҳ қилишда давом этавериш мумкин, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан улар ювилиб кетади, деб ўйламаслик керак. Бундай фикрлар жуда ҳалокатли ва муқаддас номга нисбатан оғир ҳақорат ҳисобланади). 8. Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида кўрсатилган маросимлардан бири деб ҳисоблаш. 9. Иймонсиз, худосиз одамларга Худонинг муқаддас номларининг шуҳрати ҳақида гапириш(Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда ҳамма иштирок этиши мумкин, лекин худобехабар иймонсиз одамга бирданига Парвардигорнинг илоҳий қудрати ҳақида гапирмаслик керак. Оғир гуноҳларга ботиб кетган иймонсиз одамлар бирданига Парвардигорнинг илоҳий улуғворлигини муносиб кадрлай олмайдилар. Шунинг учун уларга бирданига бу ҳақда гапирмаган яхши). 10. Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга тўлиқ иймон келтирмаслик ва бу мавзуда шунча насихатлар олгандан кейин ҳам моддий нарсаларга боғланиб қолишда давом этиш.

Ўзини *вайшнав* деб ҳисоблашни даъво қиладиган ҳар бир содиқ ўзи интиладиётган муваффақиятга тезроқ эришишни истаса, иложи борича мана шу ҳақорат турларини содир қилмасликка ҳаракат қилиб яшаши лозим.

### Тўққизинчи боб.

#### Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларининг давоми.

Кришнанинг содиқлари Парвардигорни ёки Унинг содиқларини ҳақорат қилишларига чидаб турмаслик керак. Бу тўғрида "Шримад Бхагава-там"нинг ўнинчи кўшиғида(74.40) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй

шоҳ Худони еки Худонинг содиқларини ҳақоратлаётганларини эшитиб, шу заҳоти бу ерни тарк этиб кетмаган содиқ ўзининг барча қилган савоб ишлари натижасидан маҳрум бўлади”.

Парвардигор Чайтаньянинг “Шикшаштака” асариди шундай дейилган: “Содиқ хизматкор дарахтдан ҳам сабрлироқ, йўлда ётган хасдан ҳам пастроқ, хокисорроқ бўлиши лозим. У ҳеч кимдан ўзига ҳурмат-эътибор кутмасдан, бошқаларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим”. Лекин шунчалик камтарин, итоаткор бўлишига қарамай, Парвардигор Чайтаньянинг Ўзи Шри Нитьянандининг жароҳатланганини эшитган заҳоти Уни ҳақоратлаган одамларни - Жагай ва Мадхайни ўлдиришга тайёр бўлиб, шу заҳотиёқ етиб келди. Шри Чайтанья Махапрабхунинг бу ҳаракати ҳаммага ўрнак бўлиши лозим. Бу шундан далолат берадики, вайнав ўзини қанча ҳақоратласалар ҳам чидаб туриши мумкин, аммо бировларнинг Парвардигор Кришнани ёки Унинг содиқларини ҳақорат қилишига бир лаҳза ҳам чидаб туролмайди.

Бундай ҳақоратларга уч турли йўл билан қаршилиқ кўрсатиш мумкин. Парвардигорни ва Унинг содиқларини ҳақорат қилаётганларини эшитиб, содиқ кучли далил, исботлар билан ҳақорат қилаётган одамни тўхтатиши лозим. Агар у ҳақорат қилаётган одамни исбот, далиллар билан тўхтатишга қодир бўлмаса, камтарин ҳолда ҳақоратларни тинглаб тургандан кўра, шу заҳотиёқ ўзини ўлдириши лозим. Учинчи йўл - шу заҳотиёқ бундай жойни тарк этиш керак. Шу уч йўлдан бирига амал қилмаган киши адашиб, Худоба садоқат билан хизмат қилиш йўлидан чиқиб кетади.

## **Тилака ва туласи дарахтидан қилинган мунчоқлар.**

Вайшнав ўзининг танасини тилака ва мунчоқлар билан қандай безаши “Падма пурана”да ёзилган: “Бўйнига туласидан қилинган мунчоқ осган, Вишнунинг эҳроми сифатида танасининг ўн икки жойига Вишнунинг белгиларини қўйган(Парвардигор Вишну Ўзининг тўрт қўлида ушлаб турадиган тўрт нарса: сур, гурзи, халқа ва нилуфар гули), пешонасида Вишнунинг тилакасини қўйиб олган одамни бу дунёда Парвардигор Вишнунинг содиқ хизматкори деб ҳисоблаш керак. Улар борган жойини поклаб, қаерда яшасалар шу жойни Ваикунтхага айлантирадилар”.

“Сканда-пурана”да ҳам шунга ўхшаш гаплар ёзилган: “Тилака ва Гопи-чандана билан танасини безаб қўйган, бутун танаси Худонинг муқаддас номлари билан безанган, кўксиди ва бўйнида туласидан қилинган мунчоқлар осилган одамнинг ёнига ҳеч қачон ямадутаалар яқинлашолмайди”. Ямадутаалар - Ажал фариштаси Азроилнинг гуноҳкорларни жазолайдиган хизматкорлари. Азроилнинг бу элчилари ҳеч қачон вайшнавларни

олиб кетмайдилар. “Шримад Бхагаватам”да Аджамила тарихи ёзилган бобда айтилганки, Ямараджа ўзининг ёрдамчиларига, хизматкорларига қаттиқ тайинлаб, вайшнавларга умуман яқинлашмасликни буюрган. Вайшнавларга Ямараджнинг ҳукми таъсир қилмайди.

“Падма пурана”да ҳам шундай ёзилган: “Танаси сандал пастаси билан безатилган, Худонинг муқаддас номлари ёзилган одам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади ва ажали етгандан кейин тўғри Кришналокага эришади ва у ерда Худонинг Олий Шахси билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиб яшайди”.

## **Гуллардан қилинган гулчамбарлар.**

Илоҳларга тақдим этилган гулчамбарларни тақиб юриш ҳам жуда шарофатли. Бу ҳақда “Шримад Бхагаватам”нинг ўн биринчи қўшиғида(6.46) Уддхава Кришнага шундай дейди: “Азизим Кришна, Сен қўлинг теккан, лаззатланган нарсалар менга етишди: гулчамбарлар, табаррук анжомлар, кийим ва тақинчоқлар. Мен фақат Сендан қолган таом билан овқатланаман, чунки мен - Сенинг итоаткор, содиқ хизматкорингман. Шундай қилсам моддий қувватнинг алдамчи жилолари менга таъсир қилолмаслигига ишончим комил бўлиб юраман”. Бу шеърнинг маъноси шундан иборатки, мана шу қоидаларга амал қилиб юрган, яъни, танасини гопи-чанданадан ёки сандал пастасидан қўйилган тилакалар билан безаб, Кришнага таклиф этилган гулчамбар тақиб юрган одам - моддий қувватнинг алдамчи таъсирларидан ишончли ҳимояланган бўлади. Ҳатто одам вайшнавларнинг барча қонун-қоидаларига амал қилмаса ҳам, фақат Кришнага таклиф этилган таом - прасад билан овқатланиб юрса, у аста-секин покланиб, вақти келиб албатта вайшнав бўлиш учун етарли сифатларга эга бўлади.

Бунга ўхшаш гаплар “Сканда-пурана”да ҳам бор, унда Тангри Брахма Нарада Мунига шундай дейди: “Азизим Нарада, аввал Кришнанинг бўйнига тақилган гулчамбарни бўйнига таққан одам барча касалликлардан ва қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади ва аста-секин моддий иллатлардан бутунлай озод бўлади”.

## **Илоҳлар олдида рақсга тушиш.**

“Дварака-махатмья”да Парвардигор Кришна Илоҳлар олдида рақсга тушиш ҳақида шундай дейди: “Менинг олдимда рақсга тушиб, қалби қувончга тўлган, илоҳий жазавога кириб, чуқур лаззат олган, танасида ҳар хил лаззат аломатлари пайдо бўлган одам жуда кўп миллион умрлар давомида қилган гуноҳлари оқибатини ёқиб кул қилиб юборади”. Шу асарда Нарада Мунининг қуйидагича сўзлари ҳам бор: “Илоҳларнинг олди-



да лаззатланиб қарсақ чалиб, рақсга тушган одамнинг танасидан барча гуноҳ қушлари учиб кетади". Қарсақ чалиш билан бир тўда қушлар галасини учириб юбориш мумкин. Худди шундай, танамизда ўтирган барча гуноҳларимиз қушларини ҳам Кришнанинг муртиси олдида қарсақ чалиш ёки рақсга тушиш ёрдамида учириб юбориш мумкин.

## **Илоҳларга ҳурмат билдириб сажда қилиш.**

Илоҳларга ҳурмат-эҳтиром билдириб, Уларга сажда қилиш ҳақида "Нарадия-пурана"да шундай дейилган: "Буюк қурбонлик маросими ўтказган одамни Парвардигорнинг олдида сажда қилиб, Парвардигорга эҳтиром кўрсатган одам билан бир қаторда қўйиш мумкин эмас". Жуда кўп қурбонлик маросими ўтказган одам ўз фаолиятининг натижасига эришади, аммо бу натижалар тамом бўлганида, у яна Ер сайёрасида туғилишга мажбур бўлади. Эҳромда Парвардигор Кришнанинг муртиси олдида атиги бирор марта сажда қилиб, Парвардигорга самимий эҳтиром кўрсатган одам эса, ажали етганида тўғри Кришнанинг салтанатига кўтарилади ва ҳеч қачон бу оламга қайтиб келмайди.

## **Парвардигорга ҳурмат билдириб ўрнидан туриш.**

"Брахманда-пурана"да шундай сўзлар бор: "Ратха-ятра байрами тантаналарига қўшилган, Парвардигорни қарши олиш учун ўрнидан турган одам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади".

## **Байрам тантаналарида Илоҳлар ортидан юриш.**

"Бхавишья-пурана"да шундай дейилган: "Ратха-ятра тантаналарида Илоҳлар келаётган аравани кўриб, уларга эргашган одам ҳатто энг паст табақадан бўлса ҳам, Парвардигор Вишнунинг бойлигига тенг бойликларга эга бўлади".

## **Парвардигор Вишнунинг эҳромларига ёки муқаддас зиёратгоҳларга бориш.**

Пураналарда шундай ёзилган: "Вриндаван, Матхура ёки Дварака сингари муқаддас саждагоҳ жойларни зиёрат қилишга интилаётган кишилар ҳар қандай олқишга муносиб одамлардир. Бундай саёҳатлар уларга моддий тирикчилик биёбонидан ўтиб олиш имконини беради".

"Хари-бхакти-судходайа"да Парвардигор Кришнанинг эҳромига бориш инсонга қандай саодат келтириши ёзилган. Аввал тушунтирганимиздай, одатга кўра, Худонинг содиқлари Вриндаван,

Матхура ва Дваракада жойлашган ҳар хил эҳромларга боришга ҳаракат қиладилар. "Хари-бхакти-судходайа"да шундай дейилган: "Худога садоқат билан хизмат қилиш ниятида, тўлиқ Кришна онгида бўлган ҳолда, эҳромдаги Вишнунинг муртисини кўришга йўл олган одам шубҳасиз яна она қорнига кириш заруратидан халос бўлади". Шартланган руҳлар туғилганидан кейин онасининг қорнида қанчалик азоб-укубатларга дучор бўлганини эсдан чиқариб юборадилар, аслида она қорнида ётиш жуда азобли ва кийин ҳолат. Ана шундай ачинарли ҳолатга яна тушиб қолмаслик учун одам чуқур эҳтиром билан Вишнунинг эҳромига бориши керак, шунда у бу моддий оламда туғилиш билан боғлиқ бўлган барча азоб-укубатлардан халос бўлади.

## **Вишнунинг эҳромининг атрофини айланиш**

"Хари-бхакти-судходайа"да шундай дейилган: "Вишнунинг муртисини айланиб ўтган одам бу моддий оламда туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқа олади". Моддий оламда тирикчилик қилиб юрган шартланган руҳлар такрор ва такрор туғилиш ва ўлишлар чархпалагида айланиб юрадилар. Лекин агар одам мунтазам равишда эҳромдаги Илоҳнинг атрофини айланиб юрса, у мана шу ажал чархпалагидан осонлик билан қутулиб кета олади.

Ҳиндистонда тўрт ой ёмғир мавсумида Шравана ойидан бошлаб, Чатурмасья маросими ўтказилади. Мана шу тўрт ой давомида, одатда Кришнани англаш таълимотини бирор жойда кўп тўхтамасдан одамларга тарғибот қилиб, тинмасдан саёҳат қилиб юрадиган табаррук авлиё зотлар бирор жойда, кўпинча бирор муқаддас саждагоҳда тўхтаб қоладилар. Ана шу мавсум давомида улар алоҳида қонун-қоидаларга қатъий амал қилиб яшайдилар. "Сканда-пурана"да айтилганки, мана шу мавсум давомида Парвардигор Вишнунинг эҳромини камида тўрт марта айланиб ўтган одам бутун оламни, коинотни айланган ҳисобланади. Мана шу мавсумда эҳромнинг атрофини айланган одам муқаддас Ганга қирғоғидаги барча муқаддас саждагоҳларни айланиб чиққан ҳисобланади. Чатурмасья мавсумидаги барча қоидаларга амал қилиб, одам тез вақт ичида Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилади.

## **Арчана**

Арчана - эҳромда Илоҳларга сиғиниш маросими. Эҳромда Илоҳларга сажда қилиш билан одам аслида ўзининг тана эмас, руҳий мавжудот эканини амалда тасдиқлаган бўлади. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(81.19), Кришнанинг яқин дўсти Судама, бир браҳманнинг уйига бораётиб, ўзига-ўзи айтган гаплар келтирилган: "Жаннатдаги барча лаззатларга, озодликка чиқиш лаз-

затиға, коинотнинг барча сайёралар тизимга хукмрон бўлиш лаззатиға ва йога билан шуғулланиш орқали эришиладиган барча сеҳр кудратига эга бўлиш учун одам шунчаки Парвардигор Кришнага сажда қилиб юрса бас - шунинг ўзи кифоя”.

Судаманинг бундай хулосага келишига сабаб бўлган воқеа шундай бўлган эди: Шри Кришна Судамадан бирор брахманнинг уйига бориб, озрок егулик овқат сўрашни илтимос қилади. Шу пайтда брахманлар катта қурбонлик маросими ўтказаятган эдилар. Кришна Судамадан брахманларга Кришна билан Балорам оч бўлганини айтиб, улардан бирор нарса бериб юборишини ялиниб сўрашни илтимос қилди. Брахманлар Судаманинг айтган гапларига эътибор ҳам бермай, унга ҳеч нарса бермадилар. Лекин уларнинг хотинлари, Кришнанинг оч қолганини эшитиб, ҳар хил ширин таомларни олиб, Кришнага таклиф қилиш учун шошилдилар. "Вишну-рахасйа"да ҳам шундай дейилган: "Бу дунёда Вишнуга сиғинаётган ҳар қандай одам ҳеч қийналмасдан мангу лаззат тўла Худонинг даргоҳига - Ваикунтҳалокага эриша олади”.

## ***Худога садоқат билан хизмат қилиш***

"Вишну-рахасйа"да шундай дейилган: "Худди шоҳнинг хизматкорлари шоҳга хизмат қилганидай, бу дунёда одамларнинг Парвардигорга хизмат қилишларини ташкил эта олган одам ажали етгандан кейин албатта Кришнанинг даргоҳига кўтарилади”. Ҳақиқатан ҳам Ҳиндистондаги эҳромлар ҳар жиҳатдан шоҳларнинг саройига ўхшаб кетади. Эҳромлар оддий иморатлар эмас. Одамлар Парвардигор Кришнага ҳам худди хизматкорлар саройда шоҳга сажда қилганидай сажда қилиб хизмат қилишлари керак. Вриндаванда юзлаб эҳромлар бор, уларда Худонинг содиқлари Илоҳларга шоҳона хизмат кўрсатадилар. "Нарадийа-пурана"да шундай дейилган: "Парвардигорнинг эҳромида атиги бир неча лаҳза бўлган одам ҳам Худонинг илоҳий даргоҳига кўтарила олиш имкониятига эга бўла олади”.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бой, бадавлат одамлар ажойиб эҳромлар қуриши ва одамларни жалб этиб, эҳромда Парвардигор Вишнуга сиғинишни ташкил этишлари, шу билан уларга Илоҳлар олдида рақсга тушиш, Худонинг муқаддас номларини куйлаш ёки муқаддас ном товушларини тинглаш имкониятини беришлари лозим. Шу тарзда ҳар бир одам Худонинг даргоҳига кўтарилиш имкониятига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳамиша Кришна онгида бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларгина эмас, ана шундай эҳромга борган оддий одамлар ҳам энг катта саодатга эга бўлади.

Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг тўртинчи кўшиғида(21.31), шоҳ Притху ўзининг

фуқароларига мурожаат қилиб, шундай дейди: "Эй азиз фуқаролар, ҳамиша эсингизда бўлсинки, аслини олганда фақат Худонинг Олий Шаҳси, Хари барча шартланган руҳларни озодликка чиқара олади. Шартланган руҳларни бирор фаришта озодликка чиқаришга қодир эмас, чунки фаришталарнинг ўзлари шартланган оламда яшайдилар. Бир шартланган руҳ иккинчи шартланган руҳга ёрдам бера олмайди. Фақат Парвардигор Кришна ёки Унинг вакили шартланган руҳларни озодликка чиқара олади. Парвардигор Вишнунинг оёғидаги бармоқларни ювиб тушаётган муқаддас Ганга сувлари ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларни эмас, ҳатто барча шартланган руҳларни озодликка чиқариб, Ер ва бошқа сайёраларга оқиб тушади. Ҳатто улар жуда кўп умрлар давомида гуноҳлар ботқоғига ботиб кетган бўлсалар ҳам, руҳий озодликка чиқиш улар учун кафолатланган”. Бошқача қилиб айтганда, Эҳромда Илоҳга сажда қилаётган одам ўзининг аввалги ҳаётларида қилган гуноҳларининг барчасидан деярли халос бўлиши мумкин. Илоҳларга сажда қилишнинг шарофатларини таърифлаб ўтган эдик, энди фақат ана шу қоидаларга қатъий риоя қилиш керак.

## **Куйлаш.**

"Линга-пурана"да Парвардигорни шарафлаб-куйлаш ва Уни олқишлаб, ҳамду-санолар айтиш ҳақида шундай дейилган: "Ҳамиша Парвардигорнинг шухратини куйлаб юрган брахман шубҳасиз Парвардигорнинг Ўзи яшайдиган сайёрага эришади. Парвардигор Кришна ана шундай куйлашни ҳатто Тангри Шиванинг илтижоларидан ҳам устун кўяди”.

## **Санкиртана**

Худонинг содиқлари Парвардигорнинг кароматларини, Унинг сифатларини, жамолини ва Парвардигор билан боғлиқ бўлган бошқа нарсаларни шарафлаб баланд овозда куйлаши *санкиртана* деб аталади. Худонинг муқаддас номларини биргаликда шарафлаб куйлаш ҳам *санкиртана* ҳисобланади.

"Вишну-дхарма"да Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш жараёнини олқишлайдиган сўзлар бор: "Эй шоҳ, "Кришна" деган сўз шундай илоҳий кудратга эгаки, бу муқаддас номни куйлаган ҳар қандай одам жуда кўп умрлар давомида тўпланиб келаётган барча гуноҳлари оқибатидан шу заҳотиёқ озод бўлади”. Бу аниқ ҳақиқат. "Чайтанья Чаритамрита"да ҳам шундай гаплар бор: "Кришнанинг муқаддас номи атиги бир марта тилига олган одам ўзи қила олиши мумкин бўлган гуноҳлардан ҳам кўпроқ гуноҳлар оқибатидан покланиш имкониятига эга бўлади.” Гуноҳкор одам жуда кўп гуноҳ қилган бўлиши мумкин, лекин ҳеч ким бир марта "Криш-

на” деб айтилган муқаддас ном поклашга қодир бўлмаган гуноҳ иш қила олмайди.

"Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(9.18) Прахлад Махараж Парвардигорга шундай сўзлар билан мурожаат қилади: “Эй Парвардигор Нрисимха, Сенинг содиқ хизматкоринг даражасига кўтарилиб, мен Сенинг кароматларинг ҳақида тинглаш имкониятига эга бўламан. Сен - энг яхши дўст ва ҳамма сиғиниши лозим бўлган энг муносиб Зотсан. Сенинг эрмакларинг илоҳий табиатга эга, шунчаки улар ҳақида тинглаган одам ҳам барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Шунинг учун мен ўзимнинг аввал содир қилган гуноҳларимни ўйлаб ташвишга тушмайман, чунки шунчаки Сенинг эрмакларинг ҳақидаги хикояларни тинглаш шарофати билан мен моддий боғланишларнинг барча иллатларидан покланаман”.

Парвардигорнинг эрмаклари жуда кўп кўшиқларда куйланади, масалан, Тангри Браҳма куйлаган "Брахма-самхита"да, Нарада Муни куйлаган "Нарада-панчаратра"да, Шукадева Госвами куйлаган "Шримад Бхагаватам"да. Мана шу илоҳий кўшиқларни тинглаган ҳар қандай одам моддий иллатлар исканжасидан озодликка чиқа олади. Парвардигор ҳақидаги мана шу кўшиқларни мунтазам тинглаб юришимизга ҳаётда ҳеч нарса халақит бермаслиги керак. Бу кўшиқлар миллион йиллардан бери оғиздан оғизга ўтиб келяпти, уларни тинглаб ҳалигача одамлар чексиз бахт-саодатга эришиб юрибдилар. Ҳозирги замонда ҳам биз улардан фойдаланиб, озодликка чиқишимизга ким ёки нима халақит бериши мумкин?

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(5.22) Нарада Муни ўзининг шогирди Вйасадевага шундай дейди: "Азизим Вйаса, шуни яхши тушуниб олқи, муқаддас қасамлар ичиб, қаттиқ риёзатга берилган, Ведаларни ўрганиб юрган, тантанали қурбонлик маросими ўтказиб юрган, ведавий мадҳияларни куйлаб юрган, илоҳий илм ҳақида фикр юритиб юрган ва саховат билан хайр-эҳсон улашиб юрган одамлар мана шу эзгу ишларнинг барчаси эвазига Парвардигорнинг шуҳратини куйлаб юрган содиқлар орасига кира оладилар”. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда Парвардигорнинг шуҳратини куйлаб юриш ва Унинг эрмакларини куйлаш тирик мавжудотнинг энг юксак фаолияти экани тасдиқланяпти.

## Жапа

Мантра ёки мадҳия секин ва паст овозда зикр қилинса *жапа* деб аталади. Агар мантра баланд овозда куйланса *киртан* деб аталади. Масалан, Ҳаре Кришна мантрасини (Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре) зикр қилаётган одамнинг фақат ўзи эшитадиган даражада паст овозда зикр қилиш *жапа* деб аталади. Мана шу

мантрани атрофдаги ҳамма эшитиши мумкин бўлган даражада баланд овозда куйланганида *киртан* деб аталади. Маха-мантрани жапа ўрнида ҳам, киртан ўрнида ҳам такрорлаш мумкин. Жапа фақат зикр қилаётган одамга саодат келтиради, киртан эса, уни эшитган ҳар бир одамга саодат келтиради.

"Падма пурана"да шундай гаплар бор: “Худонинг муқаддас номини паст ёки баланд овозда тилига олган одамга шу заҳотиёқ озодликка чиқиш ёки ҳатто жаннатий лаззатларга кенг йўл очилади”.

## Ўз ихтиёрини Худога топшириш.

"Сканда-пурана"да ўз ихтиёрини Парвардигорга топшириш ҳақида айтилган гаплар бор. Унда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилишга жиддий эътибор бериб юрган одам, ўз ихтиёрини Парвардигор Кришнага бутунлай топшириб, Унга бўйсунганини уч йўл билан намоён этиши мумкин: 1. *Сампрартханатмика* - жуда самимий, чин юракдан Унга илтижо қилиш; 2. *Даинйаводхика* - итоаткорлик билан Унинг амрига бўйсунуш; 3. *Лаласамайи* - руҳий камолотнинг бирор поғонасига эришишни исташ. Руҳий камолотнинг бирор поғонасига кўтарилишга интилиш ҳиссий лаззатланиш истаги эмас. Ўзининг Худонинг Олий Шахси билан ўзаро азалий, табиий муносабатлари доирасидаги бирор фаолият ёрдамида одам ўзининг азалий, мангу ҳолатини англаб етади, унда ўз-ўзидан ана шу ҳолатга қайтиб, яна Кришнанинг дўсти, хизматкори, отаси, онаси ёки севгилиси бўлиш истаги юзага келади. Мана шу *лаласамайи* - “ўзининг азалий, табиий ҳолатига қайтишга қаттиқ интилиш истаги” деб аталади. *Лаласамайи* поғонасидан кейин мукамал озодлик поғонаси келади, мана шу озодлик *сварупа-сиддхи* деб аталади. *Сварупа-сиддхи* поғонасида тирик мавжудот руҳий камолот чўққисига кўтарилиб, Худонинг Олий Шахси билан ўзининг ўзаро мангу муносабатларини англаб етади. "Падма пурана"да *сампрартханатмика* ҳолатидаги содиқнинг руҳий ҳолати ва илтижоси таърифланган: “Эй азиз Худойим, менга маълумки, ёш қизлар ёш йигитларга интиладилар, йигитлар эса табиий равишда қизларга интиладилар. Сенинг нилуфар кадамларинг пойида туриб, Сендан шуни илтижо қиламанки, менинг ақлим ҳам ҳамиша табиий равишда фақат Сенга интиладиган бўлсин!” Жуда аниқ мисол келтирилган. Ёш йигит ёки қиз бири-бирини кўрган заҳоти табиий равишда бир-бири билан қизиқа бошлайдилар. Уларни ҳатто бири-бири билан қандай танишиш кераклигига ўргатишнинг ҳам ҳожати йўқ - уларнинг бири-бирига интилиши ўз-ўзидан, жинсий хусусиятлар таъсири остида, табиий ҳолда рўй беради. Бу албатта дунёвий мисол, лекин бу ерда содиқ Парвардигордан қалбида Унга нисбатан ана шундай табиий, ўз-ўзидан бўладиган, ҳар қандай манфаат

кўзлашдан пок, ҳеч нарса билан асосланмаган соф боғланиш уйғонишини илтижо қиляпти. Парвардигорга ана шундай табиий боғланиш ўзликни англашнинг мукамал поғонаси ҳисобланади.

"Падма пурана"да мискин, итоаткор ҳолатда содиқнинг ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топшириши ҳам таърифланган: "Эй азиз Худойим, барча гуноҳкорлар ичида мендан ҳам гуноҳкорроқ одам йўқ. Сенга ширк келтирадиган одамлар орасида мендан пасткашроғи йўқ. Мен гуноҳи азимларга шунчалик ботиб кетганманки, Сенга нисбатан шунча ҳақоратлар қилганманки, гуноҳларимни айтиб тавба қилиш учун Сенинг олдинга келганимда мени виждон азоби қийнайди, ҳатто Сенга қарашга ҳам юзим чидамайди". Содиқ хизматкор учун мана шундай ҳолат табиий ҳолат ҳисобланади. Бу дунёда шартланган руҳ аввалги ҳаётларида қандайдир гуноҳ ишлар қилгани шубҳасиз, бунинг ажабланарли жойи йўқ, буни тан олиб Парвардигор олдида тавба қилиш керак. Лекин бу, Парвардигорнинг бесабаб марҳаматини суистеъмол қилиб, яна шундай гуноҳларга берилиш мумкин, Парвардигор бизнинг гуноҳларимизни такрор ва такрор кечираверади, деб ўйламаслик керак. Фақат уятсиз, ор-номуссиз, сурбет одамларгина шундай ўйлаши мумкин. Бу ерда аниқ айтилган: "Виждон азоби қийнайди, юзим чидамайди". Ўзининг қилган гуноҳларидан уялмай, Парвардигор кечираверади, деган ниятда яна гуноҳ қилишда давом этаверадиган одамдан ҳам аҳмоқроқ, пасткашроқ одам бўлмаса керак. Ведалар адабиётининг бирор жойида бундай ўйлашни тасдиқлайдиган гапларни топа олмайсиз. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан одам ўзининг аввалги қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади - бу аниқ ҳақиқат, лекин, бу энди гуноҳлардан покландим деб, яна покланиш мумкинлигидан умидвор бўлиб гуноҳ қилишда давом этавериш мумкин, дегани эмас. Бундай аҳмоқона ўй-фикрлар Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига мутлақо тўғри келмайди. "Бутун ҳафта давомида гуноҳ ишлар қилиб юраман, кейин бир кун эҳром ёки черковга бориб гуноҳларимдан покланиш учун тавба-тазарру қиламан. Кейин яна бир ҳафта гуноҳ қилавераман", - деб ўйлайдиган одамлар бор. Бундай ўйлар ғирт аҳмоқликдир, улар Парвардигорга, Худога садоқат билан хизмат қилишга нисбатан ҳақоратлаш ҳисобланади ва "Бхакти-расамрита-синдху" асарининг муаллифи бундай фикрларни мутлақо қоралайди.

Рухий камолотга эришиш ниятида ўз ихтиёрини Худога топшириш ҳақида "Нарада-панчаратра"да айтилган: "Эй азиз Худойим, қачон Сен мендан елпиғич билан Сени елпишимни илтимос қиладиган, кейин менинг хизматимдан мамнун бўлиб: "Мени мана бундай қилиб елпи!" - деб айтадиган кун келар экан?" Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, содиқ хизматкор Худонинг Олий Шахсининг илоҳий танасини

елпиғич билан шахсан ўзи елпишни, яъни Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари даврасига киришни ва У билан бевосита мулоқотда бўлишни истайди. Албатта, ҳар қандай содиқ хизматкор, Парвардигор билан ўзаро қандай муносабатда бўлишдан қатъий назар - хизматқорми, дўстми, севгилисими - барибир, Парвардигорнинг шахсан Ўзи билан бевосита мулоқотда бўлади. Аммо, ўзининг шахсий қобилиятларига, кайфиятига қараб, содиқ хизматкор Парвардигор билан ўзаро муносабатларнинг бирор маълум турига интилади. Бу ерда содиқ хизматкор Парвардигорнинг шахсий хизматқори бўлишга, Парвардигорни худди Унинг ички қуввати, равнақ фариштаси Лакшмидай шахсан ўзи елпишни истаяпти. У яна Парвардигорнинг Ўзи унга қандай елпиш кераклиги ҳақида кўрсатма беришини истаяпти. Ўз ихтиёрини Худога ана шундай илоҳий истак билан топшириш, *лаласамайи виджняпти* - руҳий англашнинг олий поғонаси ҳисобланади.

Ана шу "Нарада-панчаратра"да Худога ўз ихтиёрини топширишнинг бошқа кўриниши ҳам таърифланган. Унда содиқ хизматкор шундай дейди: "Эй азиз Худойим, эй нилуфар кўзли Зот, мен Ямуна дарёси қирғоғига келиб ақлдан озиб қоладиган, худди телбалардай кўзларимдан тинмай ёшлар оқизиб, Сенинг муқаддас номингни зикр қилиб юрадиган кунлар келармикан?" Бу - руҳий камолотнинг бошқа поғонаси. Парвардигор Чайтанья ҳам "Эй азиз Худойим, Мен Сени кўра олмаётганим сабабли ҳар бир лаҳза ўн икки йилдай, худди бутун олам бўм-бўшдай бўлиб кўринишини истайман!" - деган эди. Содиқ хизматкор самимий, чин юракдан илтижо қилиши ва Парвардигор учун қилаётган ҳар бир ишини ҳавас билан, чуқур иштиёқ, ихлос билан қувониб бажариши лозим. Барча буюк ачарйалар, айникса Парвардигор Чайтанья бизни мана шунга ўргатган.

Бошқача қилиб айтганда, содиқ Парвардигорга илтижо қилар экан йиғлашга, кўзларидан тинмай ёш тўкишга ўрганиши лозим. Содиқ албатта бунга ўрганиши, кўзларига ёш келадиган даражада самимий, чин юракдан Парвардигор учун хизмат қилишнинг бирор тури билан шуғулланишни исташи керак. Мана шу *лаулиям* деб аталади, бу йўлда тўкилган кўз ёшлар эса - камолотга эришиш учун бизнинг тўлаган бадалимиз бўлади. Қалбида *лаулиям* - Парвардигор билан учрашиш ва бирор хизмат қилишнинг қатъий истагини уйғотиш билан инсон Худонинг даргоҳига кириш ҳақини тўлаган бўлади. Худонинг даргоҳига киришнинг қадрини, ҳақини моддий нарсалар, моддий ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайди. Худонинг даргоҳига кириш учун тўланадиган ягона тўлов - *лаулиям лаласамайи*, чанқоқлик, интизорлик билан қаттиқ интилиш ва ўзгармас, самимий истакдир.

**Машҳур илтижоларни такрорлаш.**

Буюк билимдон олимларнинг фикрига кўра, ишонарли устозлар маъқуллаган жуда кўп илтижолар "Бхагавад-гита"да, айниқса унинг ўн биринчи бобида бор. Унда Аржун Парвардигорнинг фазовий кифасига мурожаат қилган. "Гаутамийа-тантра"даги барча шеърлар илтижо ҳисобланади. Парвардигорга мурожаат қилинган юзлаб илтижолар "Шримад Бхагаватам"да келтирилган. Содиқ ана шундай бир неча илтижоларни танлаб олиши ва уларни такрорлаб юриши лозим. "Сканда-пурана"да мана шундай мантраларнинг мўъжизавий таъсири ҳақида айтилган: "Тилларини ҳамиша Парвардигор Кришнага аталган илтижолар беаб турадиган содиқларни ҳатто буюк авлиёлар ва донишмандлар ҳам чуқур ҳурмат қиладилар. Ҳақиқатан ҳам ана шундай содиқлар олдида ҳатто фаришталар ҳам бош эгадилар".

Етарли фаросатга эга бўлмаган одамлар Кришнага сажда қилиш ўрнига, моддий истакларни кўзлаб, ҳар хил фаришталарга сиғинадилар. Лекин бу ерда, ҳамиша Парвардигорга илтижо қилиб юрадиган содиқ олдида ҳатто фаришталар ҳам сажда қиладилар, дейилган. Худонинг соф содиқлари фаришталардан ҳеч нарса сўрамайдилар, аксинча, фаришталарнинг ўзлари Худонинг соф содиқларига илтижо қилиш истаги билан ёнадилар.

"Нрисимха-пурана"да шундай дейилган: "Парвардигор Кришнанинг муртиси олдида келиб илтижо қила бошлаган ҳар қандай одам шу заҳотиёк барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади ва ҳеч ким раҳна сололмайдиган Ваикунтхалокага кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлади".

## Прасад қабул қилиш.

"Падма пурана"да шундай дейилган: "Прасадни чуқур ҳурмат қиладиган ва мунтазам ундан тотиб юрадиган(фақат Илоҳларнинг олдида эмас), шунингдек чаранамрита(Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига таклиф этилган, туласи уруғлари аралашган сув)дан ичиб юрадиган одам, ўн минг марта қурбонлик маросими ўтказишдан олинадиган саодатга эришади".

## Чаранамрита ҳақида.

Чаранамритани эрталаб Илоҳларни ювинтириш пайтида, Уларни кийинтиришдан олдин оладилар. Гул ва мушк анбарлар билан аралашган, Илоҳнинг оёқларидан оқаётган сувдан олиб, қатиқ билан аралаштирадилар. Шу тариқа, буюк руҳий қудратга эга бўлган *чаранамрита* энди ширин ва анвойи хидга ҳам эга бўлади. "Падма пурана"да шундай дейилган: "Агар ҳеч қачон бировларга садака беролмаган, қурбонлик маросими ўтказа олмаган, Ведаларни, бошқа муқаддас китобларни ўргана олмаган, Парвардигорга сажда қилмаган - бошқача қилиб айтганда, умрида бирор марта савоб иш қилмаган киши эҳромда сақланадиган ча-

ранамритадан ичса, ҳатто шундай одам ҳам Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Эҳромларда чаранамрита катта кўзада сақланади. Илоҳларга сажда қилиш учун келган содиқлар уч томчи чаранамрита ичиб, бундан чуқур илоҳий лаззат оладилар.

## Мушк анбарларни хидлаш.

"Хари-бхакти-судходайа"да эҳромда таклиф қилинадиган мушк-анбарлар ҳақида шундай дейилган: "Худди илон чакқан одам унинг захри таъсиридан доривор гиёҳларни хидлаб даволангани сингари, Илоҳларга таклиф этилган мушк-анбарларни хидлаб, содиқлар моддий иллатлар захридан даволанадилар". Бу шеърнинг мазмуни куйидагича: қалин ўрмонларда доривор ўсимликлар бор, тажрибали одамлар, илон чакқан одамни хушига келтириш учун улардан қандай фойдаланишни биладилар. Илон чакқан одам ўзига келиши учун шу гиёҳни хидласа бас. Бу ерда мана шу мисол жуда ўринли қўлланган: эҳромга келиб, Илоҳларга таклиф этилган мушк-анбарлар ҳидини хидлаган заҳоти одам моддий иллатлардан покланади.

Ҳар бир содиқ эҳромга келиб, Илоҳларга албатта нимадир таклиф қилиши лозим - бирор мева, гул, мушк-анбар ва ҳоказо. Агар содиқнинг эҳромга бироз пул эҳсон қилиш имконияти бўлмаса, у Илоҳларга бошқа бирор нарса таклиф қилиши лозим. Ҳиндистонда бу одатга ҳамма қатъий амал қиладилар: эрталаб эҳромга келадиган эркак ва аёлларнинг ҳаммаси албатта бирор нарса олиб келадилар. Бу ҳеч бўлмаса, бир қисм ун ёки гуруч бўлиши мумкин. Бу - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонунларидан бири ҳисобланади: авлиё одамнинг олдида ёки эҳромга ҳеч ким бирор совғасиз келмаслиги керак. Совғалар жуда кичкина ҳам бўлиши, катта, жуда қимматбаҳо бўлиши ҳам мумкин. Албатта бирор нарса таклиф қилиш керак: гул, мева, сув - одам ўзининг имконига қараб турли нарсалар таклиф қилиши мумкин. Эрталаб Илоҳга бирор нарса таклиф қилиш учун келар экан, содиқ албатта мушк анбарлар ҳидини хидлайди, айна пайтда моддий ҳаёт иллатлари захридан покланади.

Тантра-шастрада шундай дейилган: "Илоҳларга таклиф этилган гулчамбарнинг хиди бурнига кирган заҳоти одамнинг барча гуноҳ ишлари оқибатининг занжири елкасидан тушиб кетади. Агар одам бегуноҳ бўлса, Илоҳларга таклиф этилган гуллар хидидан шу заҳотиёк майавадидан Худонинг содиқ хизматкорига айланади". Бунга бир неча мисоллар бор, уларнинг энг ўринлиси - тўрт Кумарнинг камолотга эришгани. Улар имперсоналист-майавадилар эди, аммо Парвардигор Кришнанинг нилуфар кадамлари пойига таклиф этилган гуллар ҳидини хидлаб, Худонинг соф содиқ хизматкорлари бўлдилар. Бу шеърдан маълум бўладики, майавади, имперсоналистлар

ҳали гуноҳларидан покланмаган, нопок одамлар ҳисобланади.

"Шримад Бхагаватам" ҳам буни тасдиқлайди: "Токи одам гуноҳлари оқибатидан покланмагунча Худонинг содиқ хизматкори бўлолмайди. Худонинг соф содигининг қалбида Парвардигорнинг олий ҳукмдор эканига ҳеч қандай шубҳа қолмаган, шунинг учун у ҳамиша Кришна онгида юради ва Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлади". Бу фикр "Агастья-самхита"да ҳам тасдиқланади: "Содиқ бурнини моддий иллатлардан поклаш учун эҳромда Парвардигор Кришнага таклиф этилган гулларни ҳидлаши лозим".

## Илоҳларга қўл теккизиш.

"Вишну-дхармоттара"да Парвардигорнинг ни-луфар қадамлари пойига қўл теккизиш ҳақида ай-тилган. Унда шундай дейилган: "Фақат *вайшнава* сифатида фотиҳа олган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам Илоҳнинг танасига қўл теккизиши мумкин". Ҳиндистонда ведавий урф-одатларга кўра қуйи табақадаги одамларга, маса-лан, фаррошлар, чандалларнинг эҳромга киришига рухсат берилмайди. Гандининг сиёсий фаолияти даврида кўпчилик одамлар бундай қонунга қарши чиқдилар. Бу урф-одат шунга асосланганки, одат-да фаррошлар ва чандаллар ўзларини ҳамиша но-пок тутадилар, шу боис уларнинг эҳромга кириб, муқаддас жойни ифлослашига йўл қўйилмайди. Айни пайтда уларга бошқа имконият берилган: Улар Худонинг соф содиқлари билан ҳамсухбат бўлиб Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг юқори поғонасига кўтарилиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш имконияти келиб чиқишидан қатъий назар ҳаммага баробар берил-ган, лекин инсон аввало покланиши лозим. У мана шу покланиш усулидан фойдаланиб қолиши ло-зим. Ганди уларни ўзи ўйлаб топган ном билан, *харижан* деб атаб, пок одамлар даражасига кўтармоқчи бўлди. Бу ҳол эса, эҳромда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрганлар билан Ган-дининг шундай издошлари орасида катта-катта қонли тўқнашувларга сабаб бўлди.

Ҳар ҳолда, бу ерда айтиладиган қонун - барча муқаддас китобларда тасдиқланган қонундир, унда айтилганки, ҳар бир одам эҳромга фақат поклан-гандан кейин кириши мумкин. Ҳақиқат илми мана шундай. Дуч келган одамнинг эҳромга кириши ва Илоҳларга қўл теккизиши мумкин эмас. Фақат фотиҳа олган ва Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб юрган одамгина Илоҳларга қўл теккизиши мумкин. Барча қонун-қоидаларга амал қилиб юр-ган одам Илоҳларнинг танасига қўл теккизган заҳоти барча гуноҳлари оқибатидан покланади ва унинг қалбидаги барча орзу-истаклари шу заҳотиёқ амалга ошади.

**Илоҳларнинг жамолини томоша қилиш.**

Шри Кришнанинг муртисини томоша қилиш "Вараха-пурана"да олқишланади. Унда содиқ хиз-маткор шундай дейди: "Азизим Васундхара, Вриндаванга келиб Говиндадевининг муртисини томоша қилган одам Йамараджанинг ҳукми остига тушмайди. Ундай одам олий сайёралар тизими-га, фаришталар яшайдиган даргоҳга кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлади". Демак, ҳатто Вриндаванга келган, Кришнанинг эҳромларидан бирига, айниқса Говиндадевининг эҳромига кирган оддий қизиқувчан одам ҳам, руҳий оламга кўтарилмаса ҳам, олий сайёралар тизими-га, жаннатга тушади. Яъни, умр бўйи савоб ишлар қилишдан қутилган энг юқсак натижага - жаннатга эришиш учун Вриндаванга бориб Говинданинг Илоҳини бир марта томоша қилишнинг ўзи кифоя.

## Арати ўтказиш ва Парвардигорнинг байрамларида қатнашиш.

Парвардигорнинг муртисига сиғиниш мароси-ми - *арати* жараёнини томоша қилишнинг шаро-фати ҳақида "Сканда-пурана"да ёзилган: "Арати пайтида Парвардигорнинг жамолига қараб турган киши минг, миллион йиллар давомида тўпланиб келаётган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Унинг ҳатто браҳманни ўлдириш гуноҳи ва бошқа оғирроқ гуноҳлари ҳам кечирилади".

Аввал тушунтирганимиздай, содиқ ҳар хил байрамларни ўтказиши лозим: Кришнанинг келган куни, Парвардигор Рамачандранинг келган куни, буюк вайшнавларнинг келган кунлари, Жхулана-йатра(Парвардигор арғумчоқда ўтирадиган бай-рам), Дола-ятра(Парвардигорнинг кароматлари шарафига мартда ўтказиладиган байрам) ва ҳоказо. Мана шу байрамлар пайтида Илоҳларни аравага ўтқазиб, шаҳар кўчаларидан олиб ўтадилар. Шунда оддий одамлар ҳам Парварди-горнинг жамолини кўриш имкониятига эга бўладилар. "Бхавишья-пурана"да шундай дейил-ган: "Ана шундай байрамларда аравада ўтирган Парвардигорга шунчаки кўз кирини ташлаган *чан-дал* одам ҳам Парвардигор Вишнунинг яқин ҳамроҳлари даврасига кира олади".

"Агни-пурана"да шундай дейилган: "Эҳромда Парвардигорга сиғиниш маросими-га қувонч билан қараб турган ҳар қандай одам "Панчаратра"да ёзилган *крия-йога* билан шуғулланишдан эриши-ладиган натижага эришади". Крия-йога - қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат би-лан хизмат қилишга ўхшаб кетадиган йога усули-дир, лекин у сеҳргар-йоглар учун мўлжалланган. Бошқача қилиб айтганда, крия-йога усули ёрда-мида сеҳргар-йоглар аста-секин Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтариладилар.

Ўнинчи боб.

Тинглаш ва эслаш санъати

## Тинглаш.

Кришнани англаш жараёни ва Худога садоқат билан хизмат қилиш санскрит тилида *шраванам* деб аталадиган тинглаш жараёнидан бошланади. Ҳар бир одам ҳам Худонинг содиқлари даврасига келиш ва уларнинг гапларини тинглаш имкониятига эга бўлиши керак. Тинглаш - Кришнани англаш учун энг зарур бўлган биринчи шарт ҳисобланади. Худонинг содиқлари оғзидан чиқаётган илоҳий товушларга кулоқ тутиш, тинглаш шарофати билан одам тез вақт ичида қалбини поклай олади. Тинглашнинг қанчалик муҳим эканини Парвардигор Чайтанья ҳам бир неча бор таъкидлаган. Тинглаш одамнинг моддий иллатларга булганган қалбини поклаб, унга Худога садоқат билан хизмат қилишга ва Кришна онгининг маъносини тушунишга имкон беради.

Тинглаш жараёнининг муҳимлиги "Гаруда-пурана"да ажойиб таърифланган. Унда шундай дейилган: "Моддий оламда тирикчилик қилаётган шартланган руҳнинг ҳолати илон чақиб ҳушидан кетган одамнинг ҳолатига ўхшайди - бу икки ҳолатдан ҳам одамни фақат мантраларнинг илоҳий товушлари ёрдамида чиқариб олиш мумкин". Илон чакқан одам бирданга ўлиб қолмайди, аввалига у ҳушидан кетиб, беҳуш бўлиб қолади. Моддий оламдаги тирик мавжудотлар ҳам ўзларининг ким эканини, ҳаётдаги асосий вазифаси нимадан иборат эканини ва Парвардигор билан ўзаро муносабатлари қандай эканини билмасдан, ғафлат уйқусида юрибдилар. Шундай экан дунёвий ҳаёт - майя, алданиш илони чакқан одамнинг беҳуш ётишига ўхшаган ҳаётдир. Кришна онгини бутунлай йўқотган, иймонсиз, Парвардигор ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одам аслида ўлик одамдир. Аммо, илон чақиб, ўликка ўхшаб беҳуш бўлиб ётган одамнинг қулоғига махсус мантраларни ўқиш билан ҳаётга қайтариш мумкин. Мантраларни чиройли қироат билан ўқиб, илон чакқан одамнинг ҳушини жойига келтира оладиган одамлар бор. Дунёвий ҳаёт ботқоғига ботиб қолган, руҳий жиҳатдан ўлик одамларни ҳам Худони англай оладиган ҳолатга худди шундай йўл билан келтириш мумкин. Бунинг учун улар маха-мантранинг илоҳий товушларини тинглаши лозим: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашнинг қанчалик муҳимлиги "Шримад Бхагаватам"нинг тўртинчи кўшиғида айтилган(29.40). Бу ерда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга мурожаат қилиб шундай дейди: "Эй азиз шоҳ, инсон буюк ачарйаларнинг Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида ҳикояларни гапириб бераётган жойига интилиши лозим. У ерда шу буюк зотларнинг ойдай сиймоларидан таралаётган шарбат дарёсига кулоқ тутиш керак. Ана шу илоҳий товушларни тинглашга зўр

иштиёқ билан интилаётган одам албатта дунёвий очлик ва чанқоқликнинг, кўрқув ва норозиликларнинг намоён бўлган ҳар хил моддий кўринишларидан ҳам, дунёвий ҳаёт алдовидан ҳам халос бўлади".

Тинглаш усулини ҳозирги Кали-югада ўзликнинг англашнинг ягона усули сифатида Шри Чайтанья Махапрабху ҳам тавсия қилган. Ҳозирги даврда, аввалги югалардаги сингари, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонунқоидаларига амал қилиб юриш, Ведаларни ўрганиш жуда қийин. Аммо одам буюк содиқлар ва ачарйаларнинг гапларига мунтазам кулоқ солиб юрса, унинг қалби барча моддий иллатлардан бутунлай покланиши учун шунинг ўзи кифоя. Шунинг учун Чайтанья Махапрабху ҳар бир одамга ишонарли ачарйаларни - Худонинг ҳақиқий содиқларининг гапларини тинглаб юришни маслаҳат берган. Тирикчилик қилиш, пул топиш учун муқаддас китобларни тиловат қилиб юрган одамларнинг гапларини тинглаш одамга ҳеч қандай руҳий фойда бермайди. Агар биз ҳақиқатан ҳам руҳий ўзлигини англаб етган одамларни тингласак, қулоғимизга худди Ойдан таралаётгандай илоҳий сўзларнинг лаззатли товуши киради.

"Бхагавад-гита"да айтилганидай, "ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга одам ўзининг дунёвий истак ва орзуларидан фақат Худони, Кришнани англаш ёрдамида халос бўлиши мумкин". Токи бирор буюкрок, яхшироқ эрмак топмай туриб, ҳеч ким ўзининг ҳозирги паст даражадаги эрмакларини тарк эта олмайди. Моддий оламда ҳамма пастки қувватнинг алдамчи фаолияти билан шуғулланишга берилиб кетган, аммо олий қувватнинг Кришна билан боғлиқ илоҳий фаолияти билан шуғулланиш келтирадиган лаззатни тотиб кўрган одам барча паст даражадаги лаззатларни осонлик билан эсдан чиқариб юборади. Курукшетра жанг майдонида Кришна гапираётганида дунёвий одам Уни шунчаки дўсти билан суҳбатлашяпти деб ўйлаши мумкин, лекин аслида Шри Кришнанинг оғзидан илоҳий лаззатли шарбат дарёси оқяпти. Мана шу товушларга кулоқ солиб, Аржун ҳаётдаги барча моддий ташвиш ва муаммолардан халос бўлди.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн иккинчи кўшиғида(3.15) шундай дейилган: "Илоҳий товушларда шарафлаб куйланадиган Парвардигор Кришнага соф садоқат билан хизмат қилишга интилаётган одам ҳамиша Унинг улуғворлиги ва илоҳий сифатлари шарафлаб куйланадиган ҳикояларни тинглаб юриши лозим. Бу унинг қалбидаги барча нуқсонларни албатта бартараф этади".

## Парвардигорнинг марҳаматини кутиш.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(14.8) шундай дейилган: "Эй азиз Худойим, Сенинг марҳамат кўрсатишингни ҳамиша

интизор бўлиб кутиб юрадиган, ўзининг аввалги гуноҳлари оқибатидан изтироб чекишда давом этиб, қалбининг тўрида ҳамиша Сенга сажда қилиб юрган одам шубҳасиз, ҳақли равишда руҳий озодликка чиқишга муносиб одам бўлади”.

"Шримад Бхагаватам"дан келтирилган мана шу гаплар ҳар бир содиқ учун бу ҳаётда яшаш қонуни бўлиши лозим. Аввалги ҳаётларимизда қилган шунча гуноҳларимиз оқибатидан бирданига халос бўлишни кутмаслик керак. Ҳеч бир шартланган руҳ ўзининг аввалги қилган ишлари учун жавоб бермай қолмайди, чунки моддий оламдаги дунёвий ҳаётнинг мазмуни тирик мавжудотнинг аввалги қилган ишлари оқибатида лаззатланиш ёки қийналишдан иборат. Ўзининг дунёвий, моддий фаолиятини бутунлай тарк этган одамгина бошқа бу оламда туғилмайди. Бунга эса фақат Кришна онгида, фақат Худонинг хоҳиши билан, фақат Кришна учун фаолият кўрсатиб яшаш шарофати билан эришиш мумкин, чунки фақат шундай фаолиятгина одамга ҳеч қандай оқибат олиб келмайди. Шунинг учун Кришна онгида фаолият кўрсатишда камолотга эришган одам бу дунёда бошқа туғилмайди. Ўзининг аввалги ишлари оқибатидан ҳали тўла озод бўлмаган содиқ эса, жиддий эътибор билан, бу йўлда дуч келадиган ҳар хил қийинчиликларга, тўсиқларга аҳамият бермасдан Кришна онгида, Худонинг хоҳиши билан фаолият кўрсатишда давом этиши лозим. Бу йўлда қандай қийинчилик, тўсиқ учраса ҳам, дарров Кришна ҳақида ўйлаш, Унинг марҳаматидан умидвор бўлиб, сабр-қаноат билан хизмат қилишда давом этавериш керак. Мана шу бизнинг қалбимизга мустаҳкам хотиржамлик олиб келадиган ягона йўлдир. Ҳамиша мана шундай ҳолатда юрадиган одам албатта Худонинг даргоҳига эришади. Ҳамиша шундай кайфиятда, шундай ўйлар билан юриш бизнинг олдимизда Худонинг даргоҳига олиб борадиган дарвозаларни очиб кўяди. Юқорида келтирилган шеърда ишлатилган *дайя-бхак* ибораси, ўғлининг отаси қолдириб кетган мол-мулкка меросхўр бўлиб, ундан фойдалана бошлашини билдиради. Худди шундай, Кришна онгида ўзининг вазифаларини бажариш учун ҳаётда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб юрган Худонинг соф содиқ хизматкори ҳам қонуний равишда Худонинг илоҳий даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

## Эслаб юриш.

Одам қандайдир йўллар билан ақлини Кришна билан бўлган муносабатда узлуксиз боғлашга эришган бўлса, мана шу муносабатлар “эслаб юриш” деб аталади. Эслаб юриш ҳақида "Вишну-пурана"да жуда яхши гаплар айtilган: “Агар тирик мавжудотлар шунчаки Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаб юрсалар, уларга ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар бир ишда омад кулиб боқиши учун биргина шунинг ўзи кифоя. Туғилмаган ва

мангу Парвардигор ҳақидаги ўйлар ҳамиша менинг қалбимда юрсин!” "Падма пурана"да эслаб юриш ҳақида шундай дейилган: "Мен Парвардигор Кришна олдида сажда қиламан, чунки, ажали етгандами, бутун умри давомидами - Уни эслаган одам аввалги барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади”.

## Муроқаба.

Муроқаба - ақли Парвардигорнинг жамоли, қиёфалари, сифатлари, кароматлари ва Унга садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги ўйлар билан банд қилишдир. Муроқаба қилиш бирор бўшлиқ ёки шахсиятсиз зотни ўйлаш эмас. Барча ведавий муқаддас китобларда айtilганки, мууроқаба қиладиган ягона нарса - Парвардигор Вишнунинг қиёфаси бўлиши керак.

"Нрисимха-пурана"да Парвардигорнинг қиёфасини мууроқаба қилиш ҳақида шундай дейилган: "Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини мууроқаба қилиш моддий лаззат ва қийинчиликларга тўла дунёвий ҳаётга нисбатан илоҳий табиатга эга. Ана шундай мууроқаба ёрдамида ҳатто энг пасткаш ярамас ҳам ўзининг гуноҳлари оқибатидан халос бўла олади”.

"Вишну-дхарма"да Парвардигорнинг илоҳий сифатларини мууроқаба қилиш ҳақида шундай дейилган: "Ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб юрадиган ва Парвардигорнинг илоҳий сифатларини эслаб юрадиган одамлар барча гуноҳлари оқибатидан халос бўладилар ва шу тарика покланиб, Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўладилар”. Бошқача қилиб айтганда, барча гуноҳлари оқибатидан биратўла, бутунлай покланмай туриб, ҳеч ким Худонинг даргоҳига кира олмайди. Барча гуноҳлар оқибатидан эса, ҳамиша Парвардигорнинг қиёфаси, сифатлари, эрмаклари ва Парвардигор билан боғлиқ нарсалар ҳақида ўйлаб юриш шарофати билан покланиш мумкин.

Парвардигорнинг кароматларини эслаб юриш ҳақида "Падма пурана"да шундай дейилган: "Парвардигорнинг ширин эрмаклари ва ғаройиб кароматлари ҳақида ҳамиша эслаб юрган одам шубҳасиз барча моддий иллатлардан покланади”.

Баъзи Пураналарда айtilганки, ҳатто Худога садоқат билан хизмат қилишдаги фаолиятни ўйлаб юриш ҳам биз кутаётган натижани бериши ва Худонинг Олий Шахсининг жамолини бевосита кўриш имконини бериши мумкин. "Брахма-ваиварта-пурана"да Жанубий Ҳиндистондаги Пра-тиштханапуралик бир браҳман тарихи келтирилади. Бу браҳман бой бўлмаса ҳам, ўзининг ҳаётидан тўла мамнун яшарди. У ўзининг қашшоқлиги ва ҳаётдаги дуч келадиган қийинчиликларни аввалги қилган гуноҳ ишлари оқибати ва Кришнанинг, Худонинг хоҳиши деб билгани учун, ҳаётдан ҳеч қачон нолимасдан, хотиржам, осойишта ҳаёт кечирарди. У пок виждонли одам бўлиб, мунтазам



равишда руҳий ўзлигини англаган буюк содиқларнинг суҳбатларида қатнашиб юрарди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида у содиқларнинг айтган гапларига диққат билан кулоқ солиб ўтирарди, бу ерда гап вайшнавларнинг вазифалари ҳақида борарди: “Вайшнав агар Кришнага амалда хизмат қилишга қодир бўлмаса, хаёлида ҳам хизмат қилиши мумкин, натижа барибир бир хил бўлади”. Бундай гапларни брахман чуқур ишонч билан эшитди. У бой бўлмагани учун, Худога қалбида, муроқаба йўли билан садоқат билан хизмат қилишни ният қилди ва уйига келган заҳоти бу ишга киришиб кетди.

Баъзан у Годавари дарёсида ювиниб покланар, кейин қирғоқда хилват жойда ўтириб, йогларнинг *пранайама* машқини бажариб, ақлини бир жойга мужассам қилиб ўтирарди. Бундай нафас олиш машқлари механик равишда ақли бирор нарсада мужассам қилишга ўргатиш учун мўлжалланган. Йогларнинг ҳар хил ҳолатда ўтириш ва нафас олиш машқларининг натижаси шундан иборат. Авваллари ҳатто оддий одамлар ҳам ақлини Парвардигор ҳақидаги ўйларда мужассам қилиш йўллари биларди. Бу брахман ҳам шу ишга кириша бошлади. Ақли Парвардигорнинг киёфасида мужассам бўлгандан кейин, брахман муроқаба қилиб кўз олдига Худога садоқат билан хизмат қилишни келтира бошлади. У Парвардигорга чиройли либослар кийинтирди, олтин тақинчоқ-безаклар тақди. Кейин у Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бир неча бор сажда қилди. Парвардигорни кийинтириб бўлиб, Унинг эҳромини яхшилаб тозалай бошлади. Буларнинг ҳаммасини у хаёлида бажарар эди. Эҳромни тозалаб бўлгандан кейин у сув солинадиган ҳар хил олтин кўзаларни кўз олдига келтирди, улардан бирини олиб, дарёга йўл олди. Дарёнинг муқаддас сувидан тўлдирди. У кўзага сувни фақат бир дарёдан эмас, балки Ганга, Йамуна, Нармада ва Кавери сингари барча муқаддас дарёлардан олди. Вайшнав одатда Илоҳга сиғинар экан, мантралар ёрдамида мана шу дарёларнинг ҳаммасидан сув олади. Бу брахман эса, мантра айтиш ўрнига хаёлида барча кўзаларни мана шу дарёлардан олинган сувлар билан тўлдирди. Кейин у хаёлида одатда вайшнавлар Парвардигорга сиғиниш учун ишлатадиган нарсаларни тўплади: гуллар, мевалар, мушк-анбар, сандал пастаси. Буларнинг ҳаммасини у Илоҳнинг олдида чиройли қилиб тегиб қўйди. Кейин у Илоҳларнинг мамнун қилиш учун бу нарсаларнинг ҳаммасини бирма бир уларга таклиф қилди. Шундан кейин у *арати* ўтказди ва барча қонун-қоидаларга амал қилиб сиғиниш жараёнини тамомлади.

Брахман ҳар куни бу ишларни ўзининг кундалик вазифаси сифатида мунтазам бажариб юрарди. У узоқ йиллар мана шундай яшади. Бир куни у муроқаба қилиб ўтириб, сутда қайнаган ширин гуруч пишириб, илоҳларга таклиф қилмоқчи бўлди. Гуручни қайнатиб, Илоҳга таклиф

қилишдан олдин, у ҳали овқат совиган совимаганини билиш керак эди. Ширин гуручни иссиқ ҳолда ейиш тавсия қилинмайди. У қанчалик совуқ бўлса шунча ширин бўлади. Брахман бармоғини гуручга суқиб, унинг совиган ёки совимаган эканини билмоқчи бўлди, аммо бармоғини идишга тиккан заҳоти, қўли пишиб чўчиб тушди. У муроқаба ҳолатидан чиқиб кетди. Ҳушига келиб қараса, ҳақиқатан ҳам қўли пишган экан, у хайрон бўлиб, бунга ўзи ҳам тушунолмамай ўйлай бошлади. У буларнинг ҳаммасини хаёлида қилгани учун, қандай қилиб ҳақиқатан ҳам қўли пишганини тушуна олмай ўтирарди.

У хайрон бўлиб, бош қотириб ўтирар экан, Вайкунтҳада Ўзининг даргоҳида равнақ фаришта-си Лакшми билан бирга ўтирган Парвардигор Нарайана бирдан кулиб юборади. Унинг кулгиси шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасини ҳайратга солди ва улар Парвардигордан бунинг сабабини сўрадилар. Парвардигор уларга ҳеч нарса демади ва дарров олдига брахманни келтиришни буюрди. Руҳий оламдан келган ҳаво кемаси брахман олдига келиб, бир зумда уни Парвардигорнинг ҳузурига элтди. Брахман келгандан кейин Парвардигор Лакшмига бўлиб ўтган воқеани гапириб берди ва брахманга шу ерда, Парвардигор ва Лакшми билан бирга Вайкунтҳада мангу қолишни буюрди. Бу шундан далолат берадики, гарчи Парвардигор ҳаммиша Вайкунтҳада бўлса ҳам, У айна пайтда ҳамма ерда мавжуд ва ҳамма нарсдан хабардор. Бир вақтнинг ўзида У ҳам Вайкунтҳада, ҳам брахманнинг қалбида эди ва унинг хаёлида қилаётган ишларини кузатиб турарди. Бу мисолдан шу нарса аён бўладики, Парвардигор ҳатто содиқнинг хаёлида таклиф қилган нарсасини ҳам қабул қилади. Ана шундай муроқаба қилиб юриш содиқнинг истаган наижасига эришишда ёрдам беради.

## Ўн биринчи боб.

Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилиш турлари.

### Хизмат қилиш.

Карми(хаётда фақат ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш ниятида фаолият кўрсатадиган одам)ларнинг фикрига кўра, хизмат қилиш - ўз фаолиятининг натижасини қурбон қилиш, инъом этишдан иборат. Лекин вайшнавларнинг ачарйаси Шрила Рупа Госвами хизмат қилиш деганда Парвардигорга бирор хизмат қилиш билан ҳаммиша машғул бўлиб юришни тушуниш керак деб айтади.

"Сканда-пурана"да айтилганки, ҳар хил маросимлар ўтказишга, ижтимоий ҳаётнинг тўрт турига ва руҳий ҳаётнинг тўрт турига боғланиб қолган одамларни ҳам Худонинг содиқлари деб

ҳисоблайдилар. Аммо, бевосита Парвардигорнинг Ўзига хизмат қилиб юрган содиқлар *бхагаваталар* - соф содиқлар деб аталадилар. Кармали фаолият билан шуғулланиб юрган, яъни ижтимоий ва рухий ҳаётнинг тўрт турида ўз бурчини бажариб юрган одамларни соф содиқлар деб атаб бўлмайди. Лекин, улар ўз фаолиятининг натижаларини Парвардигорга бағишлаганлари сабабли уларни ҳам Худонинг содиқлари тоифасига киритадилар. Қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай истак қолмаган, Худога фақат муҳаббат юзасидан хизмат қилиб юрган содиқнигина соф содиқ, *бхагавата* деб аташ мумкин.

Моддий оламга тушган барча шартланган руҳлар қайсидир даражада моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишни истайдилар. Варнашрама тизими ва шу тизим доирасидаги белгиланган вазифалар шартланган руҳларга бу моддий оламда ҳиссиётларининг талабини қондириб, лаззатланиш билан бир вақтнинг ўзида аста-секин рухий ҳаётда юксала бориш имконини беради. *Варнашрама* тизими доирасида белгиланган вазифалар ичида Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишга қирадиган ишлар кўп. Оилали грихастхалар қурбонлик маросими ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида Худога садоқат билан хизмат қилаётган бўлади, чунки унинг қилаётган иши ҳам Парвардигорни мамнун қилишга қаратилган. Оилали одамлар ведаларда кўрсатилган маросимларни Парвардигорни мамнун қилиш учун ўтказадилар. Аввал айтилганидай, Парвардигорни мамнун қилишга қаратилган ҳар қандай фаолият Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади.

Шрила Рупа Госвами Худога садоқат билан хизмат қилишга муносиб бўлган одамни таърифлаган. Ҳали Худога садоқат билан хизмат қилишда тажрибасиз одамнинг қалбида Парвардигорга нисбатан бироз муҳаббат уйғонганида, ундаги ҳиссиётининг талабларини қондиришга қаратилган фаолиятга бўлган қизиқиш унинг қалбидаги Худога бўлган муҳаббатига боғлиқ равишда камая боради. Токи одамнинг қалбида ҳиссий лаззат олиш учун қилинадиган фаолиятга озгина бўлса ҳам қизиқиш қолар экан, у бундай фаолиятларнинг натижаларини Кришнага бағишлашда давом этиши лозим. Шунда унинг бу ишлари ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш бўлади, бунда Кришна - хўжайин, фаолият кўрсатувчи эса - Унинг хизматкори бўлади.

"Нарадия-пурана"да ана шундай хизмат қилишнинг илоҳий табиатга эга экани айтилади. Унда айтилганки, танаси, ақли ва нутқи ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул одам озодликка чиққан одам ҳисобланади. Бунинг устига, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмаган, Худога хизмат қилишни истайдиган одамни ҳам озодликка чиққан одам деб ҳисоблаш керак.

## Парвардигорга дўстона муносабатда садоқат билан хизмат қилиш.

Парвардигорга дўстона муносабатда садоқат билан хизмат қилиш икки турли бўлади. Биринчи турда содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишга аниқ ишонган ҳолда Парвардигорнинг яқин дўсти сифатида ҳаракат қилса, иккинчи турда Парвардигорга яхшилик қилишни истайдиган содиқлар қиради. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнига қатъий ишонадиган содиқ, бир лаҳза ҳам иккиланмасдан, шу йўл билан илоҳий даражага кўтарилишдан умидвор бўлиб, барча қонунқоидаларга қатъий риоя қилади. Худога садоқат билан хизмат қилишда дўстликнинг иккинчи тури - Парвардигорга яхшилик қилувчи бўлиш. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, Худонинг илмини бошқаларга ўргатиб юрган содиқни У Ўзи учун энг азиз деб билади. Кришна учун "Бхагавад-гита"нинг нодир илмини одамларга ўргатиб юрган содиқдан кадрлироқ одам йўк.

"Маҳобҳорат"да Драупади шундай дейди: "Азизим Говинда, Сен "Менинг содиқларимни ҳеч ким енга олмайди", деб ваъда бергансан.

Мен бунга ишонаман ва шунинг учун ҳар қандай қийинчиликларда Сенинг мана шу ваъдангни эслаб юраман, мен ҳаётда фақат Сенинг мана шу ваъданга ишониб яшаб юрибман". Амакиси Дурйодхон ва бошқаларнинг айби билан Драупади ва беш Пандузодаларнинг бошига жуда кўп мусибатлар тушади. Бу қийинчиликлар шу қадар оғир эдики, уларни эслаганда ҳатто бир умр брахмачарий бўлиб қолган ва машҳур жангчи бўлган Бхишмадева ҳам кўзларига ёш олмай туролмасди. Пандузодалар шунча такводор бўлишига, аслида Драупади равнақ фариштаси, Кришна - уларнинг яқин дўсти бўлишига қарамай, уларнинг ҳаётда шунча қийинчиликларни бошидан кечириб юриши ҳамиша Бхишмани ҳайратга соларди. Лекин мана шу оғир қийинчиликларнинг бирортаси Драупадининг ишончига, иймонига путур етказа олмас, ақлини безовта қилолмас эди. Кришна уларнинг дўсти бўлгани учун охириқибатда барибир ўзи ҳам, эрлари ҳам албатта озодликка чиқишини у яхши биларди.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида шунга ўхшаш гаплар бор(2.53). Унда шоҳ Ришабҳанинг ўғли Хави Махараж Нимига мурожаат қилиб шундай дейди: "Эй шоҳ, Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишни бир лаҳза ҳам тарк этмайдиган ва бундан ҳам юксакроқ сиғиниш йўқлигига, сиғинишга Унинг нилуфар қадамлари пойдан муносиброқ Зот йўқлигига аниқ ишонадиган одамни комил содиқ хизматкор деб атайдилар".

Шрила Рупа Госвами айтадики, ҳали тажрибасиз, лекин қалбида Парвардигорга нисбатан озми-кўпми муҳаббат уйғотган содиқ, шубҳасиз, Худога садоқат билан хизмат қилиш учун муносиб номзод

бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олганида унинг ўзгармас, қатъий ишончи унинг садоқатининг ажралмас қисмига айланади.

Баъзан, Парвардигорга яқин дўст сифатида хизмат қилиш учун содиқ хизматкорнинг Худонинг эҳромида ётганини кўриш мумкин. Содикнинг Парвардигорга бўлган муносабатини ана шундай намоён этишини *рагануга*, яъни ўз-ўзидан, табиий равишда пайдо бўлган *бхакти* деб аташ мумкин. Худога сиғиниш қодаларида Эҳромда ётиш қатъий таъқиқланган, шунга қарамай, Парвардигорга бўлган муҳаббатнинг ана шундай намоён бўлишини Худога дўстона муносабатда хизмат қилиш тоифасига киритиш мумкин.

## Ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топшириш.

Ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириш "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(29.34) яхши таърифланган.

Парвардигор Кришна шундай дейди: "Ўз ихтиёрини бутунлай Менга топширган, Менга хизмат қилишдан бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этган одамни Мен Ўз паноҳимга оламан ва уни ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳимоя қиламан. Бошқача қилиб айтганда, унинг руҳий ҳаётда юксалишига Мен Ўзим ёрдам бераман. Шундай одамни *сарити*(Парвардигорники сингари бойликка эга бўлган) ҳолатга эришган одам деб ҳисоблаш мумкин". "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, одам Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топширган заҳоти Кришна уни Ўз паноҳига олади ва барча гуноҳлари оқибатидан ҳимоя қилишга кафолот беради. Шунингдек унинг руҳий камолотга тезроқ кўтарилишига ёрдам бериб, қалбида туриб илоҳий насиҳатлар беради.

Ўз ихтиёрини ана шундай, бутунлай Худога топшириш *атма-ниведана* деб аталади. Ҳар хил донишмандлар одамнинг ҳақиқий "мен"ини, *атмани* турлича таърифлайдилар. Баъзан "мен" руҳни, баъзан тана ёки ақлни билдиради. Шунинг учун ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топшириш деганда, одамнинг Унга ўзини руҳ сифатида эмас, балки хизмат қилиш учун ақлини ва танасини ҳам топширишни тушуниш керак. Шри-ла Бхактивинода Тхакур бу ҳақда ажойиб шеър ёзган. Унда у ўзини Худога бутунлай топшириб, шундай дейди: "Мен ақлим, оилам, танам, бу ҳаётда меники бўлган ҳамма нарсени Сенга, Сенга хизмат қилишга топшираман, эй азиз Худойим. Энди Сен бу нарсалардан истаганингча фойдаланишинг мумкин. Бутун борлиқнинг ҳақиқий эгаси Сен Ўзингсан, шунинг учун Сен агар истасанг мени ўлдиришинг мумкин, истасанг барча хавф-хатарлардан асрашинг мумкин. Ҳаммаси Сенинг қўлингда. Бу ерда мен "ўзимники" деб даъво қиладиган бирор нарса йўқ".

Парвардигорга қилган илтижоларида Шри Йамуначарйа ҳам шундай фикрларни айтган эди: "Мен одам танасида ёки фаришта танасида бўлишим мумкин, эй азиз Худойим, аслида бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки ҳар қандай тана - моддий табиат гуналарининг маҳсулидир, ана шу таналарнинг эгаси бўлган мен ўзимни бутунлай Сенга топшираман".

Содикнинг *атма-ниведана* жараёнида Парвардигорга ўз танасини қандай топшириши "Хари-бхакти-вивека"да таърифланган: "Эй азиз Худойим, сотилган ҳайвон бошпана ёки озиқ-овқат ҳақида қайғурмайди, худди шундай мен ҳам Сенга ўзимни ва танамни биратўла топшириб, энди тирикчилигим ҳақида умуман қайғурмайман". Бошқача қилиб айтганда, содиқ ўзининг ёки оиласининг қандай тирикчилик қилиши ҳақида ҳеч қачон ташвишланмаслиги керак. Агар одам ҳақиқатан ҳам ўзини ва танасини бутунлай Худога топширган бўлса, у фақат ҳаммаша Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ўйлаб юриши лозимлигини эсдан чиқармаслиги керак.

Шрила Рупа Госвами айтадики, Худога дўст сифатида хизмат қилиш ва ўз ихтиёрини бутунлай топшириб хизмат қилиш - жуда қийин муносабатлардир, шунинг учун бундай муносабатлар камдан-кам учрайди. Бу икки йўл билан Парвардигорга фақат руҳий жиҳатдан жуда юксак даражага эришган содиқлар садоқат билан хизмат қилиши мумкин. Шундай қилиб, самимий, жазавали садоқат билан ўзини бутунлай Худога топшириш ҳолларини жуда кам учратиш мумкин. Бунинг учун инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириши лозим.

## Яхши кўрган нарсаларини эҳсон қилиш.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи бобида(11.41) Парвардигор Кришна Уддхавага шундай дейди: "Азиз дўстим, ўзида бор нарсаларнинг энг яхшисини ёки ўзига жуда ёқадиган нарсасини Менга тақдим этиб, инсон мангу саодатга эришади".

## Ўзининг ҳамма интилишларини Кришнага бағишлаш.

Қандай қилиб ҳар хил турмуш ишларида Худони рози қилиш учун ҳаракат қилиш мумкинлиги "Нарада-панчаратра"да таърифланган. Унда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ҳар хил ишлар билан машғул бўлиши мумкин: муқаддас китобларда кўрсатилган ўзининг руҳий бурчларини бажариш ёки тирикчилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишлар. Бошқача қилиб айтганда, содиқ хизматкор фақат муқаддас китобларда белгилаган руҳий вазифаларни эмас, балки турмушда зарур бўлган ҳар бир ишни Кришна онгида бажариши лозим. Масалан,

катта корхонаси ёки фабрикаси бўлган содик ўзининг дунёвий фаолиятининг даромадларини Худога эҳсон қилиши мумкин.

## **Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ихтиёрини Худога топширган руҳ ҳолатида қолиш.**

"Хари-бхакти-виласа"да ўз ихтиёрини Худога топшириш ҳақида шундай дейилган: "Эй азиз Худойим, ўз ихтиёрини Сенга топширган, энди биратўла Сеники эканига аниқ ишонган ва ҳаётда шундай онг билан ҳаракат қиладиган киши, тана-си, тили ва ақли билан қилган ишларининг ҳаммасини Сенга бағишлаб, ҳақиқатан ҳам илоҳий лаззатдан роҳатланиб бахтиёр яшайди".

"Нрисимха-пурана"да Парвардигор Нрисимха шундай дейди: "Менга илтижо қиладиган ва Менинг паноҳим остига кирган ҳар бир одамни Мен ўз паноҳимга оламан ва барча мусибатлардан ҳимоя қиламан".

## **Туласи сингари муқаддас дарахтларга хизмат қилиш.**

Туласи дарахти "Сканда-пурана"да шундай улуғланади: "Мен чексиз гуноҳ ишлар оқибатини бир зумда яксон қила оладиган *туласи* дарахти олдида чуқур таъзим қиламан. Ҳаётда барча бахтсизликлардан, касалликлардан халос бўлиш учун бу дарахтга бир марта нигоҳ ташлаш ёки кўл теккизишнинг ўзи кифоя. Туласи дарахтига сажда қилиб ёки сув қуйиб, одам қилган гуноҳлари учун Азроил олдида жавобгар бўлишдан қутула олади. Бирор жойда туласи дарахтини ўтказган одам, шубҳасиз Парвардигор Кришнанинг содиғи бўлади. Агар одам садоқат билан туласи барглари-ни Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этса, унинг қалбида Худога муҳаббат туйғуси ривожланади".

Ҳиндистонда туласи дарахтини ҳатто вайшнав бўлмаган ҳар бир индус ҳам ҳурмат қилади. Бу ўсимликни эъзозлаб парваришлаб юрадиган одамлар туласи ўсиши қийин бўлган катта шаҳарларда ҳам топилади. Улар бу дарахтга сув қуядилар, сажда қиладилар, чунки туласига сажда қилиш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг муҳим қисми ҳисобланади.

"Сканда-пурана"да туласи ҳақида шундай дейилган: "Туласи ҳар тарафлама саодат келтиради. Биз унга қандай хизмат қилсак ҳам - шунчаки меҳр билан қараб қўйсак, қўлимизни теккизсак, уни эсласак, илтижо қилсак, сажда қилсак, уни парвариш қилсак ёки туласи ҳақидаги гапларни тингласак - буларнинг ҳаммаси бизга саодат келтиради. Юқоридаги амаллар билан туласига боғланган одам Вайкунтҳа оламида мангу яшайди".

## **Ўн иккинчи боб.**

### **Худога садоқат билан хизмат қилиш турлари (давоми).**

#### **Муқаддас китобларни тинглаш.**

Шрила Рупа Госвамининг фикрига кўра, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўллари ҳақида ёзилган ҳар қандай китоб муқаддас китоблар ҳисобланади. Шрила Мадхвачарья ҳам қандай китобларни муқаддас китоблар деб ҳисоблашни айтиб кетган. Унинг фикрича, "Рамайана", "Маҳобҳорат", Пураналар, Упанишадлар, "Веданта" ва мана шу асарлар таълимотига тўғри келадиган ҳар қандай асар муқаддас китоблар ҳисобланади.

"Сканда-пурана"да шундай дейилган: "Вайшнавларнинг қандай усуллар билан Худога садоқат билан хизмат қилиши лозимлиги ҳақида ёзилган асарларни мунтазам ўқиб юрган одам ҳамиша одамлар орасида обрў-эътиборли бўлади, Парвардигор Кришна ҳам шубҳасиз, ундан жуда мамнун бўлади. Шундай асарларни эҳтиётлик билан, эъзозлаб уйда сақлаб қўядиган ва уларни тавоф этиб юрадиган киши барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади ва охир-оқибатда ҳатто фаришталар ҳам унга сажда қила бошлайдилар".

Нарада Мунига шундай дейилган эди: "Азизим Нарада, вайшнавларнинг асарларини ёзадиган ва уларни уйда сақлайдиган одамнинг хонадонида ҳамиша Парвардигор Нарайананинг Ўзи яшайди".

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(13.15) шундай дейилган: "...Шримад Бхагаватам" Веданта фалсафасининг қаймоғи ҳисобланади. Қандай қилиб бўлса ҳам қалбида "Шримад Бхагаватам"ни ўқишга қизиқиш уйғотган киши бошқа адабиётларни бутунлай ўқигиси келмай қолади. Бошқача қилиб айтганда, "Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий шарбати мазасини тотиб кўрган кишини энди бошқа ҳеч қандай дунёвий адабиётлар қаноатлантира олмайди".

#### **Матхурада яшаш.**

Матхурада яшаш шарофати "Вараха-пурана"да таърифланган, унда Парвардигор Вараха Ер сайёрасида яшаётган одамларга шундай дейди: "Матхурадан бошқа жойлар ўзига жалб этадиган одамлар албатта Худонинг алдамчи қуввати чангалига тушиб қоладилар". "Брахманда-пурана"да айтилганки, Матхуранинг муқаддас тупроғига оёқ қўйиш билан одам бутун уч оламдаги барча зиёратгоҳларни айланиб чиққан билан тенг саодатга эга бўлади. Бошқа кўпчилик муқаддас китобларда ҳам айтилганки, одам Матхуранинг муқаддас тупроғи ҳақида тингласа, уни эсласа, олқишласа, томоша қилса ёки уни тавоф этса, шунинг ўзи унинг ҳаётда барча орзу-истакларига етиши учун кифоя".

## Содиқларга хизмат қилиш.

Вайшнавларга хизмат қилиш "Падма пурана"да жуда яхши таърифланган. Тангри Шива Парватига шундай дейди: "Азизим Парвати, Худога сиғинишнинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларнинг ичида энг яхшиси Худонинг Олий Шахсига сиғиниш ҳисобланади. Аммо Худонинг содиқларига сиғиниш ҳатто Худога сиғинишдан ҳам устун туради".

Шунга ўхшаш гаплар "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида ҳам бор(7.19): "Мен Худонинг содиқларининг самимий, итоаткор хизматкори бўлишни истайман, чунки уларга хизмат қилиш билан Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига етиш мумкин. Содиқларга хизмат қилиш моддий, дунёвий ҳаёт мусибатларини енгиллаштиради ва одамнинг қалбида Худонинг Олий Шахсига нисбатан чуқур муҳаббат ва садоқат туйғусини ривожлантиради".

"Сканда-пурана"да ҳам шу мазмундаги гаплар ёзилган: "Танасида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини билдирувчи тилака белгилари бўлган, бошига туласи барглари кўйган, танаси ҳамшиша *гопи-чандана* билан безатилган одамларни ҳатто бир марта кўришнинг ўзи ҳам одамни барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлишга ёрдам беради".

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(19.33) ҳам шунга ўхшаш гаплар бор: "Худонинг содиқларини зиёрат қилган, унинг нилуфар қадамлари пойига қўл теккизган ёки уларни эъзозлаб яхши жойга ўтказган одам, шубҳасиз, ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Одам ўзини ва бутун оила аъзоларини поклаш учун ана шундай вайшнавларнинг ишларини бир марта эсласа бас. Шундай экан, уларга хизмат қилишнинг шарофатлари ҳақида нима дейиш мумкин?"

"Ади-пурана"да Парвардигор Кришнанинг Аржунга мурожаат қилиб айтган шундай гаплари бор: "Азизим Партха, ўзини "Кришнанинг содиқ хизматкориман" деб юрган одам ҳали Менинг хизматкорим эмас. Ўзини "Кришнанинг содиқ хизматкорининг содиқ хизматкориман" деб юрган одам ҳақиқатан ҳам Менинг содиқ хизматкоримдир". Худонинг Олий Шахсига бевосита яқинлашишнинг иложи йўқ. Унга фақат Унинг соф содиқ хизматкори орқали яқинлашиш мумкин. Шунинг учун вайшнавларнинг биринчи қондаси - қайсидир содиқ хизматкорни ўзининг руҳий устози қилиб танлаш ва унга самимий хизмат қилишдан иборат.

Шрила Рупа Госвами таъкидлаб айтадики, "Бхакти-расамрита-синдху" асарида бошқа асарлардан келтирилган далилларнинг ҳаммасини барча буюк ачарйалар ва Худонинг содиқлари тан олганлар.

## Парвардигорга ўзининг имкониятига қараб хизмат қилиш.

"Падма пурана"да айтилганки, одам Парвардигорга ўзининг иқтисодий имкониятига қараб хизмат қилиши лозим. Лекин, ҳар бир одам, қандай қилиб бўлса ҳам Парвардигор учун ўтказиладиган байрам тантаналарида албатта қатнашиши лозим.

## Карттика ойида Худога садоқат билан хизмат қилиш.

Худога садоқат билан хизмат қилишда энг муҳим тантаналардан бири *Урджа-врата* деб аталади. Урджа-вратани Карттика ойида ўтказадилар. Мана шу ой давомида ҳамма эҳромларда, айниқса Вриндавандаги эҳромларда Парвардигорга Дамодара киёфасида сиғинадилар. Дамодара - Она Яшода арқон билан боғлаб қўйган Кришна. Парвардигор Дамодара Худонинг содиқлари учун жуда азиз бўлгани учун, Карттика ойи ҳам улар учун жуда азиз.

Карттика ойи давомида Худога садоқат билан хизмат қилиб, Урджа-врата маросимини айниқса Матхурада ўтказишни тавсия қиладилар. Кўпчилик содиқлар ҳозиргача мана шу қоидага амал қиладилар. Улар Матхура ёки Вриндаванга бориб, бутун Карттика ойи давомида Худога садоқат билан хизмат қилиш учун атайлаб шу ерда қоладилар.

"Падма пурана"да шундай дейилган: "Парвардигор содиқ хизматкорига озодликка чиқишни ёки моддий бахт-саодатни таклиф қилиши мумкин, лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан озгина вақт машғул бўлган одам, айниқса агар буни Карттика ойида Матхурада қилган бўлса, у ҳаётда фақат бир нарсага - Худога соф садоқат билан хизмат қилишга интилади". Бу ерда шу назарда тутилганки, Худога садоқат билан хизмат қилишга жиддий эътибор бермайдиган оддий одамларни Парвардигор Ўзига садоқат билан хизмат қилиш бахти билан мукофотламайди. Лекин, ҳатто оддий одамлар ҳам, агар улар қонунқоидаларга амал қилган ҳолда Карттика ойида Матхурада Худога садоқат билан хизмат қилиб юрсалар, осонлик билан Парвардигорга шахсан хизмат қилиш бахтига эришадилар.

## Парвардигорнинг ҳар хил кароматларига аталган байрам тантаналарида қатнашиш.

"Бхавишья-пурана"да Парвардигорнинг бу дунёга келган кунлари ва кўрсатган ҳар хил кароматларига атаб ўтказиладиган байрам тантаналарида қатнашиш ҳақида шундай дейилган: "Эй азиз Худойим, Жанардана, қайси куни она Яшода Сени тукқанини бизларга билдир! Агар Сен бизларга шуни билдирсанг, бизлар шу куни катта байрам

ўтказамиз. Эй иблис Кешани ўлдирган Зот, бизлар - ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган содиқ хизматкорларингмиз, бизларнинг ягона мақсадимиз - ҳар хил байрамлар ўтказиб Сени мамнун қилишдан иборат”.

"Бхавишья-пурана"дан келтирилган бу сўзлар шундан далолат берадики, Парвардигорга аталган байрамларда қатнашиш билан содиқ Парвардигорни мамнун қила олади.

## Илоҳларга чуқур садоқат билан хизмат қилиш.

"Ади-пурана"да шундай дейилган: "Ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрадиган ва Худога садоқат билан хизмат

қилишдан илоҳий лаззат оладиган одам Худога садоқат билан хизмат қилиш учун барча имкониятларга эга бўлади. Ундай одам ҳеч қачон фақат муктига эришиб қолмайди”.

*Мукти* моддий иллатлардан озод бўлишдир. Озодликка чиққан одам моддий оламда яна туғилиш заруратидан халос бўлади. Имперсоналистлар алоҳида шахс бўлиб яшашдан бутунлай кутулиб, Худонинг борлиғига кўшилиб кетишга интиладилар, лекин "Шримад Бхагаватам"да айтилишига кўра, *мукти* - алоҳида руҳнинг ўзининг азалий ҳолатига қайтишининг бошланғич поғонаси, холос. Ҳар бир тирик мавжудотнинг азалий, табиий ҳолати - Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат. "Ади-пурана" келтирилган гаплар шуни тасдиқлайдики, содиқ хизматкор ҳаётдан тўла мамнуният ҳосил қилиши учун унга Худога садоқат билан хизмат қилиб яшашнинг ўзи кифоя. У ҳеч қандай кўринишдаги моддий, шартланган ҳаёт шароитларидан озодликка чиқишга интилмайди. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам дунёвий ишлар билан шуғулланиб юргандай кўринса ҳам, аслида бундай эмас.

## Худонинг содиқлари даврасида "Шримад Бхагаватам" ўқиш.

"Шримад Бхагаватам" - Ведавий донишмандлик илмининг қаймоғи, етилиб пишган меваси. *Веда* сўзининг ўзи "илмлар тўплами" деганни билдиради. "Шримад Бхагаватам"да инсоният учун ҳаётда зарур бўлган барча илмлар мукамал равишда баён этилган. Ведавий асарларда илмининг ҳар турли соҳалари бўйича маълумотлар берилган - ижтимоий илмлар, сиёсат, тиббиёт, ҳарбий санъат ва ҳоказо. Унда руҳий илм ҳам мукамал таърифланган. "Шримад Бхагаватам" бутун ведалар адабиёти истаклар дарахтининг етилиб пишган меваси ҳисобланади. Дарахтни мевасига қараб баҳолайдилар. Масалан, манго дарахти жуда қадрланади, чунки у мевалар шоҳи бўлган манго мевасини беради. Мангонинг пишган меваси - манго дарахтининг энг қадрли меваси

ҳисобланади. Худди шундай, "Шримад Бхагаватам" Ведалар илми дарахтининг етилиб пишган меваси ҳисобланади. Пишган мевани аввал тўтикуш(*шука*) чўқиса у яна ҳам ширинроқ бўлгани сингари, "Шримад Бхагаватам" ҳам, биз уни Шукадева Госвами оғзидан тинглаганимиз сабабли яна ҳам ширинроқ бўлди.

"Шримад Бхагаватам" илмини узилмаган шогирдлар силсиласи занжири орқали ўрганиш лозим. Дарахт тепасидаги пишган мевани ерга, шохаларда ўтирган одамлар орқали кўлма-кўл олиб берсалар, мева шикастланмайди. Худди шундай, агар "Шримад Бхагаватам" илми ҳам бизга *парампара* орқали берилса, у бизгача ўзгармаган ҳолда етиб келади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, шогирдлар силсиласи, *парампара* орқали илм ўрганиш - илоҳий илм ўрганишнинг ягона усулидир. Илоҳий илм бизга шогирдлар силсиласи орқали, яъни муқаддас китобларнинг ҳақиқий мақсадини тўғри англаб етган ишонарли одамлар орқали етиб келган бўлиши лозим.

Шри Чайтанья Махапрабху ҳар бир одамга "Шримад Бхагаватам" илмини руҳий ўзлигини англаб етган одамдан ўрганишни буюрган. Шундай одамни *бхагаватам* деб атайдилар. *Бхагавата* сўзи "Бхагаван (Парвардигор) билан боғлиқ" деган маънони англатади. Шунинг учун Худонинг содиқларини баъзан *бхагаваталар* деб атайдилар, Худога садоқат билан хизмат қилиш илми берилган асар ҳам *бхагавата* деб аталади. Шри Чайтанья Махапрабхунинг насихатига кўра, "Шримад Бхагаватам"нинг ҳақиқий мазасини тотиб кўриш учун *бхагавата* одамнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш лозим. "Шримад Бхагаватам" ҳатто озодликка эришган зотларга ҳам лаззат бағишлайди. Шукадева Госвами ўзининг ҳали онасининг қорнида пайтидаёқ озодликка эришган шахс бўлганини тан олади, аммо фақат "Шримад Бхагаватам"нинг ширин лаззатини тотиб кўргандан кейингина буюк содиқ даражасига кўтарилган. Шундай қилиб, Кришнани англашда юксалишга эришишни истаган киши Худонинг содиқлари оғзидан "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб лаззат олишни ўрганиши лозим.

"Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида(1.9) Шукадева Госвами тан олиб айтдики, у аввал шахсиятсиз Браҳманга қаттиқ боғланиб қолган эди, лекин, отаси Вйасадевадан Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаганида, у "Шримад Бхагаватам"га қаттиқроқ боғланиб қолди. Бу ерда шу назарда тутилганки, Вйасадева руҳий ўзлигини англаган зот, шу боис у ўзининг илоҳий илмини бево-сита Шукадева Госвамига берган.

## Кришна онгида юксалган содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш.

"Шримад Бхагаватам"ни Худонинг содиқлари даврасида муҳокама қилишнинг қанчалик муҳим

эканини Наимишаранья ўрмонида тўпланган до-нишмандлар даврасида, Сута Госвами иштирокида, донишманд Шаунака Муни тушунтириб беради. Унинг гапларини маъқуллаб Сута Госвами шундай дейди: "Агар одам биргина лаҳза Худонинг соф содиғи билан ҳамсухбат бўлиш бахтига муяссар бўлса, мана шу лаҳза шунчалик бебаҳоки, ҳатто одамни жаннатга кўтаришга ёки дунёвий азоб-укубатлардан озодликка чиқаришга қодир бўлган савоб ишлар ҳам у билан тенглаша олмайди". Бошқача қилиб айтганда, "Шримад Бхагаватам"га боғланиб қолган одамларни жаннатга интилиб юрган одамларни қизиқтирадиган хиссий лаззатлар, имперсоналистлар интилиб юрган озодликка чиқиш лаззати мутлақо қизиқтирмайди.

Шундай қилиб, Худонинг соф содиғи билан бир лаҳза учрашиш шундай илоҳий қийматга эгаки, бу оламдаги дунёвий, моддий бахтнинг ҳеч қандай турини у билан тенглаштириб бўлмайди.

"Хари-бхакти-судходайа"да Прахлад Махаражнинг отаси Хираньякашипу билан қилган суҳбати келтирилган. Унда Хираньякашипу ўғли Прахладга шундай сўзлар билан мурожаат қилади: "Эй азиз ўғлим, биров билан ҳамсухбат бўлиб бирга юриш катта аҳамиятга эга. У худди олдида турган нарсанинг аксини кўрсатадиган ойнага ўхшайди". Худди шундай бизлар гулларга ўхшаган Худонинг содиқлари билан ҳамсухбат бўлиб, улар билан бирга юрганимизда, агар қалбимиз пок бўлса, уларнинг қалбидаги садоқат бизнинг қалбимизда ҳам акс этади. Бунга яна бир мисол келтирадилар: агар эркак билан аёл соғлом бўлса, уларнинг бирикиши натижасида албатта фарзанд дунёга куелади. Худди шундай, агар икки киши ҳам, руҳий илм ўрганаётган ва илм ўргатаётган одам ҳам самимий, барча талабларга жавоб берадиган бўлса, уларнинг учрашуви албатта кутилган натижани беради.

### **Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш.**

Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - айниқса "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида(1.11) алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шох, қалбида Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга ўз-ўзидан қаттиқ боғланиш ҳосил бўлган одамни руҳий камолот чўққисига кўтарилган одам деб ҳисоблаш керак". Яна алоҳида таъкидлаб айтилганки, агар махамантрани ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланиш ниятида фаолият кўрсатиб юрган кармилар, Парвардигорга кўшилиб кетишга интилиб юрганлар, сеҳрли қудратга эга бўлишга интилиб юрган йоглар тилга олсалар, ҳар қандай фаолиятда

муваффақиятга эришишлари учун биргина Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг ўзи кифоя. Шукадева Госвами шу ерда *нирнйам* иборасини ишлатади, бу ибора "аниқ, яқуний хулоса чиқарилган" деган маънони англатади. У озодликка чиққан руҳ эди, шунинг учун шубҳали нарсаларни бундай тасдиқлаб ўтирмаган бўларди. Шундай қилиб, Шукадева Госвами алоҳида таъкидлаб айтаяптики, Ҳаре Кришна махамантрани мунтазам, қатъий ишонч билан жиддий зикр қилиб юрган одам кармали фаолият билан шуғулланиш, ақлий фикрлашлар ва сеҳр қудратига эга бўлишга интилиш тузоқларидан юқори кўтарилган одам ҳисобланади.

Буни "Ади-пурана"да Парвардигор Кришна ҳам тасдиқлайди. Аржунга мурожаат қилиб У шундай дейди: "Менинг илоҳий номимни зикр қилиб юрган одам ҳамиша Мен билан бирга бўлади. Сенга аниқ айтишим мумкинки, ундай содиқ хизматкоримнинг Менга эришиши ҳеч гап эмас".

"Падма пурана"да шундай дейилган: "Ҳаре Кришна мантрасини фақат жуда кўп умрлар давомида Васудевага сиғиниб юрган одамнинг оғзидан эшитиш мумкин". Яна: "Худонинг муқаддас номи ва Унинг Ўзи бир-бирдан фарқ қилмайди. Демак, ўзига тўла бутунлиги, поклиги ва мангулиги жиҳатидан муқаддас ном Парвардигорнинг Ўзи сингари мукамал. Муқаддас ном моддий товушлар эмас, унда моддий иллатларнинг изи ҳам йўқ". Шунинг учун ўзининг хиссиётларини моддий иллатлардан поклай олмаган киши Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, моддий хиссиётлар Ҳаре Кришна махамантрасини зикр қилиш жараёнида мукамал равишда иштирок эта олмайдилар. Лекин, агар одам Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни бошласа, у қалбини, хиссиётларини аста-секин поклаб, мантрани ҳақоратларсиз, соф зикр қилиш имкониятига эга бўлади.

Чайтанья Махапрабху бизларга ҳеч бўлмаса қалбимизни моддий иллатлардан поклаш учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни буюрган. Одамнинг қалби етарлича поклангандан кейин у Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг қанчалик муҳимлигини англаб этади. Қалбини поклашни истамайдиган, ҳамма нарсани ўз ҳолича қолдиришини истайдиган одам ҳеч қачон Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишнинг илоҳий натижасига эриша олмайди. Шунинг учун қалбимизда Худога садоқат билан хизмат қилишга интилиш туйғусини ривожлантириш жуда муҳим - бу бизга Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилишга ёрдам беради. Шу тарика руҳий устоз раҳбарлиги остида шогирд бирданига икки нарсага - Худога садоқат билан хизмат қилишга ва Ҳаре Кришна мантрани зикр қилишга ўрганади. Шогирднинг қалбида ўз-ўзидан Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги

уйғонган заҳоти, у маха-мантранинг илоҳий табиатини англаб етади.

## Матхурада яшаш.

Муқаддас саждагоҳларда, масалан, Матхура ёки Дваракада яшашнинг муҳимлиги ҳақида "Падма пурана"да шундай дейилган: "Муқаддас саждагоҳга зиёратга бориш - моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш демакдир. Лекин, озодликка чиқиш ҳали камолот чўққисига эришиш дегани эмас. Озодликка эришгандан кейин одам Худога садоқат билан хизмат қила бошлаши керак. *Брахма-бхута* поғонасига кўтарилгандан кейин инсон руҳий юксалишда Худога садоқат билан хизмат қилиш билан давом этиши мумкин. Шундай қилиб, яшашдан энг олий мақсад Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат, атиги бир неча лаҳза Матхурада бўлган одам бунга бемалол эриша олади".

Яна шундай дейилган: "Матхуранинг муқаддас тупроғига сажда қилишдан бош тортадиган одам топиладими? Матхура ўз фаолиятининг натижаларидан лаззатланиш учун меҳнат қилиб юрган одамларнинг ҳам, Олий Браҳман билан қўшилиб кетишга интилиб юрганларнинг ҳам барча истакларини бир зумда рўёбга чиқаришга кодир. Албатта, Матхура ҳаётда фақат бир нарсага - Худога садоқат билан хизмат қилишга интилиб юрган соф содиқларнинг ҳам орзуларини рўёбга чиқаради". Ведаларда яна шундай дейилган: "Худонинг Олий Шахсига қалбида чуқур муҳаббат тўла муносабат уйғотиш учун Матхурада бир кун яшашнинг ўзи кифоя - мана шу ҳақиқий мўъжиза эмасми? Ҳақиқатан ҳам Матхура тупроғининг шуҳрати ҳатто Вайкунтха-дхаманинг - Худонинг даргоҳининг шуҳратини ҳам сусайтириб қўяди".

## Ўн учинчи боб.

### Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қудратли беш тури.

Шрила Рупа Госвами таъкидлаб айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қуйидаги беш тури шу қадар кучли илоҳий қудратга эгаки, уларнинг бирортасига озгина боғланиш туйғуси уйғонса, ҳатто тажрибасиз содиқнинг қалбида ҳам Парвардигорга бўлган садоқатнинг жазавали лаззатини уйғота олади:

- 1) Матхурада яшаш,
- 2) Парвардигорнинг муртисига сиғиниш,
- 3) "Шримад Бхагаватам" ўқиш,
- 4) Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қилиш
- 5) Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш.

Парвардигорнинг қиёфасига ёки Илоҳларга сиғиниш ҳақида Шрила Рупа Госвами шундай дейди: "Эй дўстим, агар сенинг қалбингда ҳалигача моддий оламдаги ўзининг аввалги дўстларинг билан лаззатланиш истаги қолган бўлса, Йамуна қирғоғида Кеши-гхата ёнида турган Кришнанинг қиёфаси тарафга қараб ҳам ўтирма. Уни Говинда деб атайдилар, Унинг чиройли кўзлари одамни ўзига маҳлиё этади. У ўзининг найини чалиб туради, бошига чиройли товус патини тақиб олган, унинг бутун танасига ой нури ёғилиб турибди".

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, Кришнанинг муртиси(Шри мурти)га уйда сиғиниб юриб, Унга боғланиб қолган одам ўзини аввалги дўстлари, танишлари, жамият билан боғлаб турган ҳамма нарсаларни унутиб юборади. Шунинг учун ҳар бир оилали одам уйда Парвардигорнинг муртисини ўрнатиб, оила аъзолари билан биргаликда ҳар куни Унга сиғина бошлаши лозим. Шунда у тунги клубларга, ресторан, кино ва бошқа бемаъни жойларга бориш, чекиш, ичиш сингари номаъқул одатларларга берилиб кетмайди. Агар одам уйда Илоҳларга сиғинишга жиддий эътибор берса, мана шундай бемаъни нарсаларни бутунлай эсидан чиқариб юборади.

Шрила Рупа Госвами яна шундай деб ёзади: "Эй нодон дўстим, менимча, сен кармали фаолиятнинг натижаларига моддий фаровонликка ва озодликка чиқишга интилиб юрган одамларнинг устидан куладиган саодатли "Шримад Бхагаватам"дан ҳикоялар тинглаган бўлсанг керак. Аминманки, энди Парвардигорнинг ширин эрмаклари ҳақида ҳикоя қиладиган "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғи қулоғингдан кириб қалбингга сингиб кетишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди".

"Шримад Бхагаватам"нинг бошида айтилганки, токи одам ўзининг қалбидан ҳар-хил урф-одатларга амал қилиш, моддий фаровонликка интилиш ва Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишга интилиш натижаларини худди бир ахлат сингари улоқтириб ташламагунча, у "Шримад Бхагаватам"нинг мазмунини тушуна олмайди. "Шримад Бхагаватам"да фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни таърифланган. Фақат "Шримад Бхагаватам"ни таркидунёлик руҳи билан жиддий ўрганиб юрган одамгина Парвардигорнинг ўнинчи кўшиқда таърифланган эрмаклари моҳиятини англай олади. Бошқача қилиб айтганда, токи одам

"Шримад Бхагаватам"га қалбида табиий равишда юзага келадиган боғланганлик ривожланмагунча, ўнинчи кўшиқнинг *раса-лила*(муҳаббат-ракси) сингари мавзуларини тушунишга уриниб ҳам юрмаслиги керак. "Шримад Бхагаватам"нинг ҳақиқий шарбатининг лаззатини тотиш имконига эга бўлиш учун содиқ аввало Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиши лозим.



Шрила Рупа Госвамининг юқорида келтирилган икки шеърида бир неча ўхшатишлар бор, уларда у худосиз одамлар билан бўладиган муносабатлардаги дўстликни, мухаббатни, умуман ҳамсухбат бўлишни қоралайди. Одатда одамлар ким биландир ҳамсухбат бўлишга, ўзаро дўстлик, мухаббат асосида муносабат ўрнатишга мойил бўладилар. Улар мана шу дунёвий иллатларни ривожлантириш учун ҳар хил йўллар ўйлаб топиб, уларни ривожлантиришга иложи борича ҳаракат қиладилар. Аммо, Радха-Кришнанинг муртисини кўриб юриш дунёвий одамлар билан бўладиган барча муносабатларни ривожлантиришга бўлган барча уринишларни тарк этиш билан баробар. Бир қараганда, Шрила Рупа Госвами ўзининг бу шеърида дунёвий дўстлик ва мухаббатни устун қўйиб, шри-муртини, Говиндани кўришни қоралаётгандай бўлиб кўринади. Бу метафора шундай тузилганки, унда гўё қораланаётган амал олқишланаётган, олқишланаётган амал эса қораланаётган бўлади. Бу шеърнинг ҳақиқий мазмуни шундан иборатки, агар қалбида озгина бўлса ҳам барча бемаъни дунёвий боғланишлардан халос бўлиш истаги бўлса, ундай одам Говинданинг қиёфасига қарасин. Шрила Рупа Госвами шунга ўхшаш кўринишда Кришна билан боғлиқ бўлган ҳикояларнинг илоҳий табиатини таърифлайди. Худонинг бир содиқ хизматкори шундай дейган эди: "Энг ажабланишли ҳол шундан иборатки, менинг кўзларимдан шашқатор оқаётган ёшлар билан ювилган Кришнани, Худонинг Олий Шахсини кўрганимдан бери, танам илоҳий жазава таъсиридан титрайди. Мен ўзимнинг барча дунёвий ишларимни эсимдан чиқариб юбордим. Уни кўргандан бери уйда тинч ўтира олмайман. Ҳамиша Унинг олдида боргим келаверади". Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, одам ҳаётида Худонинг соф содиқ хизматкорини учратгандан бошлаб, унинг қалбида ундан Кришна ҳақидаги гапларни тинглаш, иложи борича ундан Кришна ҳақида кўпроқ нарса билиб олиш истаги, яъни Кришна онгига эга бўлиш уйғониши керак.

Маха-мантрани тинглаш ва зикр қилиш ҳақида шундай дейилган: "Айтишларига қараганда, доғнишмандлар ҳамиша Парвардигор Кришнани шарафлаб куйлаб юрадиган Нарада Мунининг бармоқлари остидаги вина асбобининг торлари овозини тинглай оладилар. Энди эса, ана шу товуш менинг кулоқларимга ҳам эшитила бошлади, мен Кришнани, Худонинг Олий Шахсини ҳамиша ёнимда юргандай ҳис қиламан. Аста-секин қалбимдаги барча дунёвий нарсаларга бўлган боғланиш, қизиқиш ўз-ўзидан йўқолиб кетяпти".

Шрила Рупа Госвами Матхура-мандаланинг шуҳратини таърифлар экан, шундай дейди: "Мен Ямуна қирғоғидаги боғларда, минглаб сайроқи кушлар хониш қиладиган *кадамба* дарахтлари орасида чиройли кўриниб юрган Парвардигорни эслайман. Мана шу манзара ҳаёлимда пайдо бўлган заҳоти менга гўзаллик ва лаззатнинг илоҳий та-

биати аён бўла бошлайди". Матхура-мандала ва Вриндаван Шрила Рупа Госвами таърифлагандай туйғуларни ҳатто худосизларнинг қалбида ҳам юзага келтиришга қодир. Ямуна дарёсининг қирғоғида жойлашган, Матхуранинг саксон тўрт кв.км. майдонида ястаниб ётган бу гўзал жойлар шу қадар файзли, чиройлики, у ерга борган ҳар қандай одам бу моддий оламга яна қайтиб чиқишни истамай қолади. Матхура ва Вриндаваннинг юқоридаги таърифи бу жойларнинг ҳақиқий, илоҳий табиатини англаб етган одамнинг кўзига кўринган манзарадир. Бу сифатларнинг барчаси Матхура ва Вриндаван илоҳий даргоҳлар эканини исботлайди. Акс ҳолда қандай қилиб улар одамларнинг қалбида илоҳий туйғуларни уйғотиши мумкин? Матхура ва Вриндаванга борган ҳар қандай одамнинг қалбида ҳам ўз-ўзидан илоҳий ҳис-туйғулар юзага келади.

Баъзан, Худога садоқат билан хизмат қилишга оид нарсаларни таърифлаганда, уларнинг одамга таъсири бўрттириб кўрсатилгандай бўлиб туюлиши мумкин, лекин, аслида ҳеч қандай бўрттиришга мутлақо ўрин йўқ. Муқаддас китобларда баъзи содиқларга Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолияти дарров таъсир қилгани ҳақида ҳикоялар бор, лекин ҳамма ҳам бунга қодир бўлавермайди. Масалан, Кумарлар, эҳромда Кришнага таклиф этилган туласи барглари хидлаган заҳоти Кришнанинг содиқларига айланган. Билвамангала Тхакур эса, Кришна ҳақида эшитган заҳоти ўзи қаттиқ боғланиб қолган фоҳиша аёлни тарк этиб, Кришнани излаб Матхура ва Вриндаванга йўл олди ва ҳақиқий вайшнаув бўлди. Шундай қилиб, бундай таърифларнинг ҳеч бири бўрттириш ёки муболага эмас. Улар ҳақиқатни кўрсатади, лекин фақат маълум бир содиқларга нисбатан айтилган бўлиб, ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Лекин, ҳатто уларни муболага деб ҳисобласак ҳам, барибир, диққатимизни ўткинчи моддий нарсалардан чалғитиш ва уни Кришнанинг, Кришна онгининг мангу гўзаллигида мужассам қилиш учун уларни шундайлигича қабул қилиш керак. Қандайдир йўллар билан Кришнани англаш жараёнига боғланган, Парвардигорнинг илоҳий табиатини озгина тушунган одам учун эса бундай гаплар мутлақо муболага эмас.

Баъзи билимдон олимларнинг тасдиқлашига кўра, аста-секин Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча натижаларига эришиш учун жамиятдаги варнашрама қонун-қоидаларига амал қилиб юришнинг ўзи кифоя. Лекин, буюк ачарйалар, ишонарли руҳий устозлар бундай гапларни тан олмайдилар. Парвардигор Чайтанья Махапрабху ҳам Рамананда Рай билан бўлган суҳбатида

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг варнашрама тизимида аста-секин ривожланиш йўлини рад этган эди. У Рамананда-Рай таклиф этган варнашрама-дхарманинг муҳимлиги

ҳақидаги фикрни рад этиб, буни юзаки усул деб атади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий, юксак қоидалари бор. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, инсон ўзликни, Худони англашнинг бошқа барча усуллари тарк этиши лозим ва фақат Кришнани англаш, Кришна онгида Худонинг хоҳиши билан яшаш йўлини танлаши лозим. Бу унга ҳаётда камолотнинг энг олий поғонасига кўтарилиш имконини беради.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(12.9) Парвардигор Кришнанинг ўзи шундай дейди: "Одам жамиятда варна ва ашрам доирасидаги вазифаларини то қалбида Менинг эрмак ва кароматларим ҳақидаги ҳикояларни тинглашга ўз-ўзидан қизиқиш, интилиш пайдо бўлганга қадар бажариб юриши лозим". Бошқача қилиб айтганда, жамиятдаги варна ва ашрам вазифаларини бажариб юриш диний маросимлар бўлиб, улардан кутиладиган мақсад - иқтисодий равақ, ҳиссий лаззатлар ва озодликка чиқиш. Буларнинг ҳаммаси ҳали қалбида Кришна онгини ривожлантирмаган одамлар учун мўлжалланган. Аслини олганда, буларнинг ҳаммаси одамнинг қалбида Кришна онгини уйғотиш учунгина муқаддас китобларда келтирилган. Лекин қалбида Кришнага нисбатан ўз-ўзидан боғланиш юзага келган одамнинг варна ва ашрам қонун қоидаларига амал қилиб юриши шарт эмас.

## Ўн тўртинчи боб.

### Худонинг содиқларининг сифатлари.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, илм(ғйана) ва таркидунёлик(тйага) одамнинг руҳий юксалишда Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилишда ёрдам берадиган муҳим факторлар ҳисобланади. Лекин аслида ундай эмас. Кришна онгида мустаҳкам туриб олишга ёрдам берадиган илм ва таркидунёлик, балки аввалига биров фойда берар, лекин, аслида уларга эътибор бермаса ҳам бўлади, чунки, Худога садоқат билан хизмат қилиш одамнинг қалбидаги ихлосдан, интилишдан бошқа ҳеч нарсага боғлиқ эмас. Худога садоқат билан хизмат қилиш учун самимий интилишдан бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Таҷрибали содиқларнинг фикрига кўра, ҳар хил фалсафий фикрлашлар ва йога жараёнининг ҳар хил ғайритабиий риёзатлари одамга озодликка чиқишга ёрдам бериши мумкин, лекин улар одамнинг қалбини қотириб, уни тошбағир қилиб юбордилар. Улар Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишда ҳеч қандай ёрдам бера олмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, бундай жараёнлар Парвардигорга соф садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга эришишда ёрдам бермайди. Аслини олганда Худога садоқат билан хизмат қилишда фақат Кришна онги билан яшаш,

яъни Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи ёрдамида юксалиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш мутлақ табиатга эга: у бир вақтнинг ўзида ҳам восита, ҳам мақсад, ҳам сабаб, ҳам оқибат. Худонинг Олий Шахси бутун борлиқнинг ҳам сабаби, ҳам оқибатидир, Мутлақ Ҳақиқатга яқинлашиш учун ҳам мутлақ табиатга эга бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориш керак.

Буни "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришнанинг ўзи тасдиқлайди: "Мени фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида англаб етиш мумкин". Бу гаплардан аввал Парвардигор Аржунга шундай деган эди: "Мен сенга бу махфий сирларни ошкор этипман, чунки сен Менинг содигимсан". Ведалар илми - охир оқибатда Парвардигорни англашдир, Унинг даргоҳига олиб борувчи йўл эса - Унга садоқат билан хизмат қилиш йўли. Барча ҳақиқий муқаддас китобларнинг хулосалари шундан иборат. Эмпирик-файласуфлар Худога садоқат билан хизмат қилиш усулини инкор этадилар, фалсафани ўрганишда ҳаммадан устун бўлишга тиришиб, улар Худога садоқат билан хизмат қилишдан олинадиган лаззат қандай бўлишини тотиб кўриш имкониятидан ўзларини маҳрум этадилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(12.31) Парвардигор Кришна шундай дейди: "Азизим Уддхава, Менга садоқат билан хизмат қилиш билан жиддий шуғулланиб юрган одамга на фалсафий фикрлашлар, на сунъий равишда таркидунё қилиш ҳеч қандай фойда бермайди. Одам Менинг содиқ хизматкорим бўлганида у ҳеч қандай кўшимча интилишларсиз, ўз-ўзидан Мутлақ Ҳақиқатга эришиш ниятида амалга ошириладиган моддий лаззатланишга интилиш ва илм ўрганишнинг барча натижаларига эга бўлади". Мана шу Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қайси поғонада эканини кўрсатадиган белгидир. Худонинг содиқ хизматкори ғофиллик зулматида қолиб кетмайди, чунки Парвардигор унга алоҳида марҳамат кўрсатиб, уни ичидан туриб илм нури билан ёритади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(12.32-33) Парвардигор Уддхавага насиҳат қилишда давом этади: "Эй азиз дўстим, кармали фаолият, риёзат чекиш, фалсафа билан шуғулланиш, сеҳрли йога билан шуғулланиш, хайр-саховат кўрсатиш ва шу каби эзгу ишлар натижасида келадиган саодатларнинг ҳаммаси Мен билан илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ришталари ёрдамида қаттиқ боғланган содиқларимга ўзидан-ўзи келади. Ана шундай содиқлар истаган нарсаларига бемалол эриша оладилар, аммо улар Менга Худога соф садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор мақсадга интилмайдилар. Менинг содиқ хизматкорим бирор моддий нарсани истаган заҳоти, масалан, жаннатга кўтарилишни ёки бирор руҳий мақсадни, масалан Ваикунтхалокка боришни истаган заҳоти, - Менинг бесабаб

марҳаматим билан унинг истаги дарров амалга ошади”.

Аслини олганда, Кришна онгини ривожлантираётган, лекин ҳали қалбида моддий лаззатларга боғланиш туйғуси сақланиб қолган одам, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида тез вақт ичида бу боғланишлардан халос бўлади.

Шрила Рупа Госвами бизга насиҳат беришда давом этиб айтадики, моддий лаззатларга боғланиб қолмаслик керак, лекин айна пайтда Кришна билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалардан лаззатланиб яшаш керак. Масалан, биз ҳеч қачон овқатланишдан воз кеча олмаймиз, овқатланишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун одам ширин-ширин таомлар егиси келади. Шундай пайтда, содиқ ўзининг нафсини қондириш учун эмас, Кришнани мамнун қилиш учун ширин-ширин таомлар тайёрлаб, уларни Кришнага таклиф этиши мумкин. Мана шу ҳақиқий таркидунёлик, ҳақиқий боғланмаслик бўлади. Ширин таомлар тайёрлаш мумкин, аммо то у таомлардан Кришна лаззатланмагунча уларга қўл урмаслик керак. Ҳақиқий таркидунёлик Кришнага таклиф этилмаган нарсаларнинг ҳаммасини рад этишдан иборат. Мана шундай таркидунёлик одамга айна пайида ўзининг хиссиётининг талабларини ҳам қондириш имконини беради.

Ҳар қандай моддий нарсалардан юз ўгирган имперсоналистлар баъзан қаттиқ риёзатларга берилдилар, бу билан улар Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятини қўлдан бой берадилар, шунинг учун уларнинг бундай таркидунёлиги руҳий камолотга эришиш учун етарли эмас. Ана шундай сунъий равишда таркидунё қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган риёзатга берилиб юрган жуда кўп имперсоналистлар кейин яна дунёвий фаолиятга берилиб кетдилар. Ҳатто ҳозирги даврда ҳам фақат тилининг учиди моддий оламнинг ўткинчи ва руҳий оламнинг ҳақиқий мавжуд эканини тан оладиган, юзаки таркидунё қилиб юрган жуда кўп одамлар бор. Бу билан улар ўзларини бу оламда таркидунё қилиб яшаётган одамлар қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Лекин улар Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарила олмаганлари сабабли ҳеч қачон ўз мақсадларига эриша олмайдилар, натижада аксарият ҳолларда улар яна дунёвий фаолиятга қайтиб, сиёсат ёки ҳар хил хайрли ишлар қилиш билан шуғуллана бошлайдилар. Инсоният тарихида, моддий оламни сохта деб, ундан юз ўгириб таркидунё қилган, лекин, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топишга интилмагани сабабли, кейин яна дунёвий фаолиятга қайтган ана шундай чала саннийасилар жуда кўп бўлган.

Биз ҳаётда Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиш мумкин бўлган бирор нарсани рад этмаслигимиз лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг сири мана шунда. Кришна он-

гида Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш мумкин бўлган ва бизнинг руҳий ривожланишимизга ёрдам берадиган ҳамма нарсани қабул қилиш керак. Масалан, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш учун биз жуда кўп техникалардан фойдаланамиз: диктофонлар, радио, телевизор, машина, самолёт ва ҳоказо. Баъзан бизга шундай савол бериб қоладилар: “Агар моддий илм-фан тараққиётини қораласангиз, нимага ўзингиз шу нарсалардан фойдаланяпсиз?” Аслида биз моддий илм-фан тараққиётини қораламаймиз. Биз одамлардан ҳаётда қандай иш қилсалар ҳам ҳаммасини Кришна онгида қилишини илтимос қиламиз. Бу умумий қонун. Ана шу қонун асосида Кришна "Бхагавад-гита"да Аржунга ўзининг жанг қилиш қобилиятини Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ишлатишни маслаҳат беради. Биз ҳам ана қонунга амал қилиб, ҳар хил техникалардан Кришнага хизмат қилишда фойдаланамиз. Шу йўл билан биз Кришнага садоқат билан хизмат қилишда ҳар қандай нарсани ишлатишимиз мумкин. Агар компютердан Кришнага хизмат қилишда фойдаланиш мумкин бўлса, ундан фойдаланиш бизнинг бурчимиз бўлади. Ҳар бир нарсага ҳам худди ана шундай муносабатда бўлиш керак. Биз биламизки, ҳамма нарса Кришнадан чиққан, бирор нарса Кришнадан ташқарида эмас ва Кришна ҳамма нарсанинг ҳақиқий эгаси. Кришна - ҳам сабаб, ҳам оқибат. Бу дунёда ҳеч нарса бизники эмас, ҳамма нарса Кришнаники, шунинг учун ҳамма нарсдан Кришнага хизмат қилишда фойдаланиш керак. Бизнинг нуқтаи-назаримиз шундай.

Лекин бу, биз Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларини бузишимиз ёки талаб қилинадиган қоида ва чекланишларга эътибор бермаслигимиз мумкин, дегани эмас. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланғич поғоналарида бизга руҳий устоз кўрсатган барча қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш лозим. Бирор нарсани Кришнага ишлатиш ёки ишлатмасликни ўзимиз истаган ҳолда эмас, балки Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидалари асосида ҳал қилиш лозим. Бундан Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳаммаша албатта руҳий устознинг зарурлиги ҳақида хулоса келиб чиқади. Руҳий устоз Худонинг Олий Шахси номидан содиқнинг ишларини бошқариб туради.

Руҳий устоз бойлик орттириш ёки издошларининг сонини кўпайтириш билан шуғулланмаслиги керак. Ҳақиқий руҳий устоз ҳеч қачон бундай мақсадларга интилмайди. Лекин шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, бунга ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда одам ўзини руҳий устоз деб эълон қилади. Ана шундай руҳий устоз шогирдларининг сонини кўпайтиришга ва кўпроқ бойлик орттиришга интилиши мумкин. Бу унинг Худога садоқат билан хизмат қилишда эришган поғонаси унчалик юқори эмаслигидан далолат беради. Ана шундай мақсадларга интилишга ружу қўйган

содикнинг Худога садоқат билан хизмат қилиши завоп топади. Шунинг учун шогирдлар силсиласи қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этиш керак.

Кришнани англаб етган одамнинг қалби табиий равишда пок, шунинг учун унинг ўз фикрларини, амалларини поклаш учун бошқа усуллар ахтариб юришига мутлақо ҳожат йўқ. Унинг Кришнани англашда эришган юксак поғонаси унинг барча эзгу фазилатларга эга эканидан, сеҳрли йога билан шуғулланишда тавсия қилинадиган барча қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб юрганидан далолат бериб турибди. Худонинг содиқлари учун бу қоидаларга амал қилиш зарурлиги ўз-ўзидан яққол кўриниб турган нарсаси. Бунга - бошқа бирор тирик мавжудотга озор бермаслик қонунини олиш мумкин. Одатда бундай ишларни эзгу иш деб атайдилар. Худонинг содиқлари ўзларининг табиатига кўра ҳеч бир тирик мавжудотга зулм қилмайдилар, шунинг учун бундай эзгу ишларни қилиш учун у қандайдир бошқача усул излаб юришнинг ҳожати йўқ. Покланиш учун кўп одамлар вегетариан бўлишга уриниб юрадилар, Худонинг содиқлари эса, ўз-ўзидан вегетариан таомлар билан овқатланади. Вегетариан бўлиш учун у махсус тайёрланиб юришнинг, ёки бирор клубга, жамиятга аъзо бўлишининг ҳожати йўқ.

Мана шу ва бошқа мисоллардан кўриш мумкин, Худонинг содиқлари покланиш учун бошқа бирор усул излаб юришларининг ҳожати йўқ, улар фақат Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этсалар бас, шунинг ўзи кифоя. Фаришталарнинг барча эзгу фазилатлари уларда ўз-ўзидан ривожлана боради. Онгли

равишда вегетариан қоидаларга амал қилиб юрган ёки бошқа тирик мавжудотларга озор бермасликка ҳаракат қилиб юрган одам дунёвий, моддий нуктаи-назардан қараганда яхши сифатларга эга одам бўлиб кўриниши мумкин, аммо, Худонинг содиқ хизматкори бўлиш учун фақат шу амалларнинг ўзи етарли эмас. Аксинча, Худонинг содиқ хизматкорлари учун эса, бошқа тирик мавжудотларга озор бермаслик ва вегетариан бўлиш ўз-ўзидан кўриниб турган нарсалардир. Бундан кўриниб турибдики, на вегетариан бўлиш, на тирик мавжудотларга озор бермаслик ҳали одамни ўз-ўзидан Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтара олмайди.

Бу борада "Сканда-пурана"да бир ҳикоя бор

Унда Нарада Мунининг насиҳатлари билан Худонинг буюк содигига айланган бир овчи ҳақида гап боради. Комил содиқ бўлгандан кейин у ҳатто чумолига ҳам озор бергиси келмай қолади. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан бешафқат овчининг бу даражада ўзгарганини кўриб, Нарада Мунининг дўсти Парвата Муни унга шундай дейди: "Эй азиз овчи, сенинг ҳатто чумолини ҳам ўлдиришни истамай туришининг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Қалбида бхакти ривожланган содиқда барча эзгу

фазилатлар ўз-ўзидан ривожланаверади. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон ҳеч кимга озор бермайди".

Шрила Рупа Госвами бу ерда тасдиқлаб айтяптики, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамнинг, бошқа ҳеч қандай уринишларсиз, қалби, онги ҳам, қилаётган жисмоний ишлари ҳам ўз-ўзидан поклана боради, у ўз-ўзидан камсуқум, камтарин, хотиржам, осойишта бўлиб, бошқа эзгу фазилатларга ҳам эга бўла боради.

Шрила Рупа Госвами Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мавжудлигини айтади: тинглаш, такрорлаш, хизмат қилиш, эҳромда Илоҳга сажда қилиш, илтижо қилиш, Худонинг кўрсатмаларини бажариш, Кришнага дўст сифатида хизмат қилиш, Унга ҳамма нарсасини қурбон қилиш. Мана шу жараёнларнинг ҳар бири шундай илоҳий қудратга эгаки, уларнинг атиги бирортаси билан шуғулланиб юрган одамнинг ўзи истаган камолот чўққисига кўтарилиши аниқ кафолатланади. Худога садоқат билан хизмат қилишда ўзи истаган даражага Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашга боғланиб қолган одам ҳам, Унинг муқаддас номларини зикр қилишга, шарафлаб кўйлашга боғланиб қолган одам ҳам эриша олади. Буларнинг ҳаммаси "Чайтанья Чаритамрита"да тушунтирилган. Содиқ истаган мақсадга - Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам ўрнашиб олишга эришиш учун бу усулларнинг биттаси, иккитаси, учтаси ёки биратўла ҳаммаси билан шуғулланиб юриши мумкин.

Мана шу усулларнинг биргина тури билан шуғулланиб, руҳий юксалишда камолотга эришган содиқлар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Махараж Парикшит фақат "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш билан истаган мақсадига эришди. Шукадева Госвами фақат "Шримад Бхагаватам"ни такрор гапириб бериш билан мақсадига эришди. Прахлад Махараж ҳаммаша Парвардигорни эслаб юриш билан Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришди. Лакшми, равнақ фариштаси ҳаммаша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиб камолотга эришган. Шоҳ Притху эҳромда Парвардигорга сажда қилиш билан, Акрура - Парвардигор Кришнага илтижо қилиш билан руҳий ҳаётда муваффақиятга эришди. Хануман Парвардигор Рамачандрага хизмат қилиш билан камолотга эришди. Аржун Кришнанинг яқин дўсти бўлгани учун руҳий камолотга эришди. Бали Махараж бор молудунёсининг ҳаммасини Кришнага таклиф этиш билан муваффақиятга эришди.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳамма тури билан бир вақтда шуғулланиб юрган содиқлар ҳақида ҳам ҳикоялар бор. "Шримад Бхагаватам"нинг тўққизинчи кўшиғида(4.18-20) Худого садоқат билан хизмат қилишнинг ҳамма тури билан шуғулланган Амбариша Махараж ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Шукадева Госвами шундай

дейди: "Энг аввало шоҳ Амбариша ақлини Парвардигор Кришнанинг нилуфар кадамлари пойида мужассам қилди, кейин нутқини Парвардигорнинг эрмаклари ва кароматларини таърифлаш билан машғул қилди, қўллари билан Парвардигорнинг эхромини ювди, кулоқлари билан Парвардигор ҳақидаги илоҳий ҳикояларни тинглади, кўзлари билан эхромдаги Илоҳларнинг гўзал жамолини томоша қилди, танасини Худонинг соф содиқлари билан ҳамсухбат бўлишда ишлатди(ҳамсухбат бўлиш деганда - одамлар бирга ўтирадилар, бирга овқатланадилар ва ҳоказо - шунда уларнинг таналари албатта бир-биринга тегади. Махараж Амбариша фақат соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлди, бошқа бирор одамнинг ўзига яқин келишига йўл қўймади). Унинг бурунлари Парвардигор Кришнага таклиф этилган гуллар ва туласи баргларини хидларди, тили билан эса, прасаднинг таъмидан лаззатланарди. Амбариша Махараж Парвардигор Кришнага жуда танқис, ширин таомлар таклиф қилиши мумкин эди, чунки у шоҳ бўлиб, ҳеч нарсага муҳтож эмасди. У Парвардигор Кришнага ҳар хил ширин таомлар таклиф қилар, кейн ўзи Ундан қолган таом(кришна-прасад) билан овқатланарди. Амбариша Махаражнинг бирор нарсадан муҳтожлиги йўқ бўлиб, Парвардигорнинг чиройли эхроми унга қарашли эди. Унда Илоҳларни ҳар хил чиройли либосларга кийинтириб, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безар, Уларга ширин-ширин таомлар таклиф этардилар. Шу тариқа унда ҳамма нарса етарли бўлиб, нима иш қилса ҳам фақат Кришна онгида қиларди". Биз ана шундай буюк содиқларнинг изидан боришимиз лозим. Агар биз Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бирданига ҳамма тури билан шуғуллана олмасак, аввалги ўтган ачарйалардан ўрнат олиб, ҳеч бўлмаса Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қайсидир бир тури билан мунтазам шуғулланиб юришга ҳаракат қилишимиз лозим. Агар биз Амбариша Махараж сингари Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳамма тури билан шуғуллансак, уларнинг ҳар бири бизнинг руҳий камолотга эришимизга кафолот беради. Содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бирор тури билан бутунлай машғул бўла бошлаши биланок унда ўз-ўзидан моддий иллатларга бўлган боғланиш йўқолиб, руҳий озодлик ундай содиқнинг хизматкори бўлишга интила бошлайди. Бу фикрни Билвамангала Тхакур ҳам тасдиқлайди. Одам қалбида Парвардигорга нисбатан пок, ҳеч нарса билан аралашмаган соф садоқатни ривожлантирганида, руҳий озодлик унинг ортидан худди хизматкордай эргашиб юради.

Шрила Рупа Госвами айтадики, билимдон одамлар одатда қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишни Парвардигорга тантана ва тўкин-сочинлик билан хизмат қилиш деб атайдилар.

## Ўн бешинчи боб.

### Худога самимий садоқат билан хизмат қилиш

Худога самимий садоқат билан хизмат қилишга Вришдаванда Кришнанинг яқин ҳамроҳлари бўлиб юрган содиқлардан жуда кўп мисол келтириш мумкин. Вриндаван аҳолисининг Кришнага нисбатан намоён этаётган самимий муҳаббатини *рагануга* деб атайдилар. Вриндаванда яшаётган содиқларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишни кимдандир ўрганиши шарт эмас. Улар аллақачон қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришиб, Худонинг Олий Шахсига самимий садоқат билан хизмат қилиш даражасига етган содиқлардир. Масалан, Кришна билан бирга ўйнаб юрган подачи-болалар Парвардигор Кришна билан бирга ўйнашни ўрганиш учун қаттиқ риёзатларга берилиши, муқаддас қасамларга амал қилиши ёки йога билан шуғулланишининг ҳожати йўқ. Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча синовларидан улар аввалги ҳаётларида муваффақият билан ўтган, шунинг натижасида ҳозирги ҳаётида Парвардигор Кришна билан Унинг яқин дўстлари сифатида бевосита ҳамсухбат бўлиш имкониятига эга бўлганлар. Уларнинг Кришнага самимий муҳаббат билан қилаётган хизматлари *рагануга-бхакти* деб аталади.

Шрила Рупа Госвами *рагануга-бхакти* иборасини бирор нарсага "ўз-ўзидан боғланиш" деб таърифлайди. Унда одамнинг бутун ақлу-хаёли ўзи боғланган нарсада мужассам бўлади ва қалбини шу нарсага чексиз муҳаббат туйғуси эгаллаб олади. Парвардигорга самимий муҳаббат юзасидан садоқат билан хизмат қилиш *рагануга-бхакти* деб аталади. *Рагануга* тоифасига кирадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини ўз навбатида икки турга бўлиш мумкин: ҳиссиётларнинг боғланиши ва ўзаро муносабатлар.

Бу "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(1.30) таърифланган, унда Нарада Муни Юдхитхирага шундай дейди: "Эй шоҳ, жуда кўп содиқларни Парвардигорга аввалига ҳиссий лаззатланишга интилиш, Унга нисбатан ҳасад, Унинг олдида қўркиш ёки У билан яқин муносабатлар ўрнатиш истаги олиб келган. Лекин, охир-оқибатда уларнинг Парвардигорга бўлган муносабатлари барча моддий иллатлардан покланади ва Унга сиғиниб юрган одам ўзининг қалбида аста-секин илоҳий муҳаббат туйғусини ривожлантира боради, шунда одам инсон ҳаётининг соф содиқлар интилиб юрган энг олий максадига эришади".

Ҳиссий лаззатланишга интилиш натижасида юзага келган самимий муҳаббатга мисол қилиб гопилардаги Кришнага бўлган боғланишни олиш

мумкин. Гопилар - ёш қизлар, Кришна эса - ёш йигит. Бир қарашда гопиларнинг Кришнага интилиши моддий оламдаги эҳтиросга ўхшаб кўриниши мумкин. Яна бир мисол - шоҳ Камса, у Кришнадан кўрққанидан Унга қаттиқ боғланиб қолган. Камса ҳамиша Кришнадан кўркиб яшарди, чунки унинг ажали синглизининг ўғлининг, яъни Кришнанинг қўлида экани башорат этилган эди. Шишупала ҳамиша Кришнага ҳасад қилиб юрган. Йадулар хонадонининг аъзолари эса, Кришна билан қариндош бўлгани учун Унга ўз оиласининг аъзоси сифатида боғланиб қолган эдилар. Бу мисолларнинг барчасида содиқларнинг Кришнага ўз-ўзидан боғланиб қолишининг сабаблари ҳар хил, аммо, уларнинг барчаси ҳаётда бир мақсадга эришганлар.

Гопиларнинг ва Йаду хонадонодагиларнинг Кришнага бўлган боғланишлари *рагануга* тоифасига киради. Камса ва Шишупаланинг Кришнага боғланишлари эса, салбий муносабатда боғланиш бўлгани сабабли бундай боғланишни Худого садоқат билан хизмат қилиш деб ҳисоблаш мумкин эмас. Садоқат билан хизмат қилиш деганда хизмат қилаётган Зотга ижобий муносабатда бўлиб хизмат қилиш назарда тутилади. Шунинг учун, Шрила Рупа Госвами таъкидлаб айтадики, уларнинг Кришнага боғланиши садоқат билан хизмат қилиш тоифасига кирмайди. Кейин Шрила Рупа Госвами Йадаваларнинг Кришнага муносабатини таҳлил қилади: агар муносабатлар дўстликка асосланган бўлса, уни самимий муҳаббат деб айтиш мумкин, лекин агар у белгиланган қонун-қоидаларга асосланган бўлса, уни самимий муҳаббат деб бўлмайди. Кришна билан содиқнинг ўзаро муносабатлари фақат самимий муҳаббат асосида бўлганидагина уларни Худого соф садоқат билан хизмат қилиш деб ҳисоблаш мумкин.

Балки, гопилар ҳам, Камса ҳам охир-оқибатда ҳаётда бир мақсадга эришгани унчалик тушунарли бўлмаган бўлса керак. Камса билан Шишупаланинг Кришнага бўлган муносабати гопиларнинг Кришнага бўлган муносабатларидан кескин фарқ қилгани учун, уларнинг қандай қилиб бир мақсадга эришганини яхшилаб тушуниб олиш керак. Бу икки ҳолатда ҳам одамнинг ақлу-хаёли ягона Парвардигорда, Худонинг Олий Шахсида мужассам бўлган, шу боис бу содиқларнинг ҳаммаси руҳий оламга эришадилар, лекин барибир бу икки тоифа руҳларнинг орасида фарқ бор. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат ягона, аммо У Ўзини шахсиятсиз Брахман, Параматма(Олий Рух) ва Бхагаван(Худонинг Олий Шахси) кўринишида намоён этади. Руҳий ранг-барангликнинг манбаи мана шунда намоён бўлади. Гарчи шахсиятсиз Брахман, Параматма ва Бхагаван аслида ягона бир Зот - Мутлақ Ҳақиқат бўлса ҳам, Камса ва Шишупала сингари содиқлар фақат шахсиятсиз Брахманнинг нурига эришадилар. Параматма ва

Бхагаванни англаб етишга улар қодир эмаслар. Улар билан гопилар орасидаги фарқ шундан иборат.

Буни қуёш нури ва қуёш билан таққослаб ўрганиш мумкин. Қуёш нурлари остида туриш ҳали қуёшга эришиш дегани эмас. Қуёшдаги ҳарорат ва қуёш нурининг ҳарорати бир хил эмас. Самолет ёки комик кемада қуёш нуларини кесиб ўтиш ҳали қуёшда бўлиш дегани эмас. Гарчи қуёш ва қуёш нури аслини олганда бир-биридан фарқ қилмаса ҳам, барибир уларнинг фарқи бор, чунки қуёш нурлари - қувват, қуёш эса - ана шу қувватнинг манбаи. Худди шундай Мутлақ Ҳақиқат ва Мутлақ Ҳақиқатнинг танасидан таралиб турган ёғду бир вақтнинг ўзида: ҳам яхлит бирлик, ҳам бир-биридан фарқ қилади. Камса билан Шишупала Мутлақ Ҳақиқатга эришдилар, аммо уларга Голока Вриндаваннинг илоҳий салтанатига кириш ҳуқуқи берилмаган. Парвардигорга қаттиқ боғлангани шарофати билан имперсоналистларга ва Худонинг ашаддий рақибларига Худонинг даргоҳига бориш ҳуқуқи берилади, лекин уларга Парвардигорнинг бевосита Ўзи яшайдиган Голока Вриндаванага ва Ваикунтха сайёраларига кириш ҳуқуқи берилмаган. Салтанат чегарасидан ичкари кириш қаёқда-ю, шоҳнинг саройига кириш қаёқда.

Шрила Рупа Госвами имперсоналистлар ҳамда персоналистларнинг эришадиган натижаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Одатда имперсоналистлар ва Худонинг Олий Шахсига душманлик муносабатида бўладиган одамлар руҳий камолотга эришганларида фақат шахсиятсиз Брахманга бордилар. Имперсоналист-файласуфлар Худонинг душманлари билан бир хил даражага тушиб қоладилар, чунки Парвардигор Ўзининг душманларига ҳам, имперсоналистларга ҳам фақат *брахмажйоти* нурларига эришиш имкониятини беради. Демак, улар бир тоифага мансуб одамлар ҳисобланадилар. Аслини олганда имперсоналистлар Парвардигорга душманлик муносабатидаги одамлардир - улар Парвардигорнинг чексиз қудратга, чексиз бойликка эга бўлган Шахс эканини кўролмайдилар. Улар ўзларини ҳамиша Парвардигор билан бир қаторда қўйишга уринадилар. Улардаги Парвардигорга бўлган душманлик, ҳасад туйғуси мана шундай намоён бўлади. Чайтанья Махапрабху имперсоналистларни Парвардигорни ҳақорат қилувчилар деб атаган эди. Аммо, Парвардигор шу қадар меҳрибон, раҳмдилки, ҳатто Ўзининг душманларига ҳам руҳий оламга киришга, шахсиятсиз брахмажйоти нурларида, Мутлақ Ҳақиқатнинг ёғдусида юришга руҳсат беради.

Баъзи ҳолатларда имперсоналист ҳам руҳий юксалиш давомида аста-секин Парвардигорнинг шахс эканини англаб олиши мумкин. Буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди: "Жуда кўп туғилиш ва ўлишлардан кейин, ҳақиқий илмга эга бўлган одам ўз ихтиёрини Менга топширади". Кришнага ўз ихтиёрини топшириб, имперсоналист руҳий сайё-

ралардан бирига, Ваикунтха-локага эришиши, унда ўзини Худога топширган рух сифатида Парвардигорниқига ўхшаган тана олиши мумкин.

"Брахманда-пурана"да шундай дейилган: "Моддий иллатлардан покланиб, озодликка эришганлар ҳамда, Парвардигорнинг шахсан Ўзи ўлдирган иблислар шахсиятсиз Браҳман борлиғига қўшилиб кетадилар ва брахмажйоти руҳий осмонига кирадилар". Бу руҳий осмон моддий олам осмонидан анча узоқда жойлашган. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, моддий олам осмонидан ташқарида, бошқа табиатли осмон мавжуд. Кришнанинг душманларига ва имперсоналистларга баъзан шахсиятсиз Браҳманнинг нурига кириш имкони берилади, аммо Худонинг содиқлари бу йўлни охиригача ўтиб, руҳий сайёраларгача етиб борадилар. Худонинг содиқлари Худонинг Олий Шахсига нисбатан қалбида самимий муҳаббат уйғота олгани учун улар руҳий сайёраларга борадилар, у жойда Худонинг Олий Шахси билан бирга бўлиб, илоҳий лаззатдан роҳатланиб мангу яшайдилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(87.23) Ведалар тимсоли Парвардигорга шундай сўзлар билан мурожаат қилади: "Эй азиз Худойим, Сенинг мужассам қиёфанг, Параматмага муроқабат қиладиган йоглар шахсиятсиз Браҳманга қўшилиб руҳий баркамолликка эришадилар. Сени ўзларининг душмани деб биладиган одамлар ҳам ҳеч қандай муроқабасиз ана шундай даражага эришадилар. Сенинг илон сингари қўлларинг кучоғида юрган, Сенга эҳтирос билан интилиб юрган гопилар ҳам шундай баркамолликка эришадилар. Ведалар илмининг ҳар хил қисмларига маъсул бўлган биз фаришталар ҳам, шундай баркамолликка эришишдан умидвор бўлиб, гопилардан ўрناق олишга интиламиз". "Шундай баркамолликка" деганда куёш ва куёш нури ҳақидаги мисолни эслаш керак. Имперсоналистлар фақат куёш нурларига ўхшаган брахмажйотига сингиб кетишлари мумкин, Худонинг Олий Шахси билан самимий муҳаббатга асосланган муносабатда бўлганлар учун эса, энг Олий Даргоҳ, Голока Вриндавандан жой ҳозирлаб қўйилган.

Гопиларнинг эҳтиросини бу дунёдаги эҳтироснинг ҳеч қандай тури билан қиёслаб бўлмайди. Шрила Рупа Госвами тушунтириб айтганки, бу ерда эҳтирос деганда Худонинг содиқларини Кришна билан ўзаро боғлаб турадиган алоҳида муносабатлар кўзда тутилган. Руҳий камолотга эришган ҳар бир содиқнинг қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан ўз-ўзидан самимий интилиш юзага келади. Мана шу интилишни одатда содиқнинг эҳтироси деб атайдилар. Бу эҳтирос содиқ хизматкорнинг Кришнага қандайдир муносабатда муҳаббат билан хизмат қилишга бўлган кучли интилишида намоён бўлади. Бу истак содиқнинг Кришнадан лаззатланишга бўлган интилишидай бўлиб кўриниши мумкин, аммо аслида содиқ қандайдир муносабат-

да Кришнага хизмат қилишга интилади. Масалан, содиқ Парвардигор Кришна билан Унинг подачи дўстларининг бири сифатида ҳамсуҳбат бўлишга интилиши мумкин. У Кришнага бузукларни ўтлоқда боқишда ёрдамлашишга интилади. Бу ерда содиқ Кришна билан ҳамсуҳбат бўлишдан лаззатланишга интиляпти, деб ўйлаш мумкин, аслида эса, бу - Кришнага бўлган самимий муҳаббатнинг ва Унга илоҳий бузукларни боқишда ёрдам бериб хизмат қилишга интилишнинг намоён бўлишидир.

### Кришнага ҳиссиётлар орқали боғланиш

Парвардигорга ана шундай кучли интилишни илоҳий Ваджада яшаётган содиқлар, айниқса гопилар намоён этадилар. Гопиларнинг Кришнага бўлган самимий муҳаббатлари шу қадар кучли, улғуворки, бизлар шу туйғу ҳақида бироз тасаввурга эга бўлишимиз учун уни баъзан эҳтирос деб атайдилар.

"Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи Кавираджа Кришнада эҳтирос билан хизмат қилишга интилиш орасидаги фарқни шундай тушунтиради: "Эҳтирос деганда ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш истаги тушунилади, илоҳий истак деганда эса, Парвардигорнинг ҳиссиётларига хизмат қилишга интилишни тушуниш керак". Моддий оламда ҳеч қачон биров севгилисининг ҳиссиётларини қондиришга интилмайди. Аслини олганда, моддий оламда ҳар бир одам фақат ўзининг ҳиссиётларини қондиришга интилади. Лекин, гопиларда Парвардигорнинг ҳиссиётини лаззатлантиришдан бошқа ҳеч қандай истак йўқ эди, бундай ҳолни моддий оламда учратиш бўлмайди. Шунинг учун олимлар гопиларнинг Кришнага бўлган жазавали муҳаббатини эҳтирос деб таърифлаганида, бу сўзнинг маъносини моддий нуктаи-назарда тушунмаслик керак. Бу шунчаки уларнинг илоҳий ҳолатларини тушуниш ва таърифлашга бўлган бир уриниш, холос.

Уддхаванинг ҳолатида бўлган буюк содиқлар Парвардигор билан жуда яқин дўстона муносабатда бўладилар, лекин, ҳатто улар ҳам гопилардан ўрناق олишга ҳаракат қиладилар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, гопиларнинг Кришнага бўлган муносабатларининг бу дунёдаги моддий эҳтирос тушунчасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Акс ҳолда, Уддхава гопилардан ўрناق олишга интилармиди? Бунга яна бир мисол - Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг Ўзи. Саннийаси, таркидунёлик турмуш тарзига ўтгандан кейин, У аёллар билан бўладиган ҳар қандай алоқани бутунлай тарк этди. Лекин шунга қарамай, Кришнага сиғинишнинг гопилар танлаган йўлдан ҳам яхшироқ усули йўқ деб ўргатган. Шундай қилиб, ҳатто Шри Чайтанья Махапрабхунинг Ўзи ҳам гопиларнинг Кришнага сиғиниш йўлини энг юқори поғонада эканлигини тасдиқлаган. Мана шунинг ўзиёқ, гарчи бир қараганда бир хилдай туюлса ҳам, гопиларнинг Кришнага бўлган

эҳтиросли муносабатлари бу дунёдаги боғланишлардан мутлақо фарқ қилишини исботлайди. Токи одам илоҳий даражага кўтарилмагунча унинг гопилар билан Кришнанинг ўзаро муносабатларини англаб етиши жуда мушкул. Уларнинг муносабатлари ёш йигит ва қизларнинг ўзаро муносабатларига ўхшаб кетгани сабабли, кўпинча уларни худди моддий оламдаги ишқий муносабатларга ўхшайди деб, нотўғри тушунадилар. Афсуски, гопилар билан Кришна ора-сидаги самимий муҳаббатга асосланган муносабатларнинг илоҳий табиатини тушуна олмайдиган одамлар бу муносабатлар моддий оламдаги муносабатлардан фарқ қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун кўпинча шундай сохта содиқлар бу муносабатларни моддий оламдагидай қилиб таърифлашга журъат этадилар.

Аксинча, самимий муҳаббат таъсири остида Кришнага яқинлашишни истаган букри аёл Кубжанинг Кришнага бўлган муносабатини билимдон олимлар “деярли эҳтирос” деб ҳисоблаганлар. Унинг Кришнага бўлган муносабати бу дунёдаги йигит-қизларнинг бир бирига интилишига ўхшаб кетади. Шунинг учун унинг муҳаббатини гопиларнинг Кришнага бўлган муҳаббати билан тенглаб бўлмайди. Кубжанинг Кришнага бўлган муносабатини *кама-прайа*, яъни гопиларнинг Кришнага бўлган муҳаббатига ўхшаган (бир хил эмас) деб атайдилар.

Ўн олтинчи боб.

## Худога самимий садоқат билан хизмат қилиш (давоми)

### Ўзаро муносабатлар.

Вриндавандаги Нанда Махараж ва Яшода сингари содиқларнинг Кришна, Худонинг Олий Шахси билан ўзаро ота-она ва фарзанд кўринишидаги мукамал илоҳий муносабатларини тўғри англай билиш керак. Аслини олганда ҳеч ким Кришнанинг отаси ёки онаси бўлолмайди, аммо содиқнинг қалбидаги Парвардигорга нисбатан бўлган ана шундай самимий хис-туйғулари унинг Кришнага ота-она муносабатидаги муҳаббат деб аталади. Дваракадаги Кришнанинг қариндошлари, Вришнилари ҳам Унга худди шундай муносабатда муҳаббат намоён этадилар. Демак, Дваракадаги Вришнилари ҳам, Вриндаван аҳолиси ҳам Кришнага нисбатан ота-она сифатида самимий муҳаббат намоён этганлар.

Вришнилари ва Вриндавандагиларнинг Кришнага бўлган бундай самимий муҳаббати уларнинг қалбида мангу сақланиб қолади. Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасида бу мавзуни муҳокама қилишнинг ҳожати йўқ, чунки руҳий

юксалишда юқорироқ поғонага кўтарилганда унинг ўзи ривожлана бориши керак.

## Самимий муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига ким кўтарила олади

Парвардигорнинг мангу содиқлари - Вриндаван аҳолиси ва вришнилари изидан боришга интилаётган содиқларни раганугалар деб атайдилар, яъни улар ҳам худди мана шу содиқлар сингари қалбида Кришнага самимий муҳаббат уйғотишга ҳаракат қиладилар. *Рагануга* тоифасига кирадиган содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишда белгиланган қонун-қоидаларига қатъий амал қилмайдилар, лекин уларнинг қалбида ўз-ўзидан табиий равишда Нанда Махараж ёки Яшода сингари содиқларга нисбатан қаттиқ боғланиш ва улардан ўрнак олиш истаги пайдо бўлади. Маълум бир содиққа ўхшашга интилиш содиқнинг қалбида ўзидан-ўзи пайдо бўлади, ана шундай фаолият *рагануга* деб аталади.

Аммо, шуни эсда тутиш лозимки, токи содиқнинг қалби моддий иллатлардан покланмагунча унда садоқат билан хизмат қилишда Ваджа аҳолиси изидан бориш истаги пайдо бўлмайди. Садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига амал қилиш жараёнида содиқ “барча моддий иллатлардан покланиш”ни билдирадиган *анартханивритти* поғонасига кўтарилади. Баъзида гарчи ҳали анартхалардан, бемаъни одатлардан покланмай туриб, одамнинг Парвардигорга самимий муҳаббат билан хизмат қилишга тақлид қилаётганини кўриш мумкин. Ана шундай содиқлар ўзларини Нанаданинг, Яшоданинг ёки гопиларнинг издошлари деб эълон қилганларини, лекин унинг қалбида ҳали дунёвий жирканч жинсий ҳаётга боғланиш туйғуси бор экани яққол сезилиб турганини кўриш мумкин. “Илоҳий муҳаббат”нинг ана шундай намоён бўлишлари шунчаки тақлид қилиш бўлиб, унинг ҳақиқий муҳаббатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Содиқнинг қалбида гопиларники сингари, самимий муҳаббат қонун-қоидаларига, Кришнага қаттиқ боғланиш пайдо бўлганида унда моддий иллатлардан асар ҳам қолмайди.

Демак, содиқ қалбида Кришнага нисбатан самимий муҳаббат уйғотишни садоқат билан хизмат қилишнинг руҳий устоз кўрсатган ва шастраларда берилган қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишдан бошлаши керак. Фақат барча моддий иллатлардан поклангандан кейингина содиқ ҳақиқатан ҳам Вриндаван аҳолисининг изидан боришга ҳаракат қилиши мумкин.

Шри Рупа Госвами шундай дейди: “Моддий иллатлардан ҳақиқатан ҳам покланган содиқ Кришнани худди шу содиқдай самимий муҳаббат билан севишни ўрганиш учун, Вриндавандаги Кришнанинг баъзи бир мангу содиғини ҳамиша эслаб юриши мумкин. Қалбида ана шундай қобилятни ривожлантира олган содиқ, ҳеч



бўлмаса хаёлида бўлса ҳам, ҳамини Вриндаванда яшаётган бўлади”. Бу ерда шу назарда тутиляптики, агар иложи бўлса, содиқ Ваджабхумига, Вриндаванга кўчиб бориши ва у ерда Ваджадхаманинг, Ваджанинг илоҳий салтанатининг содиқларидан ўрнак олиб, Кришнага хизмат қила бошлаши керак. Агар содиқнинг жисмонан Вриндаванда бўлиш имконияти бўлмаса, у жаҳоннинг истаган жойида яшаб туриб ҳам Вриндавандаги ҳаётни мувоқабат қилиб юриши мумкин. Одам қаерда яшаса ҳам ҳамини Ваджа-дхамандаги ҳаёт ҳақида, Худога садоқат билан хизмат қилишда ўзи танлаган бирор содиққа ўхшаб қандай амаллар қилиш ҳақида ўйлаб юриши лозим.

Ҳақиқатан ҳам қалбида Кришна онгини ривожлантирган, ҳамини Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган одам ҳатто руҳий камолотга эришган бўлса ҳам, уни бошқаларга кўз-кўз қилиб намойиш этишининг ҳожати йўқ. Яъни, токи содиқ моддий оламда қолар экан, у ҳамини худди тажрибасиз содиқ сингари ҳаракат қилиб юриши лозим. Ҳатто соф содиқлар ҳам садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб яшашлари лозим. Лекин, у Парвардигор билан ўзининг ўзаро ҳақиқий мангу муносабатини аниқ билиб олганида, барча қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда ўз бурчини бажариш билан бирга, Кришнанинг яқин ҳамроҳларидан бирини ўзига раҳбар сифатида танлаб, ундан ўрнак олиб, ҳамини уни ўйлаб юриши мумкин.

Мана шу кўрсатмага жиддий эътибор берган ҳолда, *сиддха-пранали* йўлига эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак. *Сиддха-пранали* - ҳали бунга муносиб бўлмаган одамнинг Худога садоқат билан хизмат қилишнинг фақат ўзига хос турини қабул қилишидир. Уларнинг фикрича, Худонинг яқин ҳамроҳлари даврасига кириш учун содиқ хаёлида шунга мувоқабат қилса, яъни ўзини шундай деб тасаввур қилса бас. Лекин бундай қилиш садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига мувофиқ тўғри келмайди. Сиддха-пранали йўлидан сохта вайшнавларнинг бир оқими бўлган *пракрита-сахаджилар* борадилар. Шрила Рупа Госвамиининг фикрига кўра бундай фаолият билан машғул бўлиш - Парвардигорга ҳақиқий садоқат билан хизмат қилиш йўлида катта ғов бўлади.

Шрила Рупа Госвами айтадики, ишонарли ачарйалар, ҳатто қалбимизда Кришнага нисбатан самимий муҳаббат уйғонгандан кейин ҳам садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига амал қилишни тарқ этмасликни тавсия этадилар. Қонун-қоидаларга кўра, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мавжуд, қалбимизда қайси турга табиий боғланиш кучлироқ бўлса шу тури билан садоқат билан хизмат қилишда давом этавериш лозим. Масалан, кимдир Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашни яхши кўради, кимгадир Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёки уларни куйлаш ёқади, кимдир эҳромда

хизмат қилишни ёқтиради. Мана шу уч турли хизматни ёки қолган олти туридан бирортаси билан Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда жиддий давом этиш керак. Шундай қилиб, ҳар ким ўзининг лаёқатига, мойиллигига қараб Худога хизмат қилиши керак.

### Эр-хотин муносабатидаги муҳаббат

Вриндавандаги гопиларнинг ёки Дваракадаги маликаларнинг Худога садоқат билан хизмат қилиши Парвардигорга эр-хотин муносабатида хизмат қилиш деб аталади. Эр-хотин сифатида хизмат қилиш икки тур бўлади: билвосита эр-хотин муносабатлари ва бевосита эр-хотин муносабатлари. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳар икки турида ҳам содиқ Голока Вриндаванда ана шундай хизмат қилиб юрган маълум бир гопининг изидан бориши керак. Эр-хотин сифатидаги самимий муҳаббат доирасида Худонинг Олий Шахсига бевосита боғланиш санскрит тилида *кели* деб аталади. *Кели* Худонинг Олий Шахси билан бевосита қўшилишни билдиради. Худонинг Олий Шахси билан бевосита ҳамсуҳбат бўлишни истамайдиган содиқлар ҳам бор, улар Парвардигорнинг гопилар билан ўзаро эр-хотинлардай муносабатларидан лаззат оладилар. Шундай содиқлар Парвардигорнинг гопилар билан ўзаро муносабатларини тинглашдан лаззатланадилар.

Парвардигорга нисбатан шундай муҳаббат поғонасига эҳромда Радха-Кришнага сиғиниш қонун-қоидаларига амал қилиб юрган содиқлар эришиши мумкин. Шундай содиқларда аста-секин эҳромдаги Илоҳларга нисбатан самимий муҳаббат уйғониб, ривожлана боради, Парвардигорнинг гопилар билан ўзаро ишқий муносабатлари ҳақида ҳикоялар тинглаб, уларнинг қалбида Уларнинг ана шу эрмакларига боғланиш юзага келади. Мана шу табиий равишда пайдо бўлган боғланиш жуда чуқурлашиб кетганида, содиқ юқоридаги икки турли тоифадан бирига мансуб бўлади.

Кришнага нисбатан эр-хотин муносабатида самимий муҳаббат уйғотиш фақат аёл танасидаги содиқларгагина мансуб эмас. Моддий тананинг илоҳий муҳаббатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аёл танасидаги содиқда Кришнага нисбатан дўстона муносабатдаги муҳаббат ривожланиши, эркак танасидаги содиқда эса, - Вриндаванда гопилардан бири бўлиш истаги ривожланиши мумкин. Эркак танасидаги содиқнинг қалбида гопи бўлиш истаги пайдо бўлишига "Падма пурана"да бир мисол келтирилган. Бир пайтлар Дандакаранияда жуда кўп донишмандлар яшаган. Дандакарания - отасининг амри билан ўн тўрт йил сургунга кетганда Парвардигор Рамачандра яшаган ўрмоннинг номи. Ўша вақтда ўрмонда жуда кўп донишмандлар яшаган. Уларни Парвардигор Рамачандранинг гўзаллиги мафтун этган. Шунда улар Парвардигор Рамачандрани кучоқлаш, бағрига босиш имкония-

тига эга бўлиш учун аёл танасида туғилишни орзу қилганлар. Кейинроқ, Парвардигор Кришна Голока Вриндаванда пайдо бўлганида шу донишмандлар Кришнанинг дугоналари, гопилар бўлиб туғилдилар ва рухий ҳаётда баркамолликка эришдилар.

Дандакаранйадаги донишмандлар тарихини куйидагича изохлаш мумкин. Парвардигор Рамачандра Дандакаранйада яшаган пайтда шу ерда Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган донишмандларни Унинг гўзаллиги мафтун этган, шунда улар шу захотиёқ Кришна билан эр-хотин муносабатида юрган Вриндаванлик гопиларни эслаганлар. Донишмандлар ҳам Парвардигор билан худди гопилар сингари муносабатда бўлишни истаганлар. Улар Кришна ҳам, Рамачандра ҳам ягона Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси эканини яхши билардилар. Парвардигор Рамачандра барча қонун-қоидаларга амал қиладиган намунали шоҳ эди, шунинг учун фақат битта аёл билангина яшай оларди, аммо Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахсининг Ўзи бўлгани учун Вриндаванда уларнинг барчасининг истагини қондириши мумкинлигини улар билардилар. Бунинг устига улар Парвардигор Кришна Парвардигор Рамачандрадан чиройлироқ деган қарорга келдилар, шунинг учун Парвардигор Рамачандрага илтижо қилиб, кейинги ҳаётида Вриндаванда гопи бўлиб туғилиш ва Кришна билан бирга бўлишни илтимос қилдилар. Парвардигор Рамачандра уларга ҳеч қандай жавоб бермади, Унинг жим тургани донишмандларнинг илтижолари инobatга олинганини билдирарди. Шундай қилиб, Парвардигор Рамачандра донишмандларнинг кейинги ҳаётида Парвардигор Кришна билан учрашувларига фотиҳа берган эди. Натижада улар Вриндавандаги гопиларнинг кизлари бўлиб туғилдилар ва ўша пайтда Гокулада яшаган Кришна билан бирга бўлиб, ўзларининг ниятларига етдилар. Шу тарика улар қалбида Кришнага нисбатан эр-хотинлардай самимий муҳаббат туйғусини ривожлантириб, инсон ҳаётида эришиш мумкин бўлган энг юксак камолот чўққисига кўтарилдилар.

Парвардигор билан эр-хотин муносабатлари икки хил бўлиши мумкин: эр билан хотин муносабатлари ва ошиқ-машуқлар муносабати. Қалбида Кришнага нисбатан эр-хотин муносабатида муҳаббат уйғонган содиқ Дваракага боради, у ерда Парвардигорнинг хотинларидан бири бўлади. Қалбида Кришнага нисбатан ўзининг севгилисига нисбатан бўладиган муҳаббатга ўхшаш муҳаббат уйғонган содиқ эса, гопилар билан бирга юриш ва Кришна билан ўзаро муносабатлардан лаззатланиш учун Голока-Вриндаванга боради. Шуни эсда тутиш керакки, Голока-Вриндавандаги гопиларники ёки Дваракадаги Кришнанинг хотинлариники сингари илоҳий муҳаббат фақат аёлларда эмас, Дандакаранйадаги донишмандлар мисолидаги сингари эркак танасидаги содиқларда ҳам ривож-

ланади. Парвардигорга эр-хотин сифатида хизмат қилишга интиладиган, лекин гопилардан ўрناق олишни истамайдиган одам Парвардигор билан Дваракада ҳамсуҳбат бўлиш имкониятига эришади.

"Маха-курма-пурана"да шундай дейилган: "Олов фариштасининг ўғиллари, буюк донишмандлар Парвардигор Кришнага эр-хотин муносабатларида хизмат қилишни истаб, барча қонун-қоидаларга амал қилиб, риёзат чекдилар. Натижада кейинги ҳаётида Васудева ёки Кришна деб аталадиган, бутун борлиқнинг манбаи бўлган Парвардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш имкониятига эга бўлиб, Унинг хотинлари бўлдилар".

## Парвардигор билан ота-она ва дўст сифатида муносабатда бўлиш

Қалбида Парвардигор Кришнага дўст ёки ота-она сифатида муҳаббат уйғонган содиқлар Нанда Махараж ёки Субаладан ўрناق олиб, уларнинг изидан бориши лозим. Нанда Махараж - Парвардигор Кришнанинг тутинган отаси, Субала эса - Враджабхумидаги Унинг энг яқин дўсти.

Парвардигорга оталарча ва дўстларча муносабат икки хилда намоён бўлиши мумкин. Содиқнинг ўзи Парвардигор Кришнанинг отаси бўлишга интилиши мумкин, ёки қалбида Кришнанинг отаси бўлишни орзу қилиб, Нанда Махаражнинг изидан бориши мумкин. Булардан биринчиси - Кришнанинг бевосита отаси бўлишга интилиш - тавсия этилмайди, чунки, бу йўлдан боришда содиқ майвадилар, имперсоналистлар йўлига кириб кетиши мумкин. Майвадилар, монистлар ўзларини Кришнадан фарқ қилмаймиз, деб ҳисоблайдилар. Содиқ ҳам ўзини Нанда Махараж бўлдим, деб ҳисоблай бошласа демак, унинг Парвардигорга бўлган оталарча муносабати ҳам майвадилар фалсафаси билан захарланган бўлади. Майвадиларнинг фикрлари Парвардигорга нисбатан ҳақоратлаш ҳисобланади. Парвардигорни ҳақорат қилган одам эса Худонинг даргоҳига кириш ва Парвардигор Кришна билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятидан маҳрум бўлади.

"Сканда-пурана"да Пандузодаларнинг пойтахти Хастинапурда яшаган бир чол ҳақида ҳикоя бор. Шу чол Кришна ўзининг суюкли ўғли бўлишини жуда орзу қилган эди. Нарада Муни унга Нанда Махараждан ўрناق олишни маслаҳат берди. Нарада Мунининг насихатига амал қилиб чол ниятига етди.

"Нарайана-вйуха-става" илтижоларида айтилганки, Парвардигор ҳақида ҳамиша ўзининг дўсти, эри, отаси ва энг яқин саодатманди сифатида ўйлаб юрган одам бошқа барча одамлар сиғинса арзийдиган табаррук зотдир. Парвардигор Кришнага нисбатан ана шундай самимий муҳаббат одамнинг қалбида фақат Парвардигор Кришнанинг ёки Унинг соф содиқининг алоҳида

марҳамати шарофати билан уйғониши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бу йўли баъзан *пушти-марг* деб аталади. *Пушти* - “озиклантирувчи” *марг* - йўл деганни билдиради. Агар содиқнинг ҳиссиёти шу қадар ривожланган бўлса, шунинг ўзи унинг Худога садоқат билан хизмат қилишини озиклантириб туради ва руҳий юксалишда энг юкори поғонага кўтаради. *Пушти-марг* деганнинг маъноси шундан олинган. Вишнусвами асос солган вайшнавлар мактабининг Валлабха-сампрадаясига мансуб содиқлар мана шу йўлдан борадилар. Гуджаратдаги Бала-Кришнага сиғинадиган содиқларни ҳам одатда *пушти-марг* йўлидан бораётган содиқлар тоифасига мансуб деб ҳисоблайдилар.

Ўн еттинчи боб.

### Парвардигорга нисбатан жазавали илоҳий муҳаббат.

Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқиб, илоҳий поғонага кўтарилади. Унинг қалби ёришиб, куёшдай порлай бошлайди. Куёш барча сайёралар тизимидан анча юкориде туради, ҳеч қандай булутлар уни қоплай олмайди. Худди шундай содиқ ҳам покланганида унинг куёшдай пок қалби ҳам, Парвардигорга нисбатан куёш нурларидан ҳам гўзалроқ жазавали муҳаббат нурларини тарқата бошлайди. Ана шундагина унинг Кришнага бўлган боғланиши мукамал бўлади. Ана шу поғонада, жазавали муҳаббат қамраб олган содиқда ўз-ўзидан енгиб бўлмайдиган даражада Парвардигорга хизмат қилиш истаги пайдо бўлади. Мана шу *уттама-адхикари* - мукамал садоқат поғонасидир. Шундай даражага эришган содиқни ҳеч қандай моддий боғланишлар ташвишга солмайди, у ўзини Радха-Кришнага хизмат қилишга бутунлай бахшида этади.

Бундан аввалги бобларда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг белгилари ва Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат поғонасига кўтарилиш учун ташқи сезги аъзоларидан фойдаланиб, қандай қилиб Худога хизмат қилиш йўллари таърифланган эди. Шунингдек Худога садоқат билан хизмат қилишнинг икки поғонаси муҳокама қилинган эди: қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш ва самимий муҳаббат билан хизмат қилиш. Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш натижавий ва фаол бўлиши мумкин. Садоқат билан хизмат қилишнинг натижалари поғонаси *бхава*, “жазавали лаззат” деб аталади. Бу тўғрида тантраларда айтилганки, *экстаз*, жазавали лаззат Парвардигорга бўлган соф муҳаббатнинг намоён бўлаётганининг биринчи белгисидир. Ана шу поғонада баъзан содиқнинг

вужуди титраб кетиши, кўзларидан ёш оқиши мумкин. Бундай белгилар ҳамиша эмас, вақти-вақти билан бўлиб туради. Дурваса Муни Амбариша Махаражни қийин аҳволга солиб кўйганида, у Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ўйлай бошлади, шу заҳотиёқ унинг кўзларидан ёш оқиб, танаси ўзгара бошлади. Мана шу экстаз белгилари эди. Экстаз содиқнинг танаси титраши, кўзларидан ёш оқиши билан намоён бўлади. Ташқарида намоён бўлиб, бу белгилар содиқнинг ақлида сақланиб қолади, узоқ вақт давом этадиган ана шундай экстаз *самадхи* деб аталади. Ана шундай ҳолатда содиқнинг хис этадиган лаззати уни Кришнага бўлган муносабатини, муҳаббатини ривожлантиришга рағбатлантиради.

Ҳамиша соф содиқлар билан бирга юриш, ёки Кришнанинг ёки Унинг соф содиғининг алоҳида кўрсатган марҳамати шарофати билан экстаз поғонасига кўтарилиш мумкин. Одатда содиқ экстаз поғонасига соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш натижасида эришади. Фақат жуда кам ҳолларда содиқ Кришнанинг ёки Унинг соф содиғининг марҳамати билан экстаз поғонасига кўтарилади. Яъни, Худога садоқат билан хизмат қилишда экстаз поғонасига кўтарилиш учун содиқлар даврасида садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларга амал қилиб юриш лозим. Албатта, жуда кам ҳолларда бундай поғонага Кришнанинг ёки Унинг соф содиғининг алоҳида марҳамати билан ҳам эришиш мумкин ва ҳамиша бундан умидвор бўлиб юриш керак, лекин, шундай марҳаматни кўл қовуштириб кутиб ўтиравермаслик керак. Ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилишда ўзига белгиланган бурч ва вазифаларни тарк этмаслик керак. Масалан, баъзан мактабга бормаган, университетда ўқимаган одам ҳам буюк олим бўлиб етишади ва машҳур университетлар унга ҳар хил фахрий унвонлар тақдим этадилар. Лекин бу - мактаб ва университетни ташлаб, қачон бирор университет менга фахрий унвон берар экан, деб кўл қовуштириб ўтириш керак - дегани эмас. Худди шундай, биз барча қонун-қоидаларга амал қилиб ўз бурчимизни бажаришда давом этишимиз лозим ва айни пайтда ҳамиша Кришнанинг ёки Унинг содиқ хизматкорининг алоҳида марҳаматидан умидвор бўлиб юришимиз лозим.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига амал қилиб юрган ҳолда жазавали муҳаббат поғонасига кўтарилиш мумкинлигига Нарада Мунининг ҳаёти мисол бўла олади. Бу ҳақда у “Шримад Бхагаватам”да Вйасадевага айтиб берган. Нарада Муни ўзининг аввалги ҳаётида қандай қилиб Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат поғонасига кўтарилгани ҳақида гапириб беради. У Парвардигорнинг буюк содиқларига хизмат қилган, уларнинг суҳбатларини, кўшиқларини тинглаган. Унда соф содиқларнинг оғзидан Кришнанинг ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни, кўшиқларни тинглаш имконияти

бўлгани учун у бунга қаттиқ боғланиб қолади. Кришна ҳақида ҳикоялар тинглашга бўлган қаттиқ интилиш аста-секин Кришнага бўлган жазавали муҳаббатга айланади. Содикнинг қалбида Кришнага соф муҳаббат уйғонишидан аввал Унга нисбатан жазавали муҳаббат пайдо бўлади. Буни тасдиқлаб, Нарада Муни айтадики, буюк донишмандларнинг ҳикояларини тинглаб, у аста-секин қалбида Парвардигорга нисбатан муҳаббат ривожлантира борди. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида Нарада Муни буни шундай таърифлайди: "Кузги ёмғир палласида мен вақтимни буюк донишмандлар даврасида ўтказдим. Ҳаммаси шундан бошланди. Ҳар куни эрталаб ва кечкурун уларнинг Ҳаре Кришна мантрасини куйлаганини тинглардим, менинг қалбим тобора покланиб борарди. Уларнинг гапларини диққат билан тинглай бошлашим билан мен моддий ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсиридан халос бўлдим ва Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам ўрнашиб олдим".

Мана шу соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан амалда Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат поғонасига кўтарилиш мумкинлигини кўрсатишга яққол мисол бўла олади. Шунинг учун, ҳамиша эрталаб ва кечкурун Ҳаре Кришна мантрасини куйлайдиган соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиш одамга қалбини моддий иллатлардан поклаб, Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат туйғусини ривожлантириш имконини беради.

Бу "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(25.25) ҳам тасдиқланади. Унда Парвардигор Капила шундай дейди: "Онажон, одам ҳақиқатан ҳам соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлганида, у ўзида Менга садоқат билан хизмат қилишнинг соф қувватининг таъсирини сезиши мумкин". Бошқача қилиб айтганда, соф содиқнинг сўзлари уларни тинглаётган одамнинг қалбига таъсир қилади. Тинглаш ва такрорлашнинг сири мана шунда. Тирикчилик қилиш учун пул ишлаш ниятида "Шримад Бхагаватам"ни ўқиб юрган одамлар тингловчиларнинг қалбида илоҳий жазавали лаззатни юзага келтира олмайдилар. Аммо, руҳий ўзлигини англаб етган, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ Кришна ҳақида гапирганида тингловчининг қалбида Худога нисбатан ишонч, муҳаббат, Унга хизмат қилиш истагини уйғота олади. Шунинг учун соф содиқлар даврасини излаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан содиқ ўзининг қалбида Худонинг Олий Шахсига боғланиш, муҳаббат ва садоқат туйғуларини ривожлантириши мумкин.

"Падма пурана"да Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган аёл ҳақида ҳикоя келтирилган. Экстаз ҳолатига тушиш учун у Худодан марҳамат тилаб тун бўйи рақсга тушади.

Лекин, баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, аввал ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилмаган одамнинг қалбида ҳам ўз-ўзидан Худога садоқат уйғонади. Садоқатнинг ана шундай бирдан юзага куелишини Кришнанинг ёки Унинг соф содигининг марҳамати деб билиш керак. Кришнанинг марҳамати билан одамда ана шундай жазавали ҳолатларнинг пайдо бўлиши уч турли бўлиши мумкин: Худонинг марҳамати одамга сўзлар орқали, нигоҳ орқали ёки яхши ниятлар орқали келиши мумкин.

"Нарадийа-пурана"да қандай қилиб сўзлар орқали одамнинг қалбида жазавали муҳаббат ривожланиши мумкинлигига мисол келтирилган. Унда Парвардигор Кришна Нарада Мунига шундай дейди: "Эй брахманлар аълоси, сенга илоҳий лаззатга тўла ва ҳар тарафлама фойдали бўлган Менга соф садоқат билан хизмат қилиш имкониятини тилайман".

Одамнинг қалбида Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат ривожланишига нигоҳ сабаб бўлиши "Сканда-пурана"да келтирилган: "Жангала вилоятининг аҳолиси Худонинг Олий Шахсини, Кришнани кўрганларида уларнинг қалбини жазавали муҳаббат туйғуси қоплаб олди, улар Кришнадан кўз узолмай турардилар".

Яхши ниятлар таъсирига мисол сифатида "Шука-самхита"да Нарада Мунининг Шрила Вйасадевага айтган гаплари келтирилган: "Сенда Худонинг соф содиги бўлган ўғил фарзанд бор, кўриниб турибдики, у садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига амал қилиб юриши шарт эмас. У буларсиз ҳам одамлар садоқат билан хизмат қилишга бағишланган жуда кўп умрлардан кейин эриша оладиган эзгу фазилатларга эга".

Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(4.36) ҳам айтилган, унда Нарада Муни шох Юдхистхирага шундай сўзлар билан мурожаат қилади: "Эй азиз шох, Прахлад Махаражнинг фазилатларини таърифлаш жуда қийин. У туғилишиданок Парвардигор Кришнага боғланган эди, унинг фазилатлари ҳақида мен сенга нима десам ҳам, барибир улар куруқ гаплар бўлиб қолаверади. Унинг ҳақиқий фазилатларини таърифлашнинг имкони йўқ". Бу билан Нарада Муни тан оляптики, Прахлад Махараждаги Кришнага бўлган жазавали муҳаббат туйғуси Парвардигор Кришнанинг марҳамати натижасидир.

Қалбидаги Кришнага бўлган туғма боғланиш туйғуси Прахлад Махаражда Нарада Мунининг чексиз марҳамати билан юзага келган. Прахлад Махараж ҳали онасининг қорнида эканидаёқ, Нарада Муни унинг онасига Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида насихатлар берди, унинг қорнидаги фарзанд ҳам Худонинг содиги бўлишини ният қилди. Нарада Муни - Худонинг Олий Шахсининг яқин ҳамроҳлари даврасига кирадиган буюк содиқ бўлгани учун, унинг нияти амалга ошиб, Прахлад Махаражда буюк

содикларга хос бўлган барча эзгу фазилатлар ўз-ўзидан ривожлана бошлади. Мана шу туғма фазилатлар деб аталади. Бундай боғланиш Парвардигор Кришнанинг ёки Нарада Муни сингари Унинг соф содикларининг марҳамати билан юзага келади.

"Сканда-пурана"да Правата Мунининг Нарада Мунига айтган сўзлари келтирилган: "Азизим Нарада, сен барча авлиё одамлар орасида энг шавкатли ва буюк зотсан. Ҳатто, энг пасткаш одамлар тоифасидан бўлган буюк овчининг Парвардигорнинг буюк содик хизматкорига айланиши учун сенинг биргина тилагинг кифоя бўлди".

Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат беш кўринишда намоён бўлиши мумкин.

## Ўн саккизинчи боб.

### Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат поғонасига эришган содикнинг сифатлари

Шрила Рупа Госвами қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали самимий муҳаббат ривожланган содикнинг бошқалардан ажралиб турадиган белгиларини таърифлайди. Улар куйидагилардир.

1. Шундай содик ўз умрининг ҳар бир дақиқасини Худога садоқат билан хизмат қилишга сарфлашга интилади. У бекорчиликни ёқтирмайди. У бошқа ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишни истайди.

2. У ҳамиша хотиржам ва осойишта, ўзгармас кайфиятда бўлади.

3. Моддий оламнинг ҳеч қандай гўзалликлари ва алдовлари уни ўзига жалб этолмайди.

4. У ўзининг фаолияти учун ҳеч кимдан бирор мукофот, ҳурмат, эътибор кутмайди ёки шон-шуҳрат қозонишга интилмайди.

5. Кришна албатта Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатишига у ҳеч қачон шубҳа қилмайди.

6. Унинг қалби ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги билан ёниб туради.

7. У Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга, шарафлаб куйлашга қаттиқ боғланиб қолган.

8. У ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий сифатларини бошқаларга таърифлаб беришга ҳаракат қилади.

9. У Парвардигор Кришнанинг бу дунёдаги ўйинлари ўтган жойларда яшашни ўзи учун бахт деб билади: Матхурада, Вриндаван ёки Дваракада.

## Вақтдан фойдаланиш

Қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат ривожланган соф содик хизматкор ҳамиша Парвардигорга илтижо қилиб юради. Унинг ақли ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан

банд, танаси ё Парвардигорнинг муртиси олдида сажда қилаётган, ёки бошқа бирор хизмат билан машғул бўлади. Мана шундай жазавали руҳий фаолият билан машғул бўлиб, у баъзан қувонганидан йиғлайди. Шу тарзда унинг бутун ҳаёти Худога хизмат қилиш билан ўтади, у умрининг бирор дақиқасини ҳам бошқа ишларга сарфламайди.

## Хотиржамлик, осойишталик

Хотиржам, ёки ўзгармас одам деб ҳеч қандай ташвиш ёки нохушликлар осойишталигини буза олмайдиган одамни айтадилар. Ана шундай ўзгармас осойишталикка эга бўлган одам мисолида биз "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида таърифланган Махараж Парикшитни олишимиз мумкин(19.15). Ажали етганда атрофига тўпланган донишмандларга мурожаат қилиб, у шундай дейди: "Эй азиз браҳманлар, мени ҳамиша ўзларингизнинг итоаткор қулингиз деб билинглар. Мен муқаддас Ганга қирғоғига фақат ўзимнинг бутун қалбимни, жонимни ва бутун вужудимни Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига бағишлаш учун келдим. Шунинг учун, сизлардан ўтиниб сўрайман, Она Ганга мендан рози бўлиши учун мени дуо қилинглар. Браҳманнинг ўғлининг мени дуои-бад қилган қарғиши амалга ошсин - мен ҳечам бунга қарши эмасман. Менинг сизлардан илтимос қилаётган биргина ўтинчим - ҳаётимнинг охириги дақиқаларида сизларнинг барчангизнинг тилингиз Вишнунинг муқаддас номини зикр қилиб турсин, токи мен Унинг илоҳий сифатларини англаб олай!"

Ҳатто умрининг охирига дақиқаларида ҳам ҳеч ўзгармасдан, хотиржам, осойишта қолган Махараж Парикшитнинг ўзини тутиши ҳақиқий хотиржамликка яққол мисол бўла олади. Қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат уйғонган содикнинг сифатларидан бири шу.

## Боғланмаслик, таркидунёлик.

Ҳиссиётимиз ҳамиша ўзини лаззанлантиришни талаб қилади, аммо, содикнинг қалбида Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат ривожланганида дунёвий, моддий орзу-истаклар унинг ҳиссиётларини безовта қилишни тарк этади. Ақлнинг ана шундай ҳолати таркидунёлик, ёки боғланмаслик деб аталади. Мана шу сифат шоҳ Бхаратанинг характерида тўла намоён бўлган эди. "Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиғида(14.43) шундай дейилган: "Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи ўзининг гўзаллиги билан шоҳ Бхаратани ўзига шу қадар мафтун этдики, у хали ёшлигиданок оиласига, фарзандларига, дўстларига, салтанатига бўлган ҳар қандай боғланишларни тарк этди. Унга буларнинг ҳаммаси худди бир ахлатдай кўринарди".

Бу мисолда ҳақиқий боғланмаслик қандай эканини яққол кўриш мумкин. Шоҳ Бхаратада бу дунёда моддий лаззат олиш учун зарур бўлган ҳамма нарса бор эди, аммо у буларнинг ҳаммасидан юз ўгирди. Демак, таркидунёлик, боғланмаслик деганда лаззат келтирадиган нарсалардан сунъий равишда ўзини узоқда тутиб туришни тушунмаслик керак. Ҳатто моддий лаззат берадиган нарсалар ёнида туриб ҳам уларга эътибор бермайдиган, уларга нисбатан хотиржам қоладиган одамни ҳақиқатан ҳам таркидунё қилган одам деб айтадилар. Албатта, ҳали тажрибага эга бўлмаган содиқ ҳар қандай лаззат келтирувчи нарсалардан узоқроқ юриши лозим, лекин, ҳақиқатан ҳам руҳий юксалган содиқ уларга эътибор бермайди. Ҳақиқий таркидунёликнинг аломати шундай.

## Камтаринлик, мағрурланмаслик.

Ҳатто ўзида руҳий ўзлигини англаб етган соф содиқларнинг барча сифатларини ривожлантирган бўлса ҳам, эришган натижаларидан мағрурланиб кетмайдиган содиқни камтарин содиқ деб атайдилар. "Падма пурана"да ер юзидаги барча шоҳларнинг шаҳаншоҳи бўлган шоҳ Бхагиратҳа ҳақида ҳикоя бор. У қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан шундай кучли жазавали муҳаббат ривожлантирганки, девона гадой сифатида ҳатто ўзининг душманлари ва чандалларнинг уйига бориб ҳам садақа сўраб юрган. У шунчалик мискин, итоаткор эдики, ҳатто уларга ҳам сажда қиларди.

Ҳиндистон тарихида бундай мисоллар жуда кўп. Ҳали яқин тарихда, тахминан бундан икки юз йил аввал, Лал Бабу деган, Калруктуадаги барча ерларнинг эгаси бўлган бир бадавлат одам вайшнав бўлиб, Вриндаванга кўчиб борди. У ҳам эшикма-эшик юриб, ҳатто ўзининг душманларидан ҳам садақа сўрарди. Бировлардан садақа сўрашга чиққан одам эшик қоққан уйдаги одамлардан ҳар қандай ҳақоратларни бамайлихотир тинглашга тайёр бўлиши керак. Бу табиий ҳол. Содиқ бундай ҳақоратларни Кришна учун кўтарди. Ҳақиқий содиқ хизматкор Парвардигор Кришна учун ҳар қандай хизматга тайёр туради, ҳеч қандай хизматни рад этмайди.

## Чуқур ишонч, умид.

Худонинг Олий Шаҳси албатта марҳамат кўрсатишига бўлган чуқур ишонч санскрит тилида *аша-бандха* деб аталади. Содиқда аша-бандҳанинг намоён бўлиши шундан билинадики, у ҳамиша шундай ўйлаб юради: "Мен барча қонунқоидаларга амал қилиб, қўлимдан келганча Худога садоқат билан хизмат қилиб юрибман, шунинг учун умримнинг охирида Худонинг даргоҳига қайтиб боришимга шубҳа қилмайман!"

Ана шундай қатъий умидворлик Шрила Рупа Госвамининг бир илтижосида намоён бўлган. У шундай дейди: "Менда Парвардигор Кришнага

нисбатан ҳеч қандай муҳаббат йўқ, менда ҳатто кишининг қалбида Худога муҳаббат туйғусини уйғотадиган омилларга - Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашга ва Уни шарафлаб куйлашга ҳам боғланиш йўқ. Одамга ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриш ва Унинг нилуфар қадамлари пойини қалбига жойлаш имконини берадиган бхакти-йога усули ҳам мен учун жуда узоқ. Фалсафий фикрлашлар ва эзгу ишларга келсак, менинг улар билан ҳам шуғулланишга имкониятим йўқ. Бунинг устига мен ҳатто такводор оилада ҳам туғилмаганман. Шунинг учун менинг Сенга илтижо қилишдан бошқа бирор иложим йўқ, эй *Гопиджана-валлабха* (Гопиларнинг ҳимоячиси ва севгилиси, Кришна). Менинг ишонган ва умид қилган ягона истагим - қандай қилиб бўлса ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойига яқинлашиш, мана шу умид мени оғир қийноққа солади, чунки ўзимни инсон ҳаётининг ана шундай илоҳий мақсадига ҳатто яқинлашишга ҳам муносиб деб ҳисобламайман". Бу фикрнинг мазмуни шундан иборатки, қалбида *аша-бандха* билан қуроллиниб олган содиқ ҳатто умид қилишга ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига албатта эришишдан умидвор бўлишда давом этавериши лозим. (Ноумид - шайтон).

## Муваффақиятга эришиш истаги.

Содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишда муваффақият қозонишни қаттиқ истаганида, мана шу қаттиқ истак *самут-кантха*, яъни "енгиб бўлмас истак" деб аталади. Аслини олганда мана шундай кучли истак - Кришнани англашда муваффақиятга эришиш учун ҳар ким тўлаши лозим бўлган баҳо, бадал ҳисобланади. Ҳар бир нарсанинг ўз баҳоси бўлади. Одам бирор нарсага эга бўлиши учун албатта унинг ҳаққини тўлаши керак. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, оламдаги энг қимматбаҳо нарса - Кришна онгига - одам ўзининг қалбида албатта, қандай қилиб бўлса ҳам унга эришиш истаги пайдо бўлгандагина эриша олади. Ана шундай енгиб бўлмас истакни Билвамангала Тхакур ўзининг "Кришна-карнамрита" асарида жуда ажойиб таърифлаган. У шундай дейди: "Мен Вриндаванлик болакайни кўриш иштиёқида ёняпман. Унинг гўзаллиги бутун оламни ўзига мафтун этади, қора қошлар остидаги чиройли кўзлари нилуфар гулининг баргига ўхшайди ва ҳамиша ўзининг содиқларига қадалган, шунинг учун ҳамиша ҳаракатда. Унинг кўзлари ҳамиша намланган, мис рангли лабларидан шундай товушлар чиқадики, ҳар қандай одамни ақлдан оздириб, қутурган филдан ҳам телбароқ қилиб қўяди. Э-воҳ, мен Вриндаванлик шу болакайни кўришга қанчалик интизорман!"

## Худонинг муқаддас номларига боғланиш.

Ана шу "Кришна-карнамрита"да Шримати Радхаранининг Кришнанинг номларини қандай зикр қилгани ҳам таърифланган. Радхаранининг дугоналаридан бири шундай дейди: "Эй Парвардигор Говинда, Сенинг фироқингда бир қиз, шоҳ Вришабханунинг қизи ҳозир тинмай ёш тўқяпти. У ақлдан озиб тинмасдан Сенинг муқаддас номингни такрорляпти: "Кришна! Кришна! Кришна!"

## Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлаш истаги

Парвардигорнинг илоҳий сифатларини шарафлашга боғланиш ҳам "Кришна-карнамрита"да яхши таърифланган: "Одамга таърифлаб бўлмайдиган лаззат бағишлайдиган Кришна учун, жаҳонда шўхлик қилишда тенги топилмайдиган шўх эркатой учун мен қандай хизмат қилсам экан? Кришнанинг ғаройиб кароматларини эслашнинг ўзи менинг қалбимга чуқур лаззат бағишлайди, мен ҳатто нима қилишимни ҳам билмайман!"

## Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ўтган жойларда бўлишга боғланиш

Шрила Рупа Госвамининг "Падйавали" асарида Вриндаван ҳақида шундай гаплар бор: "Бу ерда Нанда Махаражнинг ўғли Ўзининг отаси, подачиларнинг шоҳи билан бирга яшаган. Мана шу ерда Парвардигор иблис Шакатасура яширинган арава-ни синдирган.

Мана бу ерда эса, Дамодарани, моддий оламга боғланиш арконларини узиб ташлашга қодир бўлган Парвардигорни она Яшода аркон билан боғлаб қўйган эди".

Парвардигор Кришнанинг соф содиғи Матхура ёки Вриндаваннинг атрофида яшайди ва Кришнанинг ўйинлари ўтган ҳамма жойларни зиёрат қилиб туради. Мана шу муқаддас жойларда Кришна Ўзининг подачи болалар ва она Яшода билан ўтказган ўйинларини намоён этган. Кришнанинг содиқлари ҳали ҳозиргача мана шу одатларга амал қилиб, ана шу жойларни зиёрат қиладилар, Матхура ва Вриндаванга келган ҳар бир одам ҳар гал қалбида чексиз илоҳий лаззат ҳис қилади. Ҳақиқатан ҳам, Вриндаванга борган ҳар бир одам ўзининг қалбида мана шу жойларда шунча ажойиб илоҳий кароматларини кўрсатган Парвардигор Кришнага нисбатан каттиқ соғинч, хижрон туйғусини ҳис қилади.

Ҳаёлида ҳамшиша Кришнанинг кўрсатган кароматларини бирма-бир эслаб юрадиган одамни Кришнага боғланган одам деб айтадилар. Лекин, Кришнага садоқат билан хизмат қилиши натижасида, охир-оқибатда Худонинг Олий Шахсининг борлиғига қўшилиб кетишга интиладиган импер-

соналист-файласуфлар ва сеҳргар йоглар ҳам бор. Улар ҳам баъзан содиқларга тақлид қилиб, Кришнанинг ўйинлари ўтган жойларда соф содиқлар ҳис қиладиган жазавали туйғуларни намоён қилишга уринадилар. Аслида эса улар фақат моддий олам тутқунлигидан халос бўлишга интиладилар. Шунинг учун уларнинг намоён этган бундай ишларини Кришнага боғланиш деб бўлмади.

Шрила Рупа Госвами айтадики, Кришнанинг соф содиқларига хос бўлган боғланиш ҳеч қачон кармиларнинг, эмпирик-файласуфларнинг қалбида пайдо бўлиши мумкин эмас, чунки соф Кришна онгидаги бундай боғланиш - жуда кам топиладиган ноёб туйғу бўлиб, унга ҳатто руҳий озодликка чиққан одамлар ҳам камдан-кам эришадилар. "Бхагавад-гита"да таъкидлаб айтилганки, фақат моддий иллатлардан бутунлай поклангандан кейингина содиқ Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиши мумкин. Фақат руҳий озодликка чиқишни ва брахмажйотига қўшилиб кетишни мақсад қилиб қўйган одамлар қалбида Парвардигор Кришнага қаттиқ боғланиш туйғусини ривожлантиришга қодир эмаслар. Парвардигор Кришна бу боғланишни жуда авайлаб асрайди ва уни фақат Ўзининг соф содиқларига ато этади. Бундай боғланиш қалби кармали дунёвий фаолият ва унинг оқибатлари билан булганган, ҳар хил фалсафий фикрларга ўралашиб қолган одамларга эмас, ҳатто оддий содиқларга ҳам насиб қилмайди.

Кришнанинг *ашта-калика-лила* деб аталадиган машҳур ўйинларини тасвирлайдиган жуда кўп сохта содиқларни учратиш мумкин. Улар баъзан го-пиларга тақлид қиладилар, Кришна ёш бола кўринишида келиб улар бирга юрганини айтадилар, ёки ўзларини Кришна билан Радхарани гўё улар билан бирга юргандай тутадилар. Имперсоналистлар шунга ўхшаган ҳар хил қилиқлар кўрсатганида Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини билмайдиган ғофил, содда одамлар уларнинг бу алдовларига учадилар. Лекин бундай сахналарни тажрибали содиқ кўрганида, уларнинг бу қилиқларининг, қаллобликларининг баҳоси неча пуллик эканини дарров билиб олади. Кимдир ана шундай қаллобларни ҳам Кришнага боғланган деб ҳисоблаши мумкин, аммо ҳақиқий содиқ ҳеч қачон бундай сохта боғланганликни ҳақиқий боғланганлик билан адаштирмайди. Лекин шуни айтиш лозимки, ана шундай сохта боғланганлик ҳам ундай қаллобнинг қалбида охир-оқибатда Худога соф садоқат билан хизмат қилиб, Кришнага ҳақиқий боғланишга умид чироғини ёқиши мумкин.

Қалбаки боғланиш икки хил бўлади: акс этган ва *пара*(илоҳий). Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига амал қилмайдиган, ёки ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги паноҳига кирмаган одам Кришнага нисбатан сохта боғланганлик намоёиш этганида, унинг боғланиши "акс этган боғланиш" деб аталади. Баъзан, моддий лаззатла-

нишга ёки озодликка чиқишга қаттиқ боғланиб қолган одам ҳам ҳаётда омади келиб, Худонинг муқаддас номларини шарафлаб куйлаб юрган соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиб қолади. Худонинг марҳамати билан ана шундай одам ҳам Худонинг муқаддас номларини куйлай бошлайди. Шунда, соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан, содиқларнинг қалбида ойдай порлаб турган илоҳий садоқат нури унинг қалбида ҳам акс эта бошлайди, содиқларнинг марҳамати билан, ўзининг қизиқувчанлиги сабабли, у ҳам Парвардигор Кришнага нисбатан содиқларникига ўхшаган боғланиш намоён эта бошлайди. Лекин бундай боғланиш жуда ожиз. Агар акс этган ана шундай боғланиш одамнинг барча жисмоний азобукубатлардан халос бўлишига олиб келса, бу боғланишни *пара*, илоҳий боғланиш деб айтадилар.

Акс этган боғланиш ёки пара боғланиш одамда соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш жараёнида ёки муқаддас жойларга, масалан, Матхура ёки Вриндаванга зиёратга борганида ривожланади. Агар ана шундай боғланиш оддий одамнинг қалбида ҳам ривожланиб, соф содиқлар билан бирга Худога садоқат билан хизмат қилиш бахтига муяссар бўлса, у ҳам Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, илоҳий боғланиш шу қадар қудратлики, ҳатто у оддий одамда намоён бўлганда, у соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан шундай одамни ҳам руҳий камолот чўққисига кўтара олади. Аммо, Парвардигор Кришнага бундай боғланиш Худонинг соф содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш марҳаматидан маҳрум бўлган одамнинг қалбида ҳеч қачон ривожланмайди.

Соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш одамнинг қалбида Кришнага боғланишни қанчалик ривожлантирса, шундай боғланишни соф содиқларнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш шунчалик камайтириб юборади. Бошқача қилиб айтганда соф содиқлар билан бирга бўлиш одамда Кришнага боғланиш уйғотади, аммо одам уларни ҳақорат қилса, қалбидаги акс этган ва илоҳий боғланишлар бутунлай йўққа чиқиб кетади. Бу жараён тўлин ойнинг токи бутунлай йўқолгунча камайиб боришини эслатади. Шунинг учун соф содиқлар билан бирга бўлганда жуда эҳтиёт бўлиш, уларнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб қўйишдан сақланиш лозим.

Соф содиқларнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақоратлаш, ҳақоратнинг оғирлигига қараб, Кришнага илоҳий боғланишнинг ҳар икки турига ҳар хил таъсир қилади. Агар ҳақорат жуда оғир бўлса, боғланишни бутунлай йўққа чиқариши мумкин. Агар ҳақорат унчалик жиддий бўлмаса, Кришнага боғланиш камайиб, иккинчи ёки учинчи даражага тушиб қолиши мумкин. Агар содиқни озодликка чиқиш ёки брахмажйотига қўшилиб кетиш ғоялари ўзига жалб қила бошласа, унинг қалбидаги Кришнага жазавали боғланиш аста-

секин камайиб, акс этган боғланиш ёки пара боғланиш даражасига тушиб қолади ёки *аханграхопасана* ғоясига айланиб кетади. *Аханграхопасана* ибораси шундай тирик мавжудотни билдирадики, у руҳий юксалишни ўзини Парвардигор билан бир деб ҳисоблашдан бошлайди. Бунинг учун маҳсус термин ҳам бор, у “монизм” деб аталади. Монистлар ўзларини Парвардигор билан бир деб ҳисоблайдилар. Улар ўзи билан Парвардигор орасида фарқ кўролмагани сабабли, улар ўзларига сиғинишни Худога сиғиниш деб биладилар.

Баъзан ҳали тажрибасиз содиқнинг қанчалик лаззат олиб куйлаётганини, рақсга тушаётганини кўриш мумкин, бунда у ўзини Парвардигор билан қўшилиб кетгандай ҳис қилади. Монизм таълимотининг Худога соф садоқат билан хизмат қилиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Баъзан, қонунқоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни орқали ўтмаган содиқнинг бирданига Худога чуқур садоқат намоён этаётганини кўрганимизда, у бу даражага ўзининг аввалги ҳаётида эришган деб ҳисоблашимиз лозим. Бирор сабаб билан, кўпинча содиқларнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақоратлаш оқибатида, унинг руҳий юксалиши тўхтаб қолган, энди эса у руҳий камолотга эришишга яна уринаётган бўлади. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, фақат соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиб юриш шарофати билангина Худога садоқат билан хизмат қилишда ўзгармас, тургун, мустаҳкам ҳолатга эришиш мумкин.

Агар одам Худога садоқат билан хизмат қилишда аста-секин ривожлана бораётган бўлса, буни Парвардигор Кришнанинг ўзига кўрсатаётган бесабаб марҳамати деб билиш керак. Моддий лаззатларга боғланишдан бутунлай покланиб, қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали боғланиш ривожланган содиқ ҳақида ҳеч қачон ёмон ўйларга бормаслик, ҳатто шундай содиқ баъзан Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига хилоф ишлар қилаётган бўлса ҳам унга нисбатан ҳеч қачон салбий муносабатда бўлмаслик керак. Бу “Бхагавад-гита”да ҳам тасдиқланган, унда айтилганки, қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан чуқур иймон келтирган киши ҳатто баъзан соф содиқларга ярашмайдиган ишлар қилса ҳам, барибир уни соф содиқ деб ҳисоблаш керак. Ундаги Худога садоқат билан хизмат қилишга, Парвардигор Кришнага ва руҳий устозга бўлган иймон, чуқур ишонч унинг руҳий фаолиятини энг юқори поғонага кўтаради.

“Нрисимха-пурана”да шундай дейилган: “Агар одамнинг танаси ва ақли Парвардигорга хизмат қилиш билан бутунлай банд бўлса, лекин у баъзан бирор гуноҳ ишлар қилса, қалбидаги ўзгармас садоқати таъсири остида унинг барча гуноҳ ишлари тез вақт ичида, шубҳасиз, бутунлай йўққа чиқиб кетади”. Баъзан содиқнинг ана шундай бемаъни ишларини тўлин ойнинг юзидаги доғларга ўхшатадилар. Лекин бу доғлар Ойнинг порлаб нур



сочиб туришига халақит беролмайди. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлиб юрган одамнинг баъзи бир камчиликларига эътибор бермаслик керак. Парвардигор Кришнага боғланиш - илоҳий лаззат келтирадиган боғланишдир. Илоҳий лаззатнинг чексиз уммонидаги арзимас моддий камчиликлар бутунлай йўқолиб кетади.

## Ўн тўққизинчи боб.

### Худога соф муҳаббат билан хизмат қилиш.

Содикнинг Парвардигор билан ўзаро маълум муносабати (*раса*) доирасида Кришнани бутун қалби севиш истаги жуда кучайган туйғуси Парвардигорга бўлган соф муҳаббат деб аталади. Содик Худога садоқат билан хизмат қилишни руҳий устозининг кўрсатмаси билан муқаддас китобларнинг садоқат билан хизмат қилишга доир қонун-қоидаларига амал қилишдан бошлайди. Ана шундай руҳий фаолият жараёнида моддий иллатлардан покланганида унинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга боғланиш пайдо бўлиб, бу фаолиятдан лаззат ола бошлайди. Вақт ўтиши билан ана шу боғланиш ва лаззат Худога нисбатан муҳаббатга айланади. Аслини олганда “муҳаббат” иборасини фақат тирик мавжудотнинг Парвардигор билан бўлган муносабатларини ифодалаш учунгина ишлатиш мумкин. Муҳаббат сўзини бу дунёдаги одамлар орасидаги муносабатларни ифодалашда ишлатиб бўлмайди. Моддий оламда одамлар муҳаббат деб ҳисоблаб юрган туйғу аслида эҳтиросдан бошқа нарса эмас. Эҳтирос билан муҳаббат тушунчалари орасида жуда катта фарқ бор, бу фарқ худди олтин билан темир орасидаги фарқ сингари катта. “Нарадапанчаратра”да аниқ айтилганки, буюк донишмандлар - Бхишма, Прахлада, Уддхава ва Нарада Муниларнинг таърифлашларига кўра, соф муҳаббат инсоннинг шундай ҳолатики, бунда унинг эҳтироси бутунлай Парвардигорга қаратилган, унинг қариндошлик ришталари ҳақидаги тасавурлари ҳам фақат Парвардигор билан боғлиқ бўлади.

Буюк донишмандлар, масалан Бхишма таъкидлаб айтадики, Худога муҳаббат деганда бошқа ҳар қандай зотга бўлган муҳаббатдан бираўла воз кечишни тушуниш керак. Унинг фикрига кўра, муҳаббат деганда инсон ўзининг барча ҳиссиётини бир шахсда жамлашини, бошқа ҳамма нарсага бўлган боғланишларни тарк этишини тушуниш керак. Худонинг Олий Шахси икки сабабга кўра ана шундай соф муҳаббат изҳор этиладиган ягона Зот бўлиши мумкин: 1. Чуқур жазавали лаззат (экстаз) олиш натижасида, 2. Худонинг Олий Шахсининг кўрсатган бесабаб марҳамати натижасида.

## Экстаз

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг муқаддас китобларда берилган қонун-қоидаларига амал қилиш, руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш - содикнинг қалбида Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат уйғотишга қодир бўлган қудратли йўлдир. “Шримад Бхагаватам”нинг ўн биринчи кўшиғида (2.40) қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида содикнинг қалбида уйғонадиган ана шундай жазавали муҳаббат қуйидагича таърифланган: “Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида содик ўзининг қалбидаги табиий Кришна онгини уйғотади, шунда унинг қалби юмшаб, у ақлдан озгандай кўшиқ қуйлаб рақсга туша бошлайди. Худонинг муқаддас номларини зикр қилар экан, у гоҳ йиғлайди, гоҳида босинқирай бошлайди, гоҳида қуйлай бошлайди, баъзан эса, атрофдагиларга мутлақо аҳамият бермасдан телбалардай рақсга туша бошлайди”.

Парвардигор Кришнага нисбатан самимий муҳаббат билан боғланиш таъсирида юзага келган жазавали муҳаббат “Падма пурана”да таърифланган. Машхур гўзал Чандраканти фақат Кришнага турмушга чиқиш учун каттиқ риёзатга берилган эди. У ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий киёфасига муроқабат қилар, Уни шарафлаб қуйлар эди. У бошқа ҳеч кимга турмушга чиқишни истамасди. У фақат Кришнага турмушга чиқишга қатъий қарор қилган эди.

## Парвардигорнинг алоҳида марҳамати

Агар содик ҳамиша Парвардигор билан мулоқот қилиб юрган, ҳамиша жазавали муҳаббат оғушида лаззатланиб юрган бўлса, тушуниш керакки, унга алоҳида марҳамат кўрсатиб, уни бундай даражага Парвардигорнинг Ўзи кўтариб қўйган. Парвардигорнинг содик хизматкорига ана шундай алоҳида марҳамат кўрсатиши “Шримад Бхагаватам”нинг ўн биринчи кўшиғида (12.7) келтирилган, унда Парвардигор Кришна Уддхавага шундай дейди: “Вриндавандаги гопилар Менга эришиш учун ведаларни ўрганмадилар. Улар ҳеч қачон муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилмадилар, каттиқ риёзатларга ҳам берилмадилар, садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига ҳам қатъий амал қилмадилар. Фақат Мен билан бирга юриш шарофати билан улар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг олий поғонасига кўтарилдилар”.

“Падма пурана”даги Чандраканти ва “Шримад Бхагаватам”даги гопилар мисолида кўриниб турибдики, содик ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрса, жазавали муҳаббат билан ҳамиша Уни шарафлаб қуйлаб юрса, у қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар Парвардигор Кришнанинг алоҳида

марҳамати билан у албатта Парвардигорга ҳеч нарса аралашмаган соф садоқатли муҳаббат ҳис қилиш поғонасига кўтарилади. Бу фикрни "Шри-мад Бхагаватам" ҳам тасдиқлайди: "Агар одам Худонинг Олий Шахси, Харига сажда қилса, Уни эъзозлаб севса, бу шундан далолат берадики, демак у барча тавба-тазаррулар, барча риёзатлар орқали ўтган, сеҳрли йоганинг барча вазифаларини бажарган, ва руҳий ўзликни англашнинг бошқа барча усулларини қўлаб кўрган. Аксинча, агар барча тавба-тазаррулар орқали ўтиб, сеҳрли йога билан шуғулланиб, одам қалбида Харига нисбатан муҳаббат туйғусини уйғота олмаган бўлса, буларнинг ҳаммасини бекорга вақтни сарфлаш, бефойда машғулотлар деб ҳисоблаш керак. Парвардигорни ҳам қалбида, ҳам ташқарида ҳамиша кўришга қодир бўлган одам руҳий ўзликни англаш ниятида амал қилинадиган барча риёзат ва бошқа усуллардан устун туради. Агар одам шунча риёзат чекса, тавба-тазаррулар қилса-ю, қалбида ва ташқарида Парвардигор Кришнани кўра олмаса, унинг барча курбонликлари, риёзатлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас".

Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан Кришнага нисбатан табиий равишда, ўз-ўзидан қаттиқ боғланиш икки кўринишда намоён бўлади: 1. Парвардигорнинг улуғворлиги олдида кўрқинчли эҳтирос, 2. Ҳеч қандай ташқи сабабларсиз Кришнага ўз-ўзидан боғланиш. "Нарада-панчаратра"да айтилганки, Парвардигорнинг улуғворлиги олдида кўрқинчли эҳтирос туйғуси Парвардигорга қаттиқ боғланишга айланган, кейин бу туйғу Парвардигорга ўзгармас чуқур муҳаббатга айланган одам учун фақат вайшнавларгагина ато этиладиган озодликнинг тўрт турига эришиш қафолатланади: 1. Парвардигорнинг танаси сингари танага эга бўлиш; 2. Парвардигор билан бир сайёрада яшаш; 3. Парвардигор билан мангу ҳамсухбат бўлиш имкониятига эга бўлиш; 4. Парвардигор эга бўлган бойликларга эга бўлиш; Вайшнавларнинг озодлиги майвадиларнинг Парвардигорнинг танасидан таралаётган ёғдуга кўшилиб кетиш озодлигидан бутунлай фарқ қилади.

"Нарада-панчаратра"да таърифланганки, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш - Парвардигорга ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламасдан, холис хизмат қилишдир. Парвардигорнинг эътиборини ўзига жалб этишнинг ягона усули - ҳамиша Кришнага нисбатан чуқур самимий муҳаббат ҳолатида бўлиб, ўзининг ақлу-хаёлини ҳамиша Унда мужассам қилиб юришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ҳамиша Парвардигор Кришнанинг қиёфасини эслаб, У ҳақда ўйлаб, фикрлаб юрадиган одамни соф, ҳақиқий вайшнав деб ҳисоблаш керак.

Одатда садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб Худонинг марҳаматига эришган содиқни Парвардигорнинг тенгсиз улуғворлиги, Унинг илоҳий гўзаллиги ва

Унга самимий садоқат билан хизмат қилиш жалб эта бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, фақат садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб юрган содиқларгина Парвардигорнинг илоҳий гўзаллигини муносиб қадрлай оладилар. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам содиқ фақат Парвардигорнинг унга кўрсатган алоҳида марҳамати шарофати билангина ана шундай юқори руҳий поғонага кўтарила олади.

## Соф содиқлар билан бирга бўлиш

Юқорида Худога бўлган муҳаббатни ривожлантиришнинг ҳар хил усуллари таърифланган эди, лекин бу ерда Шрила Рупа Госвами ана шундай юқори поғонага кўтарилишнинг энг осон йўлини қисқача таърифлаб берган. Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат одамнинг қалбидаги иймондан, ишонч туйғусидан бошланади. Оламда Худонинг содиқларининг жуда кўп жамоалари, бирлашмалари бор, агар қалбида озгина ишончи бўлган одам улар билан ҳамсухбат бўла бошласа, Худога садоқат билан хизмат қилишда жуда тез юксала бошлайди. Қалбида озгина ишончи бўлган одамга соф содиқнинг таъсири шундан иборатки, содиқ Парвардигор ҳақида "Бхагавад-гита", "Шри-мад Бхагаватам" сингари ишонарли муқаддас китоблардан ҳикоялар тинглаш, маълумотлар олиш имкониятига эга бўлади. Шунда, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг марҳамати билан унда ана шу муқаддас китобларга ишонч, иймон риивожлана боради. Мана шу Худонинг соф содиқлари билан ҳамсухбат бўлишнинг биринчи поғонаси. Иккинчи поғонада, бхақти йўлида анча ривожланган содиқнинг қалбида ўз-ўзидан бирор соф содиқни руҳий устоз сифатида танлаб, унинг раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун қоидаларига амал қилиш истаги пайдо бўлади. Кейинги поғонада содиқ руҳий устоз раҳбарлиги остида қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлади. Бунинг натижасида барча бемаъни дунёвий фаолиятларни тарк этади. Содиқ дунёвий бемаъни фаолиятларни тарк этганида, унинг Парвардигорга бўлган ишончи, иймони мустаҳкам бўлади, у Худога садоқат билан хизмат қилишдан лаззат ола бошлайди, Парвардигорга боғланиш пайдо бўлади, боғланиш жазавали муҳаббатга айланади ва ниҳоят унинг қалбида Парвардигорга соф илоҳий муҳаббат туйғуси ривожланади. Парвардигорга нисбатан соф илоҳий муҳаббатнинг ривожланиш поғоналари шундай.

Ҳаётда ана шундай муваффақиятга фақат энг омадли одамларгина эриша оладилар. Ведавий муқаддас китобларни фақат назарий жиҳатдан ўрганиб юрган одамлар бундай ривожланиш қандай рўй беришини тушунишга қодир эмаслар. Шунинг учун "Нарада-панчаратра"да Тангри Ши-

ва Парватига шундай дейди: "Эй олий фаришта, билсанг, қалбида Худонинг Олий Шахсига нисбатан жазавали муҳаббат уйғотган, шу муҳаббат кучи билан ҳамиша илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб юрган одам танаси ва ақли юзага келтирадиган моддий мусибатларни ҳам, моддий бахтни ҳам сезмайди".

Парвардигорга нисбатан ягона муҳаббат да-рахтининг ҳар хил шохалари бўлган Унга муҳаббат билан боғланиш ва У билан ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатлар ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Биз уларни бу ерда муҳокама қилмаймиз. Улар Санатана Госвамининг "Бхагаватамрита" асарида таърифланган. Парвардигорга муҳаббат билан боғланиш ва муҳаббатга асосланган муносабатлар - жуда сирли, махфий мавзу, аммо Санатана Госвами уларни батафсил, бенуқсон таърифлаган.

Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" асарининг биринчи қисмини шу билан яқунлайди ва бу асар Парвардигорнинг илоҳий гўзаллигини таърифлаган Санатана Госвамига, Гопала Бхатта Госвамига, Шри Рагхунатха Бхатта Госвамига ва Рагхунатха дас Госвамига илоҳий лаззат бағишлашига умид қилади. Мана шу рўйхатдан маълум бўладики, асарнинг бу қисми ёзилган пайтда ҳали Шрила Жива Госвами ўзини тўла намоён этмаган.

"Бхакти-расамрита-синдху" асарининг биринчи қисмининг Бхактиведанта тилидан баёни шундай яқунланади.

## Иккинчи қисм

### Йигирманчи боб. Илоҳий раса.

"Бхакти-расамрита-синдху" асарининг иккинчи қисмини ёзишга киришар экан, муаллиф "Санатана" олдида эҳтиром билан бош эгади. "Санатана" деганда Шри Кришнанинг ўзини ҳам, Шрила Рупа Госвамининг акаси ва руҳий устози Санатана Госвамини ҳам тушуниш мумкин. Агар "Санатана" деганда Шри Кришна назарда тутилаётган бўлса, Унга эҳтиром кўрсатилаётган бўлади, чунки У тенгсиз илоҳий гўзаллик соҳиби бўлган ҳолда иблис Агхининг қотили ҳамдир. Агар "Санатана" деганда Санатана Госвами назарда тутилган бўлса, Шрила Рупа Госвами унга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдирапти, чунки, у ҳамиша акасини ҳурмат қилар, ҳамиша унга хизмат қилишга интиларди, бунинг устига у барча гуноҳлардан поклашга қодир. "Бхакти-расамрита-синдху"нинг мазкур қисмида Шрила Рупа Госвами содиқ Худога садоқат билан хизмат қиладиган илоҳий раса(лаззатли муҳаббат ҳолат)нинг умумий белгиларини таърифлаб беради.

"Бхакти-расамрита-синдху"нинг бу қисмида асосан беш мавзу муҳокама қилинади: 1. *Вибхав* -

экстазнинг алоҳида сабаб ва белгилари. 2. *Анубхав* - кейин келадиган экстаз. 3. *Саттвика-бхав* - органик экстаз. 4. *Вибхичари-экстаз* - шиддатли экстаз. 5. *Стхайи-бхав* - тўхтовсиз, бетиним экстаз.

"Бхакти-расамрита-синдху"да ишлатилган *раса* иборасини ҳар ким ҳар турли тушунади, чунки унга аниқ мос келадиган инглизча термин топишнинг иложи йўқ. Бизнинг руҳий устозимиз раса иборасини инглизчага *mellow*(пишган, ширали) деб таржима қилган. Биз ҳам ундан ўрнак олиб, шундай терминни олдик. (Ўзбекча таржимага раса терминининг ўзи олинган).

*Раса* деганда содиқнинг Худонинг Олий Шахси билан чуқур самимий муҳаббатга асосланган ўзаро муносабати жараёнида чуқур илоҳий жазавали лаззат олиб турган алоҳида ҳолатини тушуниш лозим. Расанинг ҳар хил турлари одамга Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳақиқий лаззатини ҳис қилишга ёрдам беради, айти пайтда унга энг олий илоҳий экстазни ҳис қилиш имконини беради. Мана шу илоҳий лаззатли ҳолат бизнинг ҳис қилиб юрган лаззатларимиздан бутунлай ташқарида бўлса ҳам, Шрила Рупа Госвами изидан бориб, кўлимиздан келганча уларни таърифлашга ҳаракат қиламиз.

Агар одамнинг қилаётган ишлари, фаолияти раса(экстазли муҳаббат ҳолати)нинг қандайдир турида лаззат бермаса, одам бу фаолиятини давом эттира олмайди. Кришна онгида қилинадиган илоҳий фаолиятда ва Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳам ўзига хос раса - хизмат қилиш келтирадиган алоҳида лаззат бўлиши керак. Одатда ана шундай лаззатни бизга Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, тинглаш, эҳромда илоҳларга сиғиниш ва Худога хизмат қилиш амаллари беради. Шундай қилиб, агар одам илоҳий лаззат олаётган бўлса, у "расадан лаззат оляпти" деб айтадилар. Аниқроғи, Худога садоқат билан хизмат қилишдан биз ҳис қиладиган лаззатли бахт турларини садоқат билан хизмат қилиш расалари деб аташ мумкин.

Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида ҳар бир содиқ ҳам албатта илоҳий расадан лаззат олишга эришавермайди, чунки бундай лаззатли муҳаббат ҳолати фақат одамнинг аввалги ҳаётида кўрсатган фаолияти ёки соф содиқлар билан ҳаммуҳаббат бўлиши натижасида юзага келади. Юқорида тушунтирилганидай, соф содиқлар билан ҳаммуҳаббат бўлиш одамнинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга ишонч уйғотиши мумкин. Фақат соф содиқлар билан мунтазам равишда ҳаммуҳаббат бўлиб қалбида ана шу ишончни мустаҳкам ўрнатган ёки аввалги ҳаётида Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган содиқларгина садоқат билан хизмат қилиш расасидан ҳақиқатан ҳам лаззатлана оладилар. Бошқача қилиб айтганда, оддий одам бундай илоҳий лаззатни фақат алоҳида омади келиб, соф содиқлар даврасида юрса ёки аввалги ҳаётида

бошлаган Худога садоқат билан хизмат қилишини давом эттираётган бўлса тотиб кўриши мумкин.

Содикнинг Худога соф садоқат билан хизмат қилишгача бўлган аста-секин юксала бориш жараёни "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида таърифланган: "Ҳаммаси содиқлар даврасида Парвардигор Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бошланади. Содикларнинг ўзлари ҳам қалбини соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиб поклаганлар. Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш одамга ҳамиша илоҳий лаззат ҳис қилиб юриш имконини беради". Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тушунтирилган. Унда айтилганки, одамнинг илоҳий ҳолатга кўтарилганининг биринчи аломати - унинг қалби ҳамиша қувончга тўлиб юради. Ана шундай қувончли ҳолат одамга "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"ни ўқиш натижасида ёки Кришна онгида руҳий фаолият билан қизиқадиган кишилар билан, айниқса, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилиб, Говинданинг марҳаматиغا сазовор бўлишга қатъий қарор қилган содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан келади. Қалбидаги ана шундай қувончли туйғулардан илҳомланиб, Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш ниятида ҳамиша қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамда *вибхава* деб аталадиган икки турли енгиб бўлмайдиган лаззатли туйғу юзага келади. Шу тарзда содиқ илоҳий раса билан лаззатланиб юради.

Кришнага нисбатан енгиб бўлмас муҳаббат икки сабабга кўра юзага келиши мумкин. Унинг манбаи: Кришнанинг ўзи, Кришнанинг содиқлари ва Кришнанинг най чалиши бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу сабаблар содиқда қулги уйғотиши, баъзида эса ҳайрат(қарахт бўлиб қолиш) туйғусини уйғотиши мумкин.

Экстаз ҳолатини содиқнинг танасида намоён бўладиган саккиз турли илоҳий белгилардан библи олиш мумкин. Содикнинг танасида бундай аломатлар юқорида кўрсатилган беш турли экстаз туйғуларининг бирикиши натижасида намоён бўлиши мумкин. Мана шу беш турли экстаз ҳолатлари бирикмаси бўлмаса экстаз лаззати бўлиши мумкин эмас. *Вибхава* деганда илоҳий раса билан лаззатланишнинг айнан мана шу асоси, мана шу сабаби назарда тутилади. *Вибхава* икки тур бўлади: асосий ва уйғотувчи, туртки берувчи. "Агни-пурана"да *вибхава* шундай таърифланган: "Экстаз(жазава)ли муҳаббатни келтириб чиқарадиган туйғу *вибхава* деб аталади. *Вибхава* икки турга бўлинади: асосий ва уйғотувчи". Бошқача қилиб айтганда, жазавали муҳаббатнинг икки тури мавжуд. Асосий жазавали муҳаббат Кришнага ва Унинг содиғига нисбатан бўлади. Асосий жазавали муҳаббат Парвардигор Кришнага нисбатан бўлади, уйғотувчи жазавали муҳаббат эса - қалби ана шундай муҳаббатга тўла бўлган Унинг содиғига нисбатан бўлади. Шундай қилиб,

уйғотувчи жазавали муҳаббат - содиқнинг қалбида унга Кришнани эслатадиган нарсаларни кўрганда юзага келадиган муҳаббатдир.

Англаб бўлмас қувватларга, *чид*(илоҳий илм) ва *ананда*(илоҳий лаззат) сифатларига эга бўлган Парвардигор Кришна жазавали муҳаббатнинг асосий сабабчиси дир. Ҳар хил қиёфа ва экспансияларда намоён бўлиб эса, У уйғотувчи жазавали муҳаббатнинг ҳам манбаи ҳисобланади. "Шримад Бхагаватам"да *брахма-вимохана-лилани* таърифлаш учун келтирилган шеър бор. Шу шеър жазавали муҳаббатнинг мана шу уйғотувчи аспектини таърифлаши мумкин. Кришна Браҳмани ҳайратга солиб, ўзини жуда кўп подачи болалар ва бузоқлар кўринишида намоён этганида, Кришнанинг акаси Шри Баладева бу ғаройиб мўъжизани кўриб, шундай деди: "Во ажаб, - мана бу бузоқ ва сигирлар, подачи болалар Менинг қалбимда худди

Кришнага нисбатан бўладигандай жазавали чуқур муҳаббат уйғотяптилар!" Бу фикр Уни ҳайратга тушиб, қарахт бўлиб қотиб қолишга мажбур этди. Мана шу Парвардигор Кришнанинг ўзи жазавали муҳаббатнинг уйғотувчи кўринишида ҳам манбаи, ҳам сабабчиси бўлишига мисол бўлади.

## Йигирма биринчи боб. Шри Кришнанинг сифатлари.

Парвардигор Шри Кришнанинг шахсий сифатларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Унинг яширин сифатлари киради, иккинчи гуруҳга эса - намоён бўлган сифатлари. Кришнани либослар ёпиб турганида Унинг шахсий сифатлари кўзга кўринмайди. Кришнанинг яширин шахсий сифатлари "Шримад Бхагаватам"да(Унинг Дваракада шоҳ сифатида бўлган пайтлари, *дварака-лила* таърифланганида) келтирилган. Баъзан Парвардигор Кришна аёлларнинг кийимини кийиб олиб, ҳар хил эрмаклар билан ҳам лаззатланган. Уни ана шундай либосда кўриб қолган Уддхава ҳайратга тушиб шундай дейди: "Ажабо, мен қалбимда бу аёлга нисбатан ҳам худди Кришнанинг ўзига нисбатан ҳис этгандай жазавали муҳаббат сезяпман. Демак, бу аёл - аёлларнинг либосини кийиб олган Кришнанинг ўзи бўлса керак!" Парвардигорнинг шахс сифатида, Кришна қиёфасида намоён бўлганини кўрган бир содиқ Унинг танасининг гўзаллигини таърифлай бошлади: "Парвардигор Кришнанинг бу шахсий қиёфаси нақадар гўзал! Унинг бўйни сурни эслатади! Унинг кўзлари шу қадар чиройлики, гўзалликда нилуфар гули билан баҳслашаётгандай бўляпти. Унинг қорамтир тусдаги танаси *тамала* дарахтига ўхшайди. Чиройли сочлари қалласини қоплаб олган. Унинг кўксида Шриватса белгиси бор, кўлида эса, сур ушлаб турибди. Иблис Мадхунинг душманининг гўзаллиги шу қадар жозибалики, У мен-

га фақат Ўзининг илоҳий сифатларини томоша қилиш имконини бериш биланоқ чексиз илоҳий лаззат бағишлай олади”.

Ҳар хил муқаддас китобларни ўрганиб, Шрила Рупа Госвами Парвардигорнинг илоҳий сифатларининг қуйидаги рўйхатини келтиради: 1. Унинг ташқи кўриниши жуда чиройли. 2. Унинг танасида барча шарофатли белгиларни кўриш мумкин. 3. Унинг кўриниши кўзни қувонтиради. 4. У Ўзидан нур таратиб туради. 5. У кучли. 6. Ҳамиша ёш. 7. Ҳамма тилларни билади. 8. Ростгўй. 9. Ёқимли суҳбатдош. 10. Гапга чечан. 11. Зиёли(маълумотли). 12. Чуқур тафаккурли. 13. Талантли(гениален). 14. Санъаткор. 15. Жуда эпчил. 16. Ҳар бир ишга уста. 17. Миннатдор. 18. Қатъиятли. 19. Вақт ва шароитга қараб Ўзини қандай тутиш кераклигини мукамал билади. 20. Ҳар нарсага Ведалар нуктаи-назари билан қарайди. 21. Пок. 22. Ўзини тута билади. 23. Қарори қатъий. 24. Сабрли. 25. Кечиримли. 26. Уни тушуниш қийин. 27. Ўзига тўла бутун. 28. Ҳеч кимга ён босмайди. 29. Сахий. 30. Такводор. 31. Жасур. 32. Раҳмдил(ҳамдард). 33. Эҳтиромли. 34. Эътиборли. 35. Чидамли. 36. Уятчан. 37. Ўзига ишонган руҳларнинг ҳимоячиси. 38. Бахтиёр. 39. Содикларига меҳрибон. 40. Муҳаббат билан иш кўради. 41. Ҳаммага бахт келтиради. 42. Энг кудратли. 43. Энг машҳур. 44. Ҳамманинг севимлиси. 45. Ўзининг содикларига боғланган. 46. Барча аёлларни Ўзига мафтун этади. 47. Ҳамма сиғинадиган Зот. 48. Барча бойликлар эгаси. 49. Ҳамма ҳурмат қилади. 50. Олий ҳукмдор. Чуқурликда океанга тенгласа бўладиган мана шу эллик илоҳий сифатнинг барчасининг мукамал соҳиби Худонинг Олий Шахсидир. Бошқача қилиб айтганда, бу сифатларнинг Унда қанчалик чуқур намоён бўлишини англаб бўлмайди.

Парвардигорнинг ажралмас заррачалари сифатида алоҳида тирик мавжудотлар ҳам, Унинг соф содиклари бўлганида арзимас даражада кам миқдорда мана шу сифатларни намоён этишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содиклари ҳам мана шу илоҳий сифатларни ўзида қайсидир даражада намоён этишлари мумкин, аммо бу сифатларнинг ҳаммаси тўла равишда фақат Худонинг Олий Шахсида мавжуд.

Булардан ташқари, Парвардигор Кришнанинг бошқа илоҳий сифатлари ҳам бор. Уларни "Падма пурана"да Тангри Шива рафиқаси Парватига таърифлаб берган, "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшигида Ер фариштаси билан дҳарма фариштаси Йамараж орасида бўлиб ўтган суҳбатда ҳам таърифланган. Унда шундай дейилган: "Буюк зот бўлишни истаган одамларни қуйидаги фазилатлар бегаб туриши лозим: ростгўйлик, поклик, раҳмдиллик, тиришқоқлик, таркидунёлик, мулойимлик, содалик, ўзини тута билиш, хотиржамлик, камсуқумлилик, ҳеч кимга ёнбосмаслик, тоқатлилик, осойишталик, билимдонлик, билағонлик, боғланмаслик, бойлик, жасорат,

одамларга таъсир қила билиш, куч, яхши хотира, мустақиллик, одоблилик, нур сочиб туриш, чидамлилик, дилхушлик, топқирлик, эътиборлилик, хушхулқилик, қатъият, зукколик, ўз бурчига маъсулиятли бўлиш, лаззат келтирадиган ҳамма нарсаларга эга бўлиш, жиддийлик, сабрбардошлилик, садоқат, шон-шухрат, бошқаларга эҳтиромли бўлиш ва сохта манманликнинг йўқлиги". Буюк руҳ бўлишни истаган одамлар мана шу фазилатларнинг ҳаммасига эга бўлишлари лозим, шунинг учун ҳеч қандай шубҳа йўқки, уларнинг ҳаммаси ҳам олий руҳда, Парвардигор Кришнада ҳам бор.

Юқорида санаб ўтилган эллик сифатдан ташқари Парвардигор Кришна яна беш илоҳий сифатга эга, бу сифатлар баъзан Тангри Шива ёки Тангри Брахма сингари шахсларда ҳам қисман намоён бўлади. 51. У ўзгармас. 52. Ҳамма нарсени билувчи. 53. Ҳамиша янги. 54. *Сач-чидананда*(илм ва лаззатга тўла мангу илоҳий танаси бор). 55. Барча сеҳр кудратларига эга.

Бундан ташқари Унинг Нарайана танасида намоён бўлган яна беш сифати бор: 56. У англаб бўлмас қувватлар соҳиби. 57. Сон-саноксиз коинотлар Унинг танасидан чиқади. 58. У барча қиёфаларнинг, экспансияларнинг, аватараларнинг ягона манбаи. 59. Ўзининг душманларини ўлдириб, уларга озодлик бағишлайди. 60. У озодликка чиққан руҳларни ҳам Ўзига мафтун этади. Мана шу илоҳий сифатларнинг барчаси Парвардигор Кришна шахсида ажойиб равишда тўла намоён бўлади.

Юқорида кўрсатилган олтмиш турли сифатлардан ташқари Парвардигор Кришнанинг яна тўрт илоҳий сифати борки, бу сифатлар фаришталар ва оддий тирик мавжудотлар нари турсин, ҳатто Нарайананинг экспансияларида ҳам намоён бўлмайди.

61. У хилма-хил ғаройиб эрмаклар билан машғул бўлади. 62. Ҳамиша Парвардигорга нисбатан чексиз муҳаббат ҳис қиладиган содиклар даврасида юради. 63. Найида куй чалганида бутун оламдаги барча тирик мавжудотларни Ўзига махлиё эта олади. 64. Бутун борликда ҳеч ким тенгласа олмайдиган ғайритабиий гўзалликка эга.

Фақат Парвардигор Кришнада намоён бўладиган мана шу тўрт сифат билан бирга ҳаммаси бўлиб Парвардигорнинг илоҳий сифатларининг сони олтмиш тўртга бўлди. Шрила Рупа Госвами энди ҳар хил муқаддас китоблардан мана шу олтмиш тўрт сифатларни тасдиқловчи далиллар келтиришга ҳаракат қилади.

### 1. Унинг ташқи кўриниши жуда чиройли.

Парвардигорнинг илоҳий танасининг баъзи қисмларини моддий оламдаги нарсаларга қиёслаб таърифлаш ҳеч қачон тўғри, аниқ бўлолмайди. Бундай моддий ўхшатишлар фақат Парвардигор-

нинг илоҳий танаси қанчалик гўзал эканини тушунишга қодир бўлмаган оддий одамлар онгида озгина бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилиш учун ишлатилади. Кришнанинг юзи ойдай чиройли, Унинг сонлари филнинг хартумидай кучли, қўллари икки устунга ўхшайди, унинг қафтларининг шакли нилуфар гулини эслатади, кўкраги пештоқдай кенг, Унинг ёнбоши ғорга ўхшайди, танасининг ўртаси эса, айвонга ўхшайди, деб айтадилар.

## 2. Унинг танасида барча шарофатли белгиларни кўриш мумкин.

Тананинг баъзи жойларидаги белгилар жуда шарофатли белгилар ҳисобланади, ана шундай белгиларнинг ҳаммасини Парвардигор Кришнанинг илоҳий танасида учратиш мумкин. Нанда Махаражнинг дўстларидан бири Парвардигор Кришнанинг танасидаги шарофатли белгилар ҳақида шундай дейди: "Эй подачилар шоҳи, мен сенинг ўғлингнинг танасида ўттиз иикта шарофатли белги санадим. Ана шундай фарзанд қандай қилиб бир подачининг уйида туғилганига ҳайрон бўлишдан бошқа иложим йўқ". Одатда Парвардигор Ер сайёрасига тушганида, масалан, Парвардигор Рамачандра киёфасида келганида Парвардигор Кришна кшатрийлар хонадонида ёки браҳманлар оиласида туғилади. Аммо, гарчи Нанда вайшйалар табақасига мансуб бўлса ҳам, Кришна Нанда Махаражнинг ўғли бўлиш вазифасини бўйнига олган. Вайшйаларнинг жамиятдаги бурчи савдо-сотик, деҳқончилик қилиш ва сигирларга ғамхўрлик қилишдан иборат. Шунинг учун Нанда Махаражнинг дўсти, ўзи браҳманлар хонадонига мансуб бўлса керак, ана шундай улуғвор фарзанд қандай қилиб вайшйалар хонадонида туғилганидан ҳайратга тушяпти. Лекин, барибир у Кришнанинг танасидаги барча шарофатли белгиларни Унинг тутинган отасига кўрсатган.

У давом этиб шундай дейди: "Бу боланинг танасидаги етти жойи қизғиш нур таратиб турибди: кўзлари, қўл ва оёқларининг бармоқ учлари, танглайи, лаблари, тили ва тирноқлари. Тананинг мана шу қисмларининг қизғиш рангда нур таратиб туриши шарофатли белги ҳисобланади. Унинг танасининг уч жойи жуда кенг: пешонаси, кўкраги ва тоси. Унинг танасининг уч жойи калта: бўйни, сони ва жинсий аъзоси. Унинг танасининг уч жойи жуда чуқур: овози, тафаккури ва киндиги. Унинг танасининг беш жойи баланд: бурни, қўллари, қулоқлари, пешонаси ва сонлари. Унинг танасининг беш жойи нозик: танаси, танасидаги туклари ва бошидаги сочи, тишлари ва бармоқ учлари. Мана шу белгиларнинг ҳаммаси биргаликда фақат жуда буюк шахсларда учрайди".

Одамнинг қафтидаги тақдир чизиклари ҳам шарофатли белгилардан саналади. Бу ҳақда битта кекса гопи Нанда Махаражги шундай дейди: "Сенинг ўғлингнинг қафтидаги тақдир чизиклари жуда ажойиб. Унинг қафтида нилуфар ва ғилдирак

белгилари, товонларида эса, байроқ, яшин, балиқ, фил хайдовчининг чирилдоғи ва нилуфар белгилари бор. Қара, Унда қандай шарофатли белгилар бор".

## 3. Унинг кўриниши кўзни қувонтиради.

Одамнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда, танаси бошқаларнинг кўзини ўзига тортадиган даражада чиройли кўриниши *ручира* (кўзни қувонтирувчи) деб аталади. Бошқа сифатлар билан биргаликда Парвардигор Кришнада ана шундай сифат ҳам бор. "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи қўшиғида (2.13) бу ҳақда шундай дейилган: "Шоҳ Юдхистхира Раджасуйа қурбонлик маросими ўтказганида Парвардигор Ўзининг кўзларни қувонтирадиган либосида қурбонлик майдончасида пайдо бўлди. Бу маросимга бутун оламнинг ҳамма чеккаларидан барча обрўли мўътабар шахслар таклиф этилган эди, Кришнага бир марта нигоҳ ташлаш билан улар "Кришна - Яратганнинг оламини яратиш фаолиятидаги энг буюк асаридир", деган хулосага келгандилар.

Парвардигор Кришнанинг илоҳий танасининг саккиз жойи нилуфар гулини эслатади, деб айтадилар: Унинг юзи, икки кўзи, икки қўли, киндиги ва товонлари. Гопилар ва Вриндаванда яшайдиган содиқлар ҳамма жойда порлаб нур таратиб турган нилуфарларни кўрар ва бу ажойиб манзарадан кўз узолмасдилар.

## 4. У Ўзидан нур таратиб туради.

Бу оламини қамраб олган ёғду Худонинг Олий Шахсидан таралиб турган илоҳий нурлардир, деб айтадилар. Парвардигор Кришнанинг олий даргоҳи ҳамиша *брахмажйоти* деб аталадиган илоҳий нур таратиб туради ана шу ёғду Унинг танасидан чиқиб туради.

Парвардигорнинг кўксини безаб турган қимматбаҳо маржон тошлар таратаётган ёғду ҳатто куёшнинг ёғдусини ҳам сўндириб қўяди, аммо, улардан таралаётган ёғдуни Парвардигорнинг танасидан таралаётган ёғду билан таққосламоқчи бўлсангиз, ана шу маржонларнинг ёғдуси осмондаги юлдузларнинг ёғдусига ўхшаб қолади. Шунинг учун Кришнанинг илоҳий қудрати шу қадар қудратлики, У ҳар қандай зот устидан ғалаба қозониши мумкин. Кришна Ўзининг душмани шоҳ Камса ўрнатган қурбонлик маросими ўтказадиган майдончага кўтарилганида, шу ердаги курашчи полвонлар, Кришнанинг танаси жуда нозик бўлса ҳам, У билан курашга тушишлари лозим эканини ўйлашнинг ўзиданок қаттиқ ҳаяжонга туша бошлагандилар.

## 5. Кучли.

Жуда қудратли жисмоний кучга эга бўлган одамни *балиян* деб айтадилар. Кришна Аришта-

сурани ўлдирганида, гопилардан баъзилари шундай дедилар: “Ҳой дугоналар, Кришна қандай қилиб Ариштасурани ўлдирганига қаранглар! У тоғдай қудратли эди, аммо Кришна уни худди парни кўтаргандай осмонга кўтариб, осонлик билан улоқтириб ташлади!” Бошқа бир шеърда ҳам шундай дейилади: “Эй Парвардигор Кришнанинг содиқлари, илоё сизларни Говардхана тоғини худди коптоқдай осмонга кўтарган Парвардигор Кришнанинг чап кўли ҳаётдаги барча хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб юрсин!”

## 6. Ҳамиша ёш, мангу навқирон.

Парвардигор Кришна ҳамиша - болалигида ҳам, ўспиринлигида ҳам, ёшлигида ҳам бирдай гўзал. Шуларнинг ичида унинг ёшлиги - лаззатларга тўла давр, бу даврда Унга ҳар турли хизмат қилиш билан Уни мамнун қилиш мумкин. Мана шу даврда Парвардигор Кришна Ўзининг барча илоҳий сифатларини намоён этади - Ўзининг ҳар хил илоҳий эрмак, ўйинларини намойиш этади. Шунинг учун ёшлигининг бошланиш даврини содиқлар Уни жазавали илоҳий муҳаббат билан севиш учун энг қулай давр деб ҳисоблайдилар.

Мана шу даврдаги Кришнани шундай таърифлайдилар: “Кришнанинг ёшлигининг кучи Унинг гўзаллиги билан, ҳатто тўлин Ойни ҳам уялтириб кўядиган ширин табассуми билан кўшилиб кетган. У ҳамиша чиройли кийинган, гўзалликда севги фариштасининг ўзини ҳам ортда қолдиради, гопиларнинг қалбини ширин лаззатга тўлдириб, ҳамиша уларнинг ақлини Ўзига тортади”.

## 7. Ҳамма тилларни яхши билади.

Шрила Рупа Госвами айтадики, ҳар хил мамлакатларнинг тилларини, айниқса, фаришталар гапирадиган санскрит тилини, шунингдек оламдаги барча тилларни, шу жумладан ҳайвон ва қушларнинг тилини ҳам биладиган одамни ҳамма тилларни билади деб айтиш мумкин. Демак, Парвардигор Кришна ҳатто ҳайвонлар тилида ҳам гапира олган. Кришна Ўзининг ўйинларини намойиш этган ўша даврларда Вриндаванда яшаган бир кекса гопи бир куни ҳайратга тушиб шундай дейди: “Враджабхумининг барча қизларининг қалбини ўғирлаб қўйган Кришнанинг гопилар билан Враджабхуми тилида, фаришталар билан санскрит тилида, сигир ва кўтослар билан эса, ҳайвон тилида гапиришаётганини кўриб, мен ҳайратга тушаман. Бунинг устига Кришна Кашмир вилоятидаги одамлар гапиришадиган тилни, тўтиқуш ва бошқа қушларнинг тилларини ҳам, шунингдек бошқа ҳар хил тилларни ҳам яхши билади!” Қандай қилиб Кришна шунча тилларни мукамал ўргангани ҳақида у гопилардан сўрайди.

## 8. Ростгўй.

Ҳеч қачон ўзининг айтган гапига хилоф иш қилмайдиган одамни ростгўй одам дейдилар. Бир куни Кришна Пандузодаларнинг онаси Кунтига ваъда бериб, Курукшетрада бўлиб ўтадиган қирғинбарот урушда унинг беш фарзанди ҳам тирик қолишини айтди. Уруш тугаб, Пандузодаларнинг ҳаммаси уйларига қайтиб келгандан кейин, берган ваъдасининг устидан чиққани учун Кунти Кришнага чуқур миннатдорчилик изҳор этди. У шундай деди: “Ҳатто куёшнинг нурлари совиб қолиши мумкин, Ойнинг нурлари кизиби кетиши мумкин, аммо нима бўлганда ҳам Сен ҳеч қачон берган ваъдангдан қайтмайсан”. Яна бир марта, Кришна, Бҳима ва Аржун учовлон Жарасандхани жангга чақиришга келганларида ҳам, Кришна Жарасандхага гапнинг ростини: унинг олдида турган бу уч йигит - мангу Кришна ва икки пандузода эканини айтиб қўйганди. Гап шундаки, Кришна ҳам, пандузодалар - Аржун ва Бҳима ҳам кшатрийлар эди. Жарасандха ҳам кшатрий бўлиб, брахманларга нисбатан жуда саховатлилиги билан шуҳрат қозонган эди. Шунинг учун Жарасандха билан жанг қилиш ниятида улар унинг олдида брахманларнинг кийимини кийиб келгандилар. Ҳеч қачон брахманлардан ҳеч нарсасини аямайдиган Жарасандха улардан “сизларга қандай хизмат кўрсатишим мумкин?” деб сўраганида, улар унинг ўзи билан курашмоқчи эканини айтдилар. Шундан сўнг, брахман либосини кийиб олган Кришна унга аслида Ўзи унинг мангу душмани бўлган Кришна эканини очиқ айтди.

## 9. Ёқимли суҳбатдош.

Ўзининг дўстона суҳбатлари билан ҳатто душманининг кўнглини ҳам хотиржам қила оладиган одамни “ёқимли суҳбатдош одам” деб айтадилар. Кришна ҳақиқатан ҳам ана шундай ёқимли суҳбатдош эди. Йамуна дарёси сувларида Ўзининг душмани бўлган Калия устидан ғалаба қозониб, У шундай дейди: “Эй илонлар шоҳи, гарчи Мен сенга шунча озор берган бўлсам ҳам, илтимос, Мендан хафа бўлма. Ҳатто фаришталар ҳам ҳурмат-эҳтиром билан сиғинадиган мана шу сигирларни ҳимоя қилиш - Менинг бурчим. Сен бу ерда бўлсанг улар ҳалокатли хавф остида юрадилар. Уларни шу хавфдан ҳалос этиш учун Мен сени бу ердаги сувлардан қувиб юборишим керак эди”.

Калия Йамуна дарёсининг қўлтикларидан бирида жойлашиб олиб, ундаги ҳамма сувни захарлаб юрган эди. Натижада шу ерга сув ичишга келган сигирларнинг кўплари захарланиб ўлган эди. Шунинг учун, ҳали эндигина тўрт-беш ёшга тўлган Кришна аввалига сувга сакраб, Калияни қаттиқ жазолади, кейинг унга бу ердан кетиб, ўзига бошқа жой топишни буюрди.

Шунда Кришна сигирларга ҳатто фаришталар ҳам сиғинади деб айтган ва уларни қандай ҳимоя қилиш лозим эканини Ўзи амалда кўрсатиб берган

эди. Ҳеч бўлмаса, Кришна онгида бўлган одамлар Ундан ўрнак олиб, сигирлар ҳаётини ҳамиша ҳимоя қилишлари, уларга ғамхўрлик қилишлари лозим. Сигирларга сиғинадиган фақат фаришталар эмас. Сигирларга, айниқса Гопаштами байрами кунларида ва Говардхана-пуджа байрамида ҳатто Кришнанинг Ўзи ҳам сиғинади.

## 10. Гапга чечан.

Гапирган гаплари мазмунли ва ёқимли, ҳеч кимни безовта қилмайдиган одамни *вавадука*, яъни “гапга чечан одам” деб айтадилар. "Шримад Бхагаватам"да Кришнанинг қанчалик одоб билан гапиришини таърифловчи шеър бор. Кришна отасидан хурмат-эҳтиром билан ёмғир фариштаси Индрага ўтказилаётган қурбонлик маросимини тўхтатишни илтимос қилганида, қишлоқдаги бир подачининг хотини Унинг гапларини тинглаб ҳайратга тушган эди. Кейинроқ у ўзининг дугоналарига бу ҳақда гапириб шундай деганди: “Кришна Ўзининг отаси билан шунчалик хурмат-эҳтиром ва мулойимлик билан гаплашдики, гўё У шу ердагиларнинг қулоқларига лаззат шарбати қуяётгандай бўлди. Унинг шундай ширин сўзларини тинглагандан кейин ким ҳам Унга қарши чиқа оларди?”

Оламда мавжуд бўлган барча эзгу сифатларнинг соҳиби бўлган Кришнанинг сўзамоллигини Уддхава шундай таърифлайди: Кришнанинг гаплари одамни маҳлиё қиладиган шундай мафтункор кучга эгаки, ҳатто Унинг душманининг қалбини ҳам бир пасда ўзгартириб юборади. Унинг гаплари бу оламнинг барча муаммо ва ташвишларини бир лаҳзада йўқотиб юбора олади. У кўп гапирмайди, аммо Унинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз чуқур маънога эга. Ҳақиқатан ҳам Кришнанинг гаплари менга чексиз мамнуният олиб келади”.

## 11. Зиёли(маълумотли).

Чуқур маълумотга эга бўлган ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракат қиладиган одамни “зиёли” одам деб айтадилар. Илмнинг ҳар хил соҳаларидан хабардор одамни “билимдон” одам деб айтадилар, одоб-ахлоқ қоидалари асосида ҳаракат қиладиган одамни эса - “тартибли” одам деб айтадилар. Бу икки сифат биргаликда зиёли деган тушунчани беради.

Шри Нарада Муни Кришнанинг Сандипани Мунининг ашрамида ўтган шогирдлик даврини шундай таърифлайди: ”Яралиш аввалида Тангри Брахма ва бошқалар Кришнанинг буюк океанидан буғланган сувга тўлиб турган булутларга ўхшайдилар. Бошқача қилиб айтганда, аввалига худди океандан буғланган сувдан тўйинадиган булутга ўхшаб, Тангри Брахма ведалар илмини Кришнадан олди. Кейин, Тангри Брахманинг бутун оламга тарқатган ана шу илмини ва насихатларини тоғга ўхшаган Сандипани Муни

ўзига сингдириб олди. Сандипани Мунининг Кришнага бераётган насихатлари худди, дарё бўлиб яна ўзининг аввалги чиққан жойига - Кришна океанига қуйилаётган тоғнинг ирмоқларига ўхшайди”. Бу ерда шу назарда тутилганки, аслини олганда, худди океанга фақат океаннинг ўзидан чиққан сув бориб қуйилгани сингари, ҳеч ким Кришнага насихат бера олмайди. Океан фақат дарёлардан келаётган сувлар билан тўладигандай бўлиб кўринади, холос. Бу гаплардан маълум бўладики Тангри Брахма ведалар илмини Кришнадан олган, Брахмадан эса, шогирдлар силсиласи орқали ведалар илми одамлар орасида тарқалган. Бу ерда Сандипани Муни тоғдан оқиб тушаётган, аммо барибир бошланғич океанга бориб қуйиладиган дарёга ўхшатишган.

Сиддхалока аҳолиси(Аҳолисининг ҳаммаси туғилганиданок барча сеҳр қудратига эга бўлган зотлар яшайдиган сайёра), сиддхилар ва чараналар Кришнага шундай илтижо билан мурожаат қилдилар: “Эй азиз Парвардигор Говинда, илм фариштасини юқори билимдонлик олиб келадиган ўн тўрт мукамаллик бежаб туради, унинг тафаккури Ведаларнинг тўрт бўлимининг ҳамма жойига сингиб киришга қодир, унинг диққат-эътибори ҳамиша Ману сингари буюк донишмандлар ўрнатган қонунлар мажмуасида мужассам, ўзи эса маҳсус илмнинг олти соҳасига ўраниб олган: Ведаларнинг гувоҳлиги, грамматика, астрология, риторика, лексика ва логика. Ведаларга қўшимча бўлган Пураналар унинг ажралмас дўстлари, барча илмларнинг гултожи бўлган Олий Ҳақиқат уни бежаб туради. Энди эса, у Сен билан мактабда бирга ўтириб, Сенга хизмат қилиш имкониятига ҳам эга бўлди”.

Худонинг Олий Шаҳси, Кришнага ҳеч қандай маълумот, таълим олишнинг ҳожати йўқ, аммо У илм фариштасига ҳам Ўзига хизмат қилиш имкониятини беради. Кришна Ўзига тўла бутун ва ҳеч кимнинг хизматига муҳтож эмас, шунга қарамай Унинг сон-саноксиз содиқ хизматкорлари бор. У фақат Ўзининг меҳрибонлиги ва чексиз марҳамати билан Ўзини содиқларининг хизматига муҳтождай бўлиб кўрсатиб, ҳар кимга Унга садоқат билан хизмат қилиш имкониятини беради.

Одоб-ахлоқ қоидаларига келсак, "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: Вриндаванда ҳукмронлик қилар экан, Кришна ўғрилар учун ажал тимсоли, художўй тақводорлар учун - илоҳий лаззат тимсоли, ёш қизлар учун - тенгсиз гўзалликка эга севги фариштаси, камбағал одамлар учун эса - одамларнинг энг саховатлиси бўлиб кўринарди. Ўзининг дўстлари учун У тўлин ойдай сергаклантирувчи, рақиблари учун эса, - Тангри Шива оғзидан уфурадиган ҳалокатли оловдай даҳшатли эди. Шундай қилиб, ҳар хил одамлар билан бўлган муносабатларида Кришна одоб-ахлоқ қоидаларини мукамал билишини намоён этарди. Ўғриларга ажал тимсоли бўлиб кўриниш билан У одоб-ахлоқ қоидаларига амал



қилмайдиган ёки бешафқат Зот бўлиб қолмайди. Ҳатто бу муносабатида ҳам Унинг меҳрибонлиги намоён бўлган, чунки ўғрилар учун ўлим жазоси олий одоб-ахлоқ қоидалари асосида белгиланади. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор Кришна айтадики, одамларнинг Ўзига нисбатан бўлган муносабатларига мос равишда У ҳар кимга ҳар хил муносабатда бўлади. Гарчи Кришнанинг содиқларга ва иймонсиз, худосиз одамларга муносабати ҳар хил бўлса ҳам, Унинг муносабатлари ҳар икки тоифа одамларга ҳам энг буюк саодат келтиради. Кришна барчага фақат саодат келтиради, Унинг одамларга қилган ҳар бир иши - фақат яхшиликка олиб келади.

## 12. Чуқур заковатли.

Мустаҳкам хотирага эга бўлиб, соғлом фикрлай оладиган одамни заковатли одам деб атайдилар. Кришна шу қадар қудратли хотира намоёиш этган эдики, Авантипурда Сандипани Муни мактабида ўқир экан, руҳий устозининг ҳар қандай насихатини мукамал англаб етиши учун уни бир марта тинглаб олса кифоя эди. Унинг Сандипани Муни мактабида илм ўрганиши бу дунёдаги одамлар учун бир сабоқ бўлиб, одам қанчалик буюк ва талантли бўлмасин, у барибир билимдон руҳий устозлардан умумий таълим олиши лозимлигини кўрсатарди.

Ҳар қандай қийин вазиятдан чиқиб кета олиш қобилиятини Кришна Матхурага ҳужум қилган хароми(*чандал*)лар шоҳи билан жанг қилганда намоён этди. Ведавий ахлоқ-одоб қоидаларига кўра шоҳ қшатрийлар ҳатто ўлдириш учун ҳам чандалларга қўл теккизиши мумкин эмас. Шунинг учун чандал шоҳ Матхурага ҳужум қилганида Кришна уни Ўз қўли билан ўлдиришни Ўзига эп кўрмади. Лекин, барибир чандаллар шоҳини ўлдириш шарт эди. Ўйлаиб туриб, Кришна шоҳни изидан чопишга мажбур қилиш учун жанг майдонидан қочди ва уни Мучукунда ухлаб ётган ғорга олиб борди. Мучукунда бир пайтлар Каргтикееядан фотиҳа олган эди. Шу фотиҳа қудрати билан у уйқудан уйғонганда биринчи марта кўзи тушган одам ёниб кулга айлаиб кетарди. Кришна, агар чандал-шоҳни Мучукунда ухлаб ётган ғорга олиб борсам, у Мучукундани уйғотиб юборарди, шунда Мучукунда уни ёкиб кулга айлантириб юборарди, деган қарорга келди.

## 13. Талантли(гениален).

Баҳс-мунозарада янгидан янги далил, исботлар билан ҳар қандай рақибни ҳам мағлуб қила оладиган одамни талантли одам деб айтадилар. Бу ерда "Падйавали"дан Кришна билан Радхаранининг суҳбати таърифланган шеърни келтириш мумкин. Бир куни эрталаб, Кришна Радхаранининг олдида келганида, Радхарани Удан шундай деб сўради: "Азизим Кешава, ҳозир Сенинг *васанг* қаерда?"

Санскрит тилида *васа* сўзи уч хил маънони англади - яшаш жойи, хид, либос.

Кришнага савол берар экан, Шримати Радхарани: "Сенинг кийиминг қани?" - деган маънони назарда тутган эди. Аммо Кришна бу иборани яшаш жойи маъносида қабул қилди ва шундай деб жавоб берди: "Ҳой Менга мафтун бўлиб қолган гўзал қиз, ҳозир Мен сенинг чиройли кўзларингга яшайман".

Бунга жавобан Радхарани шундай деди: "Ҳой айёр йигит, мен Сендан қаерда яшайсан, деб сўраганим йўқ. Мен Сенинг либосингни сўрадим".

Шунда Кришна *васа* сўзини хид маъносида қабул қилиб, шундай деди: "Эй аёллар ичида энг бахтлиси, Мен сенинг танангга қўшилиш учун ҳозиргина ана шу муаттар хид бўлдим!"

Шримати Радхарани Кришнадан: "Сен бугун тунни қаерда ўтказдинг?" - деб сўради. Бу ерда санскритча *йаминьямушита* ибораси ишлатилган эди. *Йаминам* дегани - "тунда", *ушита* эса - "вақт ўтказиш" деганни билдиради. Аммо Кришна *йаминьямушита* иборасини икки қисмга бошқача бўлиб қабул қилди: *йаминья* - ва *мушита*, натижада бу сўзнинг маъноси "тун ўғирлаган" бўлди. Кришна Радхаранига шундай жавоб берди: "Азизим Радхарани, наҳотки тун Мени ўғирлай олса?" Кришна Радхаранининг саволларига шундай чалкаш жавоб берди, Унинг берган бу чалкаш, айёр жавоблари гопи-дугоналаридан энг суюклиси Шримати Радхаранини жуда қувонтирди.

## 14. Санъаткор.

Санъаткорларга хос гапирадиган ва кийинадиган одамни *видагдха* деб атайдилар. Ўртак олса арзийдиган ана шундай фазилат ҳам Шри Кришнанинг шахсида намоён бўлган эди. Шримати Радхарани бу ҳақда шундай дейди: "Азиз дугонажон, қара, Кришна Ўзини гулчамбар билан чиройли безаб, қанчалик ажойиб қўшиқлар ёзади, қанчалик чиройли рақсга тушади, қанчалик ёқимли ҳазиллашади, найини қанчалик ёқимли чалади. У худди барча шахматчиларни мағлуб қилгандай чиройли ясаиб олибди. Унинг бутун ҳаёти - санъаткорларга хос нозик диднинг энг олий даражада намоён бўлишидир".

## 15. Жуда эпчил.

Бир вақтнинг ўзида ҳар хил ишлар билан шуғуллана оладиган одамни эпчил деб атайдилар. Бу ҳақда бир гопи шундай деган эди: "Азиз дугонажонлар, сизлар Кришна ҳамма ишларни қанчалик эпчиллик билан қилишига бир қаранглар! У подачи болалар ҳақида ажойиб қўшиқлар тўқиб, сигирларга лаззат беради. Кўзларининг чиройли ўйнатиб, У гопиларни хурсанд қилади, айна пайтда Ариштасура сингари иблислар билан курашади. Шу тариқа У ҳар хил тирик мавжудотлар билан ҳар турли муносабатда бўлиб, Ўзи бундан чуқур лаззат олади".

## 16. Ҳар бир ишга уста.

Ҳар қандай қийин ишни ҳам тез бажара оладиган одамни ҳар бир ишга уста деб атайдилар. Шри Кришнанинг бу сифати ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(59.17) айтилган, унда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй Курулар аълоси, Шри Кришна ҳар хил жангчилар қўллаб юрган куролларнинг барчасини чил-парчин қилди". Аввалги замонларда ҳар хил пайконлар асосий курол ҳисобланарди. Жанг қилаётганларнинг биттаси қандайдир пайкон юборарди, иккинчи томон эса, уни ўзининг пайкони билан яксон қилиши керак эди. Масалан, бир томон иккинчи томонга осмондан ёмғир қуйдириб юборадиган пайкон йўллаши мумкин, иккинчи томон эса, унга қарши, тушаётган ёмғир сувларини бир пасда буғлантириб, булутга айлантирадиган пайкон билан жавоб бериши керак эди. Шундай қилиб, Шукадева Госвами гапидан маълум бўляптики, Кришна рақибларнинг пайконларини яксон қилиш санъатини мукамал эгаллаб олган.

Кришнанинг бу қобилияти раса рақси пайтида ҳам намоён бўлади. Унда ҳар бир гопи Кришнадан фақат ўзи билан бирга рақсга тушишни илтимос қилди. Кришна ҳар бир гопи билан алоҳида рақсга тушиш учун шу заҳотиёқ ўзини жуда кўп экспансияларда намоён этди. Натижада ҳар бир гопи Кришнани фақат ўзининг ёнида кўришга муяссар бўлди.

## 17. Миннатдор.

Дўстининг қилган яхшилигини ҳамиша эслаб юрадиган, унинг хизматини ҳеч қачон эсидан чиқармайдиган одамни миннатдор одам деб айтадилар. "Маҳобҳорат"да Кришна шундай дейди: "Мен Драупадидан жуда узокда бўлган пайтимда, у кўзларида ёш билан Мени чорлади: "Ҳе Говинда!" Унинг ана шу илтижоси Мени унинг олдида қарздор қилиб қўйди ва ана шу қарз қалбимда тобора ўсиб боряпти!" Парвардигор Кришнанинг бу сўзларидан маълум бўладики, Парвардигорни мамнун, миннатдор қилиш учун Унга "Ҳе Кришна! Ҳе Говинда!" - деб нола қилсангиз кифоя.

Маха-мантра, яъни Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре ҳам Парвардигорга ва Унинг қувватига нола билан илтижо қилишдир. Ўзига ва ўзининг қувватига ҳамиша нола билан илтижо қилиб юрган содикдан Парвардигор қанчалик мамнун эканини тасаввур қилиб кўринг. Парвардигор ундай содикни ҳеч қачон эсидан чиқара олмайди. Юқорида келтирилган шеърда аниқ айтилганки, Парвардигорга илтижо қилган одам шу заҳотиёқ Унинг эътиборини ўзига қаратади ва Парвардигорни ўзининг мангу қарздори қилиб қўяди.

Парвардигор Кришна ўзини содик хизматкори олдида қарздор ҳис қилган бошқа бир мисол ҳам

бор. Бу Унинг Джамбаван билан ўзаро муносабатларида кўрсатилган. Парвардигор Ер юзига Парвардигор Рамачандра қиёфасида келганида Жамбаван, маймунларнинг буюк шоҳи, Унга иймон ва садоқат билан хизмат қилган эди. Шунинг учун Парвардигор Ер юзига Парвардигор Кришна бўлиб яна ташриф буюрганида, Жамбаваннинг қизига уйланиб, унга катталарга кўрсатиш лозим бўлган хурмат-эҳтиром кўрсатди. Ҳар бир виждонли одам ўзига бирор хизмат билан яхшилик қилган дўсти олдида ўзини мангу қарздор деб биледи. Барча виждонли зотлар ичида энг виждонли, инсофли Зот бўлган Парвардигор Кришна қандай қилиб Унга бирор хизмат қилган одамни эсидан чиқара олади?

## 18. Қатъиятли.

Барча қонун-қоидаларга қатъий амал қиладиган ва ҳамиша берган ваъдаларини амалда бажарадиган одамларни қатъиятли одам деб айтадилар. Кришнанинг ана шундай сифатни намоён этиши "Ҳари-вамша" асарида ёзилган. Унда Парвардигор Кришнанинг жаннат шоҳи Индра билан қилган жанги таърифланган. Кришна ундан *париджата* гулини куч билан тортиб олган эди. *Париджата* - нилуфар гулининг бир тури бўлиб, фақат жаннатий саёраларда ўсади. Кунларнинг бирида Кришнанинг хотинларидан бири Сатйабхама, ана шу гулларни истаб қолди. Кришна унинг шу истагини бажаришга ваъда берди, лекин Индра *париджата* гулларидан айрилиб қолишни истамади. Мана шу бир томонда Кришна ва пандузодалар, иккинчи томонда фаришталар орасида бўлиб ўтган катта жангга сабаб бўлди. Охир-оқибатда Кришна ғалаба қозониб, *париджата* гулини жаннатдан олиб кетди ва хотинига совға қилди. Шунда Кришна Нарада Мунига шундай деди: "Эй фаришталар орасида буюк донишманд, сен ҳаммага, содикларга ҳам, худосизларга ҳам дадил эълон қилишинг мумкин: Мен париджата гулини тортиб олмоқчи бўлганимда фаришталарнинг ҳаммаси - гандхарвалар, нагалар, иблис-ракшаслар, йакшалар ва паннагалар - Менга қаршилиқ кўрсатдилар, аммо, ҳеч ким Менинг хотинимга берган Ўз сўзимнинг устидан чиқишимга халақит беролмади. Берган ваъдамни бузишга Мени ҳеч ким мажбур қилолмади!"

Кришнанинг яна бир ваъдаси "Бхагавадгита"да келтирилган. Кришна: - "Менинг содик хизматкоримни ҳеч ким енга олмайди!" - дейди. Ҳамиша Парвардигорга соф садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган самимий содик ҳамиша Кришна ўзининг берган ваъдасини ҳеч қачон бузмаслигига чуқур ишониши, бунга иймони комил бўлиши керак. Парвардигор Криш-

на ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзининг содиқ хизматкорини албатта ҳимоя қилади.

Кришна ҳамиша берган ваъдасининг устидан чиқишини ҳамиша исботлаб келган: хотини Сатйабхамага жаннатдан париджата гулини олиб келган, Драупадини ҳақоратдан асраб қолган, Аржунни барча душманларидан ҳимоя қилган...

Говардхана-лилада мағлуб бўлган Индра ҳам, Кришна Ўзининг содиқларини ҳамиша албатта ҳимоя қилиб юришга берган ваъдасини ҳеч қачон бузмаслигига ишонишга мажбур бўлган эди. Кришна Вражабхуми аҳолисига Индрага сиғинишни ман қилганида, Индранинг жаҳли чиқиб, Вриндаван устига кучли жала қуйдириб, уни сув тошқинига қўмиб ташламоқчи бўлган эди. Аммо, Кришна Говардхана тоғини худди соябондай юкори кўтариб туриб, Вриндаваннинг барча аҳолисини, уларнинг чорва моллари билан биргалликда бу ҳалокатдан қутқариб қолди. Қўлидан ҳеч нарса келмаган Индра, ёмғирни тўхтатиб, Кришнадан кечирим сўраб илтижо қила бошлади. Жумладан у шундай деган эди: “Говардхана тоғини кўтариб, Вриндаван аҳолисини ҳалокатдан сақлаб қолиш билан Сен ҳеч қачон содиқларингни мағлуб ҳолатда қолдирмасликка берган сўзингнинг устидан чиқдинг”.

## 19. Вақт ва шароитга қараб Ўзини қандай тутиш кераклигини муқаммал билади.

Замон, макон, шароит ва вазиятга қараб, одамлар билан қандай муносабатда бўлиш кераклигини Кришна жуда яхши билади. Кришна Уддхавага раса-ракси ҳақида гапириб берар экан, вақтга, вазиятга ва шароитга қараб одамларга қандай муносабат билдиришни яхши билишини айтди. У шундай деди: “Ракс тушиш учун энг қулай пайт - худди бугунгидай, куз пайти, тўлин ой кечаси. Коинотдаги энг яхши жой - Вриндаван, энг ажойиб қизлар - гопилар. Эй дўстим Уддхава, мана шу имкониятларни бой бермай, бугун раса ракси уюштиришим керак, деб ўйлайман”.

## 20. Ҳар нарсага Ведалар нуқтаи-назаридан қарайди.

Ҳамиша муқаддас китобларда кўрсатилган конун-қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда иш тутадиган одамни *шастра-чакиус* деб айтадилар. *Шастра-чакиус* дегани “ҳамма нарсага Ведалар нуқтаи-назаридан баҳо беради” деганни билдиради. Аслини олганда ҳақиқий илм ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳар қандай одам ҳам ҳамма нарсага муқаддас китоблар нуқтаи-назаридан қараши керак. Масалан, оддий кўз билан қараганда, куёш шунчаки порлаб турган бир думалоқ нарсага ўхшаб кўринади. Лекин, Қуёшга ведаларда келти-

рилган маълумотлар нуқтаи назаридан қарасак, у Ер сайёрасидан бир неча миллион марта катта бўлган, ўздан нур таратиб турувчи катта сайёра эканини билиб оламиз. Шундай қилиб, ҳамма нарсага фақат ўз кўзимиз билан қараб, биз тўлиқ маънода кўрамай, деб айта олмаймиз. Ҳақиқатни кўриш ҳамма нарсага муқаддас китобларнинг ёки ҳақиқий руҳий устоз кўзи билан қараш демакдир. Шунинг учун, Кришна - Худонинг Олий Шахси, Унга ҳамма нарса - ўтмиш, ҳозир ва келажак аниқ кўриниб турадиган бўлса ҳам, одамларга ўрнатилган кўрсатиш учун У ҳамиша, ҳамма нарсага муқаддас китоблар нуқтаи назаридан қарайди. Масалан, “Бхагавад-гита”да Кришна энг ишонарли руҳий устоз вазифасини бажаради, шунга қарамай У айтган гапларини “Веданта-сутра”дан олинган далиллар билан тасдиқлайди. “Шримад Бхагаватам”да ҳазил билан айтилган шундай гаплар бор: “Камсанинг душмани Кришна ҳамма нарсага шастралар нуқтаи-назаридан қараш билан шуҳрат қозонган, аммо бугун У Ўзининг нигоҳи билан гопиларни ақлдан оздириб, обрўсини ошириш учун гопиларга қараб турибди”.

## 21. Пок.

Олий покликнинг икки тури бор. Биринчи тур покликка эга бўлган одам ҳатто гуноҳкор одамларни ҳам художўй, тақводор одамларга айлантира олади. Иккинчи тур покликка эга бўлган одам ҳеч қачон нопок ишга қўл урмайди. Ана шу икки хил покликка ҳам эга бўлган одам олий даражада пок зот ҳисобланади. Кришнада мана шу икки сифатнинг иккиси ҳам мавжуд. У барча шартланган руҳларни озодликка чиқаришга қодир ва айни пайтда ҳеч қачон нопок иш қилмайди.

Акаси Дхритараштрани оиласига қаттиқ боғланиб қолганидан халос этиш учун ҳаракат қилиб, Видура мана шу ҳақда гапириб берган эди. “Эй азиз акажон, бутун ақлу-хаёлингни буюк доғнишмандлар ва авлиё зотлар чуқур мазмунли илтижоларни ширин овозда қуйлаб илтижо қиладиган Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қил. Кришна - руҳий озодликка чиқарувчилар ичида энг буюк Зот. Албатта, Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар ҳам озодликка чиқара оладилар, лекин уларнинг бировларни озодликка чиқариш қудрати бутунлай Кришнага боғлиқ”. Шунинг учун Видура акаси Дхритараштрага фақат Кришнага сажда қилишни, ақлу-хаёлини фақат Кришнада мужассам қилишни насиҳат беради. Одам Кришнанинг муқаддас номини зикр қилганида, муқаддас номнинг қалбида куёшдай порлаб чиқади ва бир зумда ғофиллик зулматини тарқатиб юборади. Шунинг учун Видура Дхритараштрага, содир этган шунча гуноҳ, нопок ишлари натижасида қалбида тўпланиб қолган барча моддий иллатлардан покланиш учун ҳамиша Кришнани ўйлаб юришни маслаҳат берапти. “Бхагавад-гита”да Аржун ҳам

Кришнага: *парам брахма парам дхама навитрам*, яъни “энг пок” деб мурожаат қилади. Парвардигор Кришнанинг энг олий даражада пок эканини тасдиқловчи мисоллар жуда кўп.

## 22. Ўзини тута билади.

Ўзининг ҳиссиётини жиловлай оладиган одамни *ваши*, яъни “ўзини тута оладиган одам” деб атайдилар. “Шримад Бхагаватам”да бу ҳақда шундай дейилган: “Кришнанинг ўн олти минг хотинидан ҳар бири шунчалик мафтункор гўзал эдики, уларнинг майин табассуми ва ибo билан қарашлари ҳатто Тангри Шива сингари буюк фаришталарни ҳам ўзига мафтун қилиб кўярди. Лекин, ўзларининг аёлларга хос бетакорор гўзаллиги, мафтункорлиги билан улар ҳеч қачон Кришнанинг осойишталигига путур етказа олмасдилар”. Ўн олти минг хотинининг ҳар бири “Кришна айнан менинг гўзаллигимга маҳлиё бўлиб қолган деб ўйларди”, лекин аслида мутлақо ундай эмасди. Демак, Кришна - ҳиссиётини жиловлаб олган зотлар ичида энг буюк Зот, бу “Бхагавад-гита”да ҳам тасдиқланган. Унда Аржун Кришнага Хришикеша, яъни “ҳиссиётлар султони” деб мурожаат қилади.

## 23. Қарори қатъий.

Олдига қўйган мақсадига эришмагунча ҳаракат қилишдан, интилишдан тўхтамайдиган одамни қарори қатъий одам деб айтадилар.

Бир куни Кришна қимматбаҳо тош Сйамантакани тортиб олиш учун шоҳ Жамбаван билан яккама-якка жанг қилди. Шоҳ ўрмонда Кришнадан яширинишга уриниб кўрди, лекин Кришна уни таъқиб қилишдан тўхтамади. У қатъий қарор билан шоҳни излашда давом этаверди ва ниҳоят қимматбаҳо тошни қўлга киритди.

## 24. Сабрли.

Ҳаётда бошига тушадиган ҳар қандай мусибатга, қанчалик қийин бўлса ҳам, нолимасдан бардош берадиган одамни сабрли одам деб айтадилар.

Кришна руҳий устозига хизмат қилиш учун унинг ашрамида яшаганида танаси жуда нозик бўлишига қарамай, ҳар қандай ноқулайликларга, қийинчиликларга бардош бериб юрган эди. Ҳар қандай қийинчиликларга эътибор бермасдан, сабр-бардоша билан руҳий устозига хизмат қилиш - шогирднинг муқаддас бурчи. Руҳий устозининг уйида яшаб юрган шогирд, эшикма-эшик юриб, одамлардан садақа сўраши, тўплаган нарсаларининг ҳаммасини руҳий устозига олиб келиб бериши лозим. Агар руҳий устоз овқатланиш вақтида бирор шогирдини овқатга таклиф қилишни эсидан чиқарса, муқаддас китобларда кўрсатилган қоида бўйича, шогирд шу

куни оч юриб, рўза тутиши лозим. Шогирднинг ўз хоҳиши билан овқатланишга ҳаққи йўқ. Мана шунга ўхшаш яна бошқа жуда кўп қоидалар бор. Бунинг устига Кришна баъзан ўтин териб келиш учун ўрмонга бориб юрган.

## 25. Кечиримли.

Душманларининг ҳар хил ҳақоратларини хотиржам кўтара оладиган одамни кечиримли одам деб айтадилар.

Парвардигор Кришнанинг қанчалик кечиримли экани “Шишупала-вадха”да, Унинг Шишупалани ўлдиришни ман қилгани ҳақидаги ҳикояда таърифланган. Шоҳ Шишупала Чеди вилоятини бошқарарди. Гарчи у Кришнанинг оғайни-амакиси бўлса ҳам, ҳамшиша Унга душманлик қилар эди. Ҳар гал учрашиб қолганида Шишупала Кришнани беобрў қилишга ҳаракат қилар, ҳар хил ифлос сўзлар билан Уни ҳақоратлар эди. Махараж Юдхиштхира ўтказаетган Раджасуя қурбонлик маросими пайтида Шишупала майдонга чиқиб, ҳамманинг олдида Парвардигор Кришнани ҳақорат қила бошлаганида, Кришна унга мутлақо эътибор бермай, унинг барча ҳақоратларига жим туриб сабр қилди. Шу ердаги одамларнинг баъзилари шу заҳотиёқ Шишупалани ўлдириб ташлашга ҳаракат қилдиларо, аммо Кришна уларни тўхтатиб қолди. Унинг кечиримлилиги чексиз эди. Осмонда момақалдинок гумбурлаганида, қудратли арслон ҳам наъра тортиб, унга жавоб беради, деб айтадилар. Лекин арслон ҳеч қачон аҳмоқ чиябўриларнинг увиллашларига эътибор бермас экан.

Шри Йамуначарйа Парвардигор Кришнанинг кечиримлилигини кўкларга кўтариб таърифлаб, шундай дейди: “Эй Парвардигор Рамачандра, Сен шунчалик олижанобсанки, Жанаки(Сита)нинг кўксини тирмалаган қарға Сенинг олдинда бош эгиши билан, унинг гуноҳини бутунлай кечириб юбординг!” Бир куни осмон шоҳи Индра қарға қиёфасига кириб, Парвардигор Рамачандранинг хотини Сита(Жанаки)га ҳамла қилди ва унинг кўксини чўқиди. Албатта, Индранинг бу иши бутун оламнинг онаси Ситага нисбатан оғир ҳақорат эди, шунинг учун Парвардигор Рамачандра шу заҳотиёқ қарғани ўлдирмоқчи бўлди. Аммо қарға дарров Парвардигор Рамачандранинг оёғига йиқилиб сажда қилди, Парвардигор Рамачандра унинг гуноҳини кечириб юборди. Шри Йамуначарйа ўзининг илтижосида давом этиб айтадики, Парвардигор Кришна ҳатто Парвардигор Рамачандрадан ҳам кечиримлироқ, чунки Шишупала Парвардигор Кришнани фақат ҳозирги ҳаётида эмас, бундан олдин яшаган уч ҳаёти давомида ҳам ҳақорат қилишда давом этиб келяпти. Шунга қарамай, Кришна унга нисбатан чексиз марҳамат кўрсатиб, уни озодликка чиқарди ва Ўзининг борлиғига қўшилиб кетиш имконини берди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки,

монистларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари - Парвардигор билан қўшилиб кетиш - осон эришса бўладиган мақсад. Ҳатто Кришнага ашаддий душман бўлган Шишупала сингари зотлар ҳам шундай озодликка эриша оладилар.

## 26. Уни тушуниш қийин(сирли).

Қалбини ҳар кимга ҳам очавермайдиган ёки ичидаги ўйларини ёки нима иш қилмоқчи бўлаётганини тушуниб бўлмайдиган одамни “сирли одам” деб айтадилар. Бир куни Тангри Браҳма Кришнани ҳақорат қилиб қўйиб, Унга илтижо қила бошлади. Аммо, Тангри Браҳма қанчалик зўр бериб, Кришнани кўкларга кўтариб олқишламасин, шунчалик илтижо қилмасин, барибир Парвардигор Кришнани ўзининг илтижолари билан мамнун қила олдими, йўқми, ҳеч тушуна олмади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Кришна шу қадар сирли, шу қадар чуқур ўйларга ғарқ бўлган эдики, Тангри Браҳманинг илтижоларига эътибор бермади. Парвардигор Кришнанинг сирлилигига яна бир мисол Унинг Шримати Радхарани билан ўзаро ишқий муносабатларидир. Кришна ҳеч қачон ҳеч кимга Радхарани билан ўзаро муносабатлари ҳақида гапирмаган, ҳатто ҳамиша бирга юрадиган акаси Баладева ҳам Кришнада бўлган ўзгаришларни сезмас эди, - Кришна шу қадар сирли Зот.

## 27. Ҳамиша Ўзидан мамнун.

Ҳамиша қалбидан лаззат олиб, ҳеч қандай орзу-истакларга интилмайдиган, ҳатто безовта бўлиш учун яққол сабаб бўлиб турса ҳам, ҳеч қачон ташвишга тушмайдиган одамни ҳамиша ўзидан мамнун одам деб айтадилар.

Кришна, Аржун ва Бхима биргаликда кудратли Магадхи шоҳи Жарасандхани жангга чақириш учун борганида Парвардигор Кришна ана шундай сифатини намоён этганди. Шунда Кришна Жарасандхани ўлдириш ҳуқуқини Бхимага берди. Бундан кўриниб турибдики, Кришна шуҳрат қозонишга ҳаракат қилмаган - аслида оламда Ундан шарафлироқ зот йўқ.

Кришнанинг Ўзидан ҳамиша мамнунлик сифати Уни Шишупала ҳақорат қилганида ҳам намоён бўлади. Махараж Юдхистхира уюштирган қурбонлик маросимига тўпланган барча браҳманлар, шоҳлар Шишупаланинг бу қилигидан ташвишга тушиб, ўзларининг илтижолари билан Кришнани мамнун қилишга ҳаракат қилдилар, аммо, улардан бирортаси Кришнанинг юзидан озгина бўлса ҳам ташвиш, безовталиқ аломатларини сезмадилар.

## 28. Ҳеч кимга ён босмайди.

Ҳар хил боғланиш ва ҳасад туйғусидан мутлақо пок бўлган одамни ҳеч кимга ён босмай-

диган одам деб айтадилар. Кришнанинг ҳеч кимга ён босмайдиган сифати ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(16.33) айтилган. Унда Кришнанинг юз бошли илон Калийани қаттиқ жазолагани ҳақида гап боради. Парвардигор Кришна Калийани жазолар экан, Калийанинг барча хотинлари Уни ўраб олиб, илтижо қила бошладилар: “Эй азиз Худойим, Сен барча иблис-сифат зотларни жазолаш учун Ерга ташриф буюргансан. Бизларнинг эримиз Калия - энг гуноҳкор ва ҳақиқатан ҳам Сенинг жазоингга муносиб зот. Биз яхши биламизки, Сен Ўзингнинг дўстларингга ҳам, душманларингга ҳам бир хил муносабатда бўласан. Сен фақат унинг келажagini қайғураётганинг учун бу жирканч махлукни жазолаётганингни биз яхши биламиз”.

Яна бир илтижода шундай дейилган: "Эй Парвардигор Кришна, эй Курулар аълоси, Сен шу қадар Олижанобсанки, агар Сенинг душманинг бирор мукофотга муносиб иш қилса, Сен уни албатта мукофотлайсан, агар Сенинг ўғилларингдан бирортаси жиноят иш қилиб қўйса, Сен уни албатта жазолайсан. Бу - Сенинг бурчинг, чунки Сен - бутун оламларнинг яратувчиси ва эгасисан. Сен ҳеч кимга ён босмайсан. Сени бирор зотга ён босади, деб ўйлайдиган одам хатолашади”.

## 29. Сахий.

Қизғанмасдан садақа берадиган одамни “сахий” деб айтадилар. Кришна Дваракада ҳукмронлик қилганида жуда сахий эди, унинг одамларга берадиган садақаларининг ниҳояси йўқ эди. У одамларга шунчалик саховат билан садақа тарқатар эдики, Дварака ўша пайтда ўзининг бойликлари билан чинтамани фалсафа тошининг истаклар дарахтининг ва сурабхи сигирларининг, ҳатто руҳий оламнинг ҳам шуҳратини сўндириб қўйган эди. Парвардигор Кришнанинг руҳий даргоҳида, Голока-Вриндаванда чекланмаган миқдорда сут берадиган сурабхи сигирлари яшайди. У ерда истаган вақтда истаган турдаги мева берадиган истаклар дарахтлари ўсиб турибди. Худонинг даргоҳида ерлар теккан нарсасини олтинга айлантирадиган фалсафа тошларидан тўшалган. Бошқача қилиб айтганда, руҳий олам, Кришнанинг даргоҳи барча ҳамма бойликларга тўла, шунга қарамай, Дваракада Кришна ҳукмронлик қилган пайтда Унинг саховати, хайр-эҳсон, садақа тарқатишдаги сахийлиги ҳатто Голока-Вриндаваннинг бойлигидан ҳам устун эди. Кришна қаерда бўлса, Унга ҳамиша Голока-Вриндавандаги тўйин-сочинлик, мўл-кўлчилик, фаровонлик ҳамроҳ бўлади.

Яна айтилганки, Парвардигор Кришна Дваракада Ўзини 16.108 экспансияда намоён этди, бир вақтнинг ўзида 16.108 шоҳона саройда 16.108 хотини билан яшаган. Бунинг устига Парвардигор Кришна Ўзининг 16.108 саройида маликалар билан ҳаёт лаззатини сурибгина қолмасдан, шу са-

ройларнинг ҳар бирида ҳар куни олтин тақинчоқлар таққан 13.054 та чиройли безатилган сигир садақа қилган. 16.108 саройнинг ҳар бирида ҳар куни 13.054 сигир садақа қилган бўлса, 16.108 ни 13.054 га кўпайтирсак, Парвардигор Кришна ҳар куни 210.273.832 сигир садақа қилганини билиб оламиз. Шунча сигир тахминан қанча туришини ҳеч ким ҳатто тасаввурига ҳам сиғдира олмайди, лекин Парвардигор Кришна Дваракада шоҳлик қилган даврда, ҳар куни шунча сигир садақа қилиш Унинг учун кундалик оддий ишларнинг бири эди.

### 30. Такводор, художўй.

Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшайдиган ва шундай яшашни бошқаларга ўргатадиган одамни такводор ва художўй одам деб атайдилар. Одам қайсидир динга мансуб бўлиш билангина такводор одам бўлиб қолавермайди. Такводор одам бўлиш учун дин қонунларига амал қилиш керак, ўзининг ҳаёти билан бошқаларга ўрнак бўлиб, уларга ҳам Парвардигорнинг қонунларини ўргатиши керак. Фақат шундай одамни такводор, художўй одам деб ҳисоблаш мумкин.

Парвардигор Кришна бу сайёрада юрганида ҳеч ким Парвардигорнинг қонунларини бузмаган. Бу ҳақда бир куни Нарада Муни Кришнага шундай деган эди: “Эй азиз Худойим, Сени ҳамма подачи-болалар ҳурмат қиладилар, тўрт оёғи балн ўтлоқда юрган Сенинг ҳўкизларинг иймонсизлик ўтларининг ҳаммасини еб бўлдилар!” Хўкиз ҳақиқий дин тимсоли ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўша пайтларда Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан дин қонунлари шу қадар мустаҳкам ўрнатилган эдики, амалда ҳеч ким унинг қонунларини бузишга журъат этолмасди.

Яна айтадиларки, Кришна ҳамиша ҳар турли қурбонлик маросимлари ўтказиб, уларга ҳар хил сайёралардан фаришталарни тақлиф қилган, шу боис фаришталарнинг хотинлари деярли ҳамиша ёлғиз яшашга мажбур бўлганлар. Ҳамиша эрларининг уйда бўлмаслигидан безор бўлган фаришта аёллар Кришнага илтижо қилиб, Ундан Парвардигор Будда кўринишида намоён бўлишни илтимос қилганлар. Парвардигор Будда Парвардигор Кришнанинг тўққизинчи аватараси бўлиб, Ер юзига Кали-юга даврида келган. Бошқача қилиб айтганда, фаришталарнинг хотинлари Парвардигор Кришнанинг келганидан қувониш ўрнига тезроқ Парвардигор Будданинг келишини истаганлар. Парвардигор Будда беозор ҳайвонларни ўлдиришни бутунлай тўхтатиш учун Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимлари ва урф-одатларни таъқиқлаб қўйган. Фаришталарнинг хотинларининг фикрича, агар Парвардигор Будда келиб, Ер юзига қурбонлик маросими ўтказилмаса, уларнинг эрлари ша маросимларда

қатнашиш баҳонасида уларни ёлғиз ташлаб кетмайдиган бўлади.

Баъзан шунда савол берадилар: “Нимага юқори сайёралардан ҳозирги даврда Ер юзига фаришталар келмайдилар?” Бунинг сабаби шундаки, Парвардигор Парвардигор Будди киёфасида келиб, ҳайвонларни ўлдиришни тўхтатиш учун, ҳар қандай қурбонлик маросимини ўтказишни таъқиқлаб кетди, шунинг учун ҳозир ҳеч кимнинг Ер юзига қон чиқариб, қурбонлик маросими ўтказишга ҳаққи йўқ, фаришталар ҳам шу сабабли Ер юзига келишни тарк этганлар.

### Йигирма иккинчи боб. Парвардигор Кришнанинг сифатлари.

### 31. Жасур.

Ҳар хил қуроллардан мохирлик билан фойдалана оладиган ва жанг қилишни яхши кўрадиган одамни жасур деб айтадилар.

Жангда Кришнанинг кўрсатган жасоратини шундай таърифлайдилар: “Эй душманларга қирон келтирувчи Зот, худди кўлда чўмилаётган фил хартуми билан сувдаги нилуфар гулларини синдиргани каби, Сен ҳам, филнинг хартумига ўхшаган қўлларининг бир ҳаракати билан нилуфар гулларига ўхшаган минглаб душман жангчиларини яксон қиласан”.

Кришнанинг жанг қуролларидан усталик билан фойдаланиш қобилияти ҳақида шу нарса маълумки, Жарасандха ўзининг ўн уч фаланга жангчиси билан Кришнанинг кўшинига ҳужум қилганида, улар Кришнанинг жангчиларидан бирортасини ҳам ҳатто ярадор қила олмадилар - Кришна жанг қилиш санъатини шу қадар мукамал биларди! Тарихда бўлиб ўтган бирор жангда бундай ҳол такрорланган эмас.

### 32. Раҳмдил(ҳамдард).

Бошқаларнинг чекаётган дардига чидаб тура олмайдиган одамни раҳмдил одам деб айтадилар.

Магадхендранинг зиндонда қамалиб ётган шоҳларни озодликка чиқариб, Кришна ана шундай ҳамдардлик туйғусини намоён этган эди. Бхишма танасини тарк этаётиб, Кришнага қилган илтижоларида Уни зулматни ёритувчи қуёшга ўхшатади. Магадхендра асир қилиб олган шоҳлар қоронғу зиндонда азоб чекиб ётган эдилар, аммо Кришна пайдо бўлган заҳоти, худди эрталаб қуёш чиққанидай, ўша зиндондаги зулмат бирданига ёришиб кетди. Бошқача қилиб айтганда, гарчи Магадхендра жуда кўп шоҳларни асир олган бўлса ҳам, Кришна пайдо бўлган заҳоти, уларнинг ҳаммаси озодликка чиқдилар. Кришна бу ишни

шоҳларнинг чекаётган азоб-укубатларига самимий ачинганидан амалга оширган эди.

Яна бир марта Кришна қалбидаги ҳамдардлик туйғусини Пандуларнинг бобокалони Бхишма танасига санчилган пайконлар усуда ётганида намоён этганди. Танасини тарк этаётган Бхишманинг ҳаётда қолган ягона истаги Кришнани кўриш эди, шунинг учун Кришна унинг олдида пайдо бўлди. Бхишмани ана шундай изтироб чекаётган аҳволда кўриб, Кришна у билан ҳамсуҳбат бўлди, унга ачинганидан Кришнанинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. У фақат кўз ёши тўкибгина қолмасдан, қалбида Бхишмага нисбатан уйғонган ҳамдардлик туйғусидан ҳушидан кетиб қолишига оз қолди. Шунинг учун Худонинг содиқлари Кришнанинг Ўзига сажда қилиш ўрнига Унинг бошқаларга нисбатан ҳамдардлик, ачиниш, меҳрибонлик туйғуси олдида сажда қиладилар. Ҳақиқатан ҳам, Кришна - Худонинг Олий Шахси бўлгани учун Унга яқинлашиш жуда қийин. Аммо, Худонинг содиқлари Шримати Радхарани тимсолида Унинг ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон табиатига мурожаат қилиб, Ундан ҳамиша Кришна Ўз марҳаматини аямай, дардларига ҳамдард бўлишини тилайдилар.

### 33. Эҳтиромли.

Рухий устозига, браҳманларга ва ёши катталарга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган одамни эҳтиромли одам деб айтадилар. Кришнанинг олдида ёши катта одамлар тўпланганида У биринчи бўлиб рухий устозига, кейин отасига, кейин акаси Балорамга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган. Шундай қилиб, нилуфар кўзли Парвардигор Кришна бошқалар билан ўзаро муносабатларида ҳамиша бахтиёр ва қалби пок эди.

### 34. Ўтиборли.

Ўтиборли одам деб ҳеч қачон мағрурланмайдиган, ўзини катта тутмайдиган, бировларнинг шаънига тегмайдиган одамни айтадилар.

Ўзининг ана шундай сифатини амаки отаси Махараж Юдхистхира уюштирган Раджасуя қурбонлик маросими пайтида намоён этди. Махараж Юдхистхира Кришнанинг Худонинг Олий Шахси эканини билар эди, шунинг учун Уни муносиб қарши олиш учун жанг аравасидан тушмоқчи бўлди. Лекин Юдхистхира бундай қилишга улгурмай қолди. Парвардигор Кришна ундан олдин Ўзининг аравасидан сакраб тушди-да, шоҳнинг олдида узала тушиб сажда қилди. Кришна - Худонинг Олий Шахси бўлишига қарамай, бошқалар билан бўлган ўзаро муносабатларида жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларидан сира четга чиқмасди.

### 35. Чидамли.

Туғма мулойим табиатга эга бўлган одамни чидамли деб атайдилар. Қимматбаҳо тош Сйамантака йўқолгандан кейин Уддхаванинг айтган гаплари Кришнанинг жуда меҳрибон ва олижаноб эканидан далолат беради: агар Унинг содиқ хизматкори катта гуноҳ иш қилиб қўйса ҳам, У бунга эътибор бермайди. Парвардигор Кришна содиқ хизматкорининг фақат Ўзига кўрсатган хизматларини ҳисобга олади.

### 36. Уятчан.

Баъзи пайтларда қаттиқ уялиб ҳижолат бўладиган одамни уялчан одам деб атайдилар.

“Лалита-мадхав”да айтилганки, Кришнанинг уятчанлиги У Говардхана тоғини чап кўлининг жимжилоғида кўтариб турганида намоён бўлди. Кришнанинг бу ажойиб жасоратини гопиларнинг ҳаммаси кўриб турар, Кришна эса уларга қараб, кулиб турарди. Лекин, Кришнанинг кўзи уларнинг кўкракларига тушганида Унинг қўли титраб кетди, тоғ остига тўпланган подачилар эса, кўркиб ташвишга тушдилар. Кейин яшин чакнаб, даҳшатли момоқалдирок гумбурлади, улар нажот тилаб, Кришнага илтижо қила бошладилар. Тоғнинг титраши подачиларнинг қалбига ғулғула солгани ҳақидаги фикрдан Парвардигор Балорам мийиғида кулиб қўйди. Балорамнинг кулганини кўриб, Кришна, “гопиларнинг кўкрагига кўзи тушганида ҳаёлидан ўтган фикрдан Балорам ҳам хабардор бўлди” деб ўйлади ва бундан қаттиқ ҳижолат бўлди.

### 37. Ишонган руҳларнинг ҳимоячиси.

Кришна - ўз ихтиёрини Унга топширган зотларнинг ҳимоячиси.

Кришнанинг душманларидан бири ҳамиша ўзини шундай фикрлар билан овутиб юрар эди: “мен умуман Кришнадан кўрқмайман, чунки Унга ўз ихтиёримни топширсам бас, У мени барча хавф-хатарлардан ҳимоя қилади. Баъзида Кришнани ҳатто чандал ва худосизларнинг уйларига ҳам бирдай ўзининг ором бағишловчи нурларини сочиб турадиган тўлин ойга ўхшатадилар.

### 38. Бахтиёр.

Ҳамиша қалби қувончга тўлиб, ҳеч қачон мусибат нималигини билмай юрган одамни бахтиёр одам деб атайдилар.

Кришнанинг олаётган лаззатларига келсак, Ундаги ва Унинг маликаларидаги тақинчоқлар ҳатто жаннатдаги фаришталарнинг хазинабони Куверанинг ҳам ҳатто тушига ҳам кириб чиққан эмас, деб айтадилар. Кришнанинг саройи олдида ижро этиладиган рақсларни ҳатто жаннатдаги фаришталар ҳам тасаввурига сиғдира олмайдилар.

Индра жаннатдаги ўзининг салтанатида ҳамиша куртизанкаларнинг рақсини томоша қилиб ўтиради. Лекин, Кришнанинг саройлари дарвозалари олдида ижро этиладиган рақсларни ҳатто Индра ҳам тасаввур этолмайди. Гаури дегани “танаси олтинранг” деганни билдиради. Тангри Шиванинг хотинини шундай деб атайдилар. Кришнанинг саройида яшайдиган гўзал канизакларнинг таналари ҳатто Гауриникидан ҳам чиройли эди, шунинг учун уларнинг таналарини ой рангида деб атардилар ва Кришна ҳар куни уларни кўриб юрарди. Шундай қилиб, ҳеч ким Кришнадан яхшироқ ва кўпроқ лаззатлана олмайди. Лаззат ҳақидаги тасаввурлар албатта гўзал аёллар, тақинчоқлар ва бойликлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Кришнанинг саройларида бу нарсаларнинг ҳаммаси шу қадар мўл эдики, бундай бойликлар, бундай тантаналар, бундай тўқинсочинлик Куверанинг, Индранинг ва Тангри Шиванинг ҳатто тушига ҳам кириб чиқмасди.

Мусибат Кришнага яқин йўламасди. Бир куни бир неча гопи браҳманлар қурбонлик маросими ўтказётган жойга бордилар ва уларнинг хотинларига шундай дедилар: “Эй браҳманларнинг хотинлари, сизларга маълумки, Кришнанинг ҳаётига ҳатто мусибатнинг сояси ҳам яқинлаша олмайди. У бирор нарсадан жудо бўлишдан ёки ноҳақ тухматга қолишдан азоб чекиш нималигини билмайди. У қўрқув, ташвиш, ғам-андуҳ нималигини билмайди. Уни Враджанинг раққоса қизлари ўраб олган ва У ҳамиша раса-рақсига тушиб, уларнинг даврасида лаззатланиб яшайди.

### 39. Содиқларига меҳрибон.

Кришнанинг содиқлари ҳақида айтилганки, агар улар Парвардигор Вишнуга садоқат билан озгина сув ёки туласи барги таклиф этсалар, Ўзининг чексиз меҳрибонлиги билан Парвардигор Вишну шунинг эвазига уларга бутунлай Ўзини топширади.

Кришнанинг Ўзининг содиқларига ҳамиша меҳрибонлик қилиши Унинг Бҳишмага ҳужум қилганида намоён бўлди. Танасини тарк этаётган кекса Бҳишма пайконлар тўшаги устида ётганида, Кришна унинг олдида борди, шунда Бҳишма жанг майдонида Унинг ўзига қанчалик меҳрибонлик қилганини эслай бошлади. Курукшетрадаги жанг бошланишидан олдин Кришна жанг қилаётган бирор томоннинг тарафини олмасликка, қўлига бирор марта қурол ушламасликка сўз берган эди. Гарчи Кришна Аржуннинг жиловдори бўлса ҳам, қўлига қурол олиб Аржунга ёрдам бермасликни ваъда қилган эди. Аммо, бир куни, Кришнани берган ваъдасини бузишга мажбур қилиш ниятида Бҳишма Аржун билан шундай шиддатли жанг қила бошладики, Кришна жанг аравасидан тушишга мажбур бўлди. Кришна аравадан чиққан ғилдиракни кўтариб олиб, худди арслон филни ўлдириш учун ташланганидай, Бҳишмага қараб

югурди. Бҳишма Кришнанинг ана шу ишини эслаб, Унинг содиқ хизматкори Аржунни қанчалик севишини, унга қанчалик меҳрибон эканини, унинг учун ҳатто Ўзининг ваъдасини ҳам бузишга тайёр эканини олқишлади.

### 40. Муҳаббат билан иш кўради.

Аслида содиқнинг Парвардигорга қилаётган хизмати эмас, балки самимий муҳаббати Кришнани ўзига қаттиқ боғлаб кўяди. Парвардигор шунчалик мукамал ва Ўзига тўла-бутунки, ҳеч кимнинг хизматига муҳтож эмас. Фақат содиқнинг Унга бўлган муҳаббати ва боғланиши Кришнани унинг олдида қарздор қилиб кўяди. Содиқ хизматкорининг муҳаббати Кришна қандай миннатдорлик билан жавоб беришини саройига Судама Випра кириб келганида намоён этди. Судама Випра жуда камбағал эди, хотини уни ёрдам сўраш учун Кришнанинг олдида юборганди. У Кришнанинг мактабдош дўсти эди. Судама Випра саройга кириб келганида Кришна уни браҳманларга муносиб бўлган иззат-икром билан кутиб олди, хотини билан бирга унинг оёғини ювди. Судама Випра билан ёшлиқда бирга ўсган, қалин дўст бўлиб юрган пайтларини эслаганда Кришнанинг кўзларига беихтиёр ёш келди.

Кришна Ўзининг содиқларидан қанчалик миннатдор экани "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(9.18) ҳам таърифланган, унда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шох, Кришнани арқон билан боғлай олмай, Яшода она терлаб пишиб кетганида У онасига Ўзини боғлаш имконини берди". Кришна ёшлигида Ўзининг шўх қилиқлари билан онасининг жаҳлини чиқарди, онаси эса, Уни жазолаб, арқон билан боғлаб кўйишга қарор қилди. Яшода арқон олиб келиб Уни боғламоқчи эди, лекин арқон калталиқ қилиб қолди. Кейин у яна бир арқон олиб чиқиб, икки арқонни қўшди, аммо шунда ҳам арқонлар Кришнанинг қорнини боғлашга етмади. Яшода яна, кейин яна арқон олиб чиқди, шу тарзда уйдаги ҳамма арқонларни бир-бирига боғлаб, узун арқон қилган бўлса ҳам, барибир арқон Кришнани боғлашга калталиқ қилаверарди. Бу пайтга келиб Яшода бундай бефойда уринишлардан чарчаб терлаб-пишиб кетган эди. Шунда Кришна унга Ўзини боғлашига йўл кўйиб берди. Бошқача қилиб айтганда, соф муҳаббатдан бошқа нарса билан Кришнани боғлаб бўлмайди. Уни фақат содиқларининг Унга нисбатан жазавали илохий муҳаббатига жавобан чуқур миннатдорлиги билангина боғлаш мумкин.

### 41. Ҳаммага бахт келтиради.

Ҳамиша ҳамманинг бахт-саодатини ўйлаб фаолият кўрсатиб юрган одамни ҳаммага бахт келтирувчи деб атайдилар.

Кришна бу сайёрани тарк этиб кетгандан кейин, Уддхава Парвардигорнинг кўрсатган



кароматларини эслаб, шундай деди: “Ўзининг ғаройиб эрмаклари билан Кришна барча буюк донишмандларни мамнун қилди. У бешафқат шоҳларнинг иблисларга хос фаолиятига чек кўйди, тақводор художўй одамларни ҳимоя қилди ва жангда барча золим, бераҳм жангчиларни яқсон қилди. Шу тарзда У ҳаммага фақат бахт келтиради”.

## 42. Энг қудратли.

Ҳар қандай душман устидан ғалаба қозонишга кодир бўлган одамни энг қудратли одам деб атайдилар.

Кришна Ер сайёрасида бўлганида, зулматни ғорларга чекинишга мажбур қиладиган қудратли Куёш сингари, Ўзининг ҳамма душманларини тирқиратиб ҳар тарафга қувиб юборди. Улар худди бойўғлиларга ўхшаб, Унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилиб, ҳар тарафга тум-таракай қочдилар.

## 43. Энг машҳур.

Ўзининг бенуксон одоб-ахлоқи билан шуҳрат қозонган одамни машҳур одам деб айтадилар.

Кришнанинг шуҳрати ҳам худди зулматни ёруғликка айлантирадиган ойнинг нурлари сингари бутун оламга тараларди, дейдилар. Бошқача қилиб айтганда, агар Кришнани англаш таълимотини бутун жаҳонга тарғибот қилсак, ғофиллик зулмати ва дунёвий ҳаёт ташвишлари поклик, хотиржамлик ва фаровонлик сингари ёруғликка айланади.

Буюк донишманд Нарада Муни Парвардигорни шарафлаб қуйлаганида Тангри Шиванинг бўйнидаги кўкимтир из йўқолиб кетди. Буни кўриб, унинг хотини Гаури, кимдир эрининг қиёфасига кириб олган бўлса керак, деб гумонсирай бошлади ва ўйлаб ўтирмай уни ташлаб кетди. Кришнанинг муқаддас номлари янграганда Парвардигор Балорамнинг кўкимтир дхотиси оқариб кетди, гопилар Ямунанинг қора сувлари сутга айланиб қолганини кўриб, уни чайишга тушдилар. Бошқача қилиб айтганда, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш шарофати билан дунёдаги ҳамма нарса қордай оқариб, поклана бошлайди.

## 44. Ҳамманинг севимлиси.

Ҳаммага бирдай қадрли, азиз бўлган одамни ҳамманинг севимлиси деб айтадилар.

Одамларнинг Кришнага бўлган муҳаббати ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(11.9) айтилган, унда Кришнанинг пойтахт шаҳар Хастинапурдан уйига қайтиши тасвирланган. У Курукшетрадаги жангда қатнашиб, Дваракада бўлмаган пайтлари шаҳарнинг бутун аҳолиси ковоқларини уйиб, хомуш юрган эдилар. У Дваракага қайтиб

келганида эса, шаҳарнинг бутун аҳолиси қалби қувончга тўлиб Уни қарши олишга чиқдилар: “Эй Парвардигор, Сен шаҳарда йўқ бўлган пайларда бизларнинг кунларимиз қоронғу зулматга ботган эди. Қоронғуда ўтган ҳар бир дақиқа жуда узоқ чўзилгани сингари, Сенсиз ўтган ҳар бир лаҳза бизлар учун миллион йилдай бўлиб кетди. Сенсиз яшаш бизлар учун жуда оғир”. Кришна Ўзининг юртидаги одамларга қанчалик яқин, қадрли экани мана шу сўзлардан кўриниб турибди.

Кришнани қурбон қилиш учун Камса ўрнатган қурбонлик маросими майдочасига Кришна кўтарилганда ҳам бу ерга тўпланган одамлар орасида шунга ўхшаган ҳолат юз берган эди. У майдончада пайдо бўлиши билан барча донишмандлар “Жайа! Жайа! Жайа!”(Ғалаба!) - деб қичқира бошладилар. Унда ҳали Кришна ёш ўспирин эди, шунинг учун барча донишмандлар Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, дуои-фотиҳа қила бошладилар. Шу ерда иштирок этаётган фаришталар ҳам ширин овозда Кришнага илтижолар қуйлай бошладилар, аёллар ва қизлар қувончдан яйраб, майдонча атрофини ўраб олдилар. Бошқача қилиб айтганда, шу ерга тўпланганлар орасида Кришнага меҳр-муҳаббат кўзи билан қарамайдиган бирор одам йўқ эди.

## 45. Ўзининг содиқларига боғланган.

Кришна - Худонинг Олий Шаҳси, шунинг учун У ҳеч кимга ён босмайди, лекин шунга қарамай, "Бхагавад-гита"да айтилганки, Унинг номига илохий муҳаббат билан сиғиниб юрган содиқлар Унинг учун бошқаларга нисбатан жуда азизроқ. Кришна шу сайёрада бўлган пайтда бир содиқ Унга ўзининг муҳаббатини шундай изҳор этган эди: “Эй азиз Худойим, агар Сен бу сайёрага келмаганингда, асур(иблис)лар ва атеистлар аллақачон содиқларнинг бутун фаолиятини таъқиқлаб қўйган бўлардилар. Сен келиб олдини олган вайронагарчиликларни мен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман”. Бу сайёрага келган кунидан бошлаб, Кришна иблисларнинг ашаддий душмани эди, лекин Унинг иблисларга душманлиги ҳам, содиқларига бўлган боғланишидан фарқ қилмайди, чунки Унинг Ўзи ўлдирган иблисларнинг барчаси шу заҳотиёқ рухий озодликка эришдилар.

## 46. Барча аёлларни Ўзига мафтун этади.

Алоҳида афзалликларга эга бўлган одам даров ҳамма аёллар учун жуда азиз, қадрли бўлиб қолади.

Бир содиқ Дваракадаги маликалар ҳақида шундай дейди: "Парвардигорга бевосита хизмат қилиб юрган Дварака маликаларини қандай сўзлар билан таърифласа бўлади? Парвардигор шу қадар буюк, улуғворки, Унинг муқаддас номининг товуши Нарада Муни сингари буюк донишмандлар-

га чуқур илоҳий лаззат бағишлайди. Шундай экан, ҳамиша Парвардигорни кўз олдида якқол кўриб, Унга бевосита шахсан хизмат қилиб юрган мана бу бахтиёр аёллар ҳақида нима дейиш мумкин?” Дваракада Кришнанинг 16.108 хотини бор эди, уларнинг ҳар бирини Кришна меҳригиёдай Ўзига тортар эди. Бир содиқ шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Сен магнитга ўхшайсан, Ваджанинг кизлари эса - темир парчасига. Сен қаерга борсанг ҳам, магнитга ёпишган темир парчалари сингари, улар ҳам Сенинг изингдан қолмайдилар”.

## 47. Ҳамма сиғинадиган Зот.

Ҳамма одамлар ва фаришталар ҳурмат билан сажда қиладиган зотни *сарварадхйа*, яъни “ҳамма сиғинадиган зот” деб атайдилар.

Кришнага фақат барча тирик мавжудотлар, шу жумладан Тангри Шива ва Тангри Брахма сингари буюк зотлар эмас, ҳатто Парвардигор Вишнунинг намоён бўлган экспансиялари, Баладева, Шеша ҳам сиғинадилар. Баладева - Кришнанинг биринчи бевосита экспансияси, ҳатто У ҳам Кришнага сиғинади. Кришна Махараж Юдхистхира уюшти-раётган Раджасуя қурбонлик маросими майдонча-сига кўтарилганида шу ерда иштирок этаётган зотларнинг ҳаммаси, шу жумладан буюк фаришталар ва буюк донишмандлар ҳам Ундан кўзини узолмас эдилар ва уларнинг ҳаммаси Унга чуқур эҳтиром билан иззат-икром кўрсатдилар.

## 48. Барча бойликлар эгаси.

Кришна барча бойликларнинг мукамал эгаси: барча кучларнинг, бойликларнинг, шон-шухратнинг, гўзалликларнинг, илмларнинг соҳиби ҳамда уларга мутлақо боғланмаган. У Дваракада шоҳлик қилганида Унинг уруғ-авлоди - Ядавалар авлоди 560 млн.

Кишини ташкил этарди. Уларнинг ҳаммаси Кришнага содиқ ва итоаткор эдилар. Унинг оила аъзолари 900.000 саройни эгаллаб, барчаси фақат Кришнага сиғинар эдилар. Кришнанинг бойлиги содиқларни хайратга соларди.

Ўзининг "Кришна-карнамрита" асарида Бил-вамангала Тхақур Кришнага мурожаат қилиб шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Сенинг Вриндаванинг бойлиги ҳақида нима деб айтиш мумкин? Вриндавандаги оддий қишлоқ қизларининг оёғидаги тақинчоқлар *чинтамани* фалсафа тошларидан қимматроқ, уларнинг либослари эса жаннатдаги *париджата* гулларига ўхшайди. Вриндавандаги сугирлар рухий оламдаги *субабхи* сугирларини эслатади. Шунинг учун Сенинг бойлигинг ҳам океандай бепоёндр”.

## 49. Ҳамма ҳурмат қилади.

Ҳар хил эзгу сифатларда бошқалардан устун бўлган одамни ҳамма ҳурмат қиладиган одам деб айтадилар.

Кришна Дваракада яшаганида, Унинг олдида Тангри Брахма, Тангри Шива, осмон шоҳи Индра ва бошқа кўплаб буюк зотлар келиб турардилар. Ана шундай буюк зотларни дарвоза олдида кутиб оладиган дарвозабон, бир куни шундай деган эди: "Эй азиз Тангри Брахма ва Тангри Шива, сизлар мана шу ўриндикда бирпас кутиб ўтиринглар. Ҳурматли Индра илтимос, бир пас илтижо қилишдан тўхтаб тур, манга халакит беряпсан, жимгина навбатинг келишини кутиб ўтир! Азизим Варуна, сен бугун кетавер! Эй фаришталар, бугун сизлар бекорга кутиб ўтирманглар, Кришна жуда банд. Унинг бугун сизлар билан учрашишга вақти йўк!”

## 50. Олий ҳукмдор.

Ҳукмдорларнинг икки тоифаси бўлади. Бошқалардан мустақил ҳукмдорлар ва буйруғини инкор этиб бўлмайдиган ҳукмдорлар.

Кришна бутунлай мустақил ва мутлақ ҳукмдор экани ҳақида "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: “Калия оғир жиноятчи бўлишига қарамай, Кришна унинг калласида Ўзининг нилуфар қадамлари пойи изини қолдириб, барибир унга буюк марҳамат кўрсатди. Кришнага шунча ажойиб илтижолар қилган Тангри Брахма эса, шунча ҳаракат қилса ҳам Унинг эътиборини ўзига қарата олмади.

Кришнанинг ҳеч қандай конун-қоидага риоя қилмай, Ўзини бундай қарама-қарши тутиши Унинг мартабасига тўла мос келади, чунки барча ведавий битикларда Унинг мутлақо мустақил, фақат Ўз эрки билан, Ўзи истаганча иш тутиши ҳақида ёзилган. "Шримад Бхагаватам"нинг бошида Парвардигор “бутунлай мустақил” *сварат* ибораси билан таърифланган. Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳолати шундай. Мутлақ Ҳақиқат ҳиссиётларга эга бўлибгина қолмасдан, ҳеч кимга мутлақо боғлиқ ҳам эмас.

Ҳеч ким Кришнанинг буйруғини инкор этолмаслиги "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(2.21) ёзилган. Уддхава Видурага шундай дейди: "Парвардигор Кришна - моддий табиатнинг уч гунасининг ҳукмдори. У барча бойликлардан лаззатланувчи Зот, шунинг учун Унга тенг келадиган ёки Ундан устунроқ бўлган бирор зот йўк”. Барча буюк шоҳлар ва императорлар Унинг олдида ҳар хил совға, инъом-эҳсонлар билан келиб, тожларини Унинг оёқларига қўйиб сажда қилганлар. Бир содиқ хизматкор шундай деган эди: "О Кришна Сен Тангри Брахмага: “Оламни яратишни бошлашинг мумкин!” Тангри Шивага: “Моддий оламни яқсон қил!” - деб буйруқ бериб, бу моддий оламни яратасан, яқсон қиласан. Ўзининг буйруқларинг билан ва тўлиқ бўлмаган экспансиянг - Вишну ёрдамида Сен бутун олам-

нинг мавжудлигини таъминлаб турасан. Шундай қилиб, эй Камсанинг душмани, Кришна, сонсаноксиз Браҳма ва Шивалар шунчаки Сенинг амрингни бажарадилар”.

## 51. Ўзгармас.

Кришна ҳатто моддий оламга келганида ҳам Ўзининг мангу ҳолатини ўзгартирмайди. Моддий оламда шартланган тирик мавжудотларнинг азалий, бошланғич рухий ҳолати намоён бўлмаган. Улар бу оламга ҳар хил таналарда келадилар ва ана шу таналарнинг имкониятига, талабига қараб ҳаракат қиладилар. Аммо Кришна ҳеч қачон танасини ўзгартирмайди. У бу оламга ҳам Ўзининг мангу рухий танасида ташриф буюради, шунинг учун Унга моддий табиат гуналари таъсир қилмайди. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(11.38) шундай дейилган: "Моддий табиат гуналари таъсирига берилмаслик - Олий ҳукмдорнинг алоҳида фазилатидир. Бунинг амалдаги исботи шундан ҳам кўриниб турибдики, моддий табиат гуналари ҳатто Парвардигор Кришнанинг ҳимояси остида юрган Худонинг содиқларига ҳам ўз таъсирини ўткази олмайди. Моддий табиат таъсирини енгиш жуда қийин, аммо Худонинг содиқлари ва Парвардигор Кришнанинг паноҳига кирган авлиё зотлар моддий табиатдан устун турадилар. Шундай экан, Парвардигор Кришнанинг Ўзи ҳақида нима дейиш мумкин? Бошқача қилиб айтганда, гарчи баъзан моддий оламга келиб турса ҳам, моддий табиатнинг Унга мутлақо алоқаси йўқ, У илоҳий ҳолатда қолган ҳолда, бутунлай мустақил ҳаракат қилаверади. Мана шу фақат Парвардигорнинг Ўзига хос бўлган хусусиятдир.

## 52. Ҳамма нарсани билувчи.

Ҳамма одамларнинг ҳиссиётини тушуна оладиган ва ҳамма жойда, ҳамма вақтда нималар содир бўлиб турганини билладиган зотни ҳамма нарсани билувчи зот деб атайдилар.

Парвардигорнинг ҳамма нарсани билувчи Зот экани "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(15.11) таърифланган. Унда Дурваса Мунининг ўрмонда пандузодалар яшаётган жойга меҳмонга бориши тасвирланган. Дурйодхоннинг режаси бўйича, Дурваса Муни ва унинг ўн минг шогирди ўрмонда яшаётган пандузодаларни кўриб меҳмонга бориши керак эди. Бунда улар пандузодалар кутмаган пайтда, ўзлари овқатланиб бўлгандан кейин, яъни шунча меҳмонни кутиш имконияти бўлмаган вақтда боришлари лозим эди. Дурйодхоннинг режасидан хабардор бўлган Кришна пандузодалар олдига келиб, уларнинг хотини Драупадидан “Менга бирор егулик қолмадими?” деб сўради. Драупади ичида озгина овқат юқи қолган идишни Унга берди. Кришна шу заҳотиёқ уни еб қўйди. Бу пайтда Дурваса Муни

шогирдлари билан дарёда чўмилиб, покланаётган эдилар. Драупадининг берган таомидан Кришнанинг қорни тўйганида, Дурваса Муни ва унинг шогирдларининг ҳам очлиги йўқолиб, қоринлари тўйиб кетди. Қоринлари тўқ бўлгани учун, энди бирор нарса ейишга қурби етмагани сабабли, Дурваса Муни ўзининг шогирдлари билан бирга пандузодаларнинг кулбасига ҳам кирмасдан кетиб қолдилар. Шундай қилиб пандузодалар Дурваса Мунининг ғазабини келтиришдан қутулиб қолган эдилар. Пандузодалар шунча меҳмоннинг кўнглини тополмайдилар, бундан жаҳли чиқиб, ғазаби келган Дурваса Муни уларни дуои-бад қилади, деган ниятда Дурйодхон Дурваса Мунидан уларни кўриб меҳмонга боришни илтимос қилган эди. Аммо ҳар нарсадан хабардор бўлган Парвардигор Кришна пандузодаларни бундай фалокатдан қутқариб қолди.

## 53. Ҳамиша янгилашиб турадиган.

Миллионлаган Кришнанинг содиқлари ҳаммиша Кришнани эслаб юрадилар ва Унинг муқаддас номларини зикр қиладилар, аммо ҳеч қачон бу иш уларнинг жонига тегиб кетмайди. Ҳамиша Кришнани эслаб юришга, Унинг муқаддас номларини зикр қилишга уларнинг қизиқиши камайиш ўрнига бундай фаолият билан машғул бўлишга ундайдиган янгидан янги куч, шижоат, рағбат пайдо бўлаверади. Демак, Кришна - ҳаммиша янгилашиб турадиган Зот. Фақат Кришнанинг Ўзи эмас, Унинг Ўзи "Бхагавад-гита"да нозил қилиб кетган илоҳий илм ҳам шундай хусусиятга эга. Беш минг йил аввал нозил бўлган "Бхагавад-гита"ни миллионлаган одамлар такрор ва такрор ўрганиптилар, ҳар гал улар "Бхагавад-гита"дан худди янги асарни ўқигандай илҳом, рухий қувват оладилар. Шундай қилиб, Кришна, Унинг муқаддас номи, шухрати, сифатлари - қисқаси У билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ҳеч қачон эскирмайди, ҳаммиша янгилашиб туради.

Дваракидаги маликаларнинг ҳаммаси омад фаришталари эдилар. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(11.33) ёзилганки, омад фариштаси жуда ўзгарувчан ва бир жойда турмайди, шунинг учун уларни ҳеч ким бир жойда ушлаб туришга қодир эмас. Омад эртами, кечми барибир қўлдан кетади, ҳар кимдан юз ўгиради. Шунга қарамай, Дваракада Кришна билан бирга яшар экан, улар Кришна билан атиги бир лаҳза ҳам ажралишни истамас эдилар. Демак, Кришнанинг мафтункорлиги ҳеч қачон сўнмайди, ҳаммиша янгилашиб туради. Ҳатто омад фариштаси ҳам Уни тарк этишга қодир эмас.

Кришнанинг ҳаммиша янгилашиб турадиган мафтункорлиги ҳақида “Лалита-мадхава”да айтилган. Унда Радхарани Кришнани энг буюк ҳайкалтарошга ўхшатган. Чунки ҳеч ким аёлларнинг покдомонлигини Ўзининг гўзаллик тиғи билан Ундан яхшироқ киздира олмайди. Бошқача

килиб айтганда, аёллар Ведаларда кўрсатилган барча қонун-қоидаларга қатъий амал қилиб ўзларининг эрларига садоқатли бўлишга қанчалик уринмасинлар, Кришна Ўзининг бекиёс гўзаллиги шамшири билан уларнинг қалбидаги покдомонлик тошини парчалаб ташлайди. Кришнанинг аксарият дугоналари эрга чиққан гопилар эди, аммо Кришна ҳали улар эрга чиқмасдан аввал улар билан дўст бўлгани учун, улар Кришнанинг кишини ўзига жалб этадиган ёқимли қилиқларини ҳатто эрга чиққандан кейин ҳам унута олмадилар.

## 54. Сач-чид-ананда-виграха

Кришнанинг илоҳий танаси мангу, илм ва лаззатга тўла. *Сат* ибораси “ҳамма жойда, ҳамма вақт - мангу мавжуд” деган маънони билдиради. *Чит* ибораси “илмга тўла” деган маънони англатади. Кришна ҳеч кимдан ҳеч қандай илм олиши шарт эмас. У ҳамма нарсани билишда ҳеч кимга боғлиқ эмас. *Ананда* ибораси “барча лаззатлар манбаи” деган маънони англатади. Имперсоналистлар Брахманнинг нури билан, мангулик ва илм нури билан қўшилиб кетишга интиладилар, бунда улар Кришнада мужассам бўлган мутлақ илоҳий лаззатдан маҳрум бўладилар. Одам моддий адашишлардан, танасини “ўзим” деб ҳисоблашдан, моддий нарсаларга боғланишдан, ақлини моддага мужассам қилиш ва боғланмасликдан ҳалос бўлганида унга Брахманнинг нурига қўшилиб кетиш лаззати келади. Брахманни англаб етиш учун одам ана шундай сифатларга эга бўлиши керак. “Бхагавад-гита”да айтилганки, шундай одамнинг қалби қувончга тўлади. Тўғриси айтганда, бунда одамнинг қалби қувончга тўлади эмас, у барча ташвишлардан ҳалос бўлади, ҳолос. Ташвишларнинг йўқлиги қувонч туйғусини ҳис қилиш учун зарур бўлган ҳолат, аммо ҳали бу қувончнинг ўзи эмас. Рухий ўзлигини англаб етган, яъни *брахма-бхута* поғонасига эришган одамлар қувонч, лаззат нималигини ҳис қилишга тайёр одамлардир. Фақат Парвардигор Кришна билан бевосита боғлана олган одамларгина ҳақиқий лаззатни ҳис қила оладилар. Кришнани англаш жараёни, Кришна онги шу қадар кенг кўламли, ҳамма нарсани ўзида мужассам қиладиган усулки, унда Брахманни англашдан олинадиган илоҳий лаззат ҳам бор. Кришнанинг шахсий киёфаси - Шйамасундара ҳатто имперсоналистларни ҳам Ўзига мафтун этади.

Бу ҳақиқат “Брахма-самхита”да тасдиқланган. Унда айилганки, Брахманнинг ёғдуси - Кришнанинг илоҳий танасидан таралаётган нурдир. Брахманнинг ёғдуси - Кришнанинг илоҳий қувватининг намоён бўлган кўринишидир. Кришна - Брахманнинг ёғдусининг манбаи, бу ҳақда Унинг Ўзи “Бхагавад-гита”да айтган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий сиз кўриниши Унинг намоён бўлган энг олий

кўриниши эмас. Кришна - Мутлақ Ҳақиқатнинг намоён бўлган энг олий кўринишидир.

Шунинг учун вайшнавлар мактабининг издошлари руҳий изланишда ҳеч қачон Брахманга қўшилиб кетишни ўзларига охириги мақсад қилиб олмайдилар. Улар ўзликни англашнинг энг олий мақсади - Кришна деб биладилар. Шунинг учун Кришнанин *Парамбрахман*(Олий Брахман) ёки *Парамешвара*(Олий ҳукмдор) деб атайдилар. Шри Йамуначарйа ўзининг илтижоларининг бирида шундай дейди: “Эй азиз Худойим, мен биламанки, коинотнинг ичига қамалган фазо(макон), вақт(замон) ва коинотнинг ўзи моддий унсурдан таркиб топган ўн қобик билан ўралган, бу қобикларнинг ҳар бири аввалгисидан ўн марта қалинроқ. Моддий табиатнанг уч гунаси, Гарбходакашайа Вишну, Кширодакашайа Вишну ва Маха Вишну, уларнинг устида ястаниб ётган Вайкунтха руҳий сайёралари билан бирга руҳий олам, руҳий оламдаги Брахманнинг ёғдуси - буларнинг ҳаммаси биргаликда - Сенинг қувватининг арзимас бир зарраси ҳолос”.

## 55. Барча сеҳр қудратларига эга.

Мукамалликнинг ҳар хил поғоналари мавжуд. Моддий мукамалликнинг энг олий поғонасига саккиз турли сеҳр қудратига(энг кичик нарсдан кичик бўла олиш, энг катта нарсдан катта бўла олиш ва ҳоказо.) эга бўлган комил йоглар эришадилар. Парвардигор Кришна шахсида моддий мукамалликнинг мана шу ҳамма сифатларини, ҳамда руҳий мукамалликнинг барча аломатларини кўриш мумкин.

## 56. Англаб бўлмас қувватлар соҳиби.

Кришна ҳамма жойда мавжуд - фақат коинотнинг ичида ва ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида эмас, балки ҳар бир атомда ҳам мавжуд. Ўзининг илтижоларида малика Кунти Кришнанин англаб бўлмайдиган ана шу қобилиятлари ҳақида айтган эди. Кунти билан суҳбатлашиб турар экан, шу вақтнинг ўзида Кришна Утаранин қорнига кириб, Ашваттҳама юборган *браҳмастра*(атом қуроли) тажовузидан унинг ҳомиласини ҳимоя қилди. Кришна ҳатто Тангри Брахма ва Тангри Шиванин ақлини ҳам адаштириб қўйишга, ўз ихтиёрини Унга топширган содиқларни қилган барча гуноҳлари оқибатидан ҳимоя қилишга қодир. Булар Унинг англаб бўлмас қобилиятларидан бир зарралар ҳолос.

Шрила Рупа Госвами Кришнага чуқур эҳтиром кўрсатиб шундай дейди: “Бутун моддий табиат оддий инсон киёфасига кирган Кришнанинг шунчаки бир сояси, ҳолос. У жуда кўп сигирларга, бузоқларга ва подачи болалар кўринишида ва яна уларнинг қалбида тўрт қўллик Нарайана кўринишида намоён бўлди. У миллионлаган Брахмаларни ўзликни англаш йўлига олиб келди,

шунинг учун Унга фақат бутун оламнинг энг асосий фаришталари эмас, балки қолган барча тирик мавжудотлар ҳам сиғинадилар. Илоё У ҳамиша мен сиғинадиган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси бўлиб қолсин!”

Кришна Индрани мағлуб қилиб, ундан *париджата* гулини тортиб олгандан кейин, Нарада Муни Индра билан учрашиб, унга таъна қилиб, шундай деди: “Эй Индра, эй буюк осмон шоҳи, Кришна ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шивани ҳам мағлуб қилиб қўйибди. Шундай экан, сенга ўхшаган арзимас фаришталар ҳақида нима дейиш мумкин?” Албатта, Нарада Муни ҳазиллашиб Индрага шундай таъна қилди, унинг бу ҳазили Индрага ҳам ёқарди. Нарада Мунининг гапларидан маълум бўладики, Кришна фақат Индрани эмас, ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шивани ҳам мағлуб қилишга, йўлдан адаштиришга қодир. Шунинг учун Унинг бошқа кичикроқ тирик мавжудотларни шундай қила олишига ким ҳам шубҳа қиларди?

Кришнадаги содиқларнинг аввалги гуноҳлари оқибатида келадиган мусибатларини енгиллаштира олиш қобилияти "Брахма-самхита"да таърифланган: “Буюк осмон шоҳидан тортиб то арзимас чумолигача ҳар бир тирик мавжудот ўзларининг аввалги қилган гуноҳлари оқибатида азоб чекади. Аммо, Кришнанинг марҳамати билан Кришнанинг содиқлари бундай азоблардан халос бўлади”. Кришна Ўзининг бу қобилиятини руҳий устозининг ўлган ўғлини қайтариб олиш учун ажал фариштаси Йамаражнинг олдига борганида намоён этди. Руҳий устози Кришнага бир пайтлар ўлиб кетган ўғлини қайтариб беришни илтимос қилди, Кришна Йамаражнинг ҳукми остида юрган ана шу руҳни олиб келиш учун Йамаражнинг олдига жўнади. Йамаражнинг олдига келиб, Кришна унга шундай буйруқ берди: “Сен шахсан Мендан буйруқ олиш бахтига муяссар бўлдинг: Менга ана шу руҳни қайтариб бер!” Бу мисолнинг мазмуни шундан иборатки, ҳатто бутунлай моддий табиат қонунлари остида бўлгани ва шу сабабли Йамараж ҳукми остида бўлган руҳ ҳам, Кришнанинг марҳамати билан бутунлай озодликка эриша олади. Кришнанинг англаб бўлмас қобилиятларини Шукадева Госвами ҳам таърифлаган: “Кришна менинг ақлимни шошириб қўяди. Туғилмайдиган бўлган ҳолда У Махараж Нанданинг ўғли бўлди. У бутун борлиққа сингиб кетган бўлсада, Яшода она Уни ўзининг тиззасида олиб ўтиради. Яшоданинг муҳаббати Уни - ҳамма жойни қамраб олган ягона Парвардигорни - чекланган ҳолга келишга мажбур қилиб қўйди. Сон-саноксиз қиёфаларга эга бўлган ҳолда У - ягона Кришнанинг Ўзи - отаси ва онаси, Нанда ва Яшоданинг олдида чопкиллаб юради”. “Брахма-самхита”да ҳам айтилганки, гарчи Кришна ҳамиша Ўзининг мангу илоҳий даргоҳида яшаса ҳам, У ҳамма жойда, ҳатто ҳар бир атомда ҳам мавжуд.

## 57. Сон-саноксиз коинотлар Унинг танасидан чиқади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(14.11) Тангри Браҳма шундай дейди: "Эй азиз Худойим, қатта идишга ўхшаган бу коинотни ташкил этган моддий унсурлар сохта ўзлик, тафаккур, ақл, эфир, ҳаво, олов, сув ва ердан иборат. Менинг танам - мана шу баҳайбат қатта идиш ичидаги бир зарра холос. Гарчи сон-саноксиз коинотларнинг бирини мен яратган бўлсам ҳам, Сенинг танангдаги тешиқлардан, худди қуёш нурида кўринадиган чанг зарраларига ўхшаб, сон-саноксиз коинотлар чиқиб туради. Сенинг олдинда мен қанчалик арзимас, кўринмас бир зарраман! Шунинг учун мен Сендан илтижо қилиб сўрайман: мени кечир, менга раҳм қил!”

Ҳатто биргина мана шу коинотнинг ичида сон-саноксиз ғаройиботларни, мўъжизавий нарсаларни кўриш мумкин. Ҳар бир коинотда одамлар ва фаришталар яшайдиган сон-саноксиз сайёралар бор. Биз яшаётган коинотнинг диаметри тўрт миллиард мил, шу коинотда *патала*, қуйи сайёралар тизими деб аталадиган сон-саноксиз тубсиз жарликлар мавжуд. Лекин, Кришна буларнинг ҳаммасининг ягона манбаи бўлса ҳам, Уни ҳамиша Вриндаванда учратиш, Ўзининг англаб бўлмас қобилиятларини намоён қилаётганини кўриш мумкин. Ана шундай буюк, англаб бўлмас қудратга эга бўлган қудратли Парвардигорга ким ҳам муносиб равишда сажда қилишга, сиғинишга қодир бўла оларди?

## 58. У барча қиёфаларнинг, экспансияларнинг, аватараларнинг ягона манбаи.

Жайадева Госвамийнинг "Гита-говинда" асарида шундай сўзлар бор: “Парвардигор Балик(Матсйа) қиёфасига кириб Ведаларни қутқариб қолди, Тошбақа(Курма) қиёфасига кириб, бутун коинотни елкасида тутиб турди. У Тўнғиз(Вараха) қиёфасига кириб, Ер сайёрасини сувдан олиб чиқди. У Нрисимха қиёфасига кириб, Хираньякашипуни ўлдирди, Вамана қиёфасига кириб, Бали Махаражни алдади. У Парашурама қиёфасига кириб, барча қшатрийлар сулоласини яқсон қилди, Рама қиёфасига кириб барча иблисларни ўлдирди. Балорам қиёфасига кириб, қўлида қатта оғоч ушлаб юрди. У Калки қиёфасига кириб барча атеистларни яқсон қилади, Будда қиёфасига кириб, беозор ҳайвонларнинг ҳаётини сақлаб қолди”. Булар Кришнанинг намоён этган қиёфаларидан баъзилари, холос. "Шримад Бхагаватам"дан маълумки, Кришнанинг илоҳий танаси-

дан бирин-кетин таралаётган бундай қиёфаларни худди океандаги адо бўлмас, сон-саноксиз тўлқинларга ўхшатадилар. Океандаги тўлқинларни ҳеч ким санай олмаганидай, ҳеч ким Кришнанинг танасидан чиқаётган илоҳий қиёфаларни санашга қодир эмас.

## 59. Ўзи ўлдирган душманларини руҳий озодликка чиқаради.

Озодликни *апаварга* ибораси билан ҳам таърифлайдилар. *Апаварга* - *паварга* иборасининг антоними. *Паварга* эса, тирик мавжудотнинг моддий оламда тортадиган ҳар хил азоб-уқубатларини билдиради. *Паварга* - беш санскритча ҳарфлардан иборат: *па*, *пха*, *ба*, *бха*, *ма*. Бу ҳарфларнинг ҳар бири тирик мавжудотнинг моддий оламдаги ҳолатини белгиловчи иборанинг бош ҳарфи ҳисобланади. Биринчи *Па* ҳарфидан *парабхава* сўзи бошланади. Бу сўз “мағлубият” деган маънони билдиради. Моддий тирикчилик учун курашда биз мағлуб бўлишга маҳкуммиз. Бу курашда ғалаба қозониш учун биз туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликларни енга олишимиз лозим. Аммо *майа*, Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсири остида биз бу азоб-уқубатларни енга олмаганимиз учун биз мағлуб бўлишга, парабхавага маҳкуммиз. Кейинги ҳарф *пха*, *пхена* иборасининг бош ҳарфи. *Пхена* - қаттиқ чарчаганда отнинг оғзидан чиқадиган кўпик. Кейинги *ба* ҳарфи - *бандха* сўзининг бош ҳарфи. *Бандха* ибораси - бандилик, тутқунлик, асирликни билдиради. *Бха* ҳарфи *бхити* иборасининг бош ҳарфи. *Бхити* “кўрқув” деганни билдиради. *Ма* ҳарфи *мрити*, яъни “ажал”, “ўлим” маъносини англатади. Шундай қилиб, *паварга* ибораси бизнинг бу оламдаги қаттиқ чарчаш, қуллик, кўрқув билан борадиган ҳаёт учун курашимизни ва ниҳоят ўлим билан тугайдиган мағлубиятимизни ифодалайди. *Апаварга* - мана шу моддий шароитдан халос этадиган йўлни билдиради. Кришнани ана шу “*апаварга* йўлини берувчи Зот” деб атайдилар.

Имперсоналистлар ва Кришнанинг душманлари учун “озодлик” - Парвардигор билан қўшилиб кетишни билдиради. Иблислар ва имперсоналистлар Кришнани тан олгилари келмайдилар, аммо Кришна шунчалик марҳаматлики, ҳатто Ўзининг душманларига ҳам, имперсоналистларга ҳам руҳий озодлик инъом этади. Бу ҳақда куйидаги шеърда айтилган: “О Мурари(Кришна)! Сенинг жангчиларинг қаторидан ўтолмаган иблислар - фаришталарнинг мангу душманлари *митра*(куёш)нинг нурларидан ҳам ўтиб кетгани одамни ҳайратга соладиган мўъжиза эмасми?” Бу ерда *митра* сўзи қиёсий, рамзий маънода ишлатилган. *Митра* сўзи “куёш”, “дўст” деган маъноларни билдиради. Кришнага қарши жанг қилаётган иблислар кўшин орқали ўтиб Кришнани ўлдиришга интилаётган эдилар, аммо, жанг майдонида ҳалок бўлиб, Митрага куёш сайёрасига эришдилар.

Бошқача қилиб айтганда, улар *брахмажйоти* ёғдусига қўшилиб кетдилар. Бу ерда куёш сўзининг ишлатилиш сабаби шуки, сон-саноксиз порлаб турадиган руҳий Ваикунтха сайёралари сузиб юрган руҳий осмондаги коинотлар сингари, Куёш ҳам ҳамиша нур сочиб туради. Кришнанинг душманлари Унинг қўшинлари сафидан ёриб ўтиш ўрнига, ҳалок бўлиб, руҳий оламдаги ёруғ муҳит бўлган *брахмажйоти* нурларига қўшилдилар. Кришнанинг марҳамати шундай, шунинг учун Уни “душманларини халос этувчи Зот” деб айтадилар.

## 60. Озодликка чиққан руҳларни ҳам Ўзига мафтун этади.

Кришнанинг ҳатто озодликка чиққан руҳларни ҳам Ўзига мафтун этгани ҳақида жуда кўп мисоллар бор, масалан, Шукадева Госвами ва Кумарлар. Бу борада Кумарларнинг айтган гапини келтириш мумкин: “Бизлар - ҳар қандай орзу-истаклардан халос бўлиб, *парамахамса* даражасига эришган озод руҳлар бўлишимизга қарамай, Радха ва Кришнанинг илоҳий ишқий ўйинлари ҳақидаги ҳикоялар шарбатидан лаззатланишни истаймиз. Бу кишини ҳайратга соладиган, ажабланарли ҳол эмасми?”

## 61. У хилма-хил ғаройиб эрмаклар билан машғул бўлади.

"Брихад-вамана-пурана"да Парвардигор шундай дейди: "Менинг ғаройиб эрмакларим кўп, аммо шундай бўлса ҳам, гопилар билан ўтказган *раса-лила*, ишқий ўйинларни эслаган заҳотим, яна шундай ўйинлар билан машғул бўлиш истаги Мени қамраб олади”.

Бир содиқ шундай дейди: "Мен равнақ фариштасининг эри Нарайана ва Парвардигорнинг намоён бўлган бошқа кўринишлари ҳақида жуда кўп эшитганман. Албатта, уларнинг барча эрмаклари мени ҳайратга солади, лекин барибир, Парвардигор Кришнанинг Ўзи иштирок этадиган *раса-лила* ўйинлари сеҳрли равишда мен олаётган илоҳий лаззатларни чексиз кучайтириб юборади”.

## 62. Ҳамиша қалбида Парвардигорга чексиз илоҳий муҳаббат ҳис қиладиган содиқлар даврасида юради

Кришна ҳақида гапирганда биз ҳеч қачон Унинг ёлғиз Ўзини назарда тутмаймиз. Кришна деганда Унинг номи, Унинг сифатлари, шухрати, дўстлари, анжомлари, яқин атрофидаги хизматкорларини тушунамиз. “Кришна” иборасида мана шуларнинг ҳаммаси мужассам бўлган. Шоҳ деганда, унга ҳамиша котиблар, вазирлар, ҳарбий қўмондонлар ва бошқа казо-казолар ҳамроҳ бўлиб

юришини тушуниш керак. Кришна ҳам шахс сифатига эга, айниқса, Ўзининг Вриндавандаги лилаларида. Вриндаванда У ҳамшиша гопилар, подачи болалар, отаси, онаси ва Вриндаванда яшовчи бошқа содиқлар даврасида юради.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(31.15) гопилар Кришнадан шундай нолийдилар: "Азизим Кришна, Сен кундуз кунлари сигирларинг билан бирга ўрмонга кетганинда, бизлар учун ҳар бир лаҳза ўн икки йилдай узун туюлиб кетади. Сенсиз бизларнинг вақтимиз ўтиши жуда қийин. Ниҳоят Сен қишлоққа қайтиб келаётганинда, гўзал жамолинга кўзимиз тушганида, бизлар шундай ҳаяжонланиб кетамизки, нигоҳимизни Сендан олишга кучимиз етмай қолади. Ана шу пайтларда мабодо қобокларимиз бир марта юмилиб очилгудай бўлса, бутун захримизни Тангри Браҳма сочиб, уни ҳатто таналаримизни мукамал қилиб яратишга қодир бўлмаган нўнокликда айблай бошлаймиз!" Бошқача қилиб айтганда, кўзларнинг қобоклари гоҳида очилиб юмилиши гопиларнинг жаҳлини чиқаряпти, чунки қобоклар юмилган пайтла улар Кришнани кўролма қоладилар. Яъни, гопиларнинг Кришнага бўлган муҳаббати шу қадар кучли ва лаззатли эдики, Уни ҳатто бир лаҳза кўролма қолсалар ҳам, улар дарров ташвишга туша бошлайдилар. Ҳайратлиси шундаки, улар Кришнага кўзи тушганда ҳам ҳаяжонланиб, барибир ташвишга тушар эдилар.

Ўзининг Кришнага бўлган ҳис-туйғуларини таърифлаб бир гопи шундай дейди: "Тунда Сен билан учрашганимизда тун бизлар учун жуда қисқа бўлиб туюлади. Ердаги тун нима бўлибди, ҳатто Браҳманинг туни ҳам бизлар учун жуда қисқа бўлиб туюлган бўларди!"(Браҳманинг ўн икки соат давом этадиган туни ер вақти ҳисоби бўйича 4.300.000.000 йилга тенг). Браҳманинг бир куни қанчалик узун эканини "Бхагавад-гита"дан олинган мана бу маълумот асосида тасаввур қилиш мумкин(8.17): "Ер ҳисоби бўйича ҳар бири тўрт йугадан иборат бўлган минг цикл Браҳманинг бир кунини ташкил этади. Унинг туни ҳам шунча давом этади". Гопилар айтяптики, ҳатто уларнинг тунлари ҳам шунчалик давом этадиган бўлса ҳам, барибир шунча вақт ҳам Кришна билан учрашиш учун камлик қилган бўларди.

### 63. Ўзининг найида куй чалганида бутун оламдаги тирик мавжудотларни Ўзига маҳлиё эта олади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(35.15) гопилар Яшодага шундай дейдилар: "Сенинг ўғлинг Ўзининг найини чалганида, унинг навоси гарчи бу коинотида улардан билимдон ва донишмандроқ зот бўлмаса ҳам, ҳатто Тангри Шивани, Тангри Браҳмани ва Индрани ҳам ўзига маҳлиё этади. Кришнанинг найи овозини эшитишлари билан улар ўзларининг юксак марта-

баларини бутунлай эсдан чиқариб, камтарин ҳолда Унинг олдида сажда қила бошлайдилар ва бу товушлардан дарров жиддий бўладилар".

Шрила Рупа Госвами ўзининг "Видагдхамадхава" асарида Кришнанинг найи навосини шундай таърифлайди: "Кришнанинг найининг овози Тангри Шивани ўзининг *диндима* барабанини чалишдан тўхташга мажбур қилди; ана шу най овози буюк донишмандлар, тўрт кумарни муроқабат ҳолатидан чиқариб юборди. Шу овоз нилуфар гули устида ўтириб, коинотни яратишга киришмоқчи бўлган Тангри Браҳмани ҳайратга солди. Шу пайтгача ҳамма сайёраларни ўзининг калласида бемалол кўтариб турган Анантадева эса, коинот қобикларидан ўтиб, руҳий оламга этиб борган Кришнанинг найининг илоҳий товушлари куйига мос равишда ҳар тарафга чайқала бошлайди".

### 64. Кришнанинг ғайритабиий гўзаллиги

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(2.12) Уддхава Видурага шундай дейди: "Эй хукмдорим, Кришна бу сайёрага келиб, Ўзининг ички қувватининг имкониятларини намойиш этганида, энг ғаройиби Унинг Ўзининг қиёфаси эди. Унинг бу сайёрадаги эрмаклари давом этган ҳамма вақт мобайнида бизлар Унинг ҳеч қандай эътиборсиз, бефарқ қола олмайдиган беқиёс гўзал жамолини томоша қилиб юрдик. Ўзининг ички қуввати ёрдамида У шундай ғаройиботларни намойиш этдики, ҳаммани ҳайратга солди. У шу қадар гўзал эдики, Унга ҳеч қандай тақинчоқ, безакларнинг мутлақо ҳожати йўқ эди. Аслини олганда тақинчоқлар Кришнани эмас, Кришнанинг гўзаллиги, тақинчоқларда акс этиб, уларни чиройли қилиб турарди".

Кришнанинг қоматининг гўзаллиги ва Унинг найи навосининг мафтункорлиги "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(29.40) айтилган. Гопилар Унга шундай сўзлар билан мурожаат қиладилар: "Гарчи бизларнинг Сен билан муносабатларимиз муҳаббат дostonини эслатса ҳам, Сенинг найинг овозини эшитган бирор аёл ўзининг покдомонлигини сақлаб туролмаслигига ҳайрон бўлмаймиз. Аёллар нари турсин, ҳатто энг жиддий эркаклар ҳам Сенинг найи чалишингни эшитганларида ҳамма ишларини унутиб ҳайратдан қотиб қоладилар. Бунинг устига, бизлар ҳатто Вриндавандаги сигирлар, кийиклар, қушлар ва дарахтлар - оламдаги ҳамма нарса - Сенинг найининг майин овозидан ҳайратга тушиб, гўзал жамолинга мафтун бўлиб қолганини кўрганмиз".

"Лалита-мадхава"да Шрила Рупа Госвами шундай дейди: "Бир куни Кришна қимматбаҳо тошдан қилинган полда Ўзининг ажойиб танасининг аксини кўриб қолди. Ўзининг аксини кўриб, У туйғуларини шундай ифодалади: "Мен ҳеч қачон бундай гўзалликни учратмаганман! Гарчи бу Мен Ўзим бўлсам ҳам, Радхаранига ўхшаб,

илоҳий лаззатга фарқ бўлиш учун Ўзимнинг танамни кучоқлагим келиб турибди!" Бу гаплардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Кришна билан Унинг тасвири орасида фарқ йўқ. Кришна билан Унинг ойнадаги акси орасида ҳам, Кришна билан Унинг тасвири, сурати орасида ҳам ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришнанинг мутлақ ҳолати шундан иборат.

Юқорида келтирилган гапларда Кришнанинг фазилатлари ва Унинг шахсининг баъзи илоҳий сифатлари таърифланган. Буларнинг ҳаммаси Кришнанинг содиқлари учун туганмас илоҳий лаззат манбаидир. Кришнанинг илоҳий сифатларини ўлчамини аниқлаб бўлмайдиган океанга ўхшатадилар, аммо, океаннинг таъмини билиш учун ундан бир томчи тотиб кўришнинг ўзи кифоя. Худди шундай мана шу айтилган гаплар асосида ҳам биз Кришнанинг илоҳий ҳолати ва Унинг сифатлари ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўла оламиз.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(14.7) Тангри Браҳма шундай дейди: "Эй азиз Худойим, бу оламга келиб Сен намоён этган англаб бўлмас сифатларни, гўзалликни ва илоҳий кароматларни ҳеч қандай модий нарсаларга қийслаб бўлмайди. Кришнани тасаввур қилишга ҳар қандай уринишлар ҳам ҳеч қандай натижа бермайди. Балки, қачонлардир, жуда кўп умрлар қийналиб, бирор дунёвий олим бу оламнинг атом таркибини ёки эфирдаги атомлар сонини санашга муваффақ бўлиши мумкиндир. Кимдир балки коинотдаги атомлар сонини санашга қодир бўлиши мумкиндир. Лекин, шунда ҳам ҳеч ким Сенинг барча илоҳий сифатларингни санаб чиқишга қодир бўлолмайди, Сен - ана шундай чексиз илоҳий лаззат манбаисан".

## Йигирма учинчи боб. Кришна шахси.

Шрила Рупа Госвами айтадики, гарчи Парвардигор Кришна чексиз лаззат манбаи ва олий ҳукмдор бўлса ҳам, У уч тарафлама Ўзининг содиқларига боғланган. Ўзларининг ички туйғуларига мос равишда содиқлар Худонинг Олий Шахсини энг мукаммал, жуда мукаммал ва мукаммал кўринишда қабул қиладилар. У Ўзини тўла бутун ҳолда намоён этганида буюк олим до-нишмандлар Уни "энг мукаммал шахс" деб қабул қиладилар. У Ўзини тўлиқ намоён этмаса, Уни "жуда мукаммал шахс" деб, ундан ҳам пастрок даражада намоён этганида эса, шунчаки "мукаммал шахс" деб қабул қиладилар. Демак, содиқларнинг Кришнага бўлган муносабати Унинг Ўзининг мукаммаллигини қанчалик намоён этганига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Парвардигордаги мана шу уч турли мукаммаллик қуйидагича намоён бўлади: Голока-Вриндаванда У Ўзининг илоҳий сифатларини энг мукаммал кўринишда намоён этади; Дваракада У Ўзининг сифатларини жуда

мукаммал намоён этади; Матхурада эса У Ўзининг илоҳий сифатларини мукаммал намоён этади.

Кришнанинг шахсида тўрт турли характер(ипостас) намоён бўлган: *дхиро-датта*, *дхира-лалита*, *дхира-прашанта* ва *дхироддхата*. Шундай савол туғилиши мумкин: қандай қилиб ягона шахсни бир-бирига қарама-қарши бўлган тўрт нуқтаи-назардан қараш мумкин? Жавоб шундан иборатки, Парвардигор барча илоҳий сифат ва фаолиятлар манбаидир, шунинг учун Ўзининг чексиз хилма-хил эрмакларидан У Ўз шахсининг ҳар хил томонларини намоён этади. Унинг ана шу сифатларини алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Шунда ҳеч қандай қарама-қаршиликка ўрин қолмайди.

## Дхиродатта

*Дхиродатта* - табиатан жуда жиддий, тартибли, мулозим, раҳмдил, қатъий қарорли, камтар, устамон, жасур ва жисмоний жиҳатдан ёқимли одам.

Кришнанинг ана шундай шахс эканини Индранинг айтган гапларидан билиб олиш мумкин: "Эй азиз Худойим, мен Сени қаттиқ ҳақорат қилиб қўйганимни тан оламан. Сенинг ғайритабиий жасоратингга, қатъий қарор билан содиқларингни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр эканингга ишончим комил бўлган заҳоти ўзим қанчалик ҳижолат бўлганимни таърифлашдан ожизман. Сен Говардхана тоғини бемалол кўтариб турганингни, қоматинг қанчалик гўзал эканини кўрганимда, ўзларининг илтижолари билан Сенинг содиқларинг ҳам, билмасдан Сени ҳақорат қилган зотлар ҳам Сени бирдай мамнун қила олишлари мумкинлигини тушуниб етганимда, мен бундан жуда уялиб кетдим, бу ҳол мени қаттиқ пушаймон бўлиб, тавба-тазарру қилишга мажбур этди".

Осмон шоҳининг бу сўзлари Кришнанинг ҳақиқатан ҳам *дхиродатта* эканини тўла тасдиқлайди. Жуда кўп мўътабар билимдон до-нишмандлар Парвардигор Рамачандра ҳам дхиродатталигини тасдиқлайдилар, аммо, Парвардигор Раманинг ҳамма сифатлари Парвардигор Кришнанинг характерида ҳам мавжуд.

## Дхира-лалита

*Дхира-лалита* деб табиатан жуда шўх, ҳамиша ёш болалардай қувноқ, ҳаракатчан, ҳазилкаш, ҳеч қачон, ҳеч нарсдан ташвишланмайдиган одамни айтадилар. Одатда ана шундай одамларни уларнинг севгиллари ҳеч қийналмасдан ўзларига ўргатиб оладилар ва улар севгилсининг ёнида жуда итоаткор бўлиб қоладилар. Кришна шахсининг ана шу сифатини Йаджна-патни, Вриндаванда қурбонлик маросими ўтказаетган бир браҳманнинг хотини таърифлайди. У ўзининг дугоналарига шундай дейди: "Парвардигор Кришна келганида, Шримати Радхарани Ўзининг тенгдош дугоналари даврасида боғда хордиқ чиқараётган



эди. Кришна ўтириб олгандан кейин кечаси тунда Радхарани билан нима ишлар қилганини очикдан-очик гапира бошлади. Унинг айтаётган гапларидан Радхарани уялиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди ва жуда хомуш тортиб, чуқур ўйга толди. Кришна эса унинг хомуш, хаёли паришон бўлиб ўтирганидан фойдаланиб, унинг кўксига ҳар хил тилакаларни ясади. Кришна тилака ясашга жуда уста эканини намойиш этди”. Шу тарика дхиралалита Кришна гопилар даврасида Ўзининг ёшлик ўйинлари билан лаззатланарди.

Одатда тажрибали ёзувчилар намунали *дхиралалита* характери севги фариштаси Купидонда мужассам деб айтадилар, аммо, *дхира-лалита* сифати яна ҳам мукамалроқ равишда Кришна шахсида намоён бўлган.

## Дхира-прашанта

Жуда мулойим, хотиржам, сабрли, мулоҳазали, айтган гапининг устидан чиқадиган одамни *дхира-прашанта* одам деб айтадилар. *Дхира-прашанта* сифатини Кришна Ўзининг пандузодалар билан бўлган муносабатларида намоён этган. Пандузодаларнинг самимий садоқати Уни гоҳ уларнинг жиловдори, базан маслаҳатчиси, баъзан дўсти, баъзан элчиси, баъзан эса кўриқчиси бўлишга мажбур қиларди. Вишнуга соф садоқат билан хизмат қилиш қандай натижа беришига мана шу яққол мисол бўла олади. Махараж Юдхитхира билан ҳақиқий дин қонунлари ҳақида суҳбатлашар экан, Кришна бу соҳада мукамал илмга эга эканини кўрсатди, лекин, Юдхитхиранинг кичик амаки укаси сифатида У Юдхитхира билан жуда одобли бўлиб, уни хурмат қилиб гапиришарди. Бундай одоби Уни яна ҳам ёқимлироқ қилиб кўрсатарди. Кўзларининг ҳаракати ва гапиргандаги сўз оҳанги Унинг одоб-ахлоқ мавзусида бошқаларга усталик билан сабоқ бера олишини кўрсатиб турарди. Тажрибали билимдонлар одатда Махараж Юдхитхирани ҳам *дхира-прашанта* деб айтадилар.

## Дхиродхатта.

Жуда золим, мағрур, тез жаҳли чиқадиган, ўзига бино қўйган ва серташвиш одамни *дхиродхатта* деб айтадилар. Кришна Калайаванага хат ёзганида Унда ана шу сифатлар намоён бўлди. Ана шу хатда Кришна Калайаванани гуноҳларга ботган қурбака деб атади ва тезроқ ўзига бир чуқур қудуқ топиб, унга бориб яшириниб олишни маслаҳат берди. “Бўлмаса, - деб ёзган эди У - Кришна деган қора илон ана шундай қурбакаларнинг ҳаммасини еб юборишга шошиляпти”. Кришна Калайаванага Ўзининг ғазабга тўлган бир нигоҳи билан бутун оламнинг кулини кўкка соворишга қодир эканини эслатиб қўйди.

Бу гаплар Кришнанинг ғазаби қайнаб турганда айтилгандай бўлиб кўриниши мумкин, аммо, макон, замон ва шароитга қараб, бу сифатни ҳам ях-

ши фазилат тоифасига киритиш мумкин. Дхиродхатта сифати Кришнанинг яхши фазилати, афзаллиги ҳисобланади, чунки У бу сифатини фақат Ўзининг содиқларини ҳимоя қилиш учун намоён этарди. Бошқача қилиб айтганда, Кришна билан содиқларнинг ўзаро муносабатларида хизмат қилиш жараёнида юзага келадиган ҳатто ана шундай ёқимсиз сифатларга ҳам ўрин бор.

Баъзан, Бхимани - пандузодалардан иккинчисини ҳам *дхиродхатта* деб атаганлар.

Бир куни кийик қиёфасига кириб олган иблис билан курашар экан, Кришна унга шундай деди: “Сенинг олдингда Кришна деган буюк фил турибди. Сен мағлуб бўлганингни тан олиб, жанг майдонини тарк этиб кетишинг керак, акс ҳолда сени муқаррар ажал кутиб турибди!” Кришнанинг ана шундай мағрурлиги Унинг улуғвор характериға зид эмас. У Олий Зот, шунинг учун Унинг характерида ҳамма нарсага ўрин бор.

Худонинг Олий Шахсининг характеридаги ҳар хил қарама-қаршиликлар “Курма-пурана”да ажойиб таърифланган. Унда айтилганки, Худонинг Олий Шахси семиз ҳам эмас, нозик ҳам эмас. Парвардигор моддий сифатларга нисбатан илоҳий, аммо, барибир Унинг танаси қорамтир рангда. Унинг кўзлари кизғиш рангли. У ҳар нарсага қодир ва барча бойликларнинг эгаси. Кришнанинг шахсида ҳар хил қарама-қаршиликлар учрашининг ажабланарли жойи йўқ. Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг бу сифатлари ҳақиқатан ҳам бири-бирига зид деб ўйламаслик керак. Кришнанинг сифатларини билимдон одамлардан сўраб ўрганишга ва ана шу сифатлардан Парвардигор Ўзининг хоҳиши билан қандай фойдаланишини тушуниб олишга ҳаракат қилиш керак.

“Маха-вараха-пурана” ҳам Худонинг Олий Шахсининг илоҳий танаси ва Унинг экспансиялари мангу мавжуд эканини тасдиқлайди. Бу таналар моддий эмас, улар бутунлай илоҳий, руҳий ва илмга тўла. Улар барча илоҳий сифатларнинг манбаидир. “Вишну-йамала-тантра”да бир шеър бор. Унда айтилганки, Худо Шахси ва Унинг экспансиялари ҳамиша илм, лаззатга тўла ва мангу, демак, моддий иллатларнинг ўн саккиз туридан ҳамиша пок. Моддий иллатларнинг ўн саккиз тури қуйидагилар: алданиш, чарчаш, хатолашиш, қўполлик, моддий эҳтирос, ташвиш, манманлик, ҳасад, зулм қилишга, алдашга мойиллик, ҳолдан тойиш, ҳаромлик, ғазаб, ҳирс, боғлиқлик, оламга ҳукмронлик қилиш истаги, қарама-қаршиликни ҳис қилиш, алдашга мойиллик.

Бу айтилганларнинг ҳаммасидан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, Маха-Вишну - Парвардигорнинг моддий оламдаги барча қиёфаларининг манбаидир. Маха-Вишнунинг Ўзининг манбаи эса, Нанда Махаражнинг чексиз бойлик ва сифатларга эга бўлган ўғли, Кришна эканини тушуниб олиш қийин эмас. Бу “Брахма-самхита”да ҳам тасдиқланган: “Мен Говинданинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман, Маха-вишну Унинг

кисман намоён бўлган киёфасидир!” Маха-Вишнунинг баҳайбат киёфаси - сон-саноксиз коинотларнинг манбаидир. У нафас чиқарганида коинотлар Унинг танасидан чиқадилар, нафас олганида эса, барча коинотлар яна Унинг танасига кирадилар. Ана шу Маха-Вишну Кришнанинг экспансиясининг тўлиқ экспансиясидир, холос.

Йигирма тўртинчи боб.

## Кришна шахсининг таърифи, (давоми)

Кришнанинг фазилатларини таърифлаб, Шрила Рупа Госвами Парвардигорнинг илоҳий гўзаллиги ва сифатларини таърифлашда давом этади. Бу бобда у Унинг куйидаги сифатларини таърифлайди: безанган, қувноқ, ёқимли, ишончли, ўзгармас, таъсирли. Яна Кришнанинг жуда нозик дид билан кийинишини ва олижаноблигини ҳам айтадилар. Мана шундай сифатлар одатда фақат буюк шахсларга хос бўлади.

### Безанган.

Куйидаги фазилатларга эга одамни “буюк шахс” деб атайдилар: мусибат чекаётганларга нисбатан ҳамдардлик билдирадиган, қудратли, бошқалардан устун турадиган, мард, шижоатли, ҳар ишда моҳир ва ростгўй. Мана шу сифатларнинг барчасини *говардхана-лила* пайтида Кришна Ўзида намоён этди. Шунда Индра юборган даҳшатли ёмғир бутун Вриндаванни кўмиб ташлашга қодир эди. Аввалига Кришна: “Мен Индранинг бу қасосига қарши жавоб бериб, унинг самовий салтанатини яқсон қиламан!” - деб ўйлади. Аммо, Унинг ақлига бирдан осмон шоҳи арзимас бир шахс деган фикр келди ва У Индрага ачинганидан қарорини ўзгартирди. Кришнанинг қаҳри келганда ҳеч ким Унга қарши келолмайди, шунинг учун Индрадан ўч олиш ўрнига У Ўзининг Вриндавандаги дўстларига нисбатан ҳамдардлик туйғусини намоён этиб, уларни ёмғирдан қутқариш учун Говардхана тоғини соябон ўрнида кўтариб турди.

### Қувноқ.

Ҳамиша бахтиёр кўришиб, ҳазил аралаш гапирадиган одамни қувноқ одам деб айтадилар. Кришнада ана шундай ҳолат У шоҳ Камса уюштирган қурбонлик маросими майдончасига кўтарилганда намоён бўлди. Нилуфар кўзли Кришна полвонлар орасида пайдо бўлганида У полвонлар билан жуда одоб билан муомала қилди. У полвонларга бирма-бир кўз ташлаб чиққанида, уларга худди олдиларида арзимас ўсимликларни пайхон қилишга шайланиб турган баҳайбат фил тургандай бўлиб туюлди, деб айтадилар. Ҳатто улар билан гапиришганда ҳам Кришна ҳазиллашиб кулишни бас қилмаганди. У шу

тариқа ҳеч нарсадан кўркмасдан кураш майдонида юрарди.

### Ёқимли

Сухбатлашганда жуда мулойим, ширин гапирадиган одамни ёқимли деб айтадилар. “Шримад Бхагаватам”да Кришнанинг суҳбати шундай таърифланади: “Бир куни Йамуна қирғоғида Шримати Радхаранининг келишини кутиб, Кришна *кадамба* гулларидан гулчамбар ясай бошлади. Шу пайт Йамуна қирғоғида Шримати Радхарани пайдо бўлиб қолди ва Мурари(Кришна), Муранинг душмани, Унга ёқимли нигоҳ ташлаб қўйди”.

### Ишончли

Ҳар қандай вазиятда ҳам ишонса бўладиган одамни ишончли одам деб айтадилар. Шрила Рупа Госвами айтадики, Кришнага ҳатто иблислар ҳам қаттиқ ишонардилар. Улар агар бирор жиддий асос бўлмаса, Кришна ҳеч қачон уларга хужум қилмаслигига аниқ ишонардилар. Аниқ ишонгани сабабли улар ҳамиша тунда эшикларини қулфламасдан ётардилар. Фаришталар эса, гарчи иблислардан кўрксалар ҳам, Кришна уларни албатта химоя қилишига қаттиқ ишонганидан ҳатто энг хавфли вазиятларда ҳам ўзларининг эрмакларини тарк этмасдилар. Ҳеч қачон Ведаларда кўрсатилган покланиш маросими орқали ўтиб покланмаган одамлар эса, Кришна фақат одамнинг ишончини, иймонини ва садоқатини қабул қилишига аниқ ишонардилар, шунинг учун ҳеч нарсадан ташвишланмай, аниқ ишоч билан Кришна онгида фаолият кўрсатардилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар хил тоифадаги одамлар - фаришталардан то ёввойи одамларгача - Парвардигорнинг марҳаматидан умидвор бўлишлари мумкин.

### Ўзгармас

Тақдирида дуч келадиган бирор қийинчилик, мусибат хотиржамлигини, осойишталигини бузолмайдиган одамни ўзгармас одам деб айтадилар. Кришна Бана деган иблисни жазолаганида ана шундай сифатини намоён этди. Бананинг жуда кўп қўллари бор эди. Кришна унниг қўлларини бирин кетин чопиб ташлади. Бана Тангри Шиванинг ва фаришта Дурганинг буюк содиғи эди. Шунинг учун Кришна Банани жазолаганида Тангри Шива ва Дурга Кришнадан қаттиқ ғазабланди, аммо Кришна уларга мутлақо эътибор бермади.

### Таъсирли.

Атрофидаги барча одамларнинг ақлига таъсир қила оладиган одамни таъсирли одам деб айтадилар. “Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи

кўшиғида(43.17) Кришнанинг ана шу фазилатини Шукадева Госвами шоҳ Парикшитга шундай таърифлайди: “Эй шоҳ, полвонлар учун Кришна яшининг зарбасидай кўринарди. Оддий одамлар учун эса У - гўзаллик тимсоли эди. Ёш қизларнинг кўзига У севги фариштаси бўлиб кўринарди. У - барча подачи болалар ва қизларнинг энг яқин қариндоши. Адолатсиз шоҳлар учун У - олий ҳукмдор. Ўзининг ота-онаси -Нанда ва Яшода учун У - ҳали ёш бола. Бходжа султони Камса учун У - ажал тимсоли. Аҳмоқ ва ғофил одамлар Унда фақат тошни кўрадилар. Йоглар учун У - Олий Мутлақ Ҳақиқат. Вришнилари учун У - Худонинг Олий Шаҳси. Шу тарзда Ўзининг бутун улуғворлиги ва шуҳратини намоён этиб, Кришна акаси Балорам билан қурбонлик маросими майдончасида пайдо бўлди”. Барча илоҳий расалар манбаи Кришна Камса қурган майдончада турганида, У билан ҳар хил расада боғланган одамлар Уни ҳар хил қабул қилдилар. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, ҳар хил одамлар ўзларининг Кришнага бўлган муносабатига қараб, Уни ҳар хил кўрадилар.

Баъзан билимдон олимлар таъсирли иборасини, бошқалар ўзига эътибор бермаса, уларни ёқтирмайдиган одамга нисбатан ҳам ишлатадилар. Бу сифат Камса Нанда Махаражни ҳақорат қилганида Кришнада намоён бўлди. Васудева Кришнадан Камсани ўлдиришни илтимос қилди, шунда У шоҳга ҳозирроқ ташланишга тайёр бўлиб, фоҳиша аёлларда бўладиган очкўз нигоҳ билан Камсага қараб турарди.

## Нозик дид билан кийинадиган.

Чиройли кийинишни ёқтирадиган одамни *лалита*, яъни “нозик дид билан кийинадиган” деб айтадилар. Мана шу фазилат Кришнада икки турли намоён бўлган: Баъзан У Шримати Радхаранини ҳар хил белгилар билан беаган, баъзан эса, иблисларни, масалан, Ариштасурани, ўлдиришга тайёрланаётганида, белидаги камари чиройли Ўзида туришини текширган.

## Олижаноб

Ўз ихтиёрини ҳар қандай одамга топширишга тайёр одамни олижаноб одам деб айтадилар. Кришнадан олижаноброқ одам йўқ, чунки У ҳамиша Ўзининг содиқларига бутунлай Ўзини топширишга тайёр туради. Бунинг устига, Кришна Парвардигор Чайтанья киёфасида Ўзини ҳатто содиқ бўлмаган одамларга ҳам топширишга, уларга ҳам озодлик ато этишга тайёр.

Кришна ҳеч кимдан, ҳеч нарсада боғлиқ эмас, аммо Ўзининг беسابаб марҳамати билан Ўзини Гарга-ришидан боғлиқ қилиб кўрсатиб, ундан дхарма қонунлари бўйича насиҳат, маслаҳат олади. У Сатйакидан ҳарбий санъат бўйича таълим

олиб, дўсти Уддхавадан яхши маслаҳатлар олиб, Ўзини улардан ҳамиша қарздор қилиб кўрсатади.

## Йигирма бешинчи боб. Кришнанинг содиқлари.

Ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган одамларни “Кришнанинг содиқлари” деб айтадилар. Шрила Рупа Госвами айтадики, юқорида у таърифлаб ўтган эзгу фазилат, илоҳий сифатларнинг барчасини Кришнанинг содиқларида ҳам сезиш мумкин. Кришнанинг содиқлари икки тоифага мансуб бўлишлари мумкин: илоҳий салтанатга эришиш ниятида садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар ва Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган содиқлар.

Кришнанинг улуғворлигини, мафтункорлигини англаб етган, лекин, гарчи Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқини берадиган барча сифатларга эга бўлса ҳам, ҳали моддий олам тутқунлигидан халос бўлмаган содиқни *садхака* деб атайдилар. *Садхака* ибораси “Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам” деган маънони билдиради. Ана шундай содиқнинг таърифи "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(2.46) келтирилган. Қалбида Парвардигорга чуқур иймон, ишонч, ва муҳаббат уйғонган, Кришнанинг содиқлари билан дўст, ғофил одамларга нисбатан жуда меҳрибонлик қилиб, қалбида ҳамдардлик туйғуси билан улар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киришига имкон берадиган, иймонсиз, худосиз одамлардан ўзини четга олиб юрадиган одамни *садхака*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам деб айтадилар.

Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаганида содиқнинг кўзларига ёш келганида, ана шу кўз ёшлари унинг моддий оламдаги дунёвий ҳаётининг оловини ўчираётган бўлади. Одамнинг вужуди титраб, танасидаги туклари ҳурпаядиган бўлса, бу содиқнинг садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришишга яқинлигидан далолат беради. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган садхакага Билвамангала Тхакур яққол мисол бўла олади.

Чарчамасдан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, Кришна билан ўзаро муносабатларининг илоҳий расасидан лаззат олиб, ҳамиша Кришна онгида юрадиган содиқни “комил содиқ” деб айтадилар. Бундай мукамалликка икки йўл билан эришиш мумкин: Худога садоқат билан хизмат қилишда аста-секин юксала бориш йўли билан ёки садоқат билан хизмат қилишнинг барча йўлларини четлаб ўтиб Кришнанинг беسابаб марҳамати билан.

Худога садоқат билан хизмат қилишда аста-секин юксала бориш йўли билан камолотга эришган содиқ "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида таърифланган(15.25.): моддий тирикчилик сабабли юзага келадиган сохта ўзликдан озод бўлган, камолотга эришган сеҳргар Ваикунтха деб

аталадиган Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш унга шунчалик қувонч бағишлайдики, натижада у Парвардигорнинг алоҳида марҳаматига сазовор бўлади. Қудратли ажал фариштаси Йамаража, Азроил, ана шундай содиқнинг ҳатто ёнига яқинлашишга ҳам кўрқади. Шундай қилиб, хизмат қилишнинг юқори поғоналарида, айниқса Кришнанинг содиқлари бир жойга тўпланиб, Худонинг Олий Шахсининг эрмаклари ҳақида суҳбатлашиб ўтирганларида Худога садоқат билан хизмат қилиш қанчалик қудратли бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Кришнанинг содиқлари ўзларининг туйғуларини шундай кучли намойиш этадиларки, дарров уларнинг таналарида илоҳий аломатлар пайдо бўлиб, ўзлари илоҳий лаззатдан жазавага туша бошлайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга интилаётган содиқ ана шундай содиқлар изидан бориши лозим.

Прахлад Махараж айтган эдики, улуғвор содиқлар олдида сажда қилмай турию Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришиб бўлмайди. Буюк донишманд Маркандея-риши Худога садоқат билан хизмат қилишда фақат ана шу қонун-қоидаларга амал қилиш билан камолотга эришган.

Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришишга мисол "Шримад Бхагаватам"да келтирилган. Унда қурбонлик маросими ўтказаетган брахманлар ва уларнинг хотинлари ҳақида ҳикоя бор. Брахманларнинг хотинлари Парвардигор Кришнанинг бесабаб марҳаматига сазовор бўлганларида, улар қалбида Худога нисбатан жазавали муҳаббат ҳис қила бошладилар. Уларнинг эрлари шундай деган эдилар: "Бу аёллар муқаддас зуннор олиш сингари покланиш мароимлари орқали ҳам ўтмадилар, руҳий устознинг ашрамида ҳам яшамадилар, риёзат ҳам чекмадилар, қонун-қоидаларга амал қилиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадилар, шунга қарамай, ҳатто буюк сеҳргарлар эриша олмайдиган Парвардигор Кришнанинг марҳаматига сазовор бўлдилар. Бу мўъжиза эмасми? Бу аёллар руҳий камолот чўққисига эришдилар, биз брахманлар, ҳатто барча покланиш маросимларидан ўтиб ҳам бундай юксак поғонага эриша олмаймиз!"

Нарада Муни ҳам Шукадева Госвамига мурожаат қилиб, шунга ўхшаш гапларни айтган эди: "Азизим Шукадева Госвами, сен ҳеч қачон руҳий устоз ашрамида яшаган эмассан, шунга қарамай илоҳий донишмандликнинг юқори поғонасига кўтарилдинг. Сен ҳеч қачон қаттиқ риёзатларга берилмагансан, шунда ҳам камолотнинг энг олий поғонасига эришдинг - қалбингда Худога нисбатан илоҳий муҳаббат уйғотдинг".

Шукадева Госвами ва қурбонлик маросими ўтказиб юрган брахманларнинг хотинлари - Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан Худога

садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган содиқларга яққол мисол бўла олади.

## Мангу баркамол содиқлар.

Илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиб, Шри Кришна турган поғонага кўтарилган, ўзининг илоҳий муҳаббат билан қилаётган хизмати билан Парвардигор Кришнани мафтун эта оладиган содиқларни мангу баркамол содиқлар деб атайдилар. Бу тушунча учун санскрит тилида махсус ибора ишлатилади - *нитйа-сиддха*. Тирик мавжудотлар икки тоифага мансуб бўладилар: *нитйа-сиддха* ва *нитйа-бандха*. Уларнинг биридан фарқи шундаки, *нитйа-сиддха* бир лаҳза ҳам Худони эсдан чиқармасдан ҳамиша Кришна онгида юради, *нитйа-бандхалар*, мангу шартланган руҳлар эса, Парвардигор Кришна билан ўзаро муносабатларини унутиб юборганлар.

Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна нитйа-сиддхаларнинг ҳолатини "Падма пурана"да таърифлаб берган. Унда Парвардигор Сатйабхама-девиға Ўзининг Ерга келиш сабабини тушунтириб берган: "Азизим Сатйабхама-деви, Мен Тангри Браҳма ва бошқа фаришталарнинг илтимоси билан Ерга тушдим. Йадавалар хонадонида туғилганларнинг ҳаммаси - Менинг мангу ҳамроҳларимдир. Азизим, Менинг ҳамроҳларим бир лаҳза ҳам Мендан ажралмайдилар. Улар - Менинг шахсий экспансияларимдир, билсанг, улар ҳам худди Мен сингари қудратга эга. Ўзларининг илоҳий сифатлари билан улар Мен учун жуда жуда азиз, Мен ҳам улар учун жуда азизман". Ўзининг ҳамроҳлари билан Ер сайёрасида бўлган пайтда Парвардигор Кришнанинг намойиш этган эрмаклари ҳақида тинглашдан чуқур лаззат оладиган содиқларни *нитйа-сиддха*, мангу баркамол содиқлар деб айтадилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(14.32.) шундай дейилган: "Ҳақиқатан ҳам, Вриндаван аҳолисининг - Нанда ва бошқа подачиларнинг - омади чексиз. Худонинг Олий Шахси, Олий Браҳман ҳақиқатан ҳам уларнинг энг яқин дўсти бўлди!"

Шунга ўхшаш сўзлар "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғининг бошқа жойида ҳам бор(26.10). Парвардигор Кришна Говардхана тоғини кўтарганида, Парвардигор ҳимоя қилган подачилар хайратдан қотиб қолдилар ва Нанда Махаражга шундай савол билан мурожаат қилдилар: "Эй хурматли Нанда Махараж, айтчи, нимага бизлар Кришнага шунчалик қаттиқ боғланиб қолганмиз, Кришна ҳам бизларга қаттиқ боғланган? Ёки ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рух дегани мана шу Кришнами?"

Вриндавана ва Двараканинг бутун аҳолиси - подачилар ва Йадавалар сулоласининг барча аъзолари - Кришнанинг мангу озод содиқларидир. Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор қачон бизнинг сайёрамизга ташриф буюрса, Унинг

эрмакларидида қатнашиш учун мана шу содиқлар ҳам У билан бирга келадилар. Улар оддий шартланган рухлар эмаслар. Улар мангу озод бўлган, Парвардигор Кришнанинг яқин ҳамроҳлари даврасига кирадиган шахслардир. Бу ерга келганида Ўзини худди оддий одамлардай тутадиган Парвардигор Кришна сингари, Йадава сулоласининг аъзолари ва Вриндавандаги подачилар ҳам ўзларини худди оддий одамлардай тутадилар. Аммо улар оддий одамлар эмас. Улар ҳам худди Парвардигор Кришнанинг Ўзи сингари мангу озодликка эга зотлардир.

"Падма пурана"нинг "Утгара-кханда" бўлимида шундай дейилган: "Бир пайтлар Парвардигор Рамачандра Ер юзига Лакшмана (Санкаршананинг экспансияси) ва Бхарата (Прайдумнанинг экспансияси) билан бирга келгани сингари, Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмакларидида иштирок этиш учун Йадавалар сулоласининг аъзолари ва Вриндаван аҳолиси ҳам Парвардигор Кришна билан бирга келдилар. Парвардигор Ўзининг мангу илоҳий даргоҳига қайтиб кетганида, Унинг яқин ҳамроҳлари ҳам У билдан бирга қайтиб кетадилар ва яна ўз ўрнини эгаллайдилар. Шундай қилиб, ундай мангу озод вайшнавларга моддий табиатнинг туғилиш ва ўлиш қонунлари таъсир қилмайди".

Парвардигор Кришнанинг Ўзи "Бхагавадгита"да тасдиқлагани сингари, Унинг туғилиши, кўрсатган кароматлари ва фаолияти илоҳий табиатга эга. Ўзини Нанда, Яшода ёки Парвардигорнинг яқин ҳамроҳларидан бирор одам деб ҳисоблаш ҳам, худди ўзини Худо, Кришна деб даъво қилгандай, Худога нисбатан энг оғир ҳақоратлаш бўлади. Уларнинг барчаси илоҳий табиатга эга зотлар эканини ҳамиша эсда сақлаш керак. Ундай содиқлар ҳеч қачон шартланган рухлар ҳолатида бўлмайдилар.

Камсанинг душмани, Парвардигор Кришна олтиш тўрт илоҳий сифатга эга деб айтадилар. Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари бўлган мангу озод рухлар мана шу сифатларнинг биринчи эллик турига эга бўладилар. Бу содиқлар Парвардигор Кришна билан ўзаро муносабатда беш илоҳий расанинг бирортасида турадилар: нейтрал муносабат; хизматкор ва хўжайин; ўзаро дўстлик; ота-она ва фарзанд муносабатлари; ошиқ-машуқлар муносабати. Парвардигор билан уларнинг ўзаро муносабатлари мангу, шунинг учун *нитийа-сиддха* содиқлар қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришишга интилмайдилар. Улар Парвардигор Кришнага хизмат қилиш учун зарур бўлган барча сифатларга мангу эга бўлган зотлардир.

Йигирма олтинчи боб.  
**Жазавали муҳаббатни  
рағбатлантирувчи нарсалар.**

Содиқнинг қалбида Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатни уйғотадиган, яъни рағбатлантирадиган нарсалар куйидагилар: Кришнанинг илоҳий сифатлари, Унинг ғайритабиий кароматлари, Унинг кулиб турган жамоли, Унинг либослари ва гулчамбари, Унинг найи, Унинг қўтос шохидан қилинган сури, Унинг оёқларидаги қўнғироқчалар, Унинг сури(раковина), Унинг оёқ излари, Унинг ўйинларини намоён этган жойлари(Вриндаван), Унинг севимли дарахти(туласи), Унинг содиқлари, шунингдек, У ҳақда ўйлашга баҳона бўладиган алоҳида кунлар. Парвардигорни кўпроқ ўйлаш тавсия этиладиган ана шундай кунларга ойда икки марта келадиган экадашлар - тўлин ойдан кейин ва янги ой чиққандан кейин саналадиган ўн биринчи кунлар киради. Шу кунлари Кришнанинг содиқлари кейинги кунгача оч юриб, рўза тутадилар ва тинмасдан Парвардигор Кришнани шарафлаб куйлайдилар.

**Парвардигор Кришнанинг илоҳий сифатлари, Унинг ғайритабиий кароматлари ва Унинг табассуми.**

Парвардигор Кришнанинг илоҳий сифатларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: Унинг илоҳий танасига тааллуқли сифатлар; Унинг илоҳий нутқиға тааллуқли сифатлар; Унинг илоҳий ақлиға тааллуқли сифатлар.

Кришнанинг ёши, Унинг илоҳий танаси, Унинг гўзаллиги ва мулойимлиги Унинг танасига боғлиқ бўлган сифатлардир. Кришна билан Унинг илоҳий танаси орасида фарқ йўқ, шунинг учун Унинг танасига боғлиқ сифатлар билан Унинг Ўзининг орасида ҳам фарқ йўқ. Лекин, ана шу сифатлар содиқнинг қалбида Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат уйғотгани учун уларни жазавали муҳаббатнинг алоҳида сабаблари сифатида алоҳида-алоҳида таҳлил қиладилар. Кришнанинг сифатларининг мафтункорлигини ҳис қилиш Кришнанинг Ўзининг мафтункорлигини ҳис қилиш демақдир, чунки, Кришна билан Унинг сифатлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришнанинг номи ҳам Кришна. Кришнанинг шуҳрати ҳам Кришна. Кришнанинг атрофидагилар ҳам Кришна. Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат уйғотадиган Кришна ва Кришнага боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси - Кришнанинг Ўзи. Шуни яхшилаб тушуниб олиш учун, Кришнага муҳаббат уйғотадиган нарсаларни алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқадиладар.

Кришна - барча илоҳий лаззатлар манбаидир, шунинг учун, Кришнага муҳаббат уйғотадиган нарсаларнинг ҳаммаси, гарчи бир қарашда Кришнадан фарқ қиладигандай бўлиб кўринса ҳам, аслида Кришнанинг Ўзидир. Санскрит тилида маҳсус ибора билан Кришнанинг ана шу сифатлари, Унинг номи ва шуҳрати каби, "Кришнага муҳаббат манбаи ва бир вақтнинг ўзида шу муҳаббатни уйғотадиган омил" деб аталади.

Кришнанинг ҳаётида уч даврни ажратиб кўрсатадилар: У туғилган кундан бошлаб то беш ёшга тўлган пайтгача бўлган давр - *каумара*; олти ёшдан то ўн ёшга тўлганча бўлган давр - *пауганда*, ўн бир ёшдан ўн беш ёшга тўлганча бўлган давр - *кашшора*. Ўн олти ёшдан бошлаб Кришнани *йаувана*, ўсмир деб атайдилар. Шундан кейин Кришна ўзгармаган.

Кришнанинг илоҳий ўйинларининг аксарият кўплари Унинг *каумара*, *пауганда* ва *кашшора* даврларига тўғри келади. Унинг ота-онаси билан ширин лаззат бағишловчи ўйинлари *каумара* даврида бўлиб ўтади. Унинг подачи болалар билан дўстлиги *пауганда* даврида намоён бўлади, Унинг гопилар билан дўстлиги эса - *кашшора* даврига тўғри келади. Кришнанинг Вриндавандаги ўйинлари У ўн беш ёшга тўлганида ниҳоясига етади. Шу пайтда У Матхурага, кейин Дваракага ўтади, шу ерларда У Ўзининг қолган эрмакларини намоён этади.

"Бхакти-расамрита-синдху" асарида Шрила Рупа Госвами мангу лаззат манбаи бўлган Кришнани ёрқин таърифлаб берган. Куйида биза ана шу таърифларнинг баъзиларини кўрсатиб ўтамиз.

Кришнанинг *кашшора* даври ҳам уч қисмга бўлинади. Кашшоранинг аввалида, яъни У ўн бир ёшга кирганида Кришнанинг танасидан таралаётган нур шунчалик ёрқин бўла бошлайдики, у Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат уйғотадиган омилга айланади. Ана шу даврда Унинг кўзлари атрофида қизил чизик пайдо бўлади, танаси эса майин туклар билан қопланади. *Кашшора* даврининг биринчи қисмини таърифлар экан, Вриндаванда яшайдиган аёллардан бири, Кундалата, дугонасига шундай дейди: "Азиз дугонажон, мен ҳозир Кришнанинг танаси қанчалик чиройли бўлиб кетганини сездим. Унинг танаси қорамтир ранги билан қимматбаҳо *индранила* гавҳартошини эслатади. Унинг кўзларида қизғиш аломатлар, танасида эса майин туклар пайдо бўлган. Буларнинг ҳаммаси биргаликда Кришнани жуда чиройли қилиб кўрсатади".

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(21.5)Кришнанинг шу даври ҳақида Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шох, энди мен сенга гопиларнинг қандай қилиб Кришна ҳақидаги ўйларга фарқ бўлгани ҳақида гапириб бераман. Гопилар Кришнанинг раққослар либосини кийиб олиб, Вриндаван ўрмонларида, Ўзининг оёқ изларини колдириб, сайр қилиб юришларини ўйлардилар. Улар Кришнанинг товус пати кистирилган шлеми ҳақида, Унинг кулоқларидаги сирғалари ҳақида, қимматбаҳо тошлар ва марваридлар билан безатилган олтинранг-сарик либоси ҳақида ўйлардилар. Улар Кришнанинг най чалишлари, барча подачи болаларнинг Уни олқишлаб куйлашлари ҳақида ўйлардилар". Одатда гопилар машғул бўладиган муруқабани Шукадева Госвами шундай таърифлаган.

Гопилар баъзан Унинг нозик тирноқлари ҳақида, Унинг ҳаракатчан қошлари ҳақида, бетел чайнагани сабабли қизғиш(*катеху*) тус олган чиройли тишлари ҳақида ўйлардилар. Гопилардан бири Кришнани дугонасига шундай таърифлаган эди: "Азизим, қара, Агханинг душмани қанчалик гўзал бўлиб кетибди! Унинг қошлари худди севги фариштасиники сингари, рақсга тушаётгандай ҳамиша ўйнаб туради. Унинг нозик тирноқларининг учи бамбукнинг қуриган япроқлари сингари юмшоқ. Унинг тишлари қизғиш рангда бўлгани учун, гўё У жажли чикқанга ўхшаб кўринади. Ана шундай гўзаллик олдида бирор ёш қиз ўзини тутиб тура оладими? Ана шундай гўзаллик чангалига тушиб, қурбон бўлишдан қиз бола ўзини қандай асрай олсин?"

Кришнанинг гўзаллигини Вринда ҳам таърифлаган. Шу гопининг шарафига бу қишлоқ Вриндаван деб аталади. У Кришнага шундай дейди: "Азизим Мадхава, Сен ҳозиргина намоён этган табассуминг гопиларнинг юрагини шунчалик ларзага солдики, улар ўзларининг туйғуларини таърифлашга ожизлик қиладилар. Уялгандан улар бошқалар билан умуман гаплашмай қўйдилар. Сенинг бу табассуминг уларга шундай кучли таъсир қилдики, гўё улар ўз ҳаётларига уч марта сув сепгандай бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳаётда бошқа ҳеч нарсадан умид қилмайдилар". Ҳиндларнинг одати бўйича, одам ўлганида унинг танасига сув сепадилар. Вринданинг гапларидан маълум бўладики, Кришнанинг гўзаллигига мафтун бўлган гопилар ўзларининг туйғуларини изҳор қилиш имконияти йўқлигини англаб, жонларига қасд қилишга қарор қилдилар.

Кришна ўн тўртинчи ёшга қадам кўйганида, Унинг икки қўли ва кўкраги жуда чиройли бўлиб, Унинг бутун қомати жуда келишган бўлган. Кришна ўн уч ёшга тўлганида, Унинг сонлари филнинг хартуми билан беллаша оларди. Унинг бўртиб чиққан кўкраги қимматбаҳо тошлар билан безатилган дарвозаларга ўхшарди, қўллари эса, безанган эшикларнинг чиройини сўндирар эди.

Кришнанинг бундай гўзаллигини таърифлаш кимнинг ҳам қўлидан келарди? Унинг майин табассуми, ўйнаб турган кўзлари ва мафтун этувчи қўшиқлари Кришнанинг танасининг гўзаллигига алоҳида ҳусн бериб турарди. Кришнанинг бу даврининг алоҳида белгилари шулардан иборат эди.

Кришна ёшлигининг ана шу даврига кирганда, танасининг шундай гўзаллигини намоён этдики, Унинг ўйноқи кўзлари севги фариштасининг ўйинчоғига айланди, майин табассуми эса, эндигина очилган нилуфар гулини эслатарди. Унинг қўшиқларининг одамни ўзига мафтун этувчи оҳанглари эса, эрларига ҳамиша содиқ қолишга қарор қилган покдомон ёш аёллар учун енгиб бўлмас тўсиққа айланди.

Ўзидаги шўхлик, ҳазилкашлик сифатларини подачи-қизлар билан бўлган муносабатларида намоён этиб, Кришна ана шу даврларда улар билан

Йамунанинг қирғоқларида жойлашган боғ ва бутазорларда *раса-тила* ўйинларини ўтказиб лаззатланди.

Унинг шу эрмаклари қуйидагича таърифланган: “Вриндаван деб аталган қишлоқнинг ҳамма ерлари Кришна ва гопиларнинг оёқ излари билан қопланган эди. Баъзи жойларда уларнинг устига товус патлари тўшалган эди. Вриндавандаги боғларнинг ҳар ер, ҳар ерида ўтириб ҳордиқ чиқарадиган жойлар ясалган, баъзи жойлар Говинданинг гопилар билан рақс тушганда кўтарган чанглари билан қопланган эди”. Кришна ўйлаб топган хилма-хил эрмаклар натижасида Вриндаван ерларида пайдо бўлган баъзи аломатлар ана шулардан иборат.

Кришнанинг мана шу даврдаги гўзаллигини гопилардан бири шундай таърифлайди: “Азиз дугонажон, қара, кутилмаганда Кришна осмонида қандай қудратли қуёш пайдо бўлиб, бизларнинг покдомонлигимизнинг ойдаи нурини сўндириб қўйяпти. Бизларнинг Кришнага бўлган боғланишимиз шунчалик кучлики, унинг совуқ нафасидан бизнинг ақлимиз нилуфари сўлиб, нима қиларимизни билмай қолдик: эрларимизга садоқат қилиб покдомон аёл бўлиб қолсакмикан ёки Кришнанинг гўзаллигининг қурбони бўлсакмикан? Дугонажон, менимча бизлар жуда мушкул, ночор аҳволга тушиб қолдик!”

Ўн бир ёшидан ўн беш ёшгача давом этадиган *кашиора* даврида Кришнанинг қўлларида, оёқларида ва сонларида уч чизик пайдо бўлди. Бу пайтга келиб Кришнанинг кўкраги ўзидан нур таратиб турадиган *мараката* тошларидан таркиб топган тоғ билан беллаша оларди. Унинг қўллари *индранила* гавҳар тошидан қилинган устун билан беллашарди. Унинг тосидаги уч чизик Йамуна дарёсидаги тўлқинларни баҳсга чақирарди. Унинг сонлари ўзининг гўзаллиги билан чиройли бананлар билан баҳслашарди. Гопилардан бири шундай дейди: “Мана шуларнинг ҳаммаси Кришнага шундай бекиёс гўзаллик бағишлайдики, мен хаёлимда хамиша Унга илтижо қилиб, мени ҳимоя қилишини тилайман, чунки У - барча иблисларнинг қотилидир”.

Бу ерда шу назарда тутилганки, гопилар ўзларининг Кришнага боғланганлигини иблисларнинг қилаётган ҳужуми билан тенглаштирганлар. Кришнанинг гўзаллиги қилаётган ҳужумлардан қутулиш учун Унинг Ўзига мурожат қилганлар, чунки барча иблислар Унинг қўлидан ҳалок бўлган. Бошқача қилиб айтганда, улар бутунлай ақлдан озиб қолдилар, чунки, бир томондан Кришнанинг гўзаллигига мафтун бўлиб қолдилар, иккинчи томондан, ана шу (иблис) туйғунинг ҳужумидан халос бўлиш учун Кришнанинг ёрдамига муҳтож эдилар.

*Кашшора* сўзини “ўсмирлик” деб таржима қилиш мумкин. Ана шу даврнинг охирида гопиларнинг барчаси шундай дедилар: “Кришна - севги фариштасининг мафтункорлигининг қотили, шу

боис У эндигина эрга чиққан қизларнинг ҳаммасининг тинчлигини бузади. Кришнанинг танасининг гўзаллиги мукамалликда шу даражага етдики, Унинг ҳар бир фазилатида нозик бадиий дид сезилиб туради. Унинг ўйноқи кўзлари энг яхши раққосларнинг санъатининг шухратини сўндирди. Бутун оламда Кришнанинг гўзаллиги билан беллаша оладиган бирор зот қолмади”. Ана шу даврдаги Унинг танасини таърифлаш учун олимлар *нама-йаувана*, яъни “эрта ёшлик” иборасини ишлатадилар. Кришнанинг танаси ривожланишининг ана шу даврида Унинг фаолиятининг асосий қисмини гопилар билан бўладиган ишқий ўйинлар ва шунга ўхшаган эрмаклар эгаллай бошлайди.

Ишқий муносабатлар олти поғонада ўтиши мумкин: дўстлашиши, жанжаллашиш учун баҳона излаш, севгилиси билан учрашувга тайёрланиш, учрашув, хижрон ва қўллаб-қувватлаш. Парвардигор Кришна мана шу олти ҳолатларнинг бутун бир салтанатини яратиб, шу салтанатда Ўзи султон бўлиб олган. У гоҳида ёш гопиларнинг жиғига тегиб жаҳлини чиқарар, гоҳида уларни тўтиқушнинг тирноқлари билан тирнар, баъзан гопилар билан учрашувга чиқар, баъзан, подачи-дўстлари орқали гопилар Ўзини қабул қилишларини келишиб олишиш учун музокара олиб борарди.

Баъзи гопилар Унга шундай мурожат қилардилар: “Азизим Кришна, Сенинг ёшлигинг бу қизлар учун Сени руҳий устоз қилиб қўйди. Сен уларни ўзаро шивир-шивир гаплашишга ва улуғвор илтижолар қилишга ўргатяпсан. Сен уларни ўзларининг эрларини алдашга ва катталарнинг насихатларини унутиб, тунлари боғда Сен билан учрашувга шошилишга ўргатяпсан. Сен мафтункор найинг наволари билан уларни ҳайратга солиб, худди руҳий устоз сингари, уларга муҳаббатнинг нозик сирларини ўргатяпсан”.

Айтишларига қараганда, Кришна ҳали беш яшар болалик пайтидаёқ, худди ўсмирларникидай ишқий туйғулар намоён эта бошлаган, аммо билимдон донишмандлар, бундай туйғулар жуда эрта уйғонгани учун, бунга бирор изоҳ бермаганлар. Кришна кишини маҳлиё қиладиган даражада чиройли эди, чунки, Унинг илоҳий танасининг ҳар бир қисми бенуксон шаклда мукамал гўзал эди. Кришнанинг танасининг мукамаллигини қуйидагича таърифлайдилар: “Эй Камсанинг душмани, Сенинг катта кўзларинг, Сенинг қабарик кўксинг, устунга ўхшаган қўлларинг ва нозик белинг кўзлари нилуфар гулидай чиройли ҳар қандай гўзал қизни ўзига маҳлиё этади”. Кришнанинг танасидаги безаклар аслида Уни чиройлироқ қила олмасди, аксинча - Кришна Ўзи билан уларни безаб турарди.

Ҳатто энг юмшоқ нарсаларнинг ҳам танасига текканини кўтара олмайдиган одамни нозик одам деб айтадилар. Айтишларича, Кришнанинг танасининг ҳамма жойи шу қадар нозик эдики, Унинг танасининг бирор жойига ҳатто энди очилган гул-

барг тегса ҳам, шу жойининг дарров ранги ўзгарарди. Кришна Ўзининг бутун *кашиора* даври давомида фақат гопилар билан раса-раксини уюштириш ва Вриндаван ўрмонларида иблисларни ўлдиришга уриниб юрган. Кришна Вриндаван ўрмонларида қизлар ва болалар билан ўйнаб лаззатланар экан, Камса бирин-кетин ўзининг яқин ҳамроҳларига Кришнани ўлдиришга буйруқ берарди. Кришна эса, уларнинг барчасини ҳалокатга учратиб, Ўзининг жасоратни намоиш этарди.

## Кришнанинг кийимлари ва Унинг гулчамбарлари.

Одатда Кришнанинг либоси тўрт хил кийимдан иборат эди: ич кўйлак, бошида қалпоқ, камар ва устки кўйлак. Вриндаванда У одатда ичдан олтинранг кўйлак, кейин қизил устки кўйлак ва сарғиш ранг телпак кийиб юрган. Ҳар хил турдаги белбоғлар Унинг мафтункор табассумига мос бўлиб, ҳамиша Унинг дўстларининг ва яқинларининг илоҳий лаззатини кучайтирарди. Кришнанинг либоси ҳамиша чиройли, кўркем эди. Худди фил боласини баъзан ҳар хил чиройли либослар кийинтириш билан безагани сингари, Кришнанинг бекиёс гўзаллиги ҳам, Унинг танасининг ҳар бир қисмини хилма-хил кийимлар безаб тургани билан намоён бўларди.

*Акалта* ибораси билан ипакдай майин сочларини, сандал пастаси ва билан тақинчоқлар билан безанган чиройли танасини, Унинг тилакасини ва У чайнаётган бетелрни ифодалядилар. Акалпанинг таркибий қисмлари бўлган мана шу нарсалар ҳамиша Кришнани безаб турарди. Кришнанинг сочларини баъзида гуллардан қилинган чамбарак безаб турар, баъзида эса, улар ёйилиб, Унинг елкасигача тушиб турарди. Шу тарзда Кришнанинг сочлари ҳар хил вақтларда турлича ҳолатда бўларди. Унинг танасига суртиладиган сандал пастаси одатда оқ рангли бўларди, аммо шафран билан аралашгани учун сарғиш ранг бўлиб кўринарди.

Одатда Кришнада *ваиджайанти* гулчамбари осилган бўларди. *Вайджайанти* гулчамбари одатда камида беш турли рангдаги гуллардан ясалади. Бу гулчамбар ҳамиша шунчалик узун бўлардики, ҳамиша Унинг тиззасига ёки ҳатто оёғининг учига етиб турарди. Бундан ташқари, Унинг калласига, баъзан бўйнига ва кўксига ҳам ҳар хил гуллардан қилинган бошқа гулчамбарлар осилган бўларди. Кришнанинг танасига ҳам сандал пастаси ёки ҳар хил бўёқлар қўшилган сандал пастаси билан ясалган турли нақшлар чизилган бўларди.

Ўзининг дугонасига мурожаат қилиб, гопилардан биттаси, Кришнанинг танасининг гўзаллигини, Унинг танасининг қорамтир рангини, Унинг гўзаллигини юз марта ошириб турган бетелнинг қизғиш рангини, тўлқинланиб турган

чиройли сочларини, танасидаги кункуманинг қолдирган қизил нуқталарини ва Унинг пешонасидаги тилакасини олқишлаб таърифлаган эди.

Унинг шлеми, сирғалари, маржони, тўрт турли кийими, диадема(тақинчоқ)лари, бармоқларидаги узуклари, оёғидаги кўнғироқчалари ва найи - Кришнанинг ҳар хил безаклари ҳисобланади. Агҳининг душмани, Кришна, тенгсиз гўзал шлеми, бриллиант сирғаси, марварид маржони, билагузуклари, қимматбаҳо безаклардан нақш қўйилган кийимлари ва бармоқларида чиройли узуклари билан жуда чиройли кўринарди.

Баъзан Кришнани *вана-мали* деб айтадилар. *Вана* дегани “ўрмон”, *мали* - “боғбон” деганни билдиради. Шундай қилиб, *ванамали* - ҳамиша Ўзининг танасини гуллар ва гулчамбарлар билан безаб юрадиган Зот деганни билдиради. Кришна фақат Вриндаванда эмас, ҳатто Курукшетра жанг майдонида ҳам шундай либослар кийиб олган эди. Унинг устидаги чиройли либосларни ва гулчамбарларни кўриб, буюк донишмандлар Унга илтижо қилган эдилар: “Парвардигор Кришна Курукшетра жанг майдонига жанг қилиш ниятида эмас, Ўзининг иштироки билан содикларининг кўзини қувонтириш учун келган!”

## Кришнанинг найи.

Унинг флейтаси ҳақида шундай дейдиларки, бу ажойиб мусиқа асбобининг товуши ҳатто энг буюк донишмандларни ҳам чуқур мушоаба ҳолатидан чиқариб юборишга қодир. Кришна Ўзининг найи билан бутун оламга Ўзининг илоҳий шон-шухратини овоза қилиб, севги фариштасини баҳсга чақирар эди.

Кришна уч турли най чалиб юрган. Улардан биттаси *вену*, иккинчиси - *мурали*, учинчиси - *вамши*. *Вену* - кичкина най бўлиб, узунлиги ўн беш сантиметр, олти тешиги бор. *Мурали* - қирк беш сантиметр чамаси бўлиб, учи тешик, ўзида тўрт тешикчаси бор.

Мана шу найнинг навоси жуда жозибали эди. *Вамши* найи эса - ўттиз саккиз сантиметр атрофида бўлиб, тўққиз тешиги бор эди. Кришна вазиятга қараб, гоҳ у найда, гоҳ бу найда наволар куйларди. Кришнанинг бундан ҳам узунроқ *вамши* найи бўлиб, у *маха-нанда* ёки *саммохини* деб аталарди. Ундан ҳам узунроқ *вамши* найи *акаршини* деб, яна ҳам узунроғи эса - *анандини* деб аталади. *Анандини* деган най подачи-болаларга жуда ёқарди ва махсус ибора билан уни *вамшули* деб атардилар. Бу найларнинг баъзилари қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Баъзи найлар мармардан, баъзилари бамбук қамишдан қилинган. Қимматбаҳо тошлардан қилинган най *саммохини*, олтиндан қилингани эса - *акаршини* деб аталади.

## Кришнанинг кўтос шохидан қилинган сури.



Кришна кўтос шохидан қилинган сур чаларди. Бу сурга яхшилаб ишлов берилган бўлиб, олтин халқалар тақилган, ўртасида тешиги бор эди. Кришнанинг бу икки мусиқа асбоби ҳам Таравали деган гопи билан боғлиқ ҳикояда тилга олинади. Айтишларига қараганда, Таравалини Кришна найининг заҳарли илони чақди, заҳарнинг таъсирини йўқотиш учун у Кришнанинг қўлидаги, кўтос шохидан қилинган сурдан оқиб турган сутдан ичди. Аммо, заҳарнинг таъсирини кучайтириш ўрнига бу сут заҳарнинг таъсирини минг марта кучайтириб юборди. Шу тарзда ўша гопи заҳарнинг аччиқ азобини тортарди.

Кришнанинг оёқларидаги  
кўнғироқчаларнинг жозибаторлиги.

Гопилардан бири ўзининг дугонасига шундай дейди: "Азиз дугонажон, Шри Кришнанинг оёқларидаги кўнғироқчалар овозини эшитиб, мен Уни кўриш учун шу заҳотиёқ югуриб чиқмоқчи эдим. Афсуски, катталарнинг ҳаммаси уйда эдилар, мен ҳеч нарса қилолмадим".

Кришнанинг сури.

Кришнанинг сури *Панчажанья* деб аталади. У "Бхагавад-гита"да ҳам эслаб ўтилган. Курукшетра майдонида жанг бошланишидан олдин Кришна мана ша сурни чалган эди. Айтишларига қараганда, Кришна Ўзининг илоҳий сурини чалганида, иблисларнинг ҳомиладор хотинлари вақтидан олдин туғиб қўйганлар, фаришталарнинг аёллари эса бахт-саодатга эришган. Шу тариқа Кришнанинг сурининг овози бутун оламга таралиб туради.

Кришнанинг оёқ излари.

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Акрура Кришнани Вриндавандан Матхурага олиб кетгани келганида, у Вриндаван йўлларида Унинг оёқ изларини кўрди. Уларнинг кўрганида Акруранинг Кришнага бўлган муҳаббати шунчалик кучайиб кетдики, унинг танасидаги туклар хурпайиб, кўзлари ёшга тўлди. Жазавага тушиб, у жанг арвасидан тушиб, ерга юзтубан йиқилди ва ҳайратдан кичқира бошлади: "Оҳ, қандай гўзал-а! Қандай гўзал!"

Йамуна қирғоғида Кришнанинг оёқ изларини кўриб қолганида, гопиларни ҳам худди шундай хаяжон босган эди. Кришна Вриндаван ерларида юрганида, Унинг оёқларидаги шарофатли белгилар(байроқ, яшин, балиқ, нилуфар ва чирилдоқ) йўлдаги чангда билиниб қоларди. Йўлдаги ана шу белгиларга кўзи тушиши билан гопиларнинг бутун вужудини жазавали лаззат туйғулари қамраб оларди.

Кришнанинг ўйинлар ўтган жойлар.

Бир содиқ хайратга тушиб шундай деган эди: "Мен ҳеч қачон Парвардигорнинг ўйинлари бўлиб ўтган ғаройиб жойларда бўлмаганман. Аммо, Матхура деган номнинг товушини эшитган заҳоти қалбим қувончга тўлади!"

Кришнанинг севган ўсимлиги - туласи.

Парвардигор Кришна туласининг барглари ва гулгунчаларини жуда яхши кўрган. Туласининг гулгунчаларини одатда Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этганлари сабабли, бир содиқ хизматкор ана шу гулгунчаларга илтижо қилиб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида гапириб беришни илтижо қилган эди. Содиқ туласининг гулгунчалари Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойининг шўхратини яхши билишидан умидвор эди.

Кришнанинг содиқлари

Баъзан, шунчаки Кришнанинг содиқ хизматкорига кўзи тушгани учун ҳам одамнинг қалби қувончга тўлиб кетади. Дхрува Махараж, Парвардигор Нарайананинг икки хизматкори ўзига яқинлашиб келаётганини кўриб, самимий ҳурмат-эҳтиром ва садоқат билан уларга пешвоз чиқди, уларнинг олдида қўл қовуштирганча туриб қолди. Қалбини қамраб олган жазавали лаззат таъсиридан у бу улуғвор меҳмонларга зўрға муносиб ҳурмат кўрсата олганди.

Гопилардан бири Кришнанинг дўсти Субалага шундай деган эди: "Азизим Субала, Кришна Сенинг дўстинг эканини биламан, сен ҳамшиша У билан ҳазиллашиб, бирга шўхлик қилиб, ўйнаб лаззатланиб юрасан. Бир марта мен сизларни бирга кўрганимда, сен Кришнанинг елкасига суяниб турардинг, икковингиз ҳам жуда қувноқ қулиб турардинглар. Мен узоқда туриб сизларнинг шундай яйраб турганингизни кўришим билан кўзларимга ёш келган эди".

Кришнани эслашга бағишланадиган  
алоҳида кунлар.

Муқаддас китобларда Кришнанинг ҳар хил кароматлари билан боғлиқ бўлган байрам кунлари ҳақида бир неча марта эслатиб ўтилган. Ана шундай кунларнинг бири - Жанмаштами, Кришнанинг туғилган куни. Жанмаштами содиқлар учун энг катта байрам, Ҳиндистондаги индусларнинг ҳар бир оиласида ҳали ҳозиргача бу байрам катта тантана билан нишонланади. Баъзан ҳатто ҳар хил дин оқимларининг издошлари ҳам шу куни катта байрам тантаналарига қўшиладилар. Кришна билан боғлиқ бўлган кунлар ҳисобланадиган экадаши кунлари ҳам Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат кучайиб кетади.

## Йигирма еттинчи боб.

Жазавали муҳаббат аломатлари.

Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг содиқнинг танасида намоён бўладиган аломатларини *анубхава* деб атайдилар. Аноубхаванинг амалда намоён бўладиган аломатлари - рақсга тушиш, ерда юмалаш, баланд овозда куйлаш, керилиш, қаттиқ кичкириш, эснаш, оғир нафаси олиш, атрофидаги одамларга эътибор бермай қўйиш, оғзидан сув оқиши, хохолоб кулиш, каллани чайқатиш ва кекириш. Содиқнинг қалбини Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат туйғуси қамраб олганида, ана шу аломатларнинг намоён бўлиши унга илохий энгиллик олиб келади.

Бу аломатлар икки тоифага бўлинади: уларнинг биттаси *шита*, бошқаси - *киепана* деб аталади.

### Рақсга тушиш.

Раса-рақси пайтида Кришнанинг чиройли юзига кўзи тушган Тангри Шива ҳам, ўзининг кичкина *диндима* барабанини чалиб, рақсга туша бошлади. Жазавала тушиб рақсга тушаётган Тангри Шивага унинг катта ўғли Ганеша ҳам қўшилди.

Ерда юмалаш.

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшигида(1.32) Видура Уддхавадан шундай деб сўрайди: "Азиз дўстим, Акрура қандай яшайпти? У фақат шастраларни мукамал биладиган, бегуноҳ зот бўлибгина қолмасдан, Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори ҳамдир. Унинг Кришнага бўлган жазавали муҳаббати шу қадар кучлики, мен унинг Кришнанинг оёқ излари қолган йўлдаги чанг устида худди ақлдан озгандай юмалаб ётганини кўрганман". Худди шундай бир гопи ҳам Кришнага хат ёзиб, унда хабар берган эдики, ҳижрон азобида ёнаётган Шримати Радхарани Унинг гулчамбарининг хидидан маст бўлиб, ерга юмалаган, натижада Унинг нозик танасида кўкимтир доғлар пайдо бўлган.

### Баланд овозда куйлаш.

Гопилардан биттаси Кришнага Шримати Радхарани ҳақида хабар беришига кўра, У Кришнанинг шуҳратини куйлаганида, ўзининг кўшиги билан барча дугоналарини шунчалик ҳайратга солиб, мафтун қилиб қўйдики, уларнинг бирортаси ўрнидан қимир этолмай қолган. Айни пайтда яқин атрофдаги тошлар жазавали муҳаббат таъсиридан эрий бошладилар.

Бир куни Нарада Муни Ҳаре Кришна мантрасини шунчалик баланд овозда куйлаб юбордики, ҳамма Парвардигор Нарасимха пайдо бўлиб, иблислар ҳар ёққа тум-тарақай бўлди, деб ўйладилар.

### Чўзилиш.

Айтишларига қараганда, *вина* асбобини олиб юрадиган Нарада Муни чуқур жазавала тушиб Парвардигор Кришнани эслаганида, баъзан шунчалик қаттиқ чўзилар эканки, унинг елкасида осилиб турган браҳманлик муқаддас зуннори узилиб кетар экан.

### Қаттиқ кичкириш.

Бир куни гопилар Кришнага шундай дедилар: "Эй Махараж Нанданинг ўғли, Сенинг чалаётган найингнинг товушидан Шримати Радхаранининг қалбини кўрқув ва алам туйғулари шунчалик қамраб олганки, у худди *курари* куши сингари узук-юлуқ товуш билан хониш қияпти".

Айтишларига қараганда, Кришнанинг найинг товуши Тангри Шивани ҳам ақлдан оздириб қўяркан. Шунда Тангри Шива шунчалик қаттиқ кичкириб юборар эканки, бундан иблисларнинг қалбига ғулғула тушиб, содиқларнинг қалби қувончга тўлиб кетар экан.

### Эснаш.

Айтишларига қараганда, нилуфар гулининг гулбарглари тўлишаётган тўлин ойнинг нурлари таъсири остида очилар экан. Худди шундай, Радхаранининг олдида Кришна пайдо бўлганида, Унинг нилуфарга ўхшаган юзи эснаганидан кенгайиб кетарди.

### Оғир нафас олиш.

"Лалита, худди, бошқа бирор сувга оғиз урмасдан, фақат булутдан тушаётган ёмғир сувидан ичиб кун кечирадиган *чатака* қушига ўхшайди". Бу ерда Кришнани қора булутга ўхшатганлар, Лалитани эса, фақат Кришна билан бирга бўлишни истайдиган чатакага қиёслайдилар. Бу ўхшатишнинг давоми бор: "Худди, кучли шамол катта булутларни ҳайдаб юборгани сингари, Лалита оғир-оғир нафас олганидан унинг бурнидан чиқаётган оғир нафаслари ҳам уни Кришнадан айириб қўйди - у ўзига келаман дегунча Кришна ғойиб бўлди".

### Атрофидаги одамларга эътибор бермай қўйиш.

Вриндаванда қурбонлик маросими ўтказётган браҳманларнинг хотинлари атрофидаги одамларнинг гапларига мутлақо эътибор бермай қўйган эдилар. Улар Кришна шу яқин атрофда эканини эшитган заҳоти уйларини ташлаб чиқдилар. Улар билимдон эрларидан ҳам рухсат сўрамай, уйдан чиқиб кетдилар. Эрлари эса, уларнинг бу ҳаракатини муҳокама қила бошладилар: "Ҳамма нарсани эсан чикариб, уйларини ташлаб чиқиб кетган бу аёлларнинг Кришнага бўлган боғланиши

ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли!” Кришнанинг кудрати ана шундай. Кришнага боғлана олган ҳар бир одам, худди брахманларнинг хотинлари ташлаб кетган, эшиклари берк уйга ўхшаган бу моддий оламда туғилиш ва ўлишлар чангалидан бемалол чиқиб кета олади.

“Падйавали”да Худонинг содиқларининг шундай сўзлари келтирилган: “Бизлар бегоналарга эътибор бермаймиз. Улар истаганча устимиздан кулаверсинлар, бизлар барибир уларга эътибор бермаймиз. Биз ерда юмалаб, жазавани билан рақсга тушиб, илохий расадан лаззат олиб, Ҳаре Кришна мантрасини куйлашда давом этаверамиз. Шу тарзда бизлар мангу илохий лаззатдан роҳатланиб яшайверамиз”.

## Оғзининг суви оқиши

Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатнинг бу аломатига мисол тариқасида Нарада Мунини кўрсатадилар. Нарада Муни Ҳаре Кришна мантрасини куйлаганида, у баъзан жазаванига тушиб, оғзидан сув оқиб, котиб қоларди.

### Хохолаб кулиш

Содиқнинг қалбини Кришнага бўлган жазавали муҳаббат туйғуси чуқур қамраб олганида, у қувончдан ғайритабиий тўлқинланиб кетганидан баланд овозда хохолаб кулиб юборади. Ана шундай кулги - содиқ қалбининг алоҳида ҳолатининг намён бўлишидир, санскрит тилида махсус ибора билан уни *атта-хаса* деб атайдилар. Содиқ ана шундай ҳолатга тушганида, унинг муҳаббати лаблари орқали ифодаланади. Кетмакет келадиган ана шундай қувончли қаҳ-қаҳаларни содиқнинг қалбида ўсаётган садокатнинг тирмашиб ўсадиган дарахтидан тушаётган гулларга ўхшатадилар. “Чайтанья Чаритамрита”да ҳам Худого садокат билан хизмат қилиш Голока-Вриндавандаги Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига интиладиган чирмовуққа ўхшатиш.

### Каллани чайқаш

Гопилардан биттаси дугонасига шундай деган эди: “Менимча, иблис Агхининг душмани, Парвардигор Кришна Ўзининг оғзидан қаттиқ бўрон чиқарганга ўхшайди. Шу бўрон ҳозир сенинг бошингни чайқатапти, кейин эса бошқа нилуфаркўзли гопиларнинг калласини чайқата бошлайди.

### Кекириш

Баъзан кекириш ҳам Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат аломати бўлиши мумкин. Бунга Паурнамасйанинг Радхаранининг йиғлаётган дугоналаридан бирига айтган гаплари мисол бўлиши мумкин: “Қизим, сен

Радхаранининг кекиришларидан кўрқма. Мен уни бу касалдан қутқариш йўлини биламан. Йиғлайверма. У овқати ҳазм бўлмагани сабабли кекираётгани йўқ. Бу - Унинг Кришнага бўлган жазавали муҳаббатининг аломатидир. Ҳеч ташвишланма. Мен ҳозир Радхарани кекиришни бас қилиши учун зарур бўлган ишни қиламан”. Паурнамасйанинг бу гапларидан кўриниб турибдики, Кришнага жазавали муҳаббат баъзан кекиришга ҳам олиб келиади.

Баъзида, содиқнинг бутун вужудининг титраши ёки тананинг бир қисмидан қон оқиши ҳам Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг таъсири остида рўй берган бўлиши мумкин. Аммо бундай аломатлар жуда кам учрайди, шунинг учун Шрила Рупа Госвами уларни батафсил муҳокама қилмайди.

## Йигирма саккизинчи боб.

### Эксизтенциал(бевосита) жазавали муҳаббат.

*Экзисто* - “мавжудлик” деган маънони билдиради. Кришна билан бевосита мулоқотда бўлганида ёки Ундан бироз узоқроқ масофада бўлганида Кришнага бўлган муҳаббатнинг содиққа мунтазам равишда кучли таъсир кўрсатиб турганидаги ҳолат “бевосита жазавали муҳаббат” деб аталади. Бевосита жазавали муҳаббатнинг намён бўлиш аломатлари уч турли бўлади: намли, куйган ва қуриган.

Кришна уйғотган намли бевосита жазавали муҳаббат икки турли бўлади: тўғридан тўғри ва билвосита. Радхарани *қунда* гулларидан гулчамбар қилаётган эди, аммо Кришнанинг найининг овозини эшитиб, дарров бу ишини ташлаб қўйди. Мана шу тўғридан-тўғри бевосита жазавали намли муҳаббатга мисол бўла олади. Билвосита намли жазавали муҳаббат куйидагича таърифланади: “Йашода она учун, Пурушоттама деб ҳам аталадиган Кришна худди *чатака* деган қуш учун булутдай азиз. Кришнани Матхурага олиб кетганларида, қалбини ташвиш ва ғазаб қамраб олган Йашода она Матхура шохининг бошига қарғишлар ёғдира бошлади”.

Куйган бевосита жазавали муҳаббат уч турли бўлади. Мана улардан бирига мисол: бир куни Йашода она тушида катта иблис Путанани кўриб чиқди. У ҳовлининг ўртасида ётарди. Шу заҳотиёқ унда ўзидан-ўзи Кришнани излаб топиш истаги пайдо бўлди.

Худонинг содиқлари бўлмаган одамларда жазавали муҳаббат аломатлари пайдо бўлганида уларни жазавали муҳаббатнинг қуриган аломатлари деб атайдилар. Худого содиқ бўлмаган одамлар аслида худосиз, иймонсиз, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлардир. Аммо, баъзан баъзи соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлганларида улар ҳам жазавали муҳаббат аломатларини намойиш этишлари мумкин.

Бевосита жазавали муҳаббатнинг саккиз аломати маълум: карахт бўлиш, терлаб кетиш, танадаги тукларнинг хурпайиши, овознинг бўғилиши, титраш, тананинг ранги ўзгариши, кўз ёшлари ва тушкунликка тушиш.

Шрила Рупа Госвами бевосита жазавали муҳаббатнинг мана шу саккиз аломатини илмий жиҳатдан қуйидагича тушунтириб беради. Ҳаётӣ куч ер билан қўшилганида, одам карахт бўлиб қолади. Ана шу ҳаёт кучи сув билан қўшилганида, унинг кўзидан ёшлар оқади. Ҳаёт бағишловчи куч олов билан қўшилганида содиқ хизматкор терлаб кетади. Ҳаёт кучи осмон(эфир)га қўшилганида содиқ тушкунликка тушади. Ҳаёт кучи ҳаво билан қўшилганида, унинг танаси титрайди, овози титраб, танасидаги туклари хурпаяди.

Мана шу аломатлар баъзан ичкаридан, баъзида ташқаридан намоён бўлади. Соф содиқ хизматкор ана шу аломатларни ҳамиша ичида ҳис қилиб юради, лекин одатда, атрофдаги бошқа одамлардан андиша қилгани учун, ташқаридан уларни намоён этмайди.

## Карахт бўлиш

Содиқ жазавадан яйраб кетиш, қўрқиш, ҳайратга тушиш, мусибатга тушиш ёки жаҳл чиқиши натижасида карахт бўлиб қолиши мумкин. Бунда одам жим бўлиб, умуман ҳаракат қилмай кўяди, тушкунликка тушади ва қаттиқ ҳижрон туйғусини ҳис қилади.

Видурага Кришнанинг ўйинларини таърифлар экан, Уддхава шундай деди: Бир куни Кришна боғбонларнинг кийимини кийиб олиб, гулзорга кириб, гопиларни ҳар хил ҳазил ва кулгили гаплар билан кулдира бошлади. Уни кўрган заҳоти гопилар карахт бўлиб турган жойида қотиб қолдилар. Кришна гулзордан чиқиб кетаётганида эса, улар Уни шундай жазавали лаззат билан кузатиб қолдиларки, гўё уларнинг аклу-хаёли ва кўзлари Кришна билан бирга кетиб бораётгандай кўринади”. Бу аломатлар шундан далолат берадики, гопилар ўзларининг ишларини тўхтатиб қўйиб, жазавали муҳаббат таъсирида карахт бўлиб, турган жойларида қотиб қолдилар.

Бундай ҳолат яна бир марта бир гала полвонлар Камса қурдирган қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонда Кришнанинг атрофини ўраб олганда рўй берган эди. Кришнани полвонлар қуршови ичида турганини кўрган онаси Деваки карахт бўлиб, кўзлари қуриб кетганди.

Бундай ҳолат Тангри Брахмада ҳам рўй берган эди. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида ёзилганки, мана шу подачи болакай Худонинг Олий Шахси эканини англаб етганида Тангри Брахма ҳайратдан қотиб, карахт бўлиб қолди. Ўзи ўғирлаб кетган подачи болалар яна аввалгидай Кришна билан бирга ўйнаб юрганини кўриб, у турган жойида қотиб қолди, унинг бутун ҳиссиёти умуман ҳаракатдан тўхтаб қолган эди. Ҳайратдан қотиб қолган Тангри Брахма худди тўрт қўлли ол-

тин ҳайкални эслатарди. Яна бир марта, Ваджа аҳолиси ҳам, Кришнанинг чап кўли билан Говардхана тоғини кўтариб турганини кўриб, ҳайратдан қотиб қолган эдилар.

Одам чуқур мусибат таъсирида ҳам карахт бўлиб қолиши мумкин. Кришна иблис Бакасуранинг қорнига кирганида, олий сайёралардаги фаришталарнинг барчаси мусибатга тушиб, карахт бўлиб қолган эдилар. Аржуна ҳам, Ашваттхамма Кришнага қарши ўзининг браҳмастра қуролини қўллашга уринаётганини кўриб, қўрққанидан карахт бўлиб қолган эди.

## Терлаб кетиш

Содиқнинг ҳайратдан терга тушиб кетиши "Шримад Бхагаватам"да таърифланган. Гопилардан биттаси Радхаранига шундай сўзлар билан муурожаат қилган эди: "Азизим Радхарани, Сен бекорга қуёшдан хафа бўляпсан. Аслида Сен Кришнага кўзинг тушиши билан қалбингда қаттиқ эҳтирос уйғониб кетгани сабабли терлаб кетганинги мен яхши биламан”.

Кўрқув натижасида юзага келадиган терлаш Кришнанинг содиқ хизматкорларидан бири Рактакада намоён бўлган эди. Бир куни Кришна худди Радхаранининг эри Абхиманюга ўхшаб кийиниб олди. Радхаранининг Кришна билан учрашиб юриши Абхиманюга ёқмасди. Шунинг учун Кришнанинг бошқача қилиб кийиниб олганини билмаган Рактака, Уни Абхиманю деб ўйлаб, баланд овоз билан уни ҳақоратлай бошлади. Ниҳоят, олдида турган одам аслида Абхиманюга ўхшаб кийиниб олган Кришна эканини англаб етган Рактака қора терга ботиб кетди. У қаттиқ қўрқиб кетганидан терлаб кетган эди.

Ғазабдан қаттиқ терга ботиб кетиш Вишнуни елкасида олиб юрадиган баҳайбат бургут Гаруданинг танасида намоён бўлган эди. Бир куни осмон шоҳи Индра Вриндаванга кучли жала юборган эди. Буни кўриб, булутлар устида учиб юрган Гаруданинг ғзаби шунчалик кўзиб кетган эдики, у қаттиқ терлаб кетди.

## Танадаги тукларнинг хурпайиши

Йашода Кришнанинг оғзида бутун коинотни, барча сайёралар тизимини кўрганида, танасидаги туклари хурпайиб кетди. У Кришнанинг кесак еган-емаганини текшириш учун, Ундан оғзини каттароқ очишни илтимос қилган эди. Кришна оғзини очганида, у Кришнанинг оғзида биргина Ер сайёрасини эмас, сайёраларга тўла бутун коинотни кўрди. Бундан ҳайратга тушганидан унинг бутун танасидаги туклари тикка бўлиб хурпайиб кетди.

Баъзан одам ҳайратга тушганида унинг танасидаги туклари хурпайиб кетади. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(13.10), Кришна билан рақса тушган гопилар ҳақидаги ҳикояда ёзилган. Раса-рақси давом этаётганда,

Кришна Радхарани билан бирга бирданига ғойиб бўлди, гопилар уларни излашга тушдилар. Уни излаб улар Ерга мурожаат қилдилар: “Эй хурматли Ер сайёраси, Сен ҳамиша танангда Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳис қилиб туришинг учун қанчалик риёзатлар чекишинг керак бўлди. Сенинг бундай бахтдан қанчалик ҳайратга тушаётганингни танангдаги тукларга ўхшаган дарахт ва майсалар ўзларининг юксакликка чўзилиши билан яққол кўрсатиб турибди. Айтчи, Сен биринчи марта бу лаззатни қандай ҳис қилгансан? Сен бу лаззатни Сенинг баданингга Вамананинг нилуфар қадамлари пойи теккандан бери сезасанми, ёки Парвардигор Тўнғиз киёфасига кириб Сени қутқаргандан бери ҳис қиласанми?”

Баъзан Кришна Ўзининг подачи-дўстлари билан ўйнаб, яккама-якка жанг уюштирар эди. Ана шу жанг пайтида У Сурина чалганида, рақиблар томонида жанг қилаётган Шридама, танасидаги туклар тикка бўлганини ҳис қиларди. Бир пайтлар Аржун ҳам шундай бўлган эди. Кришнанинг баҳайбат фазовий киёфасини кўрганида, унинг танасидаги туклари тикка бўлиб, хурпайиб кетган эди.

## Овознинг титраши

Кришна Матхурага кетишга ҳозирланиб, Акрура бошқараётган аравага чиққанида, Йашода ва гопилар Унинг йўлини тўсиб, сафарига қаршилик қилишга уриндилар, Радхарани эса, хаяжондан титраган овоз билан Йашодадан қандай қилиб бўлса ҳам Кришнани тўхтатиб қолишни илтимос қиларди.

Ҳайратга тушганидан овозининг титраши ҳолати Тангри Браҳмада ҳам рўй берган. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(13.64) ёзилганки, Кришнанинг олдида сажда қилиб, Тангри Браҳма титраган овоз билан Унга илтижо қила бошлади.

Шу ўнинчи кўшиқда(29.30) яна бир мисол келтирилган. Унда гопилар Кришна билан рақсга тушишни қаттиқ истаб келган эдилар. Кришна улардан уйларига қайтиб кетишни, эрларининг олдига боришни илтимос қилди. Гопилар бунга жавобан, ўзларини қаттиқ жаҳли чиққан қилиб кўрсатиб, Унга титроқ овоз билан жавоб бера бошладилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(39.56-57) айтилганки, Йамуна дарёсида Ваикунтха сайёраларини кўрганида, ҳайратга тушганидан Акруранинг ҳам овози титраб кетган эди. Кришна - Худонинг Олий Шаҳси эканини тушуниб, Акрура Унинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйиб, титраган овозда илтижо қила бошлади.

Одам кўрққанида ҳам овози титрашига мисоллар бор. Кришнанинг дўстларидан бири Уни шундай олқишлаган эди: “Эй азиз дўстим, Сенинг найингни хизматкоринг Патрига берган эканлар,

мен ундан найни қайтариб беришни сўраганимда, унинг овози титраб, танаси сарғайиб кетди”.

## Титраш

Кришна иблис Шанкхани асир олишга ҳаракат қилаётганида, кўрққанидан Радхаранининг бутун вужуди титраб кетган эди. Накуланинг укаси Сахадеванинг ҳам бутун вужуди ана шундай титраб кетган эди. Шишупала бор кучи билан Кришнани ҳақоратлай бошлаганида, Сахадеванинг ғазаби қайнаб, бутун вужуди титраб кетган эди.

Бир куни мусибатга тушган Радхаранининг бутун танаси титраб кетган эди. У бир гопига шундай гапларни айтаётганида бу ҳол рўй берган эди: “Фақат пушаймонлар олиб келадиган бу бола билан ҳазиллашма! Илтимос, Ундан энди сира ҳам Менга яқин келмасликни илтимос қил, чунки У бизга фақат чексиз азоб беришдан бошқа иш қилмайди”.

## Тананинг ранги ўзгариши

Баъзан Кришнанинг кўрсатган қилиқлари содиқни шу қадар оғир мусибатга солиб қўядики, унинг танасининг ранги ўзгариб кетади. Кришнага мурожаат қилган бир гопининг гаплари бунга яққол мисол бўла олади: “Азизим Кришна, Сендан айрилиш азобидан Вриндаваннинг бутун аҳолисининг таналарининг ранги ўзгариб кетди. Одамларнинг таналари ўзгарганидан, ҳатто буюк донишманд Нарада Муни Вриндаванни сут уммонидаги оқ оролга ўхшатган эди”.

Кришна билан Балорам Камсанинг кураш майдончасига кўтарилганида, Камсанинг танасининг ранги ўзгариб кетганди. Ваджа аҳолисини кучли ёмғирдан қутқариб қолиш учун Кришна Говардхана тоғини соябондай қилиб кўтариб олганида, Индранинг ҳам танасининг ранги ўзгариб кетган эди. Агар одам яйраб кетганидан танасининг ранги ўзгарса, у қизғиш ранга ўзгаради. Аммо, бундай ўзгаришлар жуда кам учрагани учун Шрила Рупа Госвами бундай ҳолларни муҳокама қилмаган.

## Кўз ёшлари

Кўз ёшлари тўкилишига ҳайрат, ғазаб ёки ҳижрон туйғулари сабаб бўлиши мумкин. Кўз ёшлар жуда совуқ бўлса - бу кўз ёшлари ҳайратдан бўлади, ғазабдан тўкиладиган кўз ёшлари жуда иссиқ бўлади. Лекин ҳамиша аввалига кўзларда оғриқ пайдо бўлади ва улар одатда қизариб кетади. Бунинг устида улар кичишади ва ўз-ўзидан одам кўзларини укалай бошлайди.

Кришнанинг Дваракадаги биринчи хотини Рукминининг кўзларидан жазавали ҳайрат ёшлари тинмай оқа бошлаганида, унинг ўзига йиғлаётгани ёқмаган эди. “Хари-Вамша”да ҳам бир шеър бор, унда Кришнага бўлган буюк муҳаббати дастидан Сатйабхама кўз ёши тўққани ҳақида айтилган.

Ғазаб таъсири остида тўкилган кўз ёшларига, Раджасуйа қурбонлик маросими пайтида Шишупала Кришнани ҳақорат қилганида Бхиманинг кўзларидан оққан ёшлар мисол бўла олади. Бхима Шишупалани турган жойидаёқ ўлдириб ташламоқчи бўлган эди, аммо, Кришна унга қаршилиқ қилди, шунда у ғазабдан ранги ўчиб кетган, худди тунлари баъзан тўлин ойни шаффоф булутлар тўсиб қўйгани сингари, Бхиманинг кўзларидан оқаётган ёшлар, унинг кўзларини хиралаштириб юборган эди. Шаффоф булутлар ортида кўриниб турган ой жуда чиройли бўлади. Худди шундай, ғазабдан чакнаган кўзлари жикка ёшга тўлиб турган Бхима ҳам жуда чиройли кўринади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(16.23) қандай қилиб мусибат ҳам одамни кўз ёши тўкишга мажбур қилишига чиройли мисол келтирилган. Кришна билан суҳбатлашар экан, Рукмини Ундан айрилиб қолишдан кўрқиб турар, нилуфар гулбаргларига ўхшаган тирноқлари билан ер чизиб турарди. Кўз ёшлари унинг киприкларидаги бўёқларни ювар, бу томчилар унинг кункума суртилган кўксига оқиб тушарди. Рукминининг мусибати шунчалик оғир эдики, ҳатто унинг овози ҳам бўғилиб қолган эди.

## Тушкунликка тушиш

Бир вақтнинг ўзида ҳам чексиз бахт, ҳам оғир мусибат бошига тушган, нима қиларини билмай қолган одамнинг ҳолати *пралайа*, яъни тушкунликка тушиш деб аталади. *Пралайа* ҳолатидаги одам баъзан ерга йиқилади, унда жазавали муҳаббатнинг барча аломатлари намоён бўлади. Гопилар Кришнани излаб юрганларида, чирмовук ва буталар орасидан бирданига Кришна пайдо бўлганида улар қарахт бўлиб, деярли ҳушидан кеиб қолдилар. Ана шундай ҳолатда гопилар жуда гўзал кўринардилар. Чексиз бахтга эришиш таъсири остида юзага келадиган *пралайа* ана шундай бўлади.

Шунингдек, мусибат сабабли юзага келадиган *пралайа* ҳам бўлади. Бунга бир мисол "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида (39.15) келтирилган. унда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шоҳ, гарчи гопилар Кришнадан айрилганларида, улар Кришна ҳақидаги ўйларга шунчалик чуқур берилиб кетдиларки, уларнинг бутун ҳиссиёти фаолиятдан тўхтаб қолди. Улар худди моддий олам тутқунлигидан халос бўлгандай, ҳатто ўзларининг таналарини ҳам сезмас эдилар.

## Жазаванинг намоён бўлиш даражаси.

Жазавали муҳаббатнинг ҳар хил намоён бўлишлари ичида энг муҳими қарахт бўлиш ҳисобланади. Содикнинг қарахт бўлиш даражаси унинг танасидаги руҳнинг қанчалик уйғонганини

билдиради ва ўз навбатида жазавали муҳаббатнинг бошқа аломатларига ҳам таъсир кўрсатади. Жазаванинг илоҳий аломатлари аста-секин ривожланади, уларнинг кучайиб бориш даражасига қараб, уларни "тутаётган", "ёнаётган" ва "порлаётган" деб атайдилар. Ана шу поғоналарнинг ҳар бирида содиқ кўп йиллар мобайнида қолиб кетиши мумкин. Тананинг ҳар хил қисмларига ҳар хил аломатлар тўғри келади. Кўз ёши ёки овознинг титрашидан фарқли равишда, қарахт бўлиш ҳолати бутун танага таъсир қилади, кўз ёшлар ва овознинг титраши эса - айрим бир аломатлар, холос.

Кўз ёшлар туфайли кўзлар баъзан шишиб, оқариб кетади, уларнинг қорачиғи фокусини ўзгартиради. Овознинг титраши баъзи ҳолларда томоқ оғришига олиб келиши ва содиқни ташвишга солиши мумкин. Жазаванинг аломатлари намоён бўлган жойга боғлиқ равишда тананинг ҳар хил акс таъсирлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, овоз титрагани сабабли томоқ бўғилганида, одам ўз-ўзидан томоғини қириши ва "тхура" деганга ўхшаган товуш чиқариши мумкин. Бунинг натижасида унинг овози хириллаб чиқиши мумкин. Содик қаттиқ ташвишга тушган ҳолларда бу товушлар бошқача ҳам бўлиши мумкин. Бу аломатларнинг барчаси "тутаётган" деб аталадиган қуриган бевосита жазавали ҳолатига мансуб ва ҳар хил намоён бўлиши мумкин.

Баъзан, Кришнанинг ўйинларига бағишланган байрамларни нишонлаётганда ёки бирга тўпланганларида содиқлар жазавали ҳолатида рақсга тушадилар. Ана шундай ҳис-туйғуларга бой ҳолатлар илоҳий аломатларнинг намоён бўлишининг "ёнаётган" ҳолати деб аталади.

Агар энг асосий шарт - Кришнага қаттиқ болғланиш бўлмаса, юқорида кўрсатилган аломатларнинг бирортаси намоён бўлиши мумкин эмас. Кришнага болғланиш деярли йўқ бўлганида, жазавали намоён бўлишининг "тутаётган" поғонасида бу аломатлар ташқаридан намоён бўлмаслиги мумкин. Ана шундай аломатлар, Нанда Махаражнинг уйида маросим ўтказилганида Гаргамунида пайдо бўлган эди. Кришнанинг Агхасурани ўлдиргани ҳақида эшитганида, унинг кўзларидан ёш оқа бошлади, томоғи бўғилди, бутун вужудини тер босиб кетди. Бунинг натижасида Гаргамунининг аввалдан чиройли бўлган сиймоси яна ҳам жозибалироқ бўлиб кетди.

Бирданига жазаванинг бир неча белгиси намоён бўлганида, бундай ҳолат "қуйдирадиган ҳолат" деб аталади. Масалан, Кришнанинг дўстларидан бири бир куни Унга шундай дейди: "Азиз дўстим, ўрмондан Сенинг найинг овозини эшитган заҳотим, менинг кўлларим шалпайиб, кўзларим ёшга тўлиб кетдики, мен ҳатто Сенинг бошингдаги товус патингни ҳам кўролмай қолдим. Оёқларим қотиб, уларни кўзғата олмай қолдим. Эй азиз дўстим, мен тан олдимки, Сенинг илоҳий найинг навоси ғайритабиий мўъжизалар яратишга қодир экан".

Гопилардан биттаси ҳам ўзининг дугонасига шунга ўхшаган ҳолатни гапириб берган эди: “Азиз дугонажон, Кришнанинг найи товушларини эшитиб, унинг намоён бўладиган оқибатларини тўхтатиб қолишга ҳаракат қилдим, аммо, бутун вужудимнинг титрашини сира тўхтата олмадим. Ўша пайтда уйда мен билан бирга бўлган дугоналаримнинг барчаси менинг Кришнага қаттиқ боғланиб қолганимни дарров пайқаб олдилар”.

Жазаванинг аломатлари намоён бўлишини тўхтатишнинг иложи бўлмаганида ва бир вақтнинг ўзида уч-тўрт аломат пайдо бўлганида, жазавали муҳаббатнинг даражасини “порлаётган” деб атайдилар. Одатда бунга Нарада Мунининг ҳолатини мисол келтирадилар. Олдида Парвардигор Кришнанинг пайдо бўлганини кўриб, у қарахт бўлиб, вина асбобини чалишдан тўхтаб қолди. Овозининг титрашидан у илтижо қилолмас, кўзлари ёшга тўлиб, уни Кришнани кўриш имкониятидан фойдалана олмай қолган эди.

Шримати Радхаранининг танасида ҳам ана шундай аломатлар пайдо бўлганида, Унинг дугоналаридан баъзилари унга шундай деган эдилар: “Дугонажон, Сен кўзларингга ёш келганини гуллардан келаётган ҳиддан кўриб, улардан хафа бўласан. Танангдаги туклар хурпайгани учун шамолни айблайсан. Оёқларинг қарахт бўлиб қолганини ўрмонда кўп сайр қилганимиздан деб ўйлайсан. Аммо бутун вужудинг титраётгани бу аломатларнинг барчасининг асосий сабаби фақат бир нарса - Сенинг Кришнага қаттиқ боғланганинг эканини ошкор этиб қўяпти!”

Шрила Рупа Госвами ҳар хил аломатлар жуда кучли намоён бўлган ҳолатни “энг ёрқин ҳолат” деб аташ мумкин дейди. Масалан, Кришнанинг дўстларидан бири бир куни унга шундай дейди: “Азизим Питамбара, Сендан айрилгани туфайли Голока-Вриндаваннинг бутун аҳолиси терлаб кетдилар. Улар зўр бериб тақдиридан нолияптилар, кўзлари ҳамиша жикқа ёшга тўлган. Уларнинг ҳаммаси жуда паришонхотир бўлиб қолганлар”

Жазавали муҳаббатнинг энг олий даражада намоён бўлиши *махабхава* деб аталади. *Махабхава* ҳолати фақат Шримати Радхаранида намоён бўлади, аммо, Шримати Радхаранининг ҳис қилаётган жазавали муҳаббатини тотиб кўриш учун Шри Кришна Чайтанья намоён бўлганида, У ҳам махабхаванинг барча аломатларини намоён этди. Шрила Рупа Госвами айтадики, жазавали муҳаббатнинг барча аломатлари энг юқори даражага етган ҳолатни *махабхава* деб атайдилар.

Шрила Рупа Госвами жазавали муҳаббат аломатларини таҳлил қилишда давом этиб, уларни *саттвикабхаса* деб аталадиган тўрт гуруҳга бўлади.

Амалда Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмайдиган имперсоналистлар ҳам баъзан жазавали муҳаббат ҳолатларини намоён этиши мумкин, аммо, уларнинг бундай ҳолатини ҳақиқий экстаз, жазавали ҳолати деб бўлмайди. Бу

ҳолат жазаванинг шунчаки акси, холос. Масалан, имперсоналист-олимланинг шахри бўлган Варанасида Парвардигорни шарафлаб қуйлаётганларини кўрган саннийасининг йиғлай бошлаганини кўриш мумкин. Баъзи имперсоналистлар ҳам Ҳаре Кришна мантраси зикр қиладилар, рақсга тушадилар, лекин бунда уларнинг мақсади Худога хизмат қилиш эмас. Уларнинг мақсади - Парвардигор билан бир бўлиш, Унинг борлиғи билан қўшилиб кетиш. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами айтадики, ҳатто Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш имперсоналистларга барибир ўз таъсирини кўрсатса ҳам, уларда намоён бўлаётган жазавали аломатларини Кришнага боғланишнинг ҳақиқий аломатлари деб қабул қилмаслик керак. Булар худди қоронғу хонада баъзан ялт этадиган қуёш нури сингари, ҳақиқий аломатларнинг акси холос. Аммо Ҳаре Кришна мантраси шу қадар қудратли ва илоҳий кучга эгаки, унинг таъсири остида ҳатто имперсоналистларнинг қалби ҳам бўшаб, эриб кетиши мумкин. Шрила Рупа Госвами айтадики, имперсоналистларда пайдо бўладиган жазавали аломатлари жазавали муҳаббатнинг ўзи эмас, - ҳали жазавали муҳаббатнинг акси, холос.

Баъзида, Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, аслида Парвардигорнинг улуғворлигини мутлақо тушунмайдиган бағритош сафсатабозлар ҳам, Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглашга келишлари, шунда уларнинг ҳам бағри эриб, кўзларидан ёш оқиши мумкин. Бу ҳақда содиқлардан бири Парвардигорга мурожаат қилиб, шундай дейди: “Азизим Муқунда, мен Сенинг ўйинларинг улуғворлигини таърифлашга ожизлик қиламан. Сенинг шарафли ўйинларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, ҳатто худосизлар ҳам хотиржам қололмайдилар. Уларнинг ҳам бутун вужуди титраб, кўзларига ёш кела бошлайди”. Аслини олганда ҳали худосизларнинг қалбидаги тош эригани йўқ. Уларнинг қалби жуда қотиб қолган, аммо Парвардигорни шарафлаб қуйлаш шу қадар қудратлики, ҳатто шундай бағритош одамларни ҳам йиғлашга мажбур қилади.

Баъзан шундай бўладики, аслида Кришнага ҳеч қандай боғланиши бўлмаган ва Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳеч қандай қонунқоидаларига амал қилмайдиган худобехабар одам ҳам, содиқлар даврасида усталлик билан жазавали муҳаббат аломатларини намойиш этиши, ҳатто йиғлаши мумкин. Лекин бундай кўз ёшлар жазавали муҳаббат аломати эмас. Булар шунчаки машқ қилиш натижаларидир, холос. Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббатнинг аксини таърифлашга зарурат бўлмаса ҳам, Шрила Рупа Госвами барибир, Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган одамларда ана шундай аломатлар пайдо бўлишига бир неча мисол келтириб ўтган.

## Йигирма тўққизинчи боб.

Кришнага нисбатан муҳаббатнинг намоён бўлиши.

Барча ҳис-туйғуларни босиб кетадиган жазавали муҳаббат *-вйабхичари*-бхаванинг ҳам ўзига хос аломатлари бор. Улар ўттиз уч турли бўлади: ранжиш, афсусланиш, бўйсунуш, айбдорлик туйғуси, хорғинлик, сармастлик, мағрурлик, гумонланиш, ташвишланиш, хавотирга тушиш, телбалик, беҳушлик, беморлик, саросимага тушмоқ, жонсизлик, дангасалик, ҳаракатсизлик, уялиш, ҳис-туйғуларини яшириш, хотирлаш, фикрлашга мойиллик, ҳаяжонланиш, ўйчанлик, ўзгармас хотиржамлик, бахтиёрлик, кучли иштиёқ, қаттиқ ғазабланиш, димоғдорлик, ҳасад, дадиллик, бош гангиши, уйқусираш, сергак тортиш.

### Ранжиш

Агар одам таъқиқланган ишни қилишга ёки тўғри ҳаракат қилишдан бош тортишга мажбур бўлса, у ўзини айбдор ҳис қилади ва ўзини ўз шаънига доғ туширган деб ҳисоблайди. Шунда унда ўздан ранжиш туйғуси пайдо бўлади. Ана шундай ҳолатда одам жуда ташвишли кўринади, йиғлайди, юзининг ранги ўзгаради, у жуда итоаткор бўлиб қолади ва оғир-оғир нафас ола бошлайди.

Кришна илон Калияни жазолаётганида шундай ҳодиса рўй бердики, ҳамма Уни Йамунанинг заҳарланган сувига чўкиб кетди, деб ўйлади. Шунда Нанда Махараж Йашода-девиға шундай дейди: "Эй азиз хотиним, Кришна сув тагига кетди, энди гуноҳларга тўла бу тананинг ҳаётини сақлаб туришнинг мутлақо ҳожати йўк! Кел, бизлар ҳам Йамунанинг заҳарланган сувига ўзимизни ташлаймиз, шу билан қилган гуноҳларимиз учун муносиб жазо оламиз!" Бу содиқнинг қалбида ранжиш туйғусини юзага келтирган қаттиқ пушаймонликка мисол бўла олади.

Кришна Вриндаванни тарк этиб кетганида, Унинг яқин дўсти Субала ҳам у ердан кетишга қарор қилди. Вриндаванни тарк этиб, Субала, Кришнасиз Вриндаван ўзининг гўзаллигини бутунлай йўқотиб қўйди, деб ўйлади. Асал қолмаган гулларни асаларилар тарк этиб кетгани сингари, Субала ҳам энди илоҳий лаззат келтирадиган бирор нарса қолмаганини тушуниб, Вриндаванни тарк этиб кетди.

"Дана-кели-кауमुди"да Шримати Радхарани дугоналаридан бирига мурожаат қилади: "Азиз дугонажон, агар Кришнанинг шарафли кароматларини олқишлаётганларини тингламасам, Мен бутунлай қар бўлиб қолганим яхши. Мен ҳозир Уни кўра олмай турганимдан, кўзларим кўр бўлгани яхшироқ эди". Бу содиқнинг Кришнадан

айрилгани натижасида юзага келадиган ранжишга яна бир мисол.

"Хари-вамша"да Кришнанинг Дваракадаги хотинларидан бири Сатйабхаманинг эрига айтган гаплари келтирилган: "Азизим Кришна, мен Нарада Мунининг Рукминининг фазилатларини Сенга қандай таърифлаб берганини эшитдим. Тушундимки, энди мен ҳақимда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўк!" Бу - ҳасад туйғуси юзага келтирган ачинишга мисол бўлади. Уларнинг иккови - Рукмини ва Сатйабхама - Кришнанинг хотинлари эди, шунинг учун уларда бир-бирига нисбатан аёлларга табиий равишда хос бўлган ҳасад туйғуси бор эди. Шу боис, Нарада Муни Рукминини Кришнага мақтаб турганини эшитганида, Сатйабхама унга ҳасад қилиб, ранжиган эди.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(51.47) шундай дейилган: "Азизим Кришна, бошқаларнинг ҳаммаси дунёвий ҳаёт ботқоғига ботиб кетган деб мен айтолмайман, чунки ўзим ҳам ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар чангалидаман. Менинг фикру-хаёлимда ҳам фақат оила, уй-жой, хотин, бола-чақа, бойлик, ер, салтанат ташвишлари. Атрофимдаги моддий, дунёвий нарсалар мени бутун ақл-заковатимдан айирдилар, шунинг учун ўзимни бутун умрини бекорга яшаётган одамдай сезяпман". Бу афсусланиш келтириб чиқарган ранжишга мисол.

Бхарата Мунининг фикрига кўра, ранжиш салбий аломат ҳисобланади. Аммо, бошқа олимдонимандлар ранжиш туйғусини содиқда Парвардигор билан ўзаро нейтрал муносабатининг намоён бўлиши ва содиқнинг ҳимояланиш учун қилаётган жавоб туйғуси, ўзининг Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббатини сақлаб қолиш усули деб биладилар.

### Афсусланиш

Ҳаётда истаган мақсадига эриша олмаётган, ўз бурчини бажармаётган, бирор нарсдан махрум бўлган ва ўзининг айбини сезган одамни афсусланаётган одам деб айтадилар.

Қалбини пушаймонлик, афсусланиш туйғуси қамраб олган одам, ҳар хил саволлар бера бошлайди, ўйчан, қайғуга ботган бўлиб қолади, тазбатару қилади, оғир-оғир нафас олади. Унинг танасининг ранги ўзгаради, оғзи қуриб кетади.

Бир кекса содиқ Унга шундай сўзлар билан мурожаат қилган эди: "Азизим Кришна, иблис Агхининг қотили, кексайганда танам яроқсиз ҳолга келиб қолди. Гапиришим қийин, овозим титрайди, ақлим тиниқлигини йўқотди, хотирам баъзан мени алдаб қўяди. Лекин Сен, эй азиз Худойим, худди ой нурига ўхшайсан, мен ҳеч қачон Сенинг майин, меҳрибон нуринга боғланмаганимдан, шунинг учун Сени, Кришнани англашда ҳеч қандай юксалишга эришмаганимдан қаттиқ афсусланаман". Мана шу ҳаётда истаган мақсадига эриша олмаганидан пушаймон бўлишга мисол бўла олади.



Бир содиқ шундай деган эди: “Бугун мен туш кўриб чиқдим, гулчамбар ясаб, Кришнага тақдим қилиш учун боғда гул териб юрган эканман. Аммо, ҳар галгидай, омадим юришмади: бирданига уйғониб кетдим ва ниятимга етолмай қолдим!” Бу ўз бурчини бажара олмай қолгани сабабли юзага келган пушаймонликка мисол бўла олади.

Асраб олган ўғли, Кришнанинг Камса уюшти- раётган қурбонлик маросими майдонида қандай хатарли вазиятга тушиб қолганини кўриб, Нанда Махараж шундай деб хитоб қилди: “Менинг бах- тим қаро бўлди! Нимага мен Ўғлимни уйга қамаб кўймадим? Бунинг ўрнига Уни Матхурага олиб келдим, мана энди Кувалайа деган дахшатли фил Унга ҳалокатли хавф соляпти. Худди Кришнанинг Ойига Ернинг сояси тушаётгандай бўлиб туриб- ди”. Бу - тақдирнинг тақозосидан ранжиб, пушай- мон бўлишга мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(14.9) Тангри Браҳманинг айтган гаплари бор: “Эй азиз Худойим, менинг кўполлигим сира чегара билмайди! Сен - бениҳоя, азалий Худо Шахси, Олий Рухсан, энг мукамал алдамчи қувватлар Сенинг ҳукминг остида! Ҳақиқатан ҳам менинг дадиллигим чегара билмайди! Мен ўзимни етарли қудратга эга, шу боис Сенсиз ҳам яшай оламан деб ўйлаган эдим. Эвоҳ, ўзимнинг арзимас қудратим, қобилиятим билан қанчалик мағрурланиб кетибман! Худди гулхандан ажралиб чиққан учқун, гулханга ҳеч қандлай зарар етказа олмагани сингари, мен ҳам ўзимнинг арзимас қудратим билан Сенинг чексиз қудратли алдамчи қувватингга бас келолмадим. Энди мен ўзимнинг қанчалик арзимас, ҳеч нарсага яроқсиз заррача эканимни англаб етдим. Тангри Браҳманинг бу гаплари қилган ишига пушаймон бўлишга мисол бўла олади.

### Иқрор бўлиш, тақдирга тан бериш

Мусибатга тушган, қалбини кўрқув камраб ол- ган ёки ўзининг қилган ишидан қаттиқ афсуслан- ниб, пушаймон бўлаётган одамнинг ўзини ноилож, ночор сезиш туйғуси иқрор бўлиш, бўйсунуш, тақдирга тан бериш деб аталади. Ана шундай мис- кин ҳолатда одам жуда сўзамол, майда нарсаларга ҳам эътибор берадиган, ақли нопок, ташвишли ва ҳаракатсиз бўлиб қолади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(51.57) шоҳ Мучукунданинг айтган шун- дай гаплари бор: “Эй азиз Худойим, аввал қилган аҳмоқона ишларим сабабли ҳар хил мусибатлар ҳозир менинг изимдан қолмай юрибди. Менга ҳамиша ҳар хил орзу-истаклар азоб беради, аммо ҳеч қандай моддий лаззатлардан мен сира қаноат ҳосил қилмаяпман. Ҳозир Сенинг марҳаматинг билан Сенинг мусибат, кўрқув ва ажалдан ҳамиша пок бўлган нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топиб, ҳақиқий осойишталикка эришдим. Эй олий химоячи, эй олий руҳ! Эй олий Ҳукмдор! Мени

бундан кейин ҳам ҳамиша химоя қилишингни Сендан илтижо қиламан! Менинг аҳволим ҳақиқатан ҳам жуда оғир”. Мучукунданинг бу га- плари - моддий ҳаётнинг қаттиқ мусибатлари ту- файли юзага келган бўйсунушга мисол бўла олади.

Ашваттхаманинг брахмастраси Уттарага бориб текканида, у қорнидаги ҳали туғилмаган ўғли Ма- хараж Парикшитдан айрилиб қолишидан жуда кўрққан эди. У ўйлаб ўтирмасдан ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириб, Унга илтижо қила бошлади: “Эй азиз Худойим, илтимос, агар менинг ўзим Ашваттхаманинг брахмастрасидан ўлиб кет- сам ҳам, менинг ўғлимни қутқариб ол!” Кўрқинч туфайли юзага келган иқрорлик мана шундай бўлади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(14.10) Тангри Браҳма шундай дейди: "Эй бегуноҳ Зот! Эҳтирос гунасида туғилганим сабабли, мен бу моддий оламни яратганимдан мағрурланиб кетдим. Мағрурлигим худди тун ка- би менинг кўзларимни ўраб олиб, мени ҳеч нарса- ни кўролмайдиган қилиб қўйди. Кўзларим кўрлиги сабабли мен ўзимни Сен билан, яъни Худонинг Олий Шахси билан беллашишга қодир деб ўйлабман. Аммо, эй азиз Худойим, гарчи мени бу коинотнинг яратувчиси деб ҳисобласалар ҳам, ас- лида мен Сенинг содиқ хизматкорингман. Шунинг учун, менга раҳм қил, буларнинг ҳаммаси учун мени кечир!" Тангри Браҳманинг бу сўзлари қилган ишларидан пушаймонлик туфайли юзага келган иқрорликка мисол бўла олади.

Баъзида иқрорлик туйғуси уялиш сабабли ҳам юзага келади. Масалан, гопилар дарёда чўмилиб юрган пайтда, Кришна уларнинг кийимларини ўғирлаганида, улар раҳм қилишини сўраб Криш- нага ялина бошладилар. Улар Кришнага шундай дедилар: “Азизим Кришна, Сен - Нанда Махараж- нинг ўғли ва бутун Вриндаван аҳолисининг се- вимли эркатойи эканингни бизлар яхши биламиз. Бизлар ҳам Сени жуда севамиз! Нимага ҳозир Сен бизларни бунчалик қийнаяпсан? Илтимос, кийим- ларимизни қайтариб бер! Қара, бизлар совуқдан қанчалик титраб турибмиз!” Бу ҳолат гопиларнинг Кришна олдида яланғоқ турганидан уялганлари- дан юзага келган иқрорликка мисол бўлади.

### Ўзини айбдор сезиш туйғуси

Одам қилиб кўйган бирор ножўя иши учун ўзини койиши ўзини айбдор сезиши деб аталади.

Бир куни Шримати Радхарани Кришна учун қаттиқ суюлтираётган эди. Билагидаги қимматбаҳо тошлар билан безанган билагузуги айланиб турар, Унинг Ўзи эса Кришнанинг муқаддас номларини куйлар эди. Бирдан Унинг хаёлига шундай фикр келди: “Мен Кришнанинг муқаддас номини куй- лаяпман, уйдаги катталар - қайнонам ва қайнсинглим Менинг овозимни эшитиб қолишлари мумкин-ку!” Ақлига келган бу фикр- дан у қаттиқ уялиб, ўзидан ранжиб кетди. Бу -

Кришнага садоқат туфайли юзага келган ўзини айбдор сезиш туйғусидир.

Бир куни кўзлари чиройли Шримати Радхарани Кришнага гулчамбар яшаш учун гуллар териш ниятида ўрмонга борди. Гул териб юриб, У бошқалар Унинг қилаётган ишларини билиб қолишидан жуда кўрқиб кетди ва бирдан жуда чарчагандай бўлиб, Ўзида ожизлик ҳис қилди. Бу - содиқнинг Кришна учун қилаётган иши туфайли юзага келган айбдорлик туйғусидир.

“Раса-судхакара”нинг бир жойида айтилганки, тунни Кришна билан бирга ўтказгандан кейин, Шримати Радхарани Ўзини шунчалик чарчаган ҳис қилдики, ҳатто ўрнидан ҳам туролмай қолди. Кришна Унинг кўлидан ушлаб, ўрнидан туришга ёрдам берганида эса, тунни Кришна билан ўтказгани учун Шримати Радхарани Ўзини жуда айбдор ҳис қилди.

## Ҳорғинлик

Одам узоқ йўл юргандан кейин, узоқ вақт рақс тушгандан кейин ёки жинсий алоқадан кейин ҳорғинлик сезади. Ҳорғинлик пайтида одатда одамнинг боши айланади, терлайди ва эснай бошлайди. Бундай пайтда одам оғир-оғир нафас олади, танасини кўзгатгиси келмайди.

Бир куни Йашода, Кришнадан жаҳли чиқиб, Уни ҳовли бўйлаб қувлай бошлади. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин у жуда чарчаб, терга пишиб кетди, турмаклаб қўйилган сочлари тўзғиб кетди. Бу кўп ҳаракат қилиш туфайли чарчашга мисол бўлади.

Баъзан Кришнанинг ёш подачи дўстлари, ҳар хил байрамларда Балорама билан бирга рақсга тушардилар. Шунда уларнинг бўйнидаги гулчамбарлар ҳилпираб кетар, ўзлари қаттиқ терга ботардилар. Жазавали рақс туфайли уларнинг таналари жикқа хўл бўларди. Бу рақсга тушиш туфайли чарчашга мисол бўлади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(32.20) ҳикоя қилинишича, баъзан Кришна билан бўлиб ўтган ишқий ўйинлар - рақс, бўса ва кучоқлашлардан кейин, гопилар қаттиқ чарчаганлар. Шунда Кришна уларга чексиз марҳамат кўрсатиб, Ўзининг нилуфар қўллари билан уларнинг юзларидаги терларни артган. Бу раса-рақси туфайли чарчашга мисол.

## Сармастлик

Маст қилувчи ичимлик ичганида ёки эҳтироси ҳаддан ташқари кучайганида одам ўз-ўзидан кайфияти кўтарилиб, димоғдор бўлиб кетади, товуши ўзгариб, кўзлари шишади, танаси қизғиш тусга киради. “Лалита-мадхава”да асалдан сармаст бўлган Балорамнинг чумолиларга айтган гаплари келтирилган: “Эй чумолиларнинг шоҳлари! Нимага сизлар ўз инларингизга яшириниб олдинглар?” Кейин У осмон шоҳига мурожаат қилди: “Эй шоҳ

Индра! Сен - Шачининг қўлидаги бир ўйинчоқсан! Нимага сен гулдурос билан шовқин соляпсан? Мен бутун коинотни парчалаб юборишга тайёрман. Бунинг учун Кришнанинг Мендан сира жаҳли чиқмаслигига ишончим комил”. Кейин У Кришнага мурожаат қилди: “Азизим Кришна, тезроқ Менга айтчи, нимага бутун олам чайқалиб турибди, ой нимага чўзинчоқ бўлиб қолган? Сизлар, ядавазодалар, нимага Менинг устимдан хоҳолаб куляп-сизлар? Асал ва кадамба гулларида ишланган майни Менга беринглар!” Шрила Рупа Госвами илтижо қилиб тилайдики, Парвардигор Балорама сармаст бўлиб бу гапларни айтаётганида биздан Ўз марҳаматини аямасин.

Сармаст бўлган Балорам чарчоқ сезиб, дам олишга ётди. Одатда улуғвор одамлар сармаст бўлганида ётиб ухлайдилар, ўзртамиёна одамлар сармаст бўлганида хоҳолаб кулиб, қўшиқ айта бошлайдилар, пасткаш одамлар эса, маст бўлганида бировларни ҳақоратлаб, баъзида йиғлай бошлайдилар. Ҳар хил ёшдаги ва ҳар хил характерли одамларда сармастлик турлича намоён бўлади. Шрила Рупа Госвами бу масалаларни батафсил таърифлашга зарурат йўқ деб ҳисоблайди.

Кришнани кўрганида Шримати Радхаранида намоён бўлган сармастликни кўрсатувчи яна бир мисол бор. У шунда гоҳ у ёқдан бу ёққа юрар, гоҳ кулар, гоҳ юзларини бекитиб олар, баъзан эса нималарнидир Ўзича гапирар ёки гопи дугоналарига ялина бошларди. Шримати Радхаранида бу аломатларни кўрган гопилар ўзаро шундай шивирлаша бошлардилар: “Қара, Кришнага бир марта кўзи тушиши биланок Шримати Радхарани қандай сармаст бўлиб қолди!” Мана шу сармастликда намоён бўладиган жазавали муҳаббатга мисол.

## Мағрурлик

Катта бойликка эга бўлган, ўзи жуда чиройли, ҳашаматли уйи бор бўлган ёки улуғвор мақсадга етган одамда Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат мағрурлик кўринишида намоён бўлиши мумкин. Бошқаларнинг ўзига нисбатан менсимасдан қараётганига эътибор бермайдиган одамни ҳам мағрур одам деб ҳисоблайдилар.

Билвамангала Тхакур шундай дейди: "О Кришна, Сен куч билан менинг кучоғимни тарк этиб кетяпсан. Аммо, агар Сен шундай куч билан менинг қалбимдан ҳам чиқиб кетиш қўлингдан келсагина мени ҳайратга сола оласан!" Бу Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг мағрурлик кўринишида намоён бўлишидир.

Бир куни раса рақси пайтида, Шримати Радхарани бирдан ғойиб бўлиб, Кришна Уни излагани кетганида, Шримати Радхаранининг яқин дугоналаридан бири Кришнага мурожаат қилди: “Азизим Кришна, Сен бизнинг Шримати Радхаранининг танасига шунчалик ихлос билан хизмат қилсанки, ҳозир Уни излаб топиш учун бошқа гопиларни ташлаб кетяпсан. Сендан сўрасам бўладими,

Унинг Сенга қандай муносабатда бўлишини истасан бўлардинг?” Бу - ғайритабиий гўзаллик туфайли мағрурликка мисол.

Баъзан Ўзидан мағрурланиб, Шримати Радхарани шундай дерди: “Подачи болалар Кришна учун гуллардан чиройли гулчамбарлар ясайдилар, аммо, Мен Унга Ўзим гулчамбар таклиф этганимда, У ҳайратдан қотиб қолади, уни қўлига олиб, дарров бўйнига тақиб олади ва бағрига қаттиқ болади”.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(2.33) Тангри Брахма ҳам шунга ўхшаш гапларни айтади: “О Мадхусудана, Сенинг соф содиқларинг ҳақиқатан ҳам Сенинг жазавали лаззат келтирадиган дўстлигингни ҳис қиладилар, шунинг учун уларни ҳеч қандай душман мағлуб қила олмайди. Сен уларни ҳамиша ҳимоя қилиб юришингни улар яхши биладилар, шунинг учун улар ўзларининг душманларига мутлақо эътибор бермасдан, уларнинг бошларига оёқ қўйиб юраврадидилар”. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган одам ўзининг барча душманларини мағлуб қила олишидан ҳамиша мағрурланиб юради.

Матхураллик бир тўқувчи Кришнага шундай сўзлар билан мурожаат қилган эди: “Эй Вриндаван шоҳи, Сен менга кўрсатган бесабаб марҳаматингдан мен шунчалик мағрурланаманки, ҳатто буюк донишмандлар муроқабани қилиб интилаётган Ваикунтҳадаги Парвардигорнинг марҳаматини ҳам истамайман”. Бошқача қилиб айтганда, йоглар ва буюк донишмандлар Ваикунтҳадаги Парвардигор Вишнуга муроқабани қиладилар, Кришнанинг содиқлари эса, мағрурлигидан бундай муроқабанинг ҳеч қандай маъноси йўқ деб ҳисоблайдилар. Бу - ҳаётда энг олий мақсадга - Кришнага эришган зотларнинг мағрурлигидир.

## Гумонланиш

Кришнадан барча бузоқларни, сигирларни ва подачи-болаларни ўғирлаб, Тангри Брахма кетишга ҳозирланди, аммо бирдан у гумонсираб, атрофга ўзининг саккиз кўзи билан аланглай бошлади. Бу - ўғирлик туфайли юзага келадиган гумонсирашга мисол.

Худди шундай, Акрура ҳам, фақат Кришнани мамнун қилиш учун Сйамантака-мани, чексиз олтин ишлаб чиқаришга кодир бўлган сеҳрли тошни ўғирлади, лекин, ўзининг бу қилмишидан қаттиқ афсусланди. Бу - ўғирлик туфайли юзага келадиган, Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг гумонсираш кўринишида намоён бўлишига мисол.

Осмон шоҳи Индра Ваджага кучли жала куйдирганида, унга ўз ихтиёрини Кришнага топширишни маслаҳат бердилар. Бу гапни эшитиб, Индранинг юзи ҳар хил гумон ва шубҳалар таъсирдан сўниб кетди.

## Хавотирланиш

Баъзан, осмонда яшин чакнаганини, қандайдир йирткич ҳайвонни кўрганида ёки қаттиқ чинкирик овозини эшитганида одам ташвишга тушади. Ана шундай ҳолат беҳаловатлик, хавотирланиш деб аталади. Хавотирга тушган одам хавф-хатарсиз, ишончли пана жой топишга ҳаракат қилади. Бундай пайтда унинг вужуди титраб, танасидаги туклари ҳурпайиб кетади. У ҳар хил хатоликка йўл қўйиши, баъзи ҳолларда эса, унинг танаси қарахт бўлиб қолиши мумкин.

“Падйавали”да шундай дейилган: “Азиз дугонажон, ҳозир Кришна Матхурада, иблислар шоҳи Камсанинг қўл остидаги иблислар куршовида яшайди, бу хол мени қаттиқ ташвишга соляпти”. Мана шу - Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатнинг Ундан хавотирланиш кўринишида намоён бўлишидир.

Вришасура ҳўкиз қиёфасида Вриндаванда пайдо бўлганида, гопилар жуда кўрқиб кетдилар. Ҳаяжонга тушиб, улар тамала дарахтини кучоқлаб олдилар. Бу - даҳшатли ҳайвонни кўриш туфайли юзага келадиган кўрқув, бунда содиқ ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб, Унга нисбатан жазавали муҳаббат туйғуси остида, ўзига паноҳ жой ахтаради. Вриндаван ўрмонидан чиябўриларнинг увиллаган овозини эшитиб, уларнинг Кришнага ташланишидан кўрқиб, Йашода она Кришнани кўздан йўқотмасликка ҳаракат қиларди. Бу - қаттиқ овозларни эшитиш туфайли юзага келадиган, Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг кўрқув кўринишида намоён бўлишига мисол. Бундай хавотир оддий, ҳақиқий кўрқувдан фарқ қилади. Ҳақиқатан ҳам кўрққан одам, ўтмишни, келажакни ўйлаш қобилятини сақлаб қолади, аммо, жазавали муҳаббат таъсиридаги хавотирда ундай ўйларга умуман ўрин қолмайди.

## Қаттиқ хавотирга тушиш

Ўзига жуда азиз бўлган бирор нарса, жуда жирканч бўлган бирор одам, ёнғин, қаттиқ шамол, кучли жала, табиий офат, баҳайбат фил ёки душман билан учрашиши одамни хавотирга солиши мумкин. Ўзи учун азиз бўлган одамни учратганда юзага келадиган хавотирланиш пайтида одам, одатда жуда ширин, мулойим гапиради. Жуда жирканч нарсага дуч келганида эса у қаттиқ қичкиради. Ёнғин сабабли хавотирга тушган одам одатда қочишга ҳаракат қилади. Бунда унинг бутун вужудини титроқ босиши ёки кўзларини юмиб олиши ва йиғлаши мумкин. Кучли шамол сабабли хавотирга тушган одам тезроқ қочишга ҳаракат қилади, кўзларини уқалайди. Кучли жала таъсирида хавотирга тушган одам пана жойга тикилади, бутун вужуди таранглашади. Табиий офатга дуч келган одамнинг юзи оқаради, у ҳайратга тушиб, турган жойида қотиб қолади, бутун вужуди титрай бошлайди. Баҳайбат филга дуч келганда ташвишга

тушган одам дарров четга қочиб, ҳар хил кўркув аломатларини намоён эта бошлайди, баъзан ҳар тарафга аланглай бошлайди. Душман билан юзма-юз бўлиб, хавотирга тушган одам ҳалокатли курул излай бошлайди ёки қочишга ҳаракат қилади.

Бир куни Кришна Вриндаван ўрмонидан қайтиб келаётган эди, Йашода она ўғлини кўриб, шунчалик ҳаяжонланиб кетдики, унинг кўкрагидан ўз-ўзидан сут оқиб кетди. Бу - ўзига азиз одамни учратишдан ҳаяжонга тушишга мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(23.18) Шукрадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шох, брахманларнинг хотинлари Кришнани шарафлаб куйлашга жуда боғланиб қолган эдилар ва ҳамиша Уни кўришни орзу қилиб юрардилар. Шунинг учун, улар Кришна шу яқин атрофда эканини эшитган заҳоти, уларнинг қалбида тезроқ Уни кўриш истаги жўш урди ва улар ҳеч ўйланиб ўтирмасдан уйлари ташлаб чиқдилар". Бу - ўзи учун жуда азиз бўлган одамни учратганда юзага келадиган ҳаяжонга мисол.

Кришнанинг кўлидан ҳалок бўлган иблис аёл Путаана ерга кулаганида, Йашода она ҳайратдан қотиб қолди ва ҳайратдан кичкириб юборди: "Войдод, бу нима? Бу қандай нарса?" Суюкли ўғли, Кришна иблиснинг мурдаси устида ўйнаб ўтирганини кўриб, Йашода ташвишга тушиб, уёқдан бу ёққа юра бошлади. Бу - одамнинг бирор жирканч нарсага кўзи тушганида юзага келадиган хавотирга мисол.

Кришна *аржун* дарахтларини томири билан кўпориб ташлаганида, уларнинг гурсиллаб ерга йиқилганини кўрганида Йашода она шундай қаттиқ ҳаяжонланиб кетдики, у нима қиларини билмай, осмонга кўз тикканича қотиб қолди. Бу - қаттиқ товуш таъсиридан юзага келадиган хавотирланишга мисол.

Вриндаванда ўрмонга ёнғин кетганида, барча подачилар бир жойга тўпланиб, қаттиқ ҳаяжон ичида қутқаришни тилаб Кришнага илтижо қила бошладилар. Бу - ёнғин сабабли ҳаяжонга тушишга мисол.

Бир куни Тринаварта деган иблис-қуюн, Кришнани ердан кўтариб олиб, бир неча катта дарахтлар билан бирга Уни осмонда бир неча марта айлантирди. Шунда Йашода она ҳеч қаерда ўғлини топа олмай, шунчалик хавотирга тушдики, у ёқдан бу ёққа бетиним юра бошлади. Бу - қаттиқ шамол туфайли юзага келадиган хавотирланишга мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(25.11) Индранинг Вриндаванга кучли жала кўйдиргани таърифланган. Шамол ва совуқдан барча сигир ва подачилар шундай хавотирга тушдиларки, улар ҳаммаси бир жойга тўпланиб, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ излай бошладилар. Қаттиқ жала туфайли юзага келадиган хавотир шундай бўлади.

Бир куни Кришна Вриндаванда, ўрмонда юрарди, қаттиқ дўл ёға бошлади, ёши катта одамлар Унга: "Кришна, шу ерда кўзгалмай тур! Бундай пайтда ҳатто Сендан ёши анча катта ва Сендан анча кучли одамлар ҳам ўрнидан кўзгала олмайдилар, Сен бўлсанг, ҳали кичкина боласан. Илтимос, ўрнингдан кўзгалмай тур!" Бу - кучли дўл туфайли юзага келган хавотирланишга мисол.

Кришна Йамунанинг заҳарланган сувларида илон Калийани жазолаётганида, қаттиқ ҳаяжонга тушган Йашода она шундай деб хитоб қилган эди: "Қаранглар, худди Ер титраётгандай бўляпти! Худди менинг оёқларим остидаги ер ҳам титраётгандай бўляпти, осмон ҳам худди кўз ёши тўқаётгандай! Менинг азиз ўғлим Йамунанинг заҳарланган сувларига кўмилиб кетди. Энди мен нима қиламан?" Бу - табиий офат туфайли хавотирга тушишга мисол.

Камса курдирган курбонлик маросими майдонида Кришнага катта-катта филлар ҳамла қилганида, шу ердаги аёлларнинг барчаси бири-бирига йўл бермай кичкира бошладилар: "Эй азиз болакай, илтимос, тезроқ бу ердан қоч! Қоч! Сени янчиб ташлашга келаётган филларни кўрмайсанми? Сен уларга шунчалик ишониб, мулойим қараб турибсанки, бундан бизлар қаттиқ хавотирга тушиб кетяпмиз". Бунга жавобан Кришна онаси Йашодага юзланиб шундай деди: "Онажон, бу аёлларнинг кўзларини ачитиб қўядиган чанг-тўзон кўтариб, бу ерга шиддат билан келаётган филлар ва отларни кўриб ташвишга тушма. Агар иблис Кешининг ўзи олдимда пайдо бўлса ҳам, Мени кўрқита олмаган бўларди. Менинг билагимда ҳали ҳар бир ишда ғалаба қилишимни таъминлайдиган қудратли куч етарли. Шунинг учун илтимос, ҳеч нарсадан хавотирланма!"

"Лалита-мадхава"да Йашоданинг дугонаси унга шундай дейди: "Худди тоғдай катта ва қудратли иблис - Шанкхачуда сенинг Купидонга ўхшаган чиройли ўғлингга ҳамла қилганида, Вриндаванда Унга ёрдам беришга келадиган ҳеч ким йўқ эди. Фақат бир мўъжиза туфайлигина сенинг жажжи ўғлинг шу иблисни ўлдирди. Сен аввалги ҳаётларингга жуда кўп риёзатлар чеккан бўлсанг керак, шунинг учун сенинг ўғлингни Худо саклаб қолди".

Ўша "Лалита-мадхава"да қандай қилиб Кришна Рукминини ўғирлагани ёзилган. Рукмини кўлдан кетганидан кейин шу ерга тўпланган барча шахзодалар бу воқеани ўзаро муҳокама қила бошладилар: "Бизларнинг филларимиз, отларимиз, жанг-араваларимиз, пайкон ва камонларимиз, қиличларимиз ёнимизда, бизнинг Кришнадан кўрқадиган жойимиз йўқ! Келинг Унга ҳужум қиламиз! У шунчаки бир ўйинқароқ подачи-болакай! Шоҳларнинг қизларини ўғирлаб кетишга Унинг нима ҳаққи бор? Юринглар, Унга ҳужум қиламиз!" Бу - душман олдида ҳаяжонланишга мисол.

Шрила Рупа Госвами юқоридаги мисоллар билан исботламоқчи бўляптики, Худонинг Олий Шахси, Кришна билан бўлган ўзаро муносабатларда имперсонализмга умуман ўрин йўқ. Рухнинг Парвардигор Кришна билан ўзаро муносабатлари бутунлай шахсий муносабатлардир ва улар ҳар хил фаолиятларда намоён бўлади.

## Телбалик

Ўзининг асарида Шрила Билвамангала Тхакур Кришнага шундай илтижо билан мурожаат қилади: "Шримати Радхарани бутун оламни поклашга кодир, чунки У Ўзини бутунлай Кришнага топширган. Кришнага нисбатан бўлган жазавали муҳаббати таъсирида У баъзан телбалардек ҳаракат қиларди. Бир куни у қатик чайман деб, анча вақтгача бўш кўзани "чайиб" турган. Бунни кўриб, Кришна Шримати Радхаранига шунчалик маҳлиё бўлиб қолдики, нима қилаётганини Ўзи ҳам тушунмай, сигир соғиш учун хўкизнинг олдида юрарди". Булар - Шримати Радхарани ҳамда Кришнанинг муҳаббат тўла ишқий муносабатлари билан боғлиқ бўлган телбаликларнинг баъзи кўринишларидир. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Кришна Йамунанинг заҳарланган сувларига кирганида, Шримати Радхарани ақлдан озиб, телба бўлиб қолган эди. Доривор гиёҳлар излаш ўрнига У илонларни дуо билан сеҳрлаб кўядиган табиблар деб ўйлаб, дарахтларга мурожаат қила бошлади. Қўлларини ковуштирган ҳолда, У уларга ялина бошлади: "Қайси доривор гиёҳ заҳарланган сув ичиб қўйган Кришнани кутқара олади?" Бу - катта хавф туфайли юзага келган телбаликка мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшигида(30.4), Вриндаван ўрмонларида Кришнани излаган гопилар ҳақидаги ҳикояда, жазавали муҳаббат таъсирида содикнинг телбалардай бўлиб қолгани таърифланган. Гопилар Кришнани излаб, бир ўрмондан иккинчи ўрмонга ўтиб, Унинг шуҳратини баланд овозда шарафлаб қуйлардилар. Улар билардиларки, ҳамма жойга сингиб кетган Парвардигор Кришна бир жойда туриши мумкин эмас: У - осмонда, У - сувда, У - ҳавода, У - ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рух. Шунинг учун гопилар Худонинг Олий Шахсини сўраб, барча дарахт ва ўсимликларга мурожаат қилдилар. Бу - содикларда намоён бўладиган жазавали муҳаббат телбалигидир.

Шунингдек, шастраларда жазавали муҳаббат туфайли юзага келадиган бошқа касалликлар ҳам таърифланган. Бу мавзуларни яхши тушунадиган донишманд олимлар бундай ҳолатларни *махабхава* деб атайдилар. Бундай улуғвор ҳолатнинг яна бир номи *дивйонмада* - илоҳий телбалик.

## Беҳушлик

Кришна Вриндавандан кетиб, Матхурага жойлашиб олганида Шримати Радхарани Унга хат

ёзиб, хабар берган эдики, Унинг онаси, Ваджа маликаси, У билан айрилиқ дардида шунчалик изтироб чекаптики, худди океан қирғоғида сув юзидаги кўпикларга ўхшаб, унинг оғзидан ҳам кўпик чиқяпти. Баъзан у худди океан тўлқинлари сингари, қўлларини осмонга кўтаради. Айрилиқ доғида кўйиб, баъзида у ерга юмалайди, баъзида шамолсиз кундаги денгизга ўхшаб тиниб қолади. Кришна билан айрилиқнинг бундай аломатлари *анама-ра* деб аталади. Жазавали муҳаббатнинг ана шундай аломатларини намоён этиб, содик нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, беҳуш бўлиб қолади.

Яна бир гал Кришнага бошқа бир хат олиб келдилар. Унда айтилган эдики, У Камсани ўлдиргандан кейин, иблислардан бири, Камсанинг яқин дўсти ақлдан озиб қолган. Унинг оғзидан кўпик чиқиб, қўлларини ҳар томонга айлантириб, ерда юмаларди. Ҳиссиётларнинг бундай иблисона намоён бўлиши - Кришна билан ўзаро даҳшат расасида бўладиган муносабатнинг таркибий қисмидир. Кришна билан бўладиган муносабатларнинг биринчи беш турини - бевосита муносабатлар деб айтадилар, қолган етти тури эса, билвосита муносабатлар деб аталади. Ҳар ҳолда бу иблис Кришна билан қандайдир муносабатда бўлиши керак эди, чунки, бундай аломатлар унда Кришна Камсани ўлдирди деб эшитгандан кейин намоён бўлди. Шрила Рупа Госвами таъкидлаб айтадики, ана шундай аломатларда ҳам илоҳий улуғворлик мавжуд.

## Беморлик

Кришна Вриндаванни ташлаб, Матхурада яшай бошлаганида дўстлари унга шундай хабар бердилар: "Азизим Кришна, Сендан айрилиш Ваджа аҳолисини шундай қийноққа солиб қўйдики, уларнинг ҳаммаси бемор бўлиб қолдилар. Уларнинг танаси ўт бўлиб ёняпти. Улар ўрнидан кўзғалишга мажоли етмай, ерда ётган ҳолида оғир-оғир нафас оляптилар".

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшигида(12.44) Махараж Парикшит Парвардигор Ананта ҳақида савол берди. Шукадева Госвами унинг саволини эшитганида, унда (қоллапс)беҳушлик аломатлари пайдо бўлди, лекин у ўзини қўлга олиб, Махараж Парикшитнинг саволига паст овозда жавоб бера бошлади. Беҳушлик ҳолати - жазавали лаззат туфайли юзага келадиган ўзига хос ҳиссий ҳолатдир.

"Шримад Бхагаватам"нинг бошқа жойида Ваджа қизлари ёшлиқда ўйин ўтказиб юрган пайтларидан сўнг, орадан бир неча йил ўтиб кетгандан кейин, муқаддас саждагоҳ Курукшетрада Кришна билан яна учрашганлари таърифланган. Кришна билан юзма-юз учрашганда, гопиларнинг ҳаммаси, ўша пайтда юз берган куёш тугилишидан қарахт бўлиб, турган жойларида қотиб қолдилар. Уларнинг киприклари ҳаракатдан,

ўзлари эса нафас олишдан тўхтаган, бутун вужудлари ҳар қандай фаолиятни тарк этган эди. Улар Кришнанинг олдида худди ҳайкалдай қотиб турардилар. Бу - илоҳий лаззатнинг чексизлигидан юзага келадиган беморлик ҳолатининг яна бир кўриниши.

## Ўттизинчи боб.

Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатнинг кўринишлари.

### Саросимага тушмоқ

“Хамсадута”да шундай дейилган: “Бир куни, Кришна билан айрилиқ дардига чалинган Шримати Радхарани дугоналари билан бирга Йамунанинг қирғоғига йўл олдилар. У ерда Шримати Радхарани бир пайтлар Кришна билан бирга жуда кўп ишқий ўйинлари ўтган чайлани кўриб қолди. Шу пайтлар эсига тушиб, Унинг боши айланиб, саросимага тушиб қолди. У Ўзининг бу ҳолатини яшира олмасди”. Бу - ҳижрон азоби туфайли юзага келадиган саросимага мисол.

Кўркув туфайли юзага келадиган саросиманинг таърифи бор. Бунинг аломатлари жанг майдонида Кришнанинг фазовий киефасини кўрганида Аржунда намоён бўлган. Шунда Аржун шу қадар саросимага тушган эдики, унинг камони ва пайконлари қўлидан тушиб кетган, ўзи теварак-атрофни бутунлай кўрмай қолган эди.

### Жонсизлик

Бир куни иблис Бакасура катта баҳайбат лайлак киефасига кирди ва Кришнани ҳамда барча подачи болаларни ютиб юбориш учун оғзини катта очиб йўлда турди. Кришнанинг иблис оғзига кириб кетганини кўриб, Балорам ва бошқа подачи болалар хушларидан кетиб қолдилар, уларнинг танасида тириклик аломатлари деярли йўқдай эди. Ҳатто энг дахшатли вазиятга тушиб қолган ёки кутилмаганда рўй берган ҳодисага дуч келган содиқлар ҳам ҳатто бир дақиқа ҳам Кришнани унутмайдилар. Улар ҳатто ҳаётларига жуда катта хавф таҳдид солиб турганда ҳам Кришнани эслайдилар. Кришнани англаш, Кришна онгида бўлиб яшаш усулининг афзаллиги ҳам шунда: ҳатто тананинг барча аъзолари ўз вазифасини бажармай кўйиб, ажали етганида ҳам қалбининг энг чуқурида, онгининг тўрида содиқ Кришнани эслаб қолишга қодир бўлади. Мана шу қобилияти уни моддий оламда қайта туғилиш хавфидан халос этади. Кришна онгида юриш, Кришнани англаш билан содиқ дарров моддий оламдан руҳий оламга кўтарилади.

Матхура аҳолисининг ўлиши бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин: “Бу одамларнинг нафас олишлари тезлашди, кўзлари катта-катта очилди, таналарининг ранги ўзгарди ва улар Кришнанинг

муқаддас номини зикр қила бошладилар. Шундай ҳолатда улар ўзларининг моддий таналарини тарк этиб кетдилар”. Ҳақиқий содиқнинг ажали етганда намоён бўладиган белгилар ана шундан иборат.

### Дангасалик

Ўзига бино қўйган ёки оғир иш қилишни ёқтирмайдиган киши етарлича куч-қувватга эга бўла туриб, ўз бурчини бажаришдан юз ўгирса, ундай одамни дангаса одам деб атайдилар. Дангасалик ҳолати Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат аломати бўлиб ҳам намоён бўлиши мумкин. Масалан, Нанда Махараж бир неча браҳмандан Говардхана тоғини айланиб ўтишни илтимос қилганида, улар унга “бизларга Говардхана тоғини айлангандан кўра одамларни дуои-фотиҳа қилиш кўпроқ ёқади” деб жавоб бердилар. Бу - ўзига бино қўйганлик туфайли юзага келган дангасалик мисолидир.

Бир куни, Кришна ва Унинг подачи-дўстлари ҳазилакам жанг уюштирганларида, Субала жуда чарчаб қола бошлади. Буни сезган Кришна Ўзининг бошқа дўстларига қараб шундай деди: “Субала Мен билан курашишдан жуда чарчади, шунинг учун жангда қатнашишини илтимос қилиб унинг жонига тегаверманглар!” Бу оғир иш қилишни истамаслик туфайли юзага келган дангасалиқдир.

### Ҳаракатсизлик

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(21.13) гопилар Вриндавандаги сигирларнинг қарахт бўлиб қолганини кўриб ҳайратга тушгани таърифланган. Сигирлар Кришнанинг най овозларини қандай тинглаб турганини гопилар кўриб қолдилар. Улар бу илоҳий товушларнинг шарбатини ичаётгандай туюларди. Она сигирларнинг елинида ўзларини кутиб турган сутни ҳам унутиб, ҳатто бузоқлар ҳам турган жойида қотиб қолган эдилар. Улар гўё ёш тўла кўзлари билан Кришнани кучоқлаб, бағрига босаётгандай туюларди. Бу - Кришнанинг найининг илоҳий товушлари туфайли юзага келган ҳаракатсизликдир.

Кришнага айтилаётган ҳақоратли гапларни эшитиб, Лакшмана шундай кучли ҳаяжонланиб кетдики, турган жойида қотиб қолди, унинг ҳатто киприклари ҳам кўзғалмасди. Бу - эшитилган гаплар туфайли ҳаракатсизликка яна бир мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(71.39) ўзининг уйида Кришнани чуқур ҳурмат-эътибор билан кутиб олган шоҳ Юдхиштхираининг ўзини йўқотиб қўйгани тасвирланган. Кришнанинг уйига кириб келиши шоҳ учун шунчалик илоҳий лаззат олиб келардики, у бутунлай ўзини йўқотиб, нима қиларини билмай қоларди.

Аслида, шоҳ Юдхитхира Кришнани ўзида йўқ хурсанд бўлиб кутиб оларди. Бу - Кришнани кўриш туфайли юзага келадиган ҳаракатсизлик мисолидир.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(39.36) шунга ўхшаш яна бир мисол бор. Кришна Матхурага кетаётганида барча гопилар унинг орқасида тўпланиб турардилар. Унинг жанг араваси юриб кетганини кўриб, улар ўринларидан кўзғалишга ҳам мажоли етмай, турган жойида қотиб қолдилар. Улар то араванинг устида хилпираб турган байроқ, арава кўтарган чанг кўзга кўринмай қолгунча шу аҳволда туравердилар.

Кришнанинг дўстларидан бири бир куни Унга шундай деган эди: "Азизим Муқунда, Сендан айрилиш азобига учраган подачи-болалар худди сохта браҳманларнинг уйларидаги қаровсиз Илоҳларга ўхшаб, бир жойда қотиб турибдилар". Илоҳларга сиғиниш билан тирикчилик қиладиган сохта браҳманлар табақаси бор. Шундай браҳманларни аслида Илоҳлар эмас, ўзини бошқаларга авлиё одам деб кўрсатишдан тушадиган пул қизиқтиради. Шунинг учун, шундай сохта браҳманлар ҳеч қачон ўзлари сиғинаётган Илоҳларни ихлос билан кийинтирмайдилар, ювинтирмайдилар. Шу сабабли уларнинг Илоҳлари кўримсиз ва одамни ўзига жалб этмайдиган ҳолда бўлади. Аслида Илоҳлар ўзларига катта эътибор талаб қиладилар: ҳар куни Уларнинг кийимларини алмаштириш, имкони борича уларни безаш лозим. Илоҳлар чиройли кўриниб, одамларни ўзига жалб қилиши учун ҳамма жой чиннидай тоза бўлиши керак. Сохта браҳманларнинг уйида ўрнатилган Илоҳларнинг бу ерда эслатиб ўтилганининг боиси шундаки, улар жуда ачинарли, қаровсиз аҳволда турадилар. Кришнанинг дўстлари ҳам, Ундан айрилиб, ана шундай қаровсиз Илоҳларга ўхшаб қолган эдилар.

### Уялиш

Биринчи марта Шримати Радхаранини Кришнага кўрсатганларида У жуда уялган эди. Буни кўриб, Унинг дугоналаридан бири Унга шундай деган эди: "Азиз дугонажон, Сен аллақачон ўзингни ва ўзингнинг гўзаллигингни Говиндага сотиб қўйдинг. Энди уялишдан нима фойда? Унга қувонч билан қара! Филни сотган одам филни ҳайдаб юрадиган кичкина қамчи(санчқи) устида тортишиб ўтирмайди". Бу - Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг биринчи танишув туфайли туфайли юзага келадиган уялиш кўринишида намоён бўлишидир.

Жаннат шоҳи Индра, *париджата* гули устида тортишиб, Кришнадан мағлуб бўлгандан кейин, жуда уялиб, Кришнанинг олдида бошини эгиб турарди. Шунда Кришна унга шундай деди: "Майли, Индра, *париджата* гулини олиб кета қол. Акс ҳолда сен хотининг Шачидевининг кўзига кўрина олмайсан". Индранинг уялишига унинг

мағлубияти сабаб бўлган эди. Яна бир гал, Кришна Уддхаванинг ажойиб сифатларини олқишлай бошлаганида, Унинг мактовларидан уялиб, Уддхва ҳам бошини эгган эди.

"Хари-вамша"да Рукминини кўкларга кўтариб мактагани туфайли Сатйабхама ўзини уялган қилиб кўрсатгани тасвирланган: "Азизим Кришна, Райватака тоғи ҳамиша баҳор гулларига кўмилган, аммо, агар Сен учун суюкли хотин бўлмай қолган бўлсам, менга уларнинг энди нима кераги бор?" бу - мағлубият туфайли юзага келган уялишга яна бир мисол.

### Ҳис-туйғуларини яшириш

Кришнага бўлган жазавали муҳаббат ўзининг ҳис туйғуларини яшириш кўринишида, яъни ўзининг ҳақиқий руҳий ҳолатини яшириб, ташқаридан атроф-муҳитга бошқа муносабат билдиришга уриниш билан намоён бўлиши мумкин. Ўзининг ҳақиқий руҳий ҳолатини яшириш учун одам теварак-атрофга аланглаб қарайди, ҳеч қандай заруратсиз бирор ҳаракат қилишга уринади ёки ўзининг ҳақиқий фикрини ифодаламайдиган гапларни айтади. Одамнинг руҳий ҳолатини яхши биладиган ачарйаларнинг фикрига кўра, ўзининг ҳақиқий муҳаббатини яширишга бундай уриниш - содиқнинг қалбида Кришна уйғотадиган жазавали лаззатли ҳолатларнинг намоён бўлган кўринишларидан биридир.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(32.15) Шукрадева Госвами шундай дейди: "Эй азиз шоҳ, чиройли кийинган, юзларида чуқур маъноли табассум билан гопилар ҳамиша жуда гўзал кўринар эдилар. Кришнанинг эҳтиросини кўзгаш учун улар гоҳида Унинг қўлларини ўзларининг тиззаларига босар, гоҳида Унинг нилуфар қадамлари пойини ўзларининг кўксига кўяр эдилар. Шундан сўнг улар ўзларини Кришнадан жуда жаҳли чикқан кўрсатиб, У билан суҳбатлаша бошларди".

Кришнага жазавали муҳаббат ҳолатида ўзининг ҳиссиётини яширишга бошқа бир мисол ҳам бор. Ҳазилкашларнинг биринчиси Кришна Сатйабхаманинг ҳовлисида *париджата* гул дарахтини ўтқазганида, Видарбха шоҳининг қизи Рукмини жуда қаттиқ хафа бўлди, аммо, табиатан жуда мулойим бўлгани учун буни бошқаларга кўрсатмади. Унинг қалбида нималар бўлаётганини ҳеч ким билмас эди. Бу - кам бўлмасликка интилиш туфайли юзага келадиган ўз туйғуларини яширишга уриниш ҳолатидир.

Ички сирларини яширишга яна бир мисол "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида келтирилган(11.32). Кришна Дваракага қайтиб келганида Унинг оиласининг ҳар хил аъзолари Уни турлича кутиб олдилар. Эрини ҳали узоқдан кўрган заҳоти, Двараканинг маликалари Уни хаёлан кучоқлаб, бағрига босишга интилдилар ва диққат билан Уни қузата бошладилар. Кришна

яқин келганида эса, улар ўғиллари отасини кучишлари учун уларни Унинг олдига юбордилар. Яна бирлари, уялганидан кўз ёшларини тийишга уринардилар, аммо кўз ёшлари уларнинг чаккаларидан томиб турарди. Бу - уялиш туфайли ўзининг туйғуларини яширишга уринишга мисол.

Яна бир мисолда Шримати Радхарани Кришна бошқа бир аёл билан учрашиб юрибди деган қарорга келганида, У дугонасига сирларини очиб шундай деди: “Дугонажон, Мен подачи Кришна бошқа бир аёлга боғланиб қолганини ўйлашим билан даҳшатга тушаман, танамдаги тукларим хурпайиб кетади. Ана шундай ҳолатларда Унинг кўзига тушмаслик учун эҳтиёт бўлишим керак”. Бу - уялиш ва баодоблик туфайли ўзининг туйғуларини яширишга мисол.

Айтишларига қараганда, “гарчи Шримати Радхарани Кришнага чуқур муҳаббат билан боғланиб қолган бўлсада, У ўзининг ҳақиқий ҳолатини бегона кўзлардан асраш учун бу туйғуни юрагининг тўрида саклаган”. Бу - туғма камтаринлик сабабли ўзининг туйғуларини яширишига мисол.

Бир куни, Кришна ва Унинг подачи дўстлари дўстона суҳбатлашиб ўтирдилар, Кришна табиий равишда дўстлари билан ҳазиллаша бошлади. Шу ерда иштирок этаётган Кришнанинг хизматкори Патри ҳам бу суҳбатдан лаззатланарди, аммо, у ўзининг ким эканини эслаб, хўжайинига ҳурмат билан таъзим қилди ва ўзини қўлга олиб, ички туйғусини яшириб, кулишдан тўхтади. Бу яширилган кулги - ҳурмат юзасидан ўз туйғусини яширишга мисол.

## Эслаш

Кришнани эслаш содиқда жазавали муҳаббатнинг жуда кўп аломатларини юзага келтириши мумкин. Масалан, Кришнанинг дўстларидан бири Унга шундай дейди: “Эй азиз Муқунда, нилуфаркўзли Шримати Радхарани осмонда кўкимтир булутни кўрган захоти Сени эслади. Ана шу булутнинг кўринишининг ўзиёқ Унинг қалбида Сен билан яна учрашиш истагини уйғотди”. Бу - Кришнага ўхшаган қандайдир нарсанинг содиқнинг қалбида жазавали муҳаббат билан Кришна ҳақида эслаш туйғусини уйғотишига мисол. Кришнанинг илоҳий танасининг ранги булутнинг кўкимтир рангига ўхшайди, шунинг учун Шримати Радхаранига Кришнани эслаш учун булутга кўзи тушишининг ўзи кифоя эди.

Бир содиқ тан олиб айтган эдики, баъзида, худди ақлдан озган одамлар сингари, ҳатто жуда паришонхотирлик пайтларида ҳам, юрагининг тўрида Кришнанинг нилуфар кадамлари пойи ҳақидаги ўйлар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Бу - ҳамиша машқ қилиб юриш туфайли эслашга мисол бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ҳамиша Кришнанинг нилуфар кадамлари пойи ҳақида ўйлаб юрган содиқларнинг диққати бирор вақтга бўлиниб кетса ҳам, уларнинг қалбида Пар-

вардигор Кришнанинг қиёфаси ўзидан-ўзи пайдо бўлади.

## Фикрлашга мойиллик

Кришнанинг яқин дўсти, Мадхумангала, браҳманлар табақасидан эди. Кришнанинг дўстларининг аксарият қисми вайшйалар табақасидан бўлган оддий подачилар эди, аммо уларнинг орасида браҳманлар ҳам бор эди. Вриндаванда асосан икки табақа - браҳманлар ва вайшйалар яшайди. Бир гал Мадхумангала Кришнага шундай деди: “Эй азиз дўстим, мен эътибор бердимки, Сен ерга тушаётган товус патларига эътибор бермайсан, Сенга таклиф этилаётган гулчамбарларга ҳам қарамайсан. Мен Сенинг бундай паришонхотирлигинг сабабини билиб олдим шекилли: худди нилуфар гулига учиб бораётган икки қовоғари сингари, Сенинг икки кўзинг Шримати Радхаранининг кўзларига интилганида Сен ана шундай бўлиб қоласан”. Бу - қалбини жазавали муҳаббат қамраб олган содиқнинг фикрлашларига мисол.

Бир куни сайр қилиб юрган Кришнани кўриб, Шримати Радхаранининг яқин дугоналаридан бири Унга шундай деди: “Дугонажон, қара, анави жойда сайр қилиб юрган тамала дарахти эмасми? Мабодо, агар у тамала дарахти бўлса, қандай қилиб у сайр қилиб юриши ва шунчалик чиройли бўлиши мумкин? Балки у қора булутдир? Лекин, агар у булут бўлса, у тўсиб қўйган чиройли тўлин ой қани? Демак, у - ҳаммани ўзига жалб этувчи Парвардигор, бутун уч оламни ўзининг найи овози билан мафтун қилиб қўйган Парвардигор Кришна. Демак У - Говардхана тоғи этагида турган Муқунда!” Бу - жазавали муҳаббат туйғуси таъсирида фикрлашнинг яна бир турига мисол.

## Ҳаяжонланиш

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи қўшиғида(29.29) айтилганки, Кришна гопилардан уйларига қайтишни илтимос қилганида, уларга бу фикр ёқмади. Хафа бўлиб, улар оғир-оғир нафас ола бошладилар, уларнинг чиройли юзлари сўниб кетгандай бўлиб кўринарди. Шу аҳволда улар бирор овоз чиқармай жим турардилар. Улар оёғининг бош бармоқлари билан ер чизиб турар, кўз ёшлари уларнинг кўзларининг қора сурмасини ювиб, қуркума сурилган кўкракларига оқиб тушарди. Бу - жазавали муҳаббат туфайли ҳаяжонланишга мисол.

Бир куни Кришнанинг дўсти Унга шундай деди: “Эй иблис Муранинг ғолиби, меҳрибон ва севимли онанг Сенинг ҳалигача уйингга қайтмаганидан жуда хавотирланаяпти. У тун бўйи мижджа қоқмай уйнинг олдидаги балконда оғир-оғир хўрсиниб ўтирди. Ҳақиқатан ҳам ажабланарли хол - Сен қандай қилиб онангни эсан чиқариб, қаерлардадир ўйинга берилиб кета



қолдинг?” Бу - жазавали муҳаббат таъсири остида каттиқ ҳаяжонланишга яна бир мисол.

Йашода она ташвишга тушиб Кришнанинг Матхурадан қайтишини кутаётганида, Нанда Махараж уни овутиб шундай деди: “Азизим Йашода, ташвишланма! Нилуфарга ўхшаган чиройли юзларингдаги ёшларни артиб ол! Нимага бунчалик иссиқ нафас оляпсан? Мен ҳозирок Акрура билан Камсанинг саройига бораман ва ўғлингни қайтариб олиб келаман”. Бу - Кришна хавфли вазиятга тушиб қолгани туфайли, Унга нисбатан жазавали муҳаббат юзага келтирган ҳаяжонланиш туйғусига яна бир мисол.

## Ўйчанлик

“Вайшакха-махатмйа”да бир содиқ айтадики, ўн саккиз Пурананинг баъзи бирларида Парвардигор Вишнуни шарафлаб куйлаш ҳақида ҳеч нарса айтилмаган, бунинг ўрнига уларда у ёки бу фариштани шарафлаш тавсия этилади. “Аммо, - дейди у, - фаришталарга сиғиниш миллион йиллар давом этиши керак, чунки агар Пураналарни чуқурроқ ўргансангиз, маълум бўладики, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Вишнунинг Ўзидир. Бу - фикрлашлар натижасида юзага келадиган жазавали муҳаббатга мисол.

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи кўшиғида(60.39) Рукминининг Кришнага хат ёзиб, уни бошқа бировга эрга бермасидан олдин ўғирлаб кетишини илтимос қилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шу хатда у ўзининг Кришнага қаттиқ боғланганини шундай тасвирлайди: “Эй азиз Парвардигор Кришна, моддий иллатлардан покланган буюк донишмандлар Сенинг илоҳий улуғворлигини шарафлаб куйлайдилар, бунга жавобан Сен меҳрибонлик билан уларга Ўзингни биратўла топширасан. Одамнинг улуғворликда энг буюк поғонага кўтарилиши учун Сенинг биргина марҳаматинг кифоя, худди шундай, мангу замон ҳукмига бўйсунадиган омад одамдан юз ўгириши учун ҳам биргина Сенинг хоҳишинг етарли. Шунинг учун мен бошқа бировлар у ёқда турсин, ҳатто Браҳма ва Индрани ҳам инкор этиб, ўзимга эр қилиб Сени танладим, эй азиз Худойим!” Рукмини шунчаки чуқур фикр юритишлар натижасида қалбида Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотган эди. Бу - Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатда ўйчанликка мисол.

## Ўзгармас хотиржамлик

Ҳақиқий илмга эга бўлган, дунёвий ҳаётнинг барча азоб-укубатларидан юқори кўтарилган ёки Худого садоқат билан хизмат қилишда истаган мақсадига эришгани натижасида содиқнинг қалбида юзага келадиган тўла хотиржамлик, ўзгармас осойишталик ҳолати *дхрити*, яъни ўзгармас хотиржамлик ёки руҳий осойишталик деб аталади. Ҳеч қандай йўқотишлар ана шундай ҳолатга эришган одамнинг осойишталигини буза

олмайди, у ўзини гўё ҳаётда эришиш мумкин бўлган ҳамма нарсага эришгандай ҳис қилади.

Мўътабар билимдон донишманд Бхартрихарининг фикрига кўра ўзгармас осойишталикка эришган одам шундай деб ўйлайди: “Менга ҳукуматда катта лавозимнинг кераги йўқ. Бундан кўра оч-яланғоч юрганам, тақир ерда ухлаганам яхшироқ. Ҳаётдаги ҳеч қандай қийинчиликлар, ноқулайликлар мени Худодан бошқа ҳеч кимга, ҳатто ҳукуматга ҳам хизмат қилишга мажбур қила олмайди”. Бошқача қилиб айтганда, Худо Шахсига нисбатан жазавали муҳаббатга эришган ҳолатида содиқ дунёвий одамлар кўзига жуда қийин бўлган ноқулайликларга ҳам бемалол бардош беришга тайёр бўлади.

Кришнанинг отаси Нанда Махараж баъзан ўйга толарди: “Менинг ўтлоқларимда равнақ фариштасининг ўзи ўрнашиб олган, менинг ҳар ерда ўтлаб юрган ўн мингдан ортиқ сигирим бор. Бунинг устига Кришнадай ишлаб чарчамайдиган, кучли ўғлим бор. Шунинг учун, мен гарчи оилали одам бўлсам ҳам - ўз ҳаётимдан жуда мамнунман!” Бу - ҳар хил ташвишлар йўқлиги сабабли юзага келадиган осойишталикдир.

Яна бир содиқ шундай дейди: “Мен ҳаминиша Худо Шахсининг ўйинларининг шарбат уммонида сузиб юраман, шунинг учун на диний ақидалар, на иқтисодий тараққиёт, на ҳиссий лаззатлар, ҳатто на озодликка чиқиш - Браҳманнинг борлиғига кўшилиб кетиш - мени ўзига жалб этолмайди”. Мана шу - оламда энг олий мақсадга эришиш туфайли юзага келадиган ҳақиқий осойишталикка мисол. Бу дунёда эришиш мумкин бўлган нарсаларнинг энг яхшиси, юнг буюги, энг улуғвори, энг юксак мақсад - Кришна онгига бутунлай ғарқ бўлиб яшашдир.

## Бахтиёрлик

“Вишну-пурана”да Кришна ва Балорамни Матхурага олиб кетиш учун Акруранинг Вриндаванга келиши ҳикоя қилинади. Уларнинг юзига кўзи тушиши биланоқ унинг қалбини шундай қувонч эгаллаб олдики, унинг бутун танаси жазавали муҳаббат аломатлари билан безанди. Ана шундай ҳолат “ҳақиқий бахт” деб аталади.

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи кўшиғида(33.11) шундай дейилган: “Раса-ракси пайтида елкасида Кришнанинг қўлларини ҳис қилиб, гопилардан биттаси шундай илоҳий жазавали лаззат ҳис қилдики, Кришнанинг юзидан ўпиб олди”. Бу - истаган мақсадига эришиш келтирадиган бахтдир.

## Кучли иштиёқ

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи кўшиғида(71.33) шундай дейилган: “Кришна Два-ракадаги салтанатидан биринчи марта Хастина-пурга келганида шаҳарнинг ёш жувонлари Уни

кўришга шунчалик иштиёқ билан интилар эдиларки, ҳатто кечаси эрлари билан бир тўшакда ётган пайтида ҳам ўзларининг шу истагини эсдан чиқара олмасдилар. Чала-чулпа кийиниб, сочларини ҳам тарашга улгурмасдан, уй ишларини ҳам ташлаб, улар Кришнани кўриш учун кўчага югуриб чиқдилар”. Бу - жазавали муҳаббат таъсирида кучли иштиёқ юзага келишига мисол.

Ўзининг “Стававали” деган китобида Шри Рагхунатха дас Госвами Шримати Радхаранидан марҳамат кўрсатишни тилаб илтижо қилади. Шримати Радхаранини Кришнанинг найининг овози шунчалик маҳлиё қилиб қўйганки, унинг овози қулоғига чалинган заҳоти У Вриндаван ўрмонларидаги зотлардан Кришнани қаердан топиш мумкинлигини сўрай бошлаган. Шримати Радхарани биринчи марта Кришнани кўрганида Унинг қалбини жазавали муҳаббат шу қадар эгаллаб олиб, Ўзи шундай кучли илоҳий лаззатни ҳис қила бошладики, У нима қиларини билмай кулоқларини қаший бошлади. Враджанинг қизлари ва Шримати Радхарани ҳазил аралаш гап отишга жуда уста эдилар. Улар Кришнани кўришлари биланоқ Унга ҳар хил кесатик гаплар ота бошлардилар, Кришна эса, улар учун гул тегиб келиш баҳонаси билан уларнинг олдидан қочиб ва тоғдаги ғорга кетиб қоларди. Бу - гопиларнинг ҳам, Кришнанинг ҳам жазавали муҳаббат таъсирида ишқий ўйинларга берилишга кучли иштиёқ туғилишига яна бир мисол.

## Қаттиқ ғазабланиш

Кришна илон Калия билан жанг қилиб, унинг бошлари устида рақс тушиб юрганида, илон Унинг оёғини тишлаб олди. Буни кўрган Гаруданинг қаттиқ ғазоби келиб, ғўлдирай бошлади: “Кришна шунчалик қудратли кучга эгаки, Унинг момақалдиқроқдай гулдурас овозини эшитган заҳоти Калиянинг хотинлари қоринларидаги болаларини тушириб қўядилар. Агар менга рухсат берсалар, менинг Худойимни ҳақорат қилган бу илонни ҳозироқ ютиб юборган бўлардим, аммо, Кришнанинг жаҳлини чиқаришдан қўрққанимдан ўзбошимчалик билан бу ишни қилолмайман”. Бу - жазавали муҳаббатдаги бошқаларнинг Кришнага нисбатан ҳурматсизлиги келтириб чиқарадиган ғазабланишга мисол.

Махараж Юдхистхира уюштирган Раджасуйя маросими пайтида Кришнага сиғинишларига Шишупала норозилик билдира бошлаганида, Аржуннинг укаси Сахадева шундай деди: “Бошқаларнинг Кришнага сиғинаётганларига чидай олмайдиган ҳар бир одам менинг душманам бўлади. Бу одам ўз табиатига кўра иймонсиз иблис, шунинг учун менинг унинг қатта қалласига чап оёғим билан яхшилаб тепиб, уни Йамаражнинг қалтагидан ҳам қаттиқроқ жазолагим келиб турибди!” Кейин Баладеванинг жаҳли чиқа бошлади: “Кришнага шоншарафлар бўлсин! Мен Курулар салтанатини

ноқонуний йўл билан эгаллаб олган Курулар хонадонининг нопок аъзолари, ҳар хил сиёсий маккорликлар билан Кришнани ҳақорат қилишга қандай журъат этганларига ҳайронман. Оҳ, буларга чидаб туриш қанчалик оғир!” Бу - Кришнага нисбатан бошқаларнинг ҳурматсизлик қилгани туфайли юзага келадиган интилишнинг яна бир тури.

## Димоғдорлик

“Видагха-мадхава”да Шримати Радхаранининг қайнонаси Жатиланинг Кришнани койигани ҳикоя қилинади: “Кришна, Сен бу ерда турибсан, эндигина менинг ўғлимга эрга чиққан Шримати Радхарани эса Сенинг ёнингда турибди. Энди мен сизларнинг орангиздаги гапларнинг ҳаммасини биламан. Нимага энди мен Сенинг ўйноқи кўзларингдан келинимни ҳимоя қилмаслигим керак экан?” Бу - билвосита Кришнани айблаш мақсадида айтилган гапларга мисол.

Худди шундай бир куни бир неча гопилар Кришнани ўртага олиб тергай бошладилар: “Азизим Кришна, Сен ҳақиқий ўғрисан, шунинг учун дарров бу ердан йўқол. Сен Чандравалини бизлардан яхшироқ севишингни бизлар яхши биламиз, аммо бизларнинг олдимизда уни мактаб ҳеч нарсага эриша олмайсан. Илтимос, бу ерда Шримати Радхаранининг номини булғам!” Бу - жазавали муҳаббат таъсирида Кришнага ташланган таъна тошларига, койиш сўзларига яна бир мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(31.16) бошқа бир мисол ҳам келтирилган. Гопилар Вриндаван ўрмонида Кришна билан учрашиш учун уйларида қочиб кетдилар, аммо Кришна уларга одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида таълим бериб, уларга уйларига қайтишни буюрди. Бунга жавобан гопилар шундай жавоб бердилар: “Азизим Кришна, Сендан айрилиш бизларга чидаб бўлмайдиган изтироб олиб келади, Сен билан учрашиш эса, бизларга чексиз лаззат олиб келади. Шунинг учун бизлар эрларимизни, қариндошларимизни, акаларимизни ва дугоналаримизни ташлаб, Сенинг илоҳий найинг овозини эшитиб, Сенинг олдинга келдик. Эй бегуноҳ Зот, Сенинг олдинга келишимиз сабабини билиб қўй. Очиғини айтганда, Сенинг найинг овози бизларни ўзига мафтун қилиб қўйгани учунгина бизлар бу ерда турибмиз. Бизлар шунча чиройлимиз, Сен эса нодонлигинг сабабли бизлар билан бирга бўлишни истамаяпсан. Бундай аҳмоқлик, яъни ярим тунда ёш қизлар билан бирга бўлиш имкониятидан фойдаланмаслик фақат Сенинг қўлингдан келади!” Бу - жазавали муҳаббат таъсирида Кришнани айблашга уринишга яна бир мисол.

## Ҳасад

“Падйавали”да бир дугонасининг Шримати Радхаранига айтган гаплари келтирилган: ”Азиз дугонажон, Кришна Ўзининг қўллари билан Сенинг пешонангни безагани учун жуда гердаяверма. У бошқа бир гўзалга ошиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қарасам, Сенинг пешонангдаги нақшлар жуда тиниқ ясалган: демак, уларни чизаётганда Кришна мутлако хаяжонланмаган, акс холда у чизикларни тўппа-тўғри қилиб чизолмаган бўларди!” Бу - Шримати Радхаранининг омади келганига ҳасад қилишга мисол.

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи кўшиғида(13.30) шундай гаплар бор: “Раса раксидан кейин Радхарани билан Кришнани излаб, гопилар ўзаро гапириша бошладилар: “Бизлар Вриндаван ерларида Кришна ва Радхаранинг оёқ изларини кўрдик, бу бизларни қаттиқ изтиробга соляпти, чунки Кришна бизларнинг бутун бойлигимиз ҳисобланади, бу гўзал хоним эса, маккорлик билан Уни биздан ўғирлаб кетди ва Унинг ширин бўсаларидан бир ўзи лаззатланипти, бу лаззатларни бизлар билан бирга баҳам кўришни ўйламайди ҳам!” Бу - Шримати Радхаранининг тақдирига ёзилган бахтига ҳасад қилишнинг яна бир тури.

Баъзан, Вриндаван ўрмонларидаги подачи болаларнинг ўйинларида Кришна бир тарафда, Балорам бошқа тарафда бўлиб қоларди. Икки гуруҳ ҳам бир-бири билан жанг қилиб, мусобақа ўйнардилар. Балорам тарафдагилар ғалаба қозонганларида Кришна тарафдаги болалар шундай дердилар: “Балорам тарафдагилар ғалаба қозондим, демак, бутун оламда бизлардан ҳам ожизроқ ҳеч ким йўқ!” Бу - жазавали муҳаббатдаги ҳасаднинг яна бир тури.

## Дадиллик

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи кўшиғида(52.41) Рукмини Кришнага шундай деб ёзади: “Эй енгилмас Кришна, менинг никоҳ тўйим бўлиши эртага белгиланган. Мен Сендан ҳеч кимга билдирмасдан Видарбхага пинҳон келишингни илтимос қиламан. Кейин Ўзининг жангчи ва лашкарбошилариингга бирданига ҳужум бошлаб, Магадхи шоҳининг қўшинини тор-мор қилишни буюр. Иблисларнинг усулини қўллаб, мени ўғирлаб олиб кет ва менга уйлан!”

Ведавий қонунларга кўра ўйланишнинг саккиз тури мавжуд. Уларнинг биттаси *ракшаса-виваха* деб аталади. *Ракшаса-виваха* шундан иборатки, кизни зўрлаб ўғирлаб кетадилар ва унга уйланадилар. Бу усул иблисларнинг усули деб аталади. Рукминининг акасининг танлагани бўйича, Рукмини Шишупалага турмушга чиқиши керак эди. Мана шу ҳолат уни Кришнага “мени ўғирлаб кет!” деб хат ёзишга мажбур қилган эди. Бу - Кришнага бўлган жазавали муҳаббат туфайли юзага келадиган дадилликка мисол.

Гопилардан бири шундай дейди: “Йамунанинг тўлқинлари Кришнанинг ширин овозли найини

океанга олиб кетсин! Бу илоҳий найнинг сеҳрли овози шунчалик кудратлики, ҳатто катталарнинг кўзи олдида ҳам бизлар ўзимизни тутолмай қоламиз”.

## Бош гангиши

Ҳар куни куёш ботаётганда Кришна кун бўйи сигир бокиб юрган ўтлоқдан кишлокқа қайтиб келарди. Баъзан, Йашода Унинг най овозларини эшитмай қолганида қаттиқ хаяжонланар, натижада унинг боши айлана бошларди. Кришнага бўлган жазавали муҳаббат баъзида бош айланишига ҳам сабаб бўлади.

Бир куни Кришнани боғлаб қўйиб, Йашода ўйланиб қолди: “Менинг жажжи Кришнаминг танаси жуда нозик ва майин. Мен қандай қилиб Уни арқон билан боғлаб қўйишга журъат этдим?” Миясига келган бу фикрдан унинг боши гангиб кетди.

Уйнинг катталари гопиларга кечалари эшикни бекитиб қўйишни тайинлардилар, гопилар эса, парвойи-палак, уларнинг гапларига эътибор бермасдилар. Баъзан Кришна ҳақидаги фикрлар уларга шунчалик дадиллик, мардлик, ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмасликка шунчалик ишонч бағишлардики, улар эшикларни очиб қўйиб, ҳовлида ухлаб қолардилар. Бу - Кришнага туғма боғланиш юзага келтирган жазавали муҳаббат туфайли бош айланишига мисол.

Савол туғилиши мумкин: одатда ғафлат гунасининг аломати ҳисобланган бош айланиш ҳолати нимага Кришнанинг содиқларида намоён бўлади? Бу саволга жавоб берар экан, Шрила Жива Госвами тушунтирадики, Кришнанинг содиқлари моддий табиатнинг барча гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда бўладилар. Бундай ҳолат уларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишдаги транс, жазава, *самадхи* ҳолати деб аталади. “Гаруда-пурана”да бевосита Худонинг Олий Шахси ҳимояси остида бўлган сеҳргар-йоглар ҳақида шундай дейилган: “Онгнинг мавжуд уч хил - сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқу ҳолатида ҳам Кришнанинг содиқлари ҳамиша Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ўйлар билан фарқ бўлиб яшайдилар. Демак, Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай фарқ бўлган содиқлар ҳеч қачон ухламайдилар”.

## Уйқусираш

Бир куни Парвардигор Баладева уйқусида шундай дейди: “Эй нилуфар кўзли Кришна, болалик даврингда Сен дучор бўладиган воқеаларнинг ҳаммаси фақат Сенинг ироданг бўйича рўй беради. Шунинг учун илтимос, тезроқ илон Калийанинг чексиз манманлигини яқсон қилиб ташла!” Парвардигор Баладеванинг бу гаплари шу ерда тўпланган Йадавларни хайратга солиб, уларнинг шўх кулгиларига сабаб бўлди. Омоч кўтариб юрувчи Парвардигор Баладева эса, чуқур эснаб,

яна чукур уйкуга кетди. Бу - жазавали муҳаббатда уйкусирашга мисол.

## Сергак тортиш

Бир куни бир содиқ шундай деди: “Мен илохий илм даражасига кўтарилиб, ғафлат гунасини енгдим. Энди менинг ҳаётдаги ягона мақсадим Худонинг Олий Шахсини излашдан иборат бўлиши керак”. Бу - Кришнага бўлган жазавали муҳаббат таъсирида уйғонишга мисол. Одам алданиш таъсирини бутунлай енгиб ўтганидагина унинг онгида илохий уйғониш рўй бериши мумкин. Ана шундай даражага етганида содиқ моддий унсурларнинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишида - товуш, ҳид, шакл ва таъмда - Худонинг Олий Шахсининг илохий даражада мавжуд эканини ҳис қилиб юради. Ана шундай ҳолатда содиқ ҳамиша илохий жазавали аломатларини намоён этиб юради (танасининг туклари хурпайиб, кўзлари ўйнаб, сергак бўлиб ва ҳоказо).

Шримати Радхарани биринчи марта Шри Кришнани кўриб, бирданига илохий бахтни тўла бутун ҳис қилди, натижада Унинг танасининг барча аъзолари карахт бўлиб қолди. Аммо, Унинг яқин дугонаси Лалита кулоғига Кришнанинг муқаддас номини шивирлаши биланок, Шримати Радхарани кўзларини катта-катта очди. Бу - Кришнанинг муқаддас номи товушидан уйғонишга мисол.

Бир куни Кришна ҳазиллашиб Шримати Радхаранига шундай деди: “Азизим Шримати Радхарани, Мен Сени ташлаб кетмоқчиман!” Шу гапларни айтди-ю, Кришна бирданига ғойиб бўлди. Шримати Радхарани эса бундан шундай қаттиқ ҳаяжонланиб кетдики, Унинг танасининг ранги ўзгариб, оёғи қирқилгандай Вриндаван ерига йиқилиб тушди. Аммо, шу ерда ўсиб турган гулларнинг анвойи ҳидини ҳидлаб, У лаззатланиб ўзига келди ва ўрнидан турди. Бу - ҳид таъсирида илохий уйғонишга мисол.

Кришна гопилардан биттасининг танасига кўлини теккизганида, гопи ўзининг дугонасидан сўради: “Дугонажон, менинг танамга кимнинг кўли тегиб турибди? Йамуна қирғоғидаги қоронғу тун мени жуда қўрқитиб қўйди, аммо кутилмаганда бу кўлнинг танамга тегиши мени даҳшатга тушишдан сақлаб қолди”. Бу - танасига бирор нарсанинг тегишидан уйғонишга мисол.

Гопилардан биттаси Кришнага шундай деди: “Азизим Кришна, Сен раса рақси бўлаётган жойни ташлаб кетганингда, бизларнинг энг яхши дугонамиз Шримати Радхарани ҳушидан кетиб, ерга йиқилиб тушди. Лекин, мен унга Сен чайнаган бетелрдан озгина тоттирганимда, У дарров ўзига келди. Шунда Унинг танасида жазавали лаззатнинг ҳамма белгиларини кўриш мумкин эди”. Бу - таъм таъсирида уйғониш рўй беришига мисол.

Бир куни тунда Шримати Радхарани тушида шундай деди: “Азизим Кришна, илтимос, энди

Мен билан ҳазиллашма! Илтимос, бас қил! Энди Менинг кийимларимга кўлингни теккизма! Акс ҳолда Мен ҳаммасини катталарга айтиб бераман, шунда ҳамма Сенинг қилиқларингни билиб оладилар!” Бу гапларни айтиб, У бирдан уйкудан уйғонди ва атрофида тўпланиб турган оиланинг катталарига кўзи тушди. Уялганидан У кўзларини ерга тикди. Бу - содиқнинг уйкудан уйғониб, ўзига келишига мисол.

Бунга яна бир мисол бор. Кришнанинг хабарчиси Шримати Радхарани олдига келиб, Уни ухлаб ётган ҳолда кўрди, лекин У дарров уйғонди. Худди шундай, Кришна ярим тунда най чала бошлаганида, подачиларнинг чиройли қизлари бўлган гопилар, шу заҳотиёқ уйкудан уйғонардилар. Бу борада жуда чиройли ўхшатиш бор: “Баъзан нилуфар гулини оққушлар ўраб оладилар, баъзан эса, унинг атрофида асал йиғиб юрган қора арилар учиб юрадилар. Осмонда момақалдирак гумбуллаб, яшин чакнаганида оққушлар қочиб кетадилар, қора арилар эса нилуфарнинг асалидан лаззатланишда давом этаверадилар”. Гопиларнинг уйкусини оққушларга ўхшатадилар, Кришнанинг найини эса - қора арига. Кришнанинг найи янграй бошлаганида, оққушлар - гопиларнинг уйқуси - кетиб қолади, найнинг қора араси гопиларнинг гўзаллик нилуфаридан лаззатланишда давом этаверади.

## Ўттиз биринчи боб.

Жазавали муҳаббатнинг қўшимча аломатлари.

Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббатнинг юқорида санаб ўтилган барча аломатлари *вайабхичари*, яъни “мувозанатдан чиқарадиган” деб аталади. Бу аломатларнинг барчаси одамни мувозанатдан чиқарадиган ҳолатлар тоифасига киради. Аммо, Кришнага кучли жазавали муҳаббат ҳатто уларнинг орасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Юқоридаги аломатларнинг ҳаммасини уч синфга бўлиш мумкин: биринчи, иккинчи, учинчи синф. Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат хилма-хил кўринишда намоён бўлади: ҳасад, хавотирланиш, ташвишланиш, мағрурлик, рашк қилиш, ўйчанлик, бефарқлик, баодоблик, чидамсизлик, кучли иштиёқ, афсусланиш, гумонсираш ва дадиллик. Буларнинг барчаси жазавали муҳаббат намоён бўладиган ўттиз уч ҳолатга киради. Шрила Рупа Госвами жазавали муҳаббатнинг одамни мувозанатдан чиқарадиган ҳолатларда намоён бўлиш ҳолларини моҳирлик билан таҳлил қилиб, таърифлаб берган. Гарчи кўплаган санскрит терминларга маъноси тўғри келадиган инглизча терминлар топиш қийин бўлса ҳам, қуйида унинг қилган таҳлилини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Бошқалар эришган муваффақиятлар одамда нохуш туйғуларни юзага келтирадиган бўлса, бундай ҳолат ҳасад деб аталади. Одам осмонда яшин чакнаганидан кўрққанида, ана шу кўрқув одамни ташвишга солади. Демак, кўрқув ва ташвишни бир тушунчага бирлаштириш мумкин. Ўзининг ҳақиқий туйғуларини ва фикрларини яширишга уриниш *авахиттха* - “сир сақлаш” деб аталади, ўзининг устунлигини кўрсатишга уриниш эса - “мағрурлик” деб аталади. Бу икки ҳолатни ҳам иккиозламачилик тушунчаси билан аташ мумкин. Бу тушунчага *авахиттха* ҳам, мағрурлик ҳам киради. Одам ҳақоратларни кўтара олмаганидаги ҳолат *амарша* деб аталади, бировнинг бойлигига бефарқ муносабатда бўлолмаган ҳолати эса - “қизғаниш” деб аталади. Бу икки ҳолатнинг ҳам сабаби чидамсизликдир. Ишлатилган сўзнинг аниқ мазмунини аниқлай олиш қобилияти “ишонарлилик” деб аталади. Бирор сўзнинг мазмуни ҳақида тўғри хулосага келиш учун уни диққат билан фикрлаб кўриш керак. Демак, фикрлаш якуний хулоса чиқаришдан олдинги ҳолат ҳисобланади. Одам ўзини ғофил деб тан олиши “камтарлик” деб аталади, қатъиятнинг йўқлиги эса, “бефарқлик” деб аталади. Шундай қилиб, камтарлик баъзан бефарқликни ҳам ўз ичига олади. Одамни мувозанатдан чиқариш қийин бўлган сифати “сабрлилик” деб аталади. Ҳақоратларга бемалол чидаб туриш ҳам “сабрлилик” деб аталади. Демак, баодоблик ва сабрлилик бир хил тушунчалар бўлиши мумкин. Одам вақтни кистаётганидаги ҳолат “сабрсизлик” деб аталади, у бирор хайратли, мўъжизавий нарса-ни кўриб турганида эса, уни “хайратланиш” деб атайдилар. Сабрсизликка хайратланиш сабаб бўлиши мумкин, демак, улар синоним бўлиши мумкин. Мудроқ ҳолатдаги ташвиш кучли иштиёқ кўринишида намоён бўлиши мумкин, демак, ташвиш билан кучли иштиёқ ҳам синоним сўзлар бўлиши мумкин. Қилган ножўя иши учун афсусланиб турган одамнинг ҳолати “уялиш” деб аталади. Уялиш ва афсус иборалари ҳам синонимлардир. Гумонсираш - фикрлаш қобилиятининг намоён бўлган кўринишларидан биридир. Дадиллик намоён этган одам анча вақтгача ўзини боса олмайди, шунинг учун ташвиш ва дадиллик ҳам синоним сўзлар ҳисобланади.

Жазавали муҳаббат туфайли ана шу аломатлар юзага келганида, уларни *санчари*, яъни жазаванинг мангу аломатлари деб атайдилар. Уларнинг барчаси илоҳий табиатга эга ва вазиятга қараб, ҳар хил кўринишда намоён бўлиши мумкин - алоҳида-алоҳида ва бошқа аломатлар билан биргаликда. Буларни севишганларнинг бир-бирига эътибор бериб, ўзаро ҳар хил имолар билан алоқа қилишларига ўхшатиш мумкин.

Ҳасад ёки уялишадн одамнинг юзининг ранги ўзгариши мумкин, буни *вибхава*, яъни жазавадан олдинги ҳолатга мансуб деб қараш мумкин. Баъзан ҳиссиётларнинг алдовини, кучсизланишни ва кучли ташвишни ҳам вибхавага мансуб деб

қарайдилар. Ана шундай аломатларнинг бирданига бир нечтаси намоён бўлса, уни жазавали муҳаббатнинг намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин.

Шрила Рупа Госвами айтадики, жазавали муҳаббатнинг аломатларига баъзан кўрқув, уйқу, чарчаш, дангасалик ва сармастлик сабабли юзага келадиган телбаликни ҳам киритиш мумкин. Бу аломатларнинг ҳаммаси кучли боғланганликни билдиради.

Кришнага бўлган жазавали муҳаббат ҳеч қандай асосиз баҳслашишда, қатъиятда, хотиржамликда, эслашда, қувончда, ғофилликда, камтаринликда ва ҳушдан кетишда ҳам намоён бўлиши мумкин. Жазавали муҳаббатнинг аломатларига қаттиқ боғланганликни ҳам киритиш мумкин. Боғланиш икки хил бўлади: устунлик ҳисси билан боғлиқ бўлиш, тобе ҳолатда боғлиқ бўлиш. Шрила Рупа Госвами устунли ҳолатидаги боғлиқлик, тобелик ҳолатидаги боғлиқликдан қандай фарқ қилишини аниқ белгилаган, бу мавзу кейинроқ тушунтирилади.

Бир содиқ шундай деб хитоб қилди: “Афсус, Мен Матхура заминини кўролмаяман! Матхура деган товушни эшитган заҳоти танамдаги туклар хурпайиб кетади, шунга қарамай мен ана шу муқаддас саждагоҳни кўриш имкониятидан маҳрумман. Шундай экан менга бу кўзларнинг нима кераги бор?” Бу сўзларда Кришнага бўлган кучли боғланиш туфайли юзага келган Матхурани кўришга бўлган кучли иштиёқ ифодаланган. Ўзининг Кришнага бўлган кучли боғланишини Бхима бошқача намоён этган эди: “Менинг қўлларим кучлилиги жихатидан яшин зарбидан қолишмайди, аммо, мана шу кучли қўлларим билан Кришнани ҳақорат қилган Шишупалани турган жойида яқсон қилолмаган бўлсам, уларнинг нима кераги бор?” Ўшанда Бхима жуда қаттиқ ғазабланган эди, ана шу ғазаб туфайли юзага келган шижоат унда Кришнага қаттиқ боғланишни намоён этган эди. Бу - ғазаб келганда Кришнага қаттиқ боғланиш юзага келишига мисол.

Аржун кўзи олдида Кришна Ўзининг ярқираган тишлари билан бутун коинотни яқсон қилаётган фазовий қиёфасини кўрганида, унинг оғзи қуруқшаб кетган эди. Гарчи у хамиша Кришнанинг марҳаматига таваккал қилиб юрган бўлса ҳам, шу пайтда у эс-ҳушини йўқотган ва ўзининг Кришнанинг мангу дўсти бўлган Аржун эканини англамай қолган эди. Бу - тобе ҳолда боғлиқликнинг намоён бўлишига мисол.

Баъзан Кришнага кучли жазавали муҳаббатнинг уйғонишига даҳшатли ҳаракатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ана шундай пайтда ақлнинг ҳолати алданиш таъсиридаги жазавали кўрқув деб аталади. “Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи қўшиғида(23.40) қурбонлик маросими ўтказаетган браҳманларнинг гаплари келтирилган: “Юқори табақада келиб чиқишимиз бизга уч турли афзаллик келтирди: олий табақа браҳманлар хона-

донига мансуб бўлиш; муқаддас зуннор олиш маросимидан ўтишга имконият; рухий устоздан фотиҳа олиш. Афсуски, ана шу афзалликларга қарамай, бизлар дуои-бадга учраганмиз. Ҳатто бизлар амал қилаётган *браҳмачарйа* қасамимиз ҳам дуои-бадга учраган” шу тарзда браҳманлар шуғулланаётган ишларининг ҳаммасини ланъатлаган эдилар. Улар англаб етдиларки, уларнинг олий табақага мансублиги, билимдонлиги маданияти барибир аввалгидай алдамчи қувват таъсири остида қолиб кетган. Улар яна шуни тан олдиларки, ҳатто Худонинг содиқлари бўлмаган буюк йоглар ҳам моддий қувват таъсири остида юрибдилар. Ведавий маросим ўтказаетган браҳманларнинг ҳис қилган аламлари аслида уларда Кришнага нисбатан ҳеч қандай боғланишнинг йўқлигидан далолат берарди. Алам, афсусланишнинг Кришнага боғланиш намоён бўлган бошқа тури ҳам бор. Ҳўкиз қиёфасига кирган иблис Ваджа қизларига ташланганида, улар шундай деб кичкира бошладилар: “О Кришна, бизни қутқар! Бизлар ҳалок бўлдик!” Бу - Кришнага боғланганлик намоён бўлган аламга мисол.

Кришна иблис Кешани ўлдирганида, Камса қаттиқ ташвишга тушди. У шундай ўйларди: “*Кешу-даитя* менга жонимдан ҳам азиз эди, аммо уни қандайдир бир подачи - таълим тарбия кўрмаган, ҳарбий санъатдан ҳеч нарса билмайдиган, маълумотсиз бир бола ўлдирди. Мен ҳеч қийналмасдан жаннат шоҳи устидан ғалаба қозонган эдим, аммо, барибир, ҳаётнинг маъноси, мазмуни ҳақида ҳеч нарса тушунмадим, шекилли”. Бундай аламли ҳолатда Кришнага боғланиш ҳам бор, шунинг учун уни алам кўринишида намоён бўлган жазавали муҳаббатнинг акси деб атайдилар.

Бир куни Камса Акрурани койиб шундай дейди: “Сен шунчалик аҳмоқсанки, қандайдир беозор сув илонини ўлдиргани учун оддий подачини ҳам Худонинг Олий Шахси деб қабул қиласан! Балки бу болакай Говардхана тоғи деб аталадиган бирор кичкина тошни кўтаргандир, ҳатто шундай бўлса ҳам Унинг бу иши сен Уни Худонинг Олий Шахси дегудай иш эмас!” Бу ерда алам кўринишидаги Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат Кришнага нисбатан душманлик кайфиятида намоён бўлган.

Кришна ҳатто унинг соясига ҳам яқин келмаганидан қаттиқ изтироб чекаётган *кадамба* дарахтини овутиш учун бир содиқ шундай дейди: “Эй азиз *кадамба* дарахти, ўзингни босиб ол. Йамуна-ни заҳарлаб ётган илон Калийани жазолаб бўлиб, Кришна сенинг олдинга келади ва истагингни амалга оширади”. Бу - Кришнага жазавали муҳаббатнинг асоссиз алам кўринишида намоён бўлишидир.

Бир куни Гаруда шундай деди: “Бу оламда ким мендан ҳам покрок? Мендай қудратли ва моҳир қушни қаердан топиш мумкин? Кришна мени ёқтирмаслиги мумкин, балки У мен билан бирга бўлишни ёқтирмас, лекин барибир У менинг

қанотларимдан фойдаланишга мажбур!” Бу - нейтрал ҳолатдаги алам кўринишидаги жазавали муҳаббатга мисол.

Баъзан жазавали муҳаббатнинг аломатларини тўрт гуруҳга бирлаштирадлар: юзага келиш, аралаш, бирлашиш, қониқиш.

Бир куни Кришна Шримати Радхаранига шундай деди: “Азизим Радхарани, Сен эрталаб Мен билан пинҳон учрашишга ҳаракат қилаётганинда, дугонанг Мекхала ҳасад оловида ёниб, овқат ҳам емагани. Унинг қандайлигини кўрдингми!” Кришнанинг бу ҳазилидан Шримати Радхарани чиройли қошларини чимирди. Шрила Рупа Госвами илтижо қилиб тилайдики, барчамизга Шримати Радхаранининг ана шу қошларининг ҳаракатининг марҳамати ёғилсин! Бу - Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатда аччиқланиш юзага келишига мисол.

Бир куни кечкурун, ҳали кичкина Кришна иблис аёл Путанани ўлдиргандан кейин, Уни иблиснинг кўкраги устида ўйнаётган ҳолда топиб олдилар. Буни кўрган Йашода даҳшатга тушиб, ҳайратдан қотиб қолди ва анча вақтгача ўзига келолмай қолди. Бу - жазавали муҳаббатнинг бир неча аломатлари аралашшига мисол. Аломатларнинг бундай аралаш келиши салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Бу ердаги ижобий ҳолат - иблис аёл Путананинг ўлгани, салбий ҳолат эса - қоронғу тунда Кришна унинг кўкраги устида ўйнаб юргани, яқин атрофда ҳеч кимнинг бўлмагани, бирор қор-ҳол бўлса ёрдам берадиган одамнинг йўқлигидир. Йашода ана шу ижобий ва салбий ҳолатларни бирданига кўриб гангиб қолган эди.

Кришна эндигина юра бошлаганида, У тез-тез уйдан чиқиб кетарди. Йашода бундан ҳайратга тушарди, у шундай деди: “Бу бола шунчалик тинимсизки, Унга қараб ўтириш жуда қийин. У Гокуланинг ҳамма жойини айланиб чиқади, кейин уйга қайтади. Бу бола ҳеч нарсдан кўркмайди, мен эса У бирор қор-ҳолга йўлиқмасин деб, тобора кўпроқ хавотирлана бошладим”. Бу - қарама-қарши ҳолатларнинг аралашшига яна бир мисол: Кришна ҳеч нарсдан кўркмайди, Йашода хавф-хатардан кўрқади. Бу ерда хавф-хатар сабаб, Йашоданинг ҳиссиёти эса, жазавали муҳаббатнинг икки қарама-қарши аломатининг бирикмаси бўлиб кўриниб турибди. Бошқача қилиб айтганда, Йашода бир вақтнинг ўзида ҳам бахт, ҳам ташвиш, тўғрироғи тобора кучайиб бораётган кўркув ҳис қиларди.

Ўзининг қувончдан яйраётган ўғлини Камса уюштирган қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонда полвонлар қуршовида кўриб, Кришнанинг онаси, Деваки, бир вақтнинг ўзида юзларидан оқаётган икки хил ёшни сезди: жуда иссиқ ва жуда совуқ. Бу - ҳар хил сабаблар юзага келтирган қувончдан яйраш ва қаттиқ изтироб чекиш туйғуларининг аралаш сабаблар туфайли намоён бўлишига мисол.

Бир куни Шримати Радхарани Йамуна кирғоғидаги Вриндаван ўрмонида турарди. Шу пайт Унга бирданига Кришна ташланиб қолди, албатта Кришна Ундан кучлироқ эди. Гарчи У Ўзини Кришнанинг бу қилиғидан хафа бўлгандай кўрсатса ҳам, қалбининг тўрида У қулиб турар, бундан чуқур лаззат оларди. У қошларини чимириб, Кришнанинг қучоғидан қутулишга ҳаракат қиларди. Ана шу ҳолатда Шримати Радхарани жуда гўзал кўринарди, Шрила Рупа Госвами Унинг ана шу тенгсиз гўзаллигини олқишлайди. Бу - жазавали муҳаббатнинг ягона сабаб - Кришна туфайли ҳар хил кўринишларда намоён бўлишидир.

Баъзан Нанда Махаражнинг уйида катта байрам тантаналари ўтказилар, уларга Вриндаваннинг барча аҳолиси тўпланар эди. Ана шундай байрамлардан бирида Шримати Радхаранининг олтин занжири бор эди. Унга бу занжирни Кришна совға қилган эди. Буни Йашода ва Шримати Радхаранининг онаси дарров сезиб қолдилар, чунки занжир Шримати Радхаранининг бўйнига жуда катта эди. Бунинг устига Шримати Радхарани Ўзининг ёнида Кришна ва эри Абхиманю турганини кўрди. Бу вазиятдан Шримати Радхарани жуда ноқулай бўлиб, уялиб кетди, Унинг юзлари буришиб, яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетди. Бу ерда уялиш, ғазаб, қувончдан яйраш ва афсусланиш туйғулари аралашиб кетган эди. Бу - жазавали муҳаббатнинг бир неча аломатлари бирлашиб кетганига мисол.

Бир куни Камса шундай деб хитоб қилди: “Бу болакай менга нима ёмонлик қилиши мумкин? Менга бирор зарар етказишга Унинг кучи етмайди!” Аммо, шу заҳотиёқ Камсага хабар бердиларки, Камсанинг барча дўстлари ана шу боланинг қўлида ҳалок бўлдилар. Бу хабарни эшитиб, Камса ташвишга тушди: “Балки, бу ишни кечга суриб ўтирмай, Унинг паноҳига кирсаммикан? Лекин, буюк жангчи учун бу тўғри келармикан?”

Лекин, шу заҳотиёқ унинг миясига бошқа фикр келди: “Нимага мен Ундан кўрқим керак? Ҳали мен тарафда шунча жангчи ва полвонлар бор!”

Сал вақт ўтмай у яна ўйлаб қолди: “Ҳеч қандай шубҳа йўқки, бу оддий болакай эмас. У чап қўли билан Говардхана тоғини кўтарди. Энди мен нима қилсам экан? Вриндаванга бориб, унинг аҳолисини жазоласаммикан? Лекин мен ҳатто саройдан ташқарига чиқишга ҳам журъат этолмайман, чунки мана шу болакайдан кўрққанимдан юрагим сиқилиб кетяпти!” Камсанинг ҳолати - бир вақтнинг ўзида мағрурлик, афсусланиш, қатъият,

журъатсизлик, эслаш, ишончсизлик, ғазаб ва кўрқув аломатларининг намоён бўлишига мисол бўла олади. Шундай қилиб, Камсада бир вақтнинг ўзида саккиз турли туйғулар аралашиб келган. Бу - жазавали муҳаббатнинг алам кўринишида намоён бўлишига яна бир мисол.

Бир оилали содиқ шундай деб хитоб қилган эди: “Эй азиз Худойим, мен шундай жирканч одамманки, менинг кўзларим - илоё уларга минг ланъат бўлсин - мукаддас Матхура шаҳрини ҳатто

кўришни ҳам истамайди. Мен яхши таълим олганман, аммо олган илмимнинг ҳаммасини фақат давлатга хизмат қилиш учун қўлланяпман. Мен бу дунёдаги ишларнинг ҳаммаси бутун борлиқни яратадиган ва яқсон қиладиган бешафқат замон таъсири остида эканини унутиб қўйибман. Мен шунча бойлигимни ва давлатимни кимга қолдираман? Мен кексайиб қолдим. Энди нима қилишим керак? Уйимда Худога садоқат билан хизмат қила бошласаммикан? Лекин мен бундай қилолмайман - бутун ақлу-хаёлим Вриндаваннинг илоҳий заминига интилади”. Бу - алам, мағрурлик, гумонсираш, сабр, афсусланиш, қатъият ва кучли иштиёқ - Кришнага жазавали муҳаббатнинг етти аломати аралаш намоён бўлган ҳолатга мисол.

Санскрит тилида бир мақол бор: энг катта мамнуният ҳафсаласи пир(пушаймон) бўлишдан туғилади. Бошқача қилиб айтганда, одамнинг орзу, истаклари жуда катта бўлиб, уларни амалга ошириш жуда катта қийинчиликлар эвазига эришилса, бу унга жуда катта мамнуният олиб келади. Бир куни Вриндаванлик подачи болалар кун бўйи Кришнани изладилар. Улар Кришнани тополмай, куёшда юравериб, юзлари қорайиб кетди, бутун вужудлари худди қуриб қолгандай бўлди. Аммо, бир довон ортидан Кришнанинг найи овозини эшитишлари биланоқ уларнинг қалбини таърифлаб бўлмайдиган даражада шодлик, қувонч қамраб олди. Бу - ҳафсаласи пир бўлган одамнинг чексиз қувончга тўлишига мисол.

Шрила Рупа Госвами айтадики, гарчи у жазавали муҳаббат аломатларининг барча *раса*, кўриниш ва нозик томонларини яхши билмаса ҳам, Кришнага бўлган муҳаббатнинг намоён бўлишига бир неча мисоллар келтиришга ҳаракат қилган. Содикни мувозанат ҳолатидан чиқарадиган ўттиз уч турли аломат ва яна қўшимча саккиз аломат биргаликда жазавали муҳаббатнинг қирқ бир асосий аломатларини ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси одам организмнинг фаолияти ўзгариши ва ҳиссиётининг ҳаракати ўзгариши билан рўй беради. Уларни содиқ ҳиссиётининг ҳар хил ҳолатлари деб аташ мумкин. Бундай ҳолатларнинг баъзилари содиқнинг ҳиссиётларига хос бўлган ўзгармас ҳолат бўлиши, баъзи ҳолларда эса, ўткинчи ҳолатлар бўлиши мумкин. Жазавали муҳаббатнинг содиқнинг ички ҳолатига мос аломатлари унда ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан - ҳаммиша намоён бўлиб юради.

Бирор матога бир марта қараб туриб, унинг қандай бўёқ билан бўялганини аниқлаб олиш мумкин. Худди шундай агар биз жазавали муҳаббатнинг шунча аломатларини яхши биладиган бўлсак, содиқнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаб олиш учун шунинг ўзи етарли. Бошқача қилиб айтганда, гарчи Кришнага боғланиш туйғуси бир бўлса ҳам, у ҳар хил содиқларда турлича намоён бўлади. Қизил бўёққа бўялган мато қизил бўлиб кўрингани сингари, содиқнинг маълум вақтда ҳис қилаётган туйғуларига қараб, жазавали

муҳаббатнинг аломатлари ҳақида гапириш мумкин. Амалда содиқнинг ўзи турган раса ва ҳолатларнинг барчаси, унинг ақлида турли хил ажойиб кайфият ва туйғуларни юзага келтиради. Булар эса, ўз навбатида Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг ҳар хил куч ва шаклда бўлган аломатларини юзага келтиради. Одам жуда олийнасаб, хотиржам, босиқ ва сахий ёки кўпол ва бефарқ бўлиши мумкин, - бу икки ҳолатда ҳам, уларнинг қалби қандай ҳолатда эканига қараб, жазавали муҳаббат аломатлари турлича намоён бўлади. Одатда биз бошқа одамнинг ақлининг қандай эканини яхши тушуна олмаймиз, аммо, агар кимнингдир қалби бўш ва меҳрли бўлса, ундай одамда жазавали муҳаббат аломатлари жуда ёрқин намоён бўлади, уларни сезмай қолишнинг иложи йўқ. Улуғвор ва қалби осойишта одамнинг қалбини олтинга, жуда юмшоқ ва меҳрибон одамнинг қалбини эса пахтага ўхшатиш мумкин. Ақлида пайдо бўлган жазавали туйғулар олтинни яъни осойишта юракни эрита олмайди, пахтадай юмшоқ юрак эса дарров алангаланиб кетади.

Буни қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Осойишта, хотиржам, сахий юракни катта шаҳарга, юмшоқ юракни эса - кичкина хужрага қиёслайдилар. Катта шаҳарда оловлар ва ҳатто катта филлар ҳам кўп, аммо ҳеч ким уларга эътибор бермайди. Аммо, кичкина хужрада олов ва фил дарров кўзга ташланади.

Юракнинг қаттиқлигини яшин, олтин ва смолага қиёслайдилар. Яшин катта қудратга эга, уни эритиш қийин. Худди шундай қаттиқ риёзатларга ва муқаддас қасамларга риоя қилиб юрган одамнинг юрагини эритиш жуда қийин. Олтин юрак қаттиқ қиздирилганда, масалан, жазавали муҳаббатда дарров эриб кетади. Смолага ўхшаган юмшоқ юрак эса дарров эриб кетади.

Юракнинг юмшоқлигини асалга, сариёғга ва шарбатга, ақлнинг ҳолатини эса, куёш нурига қиёслайдилар. Сариёғ ва асални эритиш учун уларни куёш нурида қўйсақ бас. Худди шундай юраги бўш одамлар ҳам дарров эрийдилар. Шарбат эса, табиатан суюқ. Худди шундай, қалбида Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат ривожлантирган одамлар ҳам шарбат сингари, ҳамиша суюқ, кўнгли бўш ҳолатда бўладилар.

Соф содиқларнинг қалби шарбатнинг сифатларига, баъзи ҳолларда эса, сариёғ ва асал сифатларига эга бўлади. Умуман олганда, одамнинг қалби юқорида кўрсатилган сифатларнинг қайси бирига эга бўлмасин, худди ҳатто олмосни ҳам ҳар хил химиявий эритмалар билан эритиш мумкин бўлгани сингари, маълум шароитларда Худога бўлган муҳаббат ҳар қандай юракни ҳам эритишга қодир. “Дана-кели-кауमुди”да шундай дейилган: “Содиқнинг қалбида Худога нисбатан муҳаббат уйғонганида у ҳиссиётларининг ўзгаришини бошқара олмай қолади. Унинг қалби ой чиққан пайтдаги океанга ўхшайди. Ой чиққанида океаннинг тошиб кетишини ҳеч ким тўхтатиб

қололмайди: дарров катта-катта тўлқинлар бош кўтаради”. Гарчи, табиатига кўра океан ҳамиша сокин ва ўзгармас бўлса ҳам, ой чиққан заҳоти унинг юзида дарров тўлқинлар пайдо бўлади. Худди шундай, табиатан хотиржам, осойишта бўлган содиқлар ҳам, қалбида Худога жазавали муҳаббат юзага келтирган туйғу аломатларини бошқаришга қодир бўлмай қоладилар.

## Ўттиз иккинчи боб.

Ҳамиша жазавали лаззат ҳолатида юриш аломатлари.

Парвардигор Кришнага нисбатан ҳамиша жазавали муҳаббат ҳолати, қудратли шоҳ сингари, муҳаббатнинг вақтинча намоён бўладиган бошқа аломатларини ҳамда унга зид бўлган ғазаб туйғуларини бутунлай ўзига бўйсундириб олиши мумкин. Бундай ҳолат бевосита ёки билвосита намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун уни бевосита ва билвосита жазавали муҳаббат турларига ажратадилар. Жазавали муҳаббатнинг бундай аломатлари фақат содиқ илоҳий даражага кўтарилганида намоён бўлади. Бевосита жазавали муҳаббат икки турли бўлади: ўз манфаатини кўзлайдиган(эгоистик) ва холис.

Содиқнинг қалбида жазавали муҳаббатнинг бир-бирига зид бўлмаган аломатлари аниқ намоён бўлганида, уларга зид бўлган ҳар қандай аломатлар унда жирканиш туйғусини уйғотади. Қарама-қарши аломатлар намоён бўладиган жазавали муҳаббатни “эгоистик муҳаббат” деб атайдилар. Агар жазавали муҳаббатда барча аломатлар - бир-бирига зид ва зид бўлмаган аломатлар бирга намоён бўлаверадиган бўлса, бундай муҳаббатни “бевосита холис муҳаббат” деб атайдилар. Худога бўлган бевосита холис муҳаббатни беш гуруҳга бўлиш мумкин: нейтрал муносабатлар, хўжайин ва хизматкор орасидаги муносабатлар, ака-укалардай дўстона муносабатлар, ота-она ва фарзанд муносабатлари, ошиқ-машуқлар муносабати.

## Нейтрал муносабатлар

Парвардигор билан нейтрал муносабатларни ҳам уч турга бўлиш мумкин: умумий, шаффоф ва хотиржам. Оддий одамларнинг ва болаларнинг Кришнага бўлган муносабатларини бирор маълум муносабатлар тоифасига киритиб бўлмайди. Баъзида, гарчи Кришнага боғланганлигининг маълум аломатлари бўлмаса ҳам, улар танаси титраши ёки кўзларининг ранги ўзгариши кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Бир кекса одам ёш болага шундай дейди: “Қара, ҳали уч ёшга тўлган мана бу бола қанчалик қувоняпти! Кришнани кўрган заҳоти у ҳаяжонланиб, қичқирганича у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Унга қара!” Бу ёш боланинг қалбида Кришнага нисбатан пайдо бўлган нейтрал муноса-



батдаги муҳаббатни аниқ бир тоифага мансуб деб бўлмайди.

Содиқларнинг у ёки бу тоифага мансублиги уларнинг Кришнага боғланганлик шакли билан аниқланади. Ҳар хил боғланиш турларининг аломатлари уларда худди қимматбаҳо тошларда акс этиб чараклаб турадиган қуёш нурлари сингари намоён бўлади.

Кришнанинг буюк содиғи бўлган бир брахман ҳақида айтадиларки, у гоҳида Парвардигорга худди ўзининг хўжайини сифатида илтижо қилар, гоҳ У билан ҳазиллашар, баъзан Унга оталарча ғамхўрлик қилар, баъзан Унга ўзининг севгилиси сифатида ялиниб нола қилар, баъзан эса Парвардигорга қалбидаги Олий Рух сифатида мурожаат қиларди. Шундай қилиб, бу брахманда ҳар хил вақтларда Парвардигорга бўлган муносабати ҳар турли муносабатда намоён бўлар, аммо қалбидаги жазавали муҳаббат туфайли брахман ҳамиша илоҳий лаззат уммониға ғарқ бўлиб, Парвардигорга нисбатан соф муҳаббат поғонасига эришган эди. Яъни унинг қалби, худди теварак атрофни ўзининг табиий рангида кўрсатадиган шаффош қимматбаҳо тош сингари, ҳамиша Парвардигорга бўлган муҳаббатнинг ҳар хил аломатларини табиий равишда намоён этарди.

Буюк донишманд Нарада Муни вина асбобини ўйнаб, Парвардигорнинг илоҳий кароматларини олқишлаб куйлаганида, ўша пайтда ҳали улар шахсиятсиз Брахманга муруқабба қилиш билан машғул бўлсалар ҳам, Санака бошлиқ тўрт Кумарнинг вужудлари титраб жазавага тушарди. Бошқа бир содиқ шундай хитоб қилади: “Мен фақат Худонинг содиқларига хизмат қилиш билан озодликка чиқишимни биламан, аммо, шунга қарамай, илоҳий танаси ёмғирли булут рангини эслатадиган Худонинг Олий Шахсини кўриш истаги қалбимни сира тарк этмайди”. Худонинг Олий Шахсини кўришга бўлган ана шундай кучли истакни ҳам Парвардигорга нисбатан нейтрал муносабатдаги муҳаббат тоифасига киритиш мумкин.

### Лаззатларнинг соф ва аралаш турлари.

Кришнанинг содиқларининг аксарият кўпчилиги куйидаги уч гуруҳдан биттасига мансуб бўлиши мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб содиқлар фақат Худонинг Олий Шахсининг марҳамати ва муҳаббатидан умидвор бўлиб, Унга таваккал қиладиган содиқлар. Иккинчи гуруҳ - Кришна билан дўстона муносабатда бўладиган содиқлар; учинчи гуруҳ - Кришна билан ота-она ва фарзанд муносабатида бўлиб, Унга ўздан кичкина Зот сифатида ғамхўрлик қиладиган содиқлар. Бу уч гуруҳга мансуб бўлган содиқларнинг барчаси ўзларида аста-секин Парвардигор билан алоҳида ўзига хос муносабатни ривожлантира борадилар. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг соф ҳолатида содиқнинг қалбида Кришнанинг мангу содиқларидан бирининг изидан бориш иста-

ги ривожланади: масалан, Кришнанинг Голока-Вриндавандаги шахсий хизматкори - Расала изидан, ёки Кришнанинг Шридам, Судама сингари дўстлари изидан, ёки Кришнага ота-она муҳаббати билан боғланган Нанда ва Ёашода сингари содиқлар изидан бориш истаги. Кришнага жазавали муҳаббат ҳеч қачон бевосита Унинг Ўзи билан бўладиган муносабатларда намоён бўлмайди. Содиқ албатта Кришнанинг Голока-Вриндавандаги мангу содиқлари юрган йўлдан бориши керак.

Кришна билан бўладиган муносабатлар бир неча илоҳий расалар аралашмаси кўринишида бўлганида(яъни, дўстона муносабатлар, хўжайин ва хизматкор муносабатлари, ота-она ва фарзанд муносабатлари аралашиб кетганида) содиқнинг Кришнага муносабати аралаш раса, аралаш лаззат деб аталади. Кришна билан аралаш илоҳий раса муносабатларини Уддхавада, Бхимада ва Мукхара(Ўашоданинг шахсий хизматкори)да кузатиш мумкин. Лекин, ҳатто расалар аралашиб кетганида ҳам, барибир, бирор раса, бирор муносабат устивор бўлиб қолаверади. Бошқа расалардан устунлиги яққол кўриниб турган расани содиқнинг Парвардигор Кришна билан асосий муносабати деб ҳисоблайдилар. Масалан, Уддхава Кришна билан дўстлик муносабатида, аммо унинг ўзини тутишида одатда Кришнани ўзига хўжайин деб билиш ҳоллари учраб туради. Бундай дўстликни эҳтиромли дўстлик муносабати деб айтадилар. Шридам ва Судаманинг Кришна билан дўстлиги эса, орада ҳеч қандай эҳтиром, тавозе бўлмаган дўстлик муносабатидир.

### Бўйсунган ҳолатдаги жазавали муҳаббат.

Кришнани ҳамиша ўздан катта сифатида эслаб юрадиган содиқлар У билан бўйсунган ҳолатдаги жазавали муҳаббат билан боғланган бўладилар. Улар учун энг асосийси ўзларини ҳамиша Парвардигорга боғлиқ эканини ҳис қилиб юришдир, уларни Парвардигор билан бўладиган бошқа муносабатлар деярли қизиқтирмайди.

Шоҳ Кулашекхара ёзган “Мукунда-маластотра”да шундай илтижо бор: “Эй азиз Худойим, Сен тирик мавжудотларни дунёвий ҳаётнинг дўзахий шароитларидан озодликка чиқарсан, аммо бу мен учун унчалик муҳим эмас. Мен жаннатга эришаманми, дўзахга тушаманми, ёки Ер сайёрасида қоламанми, аҳамияти йўқ. Мен Сендан фақат бир нарсани илтимос қиламан - ажалим етганида Сенинг кузда очиладиган нилуфар гулларига ўхшаган ажойиб пойи қадамларингни эслайдиган бўлай!”

### Дўстона муносабатлар

Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган, Кришна билан деярли бир поғонада турадиган содиқларни Худонинг Олий

Шахси билан дўстона муносабатдаги зотлар деб ҳисоблаш керак. Уларнинг Парвардигор билан дўстона муносабатлари Парвардигор билан ҳазил аралаш дўстона суҳбатларида намоён бўлади. Бундай муносабатларга "Шримад Бхагаватам"да мисол келтирилган. Бир куни Парвардигор Кришна шундай деб ўйлади: "Бугун Мен Вриндаван ўтлоқларида сугир боқиб юрардим, ажойиб боғдан гул териш учун бир пас кетган эдим. Мендан ҳатто бир пасга айрилиш ҳам дўстларимни - подачи болаларни қаттиқ қийноққа солиб қўйди. Улар Мени яна топганларида эса, қувониб, бир-бирларига қўлларидаги гулни теккизиб қочадиган қувламачоқ ўйинини бошлаб юбордилар."

Кришнанинг дўстларидан бири Ундан ранжиб, шундай деди: "Азизим Дамодара, Шридам Сени мағлуб қилганига, у билан курашиб кучинг йўқолиб қолганига қарамай, уялиб қолганини яшириш учун Сен кучингни кўрсатиб мақтанишга қиришдинг!"

## Кришнага ота-она муҳаббати билан боғланиш

Подачи-болаларнинг Камсанинг қудратли хизматкорлари куч билан ҳайдаб кетган Кришнанинг сугирларини қутқариб қолишга уринаётганларини эшитиб, Йашода ўйга толди: "Бу бечора болаларни Камсанинг хизматкорларидан қутқариб қолиш учун нима қилсам экан?" Бу - содиқнинг Кришнага кичкиналардай ғамхўрлик қилиш муносабатига мисол.

Кришна куни билан сугир боқиб, кечкурун ўтлоқдан уйига қайтиб келганида, Йашода она Унинг бошини, юзларини силаб, меҳр билан бағрига босарди.

## Ошиқ-маъшуклар муносабати.

Кришна билан ошиқ-маъшуклар сингари муносабатда бўлиш ҳатто У билан Унинг ота-оналари билан бўлган муносабатларидан ҳам устун туради. Парвардигор Кришна билан ёш гопиларнинг ўзаро муносабатлари ҳар хил кўринишларда намоён бўлади: нигоҳ алмашишлар, қош қоқишлар, ширин сўзлар ёки сирли табассумлар алмашиш ва ҳоказо.

"Говинда-виласа"да бу ҳақда шундай дейилган: "Сабр косаси тўлган, ҳатто қаттиқ ташвишга туша бошлаган Шримати Радхарани ҳамма ердан Кришнани изларди". Парвардигор Кришна билан ошиқ-машуклар муносабатидаги жазавали муҳаббат - кулги, ҳайратланиш, илҳомланиш, афсусланиш, ғазабланиш, кўрқув ва баъзан жирканиш шаклида намоён бўлади. Парвардигор Кришна билан ошиқ-машуклар муносабатидаги жазавали муҳаббатнинг бу етти тури Худога бўлган муҳаббатнинг яна бир ҳолатини ташкил этади.

Парвардигор Кришна билан бевосита муносабатлар кулги, ҳайратланиш, олижаноблик, афсус-

ланиш, ғазаб ва кўрқувда намоён бўлади. Бу муносабатлар ҳеч қачон жирканиш орқали намоён бўлмайди. Парвардигор Кришнага бўлган ошиқлар муҳаббатининг намоён бўлган мана шу кўринишларини илоҳий лаззатнинг туганмас, чексиз манбалари деб ҳисоблайдилар. Жазавали муҳаббатнинг мана шу етти тури намоён бўлгандан кейин турғун, мустаҳкам ҳолга келади, бу эса содиқнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатлардан оладиган илоҳий лаззатини янада чуқурлаштириб, кучайтириб бораверади.

## Ўттиз учинчи боб.

### Жазавали муҳаббатнинг билвосита намоён бўлиши

#### Кулги

Икки гопининг кўзаларидан бироз қатик ўғирлаб, Кришна улардан бирига шундай дейди: "Эй гўзал, сенга қасам ичиб айтишим мумкинки, Мен сенинг кўзангдан бир томчи ҳам қатик олмадим! Аммо, сенинг дугонанг Шримати Радхарани ҳеч уялмасдан Менинг оғзимдан келаётган хидни ҳидляпти. Бу шунчаки Унинг айёрлиги, аслида У Ўзининг юзини Менинг юзимга яқинроқ олиб келишни истаяпти. Унинг бундай қилишига йўл қўйма!" Кришнанинг бу гапларини эшитиб, Шримати Радхаранининг дугоналари кулгидан ўзларини туюлмамай қолдилар. Бу - жазавали муҳаббатнинг кулги воситасида намоён бўлишига мисол.

#### Ҳайратланиш

Бир куни Тангри Брахма сугирларни ва подачи-болаларни сариқ либосларга ўранган ва қимматбаҳо тақинчоқлар таққан ҳолда учратди. Болаларнинг тўрт қўли бўлиб, уларга бошқа юзлаб Брахмалар сажда қиларди. Болалар ҳаммаси биргаликда жўр бўлиб, Кришна, Худонинг Олий Шахси билан бирга эканлигидан завқланаётганини намоёиш этардилар. Бу манзара Тангри Брахмани шундай ҳайратга солиб қўйдикки, у "Мен нималарни кўряпман ўзи?" - деб хитоб қилди. Бу - жазавали муҳаббатнинг ҳайратланиш кўринишида намоён бўлишига мисол.

#### Мардлик

Бир марта Йамуна қирғоғида қуриган япроқларнинг шитирлаши, подачи болаларнинг ҳиринглаб кулишлари ва момоқалдирикнинг гумбурлаши эшитилиб турарди. Шридам белбоғини маҳкам боғлаб, иблис Агхининг ғолиби Кришна билан кураш тушишга ҳозирланарди. Бу - жазавали муҳаббатда мардликнинг намоён бўлишига мисол.

## Афсусланиш

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(7.25) иблис-куюн Тринавартанинг Кришнани қандай ўғирлаб кетгани ҳикоя қилинади. У Кришнани осмонга кўтариб кетганида гопилар дод-вой солиб, қаттиқ ҳаяжонга тушдилар. Улар Йашода онанинг олдига келиб, ҳеч қаердан Нанданинг ўғлини топа олмаётганини айтдилар. Уни куюн олиб кетган эди. Бу - жазавали муҳаббатда афсусланишнинг намоён бўлишига мисол.

Кришна илон Калия билан курашаётганида Йашода она қичкириб юборди: "Кришна илон Калиянинг қалпоқлари орасида ўралашиб қолди, менинг танам эса ҳалигача тилка-пора бўлмай турибди! Бу моддий тананинг қанчалик мустаҳкам эканидан ҳайратга тушяпман!" Бу - жазавали муҳаббатда афсусланишнинг пайдо бўлишига яна бир мисол.

## Ғазабланиш

Кришнанинг бўйнида қимматбаҳо тақинчоқ-маржонни кўриб, Жатила, Абхимаңунинг онаси, уни Кришнага Шримати Радхарани совға қилганини дарров пайқади. У нима қиларини билмай, ғазаб билан қошларини чимирди. Бу - жазавали муҳаббатда ғазабланишнинг юзага келишига мисол.

## Жирканиш.

Йамуначарйа шундай дейди: "Парвардигор Кришна билан бўладиган, ҳамиша янгилашиб турадиган мангу муносабатларнинг лаззатидан тоғиб кўргангидан бери, аввалги моддий тананинг хиссий лаззатлари(жинсий алоқа лаззати) эсимга тушса, жирканганидан лабларим буришиб, тупургим келади". Бу жазавали муҳаббатда жирканишнинг юзага келишига мисол.

## Кўрқув

Бир кекса содиқ шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Сендан узоқда қолиб, бизлар Сени яна кўришни интизорлик, сабрсизлик билан кутяпмиз, натижада бизларнинг ҳаётимиз туганмас азобга айланиб кетяпти. Аммо Сени кўришимиз биланоқ бизларнинг қалбимизни Сендан айрилиб қолишдан хавфсираш туйғуси қамраб олади. Шунинг учун бизлар Сени кўрамизми, кўрмаймизми - барибир бизлар кўрқувдан халос бўлолмаймиз" Бу - содиқнинг қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатнинг қарама-қаршилиқ туйғуларда намоён бўлишига мисол. Парвардигор Кришнага бўлган бундай муҳаббатнинг ўзига хос ширин лаззатли таъми бўлади. Билимдонлар уни ўзига хос ёқимли ширани ичимлик - қатик, сироп ва қора мурч(гармдори) бирикмасининг таъмига ўхшатадилар.

## Ўттиз тўртинчи боб.

### Садоқат лаззати

Содиқнинг қалбида жазавали муҳаббат туйғули юзага келадиган аниқ лаззатли туйғулар *вибхав* деб аталади. Ана шу туйғуларнинг сиртки аломатлари эса, *анубхав* деб аталади, масалан - қошларнинг ҳаракати, кўрқув, ҳайратланиш, кулги ва ҳоказо. Содиқда *вибхав* ва *анубхав* юзага келтирадиган ҳар хил сабаблар эса, *санчари-бхав* деб аталади.

Кришнанинг эрмакларини таърифловчи кўшиқларни эшитган ёки уларни саҳнада томоша қилган одамнинг қалбида Худога садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишнинг ҳар хил турлари уйғонади. Улар *вибхав*, *анубхав* ва *санчари-бхав*нинг ҳар хил кўринишларидан лаззатланадилар.

Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан покланмаган содиқлар *бхав* ва *анубхав*нинг илоҳий асарларда ёзилган таърифларини муҳокама қилмасликлари керак. Уларнинг барчаси - Парвардигорнинг илоҳий лаззатланиш қувватининг намоён бўлган кўринишларидир. Шунчаки тушунишга ҳаракат қилиш керакки, руҳий ҳаёт ўзаро муносабатларнинг соф муҳаббатга асосланган хилма-хил турларига бой. Муҳаббат асосида бўладиган муносабатларни ҳеч қачон моддий муносабатлар деб ҳисобламаслик керак. "Махобҳорат"("Удйамапарва")да "одам ўзи тушунмаган нарса ҳақида мулоҳаза юритмаслиги керак", деб ёзилган. Биз ҳозирги ҳолатимизда ҳақиқатан ҳам руҳий оламдаги ўзаро муносабатларни тушуниб етишга қодир эмасмиз. Озодликка эришган буюк руҳлар - Рупа Госвами ва бошқалар руҳий оламдаги илоҳий фаолиятни бизларга тасвирлаб беришга уринганлар, аммо, умуман олганда, ҳали бизлар бу соҳадаги фаолиятни англашга қодир эмасмиз. Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдаги муносабатларнинг табиатини фақат ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг лаззатланиш қуввати билан бевосита алоқа боғлангандан кейин англай олиш мумкин.

Бу ҳақда Шрила Рупа Госвами осмондаги булутларни мисол келтиради. Булут океандан кўтарилган сув буғларидан пайдо бўлади, ерга тушиб, яна сувга айланади ва яна океанга бориб қуйилади. Кришнанинг лаззатланиш қувватини океанга қиёслайдилар. Соф содиқ - ўзига лаззатни сингдириб олган булут, Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш қалбини тўлдирганида, у ўзининг марҳаматини ёмғир оқимларидай тўқа бошлайди - шу тарзда лаззатланиш қуввати яна Кришнанинг океанига қайтади.

Кришнага боғланганликнинг бевосита ва билвосита намоён бўлишлари.

Худога садоқат билан хизмат қилиш берадиган илоҳий лаззатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: Худога тўғридан тўғри садоқат билан хизмат қилиш лаззати ва бирор восита орқали, яъни билвосита садоқат билан хизмат қилиш лаззати. Худога бевосита садоқат билан хизмат қилишда беш илоҳий лаззат, (муносабат, раса) билвосита садоқат билан хизмат қилишда эса етти раса мавжуд. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бевосита туридаги муносабатлар: нейтрал, хизматкор, дўстлик, ота-она ва ошиқлар муносабати. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг билвосита туридаги муносабатлар: кулги, ачиниш(хамдардлик), ғазаб, олижаноблик, кўрқув, ҳайратланиш ва жирканиш. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўн икки турини ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири ўзига хос рангга бўялган: ок, ола-чипор, тўқ-сарик, қизил, очик-яшил, кулранг, сарик, оқишранг, тутунранг, пушти, қора ва тунд. Илоҳий муносабатларнинг ўн икки турига Парвардигорнинг намоён бўлган ўн икки қиёфаси маъсул: Капила, Мадхава, Упендра, Нрисимха, Нанда-нандана, Балорам, Курма, Калки, Рагхава, Бхаргава, Вараха ва Матсйа.

Жазавали муҳаббатдаги ўзаро муносабатларнинг ташқи аломатлари - қўлаб-қувватлаш, намоён бўлиш, тарқатиш, ўйчанлик ва ачиниш. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг характерини мана шу беш хил ташқи аломатнинг қайси бири намоён бўлишига қараб аниқлаш мумкин. Нейтрал муносабатда Худога садоқат билан хизмат қилишда қўллаб-қувватлаш намоён бўлади. Тарқатиш - олижаноблик муносабатларидаги садоқат билан хизмат қилишга хос аломат. Ҳамдардлик туйғусидаги садоқат билан хизмат қилиш - ўйчанлик билан сезилади. Ғазабланиш муносабати садоқат билан хизмат қилишда ачиниш намоён бўлади ва ҳоказо.

Баъзан, соф содиқнинг ҳолати садоқат билан хизмат қилишга энди киришган содиқнинг кўзига жуда ачинарли бўлиб кўриниши мумкин, аммо тажрибали содиқлар биладиларки, ана шундай “ачинарли” ҳолатга тушганида соф содиқ ҳақиқий лаззатланиб, илоҳий жазавда яшайди. Масалан, баъзан “Рамайана”ни одамлар жуда оғир, мусибатларга тўла ҳикоя деб атайдилар, лекин аслида ундай эмас. “Рамайана” Парвардигор Рамачандра тахтга ўтириши лозим бўлган куни отаси Уни ўрмонга сургун қилиши ҳақида ҳикоя қилади. Парвардигор Рамачандра кетгандан кейин кўп ўтмай Унинг отаси Шоҳ Дашаратҳа ҳалок бўлади. Ўрмонда Парвардигор Рамачандранинг хотинини Равана ўғирлаб кетади. Кейин буюк уруш бошланади. Сита-деви қутқариб олинганда, Равана ва унинг бутун уруғ-аймоғи қирилиб кетади. Уйига қайтиб келган Ситани оловдан ўтказиб синаб кўрадилар, бир неча кун ўтгандан кейин у яна ўрмонга сургун қилинади. “Рамайана”да ҳикоя қилинган воқеаларнинг ҳаммаси бир қараганда

фақат ғам-ғуссага тўладай туюлади, аслида эса бундай эмас. Акс ҳолда, Парвардигор Рамачандранинг буюк содиғи Хануман Парвардигор Рамачандранинг илоҳий фаолияти ҳикоя қилинган “Рамайана”ни ҳар куни ўқиб юрмаган бўларди. Гап шундаки, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқорида кўрсатилган ўн икки турининг хоҳлаган тури билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси илоҳий лаззатга тўла муносабатлардир.

Шунинг учун Шрила Рупа Госвами сохта таркидунёлик қилиб юрган, бефойда фалсафий фикрлашларга берилиб юрган ва Худога садоқат билан хизмат қилишга эътибор бермай юрган одамларга жуда ачинади. Ведавий маросимларга ёки шахсиятсиз Брахманга боғланиб қолган одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш лаззати нотанишдир. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами садоқат лаззатини тоғиб кўрган содиқларни огоҳлантириб айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилиш туйғусини бефойда фикрлашларга берилган, ҳар хил маросимларга боғланиб қолган ва шахсиятсиз Брахмандан паноҳ излаб юрган ана шундай одамлардан жуда эҳтиёт қилиб асраш лозим. Содиқлар ўзларига насиб этган илоҳий муҳаббатнинг бу бебаҳо неъматини, нодир тухфасини ўғри ва қароқчилардан авайлаб асраши лозим. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг соф содиқлари Худога садоқат билан хизмат қилишни, унинг ҳамма нозик томонларини ҳаммага бирдай, айниқса, сохта таркидунё қилиб юрган ва фалсафий фикрлашларга берилиб юрган одамларга таърифлаб беравермаслиги керак.

Худосизлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўз ҳаётига кўрсатадиган шарофатли таъсирини англай олмайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси улар учун бегона. Ҳақиқий садоқат шарбатининг лаззатини фақат Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бутунлай бағишлаган содиқларгина тоғишга муяссар бўладилар.

Агар содиқ Худога бўлган жазавали муҳаббат поғонасидан юқори кўтарилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юқори поғонага - Худога соф садоқат поғонасига кўтарилса, демак у ўзининг қалбини моддий иллатлардан тўла поклаган бўлади. Ҳаётининг ана шундай соф ҳолатида содиқ ҳақиқий садоқат лаззатидан баҳраманд бўлади, ана шу лаззатни тоғиб олиш қобилияти махсус терминда *раса* - “илоҳий ҳолат” деб аталади.

## Учинчи қисм Ўттиз бешинчи боб.

Худога муҳаббатнинг нейтрал тури.

Шрила Рупа Госвами чуқур эҳтиром билан Худонинг Олий Шахсига, хамиша ўзгармас бнқиёс гўзалликка эга бўлган, ҳамма соф содиқлар илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладиган Зотга чуқур эҳтиром билан илтижо қилади. "Бхакти-расамрита-синдху"нинг учинчи қисми Худога садоқат билан хизмат қилишдаги Парвардигор билан ўзаро биринчи беш турли муносабатни таърифлашга бағишланган: нейтрал, хизматкор ва хўжайин, дўстлик, ота-она ва фарзанд, ошиқлар. Парвардигор билан ўзаро муносабатларнинг мана шу беш тури бу қисмда батафсил таърифланган, шу боис, уларни қиёсий равишда садоқат уммони-нинг ғарбий қисмининг беш тўлқини деб айтадилар.

Ҳақиқатан ҳам илоҳий даражада мустаҳкам туришга қодир бўлган содиқни Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нейтрал поғонасига кўтарилган содиқ деб айтадилар. Баъзи буюк донишмандлар ана шундай нейтрал ҳолатга тавба-тазарру, риёзат ва муроқаба ёрдамида ўзларининг хиссиётини жиловлаш шарофати билан эришганлар. Ана шундай донишмандларни одатда сеҳргар-йоглар деб атайдилар, аксарият ҳолларда уларни Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз аспекти-ни англаш берадиган руҳий лаззат қизиқтиради. Улар амалда Парвардигор билан шахсан мулоқотда бўлишнинг илоҳий лаззатидан беҳабар одамлардир.

Аслида Парвардигор билан шахсан алоқада бўлишнинг илоҳий лаззати шахсиятсиз Браҳманни англаш лаззатидан бир неча марта устун туради, чунки бунда содиқ Парвардигор билан Унинг мангу қиёфаси билан бевосита алоқа қилади. Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш имперсоналистларга ўз-ўзидан, Парвардигор билан алоқада бўлишнинг илоҳий лаззатини бермайди, шунинг учун, Парвардигорнинг шахсан Ўзи Аржун билан суҳбат қилган "Бхагавад-гита"даги мавзулар имперсоналистларга илоҳий лаззат бермайди. Уларнинг Парвардигорга бўлган муносабатлари Парвардигорнинг шахсиятсиз аспектига асосланган. Шу боис улар содиқларнинг Парвардигорнинг шахс эканлигига асосланган Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатлар берадиган илоҳий лаззатдан маҳрум. Шунинг учун имперсоналистларнинг "Бхагавад-гита"га берган изоҳларини ўрганиш содиқлар учун жуда зарарли. "Бхагавад-гита"даги илоҳий лаззатни ўзлари ҳис қилишга қодир бўлмаган ҳолда улар "Бхагавад-гита"га ўзларича изоҳ беришга уринадилар. Аммо, агар имперсоналистлар соф содиқлар билан учрашсалар, баландроқ илоҳий поғонага кўтарилиш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун, буюк донишмандлар ҳам энг олий илоҳий лаззатни то-тиб кўришлари учун уларга эҳромда Илоҳларга сиғиниш тавсия этилади.

Арча-виграҳага, яъни Парвардигорнинг Илоҳи(мурти)га сажда қилмай туриб, "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" сингари асарларни

тушунишнинг иложи йўқ. Илоҳий нейтрал ҳолатга эришган донишмандлар аввало, Худонинг Олий Шахсининг тўрт қўллик қиёфаси - Парвардигор Вишнунинг паноҳига киришлари лозим. Шунинг учун *санкхья-йога* тизимини ишлаб чиққан Капила Муни сеҳргар-йогларга аввало Парвардигор Вишнунинг қиёфасига муроқаба қилишни тавсия этади. Афсуски, сеҳргар-йогларнинг кўплари бўшлиқка муроқаба қилишга ҳаракат қиладилар, бу эса, "Бхагавад-гита"да айтилишича жуда мушкул ва ҳеч қандай сезиларли натижа бермайди.

Риёзат ва тавба-тазаррулар орқали ўтиб, Парвардигор Вишнунинг тўрт қўллик қиёфасини кўриш имкониятига эришган буюк авлиёлар шундай дейдилар: "Парвардигорнинг бу тўртқўллик кўкимтир қиёфаси - ягона лаззат манбаи ва бизларнинг бутун ҳаётимиз кучимиз мужассам бўлган Зотдир. Бизлар Вишнунинг ана шу мангу қиёфасини кўрганимизда, бизларни ва бошқа кўплаган парамахамсаларни Парвардигорнинг илоҳий гўзаллиги дарров ўзига жалб этади". Парвардигор Вишнуга ана шундай муносабатда бўлиш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нейтрал муносабат поғонасидаги кўринишидир.

Имперсоналист фақат соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билангина *шантараса* ҳолатига эришиши мумкин, бунинг бошқа иложи йўқ. Худонинг соф содиғи билан ҳамсуҳбат бўла бошлаб, ўз билганича талқин қилмасдан Парвардигор Кришнанинг насиҳатларига камтарин кулоқ солиб, шахсиятсиз Браҳманни англаб етган озод рух Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нейтрал поғонасига кўтарилиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нейтрал поғонасида турган буюк шахсларга тўрт Кумар: Санака-кумара, Санатана-кумара, Санандана-кумара ва Санат-кумар яққол мисол бўла олади. Бу тўрт авлиё донишманд(уларни Чатух-сан деб ҳам атайдилар) Тангри Браҳманинг ўғилларидир. Улар дунёга келгандан кейин, отасининг оила қуриб, авлод қолдириб, Ер юзининг аҳоли сонини кўпайтиринг деган буйруғини рад этдилар. Улар авлиё-браҳмачарийлар ҳаёти билан яшашга, оилавий ҳаёт билан боғланиб қолмасдан ўзларининг ҳаётини бутунлай руҳий юксалишга бағишлашга қатъий қарор қилганини айтдилар. Шунинг учун ҳам улар миллион йиллар яшаган бўлишларига қарамай, ҳозир ҳам тўрт-беш ёшли болалардай кўринадилар. Уларнинг танасининг ранги очик, ўзидан илоҳий нур таратиб туради ва улар бутун коинот бўйлаб яланғоч сайр қилиб юрадилар. Бу тўрт авлиё донишманд деярли ҳеч қачон бир бирдан ажралмайди.

Ака-ука Кумарларнинг бир илтижосида шундай дейилган: "Эй азиз Муқунда, Мутлақ Ҳақиқатнинг Браҳман деб аталадиган шахсиятсиз кўриниши авлиё одамни фақат у Сенинг ёш *тамала* дарахти рангидаги илм ва лаззатга тўла мангу қиёфангни кўриш бахтига муяссар бўлгунга қадар ўзига жалб этиши мумкин".

"Бхакти-расамрита-синдху" авлиё одамнинг сифатларини куйидагича таърифлайди: "Рухий озодликка эришишга аниқ ишонч ҳосил қилиш учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи кифоя эканини тушунган одам "авлиё донишманд одам" деб аталади. У моддий олам тутқунлигидан халос бўлишга интилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча конун-қоидаларига амал қилиб яшайди.

Одатда авлиё одам шундай деб ўйлайди: "Қачон мен хилватда ёлғиз яшаш учун тоғдаги ғорга кета олар эканман? Қачон бор бисотим биргина белбоғ бўлиб қоладиган ҳолатга эришар эканман? Қачон тирикчилик қилиш учун менга озгина мева ва сабзавотнинг ўзи етарли бўлар экан? Қачон мен ҳамиша Брахманнинг ёғдусининг манбаи бўлган Муқунданинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшар эканман? Қачон бўлса ҳам мен, рухий юксалиш жараёнида, ҳаётимнинг куну-тунлари мангулик олдида арзимаган нарса эканини тўла тушуниб, англаб етадиган ҳолатга эриша олармиканман?"

Парвардигорнинг улуғворлигини шарафлаб, тарғибот қилиб юрган содиқлар ва рухий ўзлигини англаб етган руҳлар ҳамиша ўзларининг қалбида Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат туйғусини авайлаб асрайдилар, шунинг учун ҳамиша ана шу жазавали лаззат нурларида чўмилиб яшайдилар. Ана шундай одамларни авлиё одамлар деб атайдилар.

Авлиё одам ҳамиша ведаларни ўрганишга, айниқса Упанишадаларни ўрганишга, ҳамиша дунёвий ҳаёт ташвишларидан узокроқ юришга, Кришнанинг мангу киёфаси ҳақида фикр юритишга, Мутлақ Ҳақиқат билан боғлиқ ҳар қандай мавзунини муҳокама қилишга интилиб, ўзининг билимдонлиги билан бошқаларга таълим беришга, ҳамиша Парвардигорнинг фазовий-киёфасини (*вишва-рупа*) кўришга, билимдон содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлишга, ўзи сингари билимдон донишмандлар билан Ведалар илмини муҳокама қилишга интилиб яшайди. Авлиё одамнинг мана шундай сифатлари ва қобиляти унга Худога садоқат билан хизмат қилишда *шанта-раса* поғонасига кўтарилишда ёрдам беради.

"Бхакти-расамрита-синдху"да айтилганки, Тангри Брахма Ведаларни, жумладан Упанишадалар илмини ўргатган мажлисда иштирок этган одамларнинг барчасининг қалбини Йадавдалар сулоласининг сардори Парвардигор Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат туйғуси камраб олди. Аслини олганда Упанишадаларни ўрганишдан мақсад - Худонинг Олий Шахсини англаб етишдан иборат. Моддий ҳаётни инкор этиш - Упанишадаларда муҳокама этиладиган мавзуларнинг биттаси, холос. Рухий юксалишда кейинги қадам - Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Брахман аспектини англаб етишдан иборат. Фақат шундан сўнггина, шахсиятсиз Брахманни англаш поғонасидан ўтиб, Худонинг Олий Шахси билан мулоқотда бўлиш

даражасига кўтарилгандан кейин содиқ Упанишадаларни ўрганишнинг мақсадига эришади.

*Шанта-раса* даражасига эришган содиқларни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этилган *туласи* барглариининг ҳиди, Унинг илоҳий сурунининг овози, қайсидир тоғда жойлашган муқаддас саждагоҳнинг кўриниши ёки бирор ўрман манзараси, масалан Вриндаван ўрмонларидан бирининг манзараси, муқаддас саждагоҳларга зиёрат қилиш, Ганга оқиб ўтадиган жойларга бориш, тананинг эҳтиёжлари(уйқу, овқатланиш, жинсий алоқа ва ҳимояланиш)ни қондиришдан устун кўтарилиш, мангу замоннинг ҳамма нарсани яқсон қилувчи қудратини англаб етиш ва ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар билан мунтазам учрашиб туриш сингари илоҳий ишлар Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишда давом этишга ундайди. Буларнинг ҳаммаси авлиё одамнинг Парвардигор билан ўзаро *шанта-раса* муносабатида бўлиш даражасидан Худога садоқат билан хизмат қилишда юксакроқ даражага кўтарилишда ёрдам беради.

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(15.43) Санака-кумар бошлиқ тўрт авлиё ҳақида ҳикоя қилинади. Улар Парвардигорни кўриш учун рухий оламда жойлашган Ваикунтхалокага келдилар. Улар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилганларида, *туласи* барглари ва *шафран* ҳиди уларнинг бурнига бориб етиши билан, уларнинг онги ўзгарди. Гарчи бу тўрт авлиё ҳамиша шахсиятсиз Брахман ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрган бўлсалар ҳам, Парвардигорга яқинлашиш ҳамда туласи барглариининг муаттар ҳидини ҳидлаш уларнинг танасидаги тукларни хурпайишга мажбур қилди. Шундай қилиб, ҳатто шахсиятсиз Брахманни англаш даражасига кўтарилган одам ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлишни бошлаб, Парвардигорнинг шахсий киёфасининг ҳақиқатан ҳам мафтункор, жозибаторлигини англаб етадилар.

Худога садоқат билан хизмат қилишда *шанта-раса* даражасига етган буюк донишмандларда куйидаги аломатлар намоён бўлади. Уларнинг нигоҳи бурнининг учига қадалган, ўзларини худди авадхуталардай тутадилар. Ижтимоий, диний ва ведавий конун-қоидаларни инкор этадиган буюк сеҳргарларни авадхуталар деб атайдилар. Ундай одамларнинг яна бир белгиси шундан иборатки, улар ҳамиша гапга чечанлик, сўзамоллик билан бошқалардан ажралиб туришга интиладилар, бирор нарсани тушунтираётган пайтида катта бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бириктирадилар(ана шу ҳолат *жнана-мудра* деб аталади). Улар атеистларга қарши ҳам, Худонинг содиқларига қарши ҳам бирор нарса демайдилар. Асосий эътиборни улар рухий озодликка эришишга ва ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга боғланмасликка қаратадилар. Улар ҳамиша ҳамма

нарсага бефарқ, боғланмаган ва ўзларини бирор моддий нарсага киёсламайдилар. Улар ўзгармас жиддий ҳолатда юриб, ҳамиша Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрадилар. Мана шундай нодир сифатларнинг барчаси Парвардигор билан ўзаро муносабатларда илоҳий шанта-раса поғонасига кўтарилган содиқларда намоён бўлади.

Нигоҳини бурнининг учида мужассам қилишга келсак, бунга "Бхакти-расамрита-синдху"да келтирилган мисолни кўриш мумкин. Унда бир содиқ кайсидир йогнинг ҳолатини кузатиб, шундай дейди: "Бу буюк донишманднинг нигоҳи бурнининг учига қадалган эди. Бу унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг мангу киёфасини англаб етганидан далолат беради".

Баъзан шанта-раса поғонасига кўтарилган содиқнинг эснаётганини, чўзилаётганини, бошқаларга Худога садоқат билан хизмат қилишни маслаҳат бераётганини Илоҳлар олдида сажда қилаётганини, самимий илтижолар қилаётганини ва Парвардигорга бирор жисмоний хизмат қилишга интилаётганини кўриш мумкин. Парвардигор билан нейтрал муносабатларда бўлган содиқнинг умумий белгиларидан баъзилари шулар. Бир содиқнинг эснаётганини кўриб, бошқа бир содиқ унга шундай деди: "Эй сеҳргар, менимча, қалбингда Парвардигорга нисбатан муҳаббат ва садоқат ривожланиб, сени эснашга мажбур қилаётганга ўхшайди". Баъзан шанта-раса даражасига етган содиқ ерга юмалайди, танасининг туклари ҳурпаяди, бутун вужуди титрайди - жазавали муҳаббатнинг ҳар хил белгилари уларда шундай намоён бўлади.

"Бхакти-расамрита-синдху"да айтилганки, Парвардигор Кришна Ўзининг Панчаджанья сурини чалганида, тоғдаги ғорларда яшаётган буюк донишмандларнинг кўплари жазавали муруқаба ҳолатидан чиқиб, ҳушига келдилар ва танасидаги туклари тикка бўлганини кўрдилар. Баъзан шанта-раса даражасига эришган содиқлар ҳайратдан қотиб қоладилар, қувончдан яйраб кетадилар, фикр юритишга берилиб кетадилар, баъзан ўзгармас, хотиржам бўлиб қоладилар, баъзан эҳтиёткор, ўйчан ёки ташвишли, эпчил бўлиб қоладилар. Бу аломатларнинг ҳаммаси уларнинг ҳамиша жазавата юрганини, яъни туйғуларининг мустаҳкам эканидан далолат беради.

Бир буюк донишманд, ўзини англаб етган зот, Кришна Дваракада яшаган пайтда Уни кўролмай қолганидан қаттиқ афсусланади. Миясига келган бу фикр уни ҳайратдан қотиб қолишга мажбур қилди. У ўзининг бутун умри бекорга ўтганини англаб етган эди. Бошқача қилиб айтганда, у муруқабага берилиб ўтиргани сабабли Худонинг Олий Шахсининг Ўзи билан учрашиш имконидан маҳрум бўлганидан қаттиқ пушаймонда эди.

Фалсафий ақл юргизишлардан юқорироқ поғонага кўтарилиб, Брахманни аниқ англаб етган сеҳргар донишмандни ҳаёт ҳақидаги моддий та-

саввурлардан озод, илоҳий жазава ҳолатида юрган одам деб атайдилар. Ана шундай сеҳргар Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаганида танаси титраб кетади.

Брахмани англаб етган, ўзгармас жазава ҳолатига эришган содиқ Кришнанинг мангу киёфасини томоша қилганида унинг олаётган илоҳий лаззати миллион марта кучайиб кетади. Бир буюк донишманд иккинчисига шундай савол беради: "Дўстим, сен нима деб ўйлайсан, агар мен саккиз поғонали йогада камолотга эришсам, Худонинг Олий Шахсининг мангу киёфасини кўра оламанми?" Бу савол - Худога садоқат билан хизмат қилишда шанта-раса поғонасига кўтарилган содиқларга хос бўлган қизиқувчанликнинг намоён бўлишига мисол.

Қуёш тутилиши муносабати билан Курукшетра жанг майдонида Ўзининг жанг аравасида ўтирган Парвардигор Кришна, Унинг акаси Балорам, синглиси Субҳадра пайдо бўлганида, у ерга жуда кўп сеҳргар-йоглар ҳам тўпланган эдилар. Парвардигор Кришна ва Балорамни кўриб, сеҳргар-йоглар ҳайратга тушдилар ва Парвардигор Кришнанинг илоҳий танасидан таралаётган ёғду уларни шахсиятсиз Брахманни англашдан олаётган лаззатини бутунлай унутиб юборишга мажбур қилганини айтдилар. Шу сеҳргарлардан бири Кришнага яқинлашиб, шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сен ҳамиша ўзликни англашнинг ҳеч бир поғонасида топилмайдиган илоҳий лаззатга тўласан. Шунинг учун шахсиятсиз Брахманни англаш лаззатида бўлишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ эканини англаб етишим учун Сенинг жамолингни узокдан бир бор кўришимнинг ўзи етарли бўлди".

Кришнанинг сури, Панчажаньянинг овози бир буюк сеҳргарни муруқабадан чиқариб юборганида, у шунчалик ҳайратга тушдики, жазава билан бошини ерга ура бошлади. Унинг кўзлари жазавали муҳаббат кўз ёшларига тўлди ва у ўзи шуғулланиб юрган йога усулининг барча қонунқоидаларини бузиб юборди. Шу тариқа у бир минут ҳам иккиланмасдан шахсиятсиз Брахманни англашга интилишдан юз ўгирди.

"Кришна-карнамрита"да Билвамангала Тхакур шундай дейди: "Имперсоналистлар шахсиятсиз Брахманга сиғиниб, илоҳиёт илмини ўрганиб юрверсинлар. Бир пайтлар мен ҳам шу йўлдан бораётган эдим, аммо мени бир шўх бузоқи, айёр ва гопиларга қаттиқ боғланган болакай мени Ўзининг хизматкори қилиб йўлдан адатирди. Энди мен шахсиятсиз Брахманни англаш йўлини бутунлай унутиб юбордим".

Билвамангала Тхакур имперсоналистлар мактабида фотиҳа олган бўлиб, шахсиятсиз Брахманни, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишини англашга интиларди. Аммо, кейин Вриндаванда

Кришнани учратиб қолиб, улуғвор вайшнав бўлиб етишди. Парвардигорнинг марҳамати билан

шахсиятсиз Браҳманни англашга интилишни тарк этиб, Худога садоқат билан хизмат қилишга киришган Шукадева Госвामининг тақдири ҳам шундай бўлган.

Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз аспекти рад этиб, ўзларининг ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Шукадева Госвами ва Билвамангала Тхакур - Парвардигор билан шанта-раса муносабатида бўлган содиқларга яққол миол бўла оладилар. Баъзи мўътабар зотларнинг фикрига кўра, бундай ҳолат илоҳий лаззатли ҳолатлар, расалар тоифасига кирмайди, аммо Шрила Рупа Госвами айтадики, ҳатто шундай бўлса ҳам, барибир тан олиш керакки, бундай ҳолат содиқнинг Худога садоқат билан хизмат қилишга кириша бошлаганини билдиради. Лекин, содиқ барибир Парвардигорга ҳақиқий садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилмаса, уни садоқат билан хизмат қилишда илоҳий расага эришмаган деб ҳисоблаш керак. Бу ерда "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғидан Парвардигор Кришнаниннг Ўзи Уддхавага айтган гапларни келтириш мумкин: "Ақли Менинг шахсий киёфамда мужассам бўлган содиқни Мен билан шанта-раса муносабатидаги содиқ дейиш мумкин, токи одам ана шу поғонага кўтарилмас экан, Менга соф садоқат билан хизмат қилишга эришиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас". Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бўлмаса шанта-раса даражасига эришмай туриб, ҳеч ким Худонинг Олий Шаҳси билан бевосита мулоқот қилолмайди.

## Ўттиз олтинчи боб.

### Илоҳий боғланганлик(хизмат қилиш).

Баъзи мўътабар зотлар, хусусан Шридхари Свами Парвардигор билан ўзаро илоҳий боғланганлик(хизмат қилиш) расасини Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мукамал поғонаси деб ҳисоблайди. Бу поғона нейтрал муносабатлардан кейин келади ва одамнинг қалбида садоқат билан хизмат қилиш туйғусини уйғотиш учун бу поғонага кўтарилиш зарурий шарт ҳисобланади. "Нама-каууди"да бундай ҳолат Кришнага ҳамиша, ўзгармас боғланганлик деб аталади. Бошқа мўътабар зотлар, масалан Шукадева Госвами Кришнага боғланганликни шанта-раса поғонасининг бир қисми деб қарайди. Ҳар ҳолда, Кришна билан ҳар хил илоҳий муносабатларда бўлган содиқларнинг барчаси қалбида Кришнага боғланиш туйғусини ҳис қиладилар. Шунинг учун бу ҳолат ҳар қандай вазиятда ҳам бир хилда, Кришнага боғланганлик ёки Кришнага қисман боғланганлик деб аталади.

Кришна билан хўжайин-хизматкор муносабатида бўлган содиқлар Кришнага нисбатан кўрқинчли эҳтиром аралаш боғланганлик ҳис қиладилар. Кришнага эҳтиром аралаш боғланиш Гокула(ерда намоён бўлган Вриндаван)да яшовчи баъзи содиқларда ҳам намоён бўлган. Баъзан улар

шундай дейдилар: "Танасининг ранги қора булутни эслатувчи Кришнани биз ҳамиша кўриб юрамиз. Нилуфар қўлларида У Ўзининг сеvimли сеҳрли найини ушлаб юради. У сарик ипак либослар кийиб олган, бошини эса чиройли товус пати безаб турибди. Кришна Говардхана тоғи ёнида сайр қилиб юрганида жаннатдаги барча сайёраларнинг ва Ер сайёрасининг барча аҳолиси илоҳий лаззатга кўмилади, уларнинг барчаси ўзларини Парвардигорнинг мангу хизматкорлари деб ҳисоблайдилар". Баъзан худди Кришнага ўхшатиб кийинтирилган, танаси ҳам худди Кришнаникидай бўлган Вишнунинг тасвирини кўрганларида кўпчилик содиқлар ҳам қалбида худди шундай эҳтиром, тавозе ҳис қиладилар. Уларнинг орасидаги ягона фарқ - Вишнунинг тўрт қўли бўлиб, уларда сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб олган. Парвардигор Вишну ҳамиша қимматбаҳо маржонлар билан безанган: *чандраканта*, *сурйаканта* ва ҳоказо.

Шрила Рупа Госвामининг "Лалитамадхава"сида Кришнаниннг хизматкорларидан бири Дарука шундай дейди: "Гап йўқ, Парвардигор Вишну Ўзининг бекиёс гўзал тақинчоқлари, *каустубҳа* тошидан қилинган маржони билан, Ўзининг тўрт қўлида ушлаб турган сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули билан таърифлаб бўлмас даражада гўзал. У Гаруданиннг елкасида Ўзининг мангу ўриндиғида ўтирган пайтда ҳам жуда гўзал кўринади. Аммо, ана шу Парвардигор Вишну энди Камсаниннг душмани киёфасига кириб олган. Унинг шу киёфасини кўриб, мен Ваикунтҳаниннг барча бойликларини бутунлай унутиб юбораман".

Бошқа бир содиқ шундай дейди: "Худонинг Олий Шаҳси, тана терисининг тешикларидан ҳамма вақт миллионлаган коинотлар чиқиб турадиган, англаб бўлмас қувватларнинг эгаси бўлган, ҳамиша барча мукамалликларга тўла эга бўлган, барча озод руҳларни Ўзига маҳлиё этадиган, марҳамат уммони бўлган ва намоён бўлган барча киёфаларнинг манбаи бўлган ана шу Худонинг Олий Шаҳси энг олий ҳукмдор ва ҳамма сиғиниши лозим бўлган Зотдир. У буқилмас, ҳамма нарсани билувчи, барча бойлиқлар соҳиби, кечиримлилик тимсоли ва ўзини Унга топширган зотларни ҳимоя қилади, сахий, ваъдасига вафодор, эпчил, ҳаммага фақат яхшилик, саодат келтирадиган, қудратли ва тақводордир. У ҳеч қачон муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларидан четга чиқмайди ва барча содиқларнинг яқин дўсти ҳисобланади. У олижаноб, бошқаларга Ўз таъсирини ўтказадиган, миннатдор, хурмат-эҳтиром қилишга муносиб, ғайритабиий қудратга эга ва соф муҳаббат олдида бош эгмай туролмайди. У - Унга хизматкорнинг ўз хўжайинига бўлган соф муҳаббати билан боғланган содиқларнинг шубҳасиз ягона нажоткоридир".

Парвардигорга хизматкор сифатида боғланган содиқларнинг тўрт тоифаси мавжуд: 1. Тайинланган хизматкорлар(моддий табиатнинг эҳтирос ва



гафлат гунасини бошқариш учун тайинланган Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари). 2. Парвардигорнинг ҳимояси остида бўлган содиқ-хизматкорлар. 3. Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари орасидаги хизматкорлар. 4. Ҳамиша Парвардигор билан бирга юрадиган хизматкорлар.

### Тайинланган хизматкорлар

Кришнанинг хотинларидан бири Жамбавати, дугонаси Калинди билан бўлган суҳбатда шундай деб савол берди:

- Бизнинг Кришнанинг атрофида айланиб юрган ким?

- Амбика, коинотдаги ҳамма ишларни бошқарувчи, - жавоб берди Калинди.

Жамбавати яна савол берди:

- Кришнани кўрганда титраб кетаётган ким?

- Тангри Шива - жавоб берди Калинди.

- Унга илтижо қилаётган ким? - сўради Жамбавати.

- Тангри Брахма, - жавоб берди Калинди.

- Кришнага эҳтиром кўрсатиб, сажда қилиб ерга йиқилган ким? - сўради Жамбавати.

- Индра, жаннатлар шоҳи. - деди Калинди.

- Бу ерга фаришталар билан бирга келиб, улар билан бирга кулиб турган ким? - сўради Жамбавати.

- Менинг акам Йамараж, ажал фариштаси. - деб жавоб берди Калинди.

Бу суҳбатда Парвардигор ҳар хил хизматлар буюриб қўйган фаришталар кўрсатилган. Уларни *адхикрита-девата* - ҳар хил фаолият соҳаларига маъсул фаришталар деб атайдилар.

### Парвардигорнинг паноҳи остидаги содиқлар

Вриндаванда яшайдиган содиқлардан бири Кришнага шундай деган эди: "Азизим Кришна, эй Вриндаваннинг қувончи! Бу моддий дунёда тирикчилик ташвишларидан кўрқиб, бизлар Сенинг паноҳинг остига кирдик, чунки фақат Сен билангина бизлар ўзимизни барча хавф-хатарлардан бутунлай беҳатар сеза оламиз. Бизлар Сенинг улуғворлигини яхши биламиз, шунинг учун озодликка чиқиш истагидан воз кечиб, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топдик. Бизлар Сенинг ҳамиша кучайиб борадиган илоҳий муҳаббатинг ҳақида кўп эшитдик ва ўз хоҳишимиз билан Сенга илоҳий хизмат қилиш йўлига кирдик!" Бу гаплар Парвардигор Кришнанинг паноҳи остига кирган содиқнинг гапларидир.

Йамуна сувларида яшайдиган захарли қора илон Калия бошига тушган Кришнанинг кучли тепкилари остида ўзига келди ва шундай деди: "Эй азиз Худойим, менинг қўполлигим ва Сени шунча ҳақорат қилганимга қарамай, чексиз меҳрибонлик кўрсатиб, Сен менинг бошимда

Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойи изларини қолдирдинг". Бу - Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топишнинг яна бир йўли.

"Апарадха-бханджана"да Худонинг соф содиғи ўзининг ички туйғуларини шундай изҳор этади: "Эй азиз Худойим, Сенинг олдинда тан олишдан қаттиқ уяламан, аммо мен шу пайтгача ўзимнинг ҳукмдорларим - эҳтирос, ғазаб, очкўзлик, алданиш ва ҳасадларнинг барча айтганларини сўзсиз бажариб келдим, баъзан уларнинг айтганларини жуда бемаъни, ножўя йўллар билан амалга ошираддим. Лекин, мен уларга қанчалик ишонч ва садоқат билан хизмат қилмайин, мен уларни ёки сира қаноатлантира олмадим, ёки уларни мени тинч қўйишларига қўндира олмадим. Менинг кўрсатаётган хизматим қанчалик пасткаш бўлмасин, улар мендан ҳар қандай хизматимни қабул қилишга ор қилмайдилар. Эй азиз Худойим, эй Йадавалар сулоласининг сардори, ниҳоят мен ўзимни англаб олдим, шунинг учун Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгаман. Илтимос, мени Ўзингга хизмат қилиш билан машғул қил!" Бу - содиқнинг қандай қилиб ўз ихтиёрини Кришнага топшириши ва Унинг нилуфар қадамлари пойи паноҳи остига киришига мисол.

Ведавайи муқаддас китобларда, аввалига фалсафий фикрлашлар йўлидан бориб, озодликка чиқишга интилган, кейин ўзини бутунлай Кришнанинг ихтиёрига топшириш учун бу йўлдан қайтган одамлар ҳақида жуда кўп мисоллар бор. Наимишаранья ўрмонидаги Шаунака риши бошлиқ браҳманлар бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин. Мўътабар олимларнинг айтишларига кўра улар мукамал илмга эга бўлган донишманд содиқлар эдилар. "Хари-бхакти-судходайа"да уларнинг номидан Сута Госвамига мурожаат қилиб айтилган Шаунака Ришининг гаплари келтирилган: "Эй буюк зот, бошқа барча одамлар сингари бизлар ҳам бу дунёдаги тирик мавжудотларга хос бўлган нуқсонларга тўламыз. Аммо бизлар сен билан Худонинг Олий Шахси ҳақида суҳбатлашгандан кейин, ўзларимизнинг аввалги озодликка чиқишга бўлган истакларимиздан уялиб кетяпмиз. Бу ҳақиқатан ҳам мўъжиза эмасми?"

"Падйавали"да содиқлардан бири шундай дейди: "Фалсафий фикрлашлар ёрдамида руҳий ўзлигини англаб олишга интилишга боғланиб қолган, олий ҳақиқатга муҳофаза йўли билан эришиб бўлмайдиган қарорга келиб юрган ва шу боис эзгулик гунасида юрган одамлар ўз ишлари билан тинчгина шуғулланиб юраверсинлар. Бизлар таърифлаб бўлмайдиган гўзалликка эга, танасининг ранги ёмғирли булутни эслатадиган, тенгсиз мафтункор, чиройли кўзлари нилуфар гулини эслатадиган, сариқ либосларга ўранган Худонинг Олий Шахсига боғланганмиз.

Бизларнинг ягона истагимиз - фақат Унга муруқабат қилиш.

Руҳий ўзликни англашга энди киришиб, Худога садоқат билан хизмат қилишга боғланган содиқларни *сева-ништха* деб атайдилар. *Сева-ништха* сўзининг аниқ таржимаси - “садоқат билан хизмат қилишга боғланган” деган маънони билдиради. Ана шундай содиқларга Тангри Шива, шоҳ Индра, шоҳ Бахулашва, шоҳ Икшваку, Шрутадева ва Пундарика энг яхши мисол бўла оладилар. Бир содиқ шундай дейди: “Эй азиз Худойим, Сенинг илоҳий сифатларинг ҳатто озодликка чиққан руҳларни ҳам ўзига маҳлиё этиб, уларни чарчамасдан Сенинг кароматларингни шарафлаб куйлаб юрган соф содиқларинг даврасига олиб келади. Сени улуғловчи мадҳиялар ҳатто хилватда ёлғиз яшашга ўрганган буюк донишмандларни ҳам ўзига жалб этади. Сенинг мана шу илоҳий сифатларингни кўриб, мен ҳам Сенинг олдинда жим туролмадим ва ўзимнинг бутун ҳаётимни Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлашга қарор қилдим”.

## Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари

Дваракада Кришнанинг яқин ҳамроҳлари даврасига куйидаги содиқлар кирилади: Уддхава, Дарука, Сатйаки, Шрутадева, Шатруджит, Нанда, Упананда ва Бхадра. Улар Парвардигорнинг ёрдамчи-котиблари вазифасини бажарадилар, баъзида шахсий хизмат ҳам кўрсатадилар. Курулар авлодидан Парвардигор Кришнанинг яқин ҳамроҳлари - Бхишма, Махараж Парикшит ва Видура. Уларни шундай таърифлайдилар: “Парвардигор Кришнага яқин бўлган одамларнинг таналари ўздан нур таратиб туради, кўзлари нилуфар гулини эслатади. Уларнинг кудрати фаришталарникидан ҳам кучли, уларнинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, улар ҳамиша қимматбаҳо тақинчоқлар билан безанган бўладилар”.

Парвардигор Кришна пойтахт шаҳар Индрапрастхада бўлганида Унга шундай деб хабар бердилар: “Эй Парвардигор, Сенинг Уддхава бошлиқ хизматкорларинг Сенинг амрингни кутиб, Двараканинг бош дарвозаси олдида шай турадилар. Улар ёшдан намланган кўзлари билан Сенга қараб турадилар, уларнинг Сенга хизмат қилишга бўлган иштиёқлари шу қадар кучлики, улар ҳатто охир замон келганда Тангри Шива чиқарадиган даҳшатли оловдан ҳам кўркмайдилар. Улар Сенга ўзларини бутунлай топшириб қўйган бахтиёр руҳлардир”.

Парвардигор Кришнанинг яқин ҳамроҳларидан энг яхшиси Уддхава, уни шундай таърифлайдилар: “Унинг танасининг ранги худди Йамуна дарёси сувининг рангидай қора, танаси ҳам шу сувдай салқин. У ҳамиша аввал Кришна осган гулчамбарларни осиб юради, ипақдан тикилган

сарик либосларга ўраниб юради. Унинг қўллари узун, кўзлари нилуфарсимон. У Парвардигор Кришнанинг энг яқин ҳамроҳларидан бири. Уддхаванинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилайлик”.

Уддхава Шри Кришнанинг илоҳий сифатларини шундай таърифлайди: “Парвардигор Шри Кришна, бизларнинг ҳукмдоримиз, Тангри Шива, Тангри Брахма ва бутун олам аҳли сиғинадиган Зот ҳамиша итоаткорлик билан бобоси Уграсенанинг амрини бажаришга ҳозир туради. У миллионлаган коинотларнинг эгаси, шунга қарамай, У океандан озгина куруклик майдони сўрайди. Унинг ўзи донишмандлик уммонига ўхшайди, шунга қарамай баъзан маслаҳат сўраб менга муурожаат қилади. У буюк ва меҳрибон, аммо бу оламда ўзининг вазифаларини худди оддий одамлардай бажариб юради”.

Парвардигорнинг мангу ҳамроҳлари.

Ҳамиша Парвардигорга шахсий хизмат кўрсатиб юрган содиқларни анугалар, Парвардигорнинг ҳамроҳлари деб атайдилар. Сучандра, Мандана, Стамба ва Сутамба ана шундай хизматкорлардир. Улар Дваракада яшайдилар, улар ҳам худди Парвардигорнинг бошқа яқин ҳамроҳлари сингари либос кийиб, тақинчоқлар тақиб юрадилар. Анугаларга Парвардигор буюрадиган ишлар турлича бўлиши мумкин. Мандана ҳамиша Парвардигор Кришнанинг боши устида соябон тутиб юради. Сучандра Уни оқ чамара билан елпиб юради. Сутамба Унга бетелр ёнғоғи бериб туради. Уларнинг ҳаммаси Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиб юрган буюк содиқлар ҳисобланади.

Анугалар фақат Дваракада эмас, Вриндаванда ҳам бор. Вриндавандаги анугалар - Рактака, Патрака, Патри, Мадхукантха, Мадхуврата, Расала, Сувиласа, Премаканда, Марандака, Ананда, Чандрахаса, Пайода, Бакула, Расада ва Шарада.

Вриндавандаги анугаларнинг ташқи кўринишини шундай таърифлайдилар: “Махараж Нанданинг ўғлининг мангу ҳамроҳлари олдида чуқур эҳтиром билан бош эгайлик. Улар ҳеч қачон Вриндаванни тарк этмайдилар, уларнинг таналари олтин билагузук ва марварид иплар билан безанган. Уларнинг таналарининг ранги қора қоғоғариларни ва олтин ойни эслатади. Уларнинг либослари қоматларининг гўзаллигини билдириб туради. Уларнинг кундалиқ вазифаларини Йашода онанинг уларни қистаб айтган гапларидан билиб олса бўлади: “Бакула, Кришнанинг сарик либосини тозала! Варика, ювиниш учун қўйилган сувга *агура* мойидан қўш. Сен эса, Расала, бетелр ёнғоғи тайёрла. Қаранглар, Кришна яқинлашиб қолди. Ўтлоқдан қайтиб келаётган сигирлар кўтараётган чанг кўзга кўриниб турибди, демак ҳозир улар келиб қоладилар”.

Анугаларнинг энг асосийси Рактака. Уни шундай таърифлайдилар: “У сарик либос кийиб юради, танасининг ранги ёш кўкат рангида. У ажойиб

кўшиқлар айтади ва ҳамиша Мажараж Нанданинг ўғлига хизмат қилиб юради. Бизлар ҳам Парвардигор Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда Рактакадан ўрнатилган олайлик!” Рактаканинг Парвардигор Кришнага қандай боғланган эканини унинг Расадага айтган гапларидан билиб олиш мумкин: “Менга қара! Бундан кейин мен ҳамиша энди, Говардхана тоғини кўтарган(Гири-Говардхана) деб шуҳрат қозонган Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишда банд бўлишимнинг чорасини кўр!”

Парвардигор Кришнага шахсий хизмат кўрсатадиган содиқлар ҳамиша жуда эҳтиёткор бўладилар, чунки улар ҳар ким ҳам Парвардигор Кришнанинг шахсий хизматкори бўла олмаслигини яхши биладилар. Ҳатто Парвардигорга хизмат қилиб юрган чумолига нисбатан ҳурмат билдирган киши ҳам мангу бахтга эришади, шундай экан, бевосита Парвардигорнинг Ўзига шахсий хизмат қилиб юрган зотлар ҳақида нима дейиш мумкин? Рактака бир куни ўзи ҳақида шундай мулоҳазаларга борганди: “Фақат Кришнанинг Ўзи эмас, Унинг дугоналари, гопилар ҳам мен хизмат қилишим ва сажда қилишим лозим бўлган зотлардир. Гопилар ҳам гапми, мен

Парвардигор Кришнага хизмат қилиб юрган ҳар бир тирик мавжудотга сажда қилишга тайёрман. Мен Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари ва содиқларидан бири бўлганимдан мағрурланиб кетмаслигим учун жуда эҳтиёт бўлишим лозимлигини яхши тушунаман”. Бу гаплардан билиб оламизки, Парвардигорга яқиндан бевосита шахсий хизмат қилиб юрган содиқларнинг барчаси ҳамиша эҳтиёткор ва ҳеч қачон ўзларининг хизмати билан мағрурланмайдилар.

Хизматкорнинг Кришнага, ўзи хизмат қилиб юрган Зотга бўлган ана шундай муносабати *дхурийа* деб аталади. Парвардигорнинг яқин ҳамроҳларини батафсил ўрганиб, Шрила Рупа Госвами уларни уч тоифага бўлади: *дхурийа*, *дхира* ва *вира*. Рактака дхурийа тоифасига, яъни Кришнанинг суюкли содиқларига, гопиларга хизмат қилишга тайёр содиқ хизматкорлар тоифасига киради.

Дхира тоифасига Кришнанинг хотини Сатйбхама, Дварака маликаларидан бирининг энагасининг ўғли киради. Сатйабхама Кришнага эрга чиққанида, энагасининг ўғлига ҳам унинг ёнида қолишга рухсат берган эдилар, чунки улар ёшлигидан худди ака-сингиллардай бирга яшардилар. Ана шу бола Кришнанинг қайноғаси сифатида улар билан бирга яшай бошлади, баъзан қайноғаси сифатида у Кришна билан ҳазиллашишга ҳам журъат этарди. Бир куни у Кришнга шундай деди: “Азизим Кришна, мен ҳеч қачон Сенинг хотининг бўлган раванқ фариштасининг марҳаматига эришишга интилмаганман. Лекин шунга қарамай мен ҳаётда жуда омадлиман - мен Сенинг оилангнинг аъзоси, хотининг Сатйабхаманинг оғаси ҳисобланаман”.

Кришнанинг вира тоифасига кирадиган содиқ хизматкорларидан бири ўзининг мағрурлигини куйидагича ифодалаган эди: “Парвардигор Баладева иблис Праламбасура билан истаганча душманлик қилиши мумкин, менинг Ундан кўрқадиган жойим йўқ. Прадйумна эса, ҳали ёш бола, менга ундан ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Шунинг учун мен ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмайман. Менинг ҳаётда ҳамиша кутиб юрадиган нарсам - Кришнанинг марҳамат тўла нигоҳи, шунинг учун менга ҳатто Унинг учун жуда азиз бўлган Сатйабхама ҳам кўрқинчли эмас”.

"Шримад Бхагаватам"нинг тўртинчи кўшиғида(20.28) шоҳ Притху Парвардигорга мурожаат қилиб шундай дейди: "Эй азиз Худойим, шундай бўлиши мумкинки, раванқ фариштаси менинг хизматларимдан норози бўлиши ёки у билан келишмай қолишимиз мумкин, лекин агар шундай ҳол юз берса, мен бундан қаттиқ қийналиб ўтирмайман. Чунки ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топшиганман. Сен ҳамиша Ўзингнинг хизматкорларингга жуда меҳрибон ва марҳаматлисан, уларнинг ҳатто жуда арзимаган хизматларини ҳам юқори баҳолаб қабул қиласан. Шунинг учун менинг хизматим ҳатто умуман Сенга ёқмаса ҳам, Сен менинг шу арзимаган хизматларимни албатта қабул қилишингга мен аниқ ишонаман. Эй азиз Худойим, Сен ҳамиша Ўзингга тўла бутунсан. Сен ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмай, Ўзинг хоҳлаган барча ишни қили оласан. Шунинг учун агар ҳатто раванқ фариштаси мендан норози бўлса ҳам, Сен барибир менинг хизматларимни албатта қабул қиласан!”

Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга боғланган содиқлар орасида ўзини Худога топширган руҳлар ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган руҳлар ҳам, Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлган содиқлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай содиқларни мос равишда тажрибасиз содиқлар, комил содиқлар ва мангу садоқатли содиқлар деб атайдилар.

## Ўттиз еттинчи боб.

### Кришнага садоқат билан хизмат қилишга рағбатлантирувчи омиллар.

Кришнанинг беسابаб марҳамати, Унинг нилуфар қадамлари пойининг гарди, Унинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш - одамни Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга рағбатлантирувчи омиллардан баъзилари шулар ҳисобланади.

Курулар бобокалони Бхишманинг ўлим тўшаги олдида пайдо бўлиб, Кришна унга Ўзининг беسابаб марҳаматини кўрсатди. Курукшетрадаги жанг майдонида Аржуннинг бобоси Бхишмадева бу ўткинчи дунёни тарк этишга ҳозирланиб, танасига санчилган пайконлар тўшаги

устид а ётарди. Парвардигор Кришна, Махараж Юдхистхира ва бошқа пандузодалар унинг олдига келдилар, бунинг учун Бхишмадева Парвардигор Кришнадан жуда миннатдор бўлди. У брахманлашкарбоши Крипачарйага мурожаат қилди: “Азизим Крипачарйа, кара, Кришнанинг бесабаб марҳамати қанчалик чексиз! Мен одамларнинг ичида энг пасткашиман. Менинг ҳаётда қилган бирор эзгу, савоб ишим йўқ. Мен Кришнанинг энг яқин дўсти Аржун билан жанг қилдим, ҳатто уни ўлдиришга ҳам қанча уриндим! Лекин шунда ҳам, Парвардигор шунчалик марҳаматлики, менинг шунча гуноҳларимга қарамай, ажал тўшагида ётган жойимга шахсан Ўзи ташриф буюрибди. Барча буюк донишмандлар Унга сажда қиладилар, шунга қарамай, Ўзининг чексиз марҳамати билан У мендай бир пасткаш одам билан хайрлашиш учун шахсан Ўзи келибди”.

Баъзан содиқнинг қалбида Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат туйғусини Кришнанинг найчалиши, Унинг сурининг овози, Унинг табассуми, ерда қолган Унинг оёқ излари, Унинг танасидан таралаётган муаттар ҳид ва осмонда эндигина пайдо бўлган булут ҳам уйғотиши мумкин.

"Видагдха-мадхава"да шундай дейилган: "Кришна Ўзининг найини чалганида Баладева ҳаяжонланиб, шундай деди: “Унга қаранглар, Кришнанинг найининг илоҳий овозларини эшитган заҳоти жаннатдаги ўзининг самовий салтанатида шох Индра йиғлай бошлади! Унинг ерга томаётган кўз ёшларидан Вриндаван ҳам фаришталарнинг жаннатдаги даргоҳларига ўхшаб кетди”.

Кришнага нисбатан анубхава деб аталадиган жазавали муҳаббатнинг аломатлари куйидагилардир: анубхава поғонасига кўтарилган содиқ Унинг барча буйруқларини сўзсиз бажарган ҳолда, фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланади; Парвардигорга илоҳий хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаб, ундай одам ҳар қандай ташвиш ва ҳасад туйғуларидан покланади. У Парвардигорга чуқур иймон билан самимий хизмат қилиб юрган содиқлар билан дўстлашади. Бу аломатларнинг барчаси - анубхава, жазавали муҳаббат деб аталади.

Анубхаванинг биричи белгиси - қандайдир маълум бир хизмат тури билан ҳамиша банд бўлиш. Бунга ҳамиша Кришнани *чамара* билан елпиб юрадиган Дарука мисол бўлиши мумкин. Бир куни, Кришнани елпиб турар экан, Дарука ўз ўзидан қалбида жазавали муҳаббат туйғуси уйғонганини сизди, дарров унинг танасида жазавали муҳаббатнинг барча аломатлари намоён бўла бошлади. Аммо у ўзининг хизматига шунчалик жиддий эътибор берар эдики, хизмат қилишимга халақит беради деб, жазавали муҳаббатнинг бу аломатларини босиб қўйди. У ўз истагига қарши, табиий равишда пайдо бўладиган жазаванинг бундай аломатларига унчалик эътибор бермас эди.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(86.38) Ҳиндистоннинг шимолида жой-

лашган Митхила давлатида яшовчи брахман Шрутадева ҳақида ҳикоя бор. Кришнага кўзи тушган заҳоти уни шундай кучли жазавали муҳаббат туйғуси қамраб олдики, у Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиб, дарров ўрнидан сакраб туриб, қўлларини осмонга кўтариб рақсга туша бошлади.

Бир содиқ Кришнага шундай деб мурожаат қилган эди: “Эй азиз Худойим, гарчи Сенинг касбинг раққос бўлмаса ҳам, Сен Ўзининг рақсга тушишинг билан бизларни шунчалик хайратга солдингки, оламда Сенга тенг келадиган раққос йўқлигига бизларда заррача гумон қолмади. Сен рақсга тушишни севги фариштасининг ўзидан ўрганган бўлсанг керак!” Жазавали муҳаббат таъсири остида рақсга туша бошлайдиган содиқларда *самтвика* деб аталадиган аломатлар пайдо бўла бошлади. *Самтвика* ибораси бу аломатларнинг илоҳий табиатга эга эканидан далолат беради. Уларни моддий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши деб қабул қилмаслик керак. Улар бевосита рухнинг ўзидан чиқаётган туйғулардир.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(85-38) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга Бали Махаражнинг бутун бисотини Парвардигорга бериб, Унинг нилуфар қадамлари пойига йиқилгани ва уларни қандай бағрига босгани ҳақида гапириб беради. Қалби қувончга тўлганидан у жазавали муҳаббатнинг барча аломатларини намоён этган эди: унинг кўзлари ёшга тўлган, овози титрар эди.

Жазавали муҳаббат шундай намоён бўлганда бошқа иккинчи даражали аломатлар ҳам юзага келади: яйраб кетиш, сўлиш, жим қолиш, алам қилиш, тундлик, қўрқинчли эҳтирос, ўйчанлик, хотирага берилиш, катъиятсизлик, ўзига ишонч, чидамсизлик, бефарқлик, серташвишлик, дадиллик, уялиш, ҳаракатсизлик, сохта ҳиссиётлар, телбалик, жирканиш, томошабинлик, хаёлпарастлик, касалланиш ва жонсизланиш. Кришна билан юзма-юз учрашганда содиқда яйраш, мағрурлик, катъият аломатлари юзага келади, Кришнадан айрилиш эса, содиқда жирканиш, касаллик ва жонсизланиш аломатларини юзага келтиради.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(11.5) айтилганки, Курукшетрадаги жанг тугагандан кейин, Кришна Дваракадаги уйига қайтиб келди, у ердаги аҳолининг ҳар бири, худди узоқ сафардан қайтиб келган отасининг атрофини ўраб олгандай, Кришна билан жонланиб суҳбатлаша бошладилар. Бу Кришна билан учрашганда содиқларда яйраш аломатларининг юзага келишига мисол.

Митхила шоҳи Бахулашва ўзининг ҳовлисида Кришнани кўрганида, Унга камида юз марта сажда қилиб эҳтиром кўрсатишга қарор қилди. Аммо, унинг қалбини қамраб олган жазавали муҳаббат туйғуси шунчалик кучли эдики, у бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, бир марта сажда қилгандан кейин умуман ўрнидан туролмай қолди.

"Сканда-пурана" содиқнинг Кришнага айтган гаплари келтирилган: "Эй азиз Худойим, худди куёш ўзининг нурлари билан Ернинг бутун сувини қуритиб юборгани сингари, Сендан айрилиш туйғули юзага келган мусибатларим ҳам менинг юзимни, танамни қуритиб юборди". Бу - жазавали муҳаббатда сўлишга мисол.

Ўзига жуда алам қилаётганини осмон шоҳи Индра ҳам изҳор этган эди. Куёш худосини кўриб, у шундай деди: "Эй Куёш худоси, сендан таралаётган ёғдуга шон-шарафлар бўлсин, чунки, сенинг нурларинг Йадавалар сулоласининг сардори Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига бориб етади. Менинг минглаган кўзларим бор, аммо, улар мутлақо бефойда экан, чунки улар ҳатто бир лаҳза ҳам Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини кўришга яроқсиз экан".

Парвардигорга бўлган ҳурмат ва эҳтиром аста-секин кучая боиб, аввал жазавали муҳаббатга айланади, кейин муҳаббат асосидаги яқинликка, кейин эса боғланганликка айланади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(38.6) Акрура шундай дейди: "Мен бугун Парвардигор Кришна билан учрашишга ҳозирланяпман, биргина шунинг ўзиёқ ҳаётимни бемаза қилиб турган нарсаларнинг ҳаммасини яқсон қилиб юборишга қодир. Мен инсон бўлиб яшашнинг мақсадига эришдим, чунки мен Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан сажда қилишга қодирман!"

Бошқа бир содиқ Кришнага эҳтиромли муҳаббат туйғуси таъсири остида шундай деб хитоб қилган эди: "Мен Ямуна қирғоғига бориб, подачи қиёфасида яйраб юрган Парвардигор Кришнани кўра оладиган, мен муштоқ бўлиб кутаётган кун қачон келар экан?"

Содиқнинг Кришнага бўлган жазавали муҳаббати пасаймай, унга ҳеч қандай шубҳа-гумонлар аралашмаса, у Кришнага мустаҳкам илоҳий муҳаббат даражасига эришган, деб айтди. Бундай поғонада намоён бўлган ҳар қандай қайғу аломатларини анубхава - жазавали муҳаббат аломатлари деб атайдилар.

Бали Махараж Кришнага бўлган эҳтиромли жазавали муҳаббат туйғусини шундай изҳор этади: "Эй азиз Худойим, Сен мени жазоладинг, аммо айна пайтда Ўзингнинг бесабаб марҳаматингни кўрсатдинг. Мен аниқ ишонаманки, энди, Сенинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топганимдан кейин, тақдиримдаги ҳеч қандай ўзгаришлар мени безовта қила олмайди. Сен менга барча сеҳр қудратларидан лаззатланиш имконини берасанми ёки дўзахнинг энг оғир азоб-укубатларига дучор этасанми, буларнинг ҳеч бири қалбимнинг осойишталик ҳолатини буза олмайди".

Кришнанинг Ўзи Бали Махараж билан учрашгандан кейин Уддхавага шундай деди: "Дўстим, Вирочананинг ўғли, Бали Махаражнинг илоҳий сифатларини таърифлашга сўз тополмайман. Вирочананинг бу ўғли фаришталар шохини дуои-бад

қилди, Мен Ўзим эса, Вамана қиёфасига кириб, бугун коинотни тортиб олиб, уни алдадим, бунинг устига ўз ваъдасининг устидан чиқмаганликда айбладим. Шунга қарамай, Мен билан ўзининг салтанатида учрашиб, у Менга нисбатан ўзининг ёрқин муҳаббатини изҳор этди!"

Ана шундай муҳаббатга асосланган туйғулар кучайа борганида, бундай муносабатларни муҳаббат асосидаги яқинлик деб атайдилар. Кришнага ана шундай муҳаббатга эришган поғонада содиқ учун Кришна билан ҳатто бир лаҳзалик хижрон ҳам чидаб бўлмас мусибат келтиради.

Содиқлардан бири Кришнанинг хизматкори Дарукага шундай дейди: "Азизим Дарука, Кришнадан айрилган пайтингда сен худди дарахтдай бир жойда қотиб қолишингнинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Кришнани кўрган заҳоти ҳар қандай содиқнинг кўзларида ёш пайдо бўлади, сен сингари содиқлар Ундан айрилган заҳоти, худди ёғоч кўғирчоқларга ўхшаб қотиб қолади. Бунинг сира ажабланарли жойи йўқ".

Уддхавада намоён бўлган муҳаббат аломатларини шундай тасвирлайдилар: Парвардигор Кришнани кўрганида унинг кўзларидан тинмай ёш оқарди. Бу кўз ёшлари дарёси Кришнанинг уммонига интилар ва худди хотини эрига муҳаббат изҳор этгани сингари, Кришнага муҳаббат изҳор этишга интиларди. Уддхаванинг бутун танасининг териси жунжикиб, ўрдақнинг терисидай бўлиб қолганида, у худди кадамба гулига ўхшаб қолади. У илтижо қила бошлаганида эса, бошқа содиқлар ичида яққол ажралиб турарди.

Кришнага муҳаббат тўла яқинлик содиқда ўздан-ўзи бахт ёки изтироб туйғуларини уйғота бошлаганида, бундай ҳолатни боғланиш деб атайдилар. Парвардигор Кришна жазавали муҳаббатнинг ана шундай лаззатли поғонасида содиқ тақдирнинг барча қийинчиликларини ҳеч қийналмасдан, ўзгармасдан қабул қилади ва ҳатто ажал хавф солиб турса ҳам Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишни тарк этмайди. Ана шундай жазавали муҳаббатни ажали етган пайтда Махараж Парикшит намоён этган. Бутун оламни камраб олган салтанатидан айрилган, ажали етишигача қолган етти кун давомида оғзига бирор нарса солмаган бўлишига қарамай, Махараж Парикшит булар таъсирида ҳеч қандай азобланмади, чунки у тинмасдан Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида ҳикоя қилиб ўтирган Шукадева Госваманинг гапларини тингларди. Аксинча, Шукадева Госваманинг ҳикояларидан у чуқур илоҳий жазавали лаззат оларди.

Содиқлардан бири тан олиб шундай дейди: "Агар мен Парвардигор Кришнанинг биргина томчи марҳаматига сазовор бўлсам, ҳатто катта олов ичида ёки чексиз океан ўртасида ҳам ўзгармасдан хотиржам бўлиб қолавераман. Аммо, агар Унинг бесабаб марҳаматидан маҳрум бўлсам, мен ҳатто

Двараканинг шоҳи бўлсам ҳам, арзимаган нарса менинг тинчимни бузиб, безовта қилади”.

Махараж Парикшит ва Уддхава сингари содиқлар Кришнага бўлган муҳаббатга асосланган яқинлик туйғули қалбида жазавали яқинлик ҳис қиладилар. Ана шундай поғонага етган содиқнинг қалбида Парвардигорга нисбатан дўстлик туйғулари юзага келади. Уддхава моддий иллатлардан покланганида, Парвардигорни кўрганида нафаси бўғилиб қолганидан, ҳатто бир оғиз ҳам гап айтолмай қолди. У фақат қошларининг ҳаракати билан Парвардигорни бағрига босди. Буюк олим донишмандлар ана шундай жазавали муҳаббатнинг икки турини ажратадилар: кўшиш ва айириш. Содиқ Кришна билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган ҳолатни айириш деб атайдилар. Бундай ҳолатда қалбини муҳаббат туйғуси камраб олган содиқ хаёлан ҳамини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида юради. Ана шундай ҳолатда унинг қалбида Парвардигорнинг илоҳий сифатларини ўрганишга қайноқ истак уйғонади, унинг бутун фикру-хаёли Кришна билан учрашиш имконини ахтаради.

Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат ҳолати "Нрисимха-пурана"да, шоҳ Икшваку ҳикоясида таърифланган. Кришнага бўлган чуқур муҳаббати таъсирида шоҳ Икшваку қора булутга, қора кийикка, кийикнинг қора кўзларига, кўпинча Парвардигорнинг кўзлари қиёсланадиган нилуфар гулига каттиқ боғланиб қолган эди. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(38.10) Акрура шундай фикр юритади: “Парвардигор бу оламнинг мусибатини енгилаштириш учун ташриф буюрди ва одамларга Ўзининг илоҳий танасини намоён этди. Мана шу - Уни кўз олдимизда яққол кўриб туришимиз - кўзлар учун энг юксак баркамоллик эмасми?” Бошқача қилиб айтганда, Акрура англаб етган эдики, кўзлар фақат Парвардигор Кришнани кўришга қодир бўлгандагина комил кўзлар бўлади. Демак, Парвардигор Кришна одамларнинг кўзига Ўзини намоён этганида, Уни кўрган ҳар бир одамнинг кўзлари ҳақиқатан ҳам камолотга эришган.

Билвамангала Тхакур ёзган "Кришна-карнамрита"да жазавали муҳаббатда сабрсизликни ифодаловчи гаплар келтирилган: “О Кришна! Эй ҳафсаласи пир бўлганларнинг дўсти! Мен каттиқ изтироб чекапман! Эй меҳрибон Парвардигор, Сени кўра олмайдиган бу оғир кунларни мен бошимдан қандай ўтказаман?” Шунга ўхшаш туйғуларни Кришнага ёзган хатида Уддхава ҳам изҳор этган эди: “Эй Враджанинг олий ҳукмдори, Сен - кўзлар учун шарбатсан, мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ва Сенинг танангнинг ёғдусини кўролмаган пайтда қаерда бўлсам ҳам ўзимни кўярга жой тополмай, кайфиятим бузилади. Бунинг устига Сен билан айрилиқнинг ҳар бир лаҳзаси мен учун жуда кўп йиллардай чўзилади”.

"Кришна-карнамрита"да яна шундай гаплар бор: “Эй азиз Худойим, Сен - марҳамат уммони-сан. Самимий итоаткорлик билан, бошимни қўлларим орасига олиб, мен Сенинг олдинда бош эгаман. Мен Сенга илтижо қиламан, эй азиз Худойим, Ўзингнинг марҳаматли нигоҳингни ташлаб, мени бахтиёр қил. Бу менга чексиз лаззат бағишлайди.

Парвардигор Кришнанинг содиқларидан бири шундай дейди: "Агар ҳатто Шашишекхаранинг ўзи(Тангри Шива) Сени кўра олмаса, ҳатто оддий чувалчангдан ҳам паст бўлган мен нима қиламан? Мен фақат гуноҳ ва зулм қилиш билан умримни ўтказганман. Сенга илтижо қилишга муносиб эмаслигимни яхши биламан, аммо, Сени *Динабандха*, “адашганларнинг дўсти”, деб айтганлари учун камтарин ҳолда менга Ўзингнинг бебаб марҳаматингни кўрсатиб, илоҳий нигоҳинг нурлари билан қалбимни поклашингни Сендан илтижо қиламан. Сенинг марҳамат тўла нигоҳинг остида чўмилиб, мен шубҳасиз нажот топаман, шунинг учун, эй азиз Худойим, менга Ўзингнинг меҳрибон нигоҳингни ташла!”

## Ўттиз саккизинчи боб.

### Бефарқлик ва ҳижрон

Бир куни буюк содиқ Уддхава Кришнага шундай хат ёзган: “Азизим Кришна, мен ҳозиргина инсон ҳаётининг мазмуни, мақсади ҳақида ҳикоя қилувчи ҳар хил фалсафий комусларини ва Ведавий мадҳияларни ўқиб тугатдим, шу билан билимдон олим одам деган мартабага эришдим. Лекин, барибир мен билимдон олим одам бўлсам ҳам, мен ўрганган билимларнинг тарикча фойдаси йўқ, чунки Ведавий илмлар нуридан лаззатланар эканман, мен Сенинг оёқларингдаги тирноқлардан таралаётган ёғдуни англаб етишга қодир эмасман. Шунинг учун ўзимнинг билимдонлигимдан мағрурлигим ва ўрганган Ведавий илмларим қанча тезроқ йўқка чиқса, мен учун шунча яхши!” Бу - бефарқликка мисол.

Ташвишга тушган бошқа бир содиқ шундай хитоб қилган эди: “Менинг ақлим шунчалик беҳаловат, тинчсизки, мен шунинг учун уни Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам қила олмайман.

Ўзимнинг ана шундай ношудлигимдан жуда уялиб кетаман, ўзимнинг ночор, ожизлигимни ўйлаб, тунлари уйқум келмайди”.

Ўзининг беҳаловатлигини "Кришна-карнамрита" асарида Билвамангала Тхакур шундай ифодалайди: “Эй азиз Худойим, Сенинг ёшлиқдаги шўхликларинг ва тиниб-тинчимаслигинг - бутун уч оламда мавжуд бўлган энг гўзал кароматлардир. Тиниб-тинчимаслик нима эканини Ўзинг яхши биласан! Шунинг учун Сен менинг ақлимнинг қанчалик беҳаловат эканини яхши ту-

шунасан. Буни бизлар иккимиз ҳам биламиз. Шунинг учун мен фақат бир нарсани билишга интиламан - қандай қилиб ақлимни Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам қилсам бўларкин?"

Бошқа бир содиқ ўзининг дадиллигини шундай изхор этади: "Эй азиз Худойим, ўзимнинг энг паствак ҳолатимни эсдан чиқариб, тан оламанки, менинг кўзларим, худди қора ковоғарилар сингари, ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойида айланиб юришни истайди".

"Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(4.37) буюк донишманд Нарада Муни Махараж Юдхитхирага туғилганидан бошлаб Худонинг содиқ хизматкори бўлган буюк содиқ Прахлад Махараж ҳақида гапириб беради. Прахлад Махаражнинг туғилганидан бошлаб Худонинг содиқ хизматкори экани шундан билинадики, у ёшлигиданок ўзи билан тенг ёш болалар билан ўйнамас эди, аммо бирор имконият топган заҳоти Парвардигорнинг шуҳратини бошқаларга тарғибот қилишга интиларди. Бошқа болалар бир-бирлари билан қувлашиб, ҳар хил мусобақалар ўйнаганида у четда турарди, чунки у ҳамиша Кришнага мураккаб қилиб, лаззатли жазаво ҳолатида юрарди, шунинг учун ҳеч қачон ташқи моддий олам унга таъсир қила олмасди.

Бир брахман-содиқ ҳақида шундай ёзилган: "Бу брахманнинг кўлидан жуда кўп ишлар келади, лекин нимага кўпинча у тепага нигоҳини бир жойга тикиб, қотиб қолишини тушуниб бўлмайди. Шундай пайтларда унинг танаси худди кўғирчокдай ҳаракатсиз қарахт бўлиб қолади. Унинг шундай одатларидан мен шундай фикрга келдимки, у ажойиб най чалувчи Шри Кришнанинг илоҳий гўзаллигига мафтун бўлиб қолган, Унга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли у Шри Кришнанинг танасини эслатувчи осмондаги қора булутдан кўзларини узолмайди". Бу - содиқнинг жазавали муҳаббат таъсирида ҳаракатсиз бўлиб қолишига мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(4.40) бир шеър бор, унда Прахлад Махараж айтадики, ҳали ёшлигиданок, у Парвардигорни баланд овозда шарафлаб қуйлай бошлаши биланок, худди уят нималигини билмайдиган телбалар сингари рақсга тушиб кетганини ўзи ҳам билмай қоларди. Баъзан, Парвардигорнинг эрмакларни ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, у шу эрмакларни кўрсатиб беришга ҳаракат қиларди. Бу - содиқнинг худди телбаларга ўхшаб қолишига мисол. Яна айтадиларки, буюк донишманд Нарада Мунининг қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан шундай кучли жазавали муҳаббат туйғуси ривожланганки, у баъзан яланғоч ҳолда эканини ҳам сезмасдан рақсга тушар, баъзан бир жойда таращадай қотиб қоларди. У гоҳ қаттиқ хохолаб қулар, гоҳ кичкирар, гоҳ бирданига жим бўлиб қоларди. Гарчи унинг ҳеч қандай касали бўлмаса ҳам, баъзан у қандайдир касалликка чалингандай бўлиб

кўринарди. Содиқнинг жазавали муҳаббат таъсирида телбага ўхшаб қолишига бу яна бир мисол.

"Хари-бхакти-судходайа"да айтилганки, ўзининг Худонинг Олий Шахсига яқинлашишга муносиб эмаслиги ҳақидаги фикр келиши биланок, Прахлад Махараж мусибат уммонига ғарқ бўлиб, оғир изтироб чека бошларди. Ана шундай ҳолатда у тинмай кўз ёши тўқар, жонсиз ҳолатда ерга қуларди.

Бир буюк содиқнинг шогирдлари бир куни ўзаро шундай суҳбатлашиб турардилар: "Эй руҳий оғайнилар, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи руҳий устозимизнинг кўзи олдидан ғойиб бўлганида, у мусибат оловига ўзини ташлади, ана шу олов тафтидан унинг ҳаёт намлиги бутунлай куриб қолди. Келинлар, унинг ҳаёт оққушини яна тирилтириш учун унинг қулоқларига муқаддас ном шарбатидан қуяйлик!"

Кришна Шонитапур шаҳрига Балининг ўғли Бана билан жанг қилишга, унинг ҳамма қўлларини чопиб ташлашга кетганида, Кришнадан айрилиб, Кришнанинг мана шу яккама-якка жангини ўйлайвериш, Уддхава бутунлай эс-ҳушини йўқотиб, қарахт бўлиб қолди.

Қалби Худонинг Олий Шахсига нисбатан илоҳий муҳаббатга тўла бўлган содиқда, Парвардигордан айрилиш натижасида қуйидаги аломатлар юзага келиши мумкин: талвасали ҳолат, сўлиш, уйқусизлик, ҳамма нарсага бефарқлик, ҳаракатсизлик, беморлик, телбалик, ҳушидан кетиш, баъзан ҳалок бўлиш.

Бир гал Уддхава Нарада Мунига шундай деган эди: "Эй буюк донишманд, куёшнинг дўсти бўлган нилуфар бизларнинг мусибатларимизга сабаб бўлиши мумкин: океандаги олов бизни қуйдириши мумкин, иблиснинг дўсти Индивара бизларни ҳар хил азоб-уқубатларга дучор қилиши мумкин, лекин буларнинг барчаси ҳали унчалик кўрқинчли эмас. Гап шундаки, буларнинг барчаси мени чидаб бўлмайдиган қийноққа солиб, менга Кришнани эслатади!" Бу - Кришнадан айрилиқ таъсири остида юзага келадиган талвасага тушиш ҳолатига мисол.

Кришна билан учрашиш ниятида Дваракага келган, лекин, дарвозадан ўтолмаган содиқлар Кришнага шундай илтижо қила бошладилар: "Азизим Кришна, эй Пандузодаларнинг дўсти, худди оққуш сувда лайло гуллари билан ўйнашишни яхши кўргани ва агар сувдан айрилса ўлиб қолгани сингари, бизлар ҳам ҳаётда фақат бир нарсани - Сен билан бирга бўлишни истаймиз. Фақат Сени бизлардан олиб қўйгани сабабли бизларнинг бутун аъзои-баданимиз куриб, жонсиз бўлиб қолди".

Саройида ҳамма шароитлар, яшаш учун барча қулайликлар мавжудлигига қарамай, Кришнадан йироқда бўлгани сабабли шоҳ Бахулага тунлар жуда изтиробли, жуда узундай бўлиб туюларди.

Шоҳ Юдхитхира бир куни шундай дейди: "Аржуннинг жиловдори Кришна - бутун уч олам-

даги менинг ягона қариндошим. Шунинг учун Унинг нилуфар қадамлари пойидан ажралиб қолсам, куну-тун ақлдан озиб, салгина бўлса ҳам ақлимни тинчителиш учун ўзимни кўярга жой тополмай қоламан”. Бу - уйқусизлик аломатлари пайдо бўлишига яна бир мисол.

Бир гал, Кришнанинг дўстлари, подачи-болалар шундай деган эдилар: “Азизим Кришна, эй иблис Муранинг душмани, содиқ хизматкоринг Рактакага қара. Оддий товус патига кўзи тушиши биланок кўзларини юмиб, ўтлаб юрган сигирларга қарамай кўйди. У сигирларни бутунлай эсан чикариб, уларни ҳайдаш учун ҳатто кўлига калтак ҳам олмайди”. Бу - Кришнадан айрилиш туфайли юзага келадиган беҳаловатликка мисол.

Парвардигор Кришна шоҳ Юдхитхиранинг салтанати пойтахтига кетганида, Ундан айрилган Уддхава шунчалик изтироб чеккан эдики, унинг ўт бўлиб ёнаётган танаси жикка ҳўл бўлиб терлаган, кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

Кришна қимматбаҳо тош Сйамантакани излаб, Дваракани тарк этиб кетганида У узоқ вақтгача уйига қайтиб келмади. Кришнадан айрилган Уддхава шу қадар изтиробга берилиб кетдики, унда касаллик аломатлари пайдо бўла бошлади. Қалбида Кришнага бўлган чексиз жазавали муҳаббат туфайли Уддхава Дваракада худди ақлдан озган одамдай юрарди. Унинг бахтига ана шу куни ҳамма уни телба деб тан олган эдилар. Уддхава фақат қора булутларни бир марта кўриш ниятида Раиватака тоғига бориб, ўзининг бутунлай ақлдан озганини исботлаган эди. У телбалардай ана шу булутларга қараб илтижо қила бошлади, улардан хайратланиб, чуқур эҳтиром билан уларга сажда қиларди.

Бир гал Уддхава Кришнага шундай деган эди: “Эй Ядавлар сардори, Сен ҳақингдаги фикрлардан Сенинг Вриндавандаги хизматкорларинг тунлари ухлай олмайдилар. Ҳозир улар ҳушидан кетиб, Йамуна қирғоғида ётибдилар, худди ҳозир жон топширадигандай зўрға нафас оляптилар”. Бу - Кришнадан айрилиқ туфайли ҳушдан кетишга мисол.

Бир куни Кришнага шундай дедилар: “Вриндаванда яшайдиганлар учун Сен жонидан ҳам азизсан. Шунинг учун, Сен Вриндаванни тарк этиб кетгандан бери, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилиб юрганлар қаттиқ изтироб чекаптилар. Бу худди нилуфар гуллари ўсиб турган кўлларнинг Сендан айрилиқ оловига бардош беролмай, қуриб қолганига ўхшайди”. Бу ерда Вриндаван аҳолисини нилуфар гуллари ўсиб турган кўлларга ўхшатганлар. Кришнадан айрилиқ олови уларни қуриб қўйган, шу боис, Вриндавандагиларнинг ҳаёт кучининг тимсоли бўлган оққушлар энди бу кўлларда яшашни истамайди. Бошқача қилиб айтганда, қаттиқ иссиқ оққушларни кўлларни тарк этишга мажбур қилади. Бу ерда Кришнадан айрилиб, хижрон азо-

бидан қийналаётган содиқларнинг ҳолати тасвирланган.

## Ўттиз тўққизинчи боб. Кришна билан учрашув турлари.

Кришнанинг Ўзининг содиқлари билан учрашуви махсус ибора билан *йога*, яъни Кришна билан алоқа боғлаш деб аталади.

Кришна билан учрашишнинг уч тури бор: “мукамаллик”, “мамнуният” ва “турғунлик”.

Содиқ Кришнани жуда орзиқиб кутиб, сабр косаси тўлганда учратган ҳолати мукамаллик деб аталади. “Кришна-карнамрита”да Билвамангала Тхакур Кришна Ўзининг содиғини қандай кутиб олишини тасвирлаб берган: Унинг бошида товус пати, кўксида *маракат* гавҳартошлари бор. У Ўзининг ҳар кимни ўзига мафтун этувчи жозибатор табассуми билан кулиб турбди, Унинг кўзлари бир лаҳза ҳам бир жойда турмай ўйнаб туради, Унинг илоҳий танаси эса жуда майин.

“Шримад Бхагаватам”нинг ўнинчи кўшиғида(38.34) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: “Эй шоҳ, Вриндаванда жиловдор Акрура Кришна ва Унинг акаси Балорами кўриши биланок аравадан сакраб тушди ва қалбидаги Парвардигорга бўлган илоҳий муҳаббат таъсири остида чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, Уларнинг нилуфар қадамлари пойига ўзини ташлади”. Бу - Кришна билан учрашувнинг биринчи турига мисол.

Содиқнинг Кришнани узоқ давом этган хижрондан кейин учратган пайтидаги ҳолати мамнуният деб аталади. “Шримад Бхагаватам”нинг биринчи кўшиғида(11.10) айтилганки, Кришна Ўзининг пойтахт шаҳри Дваракага қайтиб келганида, Дварака аҳолиси Уни шундай сўзлар билан кутиб олдилар: “Эй бизнинг азиз Худойимиз, чет юртларга узоқ вақт кетиб, Сен бизларни Ўзининг кулиб турган жамолингни кўришдан маҳрум этасан. Сенинг жамолингни кўриш бизларга - Сенинг мангу хизматкорларингга жуда катта мамнуният олиб келади. Бизларнинг барча ғам-ташвишларимиз дарров ғойиб бўлади. Агар Дваракада узоқ вақт бўлмаганинг сабабли бизлар Сени кўра олмасак, бизлар умуман ҳаётда яшай олмаймиз!” Бу - Кришна билан узоқ вақт кўришмай юргандан сўнг У билан учрашганда содиқнинг қалбида мамнуният ҳосил бўлишига мисол.

Дварака дарвозаси олдида Кришнани учратиб, Унинг шахсий хизматкори Дарука ҳатто қўл қовуштириб, Унга эҳтиром кўрсатишни ҳам унутиб қўйди.

Ниҳоят содиқ Кришна билан мунтазам алоқада бўлиш имкониятига эга бўлганида унинг ҳолатини Худога садоқат билан хизмат қилишдаги турғун ҳолат деб атайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилишдаги шундай ҳолат “Хамсадута” китобида ёзилган. Унда гопилар учун даҳшат тимсоли



бўлган Акруранинг Кришна билан Курузодаларнинг ҳаракатларини муҳокама қилгани тасвирланган. Брихаспатининг шогирди Уддхава ҳам Кришна билан ўзаро муносабатларида ана шундай турғун ҳолат эгаллаган. Одатда у Кришнанинг олдидан тиз чўкиб туриб, Унинг оёқларини уқаларди.

Содикнинг Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган ҳолатини “Йога ҳолати” деб атайдилар. Йога иборасини “боғланиш” деб таржима қилиш мумкин. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси, Кришна билан ҳақиқий боғланиш содик Унга садоқат билан хизмат қилаётганда юзага келади. Парвардигор билан хизмат қилиш (муносабати)расасида бўлган содиклар ўзларининг вазифаси доирасида Унга хизмат қилиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Баъзан улар Кришнанинг рўпарасида ўтириб олиб, Унинг буйруғини кутиб турадилар. Баъзилар хизмат қилишнинг бундай турини ҳақиқий бхакти-йога деб ҳисобламайдилар. Парвардигор билан хўжайин-хизматкор расасида муносабатда бўлиш баъзи Пураналарда ҳам бхакти-йога деб ҳисобланмаган. Аммо, "Шримад Бхагаватам"да аниқ айтилганки, Кришнани ўзининг хўжайини деб тан олиб, Унга хизматкор бўлиш - йоганинг бошланишидир.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшиғида(3.32) айтилганки, бхакти-йога билан машғул бўлиб юрган содиклар Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, гоҳ йиғлайдилар, гоҳ куладилар, гоҳ яйраб кетадилар, баъзан эса жуда ғалати гапларни гапира бошлайдилар. Баъзан улар ўзидан-ўзи рақсга туша бошлайдилар ёки кўшиқ куйлай бошлайдилар, бошқа вақтларда улар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўладилар, баъзан эса, жазава ҳолатига тушгандай бўлиб жим ўтирадилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида(7.34) ҳам шунга ўхшаш гаплар бор. Унда Прахлад Махараж ўзининг дўстларига шундай дейди: "Азиз дўстларим, Худонинг соф содиклари барча эрмакларнинг туганмас манбаи бўлган Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ёки Унинг илоҳий сифатлари ҳақидаги ҳикояларни тингланларида, улар лаззатдан яйраб кетадилар. Уларнинг таналарини дарров жазава аломатлари безай бошлайди. Уларнинг кўзларидан ёш оқиб, овози титрайди, Парвардигорни баланд овозда шарафлаб куйлай бошлайдилар, улар жазавага тушиб, куйлаб рақс туша бошлайдилар. Аслида улар ҳамиша ана шундай жазава ҳолатида юрадилар, аммо уларнинг олаётган лаззати барча чегаралардан ташқари чиқиб кетганида, унинг аломатлари бошқаларга ҳам ошқора бўлади”.

Ўзини бутунлай Худонинг Олий Шахсига топшириш жараёни олти нарсани ўз ичига олади:

1. Худога садоқат билан хизмат қилиш учун фойдали бўлган ҳамма нарсани қабул қилиш;

2. Худога садоқат билан хизмат қилиш учун зарарли бўлган ҳамма нарсдан юз ўгириш;

3. Кришна Ўзининг содик хизматкорини ҳаммаша ҳимоя қилишига тўлиқ ишониш;

4. Ўзини Кришнанинг содик хизматкори деб ҳисоблаш;

5. Кришнанинг ёрдамисиз ўзи бирор иш қилишга қодир эмаслигини ҳаммаша эслаб юриш;

6. Ҳатто бирор нарсага эришиш учун ҳамма имконият, қобилияти етарли бўлса ҳам, ҳаммаша Кришнага боғлиқ эканини ҳис қилиб юриш.

Кришна Ўзининг содик хизматкорини ҳаммаша ҳимоя қилишига чуқур ишониш - Кришнага эҳтиромли садоқат деб аталади. Эҳтиромли садоқат Кришна билан Унинг паноҳи остига кирган содиклар орасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади.

Кришна Дваракада яшаганида, Йадавалар хонадонининг катта аъзолари ҳаммаша Кришна билан муҳокама қилиш учун ҳар хил муҳим ишлар билан келардилар, Кришна уларни диққат билан кўриб чиқарди. Бирор кулгили нарса ҳақида гап борганида Кришна дарров бунга кулиб жавоб берарди. Судҳарма мажлислар саройида Ўзининг вазифасини бажарар экан, баъзан У маслаҳат сўраб катталарга мурожаат қиларди. Ўзининг шу фаолиятида У Ўзини олий руҳий устоз, ижройи ҳокимлик, олий тафаккур ва олий қудрат тимсоли сифатида, шунингдек ҳимоячи ва посбон сифатида намоён этади.

## Қирқинчи боб.

### Фарзандларнинг ва бошқаларнинг эҳтиромли садоқати.

Ўзини бутунлай Кришнанинг ҳукми остидаги хизматкор деб биладиган, шунингдек, ўзини Унинг ўғли деб ҳисоблайдиган содиклар Кришнага нисбатан эҳтиромли садоқат билан хизмат қиладилар. Ана шундай хизмат қилиш намунасини Сарана, Гада ва Субҳадра намоён этган. Уларнинг барчаси Йадавалар хонадонига мансуб бўлиб, ҳаммаша ўзларини Кришнанинг паноҳи остида ҳис қилардилар. Кришнанинг ўғиллари ҳам Унга нисбатан ана шундай муносабатда эдилар: Прадйумна, Чарудешна, Самба ва бошқалар. Дваракада Кришнанинг жуда кўп ўғиллари бўлган. Унинг 16.108 хотинининг ҳар биридан ўнтадан ўғил фарзанди бор эди, уларнинг барчаси ўзларини ҳаммаша Кришнанинг паноҳи остида юрганини ҳис қиларди. Кришна ўғиллари билан бирга овқатлангани ўтирганида, баъзан, Кришнанинг овқат солишини кутиб, ўғиллари оғзини очиб ўтирарди. Баъзан Кришна бирор ўғлининг бошини силаб, уни тиззасига оларди, шунда шу ерда иштирок этаётганларнинг барчаси, бу зот Кришнанинг бундай марҳаматига эришиш учун аввалги ҳаётларида қанча риёзат чеккан бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр таъсирида кўзларига ёш оларди. Кришнанинг ўғиллари орасида Унинг биринчи

хотини Рукминидан туғилган Прадйумнани энг асосийси деб ҳисоблайдилар. Ташқи киёфаси билан Прадйумни Кришнадан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Кришнанинг соф содиқлари Прадйумнанинг бахтли тақдирини шарафлаб куйлайдилар: отаси қандай бўлса ўғли ҳам шундай.

“Хари-вамша”да Прадйумнанинг Прабхаватини қандай ўғирлаб кетгани ҳақида ҳикоя қилинади. Ўғирлаб кетаётиб, Прадйумна унга шундай деди: “Азизим Прабхавати, бизларнинг хонадонимиз сардори ким эканини бир тасаввур қилиб кўр - Шри Кришнанинг Ўзи! Гаруданинг елкасида юрадиган Парвардигор Вишнунинг Ўзи - бизларнинг ҳукмдоримиз ва хўжайинимиз! Бизлар бундан шанчалик мағрур ва Унинг ҳимоясига шунчалик ишонамизки, баъзан ҳатто Трипура-ри(Тангри Шива)нинг ўзи билан ҳам жанг қилишдан қайтмаймиз”.

Парвардигорга эҳтиромли садоқат билан хизмат қилишда икки тоифа содиқлар машғул бўладилар: Унинг ўғиллари ва Унга бўйсунган содиқлар. Дваракадаги хизматкорлар ҳамиша Кришнани - сиғиниш ва ҳурмат қилиш лозим бўлган энг олий Зот деб билган ҳолда садоқат билан хизмат қиладилар. Кришна уларни чексиз бойлиги билан Ўзига маҳлиё қилади. Кришнанинг оила аъзолари ҳамиша ўзларини Кришнанинг паноҳи остида деб биладилар ва баъзан ўзларининг ишончини амалда кўрсатмоқчи бўладилар: улар кўпинча баъзи қонунларни атайлаб бузганлар, шунда ҳар гал Кришна ва Балорам уларни ҳимоя қилган.

Ҳатто Кришнанинг акаси Балорам ҳам ўзидан Унга эҳтиром кўрсатган. Бир гал Кришна акаси сифатида эҳтиром кўрсатиш учун Балорамнинг олдига келади. Аммо шу пайт Балорамнинг гурзиси қўлидан чиқиб, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига тушади. Шу тарзда Балорамнинг гурзиси ўздан-ўзи Кришнага ҳурмат кўрсатади. Юқорида таърифланган бўйсуниш ҳолатларидаги туйғулар баъзан *анубхава* кўринишида бўлади.

Шри Кришнанинг олдига жаннатдаги фаришталар ташриф буюрганида Кришнанинг барча ўғиллари ҳам уларга эргашдилар, Тангри Браҳма уларнинг ҳаммасининг бошига камандаладан сув сепиб дуо қилди. Фаришталар Кришнанинг олдида турганларида, Унинг ўғиллари олтидан қилинган ўриндиқларга ўтириш ўрнига, полга тўшалган кийик терилари устига ўтирдилар.

Баъзан Кришнанинг ўғиллари ўзларини худди Унинг шахсий хизматкорларидай тутадилар: ўғиллари ҳамиша Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар, ҳамиша жим юрадилар, итоаткор, сергавозе ва ҳатто ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам, Кришнанинг ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр турадилар, Кришнанинг олдига келганида бошини ерга теккизиб сажда қиладилар. Бунинг устига улар ҳеч қачон Кришнанинг ишқий ўйинларини муҳокама қилишда қатнашмайдилар.

Бошқача қилиб айтганда, Кришнага эҳтиромли садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар Кришнанинг ишқий эрмакларини муҳокама қилмасликлари лозим. Содиқ токи руҳий озодликка эришмагунча Кришна билан ўзининг ўзаро мангу муносабатларини қайта тиклаганликка даъво қилмаслиги керак. Содиқ ҳали шартланган ҳолатда қолар экан, у Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидалари асосида ўз бурчини бажаришда давом этиши лозим. Инсон Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришиб, руҳий ўзлигини тўла англаб олгандан кейингина Кришна билан ўзининг мангу муносабатларини англаб етишга қодир бўлади. Сунъий равишда Кришна билан қандайдир муносабатлар ўрнатишга уринишнинг мутлақо фойдаси йўқ. Баъзан, моддий оламда шартланган одам, ҳали шахвоний эҳтиросдан қутулмай, Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришмай туриб, ўзини Кришна билан ишқий муносабатдаман деб тасаввур қила бошлайди. Натижада ундай одамлар *пракрити-сахаджия* - ҳамма нарсага юзаки қарайдиган одамга айланиб қолади. Уларнинг Кришна билан ўзаро ишқий муносабатлар ўрнатишга қанчалик уринишларига қарамай, ундай одамларнинг бу моддий оламдаги шартланган ҳаёти аввалгидай жирканч аҳволда қолиб кетаверади. Кришна билан ҳақиқатан ҳам ўзаро мангу муносабатларини қайта тиклаган одам ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлар таъсирида ҳаракат қилолмайди ва ҳар жиҳатдан бенуксон, бегуноҳ бўлади.

Бир марта Купидон Парвардигор Кришнани кўришга келганида, содиқлардан бири унга шундай деб мурожаат қилди: “Азизим Купидон, сен Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини кўриш бахтига муяссар бўлганингдан танангдаги тер томчилари қотиб, кантака мевасига ўхшаб қолдилар”. Худонинг Олий Шахсига нисбатан эҳтиром аралаш садоқат ва жазавали муҳаббат аломатлари ана шундай бўлади. Йадавалар хонадонига мансуб шахзодалар Кришнанинг Панча-жания сурининг овозини эшитганида, уларнинг қалбини Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат туйғуси шу қадар қамраб олдики, уларнинг таналаридаги туклари тикка бўлиб ҳурпайиб кетди. Уларнинг танасидаги туклар худди жазавали рақсга тушаётгандай кўринарди.

Яйраш кайфиятига баъзан алам туйғуси ҳам аралашishi мумкин. Бир гал Прадйумна Самбага шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “Азизим Самба, сен ҳақиқатан ҳам шон-шухратга муносибсан! Мен сенинг ерга думалаб, чанга булғаниб юрганингни, лекин шунга қарамай, отамиз Кришна сени қўлига олиб, Ўзининг тиззасига ўтказганини кўрганман. Мен бахтиқарога эса, отам Кришна ҳеч қачон ана шундай меҳр-муҳаббат кўрсатган эмас!” Бу - муҳаббат аралаш аламнинг намоён бўлишига мисол.

Кришнага катталардай муносабатда бўлишни кўркинчли эҳтиром билан муносабат билдириш деб аталади. Бу туйғуга Кришна ҳамиша содиқни химоя қилиб юришини ҳис қилиш ҳам кўшилганида, Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат яна ҳам кучаяди. Ана шундай ҳолатда содиқнинг Кришнага бўлган муносабатини эҳтиромли садоқат муносабати деб атайдилар. Кришнага нисбатан бўлган эҳтиромли садоқат мустаҳкамлашиб, чуқурлашиб, Худога эҳтиромли садоқат муносабатидаги муҳаббатга айланади. Прадйумна ҳеч қачон Кришна билан баланд овозда гапиришмаган. Аслида Прадйумна Кришна бор жойда ҳатто оғзини очишга ҳам журъат этмаган ва ҳамиша муҳаббат ёшлари оқиб юрган юзини юқорига кўтармаган. У ҳамиша отасининг нилуфар қадамлари пойига караган, холос.

Кришнага нисбатан ўзгармас, мустаҳкам муҳаббат намунасини, Унга жиян бўлган ўзининг ўғлининг ўлимини айтган пайтда таърифлаб берган. Абхиманйу Кришнанинг синглиси Субҳадранинг ўғли эди. Уни жанг майдонида Дурйодхон кўшинининг барча лашкарбошилари биргаликда кўшилиб ўлодирган эдилар: Карна, Ашваттхама, Жайадратха, Крипачарйа, Дрона. Субҳадранинг Кришнага бўлган муҳаббати ўзгармай колганига Кришнани ишонтириш учун Аржун шундай дейди: "Абхиманйу жанг майдонида Сенинг кўз олдингда ҳалок бўлгани Субҳадранинг Сенга бўлган муҳаббатига мутлақо таъсир қилгани йўқ, ҳатто ана шу муҳаббатнинг азалий ранги ҳам мутлақо ўзгармади".

Кришнанинг ўзининг содиқларига бўлган муҳаббати қанчалик кучли экани Унинг ўзи Прадйумнадан ўзи билан бўлган муносабатларда бунчалик эҳтиром кўрсатавермасликни илтимос қилганида намоён бўлди. У ўғлига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Ўғлим, Мен бор жойда шунчалик ўзингни пастга ураверма. Ҳамиша бошингни эгиб ўтираверма. Мен билан тўғри туриб, дадил гаплашавер, ҳамиша йиғлашни бас қил. Сен Менинг юзимга тик қарашинг, ҳеч иккиланмасдан келиб Мени кучоклашинг мумкин. Одам ўзининг отасига бунчалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатишининг ҳожати йўқ!"

Прадйумнанинг Кришнага қанчалик боғланиб колгани унинг қилган ишларидан маълум бўларди. Ҳар гал отасидан бирор буйруқ олганида, Унинг ҳар қандай буйруғини ҳатто заҳар бўлса ҳам худди шарбатдай қабул қилиб, у дарҳол шу ишни бажаришга киришарди. Отаси унинг бирор ишини маъқулламаётганини сезса, у шу ишни ҳатто лаззатли шарбат бўлса ҳам, худди заҳарни рад этгандай, шу заҳотиёқ рад этарди.

Ўзининг Кришнага қандай боғланганлигини Прадйумна хотини Ратига айтган гапларида тасвирлаб берган: "Шамбаранинг душмани аллақачон ўлдирилди. Энди мен Отам билан тезроқ учрашишга шошиляпман. Мен Уни ўзимнинг руҳий устозим деб биламан, У ҳамиша Панчажания су-

рини ёнида олиб юради". Кришна Курукшетрадаги жангда қатнашиб юргани сабабли Дваракада бўлмаган пайтларда Прадйумна У билан ҳижрон азобидан қаттиқ қийналарди. У шундай дейди: "Отам Дваракадан кетгали бери мени ҳарбий машқлар бутунлай қизиқтирмай қўйди. Менга ҳар қандай эрмаклар ҳам ёкмай қолди. Ҳар хил эрмаклар ҳам гапми? Отам бу ерда йўқ бўлгани учун, менга умуман Дваракада яшаш ёкмай қолди".

Шамбарасурани ўлдирганидан кейин Прадйумна уйига қайтиб келганида, Отасини кўриб у лаззатдан шунчалик жазавага тушиб кетдики, ўз хиссиётларини бошқара олмай қолди. Бу - бахтиёр учрашув билан тугайдиган ҳижронга мисол. Кришна Курукшетра жанг майдонидан уйига қайтиб келганида Унинг барча фарзандлари ҳам худди шундай мамнуният ҳис қилган эдилар. Унинг ўғиллари қувонганларидан шунчалик яйраб кетдиларки, анча хатоликларга йўл қўйганини ўзлари ҳам билмай қолдилар. Бу хатоликлар уларнинг қалби мамнуниятга тўла эканини билдирарди.

Прадйумна ҳар куни кўзлари тўла ёш билан отасининг нилуфар қадамлари пойини томоша қиларди. Бошқа содиқларнинг ҳолатини ҳам худди шундай таърифлаш мумкин.

### Қирқ биринчи боб.

#### Кришнага қариндошларча садоқат кўрсатиш

Содиқ ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда банд бўлиб юрганидан ва ҳар хил жазава аломатлари намоён бўлаётганидан унинг қалбида Кришна билан қардошлик раса муносабатининг етилиб пишганини билиш мумкин, шундай содиқнинг туйғулари Худога нисбатан қардошларча дўстона муҳаббат деб аталади.

Худога нисбатан қардошларча муҳаббат туйғусининг уйғонишига Парвардигорнинг ўзи сабабчи бўлади. Инсон руҳий озодликка эришиб, ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари шаклини англаб етганида, Парвардигорнинг ўзи содиқнинг Унга нисбатан бўлган қардошларча бўлган муҳаббатини чуқурроқ ривожлантиришга ёрдам беради. Парвардигорнинг Вриндавандаги мангу ҳамроҳлари буни қуйидагича тасвирлайдилар: "Бизларнинг қалбимиз ҳамиша Вриндаванда сайр қилиб юрган Агхининг душманига - танасининг ранги *индранила* гавҳартошининг рангини эслатадиган, табассуми чиройли *кунда* гули сингари жозибали, устидаги ипак либоси куздаги олтинранг япроқлар сингари сариқ, кўкси ҳамиша гулчамбарлар билан безанган, ҳамиша най чалиб юрадиган - Парвардигор Харига талпинади".

Парвардигорга бўлган қардошларча муҳаббатнинг бундай намоён бўлишини Вринда-

вандан ташқарида ҳам кузатиш мумкин. Махараж Юдхиштхира бошлиқ Пандузодалар Курукшетра жанггоҳида Кришнанинг қўлларида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаган тўрт қўллик кийфасини кўрганларида хайратга тушиб, илоҳий лаззатнинг чексиз бахт уммонига ғарқ бўлдилар. Бу Пандунинг ўғиллари: Шоҳ Юдхиштхира, Бхимасена, Аржун, Накул ва Сахадевнинг Кришнага нисбатан қардошлик муҳаббати қанчалик чуқур эканини исботлайдиган манзара.

Баъзан, содиқнинг қалбида Кришнага нисбатан дўстона муҳаббат уйғонишига ҳар хил илоҳий номлар, шакллар, анжом ва сифатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин, масалан, Кришнанинг чиройли либоси, Унинг танасидаги саховатли белгилар, Унинг келишган қомаги, Унинг барча тилларни мукамал билиши, Унинг "Бхагавад-гита"да берилган доно насихатлари, ҳар хил фаолият соҳаларда кўрсатган Унинг машҳур қобилиятлари, Унинг чуқур илми, Унинг меҳрибонлиги, жасорати, севгили сифатида Унинг Ўзини тутишлари, Унинг тафаккури, Унинг сертавозелиги, Унинг ҳаммани Ўзига маҳлиё қиладиган жозибadorлиги, Унинг бойлиги ва Унинг бахтиёрлиги - буларнинг ҳаммаси содиқнинг қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан қардошларча муҳаббат туйғусини уйғота олади.

Кришнага нисбатан қардошларча муҳаббат туйғусини Кришнанинг Вриндавандаги яқин ҳамроҳларининг кўриниши ҳам уйғотиши мумкин, чунки, уларнинг ҳаммаси Кришнага ўхшайдилар, улар ҳам худди Кришна эга бўлган илоҳий сифатларга эга, худди Унга ўхшаб кийинадилар. Кришнанинг бу ҳамроҳлари ҳамиша Кришнага хизмат қила олиш имкониятига эга бўлганидан ҳамиша бахтиёр, одатда уларнинг барчасини вайасйалар, яъни Кришнанинг тенгқур-дўстлари деб атайдилар. Вайасйалар ҳамиша Кришнанинг паноҳи остида эканига аниқ ишонадилар. Баъзида содиқлар шундай илтижо қиладилар: "Кришнанинг ўзларига ҳақиқий дўст эканига ишончлари комил ва ҳамиша уларни албатта ҳимоя қилишига мутлақо ишонган вайасйалар олдида эҳтиром билан сажда қиламиз. Улар ҳеч нарсадан кўркмайдилар, Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилар экан, ўзларини У билан тенг даражада тутадилар". Вайасйаларни, Кришнанинг мангу дўстларини Вриндавандан ташқарида ҳам учратиш мумкин, масалан, Хастинапурда ва Дваракада. Кришнанинг илоҳий эрмакларни ўтган Вриндавандан бошқа бу жойларнинг ҳаммаси *пури* деб аталади. Матхура ҳам, Кауравалар салтанатининг пойтахти Хастинапур ҳам пурилар тоифасига киради. Пураларда яшайдиган содиқлар орасида Кришнага нисбатан дўстона, қардошларча муҳаббатга эга бўлган содиқлар тоифасига одатда Аржунни, Бхимани, Драупадини ва Судама Брахманни киритадилар.

Пандузодаларнинг Кришна билан ўзаро муносабатлардан қандай лаззатланиб яшаганлари

қуйидагича тасвирланган: "Кришна Курулар салтанатининг пойтахти Хастинапурга кириб келганида, Унинг бошидаги муаттар хиддан тўйиб хидлаш учун Махараж Юдхиштхира Унинг олдида шошиларди". Ведавий урф-одатларга кўра, кичиклар катталарга эҳтиром кўрсатиб, оёқларига сажда қиладиганларида, катталар уларнинг бошидаги муаттар хидни хидлайдилар. Аржун ва Бхима қалби қувончга тўлиб, Кришнани бағрига босардилар, Накул ва Сахадев эса, кўзлари жикка ёшга тўлиб, эҳтиром билан Кришнанинг оёқларига бош кўйиб, Унга ҳурмат кўрсатардилар. Шу тарзда беш пандузода ҳам Кришна билан ўзаро қардошлик муносабатларидаги расада лаззатланардилар. Пандузодалар орасида Аржун Кришна билан жуда яқин муносабатга бўлган. Унинг қўлида Гандива деб аталадиган камон, унинг сонлари филнинг хартумидай тўлиқ, кўзлари ҳамиша кизғиш рангли. Жанг аравада савлат тўкиб ўтирар экан, Кришна билан Аржун ўзларининг илоҳий гўзаллиги билан кўзларни қувонтиради. Айтишларига кўра, бир куни Аржун дам олиб ётганларида, бошини Кришнанинг тиззасига қўйган ҳолда У билан ҳар хил ҳазил гапларни суҳбатлашиб, ўзаро илоҳий муносабатлардан лаззатланиб ётган. У қалбида чуқур мамнуният ҳосил қилиб, кулиб ётарди.

Вриндавандаги вайасйалар агар Кришна уларнинг кўзларига бир лаҳза кўринмай қолсалар, қаттиқ ташвишга туша бошлаганлар.

Бир содиқ Вриндавандаги вайасйаларга шундай илтижо қилган эди: "Кришна эга бўлган илоҳий сифатларга эга бўлган, Кришнадай чиройли кийиниб, Кришнадай ажойиб эрмаклар кўрсатадиган Кришнанинг тенгқур-дўстлари - вайасйаларга шон-шарафлар бўлсин! Улар палрма дарахти баргларида ясалган най чалишни яхши кўрадилар, уларнинг ҳар бирида худди Кришнаники сингари, қўтос шохидан ясалган, индранила сингари ҳар хил қимматбаҳо тошлар, олтин ва кораллар билан безатилган сур бор. Улар ҳам худди Кришнадай ҳамиша шўх, ва қувноқ. Бизларни ҳамиша Кришнанинг ана шу ҳамроҳлари ўз паноҳида асрасин!"

Вриндаванлик вайасйалар Кришна билан шу қадар яқин муносабатда турадиларки, улар баъзан ўзларини ҳеч соҳада Кришнадан қолишмайдиган ҳис қиладилар. Уларнинг Кришнага самимий дўстона муносабатларининг бири қуйидагича търифланган. Кришна Говардхана тоғини чап қўли билан кўтариб турганида, вайасйалар Унга шундай дейди: "Ҳой дўстим, Сен етти кун давомида ухламасдан, дам олмасдан шу ҳолатда турдинг. Сенинг қанча куч сарфлаганингни билиб, бизлар жуда ҳавотирланяпмиз. Тоғни тинмай кўтариб тураверинингнинг хожати йўқ. Уни кўтариб туришни Судамага топшир. Бизлар Сени ортиқча бундай ҳолатда кўриб туришга чидай олмаймиз. Агар Сен Судама тоғни кўтариб тура олмайди, деб ўйласанг, унда ҳеч бўлмаса қўлларингни алмаштир. Тоғни чап қўлингга ушлаб туравермай, уни ўнг қўлингга

ўтказ, бизлар Сенинг чап қўлингни уқалашга ёрдам берамиз”. Бу ерда аниқ кўриниб турибдики, вайасалар ўзларини ҳар жиҳатдан Кришнадан қолишмайдиган ҳис қиляптилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(12.10) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шох, билимдон илохий одамлар учун Кришна - Худонинг Олий Шахси, имперсоналистлар учун У - энг олий бахт, содиқлар учун Кришна - сифиниш лозим бўлган энг олий Зот, майя чангалига тушиб қолган шартланган руҳлар учун эса, Кришна - оддий подачи бола. Бир тасаввур қилиб кўринг, бу подачи-болалар ҳозир Кришна, Худонинг Олий Шахси билан худди тенгқур дўстлардай бирга ўйнаб юрибдилар. Ўз-ўзидан маълум бўлиши керакки, бу болалар ҳозир Худонинг Олий Шахси билан мана шундай яқин муносабатда бўлиш имконига эга бўлиш учун аввалги ҳаётларида жуда кўр эзгу, савоб ишлар қилган”.

Вриндавандаги вайасйаларга Ўзининг муносабатини Кришна шундай ифодалайди. Бир куни У Балорамга мурожаат қилиб шундай дейди: "Оғажон, Сен Агхасура бир куни Менинг дўстларимни ютиб юборганида, Менинг кўзларим жикқа ёшга тўлди. Кўз ёшларим чаккамга оқар экан, Мен бир лаҳза ҳушимдан кетиб қолдим”.

Гокуладаги вайасйаларни одатда тўрт тоифага бўладилар: 1. Яхшилик истовчилар. 2. Дўстлар. 3. Яқин дўстлар. 4. Тенгдошлар. Кришнага яхшилик истовчи вайасйалар одатда Кришнадан ёши каттароқ, уларнинг муносабатларида кўпинча Кришнага ота-оналардай ғамхўрлик қилиш туйғулари сезилиб туради. Кришнадан катта бўлган ҳолда улар ҳамиша Кришнани ҳар хил хавф-хатарлардан асраб юришга интиладилар. Шу боис улар Кришнага бирор озор беришга журъат этган ҳар қандай золимни ҳам дарров жазолаш учун ҳамиша ёнида қурол олиб юрадилар. Кришнага яхшилик истовчи вайасйалар тоифасига Субхадра, Мандалибхадра, Бхадравардхана, Гобхата, Йакша, Индрабхата, Бхадранга, Вирабхадра, Махагуна, Виджайа ва Балабхадралар киради. Уларнинг ёши Кришнадан катта ва улар ҳамиша Кришнага ғамхўрлик қилиб юрадилар.

Кришнанинг ёши катта дўстларидан бири шундай дейди: "Азизим Мандалибхадра, нимага сен худди ўлдирмоқчи бўлиб Ариштасурага ташланаётган одамдай, ярқираган қиличингни ўқгалаверасан? Азизим Баладева, нимага Сен оғир омочингни қўлингга олиб олдинг? Азизим Вижай, бекорга ташвишланма! Азизим Бхадравардхана, бекорга бундай қўрқинчли ҳаракатлар қилма! Агар яхшилаб қарасанглар, бу шунчаки Говардхана тоғининг тепасига тўпланган қора булут холос. У ҳечам сизлар ўйлагандай, катта хўкиз қиёфасига кириб олган иблис Ариштасура эмас”. Кришнанинг ёши катта, Унга яхшилик истовчи дўстлари, Говардхана тоғи устидаги катта булутни баҳайбат хўкиз қиёфасига кириб олган иблис Ариштасура

деб ўйладилар. Уларнинг бу ҳолатини кўриб, улардан бири диққат билан назар солиб, бу шунчаки булут эканини сезиб қолди ва дўстларига Кришнани ўйлаб ташвишга тушмасликни айтяпти, чунки ҳозирча иблис Ариштасура томонидан Кришнага ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

Кришнага яхшилик истовчи дўстлари орасида Мандалибхадра ва Балабхадра энг асосийларидир. Мандалибхадранинг ташқи кўринишини шундай тасвирлайдилар: Унинг танаси сарғиш рангли, у ҳамиша чиройли кийиниб, ҳар хил нақшлар билан безатилган ҳасса олиб юради. Унинг бошига товус пати кистирилган. У жуда чиройли кўринади. Ўзининг Кришнага бўлган муносабатини Мандалибхадра шундай ифодалайди: “Азиз дўстларим, Кришна ўтлоқда сигирларини боқиб, ўрмонда айланиб юриб, қаттиқ чарчади. Унинг ҳолдан тойганини кўриб турибман. Ҳозир У уйида дам олиб ётибди, мен Унинг бошини аста уқалайман, сен эса, Субала, Унинг тиззаларини уқала!”

Содиқлардан бири Баладеванинг гўзаллигини шундай тасвирлайди: “Бундан буён менинг ягона паноҳ маконим гўзаллигини юзига тегиб турган сирғалари кўрсатиб турган Балораманинг нилуфар қадамлари пойи бўлсин! Унинг юзини кастури(мускус)дан қилинган тилака, кўксини - гундждан ясалган маржон безаб турибди. Унинг териси кузги булутлар сингари очиқ рангли. У кўк либосларга ўраниб олган, овози паст. Унинг узун қўллари тиззасига етиб туради, иблис Праламбани ўлдириб, У Ўзининг тенгсиз жасоратини намён этди. Мен жасур Балорамдан Ўзининг нилуфар қадамлари пойидан менга нажот беришини тилайман!”

Баладева Ўзининг Кришнага бўлган муҳаббатини, Субалага айтган гапларида шундай изҳор этади: “Дўстим, Кришнадан илтимос қил, бугун илон Калия яшайдиган кўлга бормасин. Бугун Унинг туғилган куни, шунинг учун она Яшода билан Мен уни ювинтираммиз. Унга айт, бугун У уйдан чиқмай ўтирсин!” Бундан кўриниб турибдики, акаси Балораманинг Кришнага бўлган муносабатида Унга ота-оналардай муҳаббат билан ғамхўрлик қилиш туйғуси сезилиб турибди.

Кришнага қаттиқ боғланиб қолган ва ҳамиша Унга ҳар хил хизмат қилишга интилиб юрадиган тенгдош дўстларини оддий дўстлар ёки сакхалар деб атайдилар. Улардан баъзилари қуйидагилар: Вишала, Вришабха, Оджасви, Девапрастха, Варухапа, Маранда, Кусумапида, Манибандха ва Карандхама. Бу сакхаларнинг, Кришнанинг дўстларининг барчаси фақат бир нарсани - Унга хизмат қилишни истайдилар. Улардан баъзилари эрталаб уйқудан турган заҳоти Кришнанинг уйига бориб, У билан бирга сигир боққани кетиш учун, Унинг эшигининг олдида Кришнанинг чиқишини кутиб турарди. Кришнани кийинтираётганида Яшода она бир гал эшик олдида турган сакхани кўриб қолиб, уни ичкарига чақирди: “Вишала, нимага у ерда турибсан? Ичкари кир!” Йашоданинг

рухсати билан у уйга кириб, унга Кришнани кийинтиришда ёрдам бериб, Унинг оёғига кўнгирокчаларни тақа бошлади. Кришна ҳазиллашиб унинг бошига най билан туртганини кўриб, Яшода она Кришнани койиди: “Кришна, нима қиялпсан? Нимага Ўзингнинг дўстингни хафа қиялпсан?” Бундан Кришна кулиб юборди, Унинг дўсти ҳам У билан бирга кулиб юборди. Сакхаларнинг қиладиган ишларидан баъзилари шундай.

Баъзан сакхалар ўтлоқда ҳар тарафга кетиб колган сигирларни қайтариб подага кўшардилар ва Кришнага: “Қара, сигирларинг ҳар ёкка кетиб қолибди” - дерди. Кришна уларга миннатдорчилик билдирарди.

Кришна сакхалар билан ўтлоққа кетганида, Камса Кришнани ўлдириш учун вақти-вақти билан ҳар хил иблисларни юборарди. Шунинг учун деярли ҳар куни, гоҳ у гоҳ бошқа иблис билан жанг қилишга тўғри келарди. Иблис билан жанг қилиб, одатда Кришна Ўзини чарчаган қилиб кўрсатарди, Унинг сочлари тўзғиб кетган бўларди. Сакхалар Унинг атрофида тўпланиб, бирор хизмат билан Унинг кўнглини топишга ҳаракат қилардилар. Улардан бири шундай дерди: “Вишала, нилуфар гулининг япроқларидан елпиғич тузатиб, Кришнани елпи, Унга бироз салқин бўлсин. Сен эса, Варухана Унинг тўзғиб кетган сочларини тара, қара сочлари Унинг юзига тушиб кетибди. Вришабха, шовқин қилишни бас қил! Кришнанинг танасини уқалашга кириш! Иблис билан жанг қилиб, Унинг кўллари толиб кетган. Қаранглар, дўстимиз Кришна қанчалик чарчаб қолибди!” Бу - сакхаларнинг Кришнага қандай хизмат қилишларига мисол.

*Девапрастха* деб аталадиган сакхалардан бирини шундай таърифлайдилар. У жуда кучли, билимдон, коптокни зўр ўйнайди. У оқ либос кийиб, сочини бошининг юқорисидан ип билан турмаклаб кўяди. Иблислар билан жанг бошланганида Девапрастха биринчи бўлиб Кришнага ёрдамга шошилади ва худди филдай жанг қилади.

Бир гал гопилардан бири дугонасига шундай деган эди: “Эй гўзал дугонам, Нанда Махаражнинг ўғли Кришна тоғдаги ёрда ётиб дам олганида, бошини Шридамнинг кўлларига, чап кўлини Даманинг кўксига кўйиб ётганди. Имкониятдан фойдаланиб, Девапрастха чуқур муҳаббат билан Кришна оёқларини уқалай бошлади”. Кришна билан бирга сигир боқиб юрадиган дўстлари У билан бирга ана шундай хордик чиқарадилар.

Кришнага яна ҳам яқинроқ бўлган дўстларини *прийа-сакха* деб атайдилар. Улар Кришна билан деярли тенг ёшда. Уларнинг Кришна билан бўлган муносабатлари шу қадар яқинки, уларнинг асосида фақат соф дўстлик ётади. Бошқа содиқларнинг муносабатлари асосида оталарча ғамхўрлик ёки хизмат қилиш истаги ётган бўлса, *прийа-сакхаларнинг* Кришна билан бўлган муносабатлари фақат тенг ҳуқуқли дўстликка асосланган. Кришнанинг яқин дўстлари - Шридама, Судама,

Дама, Васудам, Кинкини, Стока-кришна, Амшу, Бхадрасена, Виласи, Пундарика, Витанка ва Калавинка. Ҳар хил эрмакларда уларнинг ҳар бири ўзига хос хизматлари билан иштирок этиб, улар Кришнага илоҳий лаззат келтирадилар.

Кришнанинг яқин дўстларининг хулқ-атворини Радхаранининг бир дугонаси таърифлаб берган эди: “Эй гўзал Шримати Радхарани Сенинг яқин дўстингга Унинг бошқа яқин дўстлари ҳам хизмат қиладилар. Уларнинг баъзилари Кришна билан ҳар хил мавзуларда ҳазиллашиб, Кришнага чуқур лаззат бағишлайдилар”. Кришнанинг яқин дўстларидан бири кичкина брахман Мадхумангала эди. Ҳазиллашиб, у баъзан қизғанч очкўз брахманга таклид қиларди. Дўстлар қачон бирга овқатлангани ўтирсалар, у ҳаммадан кўп овқат, айниқса *ладду* кўп ерди. У ладдуни жуда яхши кўрарди. Одатда у ҳаммадан кўп ладду еса ҳам тўймай қолар, кейин Кришнага мурожаат қиларди: “Кришна, агар сен менга яна бир *ладду* берсанг, мен Сени дуои-фотиҳа қиламан, шунда Шримати Радхарани ҳам Сендан мамнун бўлади!” Брахманлар вайшйаларни дуои-фотиҳа қилишлари керак. Кришна вайшйа Нанда Махаражнинг ўғли бўлгани учун болакай брахманнинг Уни дуо қилишга тўла ҳаққи бор эди. Кришнага Мадхумангаланинг дуолари жуда ёқарди, шунинг учун У унга кетма-кет ладду бераверарди.

Баъзан Кришнанинг дўстлари чуқур муҳаббат билан Уни кучоқлаб, бағрига босардилар. Кимдир Унинг орқасидан келиб, кўллари билан Унинг кўзларини бекитиб оларди. Дўстлари билан бирга юриш Кришнага ҳамиша қувонч бағишларди.

Кришнанинг энг яқин дўстларининг сардори Шридама. Одатда Шридама сариқ либос кийиб, ҳамиша кўлида кўтос шохидан қилинган сур олиб юрар, бошига эса сариқ-қизил рангли салла кийиб юрарди. Унинг танаси қорамтир бўлиб, бўйнига ҳамиша чиройли гулчамбар осилган бўларди. У ҳамиша ҳазиллашиб, Кришнанинг устидан кулиб юрарди. Биздан ўз марҳаматини аямаслигини тилаб Шридамга илтижо қилайлик!

Баъзан Шридама Кришнага шундай дерди: “Ҳой Кришна, Сен бизларни Йамуна қирғоғида ёлғиз ташлаб, жуда золимлик қилдинг. Бизлар Сени тополмай мусибатга тушиб, ақлдан озиб қолдик. Сенинг ҳозир бу ерда турганинг, Сени кўра олишимиз биз учун катта бахт!

Агар Сен бизларни тинчлантиришни истасанг, ҳар биримизни кучоқлаб, бағринга босиб чиқишинг керак. Менга ишон, эй азиз дўстим, сендан ҳатто бир лаҳзага жудо бўлиш ҳам ҳалокатли оқибатларга олиб келади. Бу жудолик оқибатида фақат бизлар эмас, ҳатто сигирлар ҳам қийналадилар. Ҳеч нарсага кўлимиз бормай, бизлар Сени йўқотиб ақлдан озамиз”.

Улардан бошқа, Кришнанинг яна ҳам яқинроқ дўстлари бор. Уларни *прийа-нарма* - тенгқурлари деб айтадилар. Аржун, Субала, Гандхарва, Васанта ва Ужжвала ана шундай дўстларидир. Бир гал

гопилар, Шримати Радхарани дугоналари Кришнанинг тенгқур дўстларини муҳокама қилиб ўтирардилар. Улардан бири Шримати Радхаранига мурожаат қилиб, шундай дейди: "Оҳ Кришанги(майин қиз), қара, Судама қандай усталик билан Кришнанинг қулоғига Сенинг хабарингни айтяпти, қандай моҳирлик билан Шйамадасининг ёзган махфий хатини бериб қўйяпти. У Кришнанинг оғзига меҳрибонлик билан Палика тайёрлаган бетелр ёнғоғини солиб, эпчиллик билан Тарака ясаган гулчамбарни тақиб қўйди. Эй азиз дугонам, биласанми, Кришнанинг энг яқин дўстлари Унга ҳамиша ана шундай хизмат қиладилар?" Жуда кўп прийа-нармалар, Кришнанинг тенгқурлари орасидан Субала ва Ужжвала ажралиб туради.

Субаланинг ташқи кўринишини шундай таърифлайдилар. Унинг танаси эриган олтин рангли сарғиш. У Кришна учун жуда жуда азиз. У бўйнига ҳамиша гулчамбар осиб, сариқ либослар кийиб юради. Унинг кўзлари худди нилуфар гулининг гулбаргларига ўхшайди, у шундай ақлики, унинг нутқи ва насиҳатлари Кришнанинг бошқа дўстларининг барчасига ғайритабиий лаззат бағишлайди. Кришнанинг яқин дўсти бўлган Субала олдида эҳтиром билан бош эгайлик!

Кришнанинг Субала билан қанчалик яқинлиги экани ҳақида шундан билиб олиш мумкинки, улар ўзаро суҳбатлашаётганда уларнинг нима ҳақда гапиришаётганини улардан бошқа ҳеч ким тушуна олмасди.

Кришнанинг яна бир яқин дўсти Ужжвалани шундай таърифлайдилар. Ужжвала ҳамиша тўқ сариқ либос кийиб юради. Унинг кўзлари жуда ҳаракатчан. У ўзини гуллар билан безашни жуда яхши кўради. Унинг кўзлари ҳам худди Кришнанинг кўзларига ўхшайди, бўйнида эса, ҳамиша марвариддан маржон тақиб юради. У Кришна учун жуда азиз. Кришнанинг энг яқин дўсти, тенгқури Ужжвала олдида эҳтиром билан бош эгайлик!

Ужжваланинг Кришнага кўрсатадиган махфий хизматини Шримати Радхаранининг Ўз дугонасига айтган гапларидан билиб олиш мумкин: "Азиз дугонажон! Менинг ифғатим хавф остида колди! Мен Кришна билан гаплашишни тарк этмоқчи эдим, лекин иложи йўқ! Унинг дўсти Ужжвала ўзининг ўтинишлари билан яна Менинг олдимга келяпти. Унинг илтимослари гопиларга шунчалик таъсир қиладики, қанчалик уялчан, эрига ва оиласига қанчалик садоқатли бўлмасин, бирор гопи унга бас келиб, Кришнага ўз муҳаббатини изҳор этишга қаршилик қила олмайди".

Куйидаги гапларда Ужжваланинг шижоатли табиати намоён бўлган: "О Кришна, Агхасуранинг қотили, Сенинг ишқий эрмакларинг шунчалик кенгайиб кетдики, Сени чексиз океанга ўхшатиш мумкин. Ўзларига ҳар жиҳатдан мукамал бўлган севгили йигит излаб юрган ёш қизларни эса, сувларини океанга олиб боришга интилаётган сонсаноксиз дарёларга ўхшатиш мумкин. Қандайдир

сабабларга кўра, дарёлар йўналишини ўзгартириб, бошқа ўзанларда оқиб юриши мумкин, лекин барибир, охир-оқибатда Сенга бориб қуйиладилар".

Кришнанинг баъзи дўстлари ҳақидаги маълумотлар у ёки бу муқаддас китобларда келтирилган, бошқа дўстлари ҳақидаги маълумотлар эса, халқ оғзаки меросида сақланиб қолган. Кришнанинг дўстлари уч гуруҳга бўлинади: Унинг мангу дўстлари, қудратли фаришталар ва камолотга эришган содиқлар. Бу гуруҳларнинг барчасига ҳар хил характерли содиқлар киради. Уларнинг баъзи бирлари табиатан Кришнага хизмат қилиш билан машғул ва Унга ҳар хил насиҳатлар берадилар, бошқалари ҳазиллашишни яхши кўрадилар ва ўзининг ҳазил гаплари билан Кришнанинг кулгисини келтирадилар, яна бирлари табиатан жуда содда бўлиб, Кришнага ўзларининг соддалиги билан лаззат келтирадилар.

Уларнинг ораларида шундайлар ҳам борки, улар ўзларининг гўё Кришнага қарши қаратилган ҳаракатлари билан жуда ҳайратли вазиятларни юзага келтирадилар. Жуда гапга чечан бир содиқлар ҳам борки, улар ҳамиша Кришнанинг айтган гапларига қарши чиқиб, У билан баҳслаша бошлайдилар, жуда мулойим, ширин сўзли содиқлар эса Кришнага ўзларининг мулойим, ширин сўзлари билан лаззат берадилар. Уларнинг барчаси Кришна учун жуда азиз ва ҳар бири ўз санъатини намоёиш этиб, Унга лаззат келтиришга интилади.

### Қирқ иккинчи боб. Кришна билан дўстона муносабатлар.

Кришнанинг ёши, Унинг гўзаллиги, Унинг шохдан ясалган сури, Унинг найи, Унинг сури ва Унинг ёқимли қилиқлари - буларнинг барчаси Унинг дўстлари қалбида Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотади. Унинг Ўзини шахзода ёки Худонинг Олий Шахси ўрнида тасаввур қилганида намоён бўладиган ғайритабиий ҳазилкашлиги ҳам содиқларни Унга нисбатан муҳаббат туйғўсини чуқурлаштиришга ундайди.

Билимдон олимлар Кришнанинг ёшини уч даврга бўладилар: беш ёшгача бўлган давр - *каумара*, олтидан ўн ёшгача - *пауганда*, ўнбир ёшдан ўн ўн беш ёшгача - *каишора*. Каумара ва пауганда даврини Кришна подачи-болакай сифатида ўтказган. Каишора даврида У Гокулада подачи бўлиб яшаган, ўн олти ёшга тўлгандан кейин У камсани ўлдириш учун Матхурага йўл олди.

Каумара - даври ёш Кришна билан она Яшоданинг ўзаро илоҳий муҳаббатга асосланган муносабатлар учун жуда қулай давр. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(13.11) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шох, олий лаззаталанувчи Парвардигор Кришна,

курбонлик қилинадиган ҳамма нарсалар бахшида этиладиган ягона Зот ҳисобланади. Шунга қарамай, У Ўзининг дўстлари - подачи-болалар билан овқатланарди, чунки шу пайтларда У оддий болакай вазифасини бажарар, қўлтиғида най, қўлида калтак ушлаб, белбоғининг ўнг тарафида эса - сур осиб юрарди. Унинг чап қўлида қатик аралаш қайнатилган гуруч, ўнг қўлида эса - мевалар шоҳи - *пила* ушлаб турарди. У дўстлари даврасида ўтирганида, худди нилуфар гулининг марказини, дўстлари эса - нилуфарнинг гулбарглари эслатарди. Улар ўзаро ҳазиллашиб, кулишиб ўтирар эканлар, жаннатдаги фаришталар хайрон бўлиб самодан уларни кузатиб турдилар”.

Пауганда даврини ҳам, ўз навбатида, уч даврга бўлиш мумкин: боши, ўртаси ва охири. Пауганда даврининг ўртасида Кришнанинг лаблари чиройли кизил рангга бўялган, Унинг бели ингичка, бўйнини эса сурнинг чизикларини эслатувчи чизиклар безаб турарди. Бошқа ўлкалардан келиб, Вриндаванда бўлиб кетган одамлар, Кришнани кўриш учун яна Вриндаванга келганларида шундай деб хитоб қилгандилар: “О Мукунда, Сенинг гўзаллигинг худди банйан дарахти сингари кундан кунга очилиб боряпти! Эй нилуфар кўзли Зот, Сенинг бўйнингда сурнинг халқаларини эслатувчи чизиклар пайдо бўляпти. Сенинг тишларинг ва ёноғинг эса, ой нурида товланиб, ўзининг гўзаллиги билан ҳатто *падмарага* тошининг чиройини ҳам сўндириб кўяди. Аминманки, ёшинг улғайиши билан сенинг гўзаллигинг ҳам тобора очила бориб, Сенинг дўстларингга чексиз қувонч келтиради”.

Бу ёшга келганида Кришна бўйнига ҳар хил гуллардан ясалган чиройли гулчамбарлар тақиб, ҳар хил ипак либослар кия бошлаган эди. Ана шу ажойиб либослар Кришнанинг косметикаси эди. Кришна ўрмонга сигир боққани чиққанида шундай кийиниб оларди. Ўрмонда сигир боқиб юрар экан, У баъзан дўстлари билан кураш тушар, баъзан улар билан бирга рақсга тушарди. Кришнанинг Ўзининг пауганда даврида кўрсатадиган кароматларидан баъзилари шулар эди.

Кришна билан даврада бирга юрган дўстлари ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилардилар. Улар ўзларининг илоҳий ҳиссиётларини шундай изҳор қилганлар: “О Кришна, Сен ҳамиша бутун Вриндаваннинг чиройли ўрмонлари бўйлаб ўтлаб юрадиган сигирларингни боқиб юрасан. Бўйнингда чиройли гулчамбар, қўлингда сур бор, саллангга чиройли товус пати қистирилган. Сен сарик ипак либос кийиб олгансан, кулоқларингга *карникара* гулидан қилинган тақинчоқ осиб олгансан, кўксингга эса - *маллик* гулидан ясалган гулчамбар осиб олгансан. Сен, худди саҳнадаги артистлар сингари, ана шундай тенгсиз гўзаллигингни намоён этиб, худди бизлар билан курашаётгандай бўлганингда бизлар чексиз илоҳий лаззат оғушига ғарқ бўламиз”.

Кришна анча улғайганида, яъни *пауганда* даврининг ўртасига етганида, Унинг тирноқлари чиройли бўлиб ўткирлашади, лўппи юзлари эса думалок ҳолга келиб, ёноқлари қизаради. Унинг белида - камаридан юқорида, уч жойида териси букланган, *тривали* деб аталадиган чизиклар кўзга ташланади.

Кришнанинг дўстлари бўлган подачи болалар Кришна билан бирга юриш имкониятига эга бўлганларидан жуда мағрурланардилар. Бу даврга келиб, Унинг бурнининг учининг гўзаллиги *кунжут* гулининг чиройини сўндирар, ёноқларининг ярқираши марвариднинг жилосидан қолишмас, ёнбошлари бенуксон чиройли эди. Бу даврда Кришна яшиндай ярқираб турадиган сарик ипак либослар кийиб юрар, бошида олтин тасма билан безанган ипак салла, қўлида бир ярим метрча келадиган калтак олиб юрарди. Кришнанинг ана шундай чиройли кийиниб олганини кўрган бир содиқ ёнидаги дўстига шундай деган эди: “Дўстим, Кришнага қара! Унинг бошидан охиригача олтин халқалар билан безатилган калтакни қандай чиройли ушлаб турганига, Унинг салласи қандай чиройли ярқираб турганига қара! Унинг шундай чиройли кўриниши дўстларига қанчалик илоҳий лаззат келтиради!”

*Пауганда* даврининг охирига келиб, Кришнанинг сочлари белига тушади, баъзан улар ёйилиб, Кришнанинг елкасини тўлдириб туради. Бу даврда Унинг елкалари кенгаёди, пешонасида ҳамиша тилака қўйилган бўлади. Унинг сочлари ёйилиб, елкасини тўлдириб турганида, худди Уни раванок фаришталаридан бири кучоқлаб тургандай кўринади, бу манзара Унинг дўстларига чексиз лаззат бағишлайди. Бир куни Субала Унга шундай деб мурожаат қилган эди: “О Кешава! Гарчи мен одатда Сендан ва бошқа дўстларимнинг барчасидан кучлироқ бўлсам ҳам, Сенинг думалок салланг, қўлингдаги нилуфар гули, пешонангни безаб турган тилака чизиклари *кункума* қўшилган *мускус* ва Сенинг тенгсиз гўзал киёфанг - буларнинг ҳаммаси бугун мени мағлуб қилди. Шундай экан, Сенинг бу гўзаллигинг Вриндаваннинг барча қизларини ўзига маҳлиё қилолмаслигини тасаввур қилиш қийин. Бундай тенгсиз гўзаллик олдида ҳатто мен ҳам таслим бўлган бўлсам, азалдан содда ва ишонувчан бўлган бошқалар нима қилсин?”

Бу даврга келиб, Кришнага дўстлари билан ўзаро болалик сирларини шивирлашиш кўпроқ ёқарди, уларнинг шивир-шивирларининг мавзуси одатда гопиларнинг гўзаллиги бўларди. Гопилар ҳам ҳар қандай имкониятни қўлдан бой бермай уларнинг кўзига ташланишга ҳаракат қилардилар. Бир куни Субала Кришнага шундай дейди: “О Кришна, Сен жуда айёрсан. Сен ўзгаларнинг ўйлаётган фикрини билишга қодирсан, шунинг учун мен Сенинг қулоғингга айтсам, мана шу беш гўзал гопи Сенинг либосининг чиройига мафтун бўлган. Менимча, Купидон уларга Сени ўзларига мафтун этишни буюрган бўлса керак!” Бошқача



қилиб айтганда, гарчи Кришна бутун олам хукмдори бўлса ҳам, бу гопиларнинг гўзаллиги Кришнани мафтун этишга қодир эди.

*Каишора* даврининг аломатлари аввал тасвирланган эди. Кришна Ўзининг содиқлари учун *каишора* даврида бошқа даврлардагига қараганда кўпроқ азизроқ. Одатда Кришнанинг содиқлари Кришна билан Шримати Радхаранига *Кишори-кишори* сифатида сиғинадилар. *Каишора* ёшига етгандан кейин Кришнанинг танаси ўзгармай қолади. "Брахма-самхита"да айтилганидай, гарчи Кришна ҳаммадан ҳам кекса, сон-саноксиз, хилма-хил қиёфалари бўлса ҳам, Ўзининг азалий қиёфасида У ҳаммиша ёш, навқирон. Курукшетра жанг майдонида Кришнани ҳаммиша ёш, навқирон кўринишда тасвирлайдилар, лекин, аслида бу вақтга келиб, Кришнанинг неваралари, эвара ва чеваралари бўлган. Бир куни подачи-дўстлари Унга шундай дедилар: "Азизим Кришна, Сен бунча кўп тақинчоқлар тақиб юришингга мутлақо ҳожат йўқ, Сенинг юзининг ўзи гўзалликда тенгсиз, унга тақинчоқ тақиншинг кераги йўқ!" Бу даврга келиб, Кришна эрталаб туриб, найини чалган заҳоти барча дўстлари ўринларидан сакраб туриб, бирга сугир бокқани кетиш учун Кришнанинг олдига шошилардилар. Унинг дўстларидан бири бир куни шундай деган эди: "Эй азиз подачи-дўстлар, Говардхана тарафдан эшитилаётган Кришнанинг найининг товуши Уни Йамуна қирғоғидан излаб юришининг ҳожати йўқлигини кўрсатяпти".

Тангри Шиванинг рафиқаси Парвати эрига бир куни шундай деган эди: "Азизим Панчамукха(беш сиймоли), анави Пандузодаларга қара! Кришнанинг Панчажанья сурунинг овозини эшитган заҳоти улар яна кучга тўлиб, худди арслонлардай шиддатли бўлиб кетдилар!"

*Каишора* даврида бир куни Кришна Ўзининг дўстларини кулдириш ниятида Шримати Радхаранининг либосларини кийиб олди. У олтин сирғалар тақиб олди. Ўзининг танаси қора, Шримати Радхараниники эса олтинранг бўлгани сабабли, Радхаранига ўхшаш учун юзини кункумадан қилинган паста билан бўяди. Кришнани бундай либосда кўриб, Унинг дўсти Субала хайратдан қотиб қолди.

Кришна тез-тез Ўзининг яқин дўстлари билан ўйнаб юрарди. У дўстлари билан кураш тушар, коптоқ, шахмат ўйнарди. Баъзан улар бир-бирларини елкасида олиб юрар, баъзида эса, бир бирларига қанчалик моҳирлик билан калтакни айлантира олишини мақтанардилар. Кришнани мамнун қилиш ниятида Унинг подачи-дўстлари У билан бирга ўриндиқларда ўтирар, арғимчоқ учар, бирга кроватда ётар, ҳазиллашар, сувда чўмилардилар. Ана шу ўйинларнинг барчаси *анубхава* деб аталади. Дўстлар Кришнанинг атрофида тўпланган заҳоти ана шундай ўйинларни бошлаб юборардилар, аммо ҳаммасидан ҳам уларга рақсга тушиш ёқарди. Уларнинг кураш тушишлари ҳақида куйидаги гаплардан билиб олиш мумкин.

Бир куни бир дўсти Кришнага шундай дейди: "Эй дўстим, эй иблис Агхининг қотили, Сен билагинг кучини кўз-кўз қилиш учун дўстларинг олдига у ёқдан бу ёққа бориб келиб юрибсан. Сен менга ҳасад қилаётганинг йўқми? Биламанки, Сен ҳеч қачон курашда мени енга олмайсан. Бунинг устига мен биламанки, кўп вақтдан бери Сен, мени мағлуб қилишдан бутунлай умидингни узиб, бирор иш қилмасдан ўтирибсан!"

Ҳар қандай вазиятда ҳам барибир ғалаба қозонишга Кришна албатта ёрдам беришига ишончи қомил бўлгани учун, Унинг дўстлари ҳеч нарсадан кўрқмас, ҳатто энг хатарли ишларга ҳам жасорат билан қўл урардилар. Улар тез-тез бирга ўтириб олиб, бир-бирларига нима ишлар қилиш лозимлигини маслаҳат берар, баъзан бир-бирига одамлар учун фойдали бирор иш қилишни насиҳат қилардилар. Гоҳида улар бир-бирларига бетелр ёнғоғи таклиф қилардилар, бир-бирларининг юзларини *тилака* билан безар ёки бир-бирларининг танасини *чандана* пастаси билан мойлардилар. Баъзан улар ҳазиллашиб, бир-бирларининг юзларига кулгили нақшлар қўярдилар. Уларнинг яна бир ёқимли эрмакларидан бири шу эдики - уларнинг ҳар қайсиси Кришна устидан ғалаба қозонишга уринарди. Гоҳида улар Кришнанинг кийимларини ўғирлаб қўяр ёки Унинг қўлидаги гулни тортиб оларди. Баъзан улар бир-бирини ўзининг танасини безашга мажбур қилишга уринар, агар ниятига эришолмай қолса, дарров бир-бири билан жанжаллашиб, яккама-якка кураш тушиб, бир-бирини куч синашга қақирарди. Кришна ва Унинг дўстлари машғул бўлган асосий эрмаклар шундай эди.

Кришнанинг дўстларининг муҳим машғулотларидан яна бири Кришна билан гопилар орасидаги муносабатларда алоқачи, воситачи бўлишдан иборат эди. Улар гопиларни Кришна билан таништириб, уларга Кришнани роса мақтар эдилар. Гопилар Кришна билан жанжаллашиб қолганида, агар Кришна шу ерда бўлса, Кришнанинг тарафини олардилар, агар Кришна бўлмаса гопиларнинг тарафини олиб юрардилар. Шу тарзда улар гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда туриб, ўзларининг гапларини бир-биридан сир тутар, аслида оддий, арзимас нарсалар ҳақида гапиришаётган бўлсалар ҳам, бир-бири билан пичирлашиб гаплашардилар.

Кришнанинг содиқ хизматкорлари баъзан Унга гуллар терар, Унинг бўйнига ҳар хил тақинчоқ-безаклар осар, Унинг олдига рақсга тушар, қўшиқ куйлар, Унинг танасини уқалар, ҳар хил гуллардан гулчамбарлар ясар, Уни елпиғичлар билан елпир эдилар. Кришнанинг дўстлари ва хизматкорлари Унга биргаликда хизмат қилардилар, уларнинг қилаётган ишларининг барчаси *анубхава* деб аталади.

Кришна Калия-нагани жазолаб, Йамунанинг қирғоғига чиққанида Шридам Уни кучоқлаб бағрига босмоқчи бўлган эди, лекин, қалбидаги

Унга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром туйғуси бунга йўл қўймади, натижада у ҳатто қўлини ҳам кўтара олмади. Кришна Ўзининг найини чалганида, унинг овози худди Куёш Свати юлдузлар туркумига кирган пайтда осмонда гумбурлайдиган момақалдироқ овозини эслатарди. Ведавий астрономик маълумотларга кўра, куёш Свати юлдузлар туркумида жойлашган пайтда, ёмғир ёғса, денгизга тушган ёмғир томчиларидан марваридлар пайдо бўлади, илонлар устига тушган томчилардан эса - қимматбаҳо тошлар юзага келади. Худди шундай, Кришнанинг момақалдироқ овозига ўхшаган найининг овози янграганида ҳам, Шридамнинг танасида марварид доналарига ўхшаган тер томчилари пайдо бўларди.

Бир куни Кришна билан Субала бир-бирини кучоқлаб бағрига босиб турганида Шримати Радхарани Субалага бироз рашк қилиб, қалб тугёнини зўрға босиб, шундай деган эди: “О Субала, сен қанчалик бахтлисан! Сизлар Кришна билан катталарнинг олдида ҳам тортинмасдан бир-бирингизнинг елкангизга қўл ташлаб тураверасизлар. Шунга қараганда сен аввалги ҳаётингга жуда кўп риёзат чеккан бўлсанг керак”. Бу ерда шу ҳолат назарда тутилганки, Кришнанинг елкасига қўлини қўйиб туриш Шримати Радхарани учун одатдаги ҳол бўлгани билан У катталар олдида ҳечам бундай қилолмас эди. Субала эса, ҳеч нарсадан андиша қилмай, истаган пайтда шундай ҳолатда тура оларди. Шунинг учун Шримати Радхарани Субаланинг ҳолати бу борада Ўзиникидан афзалроқ эканидан ҳайратланыпти.

Кришна Калия яшайдиган кўл сувига кирганида, Унинг яқин дўстлари шу қадар қаттиқ ҳаяжонга тушиб кетдиларки, уларнинг ранглари оқариб, томоғидан ғалати бўғиқ овозлар чиқа бошлади. Улар худди томири кесилган дарахтдай, ҳушидан кетиб, ерга қуладилар. Бир гал, ўрмонга ёнгин кетганида эса, улар ўзларини бутунлай эсдан чиқариб, Кришнани ёнгиндан асраб қолиш учун Уни ҳар тарафдан зич халқа бўлиб ўраб олган эдилар. Кришнанинг дўстларининг ана шундай ҳаракатларини донишмандлар *вйабхичари* деб атайдилар. Вйабхичариларнинг жазавали муҳаббати кўпчилик ҳолларда телбалик, эпчиллик, қўрқув, ланжлик, яйраш, мағрурланиш, бош айланиши, муруқаба, беморлик, эслай олмаслик ва мискинлик кўринишида намоён бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси вйабхичариларнинг Кришнага бўлган жазавали муҳаббати намоён бўлган аломатлардир.

Кришна билан Унинг дўстлари орасидаги муносабатларда ўзаро мутлақо тенглик юзага келганда, яъни улар бир-бирлари билан ҳар жиҳатдан тенгдай муносабатда бўладиган илоҳий ҳолатдаги Кришнага бўлган муҳаббат *стхайи* деб аталади. Содиқ хизматкор Кришна билан худди яқин дўстлардай илиқ муносабатда бўлиш даражасига эришганида, унда Кришнага бўлган муҳаббатнинг қуйидаги аломатлари намоён бўла бошлайди:

Кришнага қаттиқ боғланиш, Унга нисбатан мойиллик, интилиш, яқинлик. Аржуннинг Акрурага айтган қуйидаги гаплари стхайига мисол бўлиши мумкин: “Эй Гандинининг ўғли, илтимос, Кришнадан сўраб кўр-чи, қачон мен Уни кучоқлаб, бағримга боса олар эканман?” (Бу гапларни Курукшетрадаги Аржун эмас, Вриндавандаги бошқа Аржун айтган).

Содиқ Кришнанинг ўзидан ҳар тарафлама устун эканини англаб етса ҳам, Кришна билан ўзаро муносабатларида барибир Унга ҳеч қандай эҳтиром кўрсатмаса, бундай муносабатлар Кришнага муҳаббат билан боғланиш деб аталади. Кришнага ана шундай муҳаббат билан боғланишга яққол мисол келтириш мумкин. Тангри Шива боғлиқ фаришталар Парвардигорнинг чексиз бойлигининг ажойиблигини шарафлаб, Кришнага чуқур эҳтиром билан илтижо қилаётганларида, Кришна билан бирга турган Аржун Унинг елкасига қўлини қўйиб, Унинг бошига қистирилган товус пастидаги чангни артарди.

Пандузодалар Дурйодхоннинг шартини бажариб ўрмонга бадарға қилинганда, улар яшириниб юришлари шарт эди, уларнинг қаерда эканини ҳеч ким билмасди. Ўша пайтларда буюк донишманд Нарада Муни Кришнани учратиб, Унга шундай деди: “Азизим Муқунда, Сен - қудратли Худонинг Олий Шахсисан, аммо шунга қарамай, Сенга дўст бўлганлари сабабли улар бутун оламга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Бунинг устига улар ўрмонда яшириниб яшашга мажбур, баъзан тирикчилик қилиш учун улар бировларнинг уйида чўри бўлишга ҳам мажбур бўладилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлар нуқтаи-назарида бу ҳолат оғир мусибат бўлиб кўриниши мумкин, аммо, шуниси ҳайратланарлики, ана шундай барча жудолик ва мусибатларга қарамай уларнинг Сенга бўлган ишончи асло сусаймади, улар Сени чин қалби билан севишни тарк этмадилар. Аслида улар ҳамиша Сени жазавали лаззат келтирадиган дўстлик туйғуси билан эслайдилар ва ҳамиша Сенинг муқаддас номингни зикр қилиб юрадилар”.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(15.18) ҳам Кришнага бўлган кучли муҳаббат таърифланган. Бир куни ўтлоқда сигир боқиб юрган Кришна бироз чарчоқ ҳис қилиб, озгина дам олишга қарор қилди ва ерга чўзилди. Шу заҳотиёқ Уни подачи-болалар ўраб олдилар ва Кришна яхши ҳордиқ чиқариши учун чуқур муҳаббат билан шундай пайтларга мос келадиган қўшиқлар қуйлай бошладилар.

Курукшетра жанг майдонида Аржуннинг Кришнага нисбатан дўстлик туйғуларини қандай намоён этиши ажойиб таърифланган. Жанг айни қизиган пайтда Дронаचारйанинг ўғли Ашваттхама уруш қоидаларини қўпол равишда бузиб, Кришнага ҳужум қилди. Жанг қилиш қоидалари бўйича жангчи ўз рақибининг жиловдорига ҳужум қилишга ҳаққи йўқ. Аммо Ашваттхама бу пайтга

келиб жуда кўп жирканч қилиқлар қилган эдики, ҳеч тап тортмасдан Аржуннинг жиловдори вази-фасини бажариб юрган Кришнага хужум қилди. Кришнага жароҳат етказиш учун Ашваттхама ҳар хил пайконлар йўллаётганини кўрган Аржун бир лаҳза ҳам иккиланиб турмасдан, ўзининг гавдаси билан Кришнани тўсиб, барча пайконларни ўзига қабул қилди. Ўша пайтда танасига шунча пайконлар қадалганига қарамай, Аржун қалбида Кришнага нисбатан чексиз лаззат келтирадиган жазавали муҳаббат ҳис қиларди, танасига қадалаётган пайконлар унга худди гуллар ёмғиридай роҳат бағишларди.

Кришнага бўлган жазавали муҳаббатнинг намоён бўлишига яна бир мисол бор. Бир гал Вришабха деган подачи-бола Кришнага гулчамбар ясаш учун ўрмонда гул териб юрарди. Қуёш тикка кўтарилиб, шафқатсиз куйдирарди, аммо қуёшнинг жазирама нурлари Вришабха учун ёқимли Ойнинг салқин нурлари сингари туюларди. Парвардигорга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар ана шундай ҳолатда юрадилар. Содиқлар ҳаётда худди Пандузодаларнинг бошига тушгандай оғир мусибатларга дуч келганларида бу мусибатларга улар Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишнинг яна бир имконияти деб қарайдилар.

Кришна билан Аржуннинг ўзаро муносабатларидаги дўстлик туйғусини бир куни Кришнага мурожаат қилиб, Нарада Муни шундай таърифлайди: “Аржун камондан ўқ отиш санъатини ўрганиш билан банд бўлганида, узок вақт давомида Сен билан учрашишдан маҳрум бўлган эди. Аммо Сен у ерга борганингда у ҳамма ишини ташлаб, Сени кучоқлаб бағрига босиш учун шошилди”. Яъни, ҳатто ҳарбий илм санъатини ўрганаётганда ҳам Аржун бир лаҳза ҳам Кришнани эсдан чиқармади, Кришна билан учрашиш имконияти пайдо бўлган заҳоти у ҳамма ишларини ташлаб, Кришнага интилди.

Кришнанинг хизматкорларидан бири Путри, бир куни Унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “Эй азиз Худойим, Сен подачи болаларни ялмоғиз иблис Агхасурадан ва илон Калиянинг захридан қутқариб қолдинг. Сен уларни ҳалокатли ўрмон ёмғиридан ҳам қутқариб олдинг. Мен эса, Сендан айрилишнинг Агхасуранинг ғазабидан ҳам, Клийанинг захридан ҳам, ўрмонга кетган оловнинг тафтидан ҳам даҳшатлироқ бўлган азобидан қийналяпман. Нимага Сен мени ана шу азобдан қутқармайсан?” Кришнанинг яна бир дўсти бир куни шундай деган эди: “Эй Камсанинг душмани, Сен бизларни ташлаб кетганингдан кейин, ҳижрон азобининг олови жуда кучайиб кетди. Бизлар Сени Бхандираванада Бханутанайа(Шримати Радхарани) деган дарёнинг салқин сувлари роҳат бағишлаётганини англаб етганимизда бу олов бизларни яна ҳам қаттиқроқ куйдира бошлайди”. Бу ерда шу назарда тутилганки, Кришна Шримати Радхарани билан хилват

жойга яшириниб олганида Субала бошлиқ подачи болалар ўзлари учун чидаб бўлмас изтироб келтирадиган Кришна билан айрилиқ азобидан қийналардилар.

Кришнанинг дўстларидан бири Унга шундай дейди: “Ҳой Кришна, эй Агхасуранинг қотили! Сен шоҳ Камсани ўлдириш учун Вриндавандан Матхурага кетганингда подачи болаларнинг барчаси ўзларининг тўрт бхутаси(ер, сув олов эфир)дан маҳрум бўлдилар. Бешинчи бхута, ҳаво эса, шиддат билан уларнинг бурнидан чиқиб кетяпти”. Камсани ўлдириш учун Кришна Матхурага жўнаганида, У билан айрилиш азоби подачи-болалар учун шу қадар даҳшатли бўлдики, улар ҳаётдан кўз юмишларига оз қолди. Ўлган одам ҳақида “у беш таркибий унсурни тарк этди” деб айтадилар, чунки ўлгандан кейин инсоннинг танаси яна аввал ўзи барпо бўлган шу унурларга қўшилиб кетади. Бу ерда гарчи тўрт унур - ер, сув, олов, ва эфир, - подачи болаларни тарк этса ҳам, охириги унур - ҳаво, - ҳали болаларнинг танасида мавжуд эди ва шовқин билан уларнинг бурнидан чиқиб турарди. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Вриндаванни тарк этиб кетганида подачи болалар Унинг шоҳ Камса билан яккама-якка олишувининг натижаси қандай бўлишидан ҳавотирланиб, қаттиқ ҳаяжонга тушган эдилар.

Яна бир дўсти бир куни Кришнага шундай деган эди: “Сенинг дўстларингдан бири бир куни Сендан айрилганидан шундай қаттиқ қийналган эдики, унинг нилуфар кўзлари ҳамиша ёшга тўлиб турар, уйқунинг қора ковоғарилари унга киролмай, ҳафсаласи пир бўлиб, уни тарк этиб кетган эди”. Қора ковоғарилар нилуфар гули атрофида айланиб юриб, улардан асал йиғади. Кришнанинг дўстининг кўзларини нилуфар гулига ўхшатадилар, улар ҳамиша ёшга тўла бўлгани учун, уйқу ковоғарилари ундан асал йиғолмай, учиб кетарди. Бошқача қилиб айтганда, унинг чекаётган изтироби шу қадар кучли эдики, кўзидан оқаётган ёшлари ҳеч қачон уни ухлагани кўймасди. Бу - Кришнадан айрилиқ азобидан бедорлик касалига мубтало бўлишга мисол.

Кришнага муҳаббат дастидан ноиложлик ҳолатига тушиб қолиш куйидаги мисолда таърифланган: “Кришна Вриндавандан Матхурага кетганидан Унинг севимли подачи дўстлари бошларида шу қадар енгиллик ҳис қилдиларки, улар ҳаводан ҳам енгил бўлиб, ўзларини кўярга жой топмай, у ёқдан-бу ёққа бориб келиб юрадилар”. Бошқача қилиб айтганда, Кришнадан айрилганлари сабабли подачи-болаларнинг ақли бутунлай бўшаб қолган эди. Матхурага кетган Кришна тарк этган болаларнинг хулқ-атворида ташвиш билан кутиш аломатларини ҳам сезиш мумкин эди. Кришнани соғиниб, бу болалар сигир ва бузоқларни далага олиб чиқишни тарк этган, у ерда айтган чиройли қўшиқларни унутишга ҳаракат қилар эдилар. Охир-оқибатда уларга Кришнасииз яшагандан кўра ўлган афзалроқ бўлиб кўрина бошлади.

Кришнадан айрилик азоби натижасида ҳаракатсиз бўлиб қолишни Матхурада Кришнага бир дўсти таърифлаб берган эди. У айтган эдики, подачи-болаларнинг барчаси худди адирдаги куриб қолган дарахтларга ўхшаб қолдилар. Бу дарахтлар яланғоч, куриган, энди гул ва мева бермай қўйган эдилар. У Кришнага айтдики, Вриндаванда қолган подачи-болалар ҳам куриган дарахтлардай ҳаракатсиз қолиб қолдилар. Баъзан улар Кришнадан айрилиш азобига чидамай, қаттиқ касал бўлиб, Йамуна қирғоқларида бемақсад тентираб юрардилар.

Кришнадан айрилиш натижасида телба бўлиб қолишга ҳам мисоллар бор. Кришна Вриндаванда бўлмаган пайтларда подачи-болалар ўз вазифаларини унутиб, телбалардай бўлиб қолган эдилар. Улар гоҳ ерда ётар, гоҳ чанга беланар, гоҳида қаттиқ кулар, гоҳ эса қаергадир шиддат билан чопардилар. Барча ҳаракатлари билан улар ақлдан озган одамларни эслатар эди. Кришнанинг дўстларидан бири Унга таъна қилиб, шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Камсани ўлдириб, Сен Матхуранинг шоҳи бўлдинг. Бу бизлар учун жуда қувончли хабар. Аммо Вриндавандагилар Сендан айрилик азобига чидамай кўз ёши тўкавериб, кўзларидан айрилдилар. Улар Сенинг Матхура шоҳи бўлганингдан қувонмасдан, уйқусини, ҳаловатини йўқотиб қўйдилар".

Баъзан, Кришнадан айрилик азобига чидолмаган содиқлар ҳалок бўладилар. Бир куни Кришнага шундай дедилар: "Эй Камсанинг душмани, Сендан айрилиш подачи-болаларга чексиз азоб беради. Улар ҳозир яйловда зўрға нафас олиб ётибдилар. Уларга ачинганидан ҳатто ўрмондаги кийиклар ҳам кўзларидан ёш тўкяптилар".

"Сканда-пурана"нинг бир бўлимида ("Матхура-кханда") подачи-болалар даврасида ҳамиша сугир ва бузоқларга қараб юрадиган Кришна ва Балорам таърифланган. Аржун Кришна билан Друпанда-нагара шаҳрида кўза сотувчининг дўконида учрашиб қолганида, ташқи кўринишлари бир-бирига жуда ўхшаш бўлгани сабабли бир-бири билан дўстлашиб қолган эди. Бу - ташқи ўхшашлик натижасида ўзаро яқинлик пайдо бўлиб, ўзаро дўстлик юзага келишига мисол.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(12.12) ёзилганки, ҳатто қаттиқ риёзатлар орқали ўтган, йоганинг барча-қонунқоидаларига қатъий амал қилган буюк сеҳргар йоглар ҳам, камдан-кам ҳолда Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи гардига сазовор бўладилар, аммо Худонинг Олий Шаҳси, Кришнанинг жамолини Вриндаванда яшайдиган зотлар ҳамиша бе-малол томоша қила оладилар. Демак, ана шу содиқларнинг тақдирига битилган бахтга ҳеч қандай омадни тенглаб бўлмайди. Подачи-болаларнинг Кришна билан ўзаро дўстлик муносабатлари - Кришна билан ошиқ-машуқлар муносабатида бўлишдан қолишмайдиган чексиз илоҳий лаззат бағишлайдиган муносабатлардир. Подачи-

болалар ва Кришнанинг ўзаро муносабатларидаги бундай жазавали лаззат келтирадиган илоҳий муҳаббатни таърифлаш қийин. Кришна ва Унинг подачи дўстлари ҳис қиладиган бундай лаззатли туйғулар ҳатто Шрила Рупа Госвами сингари буюк содиқларни ҳам ҳайратга солади.

Кришна ва подачи-болаларнинг ўзаро муносабатлари ривожлана бориб, ота-оналар ва болалар орасида бўладиган муносабатларга айланади. Бу муносабатлар эса, ўз навбатида яна қучайиб, Кришна билан Унинг содиқлари орасида бўладиган энг юксак муносабат(раса)га - чексиз жазавали лаззат келтирувчи ўзаро ошиқлар муносабатига айланади.

## Қирқ учинчи боб.

### Ошиқ-машуқлар муносабатида садоқат билан хизмат қилиш

Кришнага бўлган жазавали муҳаббат ривожланиб, Унга ота-оналардай меҳрибон муносабатда бўлиш даражасига етганда ва мустаҳкам ўрнашиб олганида, бундай муносабатлар *ватсалйя-раса* деб аталади. Худога садоқат билан хизмат қилишда ватсалйя-расанининг намоён бўлишини Кришнанинг Унга нисбатан ўзларини ота, она, устоз ва шунга ўхшаш муносабатларда тутадиган содиқлар орасидаги ўзаро муносабатларда кўриш мумкин.

Билимдон донишмандлар Кришна билан қариндош бўлган катта ёшдаги одамларнинг қалбида Унга нисбатан ота-оналик меҳр-муҳаббатини уйғотадиган сабабларни қуйидагича таърифлайдилар: "Парвардигорнинг майин танаси энди очилган кўк нилуфар гули ғунчасини эслатарди, нилуфар гулига ўхшаган кўзларига ранги қовоғаридай тимқора бўлган бир тутам сочи тушиб турарди. Нанда Махаражнинг суюкли хотини Яшода она Кришнани учратганида У Вриндаван кўчаларида сайр қилиб юрарди. Шу заҳотиёқ унинг меҳри тошиб, кўксидан беихтиёр сут оқиб, бутун танасини ҳўллаб бошлади". Кришнадаги Ўзига нисбатан содиқларнинг қалбида ота-оналик меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотадиган хислатларга кўзларни қувонтириб, ҳаммани ўзига меҳригиёдай маҳлиё этувчи Унинг танасининг қорамтир ранги, танасидаги шарофатли белгилар, Унинг камтарлиги, тортинчоқлиги, Унинг ширин сўзлари, Унинг содаллиги, уялчанлиги, камсуқумлиги, катталарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга ҳамиша тайёр туриши ва меҳрибонлиги киради. Мана шу сифатларнинг барчаси содиқларда Унга нисбатан ота-оналардай меҳр-муҳаббат уйғотувчи сабаблар ҳисобланади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(8.45) Шукадева Госвами айтадики, Ведаларда Кришнани - осмон шоҳи, Упанишадаларда - шахсиятсиз Брахман, файласуфлар эса, бутун оламнинг эркак жинсидаги бошланиш сабабчиси

деб айтишларига қарамай, Йашода Парвардигор Кришнани ўзини ўғли деб ҳисоблайди. Йоглар Уни Олий Рух, Худонинг содиқлари эса - Худонинг Олий Шахси деб ҳисоблайдилар. Бир куни Йашода дугонасига шундай дейди: "Подачилар шоҳи Нанда Махараж билан бирга мен Парвардигор Вишнуга сиғиниб юрганим шарофати билангина Кришна иблис Путананинг чангалидан осонгина кутулиб қолди, бошқа иблисларнинг қўлидан ҳам омон қолди. Ҳовлидаги икки катта Аржун дарахти албатта кучли шамол дастидан кулаб тушган эди. Гарчи барчанинг кўзига Говардхана тоғини Кришна билан Балорам кўтаргандай бўлиб кўринса ҳам, ўйлайманки, аслида буни Нанда Махаражнинг ўзи қилган. Кичкинагина бола шундай катта тоғни қандай кўтара олади?" Бу - Кришнага нисбатан ота-оналик меҳридан жазава олиб лаззатга тушишининг яна бир тури. Кришнага нисбатан ана шундай муҳаббат туйғуси ўзининг Парвардигорга бўлган чуқур муҳаббати таъсири остида Кришнадан ҳар жиҳатдан устунроқ эканига тўлиқ ишонган, агар ўзи меҳрибонлик, ғамхўрлик қилмаса, Кришна умуман яшай олмайдигандай ҳис қиладиган содиқларнинг қалбида ривожланади. Шунинг учун бир содиқ хизматкор Кришнанинг ота-оналарига илтижо қилиб шундай деган эди: "Мен Кришнага Унинг ота-оналаридай ғамхўрлик қиладиган ёши улуғ содиқларнинг паноҳидан нажот тилайман. Улар ҳаммиша Кришнага хизмат қилишга, Унга ғамхўрлик қилишга интиладилар ва Унга жуда меҳрибонлик қиладилар. Худонинг Олий Шахси - бутун борлиқнинг отасига кўрсатаётган чексиз меҳрибонлиги учун уларнинг олдида эҳтиром билан бош эгайлик!"

Бир браҳман ҳам уларга шунга ўхшаган сўзлар билан илтижо қилган эди: "Моддий оламда тирикчилик қилишдан кўрқадиган ва озодликка чиқишга интилаётган зотлар Ведаларга, Упанишадларга ёки "Маҳобҳорат"га сиғинаверсинлар. Мен эса фақат Нанда Махаражга сиғинишни истайман, чунки Худонинг Мутлақ Олий Шахси, Кришнанинг Ўзи унинг ўғли сифатида унинг ҳовлисида эмакляб юради".

Бу ерда Кришнага нисбатан ота-оналик муҳаббатидан лаззатланиб юрган зотлар рўйхати кўрсатилган: 1. Йашода, Ваджа маликаси. 2. Махараджа Нанди, Ваджа шоҳи. 3. Роҳини, Балорамнинг онаси. 4. Катта ёшдаги, болаларини Браҳма ўғирлаган гопилар. 5. Деваки, Васудеванинг хотини, 6. Васудеванинг бошқа ўн беш хотини, 7. Кунти, Аржуннинг онаси, 8. Васудева, Кришнанинг отаси. 9. Сандипани муни, Кришнанинг устози. Уларнинг барчаси катта ёшдаги одамлар бўлиб, Кришнани ота-оналик меҳри билан севганлар. Бу рўйхат содиқларнинг Кришнага нисбатан ота-оналик меҳрининг кучлилигига мос равишда тузилган. Бундан кўриниб турибдики, Кришна атрофидаги ёши катта содиқлар орасида она Йашода ва Махараж Нанда энг муҳим ўрин эгаллайди.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(9.3) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга Йашоданинг ташқи кўринишини, гўзаллигини таърифлайди. У шундай дейди: "Эй шоҳ, Йашоданинг бўлиқ сонлари ипак мато билан ўралган, унинг кўксидан сут оқиб турарди - унинг Кришнага бўлган муҳаббати, меҳри шу қадар кучли эди. У пишкакка ўралган ипни қаттиқ ушлаб, сариёғ олиш учун қаттиқ чайганида, қўлларидаги билагузуклари ва қулоқларидаги сирғалари чайқалар, унинг сочларини беагаган гуллар эса, сирғалиб ерга тушарди. Зўриққанидан унинг юзларида тер томчилари пайдо бўларди".

Бир содиқнинг илтижоларида Йашоданинг бошқача таърифини ҳам кўриш мумкин: "Мен она Йашоданинг паноҳидан ўзимга нажот тилайман. Унинг чиройли тўлқин-тўлқин сочлари лента билан боғланган, сочларининг ўрминини беага турган ярқирок безак эса унинг хуснига хусн қўшиб турибди. Унинг қомати ўзининг гўзаллиги билан барча тақинчоқларнинг гўзаллигини сўндириб қўяди. У кўзларини Кришнанинг юзидан узмайди, шунинг учун улар ҳаммиша ёш билан намланган бўлади. Унинг очиқ либослари ранги кўкимтир нилуфар гулини эслатувчи танасининг гўзаллигини яққол кўрсатиб туради. Унинг марҳамат тўла меҳрибон нигоҳи бизларнинг барчамизга насиб этиб, бизларни майя чангалидан халос этиб, ҳар биримизга Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалиш имконини ато этсин!"

Йашоданинг Кришнага бўлган оналик муҳаббатини куйидагича таърифлайдилар: "Эрталаб туриб, она Йашода биринчи навбатда Кришнани эмизар, кейин Уни ҳимоя қиладиган ҳар хил мантраларни ўқирди. Кейин Унинг пешонасига тилакадан белгилар чизар, қўлларига дуо, талисманларни тақиб қўярди. Буларнинг барчаси унинг Кришнага нисбатан оналик муҳаббати намунали даражада мукаммал эканидан далолат беради.

Нанда Махаражнинг ташқи қиёфасининг кўринишини куйидагича таърифлайдилар: Унинг сочлари оқ оралаган қоп-қора рангда. Унинг яшил либосининг ранги банан дарахтининг янги барглари яшил рангини эслатади. Унинг қорни юмалоқ, юзининг ранги тўлин ойни эслатади, чиройли мўйлови бор. Бир куни, ҳали Кришна кичкина пайтида, отасининг бармоғидан ушлаб ҳовлида айланиб юрарди. У пайтда Кришна ҳали эркин юришни ўрганмаган бўлиб, ҳозир йиқилиб кетадигандай туюларди. Нанда Махараж ўзининг илоҳий ўғлини меҳрибонлик билан эҳтиёт қиларди, бирдан у кўзлари ўз-ўзидан ёшга тўлиб, қалби қувончга тўлганини сездди. Шоҳ Нанданинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан бош эгайлик!"

Одатда Кришнага нисбатан ота-оналик меҳри уйғонишига сабаб бўладиган нарсалар Унинг болалиги, болаларча либослари, ёш болаларга хос ҳаракатлари, Унинг ширин сўзлари, табассуми ва ҳар хил қилиқлари ҳисобланади. Кришнанинг бо-

лалик даврини уч даврга бўладилар: каумара даврининг боши, каумара даврининг ўртаси ва каумара даврининг охири. Каумара даврининг боши ва ўртасида Кришнанинг сонлари бўлик, кўзларининг ичи қордай оппоқ эди. Шу даврда Унинг тишлари чиқа бошлайди, Унинг танаси ва жуда майин, нозик бўлади. Ўша пайтдаги Унинг қиёфасини куйидагича таърифлайдилар: “Кришнанинг биринчи уч ёки тўрт тиши чиққанида Унинг сонлари бўлик, бўйи пакана бўлиб, Унинг ҳар бир ҳаракати Нанда Махараж ва Ёашода онанинг Унга нисбатан ота-оналик меҳрини кучайтириб юборарди. У гоҳида Ўзининг жажжи оёқлари билан юришга ҳаракат қилар, гоҳида беозор йиғлар, гоҳида қикирлаб кулар, гоҳида эса бош бармоғини сўрар ёки тинч ётарди. Кичкина Кришнанинг эрмакларидан баъзилари шулар эди. Гоҳида У чалқанча ётиб, оёғининг бош бармоғини сўрар, гоҳида оёқларини ҳавода ўйнатиб ҳаракат қилар, гоҳида кулар, гоҳида йиғлар эди. Ўғлининг бундай ёқимли ҳаракатларини томоша қилар экан, Ёашода она Унга сира халақит бермасликка ҳаракат қиларди. У фақат ҳайрат билан Кришнанинг болалик эрмакларини томоша қилиб, уларнинг лаззатидан сира тўя олмасди”. *Каумара* даврининг бошида Кришнанинг бўйнига йўлбарс тирноқларидан ясаиб, олтиндан нақш берилган маржон тақиб кўярдилар. Унинг пешонасига ҳимоя қилувчи тилака чизиб кўяр, кўзларининг атрофини қора туш билан чизар, белини эса ипак ип билан боғлаб кўярдилар. Кришна *каумара* деб аталадиган ёшлик даврининг бошида шундай кўринишга эга эрди.

Кўксида йўлбарс тирноқларидан қилинган маржон осилган, танаси ёш *тамала* дарахти рангида, пешонасига сигирнинг сийдигида эритилган тилака, қўлларига чиройли ипак иплардан қилинган безаклар осган, белига ўралган ипак либослар кийиб олган Кришнанинг гўзаллигига қараб, Нанда Махараж Ундан кўзларини узолмас, Унинг жамолига сира тўймас эди.

*Каумара* ёшининг ўртасига келиб, Кришнанинг пешонасидаги сочлари кўзига тушадиган бўлди. Баъзан Унинг танасининг пастки қисми бирор мато билан ёпилган, баъзан эса, яланғоч юрарди. Гоҳида У бир-икки одим отиб, юришга ҳаракат қилар, Ўзича бир нарсаларни айтиб ёқимли чулдирарди. Булар Кришнанинг ёшлигида, *каумара* даврининг ўртасида қиладиган эрмакларидан баъзилари эди. Каумара ёшининг ўртасига тўғри келадиган кунларнинг бирида Ёашода она Кришнани шундай аҳволда кузатган эди: тўзиган сочлари Унинг тинмай ҳаракат қилиб турган кўзига тушиб турар, У ҳали Ўзининг ҳиссиётини сўзлар билан ифодамай олмасди. Шунга қарамай, гапирётганида Унинг айтаётган гапларини тинглаш жуда ёқимли эди. Ёашода она Унинг кулоқларига қараб туриб, Унинг қип-яланғоч ҳолда, жажжи оёқларини апил-тапил бир-бир босиб, ата-чечак қилиб типиллаб югуришга ҳаракат

қилаётганларини кўриб, лаззат уммонига ғарқ бўларди. Бу даврда Кришнанинг бурнига чиройли маржон, нилуфар оёқларига мой суртиб, белига бир иккита кўнғироқча осиб кўярдилар. Айтишларига қараганда, Ёашода она ҳар бир қадам отган сайин белидаги кўнғироқчалари жаранглаган, юзида табассум кулиб турган, бурнига марварид тақилган, қўлига бир парса сариёғ ушлаб олган Кришнага кўзи тушганида чексиз лаззат уммонига ғарқ бўларди.

*Каумара* даврининг ўртасида Кришнанинг бели ингичкалашиб, кўкраги кенгая бошлади, калласини учаётган қарғанинг ёйилган қанотларига ўхшаган чиройли пахмоқ қора сочлар безаб турарди. Ёашода она Кришнанинг бу ғаройиб гўзал қиёфасига қараб тўймасди. *Каумара* даврининг охирида Кришна қўлида калта калтак ушлаб юрарди, унинг либослари бироз узунроқ, белидаги белбоғи эса илоннинг капгирига ўхшатиб боғланган эди. Ёшлигининг бу даврида У одатда уйдан унча узоқ бўлмаган ўтлоқда бузоқларга қарар, ёки тенгқур дўстлари - подачи-болалар билан ўйнаб юрарди. Унинг нозик найи ва кўтос шохидан қилинган сури бор эди. Баъзан у қандайдир дарахт баргларида ясалган найида куйлар чаларди. *Каумара* даврининг охирига келганда Кришнанинг баъзи ўйинлари мана шулар эди.

Кришна сал улғайиб, кичкина бузоқларга қарай бошлаганида, энди У бузоқларни ўрмонда боқа бошлаган эди. Шунинг учун агар Кришна уйга келишда сал ҳаяллаб қолса, Нанда Махараж дарров *чандра-шалика* (том бошида атрофни кузатиш учун махсус қурилган жой)га чиқиб, Унинг йўлига кўз тикарди. Боласининг узоқ қолиб кетганидан хавотирга тушган Нанда Махараж то Кришна подачи дўстлари билан бирга ўтлоқдан қайтаётганини айтиб, хотинининг кўнглини хотиржам қилмагунча тепадан пастга тушмасди. У ўғлининг бошидаги товус патини кўрсатиб, азиз хотинига уни кўрганидан қалби қанчалик қувончга тўлганини айтиб берарди.

Ёашода она Нанда Махаражга жавоб бериб шундай дерди: “Менинг азиз ўғлимга қара: унинг кўзлари чарақлаб турибди, Унинг калласида салла, елкасига чадар, оёқларида майин жиринглаб турадиган кўнғироқчалар. У уйга Ўзининг *сурабхи* бузоқчалари билан бирга қайтиб келяпти. Унинг муқаддас Вриндаван тупроғини бир-бир босиб келишига қара!”

Нанда Махараж ўз навбатида хотинига шундай дейди: “О Ёашода, жажжи ўғлинг Кришнага қара! Унинг қорамтир танасининг порлаб туришига, қизғиш рангли чиройли кўзларига, кенг кўкракларига ва чиройли олтин маржонига қара! Мен ҳис қилаётган илохий лаззатни тобора кучайтириб, бизнинг ўғлимизнинг кундан кунга чиройига чирой кўшилиб кетяпти!”

Нанда Махаражнинг суюкли ўғли Кришна ёшлигининг *кашора* даврига етганида яна ҳам гўзалроқ бўлиб кўрина бошлайди, лекин шунга

қарамай, гарчи У энди ўн-ўн беш ёшга кирган бўлса ҳам, Унинг ота-онаси барибир Унга нисбатан худди у *пауганда* ёшидаги боладай муносабатда бўлишда давом этаверардилар. Айни пайтда, Кришна ҳали *пауганда* даврида бўлган пайтда ҳам, кўплар Уни аллақачон *кашиора* ёшига етган деб ҳисоблайдилар. Кришнанинг болалик давридаги одатдаги қилиқлари - сут ёки қатик солинган кўзаларни синдириш, сутнинг юзидан қаймоқларини ўғирлаш, бутун ҳовли бўйлаб қатик тўкиб чиқиш. Баъзида у қатик чайдиган пишкакни синдириб ташлар ёки чиққан сариеғни ўтга ташлар, Ўзининг бу ишлари билан Йашода онанинг олаётган илоҳий лаззатини яна ҳам кучайтирар эди.

Бу борада бир куни Йашода она хизматкори Мукхарага шундай деган эди: “Кришнанинг буталар орасидан авайлаб, кўрққанидан ҳар ёққа аланглаб, секин писиб келишига бир қара! Менимча У ҳозир сариеғ ўғирламоқчи бўляпти. Яшириниб тур, бўлмаса бизларнинг Уни кузатиб турганимизни билиб қолади. Мен Унинг айёрона чимирилган қошларини, ҳадиксираб кўрқиб турган кўзларини ва чиройли юзини кўриб лаззатланишни истайман”.

Кришнанинг сариеғ ўғирлаётганини кўриб, Йашода она оналик муҳаббатининг илоҳий жазавали лаззатини ҳис қиларди: у баъзан ўғлининг ёқимли муаттар хид таратиб турган сочларини хидлар, баъзида бошини силаб, Уни дуо қилар, баъзан Унга бирор буйруқ берар, баъзида Унинг кўнглини кўтарар, баъзан Унга жиддий тикилар, баъзан эса тартибга қақриб, ўғирлашни бас қилишини талаб қилиб, Унга одоб-ахлоқ бўйича насиҳат берарди.

Буларнинг ҳаммаси унинг қалбидаги Кришнага нисбатан оналик меҳр-муҳаббатининг намоён бўлиш аломатлари эди. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, барча болаларга хос бўлган ўғирлашга мойиллик ҳатто Худонинг Олий Шахсида ҳам мавжуд, демак, ёш болалардаги ўғирлик қилиш одати - мутлақо табиий ҳолат. Лекин, руҳий муносабатларда намоён бўладиган ўғирлашга мойиллик руҳни салбий иллатлар билан булғамайди. Моддий оламда эса намоён бўлган ўғирлик одати эса, шартланган руҳларни моддий иллатларга булғаб, моддий оламга боғланиш туйғусини кучайтиради.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(13.33) Шукадева Госвами шоҳ Парикшитга шундай дейди: "Эй шоҳ, катта гопилар ўтлоқдан қайтиб келаётган ўғилларини кўришлари биланоқ қалбида оналик меҳри жўш ура бошлаганини ҳис қилардилар. Шу пайтгача улар ўғилларини сариеғ ўғирлаганлари учун жазолашга қарор қилиб қўйган бўлсалар, энди, ўғилларини кўришлари билан, ғазаблари эсдан чиқиб, қалблари меҳр-муҳаббатга тўлди. Улар ўғилларини бағрига босиб, оналик меҳридан ақлдан озиб, уларнинг бошидаги муаттар хиддан тўймай хидлардилар”. Бирга ўйнаган пайтларида

бу подачи-болаларнинг ҳаммаси Кришна билан сариеғ ўғирлашда иштирок этардилар, Ундан жаҳли чиқиши ўрнига, Йашода она Кришнани кўрган заҳоти Унга меҳри тошиб, кўксидан оқаётган сугдан усти хўл бўларди. Кришнага бўлган чексиз муҳаббатини, меҳрини боса олмай у такрор ва такрор Кришнанинг сочларини ўпиб, хидларди.

Подачи-болаларнинг оналари одатда уларни ўпар, бағрига босар, уларнинг исмини айтиб чақирар, баъзан эса уларнинг ўғирликлари учун аста койир эдилар. Жазавали лаззатнинг саккиз аломати бирдан пайдо бўладиган, Кришнага нисбатан ота-оналарча муҳаббатнинг бундай кўриниши *саттвика* деб аталади. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(13.22) Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Подачи-болаларнинг оналари Парвардигорнинг ички қуввати, уларни қамраб олган йога-майя таъсири остида бошлари гангиб қолган эдилар. Ўғиллари чалаётган най овозларини эшитишлари биланоқ улар турган жойларида қотиб қолар, Кришнанинг ички қуввати яратган ўғилларини хаёлида бағрига босар эдилар. Уларни ўзларининг кадрон ўғли ўрнида қабул қилиб, улар болаларини кўлига олиб, бағрига босардилар. Уларнинг қалбини қамраб олган лаззатли туйғулар ачиган шарбатдан ҳам тотлироқ эди, уларнинг ўғиллари эса оналарининг бағридан тошиб чиқаётган сутни бир зумда эмиб кўярдилар”.

Шрила Рупа Госвами ёзган "Лалитамадхава"да Кришнага қараб айтилган шундай гаплар келтирилган: “Азизим Кришна, Сен сигир ва бузоқларни боқиб юрганнингда, уларнинг туёғидан кўтарилаётган чанг, Сенинг майин юзингни ва чиройли тилака белгисини қоплаб олади, шундан Сен бошдан оёқ чангга ботгандай кўринасан. Аммо, Сен уйга қатиб келганингда, онангнинг кўксидан оқаётган сут юзингдаги чангни бутунлай ювиб ташлайди. Шунда Сен *абхитшека* пайтида сугга чўмилтирилган Илоҳга ўхшаб очилиб кетасан”. Эҳромларда агар кимдир эҳромни харом қилган бўлса, Илоҳларни сугга чўмилтириш одат бўлган. Кришна - Худонинг Олий Шахси, ёпишган барча чанглардан тозалаб, Уни Йашода онанинг кўксидан оқаётган сут ювинтирарди.

Баъзан Йашода она жазавали лаззатга ғарқ бўлиб, қотиб қоларди. Масалан, унинг ўғли Говардхана тоғини кўтарганида шундай бўлган эди. Кришна тоғни кўтариб турар экан, Йашода ўғлини бағрига босишга журъат этолмай, бир жойда қотиб турарди.

Кришна бирор хавф-хатарга дуч келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ унинг кўзлари жикқа ёшга тўлишига сабаб бўларди. Кўзларида тўлиб турган ёш дастидан у Кришнани кўра олмай қоларди. Қаттиқ хавотирга тушганидан, нафаси бўғилиб қолар, шу боис у бундай вазиятда нима қилиш кераклигини ҳам айтолмасди. Жазавали

муҳаббат таъсирида ҳайратдан қотиб қолиш ана шундай намоён бўлади.

Баъзан, бирор хатарли вазиятдан, масалан иблис Путананинг ёки бошқа иблисларнинг ҳамласидан ўғли соғ-саломат чиққани ҳақидаги хабарни эшитганида Ёашода онанинг бутун вужудини жазавали илоҳий лаззат камраб оларди. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(17.19) Шукадева Госвами ҳикоя қиладики, йўқолган ўғлининг топилганини кўриб, Ёашода ўзида йўқ хурсанд бўлган эди. У ўғлини тиззасига ўтказиб, юз-кўзларидан тинмасдан ўпарди. У ўғлини бағрига босар экан қалбида илоҳий лаззат жўш урганидан кўзларидан тинмай севинч ёшлари оқар, натижада у илоҳий лаззатини ўғлига изҳор этишга ҳам қодир эмасди. Шрила Рупа Госвами "Видагдха-мадхава"да шундай деб ёзади: "О Кришна, онангнинг қўлларингни силашлари Сенга ёқимли лаззат бериб, юзингнинг чиройини шу қадар очиб юборадикки, бу лаззат билан ҳатто ой нурларида *ушира* томири аралаш сандал пастаси билан мойлаш ҳам тенглаша олмайди. (Ушира дарахтининг томирини сувда ивитиб, терига суртилса танани совитади. Одатда жазирама иссиқда шундай қиладилар).

Ёашоданинг Кришнага бўлган оналик меҳри кун сайин ортиб боради. Баъзан унинг қаттиқ муҳаббатини ва бундан олаётган жазавали илоҳий лаззатини кучли боғланиш деб, баъзан эса, енгиб бўлмас ўрганиб қолиш, интилиш деб атайдилар. Содиқнинг қалбини Кришнага нисбатан муҳаббатга тўлдириб юборадиган боғланиш ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(6.43) ёзилган. Унда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай дейди: "Эй шоҳ, Матхурадан қайтиб келгандан кейин, олижаноб Нанда Махараж ўғлининг бошидан таралаётган муаттар хидни хидлаб, оталик меҳридан чуқур лаззат уммонига ғарқ бўлди". Кришнанинг ўтлоқдан қайтишини кутиб ўтириб, Унинг найи овози эшитилмаяптимики деб диққат билан кулоқ солиб ўтирган Ёашода ҳам шунга ўхшаш лаззатли ҳолатга тушган эди. У жуда кеч бўлиб кетди деб ўйлагани учун, ташвишланиб, тобора қаттиқроқ хавотирга тушар, кўксидан тинмай сут оқарди. У ўзини кўярга жой топмай, гоҳ уй ичида, гоҳ ҳовлида у ёқдан бу ёққа юрарди. У Говинда келаётгани йўқмики деб, тинмасдан йўлга қараб турарди.

Парвардигор Кришнанинг кароматларини шарафлаб буюк донишмандлар Унга илтижо қиладиганларида Гокуланинг маликаси,

Ёашода она Курукшетра жанг майдонида пайдо бўлган эди. Шунда унинг сарисининг паст қисми кўксидан оқаётган меҳр сутлари билан жикка хўл бўлган эди. Кришна баъзан қуёш тутилиш муносабати билан отасининг уйи(Матхура)дан Курукшетрага келарди, шунда У билан учрашиш ниятида Вриндаван аҳолиси ҳам Курукшетрага келарди.

Кришна зиёратчи сифатида Курукшетрага кириб келиши биланоқ Девакининг ўғли Кришнанинг келгани ҳақидаги хабар оғиздан-оғизга ўтиб, зудлик билан ҳамма жойга тараларди. Кришнанинг севимли онаси Деваки эса, меҳр билан Кришнанинг юзларини силарди. Одамлар Курукшетрага Кришна, Васудеванинг ўғли кириб келганини баланд овозда эълон қилганида эса, шоҳ Нанда ва Ёашоданинг қалби Кришнага нисбатан муҳаббат туйғуси тўлиб кетарди, уларнинг жазавали лаззат уммонига қанчалик ботиб кетгани юзларидан яққол сезилиб турарди.

Гокула маликаси Ёашода ўғли Кришна билан учрашиш учун Курукшетрага боришга ҳозирланаётганида, унинг дугоналаридан бири унга шундай деди: "Эй малика, Сенинг кўкрак тоғларингдан оқаётган меҳр сутлари Ганга сувларини оқ рангга бўяб қўйди, сенинг кўзларингдан оқаётган кўз ёшлари эса, қора сурма билан аралашиб, Ёамунанинг сувларини қорайтириб юборди. Сен шу аҳволда икки дарё ўртасида турганинда, сен ўғлинг билан учрашувга бормасанг ҳам бўлади деб ўйлайман. Сенинг Кришнага бўлган оналик муҳаббатинг қанчалик кучли эканини мана шу икки дарё аллақачон Унга етказган!"

Ёашоданинг ўша дугонаси Кришнага шундай дейди: "Азизим Мукунда, агар Ёашодани Сенинг жамолингни кўриб турган ҳолатда гулханда ёнаётган оловга киришга мажбур қилсалар, унга олов муз қоплаган Ҳимолай тоғига ўхшаб кўринадилар. Агар унга лаззатли шарбат уммонининг ўртасида бўлиш имконини бера туриб, Сенинг жамолингни кўриш имкониятидан маҳрум қилсалар, лаззатли шарбат унга заҳар бўлиб туюлади". Ҳамиша Кришнанинг нилуфар гулидай жамолини кўришга интизор бўлиб яшайдиган Враджалик Ёашода онанинг шухрати бутун оламга таралсин!"

Бир куни Кунтидеви ҳам акаси Акрурага шунга ўхшаган гапларни айтган эди: "Азиз акажон, жияним Мукунда кўпдан бери бизларникига келмаяпти. Холаси душманлар қуршовида қолганини, Унинг нилуфар гулидай жамолини яна бир бор кўришни интизор бўлиб кутиб ўтирганини сен Унга айтиб бор!"

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(46.28) шундай дейилган: "Вриндаванда ўтириб, Уддхава Кришнанинг Дваракада кўрсатган кароматлари ҳақида гапирар экан, уни тинглаб ўтирган Ёашода онанинг кўксидан сут томчилай бошлади, кўзлари эса соғинч ёшларига тўлди".

Яна бир гал Кришна Вриндавандан Матхурага, шоҳ Камсанинг салтанатига кетганида Ёашоданинг Кришнага бўлган чуқур муҳаббати намоён бўлган эди. Кришнадан айрилиқ азобида қаттиқ қийналиб юрган Ёашода Кришнанинг уйда қолган безакларига кўзи тушган заҳоти чинқириб юборди ва ҳушидан кетиб, ерга чўзилиб тушди. У ерда думалай бошлади, танаси жароҳатланди. Ана шундай ачинарли ҳолатда кўксини муштлаб, қичқира



бошлади: “Ўғлим! Ўғилгинам!” Билимдон донишмандлар бу ҳолатни жазавали муҳаббатнинг хижрон азобида намоён бўлиши деб айтадилар. Бунга ўхшаш ҳолатларда яна қаттиқ ташвишга тушиш, хавотирланиш, қаттиқ куйиниш, алам, хайрат, мискинлик, беҳаловат бўлиш, телбалик ва сезгиларнинг алдаши сингари аломатлар ҳам намоён бўлиши мумкин.

Йашода онанинг хавотирга тушгани ҳақида куйидаги мисолни келтириш мумкин. Бир куни Кришна сигир боққани уйдан чиқиб кетганида бир содиқ Йашодага шундай деди: “Йашода, ҳаракатларинг сусайиб, хавотирга тушган одамга ўхшаб турибсан. Сенинг нигоҳинг бир жойда қотиб қолган, олаётган нафасинг ҳарорати шунчалик иссиқки, унинг дастидан кўксингдаги сут қайнай деб турибди. Буларнинг ҳаммаси ўғлингдан айрилганинг сабабли бошинг қаттиқ оғриётганидан далолат беради”. Кришнадан хавотир олаётган Йашода онанинг ташвишлари намоён бўлишининг баъзи кўринишлари шулардан иборат.

Акрура Вриндаванга келиб, Кришнанинг Дваракада кўрсатган кароматлари ҳақида гапириб берганида, Йашода Кришнанинг жуда кўп маликаларга уйланганини ва оилавий ишларга бутунлай берилиб кетганини эшитди. Бу гапларни эшитиб, Йашода Кришна *кашшора* ёшидан ўтган заҳоти уйлантирмаганидан, шу боис ҳозир бир уйда келини ва ўғли билан бирга яшаш имкониятидан маҳрум бўлганини айтиб, тақдирдан пушаймон бўла бошлади. У алам билан шундай хитоб қилди: “О Акрура, сен менинг бошимга яшиндай ўт чакяпсан!” Йашода онанинг Кришнадан айрилиқ азобига чидамай тортаётган азоблари шундай намоён бўлган эди.

Бир куни Йашода ўйланиб ўтириб, қаттиқ изтиробга тушган эди: “Менинг миллион сигирим бор, аммо уларнинг сути Кришнага лаззат келтирмайди. Ланъат бўлсин уларга! Менинг ўзим ҳам қарғишга учраган бўлсам керак: шунча бойбадавлат бўлишимга қарамай, авваллари У Вриндаванда бўлган вақтлардагидай, ўғлимнинг бошини силаб, Унинг муаттар ҳидидан тўйиб ҳидлаш имкониятидан маҳрумман”. Кришнадан айрилиқ азобидан қийналган Йашоданинг аламлари шундай намоён бўлган эди.

Кришнанинг дўстларидан бири Унга шундай деган эди: “Эй нилуфар кўзли зот, Гокулада яшаган пайтингда, калтак сира Сенинг кўлингдан тушмас эди. Энди шу калтак Йашода онанинг уйида ишсиз ётибди. Ҳар гал унга кўзи тушганда, Йашода онанинг ўзи соғинч азобида калтакдай қотиб қолади”. Кришнадан айрилиқ азобида қотиб қолиш ана шундай бўлади. Кришнадан айрилганидан Йашода она шунчалик камтар, мискин бўлиб қолдики, кўзлари ёшга тўлиб, оламни яратган Тангри Браҳмага шундай илтижо қила бошлади: “Эй яратган, ҳеч бўлмаса бир лаҳза кўриб олишим учун сен менга ўғлим Кришнани қайтариб бера

олмайсанми?” Баъзан хижрон азобига чидамаган Йашода она телбалардай, Нанда Махаражни қийин бошларди: “Сен саройда нима қилиб юрибсан, виждонсиз? Суюкли ўғлингдан айрилсанг ҳам, ҳеч нарса бўлмагандай Вриндаванда яшашда давом этапсан! Сенинг бағрингдаги нарса юрак эмас, қаттиқ тош!”

Бир куни Кришна Йашода онанинг телбалиги ҳақида эшитди: “Ақлдан озган Йашода она *кадамба* дарахтларидан ўғлини суриштира бошлади. Кейин у кушларга, қовоғариларга мурожаат қилиб, улардан бирор жойда ўғли Кришнани учратган-учратмаганини, Кришна ҳақида бирор хабар беришларини сўрарди. Шу тарзда телбалардай, учраган одамдан Сен ҳақингда сўраб, у Вриндаванда айланиб юрибди”. Кришнадан айрилиқ азобидан телба бўлиш ана шундай.

Йашода она Нанда Махаражни тошбағирликда айблаганда у хотинига шундай деб жавоб берди: “Азизим Йашода, нимага бунчалик ҳаяжонланыпсан? Дикқат билан назар сол. Наҳотки ўғлинг Кришна сенинг олдинда турганини кўрмаётган бўлсанг? Ақлдан озма, уйимизнинг тинчлигини бузма!” Кришнанинг дўсти Унга отаси Нанда Махараж ҳам ўғлидан айрилиқ азобига чидамай телба бўлиб қолганини айтди.

Камса уюштирган қурбонлик маросими ўтказиладиган майдон атрофида Васудеванинг барча хотинлари тўпланганида, шу ерда пайдо бўлган Кришнанинг кўзларни қувонтирадиган қиёфасини кўриб, қалбида жўш урган кучли оналик муҳаббати таъсири остида уларнинг кўксидан сут оқиб, сариларининг етагини хўллади. Жазавали муҳаббатнинг бундай намоён бўлиши - қаттиқ интилган орзуга етиш нимага олиб келишига яққол мисол бўла олади.

"Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(11.29) шундай дейилган: "Курукшетрадаги жанг ниҳоясига етгандан кейин Дваракага қайтиб келган Кришна биринчи навбатда Ўзининг онаси ва ўғай оналари билан учрашди, уларнинг қадамларига эҳтиром билан бош қўйди. Оналари Кришнани тиззаларига ўтказдилар, оналик меҳридан уларнинг кўксидан сут оқа бошлади. Кўксиларидан оққан сут билан аралаш кўз ёшлари уларнинг Кришнага берган биринчи эҳсонлари бўлди". Узоқ хижрон азобидан кейин қаноатланиш лаззати содиқларда ана шундай намоён бўлади.

Шунга ўхшаш гаплар "Лалита-мадхав"да ҳам бор: “Шоҳ Нанданинг хотини Йашода кўксидagi сути билан кўз ёшларини аралаштириб, азиз ўғлини ювинтиргани хайратли эмасми?” "Видагдха-мадхав"да ҳам бир содиқнинг Кришнага айтган шундай гаплари бор: “О Мукунда, Сенинг нилуфар гулининг муаттар ҳидини таратувчи жамолингни кўрган заҳоти, ундан таралаётган ой нурига маҳлиё бўлиб, Йашода Сенга нисбатан шундай кучли меҳр-муҳаббат уммонига ғарқ бўлдики, унинг кўзага ўхшаган кўксидан сут оқа бошлади”.

Шу тарзда у ҳамиша кўксидан оқаётган сутдан Кришнага беришга тайёр эди.

Кришнанинг отаси, онаси ва бошқа катта ёшдаги содиқларнинг Кришнага бўлган ота-оналарча меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишининг баъзи ҳолатлари ана шундай. Содиқ Кришнага ўзининг ўғлидай қараган пайтда унда Кришнага нисбатан ота-оналик туйғуси юзага келади. Ана шундай туйғуларнинг мустаҳкам равишда ҳамиша намоён бўлиб юриши Кришнага нисбатан ота-оналик муносабатнинг жазавали муҳаббати деб аталади.

Шрила Рупа Госвами билимдон донишманд олимларнинг фикрларига таянган ҳолда, юқорида кўрсатилган уч илоҳий раса - хизмат қилиш, дўстлик ва ота-оналик муносабатлари - баъзан бир-бири билан аралашиб кетади, деб таъкидлайди. Масалан, Балорамнинг дўстлик муносабатларида ота-оналик ва хизмат қилиш туйғулари ҳам сезилиб туради. Шоҳ Юдхитхиранинг Кришнага бўлган муносабатларида ота-оналардай меҳрибонлик ва садоқат билан хизмат қилиш туйғулари, Кришнанинг бобоси Уграсенанинг Кришна билан илоҳий муносабатлари эса - садоқат билан хизмат қилиш ва ота-оналик туйғусининг аралашмасидан иборат. Вриндавандаги катта гопиларнинг Кришнага бўлган муносабатлари - садоқат билан хизмат қилиш, ота-оналик меҳри ва дўстлик туйғуларининг аралашмасидир. Мадрининг ўғиллари Накула ва Сахадеванинг, буюк донишманд Нарада Мунининг Кришна билан ўзаро муносабатлари - садоқат билан хизмат қилиш ва дўстлик муносабатларидир. Тангри Шиванинг, Гаруданинг ва Уддхаванинг Кришнага боғланишлари эса - садоқат билан хизмат қилиш ва дўстлик туйғуларининг аралашмасидир.

## Қирқ тўртинчи боб.

### Кришнага ошиқлар муносабатида садоқат билан хизмат қилиш.

Соф содиқнинг Кришнага нисбатан ошиқлардай муносабатда боғланиши Парвардигорга ошиқлар муносабатида садоқат билан хизмат қилиш деб аталади. Гарчи руҳий муҳаббат ва моддий дунёвий фаолият орасида баъзи бир ўхшашликлар бўлса ҳам, Парвардигорга нисбатан бўлган ошиқлик туйғуси дунёвий ҳаётдаги ошиқлик муносабатига мутлақо алоқаси йўқ. Шунинг учун фақат дунёвий фаолият билан кизиқадиган одамлар руҳий табиатга эга бўлган ошиқлик, илоҳий муҳаббат туйғусини англай олмайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилишдаги ана шундай юксак муносабатларнинг мазмуни, моҳияти ундай одамлар учун мутлақо очилмайдиган сир бўлиб қолаверади. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами Парвардигорга нисбатан ошиқлик муносабатида садоқат билан хизмат қилиш мавзусини жуда қисқа таърифлаган.

Содиқнинг қалбида Парвардигорга ошиқларча муҳаббат уйғонишига Кришнанинг Ўзи, Унинг севимли рафиқалари Шримати Радхарани ва Унинг дугоналари сабаб бўлади. Парвардигор Кришнага тенглаша олмайди: У билан рақобат қила оладиган ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким Унга тенглаша олмайди, ҳеч ким Ундан буюк бўлолмайди. Унинг гўзаллиги ҳам тенгсиз, Ўзининг ишқий ўйинларида бошқа барча мавжудотлардан устун бўлган ҳолда У намоён бўлган барча ошиқлик муносабатларининг бошланғич манбаи ҳисобланади.

Жайадева Госвамийнинг "Гита-говинда" асарида гопилардан бири дугонасига шундай дейди: "Кришна - бутун борликдаги барча лаззатлар манбаидир. Унинг танаси худди нилуфар гулидай майин. Худди ёш йигитнинг қиз болага интилишини эслатадиган Унинг гопилар билан ўзаро муносабатлари - аслида илоҳий ошиқлик муҳаббатининг намоён бўлишидир". Парвардигорнинг соф содиғи гопиларнинг изидан боради ва уларга шундай илтижо қилади: "Мен чуқур эҳтиром билан қиёфалари таърифлаб бўлмайдиган даражада гўзал бўлган ёш подачи қизлар олдида бош эгаман. Улар ўзларининг биргина мафтункор қиёфалари биланоқ Худонинг Олий Шахсига, Кришнага сиғинадилар". Гопиларнинг ичида энг машхури - Шримати Радхарани.

Шримати Радхаранининг гўзаллигини шундай таърифлайдилар: "Унинг кўзлари ўзининг чиройи билан *чакора* кушининг тенгсиз чиройини ортда қолдиради. Ойнинг кўзаллигини тан олмай қўйиш учун Шримати Радхаранининг жамолига бир марта қараб қўйишнинг ўзи кифоя. Унинг танасининг ранги билан соф олтин ранги тенглаша олмайди. Нигоҳимизни илоҳий даражада гўзал бўлган Шримати Радхаранига қаратайлик!" Шримати Радхаранига бўлган муносабатини Кришнанинг Ўзи шундай таърифлайди: "Мен Унинг гўзаллигидан лаззатланиш ниятида, Шримати Радхарани ёнида бирор ҳазил гап айтсам, У, гарчи Ўзини тутиши ва берган жавоблари билан Мени бутунлай менсимайдигандай қилиб кўрсатишга уринаётган бўлса ҳам, гапларимни диққат билан тинглайди. Лекин ҳатто Унинг ана шундай менсимаслиги ҳам Менга чексиз лаззат бағишлайди, чунки бундай пайтларда У шундай гўзал кўриниб кетадики, бундан Мен ҳис қилаётган илоҳий лаззат юз марта кучайиб кетади". Шунга ўхшаш гаплар "Гита-говинда"да ҳам бор: "Камсанинг душмани Шри Кришна Шримати Радхаранини кучоғига олган захоти муҳаббат чангалига тушиб қолади ва бошқа барча гопиларни тарк этади".

Шрила Рупа Госвамийнинг "Падявали" асарида айтилганки, гопилар Кришнанинг найи овозини эшитишлари биланоқ оиласидаги катталарнинг ўзларига айтаётган барча танбехларини эсдан чиқариб юборадилар. Улар ўзлари ҳақида ҳар хил

ёмон гаплар тарқалиб юрганини ҳам, эрларининг ўзларига кўпол муносабатда бўлаётганларини ҳам бутунлай унутиб юборадилар. Уларнинг ақлини биргина фикр - тезроқ уйдан чиқиб, Кришнани излаш эгаллаб олади. Гопиларнинг Кришна билан учрашгандаги кўз олишишлари, кулишлари, ҳазиллари ошиқлик муносабатидаги *анубхава*, лаззат келтирадиган ҳаракатлар деб аталади.

"Лалита-мадхава"да Шрила Рупа Госвами тушунтирганки, Кришнанинг қошларининг ҳаракатлари Йамунага, Шримати Радхаранининг табассуми эса - ой нурига ўхшайди. Йамуна ва ой нури дарё қирғоғида учрашганида, дарёнинг суви шарбат таъмига киради ва ундан ичган одамга тенгсиз лаззат бағишлайди. У худди тоғдаги қордай одамга енгиллик бағишлайди. Шунга ўхшаш гаплар "Падйавали"да ҳам бор. Унда Шримати Радхаранининг ажралмас дугонаси шундай дейди: "Эй ой юзли Шримати Радхарани, Сен Ўзингдан жуда мамнун кўринасан, аммо, барибир кўзларингда ёш милтиллаб турибди. Овозинг ҳам титрапти, кўкрагинг хаяжондан кўтариляпти. Бу аломатларнинг барчаси шундан далолат берадики, Сен Кришнанинг най овозларини эшитяпсан, шу боис Сенинг қалбинг эриб кетяпти".

"Падйавали"да бир шеър борки унда Парвардигор билан ошиқлик муносабатидаги алам таърифланган. Шримати Радхарани шундай дейди: "О Купидон, эй Менинг ҳукмдорим, Мени ўзингнинг пайконтларинг билан жароҳатлама! Эй хаво, гулларнинг муаттар ҳиди билан Менинг эҳтиросимни уйғотма! Кришна Мендан юз ўғирди - энди бу кераксиз тананинг ҳаётини сақлаб туришнинг нима кераги бор? Бундай тананинг бирор тирик мавжудотга кераги йўқ!" Бу - Кришнага нисбатан ошиқлик муносабатидаги муҳаббатнинг алам кўринишида намоён бўлишига мисол.

"Дана-кели-кауमुди"да Шримати Радхарани Кришна ҳақида шундай дейди: "Ўрмондаги бу айёр йигит кўкимтир нилуфар гулидай гўзал, Унинг олдида оламдаги бирор қиз бола ўзини тутиб тура олмайди. Ўзининг илоҳий танасининг лаззатидан тотиш имконини бериб, У Мени шундай хаяжонга солдики, Мен бардош беролмай қолдим. Мен ўзимни худди эркак фил хайратга солган урғочи филдай ожиз ҳис қиляпман!" Бу - Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат таъсиридан яйрашга мисол.

Парвардигорга нисбатан ошиқлик муносабатидаги муҳаббат билан боғланишнинг ўзгармас лаззатли ҳолати тананинг лаззатининг бошланғич сабаби ҳисобланади. "Падйавали"да ошиқлардай бирлашишнинг ана шу бошланғич сабабини дугоналаридан бирига мурожаат қилиб, Шримати Радхаранининг Ўзи таърифлаб берган: "Бу йигит ким ўзи? Бир лаҳза ҳам ўйнашни тарк этмайдиган қошлари Унинг жамолини яна ҳам гўзалроқ қилиб кўрсатади ва Менда ошиқлик истагини уйғотади. Унинг қулоқлари *ашока* гулгунчалари билан без-

атилган, Унинг Ўзи сариқ либослар кийиб олган. Ўзининг най чалиши билан бу ёш йигит бутунлай Менинг оромимни олиб қўйди".

Шримати Радхарани ва Шри Кришнанинг ошиқларча муҳаббатига ҳеч қандай шахсий тасаввурлар ҳалақит бера олмайди. Шримати Радхарани ва Кришнанинг ҳеч қандай чегара билмайдиган мана шу илоҳий муҳаббатини шундай таърифлайдилар: "Кришнанинг ёнида Йашода она, атрофида эса Унинг дўстлари турарди. Кришнанинг олдида Чандравали, Враджага кираверишдаги катта тош устида иблис Вришасура турарди. Ана шундай ҳолатда Кришна буталар ортида турган Шримати Радхаранини сезиши биланоқ, Унинг ажойиб қошлари яшин тезлигида Унга қараб интилдилар".

Яна бир манзара шундай тасвирланади: "Ҳовлининг бир чеккасида Шанкхасуранинг мурдаси ётар, унинг атрофида чиябўрилар айланиб юрарди. Ҳовлининг бошқа чеккасида ўзларини тўла англаб етган брахманлар тўпланган эди. Улар одамнинг кўнглини худди ёзда эсадиган салқин шамолдай енгиллатиб юборадиган чиройли илтижолар тиловат қилардилар. Кришнанинг олдида Ўздан салқин хушбўй хид таратиб, Парвардигор Баладева турарди. Аммо ҳатто ана шундай эҳтиросли ва роҳатбахш нарсалар таъсири остида ҳам Кришна билан Шримати Радхаранининг ошиқлик муҳаббатининг нилуфар гули сўлмади". Кришна билан Шримати Радхаранининг ўзаро муҳаббатини одатда очилиб турган нилуфар гулига ўхшатадилар. Уларнинг орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, Кришнанинг муҳаббатининг гўзаллиги ҳамиша тобора ортиб, кучайиб боради.

Ошиқлик муносабатидаги муҳаббат икки хил бўлади: *випраламбха* - ҳижрондаги ошиқлик муҳаббати ва *самбхога* - бевосита яқинликдаги ошиқлик муҳаббати. *Випраламбха*, ҳижрон ҳам ўз навбатида уч хил бўлади: 1. *пурва-рага* - бошланғич интилиш, 2. *Мана* - юзаки ғазаб, 3. *Праваса* - бир-бирдан йирокдаги ҳижрон.

Севишган ошиқларнинг қалбида ҳали бири-бири билан учрашмаганини чуқур ҳис қилганларидаги ҳолати *пурва-рага* деб аталади. "Падйавали"да Шримати Радхарани дугонасига шундай дейди: "Азиз дугонажон, Мен Йаммуна қирғоғига бораётган эдим, бирдан олдимда танаси кўкимтир булут рангида бўлган жуда чиройли бир йигит пайдо бўлди. У Менга Ўзининг таърифлаб бўлмайдиган чиройли нигоҳини ташлаб қўйди. Шундан бери уйда қиладиган ишларимга бутунлай қўлим бормаи қўйди". Бу - Кришнага бошланғич интилишнинг юзага келиши - пурва-рагага мисол. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(53.2) Кришна Рукминидан хат олиб келган брахманга шундай дейди: "О брахман, Рукмини сингари Мен ҳам, кечалари ухлай олмай, фақат уни ўйлайман. Унинг акаси Рукми Менга қарши эканини яхши биламан, шунинг учун ҳам бизларнинг у билан тўйимиз бўлмаган эди". Бу ҳам бошланғич интилишга мисол.

Мана туйғусига мисол тариқасида "Гита-говинда"да шундай гаплар бор: "Кришнанинг бир неча гопилар билан лаззатланиб ўтирганини кўрган Шримати Радхарани Уни рашк қила бошлади, чунки уларнинг бу ўтириши Унинг ягоналигига рахна солаётгандай бўлар эди. Шу заҳотиёқ У бу ерни тарк этди ва қора ковоғарилар ғувиллаб юрган гулзорда яшириниб олди. У чирмовуқлар орасига яшириниб олиб, дугоналаридан бирига қалбида жўш ураётган тугёнларини тўкиб сола бошлади". Бу юзаки ғазабланишга, юзаки хафа бўлишга мисол.

"Падйавали"да ошиқларнинг бир-биридан узокда бўлишига мисол келтирилган: "Кришна Матхурага кетган шарофатли кундан бери Шримати Радхарани бошини қўлига тираб, тинмасдан кўз ёши тўкиб ўтиради. Кўз ёшларидан Унинг юзи ҳеч қачон қуримайди, У бир лаҳза ҳам ухлай олмайди". Юзнинг ҳамшиша ҳўл бўлиб туриши уйқуни қочиради, шу боис, Кришнадан айрилиқ азобидан тинмасдан кўз ёши тўкиб юрган Шримати Радхарани сира ухлай олмасди. "Прахлада-самхита"да Уддхава шундай дейди: "Худонинг Олий Шахси, севги фариштасининг жароҳатларидан изтироб чекаётган Говинда, ҳамшиша сиз(гопи)лар ҳақида ўйлайди. Шундай ўйлар Уни уйқу ва иштаҳадан бутунлай махрум қилиб қўйган".

Ошиқлар бир-бири билан учрашиб, бевосита бирга бўлишдан лаззатланган ҳолати *самбохога* деб аталади. "Падйавали"да шундай гаплар бор: "Кришна Шримати Радхаранини шундай эпчиллик билан кучоклаб, бағрига босдики, У худди жуфти билан ишқий ўйин ўйнаётгандай товусни эслатарди".

Шу билан Шрила Рупа Госвами садоқат лаззатининг бешинчи тўлқинини тугаллайди. У Ўзининг мангу қиёфасида келган Худонинг Олий Шахси Гопал олдида чуқур эҳтиром билан сажда қилади.

## Тўртинчи қисм. Қирқ бешинчи боб. Жазавали кулги.

"Бхакти-расамрита-синдху"нинг тўртинчи қисмида Шрила Рупа Госвами Худога садоқат билан хизмат қилиш келтирадиган билвосита лаззатнинг етти турини таърифлайди: кулги, ҳайратланиш, олижаноблик, ҳамдардлик, ғазабланиш, қўркув ва жирканиш. Бу бўлимда Шрила Рупа Госвами садоқатнинг жазавали лаззатининг намоён бўлган ана шу ҳолатларини таърифлаб, уларнинг ўзаро бирикиши-бирикмаслигини тушунтириб берган. Жазавали лаззат берадиган садоқатли хизматнинг бир тури у билан бирга қўшилмайдиган бошқа тури билан

бирлашган ҳолат - *расабхаса*, яъни расанинг бузилган кўриниши деб аталади.

Бу соҳани яхши биладиган билимдон донишмандларнинг тасдиқлашига кўра, кулги одатда ёшларнинг ўзаро суҳбатида, шунингдек, кексалар билан ёш болалар орасидаги суҳбатларда юзага келади. Жазавали лаззат билан кулиш ҳолларини баъзан табиатан жуда жиддий бўлган одамларда ҳам кузатиш мумкин. Бир куни Йашоданинг эшигини бир кекса-демона чол тақиллатди. Уни кўриб, Кришна онасига шундай деди: "Онажон, Мен мана бу даҳшатли қилтирикнинг ёнига яқин бормайман. Агар Мен унинг ёнига яқинлашсам, у Мени тўрвасига солиб, ўзи билан бирга олиб кетади!" Шундай деб, жажжи Кришна онасининг юзига қараб турарди, эшик олдида турган демона чол эса, кулгидан ўзини зўрға тутиб турарди. Кейин, ўзини тутолмасдан бирданига хоҳолаб қаттиқ кулиб юборди. Бу ерда кулгига сабаб Кришнанинг Ўзи бўлган.

Бир гал дўстларидан бири Кришнага шундай деди: "Азизим Кришна, агар Сен оғзингни очсанг, мен унинг ичига қаттиққа ботирилган сўроқ қанд соламан". Кришна ўйлаиб ҳам ўтирмасдан оғзини очди, аммо дўсти сўроққанд ўрнига унинг оғзига битта гул солиб қўйди. Гулни чайнаб кўриб, Кришна афтини буриштирди, унинг юзини шундай ҳолатда кўрган дўстларининг барчаси кулгидан қоринларини ушлаб, йиқилиб қолдилар.

Бир куни Нанда Махаражнинг уйига хиромант, фолчи келди. Нанда Махараж ундан шундай деб сўради: "Эй донишманд, сен ўғлим Кришнанинг кўлларини кўриб юбормайсанми? Менга айтиб берчи, У қанча умр кўради, минг сигирга хўжайин бўла оладими?" Унинг гапларини эшитиб, хиромант кулиб қўйди, Нанда Махараж ҳайрон бўлиб ундан сўради: "Эй ҳурматли зот, сен нимага куляпсан, нимага юзингни яширяпсан?"

Жазавали муҳаббатда кулгига сабаб ёки Кришнанинг Ўзи, ёки Кришна билан бевосита боғлиқ бўлган бирор нарса бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бу кўринишида яйраш, ланжлик, ҳиссиётини яшириш ва бошқа, бир қарашда одамни мувозанат ҳолатидан чиқариб юборадигандай туюладиган туйғулар намоён бўлади.

Парвардигорга бўлган муҳаббатда кулги расасини чуқур таҳлил қилиб, Шрила Рупа Госвами уни олти турга ажратди. Кенглиги ва кўринишига қараб, кулги, табассумнинг шакллари санскрит тилида *сми́та*, *хасита*, *вихасита*, *авахасита*, *анахасита* ва *атихасита* деб аталади. Бу олти турли кулгиларни асосий ва иккинчи даражали кулгиларга ажратиш мумкин. Асосий кулги турларига *сми́та*, *хасита* ва *вихасита* қиради. *Авахасита*, *анахасита* ва *атихасита* иккинчи даражали кулгилар ҳисобланади.

Одам тишларини кўрсатмай кулганида унинг кўзлари, ёноқларининг шакли ўзгарганини яққол сезиш мумкин. Ана шундай кулги *сми́та* деб ата-

лади. Бир куни Кришна қатик ўғирлаётган эди. Уй бошқарувчи аёл Жарати Уни кўриб қолди ва Кришнани ушлаб олиш учун Унинг изидан югурди. Уни кўриб, Кришна қаттиқ кўрқиб кетди ва “Акажон, Мен қатик ўғирлаган эдим, шунинг учун Жарати Мени қувлаб келяпти!”- деб қичқириб, акаси Баладеванинг олдига чопди. Кришнанинг Жаратидан кўрқиб қочаётганини, Унинг Баладевадан ҳимоя сўраб турганини кўриб, жаннат сайёраларидаги буюк донишмандларнинг барчаси кулиб кўйдилар. Уларнинг кулгиси *смита* кўринишида эди.

Тишларини озгина кўрсатиб кулиш *хасита* деб аталади. Бир куни, Шримати Радхаранининг эри ҳисобладиган Абхиманйу, уйда Кришна ўтирганидан беҳабар ҳолда, уйига келаётган эди. Унинг келаётганини кўрган Кришна дарров худди Абхиманйуга ўхшаб кийиниб олди ва Абхиманйунинг онаси Жатиланинг олдига бориб шундай деди: “Онажон, Мен сенинг ўғлинг Абхиманйуман: қара, Менинг кийимларимни кийиб олиб Кришна ҳам бу ёққа қараб келяпти!” Абхиманйунинг онаси Жатила Кришнани ўзининг ўғли ўрнида қабул қилиб, Унинг гапларига дарров ишонди, шунинг учун уйига қайтиб келаётган ўғлини кўриб, қаттиқ жаҳли чиқди. Ўғли яқинлашиши биланоқ уни эшикдан киритмай, сўкиб, койиб ҳайдаб-қувлай бошлади. Ўғли эса ҳайрон бўлиб, нима қиларини билмай қичқирарди: “Онажон, онажон! Нималар қиляпсан!” Бу ишларни кузатиб турган Шримати Радхаранининг дугоналари тишларини озгина кўрсатиб кулиб кўйдилар. Бу - *хасита* кўринишидаги кулгига мисол.

Тишлар тўла кўринадиган даражада кулиш *вихасита* деб аталади. Бир куни Кришна Жатиланинг уйдан сариёғ ва қатик ўғирламоқчи бўлди ва бунга ўртоқларини ҳам кўндира бошлади: “Дўстларим, чуқур текис нафас олаётганидан билиниб турибдики, бу кампир қаттиқ ухлаб ётибди. Келинлар, уни уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик билан бориб, унинг қатигини ва сариёғини ўғирлаб кетамиз!” Аммо кекса Жатила ухлаб ётгани йўқ эди. Кришнанинг айтаётган гапларини тинглаб туриб, у ўзини тутиб туролмади ва тишларини кўрсатиб, кулиб юборди. Бу - *вихасита* кўринишидаги кулгига мисол.

Одамнинг бурни жийрилиб, кўзлари қисилиб кетадиган кулги *авахасита* деб аталади. Бир куни эрта тонгда, Кришна раса-раксидан уйига қайтиб келганида, Унга қараб туриб, Йашода шундай деди: “Ўғлим, нимага Сенинг кўзларингга сурма кўйилганга ўхшаб турибди? Нимага Сен Баладеванинг кўк либосини кийиб олибсан?” Йашоданинг гапларини эшитиб, Кришнанинг нарироқда турган дугоналаридан бири кулиб юборди, унинг бурни жийрилиб, кўзлари қисилиб кетди. Бу *авахасита* кўринишидаги кулги эди. Бу гопи Кришна тун бўйи раса-раксида лаззатланиб ўйнаганини, Йашода эса ўғлининг қаерда юрганидан, қандай

қилиб ўғли кўзига гопиларнинг сурмасидан суртганидан беҳабар эди.

Кулаётган одамнинг кўзларидан ёш окса, елкалари титраса, унинг кулгиси *анахасита* деб аталади. Бир куни Нарада Муни жажжи Кришнанинг кекса чўри Жарати чалаётган куйга жўр бўлиб ракс тушаётганини кўриб қолди. Бу манзара Нарада Мунини қаттиқ ҳайратга солди: Тангри Браҳма сингари қудратли фаришталарнинг ҳар бир ҳаракатини бошқариб турган Парвардигор кекса чўри аёл чалаётган куйга ракс тушса-я! Бу ҳолатни кўриб, Нарада Муни шунчалик қаттиқ кулиб юбордики, унинг ўзи ҳам раксга туша бошлади, кулгидан унинг елкалари титрар, кўзлари ўйнар эди. Кулги унинг тишларини очиб юборди, улардан таралаётган ёғду осмондаги булутларни кумуш рангга бўяди.

Кулаётган одам қарсак чалиб, сакрай бошласа, унинг кулгиси *атихасита*, яъни бўғилиб қоладиган кулгига айланади. Бундай кулгини Кришнанинг Жарати билан бўлган суҳбатида кўриш мумкин эди. Кришна шундай деди: “Эй ҳурматли аёл, сенинг юзингда ажинлар шунчалик кўпайиб кетибдики, сен маймунга ўхшаб қолибсан. Буни кўриб, маймунлар шоҳи Балимукха сени ўзига хотин бўлишга муносиб деган қарорга келибди”. Кришнанинг бу ҳазил гапларига Жарати жавоб бериб, у шундай деди: “маймунлар шоҳининг ниятини яхши биламан. аммо мен кўплаб иблисларни ўлдирган Кришнанинг паноҳидан нажот топишга қарор қилганим учун, маймунлар шоҳига эмас, фақат Кришнага эрга чиқишни истайман!” Шу ерда турган гопилар унинг бу гапларини эшитиб, хохолаб, қарсак чалиб қаттиқ кулиб юбордилар. Қарсак чалиш билан бирга бўладиган ана шундай кулги *атихасита* туридаги кулги деб аталади.

Баъзан киноя билан айтилган гаплар ҳам *атихасита* кулгисига сабаб бўлиши мумкин. Бир куни гопилардан бири, Жатиланинг қизи, Шримати Радхаранининг эри бўлмиш Абхиманйунинг сингиси Кутилага шундай деди: “Азизим Кутила, Жатиланинг қизи, сенинг кўкракларинг худди ловия тизимига ўхшаб, узун ва қуриган ҳолда осилиб ётибди. Бурнинг эса гўзалликда қурбаканинг бурнини ортда қолдиради. Кўзларинг итнинг кўзларидан ҳам чиройли. Лабларингнинг гўзаллиги кулнинг гўзаллигидан қолишмайди, қорнинг эса, катта барабандай чиройли. Шунинг учун азизим Кутила, сен - Вриндавандаги барча подачи қизлар ичида энг гўзалсан. Менимча, шу гўзаллигинг қудрати сени Кришнанинг мафтункор найи овозларига учмайдиган қилиб кўйган бўлса керак?”

### Қирқ олтинчи боб.

### Ҳайратга тушиш ва олижаноблик

#### Ҳайратга тушиш

Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда жазавали лаззат ҳолати хайратга тушиш кўринишида намоён бўлишига икки сабаб бўлиши мумкин: бевосита сабаб, бунда содиқнинг ўзи хайратга тушадиган бирор нарсани ўз кўзи билан кўради; билвосита сабаб, бунда содиқ бировнинг берган хабари ёки ҳикояси натижасида хайратга тушади.

Парвардигорнинг Дваракада нима ишлар билан банд бўлиб юрганини кўриш учун келганида, Нарада Муни Кришнанинг бир тананинг ўзида бир вақтда шаҳарнинг ҳар хил саройларида турли машғулотлар банд бўлиб юрганини ўз кўзи билан кўриб, каттиқ хайратга тушган эди. Бу - содиқнинг ўзи бирор мўъжизанинг бевосита гувоҳи бўлиши сабабли хайратга тушишига яққол мисол бўла олади. Йашоданинг дугоналаридан бири унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “Йашода, бу мўъжизага бир қара! Сенинг ўғлинг ҳали сундан чиқмаган, баҳайбат Говардхана тоғи эса булутларнинг йўлини тўсиб кўкка бўй чўзиб турибди. Сенинг ўғлинг мана шу баҳайбат тоғни худди қандайдир ўйинчокни кўтаргандай, чап кўлининг жимжилоғида бемалол кўтариб турибди - бу ҳақиқий мўъжиза эмасми?” Бу - содиқнинг ўзи бирор мўъжизавий ҳолатнинг бевосита гувоҳи бўлиши сабабли хайратга тушганига яна бир мисол.

Бошқа бировнинг гапириб берган ҳикояси таъсирида ҳам хайратга тушиш мумкин. Шукадева Госвами Кришна ўн бир *акшаухини* қўшин билан бирга хужум қилган иблис Наракасурани ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилиб берганида Махараж Парикшит хайратга тушган эди. Бир *акшаухини* - ҳарбий бўлинма таркиби бир неча минг фил, бир неча минг жанг араваси ва бир неча минг пиёда жангчилардан иборат бўлади. Наракасуранинг қўшинида ана шундай бўлинмаларнинг ўн биттаси бор эди. Шу қўшинларнинг ҳаммаси Кришнага қарши хужумга ўтиб, Уни пайконлар ёмғирига кўмиб ташлаган эди. Кришна атиги учта пайкон билан иблиснинг барча қўшинларини битта кўймай кириб ташлади. Бундай ғаройиб ғалаба ҳақидаги ҳикояни тинглаган Махараж Парикшитнинг қалби қувончга тўлиб, кўзидан оқаётган севинч ёшларини арта бошлади. Бу - бировнинг ҳикоя қилиб бергани сабабли, яъни билвосита сабаб туфайли хайратга тушишга мисол бўла олади.

Муқаддас китобларда билвосита сабаб туфайли хайратга тушишга мисол бўладиган бошқа мисоллар ҳам келтирилган. Кришнанинг ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканини текшириб кўриш ниятида Тангри Браҳма Кришнанинг барча дўстлари ва сигирларини ўғирлаб кетган эди. Аммо, орадан бир неча лаҳза ўтгандан кейин келиб қараса, Кришна яна Ўзининг дўстлари билан ўйнашда давом этапти, сигирлар эса аввалгидай ўтлаб юрибди. Браҳма бу ҳақда ҳамроҳларига гапириб берганида, унинг Сатйа-локадаги барча

ҳамроҳлари каттиқ хайратга тушган эдилар. Браҳма уларга подачи-болаларни ва сигирларни ўғирлаб кетганини, аммо Кришна, худди ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандай, аввалгидай ўша дўстлари билан ўйнашда давом этаверганини кўрганини айтди. Болаларнинг таналари ҳам худди Кришнаники сингари қорамтир рангда эди, уларнинг ҳар бирининг тўрт кўли бор эди. Уларнинг ёнида худди аввалгидай бузук ва сигирлари ўтлаб юрарди. Бу ҳикоя ҳатто Тангри Браҳманинг ўзини ҳам хайратга солди. “Аммо, энг хайратлиси шу эдики, - деди у, - у ерга Кришна ва Унинг содиқ ҳамроҳларига сажда қилиш учун бошқа коинотлардаги жуда кўп Браҳмалар ҳам келган эдилар”.

Бхандираван ўрмонига ёнғин кетганида ҳам шунга ўхшаган воқеа юз берган эди. Кришна дўстларидан кўзларини каттиқ юмиб олишни илтимос қилди, дўстлари Унинг илтимосини бажариб, кўзларини чирт юмиб олдилар. Кришна ёнғинни ўчирганидан кейин, дўстлари кўзини очиб, ёнғин бартараф бўлганини, сигир ва бузуклар ҳеч қандай шикаст кўрмасдан, соппа-соғ ўтлаб юрганига гувоҳ бўлдилар. Улар бу мўъжизани кўриб хайратга тушдилар: улар қандай қилиб Кришна бу фалокатдан уларни қутқариб қолганини билолмай хайрон эдилар. Бу - билвосита сабаб туфайли хайратга тушишга яна бир мисол.

Ҳатто ҳеч қандай хайратли жойи бўлмаса ҳам, бирор одамнинг ҳаракатлари ва ютуқлари унинг ҳақиқий, яқин дўстларига мўъжиза бўлиб кўриниши ва уларнинг ақлини, қалбини ўзига ром этиши мумкин. Аммо, агар бизга узоқ одам амалга оширган бўлса, ҳатто энг катта мўъжиза ҳам бизнинг қалбимизда ҳеч қандай туйғу уйғотмаслиги мумкин. Бирор одамнинг қилган ишларидан хайратга тушиш асосида бизнинг шу одамга бўлган меҳр-муҳаббатимиз ётади.

## Олижаноблик.

Парвардигорга бўлган муҳаббат ва Унга садоқат билан хизмат қилиш содиқнинг қалбида қандайдир қаҳрамонлик кўрсатиш ёки ғайритабиий ишлар қилишга интилишни юзага келтирганида, шу интилиш намоён бўлган эзгу ҳаракатлар, эзгу ишлар олижаноблик деб аталади. Олижаноблик руҳи ҳазилакам жангларда, саховат билан хайр-садақа беришда, олийҳиммат ишларда, Парвардигорнинг қонунларига амал қилишда намоён бўлиши мумкин. Олижаноблик руҳи жанг қилишда намоён бўладиган одамни *йуддха-вира* деб атайдилар. Саховат билан одамларга хайр-садақа улашадиган одамни *дана-вира* деб атайдилар, бошқаларга нисбатан жуда меҳрибон, раҳмдил бўлган одамни *дайя-вира* деб, саховати диний қонун-қоидаларга қатъий амал қилишда намоён бўладиган одамни *дхарма-вира* деб атайдилар. Бундай олижаноблик руҳи намоён

бўладиган ишларнинг барчасининг сабабчиси - Парвардигор, Кришна.

Кришнанинг дўсти қандайдир ғайритабиий қахрамонлик кўрсатиб, Унга лаззат келтиришни истаса, у Кришнани яккама-якка курашга чақиради, шунда Кришна унинг рақибига айланади. Баъзан Кришна курашни четда туриб томоша қилишни истайди, шунда Кришнанинг истаги билан унинг рақиб бошқа биров бўлади. Кришнанинг дўстларидан бири Унга шундай деган эди: “Азизим Мадхава, Мени ҳеч ким енголмайди деб ўйлаб, Сен жуда мағрурланасан. Лекин, агар кўрққанингдан қочиб қолмасанг, Сени курашда енгиш мен учун ҳеч гап эмаслигини Сенга исботлаб бераман. Дўстларимнинг барчаси буни ўз кўзлари билан кўришдан жуда хурсанд бўладилар!”

Кришна ва Шридама жуда қалин дўстлар эдилар, аммо бир куни, Кришнадан жаҳли чиқиб, Шридама Кришнани яккама-якка жангга чақирди. Улар кураша бошлаганида уларнинг барча дўстлари Йамуна қирғоғида тўпланиб, бу ғаройиб мўъжизани томоша қила бошладилар. Улар бир неча ўйинчоқ пайконлар ясаб олдилар, Кришна Ўзининг пайконларини Шридамга қараб ота бошлади, Шридам эса, калтакни айлантриб, пайконлардан ҳимояланарди. Шридаманинг жасорати, маҳорати Кришнани ҳайратга солиб, Унга чуқур лаззат бағишлади. Одатда бундай жанглар мард, жасур одамлар ўртасида бўлиб ўтади ва томошабинларга лаззат бағишлайди.

"Хари-вамша"да баъзан Кришна билан Аржун Кунтининг олдида бир-бири билан жанг қилгани, Кришна ҳамини Аржун устидан ғалаба қилгани ҳақида ҳикоялар бор.

Ана шундай олижаноблик намоён бўлган олишувларда дўстлар баъзан бир-бирининг олдида мағрурландилар, манманлик билан кучини кўрсатиб, қуролини қўлга оладилар, бир-бирини жангга чақириб, бир-бирига рақиб бўладилар. Буларнинг ҳаммаси олижаноблик руҳида садоқат билан хизмат қилишни таъминловчи кучлар ҳисобланади.

Кришнанинг дўстларидан бири Унга шундай дейди: "Азиз дўстим Дамодара, Сен фақат овқат егандагина кучлисан. Фақат Судама ожиз бўлгани учунгина Сен унинг устидан ғалаба қозондинг, бунинг устига Сен ғолиб бўлиш учун айёрлик қилиб, ноҳақ ҳаракат қилдинг. Бундай ғалаба билан мақтанма, - бу Сенга ярашмайди. Мағрурланганингдан Сен Ўзингни илон деб атайсан, агар ундай бўлса мен - Сен билан жанг қилишга тайёр турган товусман". Товуслар - илонларнинг ашаддий душмани ҳисобланади.

Ана шундай ҳазилакам жангларда рақибларнинг ўзларини кўкларга кўтариб мақтанишлари жазавали олим донишмандлар тили билан лаззат олиб келадиган (субэкстаз) ҳолатлар деб аталади. Бундай субэкстаз ҳолатлар рақибларнинг бир-бирини жарангдор овоз билан

жангга чақириб, ғайрат-шижоат билан жангга киришиб кетиш, ҳайратга тушган томошабинларга жангда албатта ғалаба қозонишига ваъда беришларида намоён бўлади.

Кришнанинг дўстларидан бири Унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “Азизим Мадхусудана, Сен менинг қанчалик кучли эканимни яхши биласан, лекин шунга қарамай, қудратли Баладевани жангга чақириб мени эмас, Бхадрасенани ундаяпсан. Бу ишинг билан Сен менинг нафсониятимга тегиб, ҳақорат қиляпсан, чунки менинг кўлларим дарвозанинг тиргаклари сингари қудратли!”

Содиклардан бири шундай дейди: "Азизим Парвардигор Кришна, ҳар ерда Сени олишувга чақириб юрадиган, овози момақалди роқ гумбуралини ёки арслоннинг наърасини эслатадиган Шридаманинг шон-шухрати бутун оламга таралсин! Шридаманинг жасоратига муносиб эҳтиром кўрсатайлик!" Яккама-якка олишувлар, саховат билан эҳсон беришлар, ҳамдардлик билан меҳрибонлик қилиш ва диний қоидаларга амал қилиш - содикнинг олижаноблик руҳига мос келадиган фаолиятлардир. Манманлик, ҳиссиётга берилиш, сабрлик, эзгулик, қатъият, яйраш, илҳомланиш, ҳасад ва хотирлаш каби фаолиятлар эса, олижаноблик руҳига мос келмайдиган ҳолатлардир. Кришнанинг дўстларидан бири Стока-кришна Кришна билан жанг қилганда, унинг отаси Вриндаван аҳолисининг жони бўлган Кришна билан жанжаллашгани учун уни қайси бошлади. Отасининг танбеҳларини эшитиб, Стока-Кришна жанг қилишдан тўхтади, Кришна эса унга хужум қилишда давом этарди. Бунга жавобан Стока-Кришна ўзининг маҳоратини кўрсатиб, калтагини қўлига олиб, шиддат билан қўлида гир айлантриа бошлади.

Бир куни Шридама Бхадрасенанинг жиғига тега бошлади: “Азиз дўстим, ҳозирча сен мендан кўрқмасанг ҳам бўлади. Аввал мен акамиз Балорамни енгаман, кейин Кришнани калтаклайман, фақат ундан кейин сенга навбат етади”. Натижада Бхадрасена, худди Мандара тоғи океанни тўлқинлантриб юборгани сингари, дўстларини ҳаяжонга солиб, Балорам тарафдан Кришна тарафига ўтиб олди. У ўзининг гулдурос овози билан ҳаммани ҳайратга солиб, жасорати билан Кришнани ҳайратга солди.

Бир куни Кришна шундай ҳайқириб билан дўстларига мурожаат қилди: “Ҳой дўстларим, Менинг қанчалик жасорат билан сакрашимни кўринглар! Мендан қочиб қутулишга уриниб ҳам юрманглар!” Кришнанинг бу гапларини эшитиб, Унинг Варутхапа деган дўсти Парвардигор билан яккама-якка жангга кирди.

Кришнанинг дўстларидан бири шундай дейди: "Судама бор кучи билан Дамодарани енгилга ҳаракат қилади, менимча, агар унга Судама ҳам қўшилса, улар иккови худди қимматбаҳо тошдан

қош қўйилган олтин узук сингари ажойиб жуфтлик бўлади”.

Олижаноблик руҳидаги бу илоҳий эрмакларнинг барчасида Шри Кришнанинг рақиблари вазифасини фақат Унинг яқин дўстлари бажара оладилар. Кришнанинг душманлари ҳеч қачон Унга рақиб бўла олмайдилар. Шунинг учун Кришнанинг Ўз дўстлари билан яккама-якка олишувларининг барчаси Парвардигорга олижаноблик расасида садоқат билан хизмат қилиш деб аталади.

*Дана-вира* - саховат билан хайр-эҳсон улашиш кўринишида намоён бўладиган олижанобликни икки тоифага бўлиш мумкин: сахийлик ва боғланмаслик. Кришнани мамнун қилиш учун ҳамма бойлигини қурбон қилишга қодир одамни сахий деб атайдилар. Агар Кришнани кўрган заҳоти одамнинг қалбида бирор нарса эҳсон қилиш истаги пайдо бўлса, бундай саховатнинг сабабчиси Кришна ҳисобланади. Кришна Нанда Махаражнинг ўғли сифатида пайдо бўлганида, ўғлига ҳамиша омад ёр бўлишини истаб, у ўз хоҳиши билан онгли равишда ўзининг энг яхши сигирларини брахманларга сахийлик билан эҳсон қилди. Нанда Махаражнинг саховатидан барча брахманлар жуда мамнун бўлдилар ва Нанда Махараж ўзининг саховати билан ҳатто ўтмишдаги энг саховатли шоҳлар Притху ва Нригадан ҳам ўтиб кетганини тан олдилар.

Парвардигорнинг улуғворлигини тўла англаб етган ва Худо учун ҳамма нарсасини қурбон қилишга тайёр одамни *сампраданака*, яъни “Кришна учун ҳамма нарсага тайёр одам” деб атайдилар.

Махараж Юдхитхира Кришна билан бирга Ражасуя қурбонлик маросими ўтказиладиган майдончага кўтарилганларида, хаёлида Кришнанинг танасини сандал пастаси билан мойлай бошлади, Унинг бўйнига тиззасига тушиб турадиган катта гулчамбар осди, олтин нақшлар билан безатилган либослар ҳадя қилди, Унга қимматбаҳо тошлардан қилинган тақинчоқлар, жуда кўп чиройли безатилган филлар, жанг аравалари ва чопқир отлар совға қилди. Кейин Унга ўзининг бутун салтанатини, оиласини ва ҳатто ўзини бутунлай топширгиси келиб кетди. Шундан сўнг, Махараж Юдхитхира энди Кришнага эҳсон қиладиган бирор нарсаси қолмаганини кўриб, кайфияти бузилиб, қаттиқ хафа бўлди.

Худди шундай бир пайтлар Бали Махараж ҳам руҳий устози Шукрачарйага шундай деган эди: “Эй ҳурматли донишманд, Ведаларни билишда сенга тенг келадиган зот йўқ, шунинг учун сен ҳар хил ведавий маросимлар ўтказиб, Худонинг Олий Шахси, Вишнуга сиғинасан. Бу *пакана-брахман*(Ваманадева) ким бўлишидан қатъий назар - Парвардигор Вишнуми, оддий брахман ёки ҳатто менинг душманим бўладими, - мен У қанча сўраган бўлса шунча ерни Унга садақа қилишга қасам ичдим”. Бали Махаражга тенгсиз омад қилиб боққан эди - Парвардигорнинг Ўзи унинг ол-

дида садақа сўраб, равнақ фариштасининг ҳамиша қизил кункума суртилиб турадиган кўксига теккани сабабли қизғиш ранга кирган қўлини чўзиб турар эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай бойлик ато этишга қодир бўлган равнақ фариштаси ҳамиша Парвардигорнинг амри остида бўлишига қарамасдан, У Бали Махараждан садақа сўраб турарди.

Ҳақиқатан ҳам таркидунё қилган, яъни бу дунёнинг бирор нарсасига боғланмаган одам - эвазига бирор нарса таъма қилмасдан Кришна учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр бўлган одамдир. Ана шундай содиқ хизматкор ҳатто Парвардигорнинг Ўзи таклиф қилса ҳам, озодликка чиқишнинг ҳар қандай кўринишидан юз ўгиради. Кришнага нисбатан ҳақиқий муҳаббат туйғуси содиқ хизматкор бирор нарса берувчи, Парвардигор Кришна эса қабул қилувчи вазифасини бажаргандагина намоён бўлади.

"Хари-бхакти-судходайа"да бунга яна бир мисол келтирилган. Махараж Дхрува шундай дейди: "Эй азиз Худойим, эвазига Сендан бирор нарса олиш учун мен қаттиқ риёзатларга берилдим, муқаддас қасамлар ичиб, уларга амал қилдим, лекин Сен менга мукофот сифатида ҳатто буюк авлиё ва донишмандлар ҳам кўра олмайдиган жамолнинг кўриш имконини бердинг. Мен оддий шиша синикларини излаб юрган эканман, аммо ўзидан нур таратиб турувчи марварид топдим, эй азиз Худойим, мен Сендан бутунлай миннатдорман. Энди мен Сендан ҳеч нарса тиламайман!"

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиғида(15.48) ҳам шунга ўхшаш гаплар бор. Санака Муни бошлиқ тўрт донишманд Парвардигорга шундай гаплар билан мурожаат қиладилар: “Эй Худонинг Олий Шахси, Сенинг шон-шухратинг ҳақидаги ҳикоялар барча одамларнинг қалбини Сенга мафтун этади. Сенга моддий иллатлар таъсир қилмайди, шунинг учун Сен ҳар қандай шон-шарафга муносибсан. Сен ҳақиқатан ҳам барча муқаддас саждагоҳлар мужассам бўлган даргоҳ марказисан. Сенинг илоҳий табиатингни англаб етган, Сени ва Сенинг сифатларингни шарафлаш бахтига муяссар бўлган бахтиёр зотлар ҳатто Сен уларга таклиф этаётган озодликни ҳам рад этадилар. Улар шундай илоҳий бойликка эгаларки, уларнинг эътиборини ҳатто жаннат шоҳи Индранинг тахти ҳам ўзига жалб эта олмайдир. Уларга маълумки, ҳатто жаннат салтанатининг тахтини эгаллаб турган зотнинг қалби ҳам қўрқув туйғусидан озод эмас, Сенинг илоҳий сифатларингни шарафлаб юрган зотларнинг қалбига эса ҳеч қандай хавф-хатар, қўрқув мутлақо раҳна сололмайди - улар ҳамиша шод-хуррам яшайдилар. Шунинг яхши билган зотларни жаннат салтанатинимаси билан ўзига жалб этиши мумкин?”

Бир содиқ шоҳ Майурадхваджанинг ўтказган қурбонлик маросими ҳақида ўз фикрини билдириб, шундай дейди: "Мен олдида эҳтиром билан бош эгадиган шоҳ Майурадхваджанинг ишлари



ҳақида ҳаяжонланмасдан бирор нарса айта олмайман”. Майурадхваджа жуда сезгир, фаросатли шоҳ эди, нима сабабдан Кришна унинг олдига брахманларнинг либосини кийиб келганини дарров сезган эди. Кришна ундан танасининг ярмисини беришни илтимос қилди. Бунинг учун унинг танасини хотини билан боласи арралаб иккига бўлиши керак эди. Шоҳ дарров бунга рози бўлди. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида шоҳ Майурадхваджа ўзининг қалбида ривожлан-тирган туйғулар шу қадар кучли эдики, у ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрарди. У олдида турган зот брахман либосини кийиб олган Кришна эканин англаб етганида, бир лахза ҳам иккиланмасдан танасининг ярмисини Унга қурбон қилишга рози бўлди. Кришна учун шоҳ Майурадхваджа қурбон қилган нарсани бу дунёда бошқа ҳеч ким қурбон қилишга қодир эмас, шунинг учун бизлар чуқур эҳтиром билан шу зотнинг олдида бош эгишимиз лозим. У ўзининг олдига брахман кўринишида келган Худонинг Олий Шаҳси, Кришнани тўлиқ англаб етган ва *дана-вира*, яъни ҳақиқий таркидунё қилган одамга яққол мисол бўладиган зот эди.

Кришнани мамнун қилишга ҳамиша тайёр бўлган ва Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳамма нарса қўлидан келадиган кишини *дхарма-вира*, яъни Парвардигорнинг қонунларига риоя қилишда мардонавор одам деб айтадилар. Фақат энг буюк содиқларгина Парвардигорнинг қонунларига риоя қилишда *дхарма-вира* даражасига кўтарила оладилар. Содиқ барча ишонарли муқаддас китобларни ўрганиб чиқиб, ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий амал қиладиган, сабр-тоқатли бўлиб, ҳиссиётини жиловлашга ўрганиб, чуқур иймонга эга бўлгандан кейингина *дхарма-вира* бўла олади. Парвардигорнинг қонун-қоидаларига Кришнани мамнун қилиш ниятида амал қилиб юрган одамлар Худога садоқат билан хизмат қилишда турғун, ҳақиқий содиқлар деб аталади. Кришнани, Парвардигорни рози қилишни мақсад қилмасдан ҳар хил диний қоида ва маросимларга амал қилиб юрган одамларни шунчаки тақводор одамлар деб атайдилар.

Махараж Юдхиштхира дхарма-вирага яққол мисол бўла олади. Бир содиқ Кришнага шундай деган эди: “Азизим Кришна, Махараж Пандунинг тўнғич ўғли фақат Сени мамнун қилиш учунгина ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказди. Ҳар гал у қурбонлик маросимида иштирок этиш учун жаннат шоҳи Индрани таклиф этарди. Шу боис Индра тез-тез жаннатни тарк этишга мажбур бўлар, натижада Шачидеви кўп вақтини уйида бошини қўлига қўйиб, ёлғизлик азобида ўтказишга мажбур бўларди”.

Фаришталарга атаб қурбонлик маросими ўтказиш Парвардигорнинг тана қисмларига сиғиниш ҳисобланади. Фаришталар Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг ҳар хил қисмлари ҳисобланади, шунинг учун фаришталарга сиғинишнинг якуний мақсади - танасининг ҳар

хил қисмларига сиғиниш орқали Парвардигорни мамнун қилишдан иборат. Аммо Махараж Юдхиштхира фаришталарга сиғинар экан ҳеч қачон моддий, дунёвий мақсадларни кўзламаган. У барча қурбонлик маросимларини ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламасдан Парвардигор Кришнанинг бевосита раҳбарлиги остида ўтказарди. Унинг ягона мақсади Кришнани мамнун қилишдан иборат эди, шунинг учун ҳам уни содиқларнинг энг аълоси деб атардилар. У ҳамиша Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш уммониغا фарқ бўлиб яшарди.

### **Қирқ еттинчи боб. Ҳамдардлик ва ғазаб.**

#### Ҳамдардлик.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг жазавали лаззати содиқда Кришна билан боғлиқ бўлган қандайдир афсусланиш, пушаймонлик туйғусини юзага келтирганида, бу ҳолатни Худога садоқат билан хизмат қилишдаги ҳамдардлик деб аталади. Бундай илоҳий ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб Кришнанинг илоҳий сифатлари, Унинг жамоли ва кароматлари бўлиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бундай жазавали ҳолати нолиш, оғир-оғир хўрсиниш, йиғлаш, ерда ётиб юмалаш, кўксига муштлаш каби аломатларда намоён бўлади. Баъзи ҳолларда қуйидаги аломатлар ҳам юзага келиши мумкин: ланжлик, алам, бировни айблаш, мискинлик, беҳаловат бўлиш, тундлик, қаттиқ ишташ, чидамсизлик, ақлдан озиш, ҳалок бўлиш, унутиш, касал бўлиш ва ҳиссиётларнинг алдаши. Содиқнинг қалбида Кришна учун ташвишланиш ёки Кришна бирор ҳалокатга учраши мумкинлигини ҳис қилиш туйғуси пайдо бўлганида, бундай ҳолат жудоликни ҳис қилиш ҳолатида садоқат билан хизмат қилиш деб аталади. Жудоликни ҳис қилиш - ҳамдардлик туйғуси таъсирида садоқат билан хизмат қилишнинг яна бир аломатидир.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи қўшиғида(16.10) шундай ҳикоя бор. Кришна Йамуна дарёсида илон Калияни жазолаётганида, баҳайбат илон Кришнанинг бутун танасини ўраб олди. Кришнанинг бундай хатарли ҳолатга тушиб қолганини кўриб, Унинг подачи-дўстлари қаттиқ ташвишланиб, таърифлаш қийин бўлган ғайритабиий ҳаяжонга тушдилар. Уларнинг қалбини қамраб олган кўркув, мусибат ва жудолик туйғуси уларни бутунлай эс-ҳушидан айириб қўйганди - уларнинг барчаси беҳуш ерга йиқилдилар. Бу подачи болаларнинг ҳаракатларида ҳеч қандай хайратга ўрин йўқ, чунки уларнинг ҳаммаси Кришна қандайдир ҳалокатга учраши мумкин деган нотўғри тасаввур таъсирига тушиб қолган эдилар. Улар ўзларининг

ҳамма нарсасини - дўстлиги, мол-дунёсини, орзу-истакларини ва ҳатто ўзларининг бутун ҳаётини - ўзларини Кришнага қурбон қилган эдилар.

Кришна Йамунанинг илон Калияа захарлаган сувларига кирганида Йашоданинг қалбини ҳар хил ёмон оқибатли фикрлар кела бошлади. Унинг нафаси қизиби кетди, кўзидан тинмай оқаётган ёшлар сабабли бутун либоси хўл бўлиб, у беҳуш бўлиб қолишига оз қолди.

Худди шундай, иблис Шанкхасура Кришнанинг хотинларига ҳамла қилганида ҳам Парвардигор Баладеванинг танаси кўкариб кетган эди.

“Хамсадута”да шундай ҳикоя келтирилган. Гопилар Хамсадутадан Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи изларини излашни илтимос қилдилар. Кришнанинг дўстларини ва сигирларни ўғирлагандан кейин бошидаги тожда Кришнанинг оёқ изларини қолдирган Тангри Браҳмадан ўрнак олиб, у ҳам Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини бошига қўйиши керак эди. Ўзининг мағрурлигидан пушаймон бўлиб, Тангри Браҳма Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйган, шунда унинг тожида Кришнанинг оёқ излари қолган эди. Гопилар Хамсадутага эслатиб қўйдиларки, ҳатто буюк донишманд Нарада Муни ҳам баъзан Кришнанинг оёқ изларини кўриб, чуқур жазавали илоҳий лаззатга тушиб қолади, озодликка эришган буюк донишмандлар эса ҳамшиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини кўришга интиладилар. “Шунинг учун сен қатъий шижоат билан Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи изларини излашга отланишинг лозим!” - деди улар. Бу - ҳамдардлик туйғусида садоқат билан хизмат қилишга яна бир мисол.

Бир куни Накулнинг укаси Сахадев Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи изини кўриб қолганида, қалби ғайритабиий қувончга тўлиб кетган эди. У баланд овозда гапира бошлади: “Онажон, Мадри! Қаердасан? Отажон, Панду қаердасизлар? Минг афсуски сизлар ҳозир менинг ёнимда эмассизлар, шунинг учун Кришнанинг оёқ изларини кўришдан маҳрумсизлар!” Бу - ҳамдардлик туйғусида Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга бошқа мисол.

Кришнага қаттиқ боғланишсиз садоқат билан хизмат қилишда содиқда қилиш ёки бошқа аломатлар пайдо бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон унда ҳамдардлик, мусибат - яъни, ҳамдардлик билан хизмат қилишга хос бўлган аломатлар пайдо бўлмайди. Бундай ҳамдардлик туйғуси ҳамшиша Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббатга асосланган бўлади. Юқорида биз Махараж Юд-хиштхира ва Баладеванинг Кришна ёки Унинг хотинлари бирор ҳалокатга учрашдан қўрқиб, ҳис қилган туйғуларини айтиб ўтган эдик. Бу хавотирлар уларнинг ғофиллиги ёки Кришнанинг англаб бўлмас қудратини тушунмаслиги сабабли юзага келган деб ўйламаслик керак. Уларнинг бу хавотирлари Кришнага бўлган кучли муҳаббати сабабли юзага келади. Кришнани ўйлаб хавотирланиш

ва қўрқув аввалига содиқнинг қалбида изтироб ва пушаймонлик туйғусини юзага келтиради, кейин эса ривожланиб шундай кучли жазавали лаззатли муҳаббатга айланадики, йўналишини ўзгартириб, унга чексиз илоҳий лаззат келтира бошлайди.

### Ғазаб.

Кришнага садоқат билан хизмат қилишда ғазабланиш туйғусининг пайдо бўлишига ҳамшиша Кришнанинг Ўзи сабаб бўлади. “Видагдхамадхава”нинг иккинчи бўлимида(37) Кришна ғазабини келтирган Лалита-гопи ўзининг аҳволини таърифлайди. У Шримати Радхаранига мурожаат қилиб шундай дейди: “Азиз дугонажон, менинг энг сирли, юксак орзуларим барбод бўлди, энди мен учун биргина йўл - Йамаражнинг даргоҳига бориш қолди. Лекин мен Кришна аввалгидай қулиб туриб, Сени ҳам алдаётганини кўриб, чидаб туrolмайман. Мен хайронман, қандай қилиб Сен Ўз муҳаббатингни подачи қўшнилар хонадонидан чиққан, эҳтиросга берилган мана шу бетайин болага изҳор этиб юрибсан?”

Бир куни Кришнани кўриб, Жарати шундай деб хитоб қилди: “Вой, ёш кизларни ўғирлайдиган ўғри-ей! Сенинг устингдаги ёпинғич менинг келинимники эканини энди билдим!” У баланд овозда Вриндаванда яшайдиган одамларга Нанданинг ўғли келинининг турмушини бузаётганини айта бошлади.

Кришна белига боғлаган кели(ҳовонча)ни судраб, ҳовлида ўсиб турган икки катта аржун дарахтини қулатганини кўрганида Рохини-деви ҳам Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатини ғазаб кўринишида намоён этган эди. Бу воқеа бўлган жойга барча қўшнилар тўпланди, фурсатдан фойдаланиб, Рохини-деви Йашодани қойий бошлади: “Ўғлингни арқон билан боғлаб жазолаб зўр иш қилар экансан! Наҳотки бу билан Кришна бирор ҳалокатга учраши мумкинлиги ақлингга келмаса? Бу катта дарахтлар ерга қулаган, Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Кришна эса, уларнинг остида ўйнаб юрибди!” Рохини-девининг Йашодадан ғазабланиши - Кришна сабаб бўлган жазавали муҳаббатнинг ғазаб кўринишида намоён бўлишига мисолдир.

Бир куни Кришна дўстлари билан сигир боқиб юрганида, дўстлари Уни Талаван ўрмонида боришга таклиф қилдилар. У ерда эшак қиёфасига кириб олган иблис Гардабхасура яшарди. Кришнанинг дўстлари бу ўрмонда ўсиб турган дарахт меваларидан мазза қилиб емоқчи бўлган эдилар, аммо шу иблисдан қўрққанларидан у ерга боришга журъат қилолмасдилар. Шунинг учун улар у ерга бориб, иблис Гардабхасурани ўлдиришни Кришнадан илтимос қилдилар. Кришна иблисни бир ёқлик қилганида, улар уйларида келиб, Йашодага бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бердилар. Кришнанинг Талавана ўрмонида, шунча хавф-хатарли жойга ёлғиз Ўзи борганини эшитиб, у қаттиқ

ҳаяжонланди ва болаларга ғазаб тўла кўзлари билан қараб қўйди.

Бир гал Шримати Радхаранининг дугонаси ҳам ғазабланган эди. Бир куни Шримати Радхарани Кришнадан ғазабланди ва У билан гапиришмай қўйди. Бундан Кришна қаттиқ изтироб чекарди. Шримати Радхаранининг кечиришини тилаб, Кришна Унинг нилуфар қадамлари пойига йиқилди. Ҳатто Кришнанинг бу ҳаракати ҳам Шримати Радхаранининг қалбини юмшатмади, У Кришна билан гаплашишдан бош тортиб тураверди. Буни кўрган Шримати Радхаранининг дугоналаридан бири Уни қайиш бошлади: “Дугонажон, Сен хафа бўлиш туйғусига Ўзингни қийнашга имкон беряпсан. Бунга нима дейиш мумкин? Яхшиси тезроқ бу ердан кет, чунки мен Сенинг бундай номаъқул ҳаракатингни кузатиб туришга бошқачада олмайман. Кришнанинг бошига кистирилган товус пати Сенинг оёқларингга тегса ҳам, Сен юзингни қизартириб, индамай туришда давом этишингни кўриш мен учун чидаб бўлмас даражада оғир”.

Худога садоқат билан хизмат қилишда намоён бўлган ғазаб ва хафа бўлиш туйғулари *ирийу* деб аталади.

Акрура Вриндавандан чиқиб бораётганида бир неча ёши катта гопилар уни қайиш, танбеҳ бера бошладилар: “Ҳой Гандинининг ўғли, сенинг бағритошлигинг Йадулар хонадони обрўсига путур етказди. Сен бизларни Кришнадан айириб, хижрон азобига мубтало қилиб, Кришнани олиб кетяпсан. Ҳали ҳозирнинг ўзидаёқ, сизлар хали шу ерда бўлсангиз ҳам, ҳаёт нафаси аллақачон гопиларнинг танасини тарк эта бошлади”.

Махараж Юдхистхира уюштирган Раджасуя қурбонлик маросимига тўпланган барча одамлар олдида Шишупала Кришнани ҳақорат қилганида, бу ҳол Панду ва Кауравларнинг барчасининг, шу жумладан бобокалон Бҳишманинг ҳам қаттиқ ғазабини кўзгади. Шунда Накула ғазаб билан шундай деди: “Кришна - Худонинг Олий Шаҳси, Унинг оёғининг тирноқларида - Ведаларнинг билимдонлари бошидаги шлемларни бегаб турган нақшларнинг акси жилоланиб турибди. Агар Уни бирор одам ҳақорат қилишга журъат қилса, мен Панду ўғлининг чин сўзи билан қасам ичаманки, чап оёғим билан шу одамнинг бошидан тожини тушириб, Йамаражнинг *йама-данда* санчқисидан қолишмайдиган пайконим билан яқсон қилиб ташлайман!” Бу Кришнага бўлган муҳаббатнинг ғазаб кўринишида намоён бўлишига мисол.

Қалбини илоҳий ғазаб туйғуси қамраб олган одам баъзан кинояли ўткир гаплар айтиши, ёмон кўз билан қараб қўйиши, ҳақоратли гаплар айтиши мумкин. Баъзан ғазаб бошқа аломатлар билан бирга ҳам келиши мумкин: қўлларни бир-бирига ишқаш, тишларни ғичирлатиш, лабини тишлаш, қошини чимириш, қўлларини қашиш, бошини ҳам қилиш, тез-тез нафас олиш, сўқиниш, бош чайқаш, кўзларининг чети сарғайиши ва лабларининг тит-

раши. Баъзи ҳолатларда кўзлар қонга тўлиб кетиши, баъзан аксинча ранги ўчиб кетиши мумкин. Баъзан содиқ ғазабланганида бошқаларни қайиши, баъзида эса аксинча жим туриши мумкин. Ҳазабланишнинг бу аломатларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: ғазабланишга мос келадиган ва мос келмайдиган, бошқача қилиб айтганда, вақтинчалик ва мунтазам аломатлар. Баъзан ғазабланишга қуйидаги вақтинчалик аломатлар қўшилиши мумкин: қаттиқ ташвишланиш, шошма-шошарлик, алам, димоғдорлик, сохта ҳиссиётлар, ҳолсизланиш, рашк, эпчиллик, бефарқлик ва одам қаттиқ чарчаганда пайдо бўладиган аломатлар.

Жазавали муҳаббат намоён бўлишининг бундай иккиламчи аломатларида ғазабланиш ҳаммиса мунтазам аломат бўлиб қолади.

Ҳазабга тўлган Жарасандха Матхурага ҳужум қилганида, у Кришнани киноя билан кўздан кечирган эди. Шу пайт Баладева Ўзининг омочини кўлига олиб, ранги ўзгарган кўзлари билан Жарасандхага қаради.

"Видагдха-мадхава"да бир ҳикоя бор, унда Шримати Радхарани онаси Паурнамасининг Уни Кришна билан учрашишда айблашига ғазаб билан жавоб бергани келтирилган. “Онажон, - дейди Шримати Радхарани, - Мен сенга қандай тушунтиришим керак? Кришна шунчалик бағритош, уятсизки, кўчанинг ўртасида Менга ташланади. Мен бировларни ёрдамга чақирай десам, бу бола бошидаги товус пати билан оғзимни бекитиб қўяди - Мен қичқиролмай қоламан. Қўрққанимдан кетиб қолай десам, У қўлларини ёйиб йўлимни тўсиб қўяди. Менга раҳм қилишини илтимос қилиб, Унинг оёқларига эгилсам, иблис Мадхунинг душмани бўлган бу бола ғазаб билан юзимни тишлаб олади! Онажон, илтимос, ўзингни Менинг ўрнимда қўйиб кўр-да Мендан бекорга жаҳлинг чиқмасин. Яхшиси, Кришнанинг бу даҳшатли йўлимни тўсишларидан қутулиш йўлларини ўргат!”

Баъзан, Кришнага бўлган муҳаббат сабабли юзага келган жазавали ғазаб аломатларини ўзаро муносабатларида ёши бир-бирига тенг содиқлар ҳам намоён этиши мумкин. Бунга Жатила билан Мукхаранинг ўзаро жанжали мисол бўлиши мумкин. Жатила Радхаранининг қайнонаси, Мукхара эса - Унинг бувисининг онаси эди. Улар қандай қилиб Кришна кўчада Шримати Радхаранининг йўлини тўсгани ҳақида суҳбатлашиб турардилар. Жатила шундай деди: “Ҳой юзи қаттиқ Мукхара! Сенинг айтган гапларингдан менинг юрагим худди оловда ёнаётгандай қизиб кетди!” Мукхара унга жавоб бериб, шундай деди: “Ҳой гуноҳкор Жатила, сенинг гапларингдан бошим оғриб кетди! Кришнанинг неварам Киртиданинг қизи Шримати Радхаранининг йўлини тўсганига сенда ҳеч қандай далил йўқ”.

Бир куни Шримати Радхарани Кришна совға қилган маржонни бўйнидан ечаётганида, Унинг

қайнонаси, Жатила дугонасига шундай деди: “Дугонажон, қара, Шримати Радхаранига Кришна қандай чиройли маржон совға қилибди. У ҳозир шу маржонни кўлида ушлаб турибди, яна Кришна билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигига бизларнинг ишонишимизни истайди. Бу қиз бизнинг хонадонимизнинг обрўсини тўкиб бўлди!”

Шишупала сингари одамларнинг табиий равишда Кришнага нисбатан ҳис қиладиган ҳасад туйғусини Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатнинг ғазаб кўринишида намоён бўлган белгиси деб бўлмайди.

## Қирқ саккизинчи боб. Кўркув.

Кришнага жазавали муҳаббатда кўркувнинг пайдо бўлишига Кришнанинг Ўзи ёки Унга таҳдид солаётган хавф-хатар бўлиши мумкин. Содик ўзини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган деб ҳис қилганида кўркувга сабаб Кришнанинг Ўзи бўлади. Кришнага бўлган муҳаббати туфайли Унинг дўстлари ва Унга яхшилик истовчиларнинг Кришнага бирор хавф-хатар таҳдид солаётганидан кўркувга тушганларида эса, бунга хавфли вазият сабабчи бўлади.

Кришна билан яккама-якка олишаётган Рикшараджани Кришна Худонинг Олий Шахси экани қаттиқ ҳайратга солиб, эсанкиратиб кўйганида, Кришна унга шундай деди: “Азизим Рикшараджа, нимага юзинг бирдан сўниб кетди? Сен Мендан мутлақо кўркма! Бекорга сенинг юрагинг бунчалик қаттиқ уряпти. Илтимос, тинчлан. Мен сендан хафа бўлаётганим йўқ. Сен эса, Мен билан жанг қилиб, Менга яна ҳам яхшироқ хизмат қилишинг ва Мени яна ҳам кучлироқ қувонтириш учун, Мендан истаганингча ғазабланишинг мумкин”. Бу ерда жазавали муҳаббатнинг кўркув кўринишида намоён бўлишига Кришнанинг Ўзи сабабчи бўляпти.

Кришнанинг Ўзи содиқнинг кўркувига сабабчи бўлган бошқа бир мисол ҳам бор. Кришна ҳали ёш бола бўла туриб, Йамунада илон Калийани жазолагандан кейин, Калийа Парвардигорга илтижо қилди: “Эй иблис Муранинг қотили, қаттиқ риёзат чекишлар натижасида мен жуда катта сеҳр қудратига эга бўлдим, аммо Сенинг олдинда мен - ҳеч нарсага арзимас, кўримсиз бўлиб қолдим. Мендан ҳам кўримсизроқ ҳеч ким йўқ. Мендай бир нотавон жонга раҳминг келсин, мендан жаҳлинг чиқмасин. Сенинг аслида ким эканингни мен билганим йўқ. Ғофиллигим сабабли Сени қаттиқ ҳақорат қилиб кўйдим. Менга раҳм қил. Бу бахтиқаро аҳмоқ махлуқдан Ўз марҳаматингни дариғ тутма!” Бу - Худога садоқат билан хизмат қилишда жазавали кўркувнинг бошқа турига мисол.

Иблис Кеша ҳатто дарахтлар устидан ҳам саркраб ўтишга қодир бўлган баҳайбат от қиёфасига кириб, Вриндавандаги одамларни дахшатга солганида Йашода она эри Нанда Махаражга шундай деди: “Бизнинг ўғлимиз шу қадар тиниб-тинчимаски, яхшиси Уни қамаб кўйган маъқул. Яқинда баҳайбат от қиёфасига кириб олган иблис Кеша сабабли бўлиб ўтган воқеалардан кейин мени қаттиқ хавотирланяпман”. Ана шу дахшатли иблис Гоқулага кириб келгани ҳақидаги хабарни эшитиб, Йашода она ўғлини ўйлаб шу қадар қаттиқ кўркиб кетдики, унинг юзи сўниб, кўзларига жикка ёш келди. Бу - Худога садоқат билан хизмат қилишда Кришна ёки Унга таҳдид солаётган хавф сабабли содиқнинг қалбида кўркув туйғуси пайдо бўлишига мисол.

Иблис Путананинг ҳалокатидан кейин Йашоданинг дугоналари ундан бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини суриштира бошладилар. Уларнинг саволларига жавобан Йашода она дугоналаридан илтимос қилди: “Илтимос, кераги йўқ, бас қилинлар! Иблис Путаана билан боғлиқ воқеаларни менинг эсимга солманлар. Бу ҳақда ҳатто ўйлашнинг ўзи ҳам мен учун жуда оғир. Иблис ялмоғиз Путаана менинг ўғлимни ейиш учун келган эди, маккорлик билан ўғлимни тиззасига олишга руҳсат олди. Аммо, ўзи бирданига ўлиб қолди, унинг баҳайбат танаси дахшатли шовқин билан ерга қулади”.

Кўркув билан намоён бўладиган жазавали муҳаббатнинг вақтинчалик аломатлари оғизнинг қуриб кетиши, ҳаяжонланиш, орқага ўгирилиб қараш, яширинишга интилиш, эсанкираш, хавф остида қолган севган одамни излаш, қаттиқ хўнграш кўринишида бўлиши мумкин. Вақтинчалик аломатларга яна сохта ҳиссиётлар, унутиш ва хавфни олдиндан сезиш қиради. Бундай ҳолатларнинг барчасида асосий аломат жазавали кўркув туйғуси бўлади. Бундай кўркув туйғусига сабаб амалга оширилган ишлар ёки хавфли вазиятлар бўлиши мумкин. Амалга оширилган ишлар ҳар хил бўлиши мумкин, уларни амалга оширган одам кўркувга тушади. Бирор хавфли нарса сабабли кўркув юзага келганда эса, унинг сабабчиси бирор дахшатли кўринишга эга бўлган, йиртқич ва табиатига кўра ёвуз бўлган тирик мавжудот, дахшатли махлуқ бўлиши мумкин. Жазавали дахшатга сабаб бўлган тирик мавжудотга иблис Путаана мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, шоҳ Камса сингари иблистабиат зотлар ёки Индра ёки Шанкара сингари фаришталар ҳам жазавали кўркувга сабаб бўлиши мумкин.

Камса сингари иблислар ҳам Кришнадан кўрққанлар, аммо улардаги кўркув туйғусини Худога садоқат билан хизмат қилишдаги жазавали кўркув деб ҳисоблаб бўлмайди.

Жирканиш

Ишонарли манбалардан маълумки, жирканиш туйғуси сабабли юзага келадиган Кришнага боғланиш Худога садоқат билан хизмат қилишда жазавали лаззат келтирадиган жирканиш бўлиши мумкин.

Одатда, Кришнага нисбатан ана шундай жазавали муҳаббат ҳис қиладиган одамлар садоқат билан хизмат қилишнинг нейтрал *шанта-раса* поғонасидаги содиқлар ҳисобланади. Қуйида келтирилган мисол жирканиш туфайли юзага келган жазавали муҳаббатга мисол бўлиши мумкин: “Авваллари бу одамни шахвоний эҳтирос ва тананинг лаззатидан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмас эди. У ўзининг шахвоний эҳтиросини қондиришда аёллардан фойдаланиш маҳоратини камолот чўққисига етказган эди. Ана шу одамнинг энди кўзларида ёш билан Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилаётганига ҳайрон бўламан. Аёл зотига кўзи тушиши биланоқ жирканганидан унинг афти буришиб кетади. Энди унга тананинг ҳиссий лаззатлари қанчалик жирканч туюлаётгани унинг юзидан кўриниб турибди”.

Худога садоқат билан хизмат қилишда жирканишни келтириб чиқарадиган субэкстаз аломатлар қуйидагилар: ўзидан нафратланиш, аввалги ҳаётини эшладан уялиш, афтини буриштириш, бурнини қисиш ва қўлларини ювиш. Бундан ташқари жазаванинг бу тури тананинг титраши, тананинг бирдан қийшайиб кетиши ва терлаб кетиш кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Шунингдек бу аломатлар билан бирга уялиш, ҳолдан тойиш, телбалик, ҳиссиётлар алдови, кайфиятнинг бузилиши, итоаткорлик, ўзига ачиниш, хаяжонланиш, бирор нарсани қаттиқ исташ ва тарашадай қотиб қолиш ҳолатлари бўлиши мумкин.

Ўзининг аввалги жирканч ҳаётини эслаб пуншаймон бўлаётган содиқнинг танасида маълум аломатлар юзага келганида, содиқнинг қалбида ҳис қилаётган туйғуси Худога садоқат билан хизмат қилишнинг жирканиш кўринишида намоён бўлиши деб аталади. Бундай туйғу унинг қалбида Кришна онги уйғониши натижасида юзага келади.

Ана шундай ҳолат қуйидаги мисолда келтирилган: “Тананинг - ичи қон билан тўлдирилган, тери ва суяклардан иборат бўлиб, йиринг оқиб турган, сассиқ тери ва гўшт билан ўралган қопнинг шахвоний эҳтиросини қондириш одамга қандай лаззат келтириши мумкин?” Фақат қалбида Кришна онги уйғонган, моддий тананинг қанчалик жирканч эканини англаб етган одамгина ана шундай нуктаи-назарга эга бўлиши мумкин.

Онасининг қорнида ётган бир омадли чақалоқ Парвардигорга шундай илтижо қилган эди: “Эй Камсанинг душмани, моддий тана менга чидаб бўлмас изтиробга соляпти. Мен қопқонга - қон, сийдик ва суюқ ахлатлар тўла она қорнига тушиб қолдим. Бу ердаги ҳаётим оғир изтиробларга тўла. Эй илоҳий ҳамдардлик уммони, менга раҳминг келсин! Мен Сенга садоқат билан хизмат қилишга кодир эмасман, лекин Сендан илтижо қиламан, бу

азоб-укубатлардан мени тезроқ қутқариб ол!” Дўзахга тушган одам ҳам ана шунга ўхшаган гапларни айтган эди. У Парвардигорга мурожаат қилиб, шундай деган эди: “Эй азиз Худойим, Йамараж мени ҳамма жой сассиқ суюқлик билан тўла мана шу даҳшатли жойга ташлади. Ҳамма ерни турли касалликларга мубтало бўлган одамларнинг ахлатларида яшайдиган ҳашарот ва куртлар босиб кетган. Бу даҳшатли, жирканч манзарани кўриб, менинг кўзларим деярли кўрмай қолди. Шунинг учун мен Сенга илтижо қиламан, эй дўзах азобидан қутқарувчи Зот! Мен мана шу дўзахга тушиб қолдим, аммо ҳамиша Сенинг муқаддас номларингни эслаб юраман, фақат шу билангина жонимни танамда сақлаб юраман”. Бу - жирканч вазиятларда Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишга яна бир мисол.

Фақат қалбида Кришнага илоҳий муҳаббат билан боғланиш туйғусини ривожлантира олган кишигина ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юра олади - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Шунинг учун ундай одам жазавали муҳаббат ва боғланиш билан Парвардигорнинг муқаддас номларини эслаб, ҳар қандай оғир вазиятларда ҳамиша мамнуният билан яшашда давом этаверади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, одамнинг Парвардигорга нисбатан нейтрал расадаги муҳаббат туйғуси ривожланиб, етук муҳаббатга айлана бориши билан Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат жирканиш кўринишида намоён бўла бошлайди.

### Қирқ тўққизинчи боб. Аралаш расалар

Аввал айтганимиздек, содиқ Кришна билан ўзаро муносабатларда ўн икки хил расанинг бири доирасида бўлиши мумкин. Улардан беш раса - бевосита расалар: 1. Нейтрал; 2. Хўжайин ва хизматкор; 3. Дўстона муҳаббат; 4. Ота-оналарча муҳаббат; 5. Ошиқларча муҳаббат. Қолган етти раса эса - билвосита расалар: 6. Кулги; 7. Ҳайратланиш; 8. Олижаноблик; 9. Ҳамдардлик; 10. Кўрқув; 11. Ғазаб; 12. Жирканиш. Бевосита беш турли муносабатлар руҳий оламда, Ваикунтха оламида мангу мавжуд, қолган етти раса эса, намоён бўлган ёки намоён бўлмаган Гокула Вриндаванада мангу мавжуд. Мана шу ерда Парвардигор Кришна Ўзининг моддий оламдаги илоҳий эрмакларини ўтказади.

Жуда кўп ҳолларда асосий беш расага бошқа бирор раса қўшилган бўлади. Ана шундай муҳаббат ҳолатлари баъзан ўринли(бир бирига тўғри келмайдиган), яъни ёқимли, баъзан эса ўринсиз, яъни ёқимсиз бўлади. Қуйида ҳар хил раса(муҳаббат туйғуси)ларнинг бир-бири билан бирикиш бирикмаслик хусусиятлари, ҳолатлари илмий асосда таҳлил қилинган.

Парвардигорга нисбатан нейтрал муҳаббат расаси(шанта-раса)да жирканиш ва ҳайратланиш туйғуси бирга келса, туйғуларнинг бундай бирикмаси ёқимли ҳисобланади. Нейтрал муҳаббатга ошиқларча муҳаббат, олижаноблик, ғазаб ёки кўрқув аралашса, туйғуларнинг бундай бирикмаси ёқимсиз ҳисобланади.

Хизмат қилиш расасида кўрқув, нейтрал муҳаббат ёки олижаноблик(дхарма-вира ёки дана-вира) туйғулари намоён бўлса, бундай бирикма ёқимли ҳисобланади. Олижаноблик расасида садоқат билан хизмат қилиш(шуддха-вира)да жазавали лаззатнинг ғазаб кўринишида намоён бўлишига сабаб Кришнанинг Ўзи бўлади.

Дўстона муҳаббат расасига ошиқларча муҳаббат, кулги ва олижанобликнинг қўшилиши ёқимли, кўрқув ва ота-оналарча муҳаббат туйғуларининг қўшилиши эса мутлақо ўринсиз ҳисобланади.

Орада жуда катта фарқ бўлишига қарамай, ота-оналарча муҳаббат лаззатига кулги, ҳамдардлик ва кўрқув туйғуларининг қўшилиши ёқимли ҳисобланади.

Ота-оналарча муҳаббат туйғуси ошиқларча муҳаббат, олижаноблик ва дўстона муносабатлар билан қўшилмайди.

Ошиқларча муҳаббат лаззатига кулги ва дўстона муҳаббат туйғуларининг қўшилиши ёқимли бўлади.

Баъзи билимдон донишмандларнинг фикрига кўра, ошиқларча муҳаббат туйғуси олижаноблик расасининг фақат *йуддха-вира* ва *дхарма-вира* кўринишлари билан қўшилиши мумкин. Бу фикрга кўра, мана шу икки расадан бошқа барча расалар ошиқларча муҳаббат расаси билан қўшилмайди.

Садоқат билан хизмат қилишда кулги лаззатига кўрқув, ошиқларча муҳаббат, ота-оналарча муҳаббат туйғулари қўшилиши мумкин, ҳамдардлик ва жирканиш туйғуларининг қўшилиши эса ўринсиз ҳисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда ҳайратланиш лаззатига олижаноблик ва нейтрал муносабат туйғуси қўшилиши ўринли, ғазаб ва кўрқув туйғуси қўшилиши мутлақо ўринсиз ҳисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда олижаноблик туйғусига ҳайратланиш, кулги ва хизмат қилиш туйғуларининг қўшилиши ўринли, кўрқув ва ошиқларча муҳаббат туйғуларининг қўшилиши эса ўринсиз ҳисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда ҳамдардлик туйғусига ғазаб ва ота-оналарча муҳаббат туйғусининг қўшилиши ёқимли, кулги, ошиқларча муҳаббат ва ҳайратланиш туйғуларининг қўшилиши ўринсиз ҳисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда ғазаб туйғусига ҳамдардлик ва олижаноблик туйғулари қўшилиши ўринли, кулги, ошиқларча муҳаббат ва кўрқув туйғуларининг қўшилиши мутлақо ўринсиз ҳисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда кўрқув лаззатига жирканиш ва ҳамдардлик туйғуларининг қўшилиши ёқимли ҳисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда олижаноблик лаззати ҳеч қачон ошиқларча муҳаббат, кулги ва ғазаб туйғулари билан бирикмайди.

Садоқат билан хизмат қилишда жирканиш лаззати нейтрал муҳаббат, кулги ва хизмат қилиш туйғулари билан қўшилиши ёқимли, ошиқларча муҳаббат ва дўтлик туйғулари билан қўшилиши ўринсиз ҳисобланади.

Бу таҳлил - бир бирига зид бўлган раса(расабхаса)ларнинг ўзаро бирикишларини ўрганишнинг намунаси ҳисобланади. Расабхасани таърифлаб берувчи илоҳий илм Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда ҳар хил кайфиятларнинг, туйғуларнинг ўзаро бирикмаси ёқимли ёки ёқимсиз эканини аниқ билиб олишга имкон беради. Чайтанья Махапрабху Жаганатха Пурида яшаганида, жуда кўп содиқлар ва шоирлар ўзларининг асарларини Унга кўрсатишга олиб келардилар, лекин, ўрнатилган тартибга кўра, уларни аввал Чайтанья Махапрабхунинг котиби Сварупа Дамодара кўриб чиқиши лозим эди. Агар Сварупа Дамодара тақдим этилган асарларда ўзаро зид бўлган илоҳий расаларнинг ноўрин бирикмаларини учратмасагина шоир ёки содиқ ўзининг ёзган асарини Чайтанья Махапрабхуга ўқиб бериши мумкин эди.

Расаларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги - асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Соф содиқлар Парвардигор билан ўзаро муносабатлар таърифланган асарларда ҳамиша илоҳий туйғуларнинг ўринли, ёқимли бирикмаларини излашга интиладилар. Илоҳий туйғуларнинг бирикмаларининг ўринли ёки ўринсиз эканини таҳлил қилиш баъзан жуда мушкул ва чигал кўринади. Нимага бундай бўлишини тушунтириш учун қуйидаги мисолни келтирадилар. Икки дўст бир-бири билан учрашганида улар орасида юзага келадиган раса одатда ёқимли ҳисобланади. Лекин, аслида икки дўст учрашганда жуда мураккаб, чалкаш туйғулар юзага келади, баъзан бу туйғуларнинг бир-бирига ўзаро қанчалик мос келишини аниқлаш жуда қийин бўлади.

Ведавий муқаддас китобларнинг билимдонлари ҳар хил расаларнинг бирикмаларининг ўринли ёки ўринсиз эканини, уларни бир-бири билан солиштириб, таққослаб, ҳар бир алоҳида бирикма учун “бутун” ва “бўлак” тушунчасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қиладилар. Бунда асосий, устивор бўлган туйғуни “бутун”, иккиламчи, қўшимча туйғуни эса - “бўлак” деб қарайдилар. Бутун ва бўлак тушунчаларига қандай мазмун беришни қуйида келтирилган ҳақиқатдан тушуниб олиш мумкин: “Тирик мавжудотлар азалий оловдан учиб чиққан учкунларга ўхшайди, шунинг учун мен, кичкинагина заррача бўлган ҳолда, азалий олов бўлган Парвардигор Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш қўлимдан келадими

йўқми, билмайман”. Бу гапларда ифодаланган нейтрал мухаббат туйғусини бутун деб оладилар, Худога хизмат қилиш истагини эса - бўлак деб хисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, шахсиятсиз Браҳманнинг ёғдусида

Парвардигор билан содиқнинг ўзаро мухаббат лаззати алмашиш имкони йўқ.

Бир содиқнинг бу ҳақда айтган бошқа гаплари ҳам бор. “Э-воҳ, мен ҳалигача мана шу танам - йиринг, қон ва ахлат тўла тери қоп келтирадиган лаззатларга интилишда давом этяпман. Токи мен ана шундай онг билан яшар эканман, Худонинг Олий Шахсини эслаш келтирадиган илоҳий лаззатдан роҳатланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, дуои-бад тамғаси остида қолиб кетавераман”. Бу гапларда илоҳий мухаббатнинг икки жазавали лаззат ҳолати кўрсатилган: нейтрал ва жирканиш. Нейтрал туйғу бу ерда бутун, жирканиш эса бўлак хисобланади.

Бир содиқнинг шунга ўхшаш яна бир илтижоси бор: “Хизмат қилишни бошлаш - олтин тахтда ўтирган Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнани елпиғич билан елпиш вақти келди. У - ёмғирли булут рангидаги Ўзининг илоҳий мангу қиёфасидаги олий Парамбрахма. Моддий танага - гўшт ва қондан иборат тери қопга боғланишни тарк этиш вақти келди”. Бу - хизмат қилиш ва жирканиш туйғуларининг бирикмасига мисол, бу ерда хизмат қилиш бутун, жирканиш эса - бўлак деб қараш лозим.

Яна бир илтижо бор: “Қачон мен ғафлат гунаси таъсиридан халос бўлар эканман, қачон ана шундай пок ҳолатга эришиб, Парвардигор Кришнага мангу хизмат қила олар эканман? Фақат шундагина мен Унинг нилуфар қадамлари пойини ва гўзал жамолини ҳамиша кўз олдимда кўриб туриб, Унга сажда қила оламан!” Бу ерда нейтрал муносабат лаззати бутун, хизмат қилиш эса бўлак хисобланади.

Яна бир илтижо: “Хаёлига Кришнаннинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги фикр келган заҳоти рақсга тушиб кетган мана бу содиққа қаранглар. Ҳатто энг чиройли аёлларга ҳам бутунлай қарамай кўйиш учун унинг рақсига бир марта кўз ташлашнинг ўзи кифоя!” Бу ерда нейтрал муносабат бутун, жирканиш эса - бўлак.

Бир содиқ дадиллик билан шундай деган эди: “Эй азиз Худойим, мен ҳозир ҳатто ёш қизлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳақидаги фикрни ҳам хаёлимга келтирмасликка ҳаракат қиламан. Браҳманни англаб етишга келсак, менда унга нисбатан ҳеч қандай қизиқиш йўқ, чунки мен ҳамиша бутунлай Сен ҳақингдаги ўйларга ғарқ бўлиб юраман. Мана шу лаззатли фикрлаш мени бошқа барча истақлардан, ҳатто сеҳр қудратига эга бўлиш истагидан ҳам халос этди. Бундан кейин менинг ақлим фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилиш билан банд бўлади”. Бу ерда Парвардигорга нисбатан нейтрал муносабат - бутун, олижаноблик эса - бўлак.

Бир содиқ хизматкор Субалага шундай деган эди: “Азизим Субала, Кришнанинг бўсаларидан лаззатланиш имкониятига эга бўлган Вриндаван қизлари оламдаги энг бахтиёр аёллар бўлса керак?” Бу ерда дўстона хизмат қилиш бутун, ошиқларча мухаббат эса - бўлак.

Бир куни гопиларга мурожаат қилиб, Кришна шундай деди: “Ҳой, Менга махлиё бўлган қизлар, Менга бундай эҳтирос билан нигоҳ ташламанглар! Тинчланинглар ва Вриндаванга, ўз уйлариңизга қайтинглар. Сизларга бу ерда ҳеч гап йўқ!” Кришна билан раса рақсида лаззатланиш истагида келган Ваджалик қизлар билан Кришна шу тарзда ҳазиллашиб турар экан, шу ерда турган Субала кўзларини катта очиб, кулганича Кришнага қараб турарди. Субаланинг ҳис қилаётган туйғулари садоқат билан хизмат қилишда дўстона мухаббат ва кулги лаззатлари эди. Дўстона мухаббат бу ерда бутун, кулги эса - бўлак.

Туйғуларнинг бундай бирикмасига яна бир мисол келтириш мумкин. Шримати Радхаранининг либосини кийиб, Йамуна қирғоғидаги чиройли *ашока* дарахти панасида яшириниб олган Субалага кўзи тушиб, Кришна шу заҳотиёқ ўрнидан сакраб турди. Уни кўриб, Субала кулгидан ўзини тутолмай, дарров юзини яширди.

Худога хизмат қилишда ота-оналарча мухаббат туйғуси билан ҳамдардлик туйғусининг бирикмасига ҳам мисол бор. Яшода она Ўғли ўрмонда соябонсиз ва ялангоёқ юрганганини ўйлаб, Кришнага қандай қийин эканини эслаши билан Унга ачинганидан қаттиқ қийналиб кетди. Бу ерда ота-оналик мухаббати бутун, ачиниш туйғуси эса - бўлак.

Ота-оналарча мухаббат туйғуси билан кулги лаззатининг бирикмаси қуйидаги мисолда кўрсатилган. Бир куни Йашода онанинг дугонаси унга шундай деди: “Азизим Йашода, сенинг ўғлинг жуда усталик билан менинг уйимдан катта бир бўлак сариеғни ўғирлаб кетди. Айбни менинг ўғлимга кўйиш учун, ухлаб ётган жойида ўғлимнинг юзига сариеғ суртиб кетибди!” Бу гапларни эшитиб, Йашода ёйдай қошларини чимирди. Дугонасига қараб туриб, у ўзини кулгидан тутолмай қолди. Она Йашода ҳар биримизни ана шундай кулгидан баҳраманд қилсин. Бу ерда ота-оналик мухаббати бутун, кулги эса - бўлак хисобланади.

Садоқат билан хизмат қилишда бир неча расанинг бирикиб келишига ҳам мисоллар бор. Кришна чап қўли билан Говардхана тоғини кўтариб турганида, Унинг сочлари тўзиб елкасига тушиб кетди, У терлагандай бўлди. Буни кўриб Йашода онанинг вужуди титраб кетди. Аммо, Кришна онасининг Ўзига даҳшатдан кенгайиб кетган кўзлари билан қараб турганини кўрганида, жилмайиб, кулгили қилиб афтини буриштира бошлади. Буни кўриб, Йашода она қувониб кетди ва кулиб қўйди. Лекин, Кришна шунча вақтдан бери тоғни кўтариб тургани ҳақида ўйлаган заҳоти, унинг бутун вужу-

дини жикқа тер босиб, устидаги либосини бутунлай ҳўл қилиб юборди. Ваджешваранинг онаси Йашоданинг чексиз мархамати бутун оламини ўз ҳимоясига олсин! Бу мисолда ота-оналарча муҳаббат туйғуси бутун, қўрқув, ҳайратланиш, кулги, ҳамдардлик ва бошқа туйғулар бўлак ҳисобланади.

Ошиқлик муҳаббати ва дўстона боғланиш туйғуларининг бирикмаси Шримати Радхаранининг қуйидаги гапларида кўриниб турибди: “Азиз дугоналар, қаранглар, Кришна қизларнинг либосига ўраниб олган Субаланинг елкасига қўлини қўйяпти! Менимча, У менга Субала билан хат бериб юбормоқчи бўляпти”. Бу мисолни тушуниб олиш учун шуни назарда тутиш керакки, Шримати Радхаранининг катта қариндошлари Унинг Кришна ва Кришнанинг подачи дўстлари билан учрашишларини маъқулламасдилар, шу сабабли Кришнадан Шримати Радхаранига бирор хабар олиб бориш учун Кришнанинг дўстлари қизларнинг кийимини кийиб олардилар. Бу мисолда ошиқларча муҳаббат бутун, дўстлик туйғуси эса - бўлак ҳисобланади.

Кейинги мисол ошиқона муҳаббат билан Худоба холис хизмат қилишда кулги лаззатининг бирга келишини кўрсатади. Қизларнинг кийимини кийиб олган Кришна Шримати Радхаранига шундай деди: “Ҳой тошбағир гўзал, Мен Сенинг синглинг эканимни кўрмайяпсанми? Менга раҳминг келсин, Мени кучоқлаб меҳр билан бағринга бос!” Кришна худди Шримати Радхаранининг ўзига ўхшаб кийиниб олган эди. Кришнанинг бундай ширин сўзларини эшитиб, Шримати Радхарани Унинг қандай ниятни назарда тутаятганини дарров тушунди, лекин шу ерда бошқа қариндошлари ҳам бўлгани сабабли, Кришнага ҳеч нарса демасдан фақат кулиб қўйди, холос. Бу ерда ошиқона муҳаббат тўла бутун, кулги лаззати эса бўлак ҳисобланади.

Кейинги мисолда бир неча туйғуларнинг бирикиб келиши тасвирланган. Кришнанинг Вришасура билан жанг қилишга ҳозирланаётганини кўриб, Чандравалининг тенгдошларидан бири ўйланиб қолди: “Ҳақиқатан ҳам Кришнадан ҳам ҳайратлироқ зот йўқ! Унинг ақли табассуми чиройли Чандравалининг қошларига маҳлиё бўлган, Унинг илондай қўллари дўстининг елкасида, Ўзи эса Вришасурани жангга чорлаб, арслондай нара тортяпти!” Бу ошиқона муҳаббат, дўстона боғланиш ва олижаноблик туйғуларининг бирикмасига мисол. Бу ерда ошиқона муҳаббат бутун, дўстона муҳаббат ва олижаноблик туйғулари эса бўлақлар мисолида.

Шаҳвоний эҳтиросга берилган Кубджа, Кришнага нисбатан кучли эҳтирос таъсири остида Кришнанинг сариқ либосларига осилганида, атрофида тўпланган бекорчиларнинг хохолаб кулишларидан уялганидан Кришна бошини эгиб, ерга қараб қолган эди. Бу ошиқона муҳаббатнинг кулги билан бирга келишига мисол. Бу ерда кулгини бу-

тун, ошиқона муҳаббатни эса - бўлак деб қараш керак.

Бир подачи бола Бхадрасена билан жангга киришга ҳозирланаётган Вишалага мурожаат қилиб, шундай дейди: “Сен нима сабадан менга ўзингнинг қаҳрамонлигингни кўрсатмоқчи бўляпсан? Аввал сен Шридама билан жанг қилишга уринган эдинг. Агар билсанг, Шридама учун юзлаган Балорам билан бир вақтнинг ўзида жанг қилиш ҳам ҳеч гап эмас. Ўзинг аризммас бир зот бўла туриб, нимага бунча чиранасан?” Бу - дўстона муносабат билан олижаноблик туйғусининг бирга келишига мисол. Бу ерда олижаноблик туйғуси бутун, дўстлик туйғуси эса - бўлак ҳисобланади.

Шишупала ҳамиша Шри Кришнани ҳақоратлаб юрарди, аммо унинг ҳақоратлашлари Кришнани эмас, кўпинча Пандузодаларнинг гашига тегарди, шунинг учун Пандузодалар зарур бўлса Шишупалани турган жойида ўлдириб ташлашга тайёр бўлиш учун ҳамиша қурол олиб юрардилар. Уларнинг хис қилаётган туйғулари садоқат билан хизмат қилишда жазавали ғазаб туйғуси билан дўстона боғланиш туйғусининг аралашмаси эди. Бу ерда ғазаб - бутун, дўстона боғланиш эса - бўлак ҳисобланади.

Бир куни Кришна Шридамнинг таёқчасини моҳирлик билан айлантриб, жасорат билан гурзи жангини мукамал биладиган, ҳатто гурзи билан иблис Праламбасурани ўлдирган Балорамга қарши жанг қилиб турганини томоша қилиб турарди. Биргина калтак билан қуролланиб олган Шридам охир-оқибатда Балорам устидан ғалаба қозонганини кўрганида Кришна жуда мамнун бўлиб, ҳайрат билан Шридамга қаради. Бу - ҳайратланиш, дўстона муҳаббат ва олижаноблик туйғуларининг бирга келишига мисол. Бу ерда дўстлик ва олижаноблик туйғулари бўлак, ҳайратланиш эса - бутун ҳисобланади.

Ҳар хил расаларни яхши тушунадиган билимдон донишмандларнинг фикрига кўра, бошқа расалар орасида устивор бўлган, бутун деб ҳисобланадиган раса ўзгармас экстаз(лаззат) деб аталади. “Вишну-дхармоттара”да ҳам бу фикр тасдиқланган: Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда ҳар хил расалар биргаликда намоён бўлганида устивор расани, яъни бутун деб ҳисобланадиган раса садоқат билан хизмат қилишнинг ўзгармас лаззати деб аталади. Иккинчи даражали расалар, гарчи бироз вақт мобайнида намоён бўлиб турса ҳам, барибир кейин устивор расага қўшилиб кетади. Шунинг учун иккинчи даражали(бўлак) расаларни садоқат билан хизмат қилишнинг вақтинчалик раса(лаззат)лари деб атайдилар.

Бутун ва бўлакнинг ўзаро муносабатларини қуйидаги мисодан осон тушуниб олиш мумкин. Гарчи Индранинг укаларидан бири бўлиб “туғилган” бўлса ҳам, Парвардигор Ваманадева аслида Худонинг Олий Шаҳси ҳисобланади.



Баъзан Ваманадевани иккинчи даражали фаришталардан бири деб ҳисоблайдилар, лекин, аслида фаришталар шоҳи Индра бутунлай Ваманадевага қарам. Шундай қилиб, гарчи Ваманадевани баъзан тобе фаришталардан бири деб ҳисобласалар ҳам, аслида У тўла бутун, барча фаришталарнинг манбаидир. Худди шундай устивор раса баъзан иккинчи даражали бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслида у содиқнинг Парвардигорга бўлган жазавали муҳаббатида асосий ўрин тутди.

Худога садоқат билан хизмат қилишдаги вақтинчалик жазавали лаззатни, ҳатто у жуда узок вақт давоммида яққол кўриниб турган бўлса ҳам, иккинчи даражали деб ҳисоблайдилар. Кучсиз намоён бўлган иккинчи даражали лаззат эса, кейин асосий туйғуга қўшилиб кетиш учун озгина вақт ичида намоён бўлиб туради. Бундай ҳолларда, худди ширин таом устига ташланган кўкат сингари, унга катта аҳамият бермайдилар. Кўкатнинг овқатдаги таъми билинмай қолади, бунинг устига кўкатнинг таъмини овқатнинг таъмидан алоҳида хис қилишга уриниб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

### Эллигинчи боб.

#### Аралаш расалар аҳлили(давоми).

Аввал айтилганидай, ҳар хил расалар бирга келганда, бир-бирига зид бўлган туйғулар бирга қўшилиб қолган ҳолат расаларнинг тўғри келмаслиги деб аталади. Агар ширин гуручга шўр ёки ачиган таом қўшилса, улар бир-бирига тўғри келмайди, ёқимсиз таъм беради, шунинг учун улар бир-бирига тўғри келмайдиган таъм деб аталади.

Расаларнинг тўғри келмаслигига бир имперсоналистнинг нолиб айтган гаплари яққол мисол бўлади: “Мен фақат шахсиятсиз Брахманга боғланиб қолган эдим, бутун умримни натижасиз муроқабга берилиб ўтказган эдим. Мен шахсиятсиз Брахманнинг манбаи ва барча илоҳий лаззатлар макони бўлган Шри Кришнага етарлича эътибор бермаган эканман”. Бу ерда Парвардигорга нейтрал боғланиш расасига ошиқона муҳаббат расаси қўшилиб, расаларнинг тўғри келмайдиган бирикмасини ҳосил қилган.

Баъзан Вриндаванда ва бошқа муқаддас саждагоҳларда қалбида Парвардигорга нисбатан озгина нейтрал муносабатда муҳаббат уйғотган одамларнинг Кришнага ҳақиқий ошиқона муҳаббат уйғотган содиқларга тақлид қилиб юрганини учратиш мумкин. Аммо, нейтрал муносабатлар билан ошиқона муҳаббат туйғуси бир-бирига мос келмайдиган туйғулар бўлгани сабабли, ундай тақлидчи содиқ охир-оқибатда садоқат билан хизмат қилиш йўлидан адашиб кетади.

Кришна билан ўзаро нейтрал муносабатда бўлган бир буюк содиқ бир-бирига мос келмайдиган расаларни ўзининг истехзоли илтижосида шундай таърифлаган эди: “Мен Кришнани, одамларга Питалардан кўра миллионлаган марта

меҳрибонроқ бўлган ва барча буюк донишманд ва фаришталар ҳамини сиғиниб юрадиган Худонинг Олий Шахсини кўриш истагида ёняпман. Аммо, бир нарса ҳайратга соляптики, Кришна равнақ фариштасининг эри бўлишига қарамай, Унинг тана-сида тез-тез ахлоқи бузуқ оддий аёлларнинг тирноқ излари ҳам қолиб туради!” Бу ерда нейтрал муносабат билан улуғвор ошиғона муҳаббат туйғусининг бир бирига мос келмаслиги кўрсатилган.

Гопилардан бири Кришнага мурожаат қилиб шундай дейди: “Азизим Кришна, Сен қилишинг лозим бўлган биринчи иш - мени кучли қўлларинг билан кучоқлашинг керак. Кейин, азиз дўстим, менга бошингнинг муаттар хидидан тўйиб хидлашга рухсат бер, шунда мен Сен билан лаззатланишга тайёр бўламан”. Бу ерда бутун кўринишида келган ошиғона муҳаббат билан бўлак кўринишидаги хизмат қилиш туйғуси бир бирига тўғри келмаслиги кўрсатилган.

Бир содиқ шундай дейди: “Азизим Кришна, буюк ведантист олимлар Сенга Мутлак Ҳақиқат сифатида, “Нарада-панчаратра”нинг қонунқоидаларига амал қилиб юрган вайшнавлар эса - Худонинг Олий Шахси сифатида мурожаат қилиб юрган бўлсалар, мен қандай қилиб Сени ўзимнинг ўғлим деб айта оламан? Сен Худонинг Олий Шахсисан. Сени шунчаки ўзимнинг ўғлим деб айтишга менинг қандай тилим боради?” Бу ерда Парвардигорга нисбатан нейтрал муносабатга ота-оналарча муҳаббат туйғуси қўшилган, бу эса бир-бирига зид, тўғри келмайдиган расалардир.

Бошқа бир содиқ аёл бир куни шундай дейди: “Азиз дугонажон, менинг ёшлигим, гўзаллигим худди осмондаги яшин сингари ўткинчи, вақтинчалик нарса, шунинг учун менинг ташқи гўзаллигимнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Мен ҳеч қачон Кришна билан учрашмаганман, шунинг учун, сендан илтимос, тезроқ бизларни учраштир!” Унинг гапларида бир-бирига тўғри келмайдиган нейтрал ва ошиғона муҳаббат туйғулари акс этган.

Эҳтирос домига тушиб қолган бир Каиласлик аёл бир куни Кришнага шундай деган эди: “Азизим Кришна, умринг узок бўлсин!” Бу гапларни айтиб, у Кришнани кучоқлаб, бағрига босди. Бу ерда бир-бирига мос келмайдиган ота-оналик муҳаббати ва ошиғона муҳаббат туйғулари бирга келган.

Бундай таҳлилнинг мақсади - агар, ҳар хил расаларнинг аралашуви натижасида, яъни Кришна билан содиқнинг ўзаро лаззатли муҳаббатга асосланган муносабатларда туйғулар, муносабатлар соф ҳолда, пок бўлмаса, бу расаларнинг ана шундай нотўғрилигига, бир-бирига мос келмайдиган туйғулар бирикмасига олиб келади. Шрила Рупа Госвами сингари машҳур, буюк содиқларнинг фикрига кўра бир-бирига тўғри келмайдиган расаларнинг вужудга келишига бир-бирига қарама-

қарши ҳиссиётларнинг юзага келиши сабаб бўлади.

Бир куни оддий содиқ аёл Кришнага шундай деган эди: “Ўғлим, биламанки менинг танам - гўшт ва қоннинг бирикмаси холос, у ҳеч қачон Сенга лаззат келтирмайди, аммо Сенинг гўзаллигинг мени шунчалик махлиё этдики, барибир Сен мени Ўзингнинг севгилинг қилиб олишингни истайман”. Бу ерда Худога садоқат билан хизмат қилишда ошиғона муҳаббат билан жирканиш туйғуси бир-бирига тўғри келмайдиган расалардир.

Шрила Рупа Госвами содиқларни ўзларининг асарларида ва ҳаракатларида ана шундай бир-бирига мос келмайдиган туйғулардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Бир-бирига қарама-қарши расаларнинг бирикмаси *расабхаса* деб аталади. Билимдон олим ёки ҳақиқий содиқ ҳеч қачон таркибида бир-бирига мос келмайдиган расалар, яъни расабхасалар учрайдиган асарни тан олмайди.

"Видагдха-мадхава"нинг иккинчи бобида(17) Нандимукхага мурожаат қилар экан, Паурнамасйя шундай дейди: "Бу мўъжизага қара! Барча дунёвий иш ва боғланишларни тарк этган буюк донишмандлар Кришнага муруқаба қиладилар, Кришнани қалбига жойлаш учун улар қаттиқ қийналадилар. Бу ерда эса ҳаммаси бунинг акси бўляпти - мана бу қиз, ақли моддий лаззатларга берилиши учун бўш бўлишига интилиб, унда ҳамиша Кришна ҳақида пайдо бўлаверадиган ўйлардан кутулишга уриниб юрибди. Ҳар қандай қийинчиликларга тайёр бўлиб, буюк донишмандлар жон-жаҳди билан излаб юрган Кришнани ўзининг қалбидан қувиб чиқаришга уриниб қийналаётган мана бу қиздан ҳам ачинарлироқ одам борми!" Бу ерда жазавали садоқатнинг бир-бирига зид бўлган расалари келтирилган, аммо расаларнинг ўринсиз бирикмаси юзага келмаган, чунки бу ерда кўрсатилган ошиғона муҳаббат туйғуси шу қадар улуғворки, бошқа барча расаларни босиб кетади. Бу тўғрида Шрила Жива Госвами таъкидлаб айтганки, бундай улуғвор муҳаббатга ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди. Ақлнинг бундай ҳолати фақат Вриндавандаги гопилардагина бўлади.

Худога садоқат билан хизмат қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган расаларнинг расабхасанинг бузилган бирикмасини юзага келтирмайдиган бошқа кўплаган бирикмалари мавжуд. Жаннатий сайёралардан биридаги иккинчи даражали фаришталардан бири шундай дейди: "Илонлар шоҳи Калия, бир пайтлар ҳазиллари Враджа аҳолисини қувонтириб юрган Кришнага ҳужум қилди. Энди уларнинг барчаси мусибатга тушиб, Унинг тақдирини қайғуриптилар!" Бу кулги ва ачиниш туйғусининг бирикмаси, аммо, бу ерда ноўринлик юзага келмаяпти, чунки бу ерда икки раса ҳам Кришнага бўлган жазавали муҳаббатни кучайтиради.

Бир куни Шримати Радхарани айтган эдики, гарчи Унинг Ўзи ҳар қандай фаолиятни тарк этган бўлса ҳам, У Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча турлари учун илҳом олишнинг энг олий манбаи бўлиб қолаверади: “Азизим Шримати Радхарани, Кришнадан айрилганингдан Сен, худди сарв қоматини ҳеч қандай барглар тўса олмайдиган энг чиройли дарахт сингари, ҳаракатсиз қотиб қолдинг. Ҳаракатсиз, бундай туришинг билан Сен Брахман онгига бутунлай фарқ бўлгандай кўринасан!” Бу ерда ошиғона муҳаббат нейтрал муносабат билан кўшилиб келган, аммо ошиғона муҳаббат кучлилиги билан бошқа барча туйғулардан устун туради. Аслини олганда, Брахманни англаб етиш - хайратдан эсанкираб қолишдан бошқа нарса эмас.

Кришнанинг Ўзи бу ҳақда шундай деган: “Шримати Радхарани Мен учун осойишталик тимсоли бўлиб қолди. Унинг шарофати билан Мен ҳозир уйқусиз юра оламан. Мен энди ҳамма нарсага кўзларимни ҳеч қачон мутлақо юммасдан қарайман ва ҳамиша муруқаба ҳолатида юраман. У сабабли Мен ҳатто тоғдаги ғорга кўчиб ўтдим!” Бу ерда ошиғона муҳаббат нейтрал муносабат билан бирга келган, лекин ёқимсиз бирикма ҳосил қилмаган.

Қуйида шон-шухрат қозонган машҳур соҳибжамол қиз Рамбхага берилган саволлар ва унинг жавоблари келтирилган. Рамбхадан сўрадилар: - “Эй соҳибжамол, сен кимсан?”

У жавоб берди: ”Осойишталик рамзи”.

- Унда нимага самога келиб қолгансан?

- Мен Олий Мутлақ Ҳақиқатни сезиш учун самога келдим.

- Унда нима сабабдан диққат билан разм солиб қараяпсан?

- Мутлақ Ҳақиқатнинг олий жамолини кўриш учун.

- Нимага бунчалик ҳаяжонланяпсан?

- Бу - севги фариштасининг кароматлари.

Бу ерда расаларнинг бир-бирига мос келмаслик ҳолати йўқ, чунки бутун ҳолда келган ошиғона муҳаббат лаззати Худога садоқат билан хизмат қилишнинг нейтрал расасини босиб кетган.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида(60.45) Рукмини-девнинг гаплари келтирилган: “Эй қадрли эрим, Сен билан бевосита мулоқотда бўладиган одамларга насиб этадиган илоҳий лаззат мазасини билмаган аёллар ўзига ташқи киёфаси мўйлов, соқол, тана туклари, тирноқ ва бошидаги бир тутам сочдан иборат бўлган зотлардан бирини эр қилишга мажбур бўладилар. Ундай аёлларнинг бўлғуси эрининг ички тузилиши - суюқ, гўшт ва қон аралашмаси билан бирга ахлат, йиринг, сийдик ва шу каби сассиқ нарсалардан иборат. Аслини олганда ундай эркак - ўлик жасаддан бошқа нарса эмас. Сенинг илоҳий киёфангга махлиё бўлмаган аёл ичи ахлат ва сийдикка тўлган ана шу тери қопни “эрим” деб

ҳисоблаб, шу билан овуниб яшашдан бошқа иложи қолмайди”. Бу ерда моддий тананинг таркибий қисмларини санаб ўтиш садоқат билан хизмат қилишдаги жирканиш расаси эмас, чунки модда билан руҳнинг чегараси қаердалигини тўғри тушуниш кераклигини кўрсатиб турибди.

"Видагдха-мадхава"нинг иккинчи бобида(31) Кришна Ўзининг дўстига шундай дейди: "Азиз дўстим, ҳақиқатан ҳам, Шримати Радхаранининг нилуфар кўзларини кўрганымдан бери Мен ойга ва нилуфарларга жирканмасдан қарай олмайман!" Бу - ошиғона муҳаббатнинг жирканиш билан ёқимли бирикмасига мисол.

Куйидаги мисолларда Худога садоқат билан хизмат қилишдаги бошқа расалар таърифланган: "Кришна ҳар қандай душманга тутқич бермас эди, шунга қарамай, Курукшетра жанг майдонида Унинг ажойиб шоҳона либосларини, қандай жасорат билан жанг қилаётганини кўрганларида, Вриндаванлик подачи қизларнинг юзлари ҳайратдан қорайиб кетди". Бу ерда олижаноблик расаси кўркув расаси билан бирга келган бўлса ҳам, ноўрин бирикма ҳосил қилмаган.

Матхуралик аёллардан бири отасидан уйининг эшикларини бекитиб, Кришнани излаб топиш учун у билан бирга Сандипани Муни ашрамига боришни илтимос қилади. У Кришна бутун фикру-хаёлини ўғирлаб қўйганини айтиб нолиган эди. Бу ерда ошиғона муҳаббат ота-оналарча меҳр билан бирга келган, лекин расабхаса ҳосил қилмаган.

Бир *браҳмананди*(имперсоналист) ўзининг истагини шундай изҳор этган эди: "Қачон менинг кўз олдимда кўкси Рукминининг кўкрагига текканидан қизил *қумқума* билан бўялиб қолган, мукамал илм ва мангу лаззат манбаи бўлган Худо Шахси намоён бўлар экан?" Бу ерда ошиғона муҳаббат билан нейтрал раса бирга келган. Гарчи бу расалар бир-бирига тўғри келмаса ҳам, ноўрин бирикма ҳосил қилмаган, чунки, Кришнанинг илоҳий мафтункорлиги олдида ҳатто браҳманандилар ҳам бефарқ турулмайдилар.

Нанда Махараж хотинига қараб, шундай дейди: "Азизим Йашода, Ўғлинг Кришна худди *маллик* гулидай жуда нозик ва мўрт, шунга қарамай У тоғдай кучли иблис Кешани ўлдиришга отланди. Мен бундан қаттиқ ташвишланяпман. Нима бўлса ҳам ўғлимга ҳамиша омад ёр бўлсин! Враджамандала аҳолисининг кўнглини тинчитиш учун устундай мустаҳкам қўлларим билан мен ўзим иблис Кешани ўлдириб ташлайман!" Бу гапларда икки хил раса бор: олижаноблик ва кўркув, аммо уларнинг иккови ҳам Кришнага нисбатан отаоналик меҳрини кучайтиргани сабабли ноўрин бирикма ҳисобланмайди.

Шрила Рупа Госвामининг "Лалита-мадхава"сида шундай дейилган: "Камса уюштирган қурбонлик маросими майдончасига Кришна чиқиб келганида маросимни ўтказётган руҳонийнинг афти нафратдан буришиб кетди. Майдонча устида Камсага ва унинг руҳонийсига

кўркув даҳшат солиб турар, Кришнанинг дўстлари юзида эса - шодлик ва лаззат бир-бирини алмашиб тургани акс этиб турарди. Кришнанинг золим рақибларини алам туйғуси қамраб олди. Буюк до-нишмандлар чуқур муруқабага ғарқ бўлдилар. Деваки ва бошқа оналарнинг кўзларидан иссиқ ёшлар томчиларди, жангчиларнинг эса танасидаги туклари хурпайиб кетди. Индра ва бошқа фаришталарнинг қалби ҳайратга тўлиб кетди. Хизматкорлар яйраганидан рақсга туша бошладилар, ёш қизлар эса атрофга аланглаб қарар эдилар". Бу ерда ҳар турли расалар кўрсатилган, лекин *расабхаса* юзага келмаган.

"Лалита-мадхава"да ҳам шунга ўхшаш расалар бирикмаси келтирилган. Унинг муаллифи ўқувчиларни дуо қилиб шундай дейди: "Худонинг Олий Шахси, Кришна баҳайбат тоғни чап қўлининг жимжилоғи билан кўтаришга қодир, лекин шунга қарамай, У ҳамиша камтар ва мискин. У Ўзининг сеvimли содиқларига ҳамиша меҳрибон. У Индра-яжна ўтказишдан бош тортганлари учун Вриндаван аҳолисидан ўч олмоқчи бўлган Индранинг уринишларини чиппақка чиқарди. У - барча ёш қизлар учун чексиз лаззат манбаидир. Ана шу Зот бизларнинг барчамизга ҳамдардлик билан меҳрибонлик қилсин!"

### Эллик биринчи боб.

#### Расаларнинг бузилган кўринишда намоён бўлиши

*Расабхаса*, яъни бир-бирига тўғри келмайдиган расалар бирикмасида *упараса*(нотўғри ифода-лаш), *анураса*(тақлид қилиш) ва *апараса*(расанинг бузилиб намоён бўлиши) турларини алоҳида кўриб чиқиш мумкин.

Бир имперсоналист Кришнага кўзи тушганда шундай деб хитоб қилган эди: "Моддий тирикчиликнинг барча иллатларидан бутунлай халос бўлган одам чуқур илоҳий лаззат ҳис қилиб, жазава ҳолатига ғарқ бўлади. Аммо, Сени, азалий Худо Шахсини кўришим билан мен ҳам худди шундай илоҳий лаззат ола бошладим". Расанинг бундай бузилиб намоён бўлишини *шанта-упараса*, яъни имперсонализм ва персонализмнинг биргаликдаги бузилган акси деб атайдилар.

Кришнанинг яқин дўсти Мадхумангала Кришнанинг олдида ҳазиллашиб рақсга тушганида унга ҳеч ким эътибор бермади. Шунда у ҳазиллашиб шундай деди: "Эй азиз Худойим, илтимос, менга раҳминг келсин! Мен Сенинг марҳаматингга зорман!" Бу - Худога садоқат билан хизмат қилишдаги дўстлик ва нейтрал муносабатлардаги упарасага мисол бўлади.

Бир гал Камса синглиси Девакига шундай деган эди: "Азиз синглим, сенинг суюкли ўғлинг Кришнани кўриб, шуни тушундимки, У жуда кучли, шу боис тоғдай кудратли полвонларни ўлдириш Унинг учун ҳеч гап эмас. Мен энди У

қандай хавfli олишувга тушса ҳам, Ундан мутлақо хавотирланмайман!" Бу ота-оналик муҳаббатининг бузилган акси, упарасага мисол.

Шрила Рупа Госвамининг "Лалита-мадхава"сида шундай дейилган: "Йаджна-брахманларнинг хотинлари барчаси бирдай ёш эдилар, уларнинг барчаси Кришнага нисбатан худди Вриндавандаги гопилар сингари туйғуларни хис қилардилар. Кришнага қаттиқ боғланганликлари таъсири остида улар Кришнани ҳар хил таомлар билан меҳмон қилдилар". Бу ерда икки раса кўрсатилган: ошиғона муҳаббат ва ота-оналарча меҳр. Уларнинг бирикиши натижасида ошиғона муҳаббат упарасаси юзага келган.

Шримати Радхаранининг дугоналаридан бири шундай дейди: "Азизим Гандхарвика(Радхарани), қишлоғимиздаги энг покдомон қиз эдинг, энди эса Сен худди иккига бўлингандайсан: бир томондан покдомонлигингча қолгансан, иккинчидан - поклигини йўқотгансан. Бунга албатта, Сен Кришнани кўриб, Унинг най овозини тинглаганингда Сенинг қалбингни жароҳатлаган севги фариштаси сабабчи бўлди". Бу - ошиғона муҳаббатда икки хил қизиқиш пайдо бўлишини тасвирловчи упарасага мисол.

Бу соҳани мукамал биладиган донишмандларнинг фикрига кўра, севишганлар орасидаги муносабатларда пайдо бўладиган туйғулар расаларнинг ҳар хил бузилган турларини акс эттириши мумкин.

"Кришнанинг нигоҳи гопиларни поклади, шунинг учун севги фариштасининг таъсири уларнинг танасида аниқ кўриниб турар эди". Дунёвий ахлоқ-одоб қоидаларига кўра, қиз болага йигитнинг назари тушганини қиз боланинг булғанишидай бир ҳол деб ҳисобланади. Аммо Кришна Ўзининг илоҳий нигоҳини гопиларга ташлаганида, бу нигоҳ уларни поклайди. Бошқача қилиб айтганда, Кришна - Мутлақ Ҳақиқат, шунинг учун Унинг ҳар қандай ҳаракати ҳам мутлақо пок, соф илоҳий ҳисобланади.

Йамуна дарёсида Кришна Калияннинг бошларида рақсга тушиб, уни жазолагандан кейин, Калия-наганинг хотинлари Кришнага илтижо қила бошладилар: "Эй подачи, бизлар шунчаки Калия-наганинг ёш хотинларимиз, нимага Сен Ўзингнинг най овозларинг билан бизларнинг ақлимизни бузаясан?" Кришна уларнинг эрига раҳм қилиши учун Калияннинг хотинлари Унга тилёгламалик қилар эдилар. Демак, бу ердаги раса - упараса, расани нотўғри ифодалашга мисол бўла олади.

Бир содиқ аёл шундай дейди: "Азизим Говинда, Каиласдаги чиройли гуллаб ётган гулзорга бир қара. Мен - ёш гўзал қизман, Сен эса - шоирона ёш йигитсан. Бизларга бундан бошқа яна нима керак? Энди Ўзинг ўйлаб кўр!" Бу - ошиғона муҳаббатда дадиллик туфайли юзага келган упарасага мисол.

Вриндаван орқали ўтар экан, Нарада Муни Бхандираванга келди, у ерда ҳамиша Парвардигор Кришнага ҳамроҳ бўлиб юрадиган иккита машхур

тўтиқушни кўриб қолди. Тўтиқушлар бир пайтлар учратган икки ведантист олимга тақлид қилардилар, шу боис улар худди чуқур фалсафий мавзуда баҳслашаётгандай кўринардилар. Бу манзара Нарада Мунини шу қадар хайратга солдики, у тўтиқушлардан кўзини узолмасдан, турган жойида қотиб қолди. Бу - *анураса*, тақлид қилишга мисол.

Кришна жанг майдонини ташлаб кетиб қолганида, Жарасандха чексиз мағрурланиб, Унинг орқасидан кузатиб турарди. Ўзининг ғалабасидан гердайиб, у баъзан қаттиқ кулиб юборарди. Бу - *апарасага* мисол.

Худого садоқат билан хизмат қилишда Кришна билан боғлиқ бўлган туйғуларнинг ҳаммасини жазавали муҳаббат деб атайдилар, аммо бу муҳаббат туйғуси ҳар хил намоён бўлиши мумкин: баъзан тўғри, баъзан расанинг бузилган акси кўринишида. Билимдон донишмандларнинг фикрига кўра, инсоннинг қалбида Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат уйғонишига сабаб бўладиган нарсаларнинг барчасини илоҳий расаларга рағбатлантирувчи нарсалар деб ҳисоблаш керак.

## Муқаддима.

Асарнинг муқаддимасида Шрила Рупа Госвами айтадики, оддий одамларнинг "Бхакти-расамрита-синдху" асарининг мазмунини тушуниб олишлари жуда мушкул. Лекин барибир у Парвардигор Кришна, Худонинг мангу Олий Шахси бу асарни ёзгани учун ундан мамнун бўлишига умид қилади.

Шрила Рупа Госвами бу асарни тахминан 1552 йил Гокула Вриндаванада тугатган. Ер юзида яшган пайтида Шрила Рупа Госвами Вриндаванниг ҳар хил жойларида бўлган, лекин унинг асосий иш жойи ҳозирги Вриндавандаги Радха-Дамодара эҳроми эди. Шрила Рупа Госвамининг *бхаджана-кутир*(у садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлган жой)и ҳозир ҳам муқаддас саждагоҳ ҳисобланади. Радха-Дамодара эҳроми ҳовлисида икки эсдалик бор - биттаси унинг *бхаджана* ўтказган жойида, иккинчиси - унинг танаси қўйилган жойида. Менинг *бхаджан* ўтказадиган жойим мана шу қабрнинг ортида жойлашган, лекин мен 1965 йилдан бери у ерда яшамайман. Лекин ҳозир менинг шогирдларим унга қараб турадилар. Ҳозир мен Кришнанинг амру-иродаси билан Кришнани англаш Халқаро жамиятининг Лос-Анжелесдаги эҳромида яшайман. Шрила Рупа Госвамининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарига ёзган изоҳларимни бугун, 1969 йил, 30 июнда тугатдим.

Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада

## Мундарижа

Вриндаванда яшаган олти Госвамига мурожаат  
 Сўз боши  
 Кириш .....

Биринчи қисм

Биринчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг алоҳида белгилари

Иккинчи боб. Садоқатнинг бошланғич босқичлари

Учинчи боб. Кимлар Худога садоқат билан хизмат қила оладилар

Тўртинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг руҳий озодликка чиқишнинг барча турларидан устунлиги

Бешинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг поклиги

Олтинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш қандай бўлиши керак

Еттинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг муқаддас китобларда асосланганлиги

Саккизинчи боб. Қандай ҳақоратлардан эҳтиёт бўлиш керак

Тўққизинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларининг давоми

Ўнинчи боб. Тинглаш ва эслаш санъати

Ўн биринчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш турлари

Ўн иккинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш турлари(давоми)

Ўн учинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг кудратли беш тури

Ўн тўртинчи боб. Худонинг содиқларининг сифатлари

Ўн бешинчи боб. Худога самимий садоқат билан хизмат қилиш

Ўн олтинчи боб. Худога самимий садоқат билан хизмат қилиш(давоми)

Ўн еттинчи боб. Парвардигорга нисбатан жазавали илоҳий муҳаббат

Ўн саккизинчи боб. Парвардигорга нисбатан жазавали муҳаббат поғонасига эришган содиқнинг сифатлари

Ўн тўққизинчи боб. Худога соф муҳаббат билан хизмат қилиш

Иккинчи қисм.

Йигирманчи боб. Илоҳий раса

Йигирма биринчи боб. Парвардигор Шри Кришнанинг сифатлари.168

Йигирма иккинчи боб. Парвардигор Шри Кришнанинг сифатлари(давоми)

Йигирма учинчи боб. Кришнанинг шахсининг таърифи

Йигирма тўртинчи боб. Кришна шахсининг таърифи(давоми)

Йигирма бешинчи боб. Кришнанинг содиқлари

Йигирма олтинчи боб. Жазавали муҳаббатни

рағбатлантирувчи нарсалар

Йигирма еттинчи боб. Жазавали муҳаббат аломатлари

Йигирма саккизинчи боб. Бевосита жазавали муҳаббат

Йигирма тўққизинчи боб. Кришнага нисбатан муҳаббатнинг намоён бўлиши

Ўттизинчи боб. Кришнага нисбатан жазавали муҳаббатнинг кўринишлари

Ўттиз биринчи боб. Жазавали муҳаббатнинг кўшимча аломатлари

Ўттиз иккинчи боб. Ҳамиша жазавали лаззат ҳолатида юриш аломатлари

Ўттиз учинчи боб. Жазавали муҳаббатнинг билвосита намоён бўлиши

Ўттиз тўртинчи боб. Худога садоқат лаззати

Учинчи қисм

Ўттиз бешинчи боб. Худога муҳаббатнинг нейтрал тури

Ўттиз олтинчи боб. Илоҳий боғланганлик(хизмат қилиш)

Ўттиз еттинчи боб. Кришнага садоқат билан хизмат қилишни рағбатлантирувчи омиллар

Ўттиз саккизинчи боб. Бефарқлик ва ҳижрон

Ўттиз тўққизинчи боб. Кришна билан учрашув турлари

Қирқинчи боб. Фарзандларнинг ва бошқаларнинг эҳтиромли садоқати

Қирқ биринчи боб. Кришнага қариндошларча садоқат кўрсатиш

Қирқ иккинчи боб. Кришна билан дўстона муносабатлар

Қирқ учинчи боб. Ошиқ-маъшуклар муносабатида садоқат билан хизмат қилиш

Қирқ тўртинчи боб. Кришнага ошиқлар муносабатида садоқат билан хизмат қилиш

Тўртинчи бўлим.

Қирқ бешинчи боб. Жазавали кулги

Қирқ олтинчи боб. Ҳайратга тушиш ва олижаноблик

Қирқ еттинчи боб. Ҳамдардлик ва ғазабланиш

Қирқ саккизинчи боб. Қўркув

Қирқ тўққизинчи боб. Аралаш расалар

Эллигинчи боб. Аралаш расалар таҳлили(давоми)

Эллик биринчи боб. Расаларнинг бузилган кўринишда намоён бўлиши

Муқаддима